

Ўзбекистон Республикаси
Табиатни муҳофаза қилиш
давлат қўмитаси

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
АТРОФ-МУҲИТ ҲОЛАТИ
ВА ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДА
МИЛЛИЙ МАЪРУЗА - 2008**

(1988-2007 йиллар бўйича ретроспектив таҳлил)

Тошкент-2008

20.18
Ў32

ISBN: 978-9943-313-08-8

Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида миллий маъруза-2008 : (1988-2007 йиллар бўйича ретроспектив таҳлил) / ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси; тузувчилар: С.В.Самойлов, У.Б.Абдужалилов, Л.А.Аксенова ва бошқ.; Б.Б.Алихоновнинг умумий таҳрири остида; масъул мухаррир С.А.Джакбаров. - Ташкент: Chinor ENK, 2009. - 288 б.

I. Самойлов С.В. (тузувчи)

Тузувчилар:

С.В. Самойлов (раҳбар), У.Б. Абдужалилов, Л.А. Аксенова, Т.А. Арифханов, Б.К. Ахмеджанов, И.М. Бекмирзаева, В.И. Беликов, А.А. Григорьянц, Н.П. Доценко, Н.М. Каримов, Н.В. Королева, Н.М. Рустамова, М.М. Маманазаров, Р.И. Маматкулов, М.Д. Носиров, К.Ф. Садиков, У. Собиров, Р.Ф. Сотиволдиев, Қ.Ж. Таджиев, Т.С. Тилляев, Н.Г. Убайдуллаева, Н.М. Умаров, Р.С. Хабиров, М.Ж. Ходжаев, И.Н. Хушвактов, А.Х. Шабанов, Н. Шокиров, Н.Д. Юнусов (Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси); И.Р. Баратов (ФВВ), И.С. Махмадияров (Давгеодезкадастрқўм), С.С. Сангинов (Ўзбекистон ННТ Экофоруми), Б.Ж. Азимов (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги), А. Исматов (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги бош бошкармаси), Н.А. Фролова (Ўзгидромет), Т.Б. Ли (Соғликни сақлаш вазирлиги), Н.Г. Мавлянов, И.В. Гражданкин, И.Г. Семерня (Давгеологияқўм), Т.Э. Мавлянов (Давгеологияқўм Гидроингео), Р.Ш. Шоякубов (Фанлар Академияси «Ботаника» ИИЧМ), Ж.А. Камолов (ИИВ), Ѓ.С. Мухамадрахимов (ГИ «Ўзсаноатконтехназорат»), А.У. Мухамедалиев («Ўзкоммунхизмат» агентлиги).

Б.Б. Алихонов умумий таҳрири остида.

Масъул мухаррир: С.А. Джакбаров

ББК 20.18

Мундарижа

| | | | |
|---|----|---|-----|
| Сўзбоши | 5 | IV. ЕР РЕСУРСЛАРИ | 69 |
| Кириш | 6 | 4.1. Ер ресурсларидан фойдаланиш ва унинг ҳолати | 69 |
| I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭКОЛОГИК СИЁСАТ | 11 | 4.2. Ер ресурсларининг мелиоратив ҳолати | 71 |
| 1.1. Баркарор ривожланишни таъминлаш бўйича экологик-иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишлари | 11 | 4.3. Ерларнинг таназзули | 71 |
| 1.2. Экологик фаолиятнинг асосий йўналишлари .. | 12 | 4.4. Ерларнинг шўрланиши | 71 |
| II. АТМОСФЕРА | 14 | 4.5. Ерларнинг эрозияси | 76 |
| 2.1. Ҳавонинг ифлосланиши ва озон қатламининг бузилиши. Озонни емирувчи моддалардан (ОЕМ) фойдаланиш | 15 | 4.6. Ерларнинг пестицидлар билан ифлосланиши. Минерал, органик ўғитлар ва пестицидларнинг чиқарилиши | 76 |
| 2.2. Атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ташланиши | 17 | 4.7. Яйловлар дегрессияси | 81 |
| 2.2.1. Турғун ифлослантирувчи манбалар | 18 | 4.8. Ерларни сув босиши | 81 |
| 2.2.2. Кўчма ифлослантирувчи манбалар | 21 | 4.9. Давлат ер кадастрини ташкил этиш ва юритиш | 82 |
| 2.3. Йўл транспорт воситалари саройининг ишлатилаётган ёқилги тури бўйича таркиби. Йўл-транспорт воситалари саройининг ўртача ёши | 23 | 4.10. Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик усули | 82 |
| 2.4. Шаҳарлarda ва шаҳар аҳоли яшаш пунктларида атмосфера ҳавосининг сифати | 25 | 4.11. Ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш устидан давлат назорати | 83 |
| 2.5. Атмосфера ҳавосининг трансчегараевий ифлосланиши | 26 | V. ЧИҚИНДИЛАР | 87 |
| 2.6. Иқлим ўзгариши | 31 | 5.1. Чикндиларни бошқариш | 87 |
| 2.6.1. Ҳарорат ўзгариши | 31 | 5.2. Чикндиларнинг ҳосил бўлиши. Ҳолати ва классификацияси, утилизация ҳамда улардан қайта фойдаланиш. Чикндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри | 88 |
| 2.6.2. Атмосфера ёғингарчиликлари | 31 | 5.3. Чикндиларнинг ҳосил бўлиши, жойлаштирилиши, утилизацияси ва қайта ишлаш жараёнларида табиий ресурслардан фойдаланишнинг меъёр ва қоидаларга риоя этилиши устидан давлат назорати | 96 |
| 2.6.3. Буғхона газлари (БГ) ташламалари | 32 | VI. МИНЕРАЛ-ХОМ АШЁ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ | 98 |
| 2.7. Атмосфера ҳавосининг муҳофаза қилиниши устидан давлат назорати | 35 | 6.1. Ўзбекистон Республикаси минерал-хом ашё базаси | 98 |
| III. СУВ РЕСУРСЛАРИ | 38 | 6.2. Минерал-хом ашё ресурсларининг умумий ҳолати ва улардан фойдаланиш | 101 |
| 3.1. Сув ресурслари ҳолати | 38 | 6.3. Умумтарқалган фойдали қазилмалар: уларнинг ҳолати ва ишлатилиши | 103 |
| 3.1.1. Орол денгизи ҳавzasи бўйича сув ресурсларининг тақсимланиши | 38 | 6.4. Ўзбекистон Республикасида инвесторлар кафолатлари ва хуқуqlари | 105 |
| 3.1.2. Дарёлар, сув омборлари, кўллар, ҳавзалар, ер ости сувлари | 39 | 6.5. Умумтарқалган фойдали қазилмаларни муҳофаза қилиш ва оқилона фойдаланиш устидан давлат назорати | 108 |
| 3.2. Сув ресурсларининг ифлосланиш манбалари .. | 48 | VII. БИОХИЛМА-ХИЛЛИК | 110 |
| 3.3. Сув ресурсларининг сифати ва трансчегараевий таъсири | 48 | 7.1. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар (кўрикхоналар, табиий ва миллий боғлар, буюртмахоналар, табиат ёдгорликлари) | 110 |
| 3.4. Умумий сув таъминоти ва сувни чиқариш. Ифлосланган оқава сувлар | 54 | 7.2. Ўсимлик олами | 124 |
| 3.5. Маиший ва коммунал хўжалигига сувдан фойдаланиш | 57 | 7.3. Ўрмондан фойдаланиш | 125 |
| 3.6. Ичимлик сувидан фойдаланиш | 59 | 7.4. Ҳайвонот олами (шу жумладан, балиқ ресурслари). Қушлар. Асосий ҳайвонлар, шу жумладан, овчилик турларининг ҳолати | 126 |
| 3.7. Сувдан такроран фойдаланиш ва айланма ишлатиш | 59 | 7.5. Ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликларнинг ноёб ва йўқолиб бораётган турлари | 134 |
| 3.8. Айдар-Арнасой кўллар тизимида (ААКТ) экологик вазият | 59 | | |
| 3.9. Орол денгизи ва Оролбўйидаги экологик вазият | 62 | | |
| 3.10. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар (сув объектлари ва чучук ер ости сувлари шаклланиш минтақалари) | 66 | | |
| 3.11. Сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш устидан давлат назорати | 67 | | |

| | | | |
|--|-----|--|-----|
| 7.6. Ҳайвонлар миграцияси | 135 | 12.6. Давлат экологик сертификатлаштириш, стандартлаштириш ва меъёрлаштириш..... | 221 |
| 7.7. Биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш устидан давлат назорати..... | 135 | | |
| 7.8. Ўзбекистон Республикаси ўсимлик ва ҳайвонот олами объектларининг Давлат кадастрини юритиши | 142 | XIII. ИЛМ-ФАН, ЭКОЛОГИК ТАРФИБОТ ВА ТАЪЛИМ | 224 |
| 7.9. Қорақалпоғистон Республикаси муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларидағи ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси давлат кадастри | 144 | 13.1. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолияти..... | 224 |
| VIII. АТРОФ МУҲИТ ВА САЛОМАТЛИК | 151 | 13.2. Барқарор ривожланиш учун экологик таълим. Экологик ташвиқот ва ахборот-таълим тарғибот фаолияти | 236 |
| 8.1. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши билан боғлиқ соғлиқни саклашнинг асосий муаммолари | 151 | 13.2.1. «Чинор ЭНК» Экологик нашриёт компаниясининг сўнгги йиллардаги фаолияти | 239 |
| 8.2. Тоза истеъмол сувидан ва канализациядан фойдаланиш..... | 154 | 13.3. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида жамоат ташкилотлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари (ННТ) фаолияти | 239 |
| 8.3. Атроф-муҳит ҳолати ва озик-овқатлар сифати | 156 | 13.4. Жамоат ташкилотлари билан ишлаш | 244 |
| IX. РАДИАЦИЯВИЙ ҲАВФСИЗЛИК | 157 | | |
| 9.1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари радиациявий ҳолат ҳақида | 157 | XIV. ҚАЙТА ТИКЛАNUVЧАН ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ | 245 |
| 9.2. Собиқ уранли объектларни реабилитация қилиш муаммоси билан боғлиқ минтақавий муаммолар..... | 158 | 14.1. Куёш энергияси | 250 |
| X. АТРОФ-МУҲИТ ҲОЛАТИ ВА ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ МОНITORИНГИ | 160 | 14.2. Шамол энергияси ва кичик сув оқимлардан фойдаланиш..... | 250 |
| 10.1. Атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбалар мониторинги | 161 | 14.3. Биомасса энергияси ва экологик ёқилғиларнинг бошқа турлари | 252 |
| 10.1.1. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар мониторинги..... | 167 | | |
| 10.1.2. Оқава сувлар ифлослантирувчи манбалари мониторинги ва уларнинг республика асосий сув ҳавзалари сифатига таъсири..... | 169 | XV. ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК | 256 |
| 10.1.3. Тупрок ифлосланиши манбаларининг мониторинги..... | 172 | 15.1. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари | 256 |
| 10.2. Экологик индикаторлар ҳамда атроф-муҳит ҳолатини ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишини баҳолаш | 175 | 15.2. Халқаро Конвенция ва табиатни муҳофаза қилиш масаласи бўйича битимлар | 259 |
| XI. ТАБИИЙ ВА ТЕХНОГЕН ТУСДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР | 184 | 15.3. Халқаро экологик лойиҳалар | 261 |
| 11.1 Кўчки ва сел-тошқин ходисалари..... | 184 | | |
| 11.2. Техноген хатарлар ва саноат объектлари ҳавфсизлигини декларациялаш | 185 | XVI. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭКОТУРИСТИК САЛОҲИЯТИ | 282 |
| XII. АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИНГ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН БОШҚАРИЛИШИ | 188 | | |
| 12.1 Табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишини назорат қилиш ва бошқариш давлат органларининг тизими..... | 188 | XVII. ХУЛОСА | 285 |
| 12.2. Табиатдан фойдаланишини бошқаришнинг иқтисодий услублари | 189 | | |
| 12.3. Меъёрий-услубий база..... | 199 | | |
| 12.4. Табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги..... | 206 | | |
| 12.5. Давлат экологик экспертизаси | 219 | | |

Сўзбоши

Учинчи минг йилликнинг бошланиши икки муҳим тенденция билан баҳоланади. Биринчидан, ҳозирги цивилизация глобал экологик муаммоларга дуч келди (икклим ўзгариши, озон қатлами бузилиши, ичимлик сувининг танқислиги ва ифлосланиши, ер ва ўрмонлар таназзули, биохилма-хилликнинг кискариши, ортиқча чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши ҳамда уларни утилизациялаш муаммоси ва ҳоказо). Иккинчидан, дунё жадал суръатлар билан ўзгари бормоқда. Шунинг учун кечаги мезонлар билан ҳозирги вазиятни объектив баҳолашнинг иложи йўқ, келажак истиқболларини белгилаш ҳақида сўз юритмаса ҳам бўлади.

«Йоханнесбург-2002» глобал форумида барча мамлакатларнинг XXI асрдаги ҳаракатлари дастури сифатида белгиланган XXI аср тараққиёт дастури тасдиқланди. Мазкур дастур - жаҳон амалийетининг жорий эҳтиёжларни қондириш ва бўлажак авлодлар манфаатларини таъминлашни ҳисобга олиб, атроф-мухит учун бехатар барқарор тараққиётни таъминлашга йўналтирилган ҳужжат ҳисобланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг расмий ҳужжатида «барқарор ривожланиш» интеграл тушунчasi тақдим этилган бўлиб, ушбу тушунча атроф табиий муҳитни сақлаш ва тикилашнинг асосий муаммолари ҳамда барча авлодлар учун муносиб ҳаётни таъминлашга асосланган.

Ўзбекистон Республикасида атроф-мухит ҳолати, унга таъсири ва муҳофаза қилиш, шунингдек табиий ресурслардан фойдаланишни баҳолаш механизми ёки кенг маънода умумлаштирилган интеграл таҳлили сўнгги йигирма йилда катта одимлар билан ривожланди.

Инсон ва атроф-мухит химояланиши ҳолати ҳамда ифлосланган атроф-мухитнинг хавфли таъсири конуниятлари ва ўзаро муносабати ҳақидаги билимлар тизимининг шаклланиши умумий муаммоси, шунингдек, экологик хавфсизликни таъминлашнинг

ягона ва мажмуавий тизимини яратиш муаммоси вужудга келади.

Тақдим этилаётган маърузада Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг тузилмавий бўлинмалари маълумотлари, аввал нашр этилган «Ўзбекистон Республикасида атроф табиий мухит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида»ги миллий маърузалар (1991, 1995, 1998, 2002, 2005 йиллар), «Экологик индикаторлар бўйича Ўзбекистон атроф-мухити ҳолатини баҳолаш» атласи, вазирликлар, идора ва ташкилотлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Даствури (БМТД), ЮНЕП, Жаҳон банки ва бошқа халқаро ташкилотлар экологик ахборотини умумлаштириш асосида сўнгги 20 йил давомида атроф-мухит ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳолати ва ретроспектив таҳлили, тараққиёт баҳоси, тамойиллари ва башорати биринчи марта ёритилади. Экологик хавфсизликнинг вужудга келиш механизмлари, шахс, жамият, шунингдек, давлат ҳамда турли фаолият турига ихтисослашган ташкилотлар, корхоналар, обьектлар экологик хавфсизлигини таъминлаш бўйича тизимли ёндашувнинг ўзаро боғлиқлиги очиб берилади.

Шунингдек, атроф-мухитнинг ҳозирги ҳолати, табиий ресурслардан фойдаланиш, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва сифатини яхшилаш бўйича амалга оширилган ва оширилаётган фаолият ҳақида маълумотлар тақдим этилган.

Мазкур маъруза кенг маънода вазирликлар, идоралар, давлат ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, жамоат ва бошқа ташкилотлар, илмий-тадқиқот ва ўкув муассасалари, мутахассислар, олимлар, шунингдек, табиий ресурслардан фойдаланиш, ифлослантирувчи моддаларни чиқариш ва ташлаш, чиқиндиларни бошқариш, биохилма-хилликни сақлаш ва муҳофаза этиладиган ҳудудлар билан боғлиқ фаолиятни амалга оширадиган корхона ва муассасалар учун мўлжалланган.



Кириш

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуки ва эркинлигига амал қилиш, ижтимоий ва экологик йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш орқали дунё ҳамжамиятига тўла ҳуқуқи интеграциялашишини таъминловчи ҳуқуқий демократик давлат ва очик фуқаролик жамиятини барпо этмоқда. Республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучи инсоннинг баркамол ривожланиши ва фаровон ҳёти, шахс манфаатларини амалга ошириш шароитлари ҳамда амалий механизмларини яратишдан иборатdir.

«Халқаро ҳамжамият инсоннинг нафакат яшаш ҳуқуки, балки тўлаконли ва соғлом турмуш кечириши учун зарур мўътадил атроф-мухит шароитларига ҳам эга бўлган ҳуқукларининг муқаддас ва дахлсизлигини аллақачонлар эътироф этган. Экологик хавфизлик долзарблиги, жуда зарурлиги билан инсониятнинг бугуни ва ёртаси учун энг муҳим муаммолари жумласига киради...».

Халқаро ҳуқуқий тажрибалар, замонавий фан, техника ва технологиялар асосида экологик хавфизликнинг муқаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон миллый хавфизлигини таъминлашнинг асосий шартларидан бири хисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг экологик хавфизлик сиёсати Конституция, конунчилик, Ўзбекистон Республикаси Миллый хавфизлик концепцияси, атроф-мухит ва баркарор ривожланиш бўйича Рио-де-Жанейро ва Йоханнесбург Декларацияларининг тамойиллари асосида халқаро конвенциялар ва шартномалардан ҳамда етакчи давлатларнинг конунчилик соҳасидаги тажрибаларидан келиб чиқадиган республиканинг мажбуриятларини хисобга олган ҳолда олиб борилади.

Ўзбекистон, барча собиқ иттифоқ давлатлари каби, ишлаб чиқариш учун катта миқдорда энергия ва материаллар сарф этишни талаб қиласидиган, маънавий эскирган ва атроф-мухитни ифлослантирадиган жиҳозлар ҳамда технологияларга эга иқтисодиётни мерос қилиб олди.

Маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида макроиктисодий режалаштиришнинг табиатни муҳофаза қилиш сиёсати билан оптималь уйгунашуви ва унинг ижтимоий ҳамда бошқа соҳаларда юритилаётган сиёсат билан ҳамоҳанг бўлиши биринчи даражали муҳим вазифа бўлиб қолди. Республика экологик сиёсати табиатнинг алоҳида унсурларини химоя қилишдан экотизими умумий химоялашга ўтишга, инсон яшайдиган муҳитининг ҳаёт кечириш қулай жиҳатларини кафолатлашга йўналтирилган. Бундай экологик сиёсатнинг амалга оширилиши халқ хўжалиги мажмуи ва умуман жамиятнинг баркарор ривожланиши шартларидан бири бўлиб қолиши керак. Ўзбекистон Республикасининг экологик сиёсати натижаларидан бири инсон саломатлиги учун юкори даражадаги хавфга эга худудларда атроф-мухит сифатини яхшилаш ва экотизимни баркарорлаштиришдан иборат бўлди.

Оролбўйида экологик вазиятнинг оқибатларини бартараф қилиш бўйича тадбирлар амалга оширилмоқда - кичик маҳаллий сув ҳавзалари, ичимлик суви таъминоти қувурлари қурилиши олиб борилмоқда. Республикада 1989 йилдан бошлаб ифлослантирувчи моддаларнинг атмосфера га чиқарилиши 2,1 баробарга пасайди, ифлосланган оқава сувларининг ташланиши 2,0 баробар камайди. Пестицидлардан фойдаланиш кейинги 5 йил давомида 4 баробарга қискарди.

Пахта экилишининг камайтирилиши хисобига экин майдонлари тузилмасида ғалла ва дуккакли, сабзавот ва полиз, картошка экин майдонларининг ошиш тенденцияси шаклланди. Ҳозир пахта экиладиган майдонлар анча қисқартирилиб, экин майдонлари ҳажмининг 40,6 фоизини ташкил этади. Кўриқхоналар, миллий боғлар, буюртма қўриқхоналари ва экомарказлар ривожлантрилмоқда.

Республикада Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан бошқариладиган давлат табиатни муҳофаза қилиш тизими ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва қайта тиклаш соҳасида давлат назорати ва тармоклараро бошқарувини амалга оширувчи маҳсус ваколатли, идоравий ва мувофиқлаштирувчи орган хисобланади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, ИИВ, «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси ва Давергеодезкадастр қўмитаси ҳам табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назорати органдари хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг асосий вазифалари қўйидагилар хисобланади:

- экологик хавфизлик, атроф-мухитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва қайта тиклаш соҳасида ягона давлат сиёсатини таъминлаш;

- вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек алоҳида шахслар томонидан ерлар, қазилма бойликлар, сув, ўрмонлар, ҳайвонот ва ўсимлик олами, атмосфера хавосидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги конунларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

- табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини тармоклараро комплекс бошқарувини амалга ошириш;

- атроф-мухитнинг қулай ҳолатини таъминлаш ва экологик ҳолатни соғломлаштириш бўйича ишларни ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш.

Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш масалаларини бошқариб турадиган меъёрий-ҳуқуқий база мавжуд бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан олиб борилаётган ишлар сарали бўлмайди. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш

соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар хўжалик фаолияти-нинг атроф-мухитга салбий таъсирини чеклайди, табиий ресурслар қайта тикланишини кафолатлайдиган атроф-мухит сифатига бўлган талабларни, шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш бўйича бажариладиган ишлар қоидаларини белгилайди.

Мустақиллик йилларида республикада атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларини бошқариб турадиган қарийб 30 та қонун ва 350 дан ортиқ меъёрий-хукукий ҳужжат қабул қилинди.

2007 йил яқуний ҳолатига кўра, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар давлат фонди 245 та ҳужжатни ўз ичига олади.

Булардан: давлатлараро ГОСТлар – 48 та; Ўзбекистон Республикаси стандартлари – 20 та; раҳбарлик ҳужжатлари – 91 та; санитар меъёрлари, қоида ва гигиеник нормативлар – 5 та; тавсиялар, кўлланмалар, йўриқномалар, кўрсатмалар, низомлар ва бошқа ҳужжатлар – 81 та.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мутахассислари ваколатли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонунлар ишлаб чикиш ва уларга ўзгартишлар киритишда иштирок этмоқдалар. Фақатгина 2007 йилнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мутахассислари томонидан бошқа идора ва вазирликлар вакиллари билан ҳамкорликда 68 та қонунлар лойиҳалари ва уларга ўзгартишлар, карорлар ва идоравий меъёрий ҳужжатлар бўйича таклифлар ишлаб чикилди ва киритилди. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси меъёрий-хукукий ва услубий базасини такомиллаштириш мақсадида, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш меъёrlарини бошқаридиган иккита ҳужжат қайта ишланди, еттига янги раҳбарлик йўриқномавий ҳужжати ишлаб чикилди.

Ўзбекистонда амал қилаётган табиатни муҳофаза қилиш қонунлари бутун мамлакат ҳудудида атроф-мухитни муҳофаза қилиш, табиий ресурсларни асрараш, оқилона фойдаланиш ва қайта тиклаш каби тадбирларнинг тўлиқ ҳажмда бажарилишини таъминлайди.

1996 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун қабул қилинганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва корхоналар билан биргаликда атмосфера ҳавосига салбий таъсирни камайтириш бўйича амалга оширилган чоралар туфайли 2007 йил яқунларига кўра, атмосферага чиқарилаётган ифлослантирувчи моддаларнинг умумий ҳажми 2 млн. тоннагача қисқарди. Сўнгги йигрма йилда турғун манбалардан заарарли моддаларнинг чиқарилиши 1,3 дан 0,6 млн. тоннагача камайди.

«Тоза ҳаво» тадбирлари жараёнида мунтазам ахборот кампаниялари ўтказилмоқда, «Тоза ҳаво» тадбирларининг натижалари йирик автотранспорт корхон-

наларида муҳокама этилиб, оммавий ахборот восита-ларида ёритилмоқда. Мисол учун, ўтган 2007 йилда 50 та телекўрсатув, 562 та радиоэшиттириш ўтказилди, республика ва вилоят миқёсидаги турли газеталарда 121 та мақола чоп этилди. Автотранспорт корхоналарида 48 та маъруза ташкил қилиниб, ўтказилди, 4941 дан ортиқ реклама плакатлари нашр қилинди, йирик шаҳарлар ва йўл-патруль хизмати постларида 187 та панно ва баннерлар жойлаштирилди.

2000 йилда «Экологик экспертиза тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуннинг қабул қилиниши атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасида катта аҳамиятга эга бўлди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши билан Давлат экологик экспертизасининг аниқ вазифалари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси таркибида давлат экология экспертизаси ташкил этилган давр мобайнида кўриб чиқилган обьектлар сони 44 мингдан ортиқни ташкил қилди, буларга шунингдек атроф-мухитга таъсирини баҳолаш ва экологик нормативлар лойиҳалари ҳам киради. 2007 йилда бутун мамлакат бўйича давлат экология экспертизаси томонидан кўриб чиқилган материаллар сони ўтган йилнинг худди шу даврига нисбатан 30,6 фоизга ошиди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Давлат экологик сертификатлаштириш, стандартлаштириш ва меъёрлаштириш каби йўналишига ҳам катта эътиборни қаратади. Экологик сертификатлаштиришнинг асосий мақсади – табиий муҳитни иложи борича кам ифлослантирадиган ҳамда истеъмолчига унинг ҳаёти, саломатлиги, мол-мулки ва яшаш муҳитига хавф туғдирмайдиган маҳсулот етказилишини кафолатлайдиган технолого-гик жараёнлар ва товарлар ишлаб чиқаришини жорий қилишини рағбатлантиришдан иборат.

Экологик тоза тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий қилиш мақсадида, 2005 йилдан бери Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси хузурида «Эко-энергия» илмий-тадбикӣ маркази фаолият юритмоқда. Марказ фаолиятининг асосий мақсади: атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва қазилма ёнилғи ресурсларини тежаш мақсадида тикланувчи энергия манбалари ресурсларини кўллаш ва амалиётга жорий қилиш йўлларини излаш; тикланувчи, экологик тоза энергия манбаларини тадбик қилиш ва уларни кенг миқёсда кўллаш; шунингдек катор бошқа йўналишлар ҳисобланади.

Марказда юқори малакали олим ва мутахассислар ишлайди. Уларнинг бевосита иштироқида турли лойиҳалар доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент вилоятларида катор фотоэлектр станциялари, электр энергияси ва иссиқлиқ олиш учун кичик ГЭСлар ва гелиоиситгичлар, чорвачиликка оид, саноат ва майший чиқиндишлардан биогаз ва экологик тоза юқори самарали биоорганик ўғитлар (биогумус) олиш бўйича курилмалар ишлаб чиқилиб, фойдаланишга топширилди.

Бугунги кунда қуёш фотоэлектр станциялари ва сувни иситиши коллекторлари Сурхондарё, Жиззах, Бухоро, Қашқадарё, Тошкент, Андижон вилоятлари

ва Қорақалпоғистон Республикасида муваффақиятлы күлланилмоқда.

1992 йилда атроф-мухитни мөшердан ортиқ ифлослантирганлик учун тұловлар ишлаб чиқилиб, амалиётта жорий килинди ва уларни үндериш тартиби белгиланди. Табиатдан фойдаланиш мөшерлари ва қоидаларини бузғанлик учун жарима белгилаш ва үндериш механизми ўзgartырıldı.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси тизимида бюджетдан ташқари республика ва маҳаллий табиатни муҳофаза килиш жамғармалари ташкил қилинди. Уларни шакллантириш манбалари ва фойдаланиш тартиби аниқланди. Бу атроф-мухитни муҳофаза килиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида янги молиявий ўзаро муносабатлар шаклланиши учун асос бўлиб хизмат килди.

2003 йил май ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф-мухитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун компенсация тұловлари жорий килинди. Буларга мувофиқ ифлослантирувчи моддаларни ташлаш ва чиқиндиларни жойлаштириш ҳажмлари камайганида тұловлар суммалари камаяди, ушбу ҳажмлар ошганида эса тұловлар коэффициентлари ошиши кўзда тутилган.

2006 йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 15-сонли «Табиатдан маҳсус фойдаланганлик учун тұловлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Бу эса маблагларнинг Табиатни муҳофаза килиш жамғармаларида жамланишини, табиатни муҳофаза килиш тадбирлари ва табиатни муҳофаза килиш ҳамда табиатдан фойдаланиш соҳасидаги илмий тадқикотлар ва изланишлар, янги мөшерий-услубий қўлланмалар ишлаб чиқилишини молиялаштириш имконини берди.

Натижада ҳар йили республика ва маҳаллий табиатни муҳофаза килиш жамғармаларига тушаётган маблағлар ҳажми ортиб бормоқда. Улар табиатни муҳофаза килиш тадбирларини бажариш, экологик холатни яхшилаш бўйича комплекс чораларни амалга оширилишига йўналтирилмоқда. Шу жумладан, 2007 йилда маҳаллий табиатни муҳофаза килиш жамғармаларига 2006 йилга нисбатан 35,9 фоизга кўп ёки 3,67 млрд. сўм атрофида маблағ келиб тушди. Давлат бюджетига 34,1 фоизга кўп ёки 1,69 млрд. сўм, Республика табиатни муҳофаза килиш жамғармасига (РТМҚЖ) 20,2 фоизга кўп ёки 429,3 млн. сўмдан ортиқ маблағ ўтказилди.

2007 йилда РТМҚЖ маблағларидан табиатни муҳофаза килиш мақсадларига, шунингдек, илмий-тадқикот, мөшерий-услубий ишлар, амалий табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари, экологик тарғибот, ноширлик фаолияти, қўмита ходимларини ўқитиш, малакасини ошириш ва халқаро ҳамкорликка 225,1 млн. сўм ёки 59,7 фоиздан ортиқ маблағ сарфланди. Шунингдек, ўтган 2006 йилда: «Ўзбекистоннинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларида жойлаштирилган объектлар учун қуёш энергиясини кўллаган ҳолда энергияни тежайдиган экологик хавфсиз

электр таъминоти комплексини ишлаб чиқиш, яратиш ва жорий қилиш»; «Конверсион фосфорли бўр таркибида фосфор бўлган ўғитга утилизациялаш ва карбонат ангидрид газини фосфогипсга қайта конверсиялаш жараёнини утилизациялаш»; «Қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда ёнилги кулшлакли чиқиндиларни тўлиқ йўқотиш ишлаб чиқариши технологиясини ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва ўзлаштириш»; «Орол денгизи ва Оролбўйи ҳудуди биохилма-хиллигини сақлаб қолиш бўйича ижтимоий-иқтисодий ахборотни шакллантириш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва башоратлаш» тадбирлари якунланди. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ фосфогипс чиқиндисини қайта ишлаш бўйича ишланган технологияга кўра, «Аммофос» ОАЖда қуввати йилига 10 минг тонна бўлган фосфогипсни қайта ишлаш курилмаси жорий килинди ва фойдаланишга топширилди, унинг қайта ишлаш ҳажмини йилига 300-350 минг тоннага етказиш мўлжалланмоқда.

2007 йилнинг ўзидағина республика бўйича табиатни муҳофаза килиш тадбирларига жами 239,4 млрд. сўм, шу жумладан, маҳаллий табиатни муҳофаза килиш жамғармалари маблағлари хисобидан – 363 млн. сўмдан ортиқ, Давлат бюджети маблағлари хисобидан – 5,906 млрд. сўм, корхона маблағлари ва улушли иштироки хисобига – тахминан 231,2 млрд. сўм ва 100 минг АҚШ доллари, ташки инвестиция хисобига – тахминан 1,862 млрд. сўм маблағ сарфланди. Амалга оширилган тадбирлар натижасида атмосферага ташланаётган ифлослантирувчи моддалар миқдори 5,2 минг тоннага, ер усти сув манбаларига ифлослантирувчи оқавалар ташланмаларининг ташланиши 1,6 млн. м³ га камайди, мөшер даражасида тозаланган оқава сувларини ташланиш ҳажми 88,74 млн. м³ га кўпайди, тўпланаётган чиқиндилар ҳажми 9 фоизга камайди, умумий майдони 2477 га бузилган ерлар рекультивацияланди, 5024,4 га майдондаги ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Қуввати 48,4 минг м³/соат бўлган чанггаз тозалаш курилмалари фойдаланишга топширилди, айланма сув билан таъминлаш тизимлари жорий килинди, натижада уларнинг ҳажми 7,03 млн. м³ га кўпайди, 38 минг м³ сув тежалди.

Экологик ҳолат барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, Айдар-Арнасой кўллар тизимидан самарали фойдаланиш мақсадида, Айдар-Арнасой кўллар тизимидағи мавжуд вазиятни ўрганиш ва экологик муҳитнинг барқарорлигини таъминлаш бўйича комплекс дастур лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бунга алокадор бўлган вазирлик ва идоралар билан келишилди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан (05.12.2007 йил 1527-сон карор) маъкулланди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитасининг мувофиқлаштириш ишларини кучайтириш мақсадида, ҳар йили Ички ишлар вазирлиги (ИИВ), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (ФВВ), Давергеодезкадастр қўмитаси, Ўзгидромет, бошқа вазирлик ва идоралар билан экологик муаммоларни комплекс ҳал қилиш

бўйича қатор кўшма тадбирлар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари мамлакатдаги экологик ҳолатни соғломлаштиришга йўналтирилган бошқа қатор тадбирлар бажарилмоқда.

Тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикасининг чиқиндиларни бошқариш бўйича миллий стратегияси ва ҳаракатлар режаси», «Ўзбекистон Республикасининг тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш миллий Дастури» лойиҳалари ишлаб чиқилди ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритилди. «Биоэкосан» бўйича тадбирлар режаси тасдиқланди. Ваколатли вазирлик ва идоралар билан «Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш концепцияси» ишлаб чиқилди ва келишилди, ушбу концепция Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланди. Экологик таълим ва барқарор тараққиёт учун таълимни ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Декадаси доирасида тадбирларни мувофиқлаштириш ишлари 2007 йилга режаси тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрга маҳсус таълим, Халқ таълими вазирлеклари ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг «Ўзбекистон Республикасида экологик таълимни ривожлантириш тизимини такомиллаштириш, экологик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш истиқболлари тўгрисида»ги уч томонлама қарорининг ижроси устидан мунтазам назорат олиб борилмоқда.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, чиқиндиларни қўмиш ва утилизациялаш жойлари давлат кадастрларини юритиш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Қорақалпоғистон Республикасининг ҳайвонот ва ўсимлик дунёси давлат кадастрлари, шунингдек, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларидаги сув объектларининг ҳозирги ахволи ҳақидаги маълумотларининг электрон базаси яратилмоқда. Жиззах ва Навоий вилоятлари ҳайвонот ва ўсимлик олами кадастрлари бўйича материаллар тайёрланди ва чоп қилинди. «Сайгачий» ва «Судочье» давлат буюртма қўриқхоналари ҳудудларидаги ноёб, эндемик ва йўқолиб бораётган ўсимликлари, шунингдек, Устюртдаги иккита муҳофаза этиладиган ҳудудидаги ёввойи холда ўсадиган техник ўсимликлари кадастри тузилди. Ушбу ҳудудларда умуртқали ҳайвонлар бўйича маълумотлар таҳлил қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жанубий Оролбўйида тўқай ўрмонлари майдонларининг янада қисқаришининг олдини олиш, минтақадаги экологик ҳолатни барқарорлаштириш, биологик хилмачилликни асраш мақсадида, 2006 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Ҳукумати, БМТ Таракқиёт Даствури (БМТД) ва Глобал Экологик Фонднинг (ГЭФ) «Қорақалпоғистондаги Амударё соҳилбўйида тўқай ўрмонларини саклаб қолиш ва муҳофаза этиладиган ҳудудлар тизимларини мустаҳкамлаш» кўшма лойиҳасини амалга ошириш бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасиning 24.01.2004 йилдаги 37-сонли қарорига мувофиқ

Жаҳон банкининг кўллаб-қувватлашида «Дренажирригация инфратузилмасини таъмирлаш ва ветландларни тиклаш» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳа Беруний, Тўрткўл ва Элликсарай тумларидаги 10 минг га майдондаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун мўлжалланган бўлиб, ирригация-дренаж инфратузилмасини тиклаш, қатор ветланд ва археологик обьектларни асраш ва ҳолатини яхшилаш, ирригация-дренаж инфратузилмасидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш учун сувдан фойдаланувчилар ассоциациясини ташкил қилишга қаратилган.

1976 йилда республикада биринчи марта Бухоро вилоятида 5145 га майдонда жайронларни боқиши бўйича ихтисослаштирилган питомник ташкил қилинди. 1989 йилда питомник ноёб ҳайвон турларини кўпайтириш бўйича республика илмий-ишлаб чиқариш маркази - «Жайрон» экомарказига айлантирилди ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси таркибига қўшилди. Ҳозирги кунда унинг майдони 7,1 минг га гача кенгайтирилди. Унинг ҳудудида Ўзбекистон Қизил китоби ва Табиатни муҳофаза қилиш ҳалқаро иттифоки (ТМХИ) Қизил китобига киритилган жайрон, Пржевальский оти, кулон, йўрга-тувалоқ ва бошқа ҳайвонлар яшайди. «Жайрон» экомарказида Бухоро қўйини кўпайтириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Ёввойи ҳайвонлар сонининг сўнгги хисобига кўра, Экомарказ ҳудудида 549 та жайрон, 55 та кулон, 35 та Пржевальский оти, 9 та Бухоро қўйи ва битта морхўр мавжуд. 2007 йил апрель ва август ойларида Москва ҳайвонот боғи ва Тожикистон миллий боғига тегишилича 15 тадан жайрон юборилди.

Ҳисор давлат кўриқхонасида сўнгги йилларда ўта ноёб ҳайвон турлари популяцияси, мисол учун, илвирс 16 бошдан 19 бошгача, силовсин 84 бошдан 121 бошгача, айик 103 бошдан 158 бошгача кўпайган.

«Сайхун» хўжалиги бўйича, 2007 йилда инкубаторга 360 та ёввойи ўрдак тухуми қўйилган ва шундан 200 та ўрдак боласи очилган, табиий йўл билан 5 та фоз ва 45 та цесарка олинган, кўлда 400 кг маданий балиқ турлари етиштирилган.

Табиатни муҳофаза қилиш бўйича ҳалқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикаси ташкиси сиёсати стратегияси билан белгиланади. 1992 йилдан Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тўла ҳуқуқли аъзоси, МДҲ мамлакатлари давлатлараро экологик кенгаши аъзоси хисобланади.

Миллий сиёсат ва ҳалқаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари мамлакатнинг экологик салоҳиятини сақлашга асосланган. Ушбу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси «Озон катламини муҳофаза қилиш бўйича» Вена конвенцияси (18.05.1993 й.), «Табиий муҳитга ҳарбий ёки бошқа ҳар қандай зўравонлик билан таъсир қилишни тақиқлаш тўгрисида»ги Конвенция (26.05.1993 й.), «Биологик хилма-хиллик тўгрисидаги» Конвенция (06.05.1995 й.), «Бутунжаҳон маданий ва табиий меросларни муҳофаза қилиш тўгрисида»ги Конвенция (22.12.1995 й.), «Йўқолиб кетиши хавфи остида бўлган ёввойи фауна ва флора

турлари билан халқаро савдо қилиш тұғрисида»ғи Конвенция (01.07.1997 й.), «Ёввойи ҳайвонларнинг күчіб юрувчи турларини муҳофаза қилиш» бўйича Конвенция (01.05.1998 й.), «Асосан сувда сузувчи кушлар яшаш жойлари сифатида халқаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқ жойлари тұғрисида»ғи Рамсар конвенцияси (08.02.2002 й.), шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш бўйича ҳамкорлик соҳасидаги қатор давлатлараро битимларга кўшилди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг «Трансчегаравий очик сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ҳамда фойдаланиш» бўйича Конвенцияга (1992 йил 17 март, Хельсинки) ҳамда «Халқаро очик сув оқимларидан кемалар катнамайдиган турда фойдаланиш тұғрисида»ғи Конвенцияга (1997 йил 21 май, Нью-Йорк) кўшилиши зарурлиги бўйича асосларни тайёрлашда фаол иштирок этди. Натижада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 9 августдаги ПҚ-683-сонли «Халқаро шартномаларга кўшилиш тұғрисида»ғи карори қабул қилинди.

Давлатимизнинг ушбу конвенцияларга кўшилиши грант асосида ташки инвестициялар молиявий маблагларини жалб қилиш имконини берди. Ўзбекистонда республика табиатни муҳофаза қилиш органлари ишларини такомиллаштириш; янада тоза ишлаб чиқариш Миллий Марказини ташкил қилиш; Қизилкум-Нурота биосфера кўриқхонасини ташкил қилиш; БМТД ва Ўзбекистон хукуматининг атроф-муҳит бўйича дастури; Ғарбий Тянь-Шандаги биохилмалик бўйича трансчегаравий лойиха; Озон катламини асрар бўйича лойихалар; Марказий Осиё давлатлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича минтақавий харакатлар режаси ва бошқа йўналишлардаги лойиха ва дастурлар амалга оширилмоқда.

ЮНЕП (БМТ атроф-муҳит бўйича дастури) ташаббуси билан Марказий Осиё минтақаси Минтақавий экологик маркази ташкил қилинди, минтақадаги бешта давлатнинг ҳар бирида миллий оғислар очилмоқда. ЮНИДО доирасида янада тоза ишлаб чиқариш Миллий маркази тузилди. Халқаро эксперталар томонидан Ўзбекистон экологик фаолиятининг самарадорлиги шархи тайёрланди ва БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси хузуридаги Экологик сиёсат қўмитаси томонидан тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Рамсар конвенцияси Котибиятига Айдар-Арнасой кўллар тизими, асосан, сувда сузувчи кушлар яшаш жойлари сифатида халқаро аҳамиятга эга эканлиги ҳакида ариза киритиш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилмоқда.

Халқаро Конвенциялар доирасида, Ўзбекистон Республикаси томонидан олинган, бажарилиш масъулияти Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига юкланган мажбуриятлар бажарилмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси миллий ижрочи агентлик хисобланувчи 6 та халқаро табиат-

ни муҳофаза қилиш лойиҳаларини амалга оширилиши давом этирилмоқда. Хитой Ҳалқ Республикаси Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат бошқармаси ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўргасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича ўзаро муносабатлар Меморандуми имзоланди. Давлат ва хўжалик органларининг жамоатчилик билан алоқаларини янада ривожлантириш максадида 2006 йилда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Ахборот хизмати ташкил қилинди. Атроф-муҳит ҳолати мониторингининг ягона тизими ва ахборот таъминоти маълумотлар базаси шакллантирилди. Экологик индикаторлар маълумотлар базасига (ЭИМБ) интеграциялашган ГИСни ишлаб чиқиш тугалланди, унинг веб-сайти ишга туширилди, интернет орқали харитада ахборот тақдим этиши учун онлайн хариталаштириш тизими тузилди. Ўзбекистон ичida ва халқаро миқёсда экологик маълумотларни излаш, кўчириб олиш ва биргаликда қўллашни осонлаштириш максадида экологик ахборот маълумотлар базаси (ЭМБ) ташкил қилинди. Ўзбекистондаги асосий экологик муаммолар ва донорлик ёрдами харитасхемаси, шунингдек, Ўзбекистон экологик атласи тайёрланиб, нашр этилди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси веб-порталини такомиллаштириш ва янгилаш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Барча вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари ва қўмита бўлинмаларида ўз веб-сайтлари очилиб, веб-порталга киритилди.

Ҳар йили экологик билимларни тарғиб қилиш, экологик тарбия ва аҳолини ўқитиши бўйича ишлар саломги кўпаймоқда. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон телерадиокомпанияси томонидан «Одам ва олам» телекўрсатувини ташкил қилиш ва ўтказиши қўшма режаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. «Чинор ЭНК» экологик нашриёт компанияси ўз ишини тубдан яхшилаб, «Экология хабарномаси» журнали сифатини ошириди. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолияти давомида умумий адади қарийб 70 минг нусхалик 50 турдан ортиқ ноширлик маҳсулоти чоп этилди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси илмий-тадқиқот бўлинмалари томонидан Давлат Илмий Техник Дастурлари бўйича янги технологияларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш ишлари давом этирилмоқда.

1989 йилдан ҳозирги вақтгача амалга оширилаётган табиатни муҳофаза қилиш фаолияти натижасида республикада экологик вазиятнинг барқарорлашуви кузатилиб, баъзи алоҳида минтақаларда эса яхшиланди. Бироқ, яқин келажак ва истиқболда экологик хавфсизликни таъминлаш учун аниқ чоралар ва муйян комплекс тадбирлар қабул қилинишини тақозо этувчи камчилик ва муаммолар ҳам мавжуд.

I. Ўзбекистон Республикасида

ЭКОЛОГИК СИЁСАТ

1.1. Барқарор ривожланишни таъминлаш бўйича экологик-иктисодий сиёсатнинг асосий йўналишлари

Марказлаштирилган тарзда режалаштириш ва тақсимлаш механизмига асосланган собиқ совет тузими даврида иктиносидий ривожланишнинг бир томонлами хом ашёга ва пахта етиштиришнинг яккаҳокимлигига йўналтирилганлиги Ўзбекистон иктиносидиёти, экологияси ва ахоли генофондига ўта ҳалокатли таъсир кўрсатди.

Ўзбекистонда юзага келган мавжуд вазиятдан келиб чиқкан ҳолда, ҳалқнинг тарихан вужудга келган миллий ва маданий хусусиятларини ҳисобга олиб, мамлакатнинг табиий-иктиносидий салоҳиятини баҳолаш, сиёсий, иктиносидий ривожланиш, давлат ва жамият қурилишининг стратегияси ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, амалга оширилаётган ислоҳотлар, маъмурӣ-бўйрукбозлиг тамоилиларига асосланган марказлаштирилган тарзда режалаштириш бошқаруви тизимидан бозор иктиносидиётига ўтиш, иктиносидий ва молиявий барқарорликка эришиш ўйлайдаги иктиносидий қийинчиликларни муваффакиятли ҳал қилишга кўмаклашади.

Ўтиш давридаги иктиносидиётнинг давлат томонидан бошқарилиши, давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнини кучайтириш, хом ашёга йўналтирилган ишлаб чиқаришдан ракобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, ташки иктиносидий алоқаларни ривожлантириш, ички ва ташки инвестиция ресурсларини жалб қилиш ва ахолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўришга йўналтирилган, юқори ишчан фаолликни таъминловчи иктиносидий шарт-шароитлар яратилиш имконини беради.

Бозор иктиносидиётига ўтиш шароитида макроиктиносидий режалаштиришни табиатнинг алоҳида элементларини, экотизимларни умумий ҳимоя қилиш ва мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлашга йўналтирилган табиатни муҳофаза қилиш сиёсати билан бирга қўшиб олиб борилиши таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлиган кўшма йигилишида, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мамлакат тараққиётини, эришилган ютукларни ва келажакдаги вазифаларини чукур таҳлил қилиб берди.

И.А.Каримов ўз маърузасида босиб ўтилган йўлнинг мазмуни ва аҳамиятини таъкидлаб, уни икки мустақил даврга ажратди. Биринчи босқич – 1991 йилдан 2000 йилгача долзарб ислоҳотлар ва ўтиш даврининг ўзгаришлари, миллий давлатчиликнинг асосларини шакллантириш босқичи сифатида тавсифланади. Иккинчи босқич – 2001-2007 йиллар фаол демократик янгиланиш ва мамлакатни замонавийлаштириш ва қайта қуриш босқичи сифатида тавсифланди.

Ислоҳотлар даврида ижтимоий йўналтирилган бозор иктиносидиётига асосланган очик демократик давлат қуриш ва мамлакатда фуқаролик жамиятини шакллантириш амалга оширилди. Янги давлат ва жамият қурилиши асосига мамлакатни ислоҳ қилишнинг принципиал мақсадли вазифаларини белгилайдиган бешта тамойил асос бўлди:

биринчиси – иктиносидиёт гоясини ўзгартириш ва унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш;

иккинчиси – давлат бош ислоҳотчи бўлиши ва давлат, жамият ҳамда иктиносидий янгиланиш соҳасидаги ислоҳотлар ташаббускори бўлиши лозим;

учинчиси – қонун устуворлиги ёки барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги;

тўртинчиси – кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан заиф қатламлари ва гуруҳларини кўллаб-куватлаш бўйича давлатнинг жавобгарлиги;

бешинчиси – ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш, шок терапияси турли моделларидан воз кечиш.

Ўзбекистонда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида иктиносидиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида ҳозирги вақтда 1990 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) 1,3 баравар ўси, ЯИМ тузилмасидаги саноатнинг улуши 11 фоиздан 25 фоизгача, хизматлар соҳаси эса 18 фоиздан 42 фоизгача ёки 2 баравардан ортиқка ўси. Хусусий фермер хўжаликлари янги бозор инфратузилмаси яратилди. Иктиносидиётнинг нодавлат секторида ЯИМнинг 76 фоиздан ортиғи, саноат маҳсулотининг қарийб 80 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг барчаси ва бутун чакана товар айланмаси ишлаб чиқарилмоқда. Бунда корхоналарнинг 90 фоизи хусусий ва корпоратив мулкчиликка асосланган бўлиб, бу ерда жами иш билан банд аҳолининг 77 фоизи меҳнат қилмоқда. Аҳолининг, айниқса, қишлоқ жойларида яшаш шароитларини ва ҳаёти сифатини яхшилаш мақсадида, 36 минг км сув қувурлари ва 72 минг км газ тармоқлари қурилиб, топширилди, бу аҳолининг ичимлик суви билан таъминотини 84 фоизгача, шу жумладан қишлоқ ерларида 77 фоизгача, табиий газ таъминотини 82 фоизгача, қишлоқ ерларида 78 фоизгача ошириш имконини берди.

Меҳнат бозори шакллантирилди, 5 млн.дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди, ишсизлик даражаси 2006 йилда 5,3 фоизгача пасайди. 2006 йилда аҳолининг ҳақиқий даромадлари 2000 йилга нисбатан 2,5 бараварга, 1992 йилга нисбатан ўртача 12 бараварга кўпайди. Ҳар уч йилда иш ҳақини 2-2,5 бараварга ошириш мухим стратегик вазифаси қўйилди. Аҳоли саломатлигини сақлаш ва ҳаёт сифатини яхшилаш бўйича амалга оширилган тадбирлар натижасида аҳоли умри давомийлиги ўртача 1990 йилдаги 67 ёшдан 2006 йилда 72,5 ёшгача, шу жумладан эркакларники 66 дан 70 ёшгача, аёлларники 70 дан 74,6 ёшгача ошди.

Мамлакат иктиносидиёти ривожланишининг истиқболларини, унинг атроф-мухитга таъсирини

хисобга олган ҳолда кўриб чиқиш зарур. Шунинг учун бу даврда иқтисодий ва экологик сиёсатнинг уйғулашувига катта аҳамиятни қаратиш лозим.

1.2. Экологик фаолиятнинг асосий йўналишлари

Мустақилликка эришгач, Ўзбекистон табиий ресурсларнинг нобарқарор бошқаруви билан боғлиқ мураккаб экологик муаммолар, шунингдек, коммунал, саноат манбалари ва сугориладиган майдонлардан қайтган оқава сувлар натижасида вужудга келган юқори ифлосланиши даражасини мерос қилиб олди. Бу эса қишлоқ хўжалиги, энергетика ва саноат тармоқларидаги жиддий тузилмавий муаммолар туфайли рўй берди ҳамда мамлакат атроф-муҳити ва табиий ресурсларини бошқариш соҳасидаги кўплаб жиддий муаммоларнинг илк сабабчиси бўлиб колмоқда.

Хозирги даврга келиб, экологик нобарқарорлик ўчоқлари деярли барча вилоятларда мавжуд. Юқори экологик нобарқарорлик, асосан локал тусга эга. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Фарғона ва Навоий вилоятлари энг ноxуш худудлар хисобланади. Атроф-муҳит муаммолари орасида Ўзбекистон худудлари учун куйидагилар катта аҳамиятга эга:

- атмосфера ҳавосининг ифлосланиши;
- сув ресурсларининг ифлосланиши ва чучук сув етишмаслиги;
- аҳолининг тоза ичимлик суви билан етарлича таъминланмаганлиги;
- тупроқ шўрланиши ва таназзулга учраши;
- қаттиқ чиқиндилар шу жумладан, заҳарли саноат чиқиндиларининг тўпланиши;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ифлосланиши;
- турлар хилма-хиллиги мажмуаларининг биологик маҳсулдорлигининг пасайиши ва қисқариши.

Республикада янги миллӣ қонунлар яратилиши, ташкилий тузилмалар яратилиши ҳамда очиқ жамиятга ва бозор иқтисодиётiga аста-секин ўтиш билан бир вактда, мерос бўлиб қолган атроф-муҳитни бошқариш тизимини такомиллаштириш, янада самарали сиёсат ва институционал ўзгаришларни амалга оширишга ҳаракат қилинмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан бошлаб атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича қатор қонунлар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқариш ва табиатдан фойдаланиш билан бевосита ёки билвосита боғлиқ 250 дан ортиқ меъёрий ва бошқарув хужжатлари қабул қилди.

Ўзбекистон иқтисодиётida рўй бераётган тармоқ ўзгаришлари табиий ресурслардан фойдаланиш даражаси ва атроф табиий муҳит ифлосланиши даражасига шубҳасиз таъсир этмоқда. Шунинг учун, бу даврда экологик қарорлар қабул қилишнинг иқтисодий омиллари, яъни экологик ва иқтисодий сиёсатни уйғулаштириш катта аҳамиятга эга бўлади. Бундай шароитларда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси иқтисодий воситаларни кенг қўллаган ҳолда ресурсларни тежайдиган ва кам чиқитли (тоза) технологияларни, янги хизмат турлари, тадбиркорлик ва бошқаларни жорий қилишга йўналтирилган сиёсатни амалга оширишга катта эътибор қаратмоқда.

Атроф-муҳитни муҳофazaga қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитга

салбий таъсирнинг олдини олиш муаммоларини муваффақиятли ҳал қилиш мақсадида, Табиатни муҳофaza қилиш давлат қўмитаси табиатни муҳофaza қилиш фаолиятининг иқтисодий услубларини жорий этиш ҳамда табиатдан ҳак тўлаб фойдаланиши «ифлослантирувчи-тўлайди» ва «фойдаланувчи-тўлайди» тамоиллари асосида жорий қилиш ва бошқаришни амалга оширмоқда.

Хозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъкулланган «Ўзбекистон Республикасида табиатдан фойдаланишининг илмий асосланган иқтисодий ва хукукий механизmlарини жорий қилиш» Концепциясига асосан табиатдан фойдаланишга иқтисодий усулларни босқичма-босқич жорий қилиш давом этирилмоқда.

Ўзбекистонда ҳал қилиниши зарур бўлган биринчи навбатдаги вазифалар экологик муаммоларнинг мураккаб узвий боғлиқларни ва уларнинг кўп жиҳатдан тармоқлараро тусга эга эканлигидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Сув ресурсларини муҳофazaga қилиш, ундан оқилона фойдаланиш ва бошқарувини такомиллаштириш соҳасида куйидагиларни назарда тутиш зарур:

- сувдан лимитли фойдаланиш асосида сувни тежаш, ер усти ва ер ости сувларини муҳофazaga қилиш;
- мавжуд сувдан фойдаланиш тизимларини қайта тиклаш ва қайта жиҳозлаш;
- саноат оқаваларини тозалашнинг индустрисал усулларини ва сувни тежайдиган технологияларини тадбиқ этиш;
- иқтисодий механизmlарни кенг қўллаш;
- сув ресурсларини бошқаришнинг институционал ва қонуний базасини мустаҳкамлаш;
- мониторинг ва ахборотлаштириш тизимларини ташкил қилиш, такомиллаштириш ва жорий этиш;
- трансчегаравий сув ҳавзалари бўйича давлатлараро ҳамкорликни такомиллаштиришни сиёсий йўл билан ҳал этиш;
- экологик мониторинг ва сув ресурсларини бошқаришда тегишли даражада тармоқлараро бошқарувни яратиш ва ривожлантириш;

Ернинг ҳолатини яхшилаш ва муҳофazaga қилиш бўйича ҳаракатларнинг асосий йўналишлари куйидагилар хисобланади:

- ердан фойдаланишнинг қонунчилик базасини ривожлантириш;
- қишлоқ хўжалиги ерларининг ҳосилдорлигини ошириш;
- ер тузиш тизимини такомиллаштириш;
- ер-сув ресурсларини бошқаришдаги иқтисодий механизmlар ва дастакларни ривожлантириш;
- қишлоқ хўжалиги экинлари касаллкларига карши курашишнинг экологик хавфсиз усулларини жорий этиши ва кимёвий хавфли воситаларни кўллашни қисқартириш.

Шахар ва аҳоли пунктларида атмосфера ҳавоси ифлосланишини камайтириш бўйича ишларни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари куйидагилардан иборат:

- саноат ишлаб чиқаришини кенг экологиялаштириш;
- ифлослантиришни энг паст даражасигача камайтириш бўйича фаолиятни рағбатлантирадиган

иқтисодий воситаларни оммавий тарзда тадбиқ килиш;

- саноат ишлаб чиқариши соҳасидаги экологик қонунчиликни такомиллаштириш;

- худудий, миллий ва минтақавий даражаларда ҳаво сифати устидан кузатишнинг давлат ахборот тизимини яратиш;

- анъанавий ёнилги турларини мұқобил (тикланувчи) турлар билан алмаштириб бориш;

- мавжуд транспорт воситалари техник ҳолати устидан назорат тизимини кучайтириш.

Биохилма-хилликни саклаш ва чўлланишга карши курашиш кўйидагиларни назарда тутади:

- муҳофаза этиладиган худудлар тизимини реструктуризациялаш, ушбу обьектларни бошқаришини такомиллаштириш;

- муҳофаза этиладиган табиий худудлар макомига қатъий риоя этиши ва кадастрини юритиши;

- муҳофаза этиладиган ўсимлик ва ҳайвон турларини йиғиши ва олиш устидан назоратни кучайтириш;

- чўлланишга учраган ерларда агроўрмонмелиорация ишларини ўтказиши.

Чиқиндилар тўпланиши жараёнларини бошқаришини такомиллаштириш, табиий ҳом ашё ресурслари заҳираларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш учун кўйидагилар кўзда тутилган:

- чиқиндиларнинг шу жумладан, радиоактив чиқиндиларнинг тўпланиши, қайта ишланиши ва ташилишини оператив бошқариш бўйича Республика тизимини ташкил қилиш;

- чиқиндиларни утилизациялаш ва қайта ишлаш техник базасини ривожлантириши;

- чиқиндиларни кўмиш ва утилизациялаш жойлари давлат кадастрини ишлаб чиқиши ва жорий этиши;

- чиқиндилар муюмиласи соҳасидаги тадбиркорликни рағбатлантиришнинг иқтисодий механизмини яратиш.

Жамоатчилик тармогини такомиллаштириш бўйича:

- жамоатчилик ташкилотлари ва давлат тузилмалари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш зарур;

- миллий ва жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишни мувофиқлаштириш ва такомиллаштириш бўйича дастур ишлаб чиқиши;

- атроф-мухит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш мониторинги негизида миллий ва минтақавий даражада ахборот билан таъминлашнинг ривожланган тизимини ташкил қилиш.

Ижтимоий-иқтисодий шароитларни яхшилаш бўйича устувор ҳаракатлар кўйидагилар ҳисобланади:

- сув таъминотида:

- сув ресурсларидан самарали фойдаланиш устидан назорат ва санкцияларни қатъйлаштириш;

- сув сарфланишининг ҳисобини юритиши;

- сувни истеъмол қилишнинг ҳисобланган солиштирма мөъёрларини кисқартириш;

- сув узатиш тармоқларини қайта таъмирлаш ва техник қайта жиҳозлаш.

- санитария ва майший оқава сувларини тозалашда:

- чиқиндиҳоналар, хвостохранише ва бошқа чиқиндилар тўпланадиган жойларни қурилиш,

техник, экологик, санитар-эпидемиологик мөъёрлар, қоидалар, стандартлар талабларига мувофиқлаштириш;

- чиқиндиларни тўплаш, бирламчи жойлаштириш ва кўмиш жойларига ташиш тизимини такомиллаштириш;

- чиқиндиларни йиғиши, жойлаштириш, ташиш ва кўмиш билан боғлиқ экологик мөъёрлар ва қоидаларга риоя этилиши устидан давлат назоратини такомиллаштириш.

- радиациявий ифлослантирувчилар ва учувчан токсикантларни бартараф этишда:

- радиоактив ва учувчан токсикантлар бўйича хатарли худудларни ажратиш ва хариталаштириш;

- тупрок, сув, ўсимлик ва хоказолар ифлосланганлигини баҳолаш;

- аҳолини ҳимоя қилишни назарда тутадиган фаол ҳаракатларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш.

- автомобиллардан чиқсан ишланган газлар ташламаларини бартараф этишда:

- ёнилги сифатини ошириш – қўргошинли кўшимчалар қўшилган бензиндан фойдаланишни кисқартириш ва умуман ундан воз кечиш;

- дизель ва газ ёнилғисига ўтиш;

- ташламалардан ифлосланиш бўйича тегишли мөъерий базани яратиш;

- зарарли чиқиндилар устидан назорат қилиш хизматини мустаҳкамлаш;

- йўлларни яхшилаш ва жамоатчилик транспорти аҳамиятини ошириш.

- иқтисодий дастаклардан фойдаланишда:

- «юмшоқ бюджет чекловлари»ни қатъйлаштириш ва рақобатчилик бозорларини ривожлантириш, натижада атроф-мухитни ифлослантирадиган субъектлар нархлар ўзгаришига таъсирчан бўлиб қолади;

- мавжуд банк секторини ҳамда атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга маблағ ажратиш учун сармояларга йўл очадиган ривожланган сармоя бозорларини такомиллаштириш;

- умумий иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлаш;

- мұқобил танлаш имконини берадиган ривожланган экологик хизматлар бозорини ташкил қилиш;

- қонунчиликни такомиллаштиришда:

- экологик қонунбузарликлар учун жавобгарлик мұқаррарлигини таъминлайдиган, қонунчилик мөддий мөъёрларини амалга ошириш тадбирлари ва инситуционал қоидаларини ишлаб чиқиши;

- табиатдан ҳақ тўлаб фойдаланиш, табиатдан оқилона фойдаланиш ва атроф-мухитни муҳофаза қилишни иқтисодий рағбатлантиришга ўтишини таъминлайдиган қонунларни ишлаб чиқиши;

- хўжалик қонунчилигини экологиялаштириш.

Иқтисодиётни экологик барқарорлик томонига қайта йўналтириш бўйича устувор ҳаракатларни амалга ошириш учун мақсадни кўзлаган сиёсат ва ташкилий-хукукий қўллаб-куватлаш зарур. Бироқ, сифат жиҳатидан янги асосда табиат билан ўзаро муносабатларни кафолатлайдиган ҳаёт тарзини ва атроф-мухитга муносабатнинг янги тизимини аста-секин шакллантириш атроф-мухитнинг экологик барқарор холатига кафил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

II. Атмосфера

Марказий Осиё атмосферасининг ўзига хос жиҳатлари, ушбу ҳудуднинг иқлимий тавсифланишини белгилаб берувчи физик-географик шароитлар (денгиз сатҳидан 200-250 м баландликдаги чўллар, яримчўллар, 3500-3600 м баландликдаги тоғли тизимлар)нинг маълум бир даражасига боғлик бўлади. Текислик ҳудудлари совуқ кириши учун очиқ бўлган Турон пасттекислигининг катта қисмини эгаллади, бу эса, кескин минтақавий иқлимий жиҳатларни шакллантиради. Бошқа томондан, Атлантика океанининг ўргамиёна кенгликларидан вақти-вақти билан нам ҳавонинг гарбий, шимоли-гарбий оқимларининг кириб келиши кузатилди, бу ҳам атмосферанинг сифати ва микдорий жиҳатлари шаклланишига таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонда атмосфера ҳавосининг сифат ва микдорий таркиби шаклланишида табиий ифлослантирувчи манбалар каби антропоген ифлослантирувчи манбалар ҳам катта роль ўйнайди.

Республика иқлими қуруқ зонада жойлашган, унинг ҳудудида атмосферага йирик табиий аэроздол эмиссияси манбалари бўлмиш, тез-тез чангли тўфонлар кўп бўладиган Коракум ва Қизилкум каби ҳамда Орол дengизининг қуриган қисми ҳисобланган Оролбўй зонаси (Оролкум) мавжуддир. Ушбу манбаларнинг асосий қаттиқ муаллак зарралари (аэроздоллар) - тупроқ ва минерал зарралардир. Ўзбекистон ҳавосининг асосий антропоген ифлослантирувчилари олтингугурт оксиди, азот, углерод, таркиби ва келиб чиқиши турлича бўлган қаттиқ муаллак зарралар ҳисобланади.

Республикада ривожланган агросаноат комплекс мавжудлиги атмосферанинг сифат таркибининг ўзгаришига сезилари таъсир кўрсатади. Аҳолиси зич, транспорт ҳаракати кўп бўлган йирик шахарлар жойлашувининг ҳусусиятлари, тор табиат ҳавзасида экологик ҳавфли ишлаб чиқаришларнинг мавжудлиги ва шу билан бир вақтда ўзига хос табиий-иқлимий шароитлар (тез-тез учрайдиган инверсия, атмосферадаги тургун ҳолатлар) атмосферанинг ер усти қатламида ифлослантирувчи моддалар тўпланишига сабаб бўлади.

Ўзбекистоннинг ҳаво ифлосланишига қарши қурашиш ва ҳавонинг сифатини назорат қилиш соҳасидаги умумий стратегияси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича қонуний ҳужжатлар, дастурлар, ҳаракат режалари асосида атроф-муҳитни, шу жумладан атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича ҳаракатлар мақсадли Давлат дастурлари ишлаб чиқиладиган лойиҳаларнинг таркибий қисми ҳисобланади.

1996 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни доирасида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунларнинг асосий вазифалари сифатида қўйидагилар белгиланган:

- атмосфера ҳавосининг табиий таркибини саклаб қолиш;

- атмосфера ҳавосига заарли кимёвий, физик, биологик ва бошқа таъсирларнинг олдини олиш ва камайтириш;

- атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоатчилик бирлашмалари ва фуқароларнинг фаолиятини хукукий тартибга солиши.

1995-2005 йиллар даврида хукуматнинг қарори билан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракат Дастури қабул қилинди ва амалга оширилди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Миллий ҳаракат режаси (АММХР), Атроф-муҳит гигиенаси бўйича Миллий ҳаракат режаси (АМГМХР) ва шаҳар транспорти тармоғида барқарор ривожланиш Стратегияси ҳавонинг ифлосланишига қарши курашиш ва бошқа ҳаво сифатини ошириш соҳасидаги мақсадларни белгилаб берувчи муҳим стратегик ҳужжатлар хисобланади. Кўрсатиб ўтилган стратегик ҳужжатларда асосий мақсад этиб қуйидагилар белгиланган:

- ҳавонинг транспорт ва бошқа ҳаракатланувчи манбалар томонидан ифлосланишини камайтириш;

- мотор ёнилғиси турларининг сифатини ошириш;

- эски транспорт воситалари, шу жумладан юқ машиналарини модернизациялаш ва алмаштириш;

- йирик шаҳарлар ва туманларда автомобиль йўллари тармоғини яхшилаш;

- этилланган бензинни этилланмаган бензинга алмаштириш ва мотор ёнилғиси сифатида табиий газдан кенгроқ фойдаланиш, шунингдек ёнилғи хусусиятлари стандартларини ошириш;

- техник кўриклар аҳамиятини ошириш ва чиқувчи газлар меъёрлари ва стандартларини назорат қилишни кучайтириш, шунингдек давлат ва шахсий транспорт воситалари учун автотаъмирлаш хизматлари ишини яхшилаш;

- ҳавонинг ифлосланишини пасайтирувчи технологияларни жорий этиш йўли билан саноат корхоналари томонидан ҳавонинг ифлосланишини камайтириш;

- озонни бузувчи моддаларни кўллашни тўхтатиб бўйича Миллий Дастурни амалга ошириш;

- буғхона газлари ташламаларини қисқартириш миллий стратегиясини амалга ошириш.

Ҳавони муҳофаза қилиш (чанг-газ тозалаш ускуналарини амалда жорий қилиш, автомобилларни газ ёнилғисига ўтказиш, фойдаланилаётган дизель автомобиллари улушини кўпайтириш, ҳаракат таркибини янгилаш, Фарғона НҚИЗ томонидан этилланмаган бензин турларини чиқаришни ўзлаштиришнинг тургалиниши, алоҳида темир йўл участкаларини электр тармоғи таъминотига ўтказиш, озонни емирувчи моддалар (ОЕМ)ни кўллашни тўхтатиб миллий дастурини, буғхона газлари ташламаларини қисқартириш миллий стратегиясини амалга ошириш) тадбирларини бажарилиши натижасида, умуман республика бўйича ҳаво ҳавзасини муҳофаза қилиш соҳасидаги экологик ҳолатнинг барқарорлашиш тамоили кузатилмокда.

Бундан ташқари, 2006-2007 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодиётнинг асосий тармоқларини техник қайта жиҳозлаш, шунингдек ифлослантирувчи моддаларни атмосферага чиқариши барқарорлаштириш ва камайтиришга йўналтирилган катор қарорлари қабул қилинди. Масалан:

- буғона газларини қисқартириш бўйича тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида, «Киото протоколининг Мусаффо ривожланиш механизми доирасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2006 йил 6 декабрдаги ПҚ-525-сонли);

- 2007 йил 1 марта автомобиль транспорти учун Евро-2дан паст бўлмаган, 2010 йил 1 январдан эса Евро-3дан паст бўлмаган экологик стандартларни жорий этишга йўналтирилган «Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқариши янада ривожланишиш ва республика автотранспорти паркини янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2006 йил 14 декабрдаги ПҚ-531-сонли);

- темирйўл транспортида ифлослантирувчи моддалар ташламаларини камайтиришни белгилаб берувчи Германия тараққиёт банки ва Кувайт араб иқтисодий тараққиёти фонди иштирокида «Тошкент (Тўқимачи) – Ангрен темир йўл участкасини электрлаштириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2007 йил 19 февралдаги ПҚ-582-сонли);

- атроф-мухитни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириш, жумладан ҳаво ҳавзасининг ифлосланишини пасайтиришни назарда тутадиган 2007-2011 йиллар даврига курилиш материаллари, кимё, автомобиль саноатлари, «Олмалиқ КМК», «Ўзметкомбинат» ОИЧБ ва бошқаларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурлари тўғрисидаги қарорлари шулар жумласидандир.

2.1. Ҳавонинг ифлосланиши ва озон қатламиининг бузилиши. Озонни емирувчи моддалардан (ОЕМ) фойдаланиш

Атмосферанинг юқори қатламларидағи қисқа тўлқинли ультрабинафша нурланишдан биологик хаётни ҳимоя қилувчи экран вазифасини ўтовчи озон қатламиининг бузилиши, атмосфера таркибининг антропоген ўзгаришлари билан боғлик.

10 км дан 50 км гача баландликда стратосфера озони коинотдан ультрабинафша нурланинг кириб келиши учун ишончли тўсиқни ҳосил қиласди. Биологик таъсир хусусиятлари хисобга олиниб, ультрабинафша (УБ) нурлари учта спектрал диапазонга ажратилади: нурланиш тўлқини узунлиги 100-280 нм бўлган УБ-С, УБ-В (280-315 нм) ва УБ-А (315-400 нм). 1-расмда қуёш нурланинг оптик диапазонларга ажратилиши кўрсатилган.

Бактериоид (микроб ҳужайралари ва вирусларни ўлимiga олиб келадиган) таъсирга эга бўлган энг ҳавфлиси УБ-С нурланиш ҳисобланади. У атмосферанинг юқори қатламларида стратосфера кислороди ва озон қатлами билан тўлиқ ютилади ва ергача етиб келмайди.

Қуёш нурланиши спектри



Расм 1. Қуёш нурланишининг оптик диапазонларга бўлинниши

УБ-В нурлари хам атмосферанинг озон қатлами томонидан ютилади ва ергача атиги 6% етиб келади, лекин айнан у атроф-мухитга ва аҳоли соғлигининг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган асосий хатарли оқибатларга олиб келади.

Ниҳоят, УБ-А нурлари атмосферада кам тўхтатилади, лекин унинг биологик таъсири УБ-В нурланишга қараганда қарийб, 1000 баравар заифдир.

Озон қатламиининг бузилиши стратосферадаги озоннинг озонни бузувчи моддалар билан кимёвий реакцияларга кириши натижасида кечиши мумкин, бу моддалар орасида энг кенг тарқалгандар галогенли углеводородлар (ХФУ, ГХФУ, галонлар, тетрахлорметан, метил бромид ва бошқалар) ҳисобланади.


«Ўзгидромет» маркази 1994 йилдан бошлаб, Тошкент шаҳридаги метеостанцияда озоннинг умумий таркибини (ОУС) доимий ўлчаб бормоқда. Ўлчовлар, Гушин конструкциясидаги М-124 озонометри ёрдамида сутканинг ёруғ вақтида 7 марта олиб борилади. Олинган маълумот натижалари ҳар ойда Атмосферани масофадан зондлаштириш илмий-тадқиқот марказига (Воейков номли Бош геофизик обсерваториясига (БГО) узатилади.

Кўп йиллик кузатувларнинг кўрсатишича, назорат килинадиган ҳудуд устидаги озон қатламиининг катталиги 303-397 Добсон бирлиги оралиғида ўзгаради, бундай ўзгаришлар тропосферадаги озоннинг умумий таркибининг кўп йиллик вариациялари билан изоҳланади. Кузатувларнинг натижалари кўрсатишича, Тошкент устидаги озон қатламиининг камайиши кузатилмаяпти. 1994-2007 йиллар даврида Тошкент шаҳри устидаги озоннинг умумий таркиби 2-расмда кўрсатилган.

Ишларни давом эттириш ва Тошкент станциясини Бутунжаон метеорологик ташкилотнинг озонометрик тармоғига қўшиш учун станцияни «Brewer» ёки «Dobson» туридаги янги ускуналар билан жиҳозлаш, ускуналарни мунтазам калибрковлаш ва мутахассислар (озонометристлар) Россияяд (Воейков номли БГО) малака ошириш курсларини ўташлари зарур.

ОЕМдан фойдаланиш глобал аҳамиятга эга бўлиб, ҳалқаро ва миллий талабларга жавоб беради.

Монреаль протоколи ва унинг тўртта (Лондон, Копенгаген, Монреаль, Пекин) тузатмасига кўра, барча глобал OEM ташламаларини бошқариш бўйича



Расм 2. Тошкент шаҳри устидаги озоннинг умумий таркиби

олдини олувчи чоралар таъминланиб, Вена конвенцияси ва Монреаль протоколини имзоламаган давлатлар билан OEM савдоси тартибга солинмоқда. Мазкур халқаро битимларни имзолаган давлатлар учун озонни бузувчи моддалар ўрнига ишлатиладиган моддаларни ишлаб чиқариш ва қўллаш соҳасидаги энг янги ва муқобил технологияларни ишлатишга афзаллик бермоқда, ўрнига ишлатиладиган ва ўхшаш маҳсулотлар жаҳон бозорларига чиқиш сақланиб қолмоқда, Глобал Экологик Фонд (ГЭФ) маблағлари ҳисобидан молиявий ва техник ёрдам берилмоқда, асосий ички эҳтиёжларни қондириш учун OEM-ни импорт қилиш имконияти таъминланмоқда, мавжуд объектив вазиятлардан келиб чиқиб, бошкариш чора-тадбирлари бўйича ўз мажбуриятларини амалга ошира олмаган давлатларга нисбатан чоралар кўрилмаяпти.

Ернинг озон қатламини муҳофаза қилиш масалалари мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналишлари қаторидан мустаҳкам ўрин олди. Ўзбекистон Республикаси хукуматининг 1999 йил 20 октябрдағи 469-сонли «1999-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳаракат дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси томонидан OEMни ишлатишни бекор қилиш бўйича Миллий дастурни бажариш негизида, Вена конвенцияси ва Монреаль протоколи бўйича қабул қилинган мажбуриятларни амалга ошириш, халқаро ҳамкорликни чукурлаштириш доирасидаги фаолиятнинг энг муҳим йўналишларидан бири деб тан олинди. Мазкур Дастаннинг стратегик йўналишларидан бири, Монреаль протоколи халқаро мажбуриятларини бажаришга босқичма-босқич риоя этишдан иборат.

Келтирилган миллий Дастан доирасида, давлат бошқарув чоралари амалга оширилди, шунингдек ГЭФ, БМТнинг атроф-муҳит бўйича Дастани (ЮНЕП), БМТ Таракқиёт дастури (БМТТД) халқаро ташкилотлари ёрдамида қарийб, 3,4 млн. АҚШ доллари суммасига teng бўлган бешта лойиҳа бажарилди.

Ўзбекистон Республикасида OEMдан босқичма-босқич воз кечишига эришишда ўсишни таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 январдаги 20-сонли «Ўзбекистон Республикаси Озон қатламини ҳимоя қилиш соҳаси шартномалари бўйича халқаро мажбуриятларини бажариши бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2000 йил 14 мартағи 90-сонли «Озонни емирувчи моддаларни ва улар таркибида бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасида олиб ки-

риш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиши тартибга солиш тўғрисида»ги ва 90-сонли қарор ўрнига, 2005 йил 11 ноябрдаги 247-сонли «Озонни емирувчи моддаларни ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасида олиб чиқиши тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида»ги учта қарори қабул қилинди. Мазкур қарорларда:

1. Вена конвенцияси ва Монреаль протоколи Томонлари бўлмаган мамлакатлардан OEM ва улар таркибида бўлган маҳсулотларни олиб чиқиши ва олиб чиқишига тақиқлаш жорий этилди;

2. OEMлар ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни импорт-экспорт қилишни тартибга солиш тизими жорий этилди ва унга амал қилинмоқда;

3. Ўзбекистон Республикаси OEMни баъзи турларини олиб чиқиши тақиқланган, Вена конвенцияси ва Монреаль протоколи томони бўлган мамлакатлардан ўтувчи моддалар ёки ГХФУ олиб чиқиши бундан мустасно;

4. Ўзбекистон Республикаси юқори озонни емирилиш кобилияти (OEK)га эга бўлган OEMни кўллаб ишлаб чиқарилган совутгич ускуналари ва ҳавони совутиш мосламаларини Вена конвенцияси ва Монреаль протоколи Томонлари бўлган мамлакатлардан олиб чиқиши тақиқланган;

5. 2005-2030 йиллар даврига Ўзбекистон Республикаси ўтувчи OEM ёки ГХФУни олиб чиқишига квоталар (чекланмалар) жорий этилган.


1998 йил 1 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Монреаль протоколига Лондон ва Копенгаген ўзгартиришларини ратификация қилди. Мазкур ўзгартиришлар 1998 йил 8 сентябрдан кучга кирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан 2006 йил 7 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Озон қатламини бузувчи моддалар бўйича Монреаль протоколига тузатмаларни (Монреаль, 1997 йил 17 сентябр) ратификация қилиш тўғрисида»ги ва «Озон қатламини бузувчи моддалар бўйича Монреаль баённомасига тузатмаларни (Пекин, 1999 йил 3 декабрь) ратификация қилиш тўғрисида»ги қонунлар имзоланди.

OEMни кўллаш ва фойдаланиш мавжуд маълумотларининг таҳлили, OEMни умумий фойдаланишни камайтириш тенденцияси, OEMни чиқариш Миллий дастури босқичли жадвали ва йиллик мақсадли кўрсатгичлари ошириб бажарилганлигини кўрсатди. Ўзбекистон Республикасида 1990 йилдан 2003 йилгача давр мобайнинда OEM фойдаланиш динамикаси 3-расмда келтирилган.

Шунингдек, 2000 йилда назоратга олинган моддалардан фойдаланиш куйидагиларни ташкил қилди:

- А иловаси биринчи гурух XФУлари бўйича реджадаги 40% гача эмас, балки 84% га камайтирилди;



Расм 3. Ўзбекистон Республикасида OEMдан фойдаланиш динамикаси

- тетрахлорметал бўйича кўзда тутилган 35% ўрнига 97% га камайтирилди.


2002 йилда Монреал протоколининг А ва В иловаларига кирган янги OEMларни олиб кириш тўхтатилди. Монреал протоколининг С ва Е иловалари биринчи гурӯҳи учун OEMлардан фойдаланиш жадвалига амал қилинмоқда.

Хозирги вактда, озонни бузувчи моддаларнинг умумий истеъмоли 1986 йилдаги база даврига нисбатан 2900 т дан 4,152 т гача (ОБҚни хисобга олиб) ёки 99,85 фоизга камайди. OEMдан фойдаланишни тўхтатиш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш натижасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Монреаль протоколига риоя этиш режими дадир.

Монреаль протоколини амалга оширишда иштирок этиб, Ўзбекистон Республикаси халқаро мажбуриятларни боскичма-боскич бажармоқда ва қуидаги иқтисодий ютуқларга эришмоқда:

- жаҳон OEM бозорларига кириш имкониятини сақлаб қолмоқда, амалдаги жиҳозлар ишлашини таъминлаш учун OEM импорт қилиш имконига эга бўлмоқда;

- ГЭФ маблағлари ҳисобига молиявий ва техник ёрдам олиш имконига эга бўлмоқда.




Расм 4. 1987 йилдан 2007 йилгача даврда Ўзбекистон Республикаси бўйича атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни ташлаш динамикаси

2.2. Атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ташланиши

Турғун (стационар) ва кўчма манбалардан атмосферага ифлослантирувчи моддаларнинг ялпи ташланиши атмосфера ҳавосига умумий антропоген таъсирни тавсифлаб беради.

Саноат, энергетика ва транспорт бўйича 1989 йилга нисбатан атмосферага умумий ташланмалар ҳажми 2 млн. т гача ёки 2,1 бараварга кисқарди. Ўзбекистон Республикаси бўйича 1987-2007 йиллар мобайнида атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ташланмаларининг динамикаси 4-расмда кўрсатилган.

Умуман республика бўйича атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ташламаларининг




Расм 5. Ўзбекистон Республикаси бўйича атмосферага ифлослантирувчи моддалар ташланмаларининг таркиби ўзгариши

қисқариш тамойили муайян иқтисодиёт тармоқларидаги ишлаб чиқаришнинг қисқариши, саноат корхоналарини ислоҳотлаш ва қайта таъмираш, «1999-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-мухитни муҳофаза қилиш харакатлар дастури»га мувофиқ табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг амалга оширилиши билан изоҳланади.

Ўзбекистон бўйича умумий ялпи ташламалар таркибида сўнгги йигирма йил-

да сезиларли ўзгаришлар рўй бермади (5-расмга каранг). Шундай қилиб, углерод оксида ва углеводородлар ташланмалари таркиби 2 фоизга (50 фоиздан 52 фоизгача) кўпайди. Ўз ўрнида, олтингугурт диоксида 2 фоизга (14 фоиздан 12 фоизгача) ва қаттиқ зарралар 3 фоизга (8 фоиздан 5 фоизгача) камайди. Мазкур даврда ташламалар таркибидаги азот оксида миқдори ўзгармади ва 9 фоизни ташкил қилди.


Турғун манбалар чиқиндиларининг асосий қисмини олтингугурт диоксида, углеводородлар, қаттиқ моддалар ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси бўйича 2007 йил учун турғун манбалардан ифлослантирувчи моддалар ташламаларининг таркиби 6-расмда кўрсатилган.



6-расм. Ўзбекистон Республикаси бўйича турғун манбалардан ифлослантирувчи моддалар ташламаларининг таркиби (2007 й.)

Кўчма (ҳаракатланувчан) манбалар чиқиндиларida углерод оксида, углеводородлар, азот оксидлари кўпроқ миқдорни ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси бўйича 2007 йил учун кўчма манбалардан ифлослантирувчи моддалар ташламаларининг таркиби 7-расмда кўрсатилган.

Худудий жойлашиш бўйича турғун ва кўчма манбалар ташламаларининг тақсимланиши саноат тараккиёти даражасига бевосита боғлиқлиги кузатилмоқда. 2007 йил учун турғун ва кўчма манбалардан ташламалар тақсимланиши (минг т/йил) 8-расмда кўрсатилган.




7-расм. Ўзбекистон Республикаси бўйича ҳаракатланувчи манбалардан ифлослантирувчи моддалар ташламаларининг таркиби (2007 й.)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятida саноат паст даражада ривожланганлиги билан тавсифланади. Уларда табиий манбалар: Орол денгизининг куриган қисми, чўл ва яримчўл зоналари хисобига атмосферанинг юқори даражада чанг билан ифлосланниши кузатилади. Нукус ва Урганч шахарларининг саноат марказларида автотранспорт, курилиш саноати ва озиқ-овқат саноати корхоналари ташламалари атмосфера ер усти катламининг ҳолатини шакллантиради. Ўзбекистоннинг Тошкент, Фарғона, Қашқадарё вилоятларида саноат энг кўп ривожланган.


2.2.1. Турғун ифлослантирувчи манбалар

Турғун манбалардан атмосфера ҳавосига 150 дан ортиқ ифлослантирувчи моддалар ташланади. Булар ташламаларининг асосий қисмини ташкил қилувчи қаттиқ моддалар (жумладан, оғир металлар, ванадий беш оксида, бенз(а)пирен, олтингугурт диоксида ва озон, метилмеркаптан, фосфорли ангидрид, мишъяк ва бошқа) ўзига хос юқори токсик заарли моддалар ташламаларидир.

Сўнгги йигирма йилда (1987-2007 йиллар) турғун манбалар заарли моддалари (1,3 дан 0,6 млн. т гача) камайиш тенденцияси кузатилмоқда. Мазкур кўрсаткичларга республиканинг Олмалик (ОКМК), Бекобод («Ўзметкомбинат» АИЧБ), Навоий (цемкомбинат, НКМК) шаҳарларидағи энг иирик корхоналарида хукуматнинг 1999 йил 20 октябрдаги 469-сон-



8-расм. Турғун ва ҳаракатланувчи манбалардан ташламалар тақсимланиши (минг. т/йил) (2007 й.)



9-расм. Атмосферага ифлослантирувчи моддалар ялпи ташланмаларининг умумий ҳажмида саноат асосий тармоқлари улуши

ли «1999-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-мухитни муҳофаза қилиш харакатлар дастури тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, муайян цех ва ишлаб чиқаришларда чанг ва газ ушлаб қолиш ва тозалаш тизимларининг қурилиши ва қайта таъмирланиши ҳисобига атмосферага зарарли ташламаларни кисқартириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида эришилди. Юкорида қайд этилган қарорга мувофиқ:

- «Охангарон төғ-металлургия комбинати» (ОТМК) ОАЖда кислород-барботаж эритиши (КБЭ-2) жорий қилинди, натижада ифлослантирувчи моддаларнинг ташланиши 119,033 минг т га қисқариши мўлжалланган;

- «Ўзметкомбинат» АИЧБда электр-дуга печларида чангни ушлаб қолиш ва тозалаш тизимлари қайта таъмирланди. Пўлатни комплекс қайта ишлаш агрегати билан бирга янги ДСП-100 УМК электрпўлат эритиши печи ишга туширилди. Натижада ифлослантирувчи моддаларнинг ташланиши 900 т дан ортиқ камайтирилди;

- Навоий шахридаги НКМКнинг машинасозлик заводида куйиш ишлаб чиқаришининг ҳавони тозалаш тизими қайта таъмирланди ва замонавийлаш-

тирилди, куйиш цехида чанг-газни тозалаш жиҳозлари фойдаланишга топширилди. Атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларнинг йиллик ташланиши ПВМ-20 ўрнатилганидан кейин йилига 24,8 т, ПВМС-40 ўрнатилганидан кейин йилига 48 т га камайди;

- Навоий цемент комбинатида углерод оксида, олтингугурт оксида ва азотни аниқлаш учун газоанализаторлар ўрнатилиб, куйдириш айланма печларида ёнилғи ёнишини назорат қилиш тизими ўрнатилди. 2539,9 минг сўмга азот оксида, углерод оксида ва диоксидини аниқлаш бўйича 4 та «МАГ» ва «ГАОП» туркумли кўчма газоанализаторлар харид қилинди. Ёнилғи ёниши жараёнини автоматик кузатиш ҳамда кислород, углерод оксида ва углерод диоксида таркибини аниқлаш учун умумий суммаси 105 минг АҚШ долларига 3 комплект (9 дона) «ГИАМ» туркумли автоматик газоанализатор харид қилинди. Натижада атмосферага ифлослантирувчи моддалар ташланишини йилига 80 т га кисқартиришга эришилди.


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 13 майдаги 15-сонли «Тошкент иссиқлик электростанциясини (Тошибис) модернизация қилиш учун Япония Ҳукумати томонидан тақдим этилган имтиёзли кредитдан фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Тошибис битта блокида пар-газ қурилмаси (ПГК) қурилишига тендер ўтказилмоқда.

«2007-2011 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-мухитни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракатлар дастури» лойиҳасида Янги Ангрен ИЭСда электр фильтрларини модернизациялаш ҳисобига иссиқлик электр станциялари ташламаларидан ҳавонинг ифлосланшиши камайтириш бўйича, «Аммофос» ОАЖда олтингугурт ва экстракцион фосфор кислоталари ишлаб чиқариш цехларини қайта таъмирлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш мўлжалланган.

Ифлослантирувчи моддалар ялпи ташламалари умумий ҳажмида энергетика, нефть-газ ва металлургия тармоқларига асосий улуш тўғри келади. Атмосферага ифлослантирувчи моддалар ялпи ташламалари умумий ҳажмида саноатнинг асосий тармоқлари улуши 9-расмда кўрсатилган.

Олтингугурт диоксида ташламаларининг манбалари Тошкент, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида жойлашган иссиқлик-энергетика корхоналари – ИЭС ва ИЭМлар, козонхоналар, металл ишлаб чиқарувчилар, нефт ва газ ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳисобланади. Факатгина республика энергетикини томонидан 2006 йилда 65,554 минг т олтингугурт диоксида ташлганган, бу тармоқ бўйича 58,8%, республика бўйича 30,7%ни ташкил килади. Бу шу билан боғлиқки, энергетика обьектларида кўлланиладиган газ ва мазут таркиби юкори олтингугуртли, ишлатиладиган кўмурда эса, олтингугуртнинг умумий таркиби 1,8% даражададир.


Аммиак кимё саноатининг асосий ифлослантирувчиларидан ҳисобланади. Тармоқ бўйича умумий ташламаларда аммиак улуши 14,4%ни ташкил килади. 1999-2007 йилларда атмосферага аммиакнинг ташланиши микдори 24,5 фоизга камайганлигига қарамай, Андижон, Кўкон, Навоий, Фарғона,



10-расм. Ўзбекистон Республикаси бўйича атмосферага аммиак ташланиши динамикаси

Чирчиқ ва Самарқанд шаҳарларида жойлашган кимё саноатининг асосий корхоналарида ишлаб чиқариш технологиялари замонавий талабларга жавоб бермайди, уларни модернизациялаш ёки алмаштириш зарур. Ўзбекистон Республикаси бўйича 1999-2007 йилларда атмосферага аммиак ташланиши динамикаси 10-расмда кўрсатилган.

Саноатда ёқилғи-энергетика, кимё ва нефть-кимё саноати азот оксидлари ташламаларини ташланишида асосий хисса кўшади. Уларнинг улушига республика бўйича азот оксиди ташламаларининг 86,8% тўғри келади. Энергия ишлаб чиқариш билан боғлик азот оксиди ташламалари динамикаси сўнгги йиллarda пасайиш тенденциясига эга (11-расмга қаранг).




11-расм. 1999-2007 йилларда энергия ишлаб чиқариш билан боғлик азот оксидлари ташламалари динамикаси

Бирок, азот оксидлари барча ташламаларининг республика бўйича 57,9% ва 26,7% энергетика тармоғи улушига тўғри келади. Йирик ИЭС ва ИЭМ-ларда асосий кувватларда 25 йилдан ортиқ вактдан бери ишламоқда, ёқилғидан фойдаланиш самарадорлиги 33-35%ни ташкил қилади. Ёқилғидан фойдаланишнинг паст самарадорлиги атмосферага ортиқча ташламалар ташланишига олиб келади, бу мазкур обьектлар жойлашган аҳоли яшаш пунктлари ва шаҳарларда (Тошкент, Ангрен, Навоий) атмосфера ҳавосининг ифлосланиши даражасига таъсир кўрсатади.

Чанг - қаттиқ зарралар демакдир, уларнинг дисперс ва компонент таркиби унинг (табии ёки антропоген) келиб чиқишига боғлик. Улар таркибига минерал тузлар, металл оксидлари ва органик бирикмалар киради.

Ўзбекистон худудида атмосфера чанг келиб тушишининг йирик табиий манбалари – Қоракум, Қизилкум ва Оролкумнинг (Орол денгизининг куриган қисмининг) мустаҳкамланмаган кумли тупроқлари ва шўрҳок чўллари хисобланади.

Очилиб колган денгиз туби Оролкум тузли чўлини ташкил қилди, бу ердан ҳар йили катта миқдорда туз ва кум заррали чанглар шамол ёрдамида тарқалади. Куруқ тўзонлар массаси ўртacha иилига 500 дан 2702 кг/гача ўзгаради. Ушбу чанг таркибидаги сульфат тузлари 25-48%, хлорид тузлари – 18-30%, карбонат тузлари – 10-20%гача етади. Чанг-туз кўчишининг




12-расм. Антропоген ва табиий чанг манбалари ҳажмининг таққосланиши

асосий ҳажмлари соҳилбўйи полосасининг 300 км оралиғида рўй беради. Жанубий Оролбўйда тупроқка тушадиган чанг миқдори суғориладиган ерларга қараганда, ўн баравар кўпроқдир. Антропоген ва табиий чанг манбалари қувватларининг кўрсаткичлари 12-расмда келтирилган.

Республика бўйича атмосферага қаттиқ зарралар ташламалари антропоген манбаларининг умумий ҳажми табиий манбаларга нисбатан анча паст бўлиб, 1,311 млн. т/йилга баҳоланади. Антропоген ташламаларда қаттиқ зарралар улуши юқори эмас ва саноат манбалари учун 16%, кўчма манбалар учун эса 2%ни ташкил қилади (13-расмга қаранг).


«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзқурилишматериаллари» АК, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси корхоналари саноат чанг ташламаларининг асосий манбалари ҳисобланади. Асосан цемент ишлаб чиқариши ва кўмир ёқиладиган ИЭСлар жойлашган шаҳарларда чанг ташламаларининг янада юқори солиштирма кўрсаткичлари кузатилади. Саноат марказлари атрофида чўқадиган чангда турли минерал моддалар, металлар оксидлари, силикатлар, курум, фоторидлар, мишъяқ оксидлари, суръма, селен учрайди. Йирик саноат шаҳарларида чанг таркибида ўзига хос қоришмалар орасида кадмий, мис, кўргошин, никель, рух, марганец каби металлар аниқланади.



13-расм. Ташламалардаги қаттиқ зарралар (ҚЗ) улуши а) саноат манбаларидан, б) харакатланувчи манбалардан

2.2.2. Кўчма ифлослантирувчи манбалар

Республиканинг атмосфера ҳавосини ифлослантиришда харакатланувчи манбаларнинг ташламалари асосий манба бўлиб қолмоқда. 1989 йилдан бошлиб, автотранспортдан ифлослантирувчи моддалар ташланиши ўртача 3-5%га камайиши кузатилмоқда. 2007 йилда мазкур ташланмалар 1397,42 минг т ёки атмосферага ташланаётган ифлослантирувчи моддаларнинг умумий ҳажмининг қарийб 70%ни, Тошкент шаҳри ва республиканинг бошқа йирик шахарларида 80% ва ундан ортиқقا етади. Шу билан бирга кўчма манбалар асосий улуши автомобиль транспортига тўғри келади, унинг ташламалари 60 фоиздан ортигини ташкил этади (14-расмга каранг).



14-расм. Кўчма ифлослантириш манбаларидан ифлослантирувчи моддалар ташланишининг тақсими

Кўчма манбалардан атмосфера ҳавоси ифлосланнишини камайтиришга йўналтирилган тадбирлардан бири автомобильлар двигателларининг ишлатилган газлари токсиклилиги ва тутун миқдорини давлат назоратидан ўtkазиш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, ИИВ ва Соғликни саклаш вазирлигининг 1996 йил 31 мартағи 12/79/137-сонли кўшма буйруғига мувофиқ, таъкидланган давлат назорати доирасида «Тоза ҳаво» тадбири амалга оширилади. Тадбир ҳар йили мамлакатмизнинг барча худудларида икки босқичда амалга оширилади. Тадбир жараёнида автотранспорт корхоналари (АТК), автомобильларга ёқилғи куйиш шоҳобчалари (АЁҚШ), техник хизмат кўрсатиш шоҳобчалари (ТҲҚШ), автотаъмирлаш заводларининг (АТЗ) экологик ҳолати текширилади. Ташламаларида углерод оксиди (СО - 70%) ва углеводородлар (СН - 13%) кўп бўлган карбюраторли ва дизелли (уларда тутунлилк таркиби назорат қилинади) автомобилларни текширишга алоҳида эътибор берилади. «Тоза ҳаво» тадбиринни амалга ошириш чоғида, мамлакатда рўйхатга олинган автомобиллар сонининг 40-48% (0,75 га тенг бўлган саройдан фойдаланиш коэффициентини хисобга олиб) текширилади.

Республикада автотранспорт техникаларини мукобил ёқилғи турларига ўтказиш бўйича ишлар давом этирилмоқда. Ҳозирги вактда, автотранспорт воситаларини сиқилган табиий газ (СТГ) ва суюлтирилган нефть газига (СНГ) ўказиш муваффакиятли амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сонли «2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис хизмати соҳаларини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан 1200 млн. сўмга тенг бўлган газбаллонли жиҳозларни ўрнатиш ва техник таъмирлаш бўйича хизматларни бажариш мўлжалланган. «Автотеххизмат» АЖ ва «Ўзавтосаноат» АК корхоналари томонидан, газ-баллон жиҳозларини ўрнатиш ва техник таъмирлаш бўйича хизматлар амалга оширилмоқда. Самарқанд, Андижон, Навоий, Фарғона ва Сурхондарё вилоятларида 6 та участка ташкил этилган. «Ўзавтосозлаш-КТБ» МЧЖ негизида автомобилларни суюлтирилган нефть газида (СНГ) ишлайдиган газ-баллонли ускуналарга автомобилларни ўтказиш бўйича бош муҳандислар ва мутахассислар ўқитилди ва ишларни бажаришга гувоҳномалар берилди. «Ўзавтотеххизмат» АЖ буюртмаси билан «Ўзавтосозлаш-КТБ» МЧЖ томонидан «Нексия», «Дамас», «Тико» ва «Матиз» автомобилларини СНГда ишлаш учун газ-баллонли ускуналарга ўтказиш бўйича техник шартлар ишлаб чиқилди.

Хукуматнинг 2007 йил 10 февралдаги 30-сонли «Автомобилларга газ тўлдириш компрессорли ва автомобилларга газ қуиши шаҳобчалари тармогини ривожлантириш ва автотранспорт воситаларини босқичма-босқич суюлтирилган ва қисилган газга ўтказиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида 2007-2012 йилларда 188 мингта автомобилларни қисилган табиий ва суюлтирилган нефть газига, шундан 100 мингдан ортигини суюлтирилган нефть газига ва 60 мингдан ортигини қисилган табиий газга ўтказиш назарда тутилган.

Шунингдек, «2007-2011 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш бўйича харакатлар дастури» лойиҳасида 15 минг дона автомобиль транспортини газ ёқилғисига ўтказиш ва дизелли автомобиллар миқдорини 20 минг донага кўпайтириш бўйича тадбирлар ҳам кўзда тутилган.

«Ўзавтосаноат» АКда газбаллонли ускуналар билан жиҳозланган ва Евро-2 экологик талабларига жавоб берадиган «Дамас» автомобилларини чиқариш масалалари ишлаб чиқилмоқда, автомобилларда газбаллонли ускуналарни ўрнатиш бўйича «Zolver», «Landi Renzo», «Intermobilgaz» МЧЖ, «Фан ва тараққиёт» ИТК ва «Автосозлаш» КТБ МЧЖ компаниялари билан ишлар амалга оширилмоқда.

Бундан ташкири, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг транспорт секторидан ифлослантирувчи моддалар ташламаларини кискартиришга йўналтирилган қарорлари қабул қилинди. Зоро, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ҳайъатининг 2006 йил 26 августрдаги 8/1-сонли «Ўзавтосаноат» акция-дорлик компанияси томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Конунига риоя этилиши тўғрисида»ги қарорига мувофиқ:

- «Ўзавтосаноат» АК хузурида БМТ ЕЭК 83 ва 49-сонли Қоидаларига кўра, қатнов жараёнлари бўйича автомобилларнинг (двигателларнинг) стенд синовларини ўтказиш учун автотранспорт воситалари ишлатилган газлари токсиклигини (тутунлигини) аниқлаш бўйича лаборатория ташкил қилиш масалаларини ҳал қилиш;

- 2009 йилдан бошлаб, автомобиль бензинидан кўрғошин қўшилмаларини тўлиқ йўқотгандан кейин республика ички бозорида қатнови учун Евро-2 экологик меъёрлари талабларига жавоб берадиган автомобилларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;

- ишлатилган газларидаги ташламаларни нейтраллаш тизимлари ёки Евро-2 экологик меъёрларига жавоб берадиган ишлатилган газлар токсиклиги даражасини газбаллонли ускуналар ўрнатиладиган автомобиллар ишлаб чиқариш масалаларини ҳал этиш.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ҳайъатининг 2007 йил 29 ноябрдаги 11/3-сонли «Тоза ҳаво» тадбирини ташкил қилиш ва ўтказиша Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларининг ҳамкорлигини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси ИИВ билан ҳамкорликда:

- атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат назоратини амалга ошириш бўйича қўшма ишлар дастури ишлаб чиқилди;

- умуман республика бўйича «Тоза ҳаво» тадбири ўтказиладиган ЙПХ ЙХХБ постлари белгиланди;

- табиатни муҳофаза қилиш ва ИИВ ЙХХБ органлари томонидан, хусусан, «Тоза ҳаво» тадбирини ташкил қилиш ва ўтказиша автотранспорт воситаларининг экологик ҳолатини давлат назоратидан



«Тоза ҳаво» операцияси

ўтказиш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқилди ва ўрнатилган тартибда тасдиқланади;

- «Тоза ҳаво» тадбирини ташкил қилиш ва ўтказиш жараёнининг назорат текширувани амалга ошириш ва табиатни муҳофаза қилиш худудий қўмиталари ва ИИВ ЙХХБга услубий ёрдам бериш бўйича ишлар кучайтирилди ва бошка катор чоралар кўрилди.

2006 йилда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан «Ўзавтосаноат» уюшмаси «ЎзДЭУавто» АЖ учун:

- TSh 80-010:2004 «Matiz» туридаги енгил автомобиллар»;

- TSh 80-003:2004 «Nexia» туридаги кичик тоифадаги енгил автомобиллар»;

- TSh 80-001:2004 «Damas» туридаги енгил автомобиллар»;

- TSh 80-005:2004 «Damas» туридаги автофургонлари янги техник шартлар келишилди, уларда ишлатилган газларидаги ифлослантирувчи моддалар таркибининг меъёрлари бўйича талаблар акс этирилган. Зоро, автомобиль двигатели томонидан атмосферага ажратиладиган ишлатилган газлардаги зарарли моддалар миқдори ГОСТ Р 42.83 «Зараарли моддалар ташламалари нуқтаи назаридан транспорт воситаларини расман тасдиқлашга тааллукли умумий кўрсатмалар»да (БМТ ЕЭК 83-02А Қоидаларида) белгиланган катталиклардан ошмаслиги ёки Евро-0 талабларига мос келиши зарур. Мазкур автомобиллар ташламаларида кўрғошин заҳарли коришмалари бўлмаслигини тъзминлаш керак.

2006 йил 14 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-531-сонли «Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва республика автотранспорти паркини янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди, унга кўра 2007 йил 1 мартаңдан Евро-2 стандарти талабларига, 2010 йил 1 январдан эса Евро-3 экологик тоифаси талабларига жавоб бермайдиган автомобилларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш тақиқланади. Мазкур ҳужжатни ривожлантирилишида, Ўзбек стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг кўшма қарори қабул қилинди ва 2007

йил 7 апрелда Адлия вазирлиги томонидан 1670-сон билан рўйхатга олинди. Қарорга мувофиқ, 2007 йил 1 мартаңдан янги олиб кирилаётган автотранспорт воситаларига зарарли моддалар ташламалари учун Евро-2 талабларига, 2010 йил 1 январдан эса, Евро-3 талабларига мос келадиган БМТ ЕЭК 24, 49 ва 83-сонли «Автомобиль техникасининг ифлослантирувчи моддалар ташланмаларига кўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Қоидаларига асоссан



ланган «М2», «М3» ва «Н2» тоифадаги Россия Федерацияси мөъёрий хужжатлари (ГОСТ Р 41.24-2003, ГОСТ Р 41.49-2003, ГОСТ Р 41.83-2004, ГОСТ Р 51832-2001) амалга жорий этилди.

2007 йилда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан бензинли ва дизелли двигателлар учун заарлар моддалар ташламалари меъёрлари бўйича стандартларни ишлаб чиқиши назарда тутадиган «2007-2010 йилларга «Ўзавтосаноат» АК корхоналари бўйича атроф-мухитни муҳофаза қилиш бўйича тармоқ ҳаракатлар Дастири» келишилди.

Хукуматнинг 1999 йил 20 октябрдаги 469-сонли қарорига кўра, «1999-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-мухитни муҳофаза қилиш ҳаракатлар дастири» тасдиқланди, унга мувофиқ, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини қайта жиҳозлашнинг иккинчи босқичи тугалланмоқда ва бензинда қўргошиннинг салбий таъсир чегарасидаги энг юқори таркиби – 0,15 г/кг таъминланмоқда. 2007 йилда этилланган бензинни ишлаб чиқариш автобензин ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 10 фоизини ташкил қилди. 2003 йилдан бошлаб, мазкур тадбирни бажариш хисобига автомобиль транспортидан чиқаётган қўргошин коришмалари 300 т дан ортиқ миқдорга камайди.

2008 йил охиридан кўроғшин коришмаларини умуман бартараф этиш кўзда тутилган.

2005 йилдан бошлаб, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 майдаги 199-сонли «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун тўловлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қарори лойиҳаси тайёрланмоқда. Мазкур лойиҳа билан атроф-мухитга ва инсон саломатлигига зарарли таъсир кўрсатаётган маҳсулот ишлаб чиқарганлиги учун маҳсулот таннархининг 0,5% миқдорида компенсация тўловларини тўлашга таалукли кўшимчалар киритилади. Автомобиль этилланган бензин учун, мазкур маҳсулотни ишлаб чиқарганлик учун компенсация тўловлари суммаларини ҳисоблаш тартиби белгиланади.

2.3. Йўл транспорт воситалари саройининг ишлатаётган ёқилғи тури бўйича таркиби. Йўл транспорт воситалари саройининг ўргача ёши


Жами республика бўйича 1,4 млн. донадан ортиқ, жумладан, 1,2 млн. дона карбюраторли (85,7%), 0,097 млн. дона дизелли (6,9%) ва 0,1 млн. дона газбаллонли (7,2%) автомобиль рўйхатга олинган (1-жадвал). Рўйхатга олинган автомобиллар умумий миқдорининг 82 фоизини енгил, 14 фоизини юқ автомобиллари ва 4 фоизини автобуслар ташкил қилади (15-расмга қаранг).

Ҳаракат таркиби умумий миқдорининг кўпайиш тамоили кузатилмоқда. Сўнгги ўн йилда 1997 йилга нисбатан рўйхатга олинган автомобиллар миқдори 15,8%га кўпайди. Бунда кўрсатилган давр ичida шахсий автомобилларнинг умумий транспорт воситалари сонидаги улуши 70 фоиздан 80 фоизгача ортди.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси бўйича автотранспорт воситаларининг умумий миқдори

| Жами: | карбюраторли автомобиллар | | дизелли автомобиллар | | газ ёнилғисида ишлайдиган автомобиллар | |
|---------|---------------------------|------|----------------------|-----|--|-----|
| | жами | %да | жами | %да | жами | %да |
| 1401000 | 1200000 | 85,7 | 97000 | 6,9 | 101000 | 7,2 |



15-расм. Автомобилларнинг максади бўйича тақсимланиши.

Шунингдек, хусусий сектор автомобилларининг янгиланиши тез суръатлар билан бормоқда. Зеро, 10 йилдан ортиқ муддатдан буён фойдаланилаётган автомобиллар хусусий секторда 59 фоизни, ваҳоланки, юридик шахсларга тегишли автомобиллар 77 фоизни ташкил қилади. Фойдаланиш муддатлари бўйича транспорт воситаларининг тақсимланиши 2-жадвалда келтирилган.

1997 йилдан бошлаб, республикада ўзининг автомобилларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил март ойидаги қарори билан Ўзбекистон автомобилсозлик корхоналари «Ўзавтосаноат» уюшмаси ташкил этилган, 2004 йил август ойидаги «Ўзавтосаноат» акциядорлик жамияти сифатида қайта ташкил қилинди.

Автомобиллар икки заводда ишлаб чиқарилмоқда. «ЎзДЭУавто» АЖ ишлаб чиқарадиган «Ласетти», «Нексия», «Дамас», «Матиз» енгил автомобиллари Ўзбекистоннинг ўзидағина муваффақиятли сотилмай, МДХ давлатлари ва жаҳоннинг бошқа давлатларига фаол экспорт қилинмоқда. Ўзбек автомобилларини ташкил бозорларга муваффақиятли чиқариш максадида кенг дилерлик тармоғи яратилган. Россиянинг ўзида «ЎзДЭУавто» АЖнинг қарийб йигирмата бўлинмаси, минтақавий корхонаси ва филиали очилган. Ўз автомобилларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш тамоили кўзга ташланмоқда. «ЎзДЭУавто» АЖ ишлаб чиқарган автомобиллар (16-расмга қаранг) бошқа

Транспорт воситаларининг фойдаланиш муддати бўйича тақсимоти

| 2005 йил | 0-5 йил | 6-10 йил | 11-15 йил | 16-20 йил | >20 йил |
|-----------------------------------|---------|----------|-----------|-----------|--------------|
| Йўловчилар енгил автомобиллари, % | 11 | 13 | 22 | 26 | 28 |
| Енгил юк автомобиллари, % | 18,2 | 27,5 | 20,6 | 33,4 | аниқланмаган |
| Оғир юк автомобиллари, % | 2,1 | 7,6 | 26,3 | 64 | аниқланмаган |
| Автобуслар, % | 11 | 13 | 22 | 26 | 28 |

ишлаб чиқарувчиларнинг моделларидан 100 км ма-софага ёқилғи сарфлаш кўрсаткичларининг пастлиги билан (хусусан, «Ласетти» туркумидаги автомобиль 100 км масофага 10,5 л, «Нексия» - 9,4 л, «Дамас» - 8,3 л ва «Матиз» - 7,4 л бензин сарфлайди), шунингдек «Нексия» ва «Ласетти» туркумидаги автомобиллар двигателларида бевосита (инжекцион) ёқилғи пуркаш орқали ишлаши билан фарқланади.

«СамАвто» МЧЖда (собиқ «СамКОЧавто» КК) автобуслар ва юк автомобиллари ишлаб чиқариш ташкил этилган, унда 2007 йилгача «Отайўл» турк компанияси лицензияси бўйича ўртacha сифимли автобуслар ҳамда турли модификациядаги (тентли, ёпик, бензовозлар, чиқинди йигувчи ва ассенизацион машиналар, рефрижераторлар) кичик ва ўртacha (1,5 дан 8 т гача) юк ташувчи юк автомобиллари ишлаб чиқарилган. Автомобиллар уч модификацияли – атмосфера, турбонадувли, тегишли равиша 90, 115 ва 136 о.к.га эга бўлган, ишлатилган газлардаги токсиклиги бўйича Евро талабларига жавоб берадиган 4 л ҳажмли «Ивеко-Фиат» дизелли двигателлари билан жиҳозланган. Двигателлар ишлаб чиқарувчи за-

2-жадвал водлар томонидан синалган ва ифлослантирувчи моддалар ташламаси нутқаи назаридан:

- 8040.05 туридаги – Евро-0 талабларига;
- 8040.25 туридаги – Евро-1 талабларига;
- 8040.45 туридаги – Евро-2 халқаро талабларга жавоб берадиган мувофиқлик сертификатига эга бўлган.

Ҳозирги вактда, автомобиль саройлари «СамАвто» МЧЖда ишлаб чиқариладиган юртимизда ва хорижда ишлаб чиқарилган «Isuzu» туркумидаги янги автотранспорт воситалари билан тўлдирилмоқда. 3-жадвалда республикада автомобиллар ишлаб чиқариш бўйича асосий кўрсаткичлар келтирилган.

Ишлаб чиқариладиган «Нексия», «Ласетти», «Дамас», «Матиз» енгил автомобиллари жуда тежамкор, БМТ ЕЭК 83-02-сонли Қоидаларига мувофиқ, улар учун ишлатилган газлар ташламаларининг ташланишига қуйидаги экологик меъёрлар белгиланган (4-жадвалга қаранг).

Этилланган бензин ишлаб чиқарилиши туфайли (умумий ҳажмнинг 10%) республиканинг ички бозорига мазкур мотор ёқилғиси кўлланилиши учун мўлжалланган ва Евро-0 экологик меъёрлар талабларига мос келадиган автомобиллар келтирилмоқда.

Экспортга жўнатишга мўлжалланган автомобиллар ишлатилган газларни икки компонентли каталитик нейтрализаторлари билан жиҳозланган, бу уларнинг Евро-2 экологик меъёрлари талабларига мослигини таъминлайди.

«ЎзДЭУавто» АЖ маҳсулоти Жанубий Корея-нинг «ДЭУ Паблик Моторс» компанияси лицензияси

3-жадвал

Автомобиль ишлаб чиқариш бўйича асосий кўрсаткичлар

| Корхона номи | Ўлчов бирлиги | Лойиҳавий қуввати | Амалдаги қуввати | | | | |
|----------------|---------------|-------------------|------------------|---------|---------|---------|---------|
| | | | 2003 й. | 2004 й. | 2005 й. | 2006 й. | 2007 й. |
| «ЎзДЭУавто» АЖ | минг дона | 160 | 40,505 | 70,070 | 101,01 | 140,080 | 171,8 |
| «СамАвто» МЧЖ | дона | 4000 | 295 | 266 | 256 | 109 | 1500 |



16-расм. «ЎзДЭУавто» АЖ ишлаб чиқараётган автомобиллар

4-жадвал

Ишланган газларни ташлашга экологик меъёрлар

| Т/р | Экологик меъёрлар | Салбий таъсир чегарасидаги кўрсаткичлар | |
|-----|-------------------|---|----------------------------|
| | | Углерод оксиди | Углеводород ва азот оксиди |
| 1 | Евро-0 | 58 г/исп | 19 г/исп |
| 2 | Евро-1 | 2,73 г/км | 0,97 г/км |
| 3 | Евро-2 | 2,2 г/км | 0,5 г/км |

бўйича ишлаб чиқарилмоқда, у ИСО 9001 халқаро сифат тизими стандарти бўйича сертификатлаштирилган. Корхона томонидан 2002 йилда, ИСО 9001:2000 халқаро стандартига мувофиқликка сертификатлаштирилган менежмент тизими ишлаб чиқилган, жорий этилган ва амал қилинади. МС ИСО 9001:2000, ИСО 14001:2004 ва ONSAS ИСО 001:1999 талаблари га мувофиқликка интеграциялашган менежмент тизимини (ИМТ) ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳақида карор қабул қилинган, ИСО 14001:2004 стандартига мувофиқликка экологик менежментини жорий этиш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

2009 йилдан бошлаб, Евро-2 экологик меъёрлари талабларига жавоб берадиган автомобилларни ишлаб чиқаришга тўлиқ ўтиш режалаштирилган.

Автотранспорт саройини янгилаш, экологик ҳавфсизликни ошириш ва ўйл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаш максадида, автотранспорт техникасини олиб кириш, шунингдек 10 йил фойдаланилганидан кейин уни эксплуатациядан чиқариш назорат амалга оширилмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 декабрдаги ПФ-531-сонли «Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқаришин янада ривожлантириш ва республика автотранспорти паркини янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида фойдаланиш муддати 10 йилдан ортиқ бўлган йўловчиларни ташишга мўлжалланган автобуслар ва микроавтобусларни фойдаланишдан босқичма-босқич чиқариш бўйича тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш назарда тутилган.

2.4. Шаҳарларда ва шаҳар аҳоли яшаш пунктларида атмосфера ҳавосининг сифати

Атмосфера ҳавоси ифлосланишининг мониторингини Ўзбекистон Республикаси Атроф табиий муҳит мониторинги дастурига мувофиқ, «Ўзгидромет»нинг Атмосфера, ер усти сувлари ва тупроқ ифлосланишининг мониторинги хизмати (ИМХ) ўтказади. «Ўзгидромет» манбаатдор давлат ва жамоатчилик органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни ҳўжалик фаолияти ва метеорологик шароитлардан келиб чиқиб, ифлосланиш даражалари ҳақидаги тизимли ахборот ва башоратлар билан таъминлайди.


«Ўзгидромет»га тегишли худудда ҳозирги вақтда 33 шаҳар ва аҳоли яшаш пунктларида 60 та турғун (стационар) постда атмосфера ҳавоси ифлосланишини кузатиш ишлари олиб борилмоқда. Шундан 24 шаҳарда турғун кузатувлар, қолганида эса, эпизодик кузатувлар олиб борилмоқда. 15 та газ, 5 та оғир металл ва бенз(а)пирен моддалари назорат қилинади.

Республика шаҳарлари бўйича атмосфера ҳавоси ифлосланиш даражасининг 19 йиллик (1988-2007 йиллар) тахлили кўрсатишича:


- Ўзбекистон Республикаси барча аҳоли яшаш пунктларида олtingугурт диоксида ва углерод оксидининг ўртача таркиби, ўртача суткалик рухсат этилган чегаравий улушдан (РЭЧУўс) ошмайди. Сўнгги йилларда Олмалиқ шаҳрида олtingугурт диоксидининг ошган концентрациялари пасайди ва 2007 йилда олtingугурт диоксида таркиби РЭЧУўсдан ошмади;

- бутун тахлил қилинган давр мобайнида, Навоий, Кўкон, Бухоро, Нукус, Карши шаҳарларида атмосфера ҳавосининг чанг билан юқори ифлосланиши даражаси кузатилди. Сўнгги беш йилда, Олмалиқ шаҳрида чанг билан ифлосланиш даражаси РЭЧУўсдан паст бўлди, Тошкент шаҳрида ифлосланиш даражаси пасайиши тамоили кўзга ташланмоқда;

- Тошкент, Навоий, Кўкон ва Фарғона шаҳарларида атмосферанинг азот диоксида билан ифлосланиши бутун қайд этилган давр мобайнида санитар меъёрларидан ортиқ бўлди. Чирчиқ шаҳрида



17-расм. 1998-2007 йилларда атмосфера ифлосланиши даражаси 5 дан юқори бўлган Навоий, Ангрен, Нукус ва Фарғона шаҳарларида АИИ кўрсаткичлари динамикаси



18-расм. 1998-2007 йилларда атмосфера ифлосланиши даражаси 3 дан 5 гача бўлган Ўзбекистон Республикаси шаҳарларида АИИ кўрсаткичлари динамикаси

азот диоксиди таркиби ошганлиги, Олмалиқ шахрида эса, у РЭЧУ ўсадан паст бўлганлиги кузатилмоқда;

- қатор шаҳарларда (Навоий, Ангрен, Чирчик, Нукус) фенол, (Андижон, Ангрен, Навоий) аммиак таркиби юқорилиги кўзга ташланмоқда.

«Тожикистон алюминий компанияси» давлат унитар корхонаси (ТАЛКО ДУК) ёки собиқ Тожикистон алюминий заводи таъсири зонасида табиий мухит ҳолатини баҳолашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сурхондарё вилояти Сариосиё туманида атмосфера ҳавоси таркибida фторли водородни аниқлаш учун суткасига 5-8 марта оралиқда ҳаво намуналар олиниди. 2007 йилда фторли водород бўйича санитар меъёрларининг 1,3 баравар ортиклиги кузатилди.

Шаҳарлардаги атмосфера ҳавосининг сифати атмосфера ифлосланишининг комплекс индекси билан баҳоланади. Градацияга тегишли равишда республиканинг 4 та шаҳри – Навоий, Ангрен, Нукус ва Фарғонада 2007 йилда атмосфера ҳавоси ифлосланишининг даражаси юқори деб тавсифланади (17-расмга қаранг).

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, республиканинг бутун ҳудуди бўйича 90-йиллар бошларига нисбатан ифлосланиш даражаси кескин пасайди, бу ишлаб чиқаришнинг таназзули ва атмосферага ифлослантирувчи моддалар ташланишининг камайиши билан боғлиқ. Таъкидлаш жоизки, кўплаб шаҳарларда сўнгги 5 йил давомида атмосфера ҳавоси сифатининг барқарорлашиши ва яхшиланиши тамойили сақланиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари бўйича 1988-2007 йиллар давридаги атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси бўйича маълумотлар 18-расмда кўрсатилган.

2.5. Атмосфера ҳавосининг трансчегараравий ифлосланиши

1979 йилда қабул килинган БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг (ЕИК) Атмосфера ҳавосининг узқ масофаларида трансчегараравий ифлосланиши тўғрисидаги Конвенцияси атмосфера ҳавосини ифлослантиришга қарши курашишда

ҳамкорликдаги ҳаракатлар учун асос яратди. Конвенция атмосфера ҳавосини ифлослантириш ва унинг минтақавий даражадаги оқибатларини ўрганиш ва мониторинг ҳамда чиқиндиларни камайтириш стратегиясини ишлаб чиқиш соҳасида ҳаракатларни бирлаштиришни таъминловчи асосий халқаро келишувлардан бири хисобланади.

Мазкур ҳужжат аниқ бир ифлослантирувчи моддаларни чиқаришни чеклаш бўйича протоколларни ишлаб чиқиш учун асосий ҳужжат бўлди. 1984 йилдан бошлаб, то ҳозирги даврга қадар, олтингугурт (олтингугурт диоксиди), азот оксидлари, учувчан органик бирикмалар (УОБ) оғир металлар ва барқарор органик ифлослантирувчи (БОИ) чиқиндилар ва трансчегара окимларини қискартирилишига қаратилган саккизта протокол қабул қилинди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Атмосфера ҳавосининг узқ масофаларига трансчегараравий ифлосланиши ҳақидаги ЕИК Конвенцияси иштирокчиси хисобланмайди ва атмосфера ҳавоси ифлосланиши ҳақида расмий статистик маълумотларни ЕИК комиссиясига тақдим этмайди. Конвенцияга қўшилиш мамлакатга минтақада ҳавонинг трансчегараравий ифлосланишига қарши курашишда ҳамкорликда фаол қатнашиш имконини берарди. Мазкур халқаро келишувга қўшилиш жараёнига тайёргарчилик ишлари олиб борилмоқда.

«Тожикистон алюминий компанияси» давлат унитар корхонаси (ТАЛКО ДУК) ёки собиқ Тожикистон алюминий заводи чиқарадиган ифлослантирувчи моддалар, айниқса, фторли водороднинг Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилояти муайян туманларининг аҳолиси ва атроф-муҳитига таъсири

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларига трансчегараравий таъсири кўрсатаётган Тожикистон алюминий заводи (ТожАЗ) фаолияти билан боғлиқ кескин экологик ҳолат сақланиб қолмоқда. ТожАЗ томонидан атмосферага чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар, айниқса, фторли водород Сурхондарё вилоятининг қарийб 570 минг аҳоли яшайдиган Сариосиё,

Узун, Денов ва Олтинсой туманларига салбий таъсир кўрсатишни давом эттироқмокда, аҳолининг саломатлигига зарар келтироқмокда, кишлок хўжалиги ишлаб чиқаришига иқтисодий зарар етказмоқда.

2007 йилда Тожикистон Республикаси Президентининг Фармони билан ТожАЗ «Тожикистон алюминий компанияси» давлат унитар корхонаси (кейинчалик ТАЛКО ДУК) деб қайта номланди. Завод рейтингини кўтариш ва Тожикистон алюминий тармоғининг ҳалқаро майдондаги нуфузини ошириш, шунингдек компаниянинг тузилмавий ўзгаришларини давом эттириш мақсадида, уни қайта номлашга қарор қилинди. Заводнинг стратегик мақсадларида ишлаб чиқариш ҳажмларини янада ошириш, энг янги энергия тежовчи ва иқтисодий бехатар технологияларни жорий килиш, маҳсулот сифатини ошириш назарда тутилган.

Шу билан бирга, тозалаш курилмаларини жиддий қайта таъмирлаш бўйича ишлар ҳали ўзини оқламади. Ҳали ҳам илгариги йиллар каби, атмосферага чиқариладиган қарийб 22 минг тонна ифлослантирувчи моддалар, шу жумладан 120 т фторли водород аҳоли саломатлиги ҳолатига салбий таъсир кўрсатиб, Сурхондарё вилоятининг қатор туманлари экологик вазиятини ёмонлаштироқмокда, кишлок хўжалиги ишлаб чиқаришига иқтисодий зарар етказмоқда.

Атмосферага ифлослантирувчи моддалар тўпланишига сабаб бўладиган мазкур минтақанинг иқлимий шароитлари ҳам вазиятини мураккаблаштироқмокда. «Ўзгидромет» томонидан олиб борилаётган атмосферанинг ифлосланиш даражасини кузатиш шуни кўрсатдики, Сариосиё тумани атмосфера ҳавосида фторли водороднинг таркиби 1991-2007 йилларда 0,8-1,8 РЭЧУ оралиғида бўлиб, баъзи ҳолларда санитар-гигиеник меъёрлардан 2 баравар ортган. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши олтингугурт диоксиди ва азот диоксиди, фторли водород ва олтингугурт диоксидининг кўшилиши натижасида ҳам кучаймоқда.

Давлат геология қўмитаси маълумотларига қараганда, 2001-2005 йилларда «Қизилтепагеология» ДГК комплекс геолого-экологик экспедицияси (КГЭЭ) томонидан Сурхондарёнинг аҳоли зич жойлашган қисми оралиғида, 1:200000 масштабида ихтинослашган геолого-экологик тадқиқотлар олиб борилган. Тадқиқотлар жараённида, туб чўкинди тупрок ва тупроқларнинг геоэкологик ҳолати ўрганилган. Тупроқлар 0-0,3 м интервалида 3x3 тўри бўйича, тупроқлар 1-2 м чуқурликда тадқиқ қилинган.

Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Узун ва Денов туманлари худудларининг ТожАЗ ташламалари маҳсулотлари билан ифлосланиш эҳтимоли ҳакидаги масала кўриб чиқилганида аниқландики, Сурхондарё вилояти тупроқлари учун ялпи фторнинг табиий ортиқча таркиби (тупроқлардаги ўртача таркиби 802 мг/кг, энг юкори таркиби 1780 мг/кг гача) хосдир, буни Ҳисор тизмаси жануби-гарбий қисми чақиқ минералларининг чақиқ минераллар таркибида келиб тушиши билан боғлиқ.

Сариосиё, Узун ва Денов туманлари худудларидаги тупроқда фторнинг ялпи сақланиш тахлили, унинг анча юкори абсолют сақланишида

600-1570 мг/кг (дунёдаги тупроқларда фторнинг ўртacha таркиби 200 мг/кг) мозаик тақсимланганлигини кўрсатди. Фторнинг энг кўп микдори (1270-1500 мг/кг) Сурхондарёнинг ўнг кирғоғида Узун аҳоли яшаш худудларидан Денов шаҳригача ва жануби-шарққа қараб сугориладиган ерларда учрайди. Тупроқда (2 м гача чуқурликда) ялпи фтор нисбатан бир маромда тақсимланган ва Шеробод қўрғони тоголдида юкори таркибли (1400 мг/кг гача) ореолларни ташкил қиласди.

Тупроқнинг асосий ифлосланиши воҳанинг тогқисмига руда материалининг келиб тушиши билан боғлиқлиги аниқланди. Вилоят майдонининг 40 фоиз тупроғида кам ва ўрта даражада шўрланиш учрайди. Алоҳида участкалар тупроқ таркибида токсик металлардан - стронций 10 РЭЧУгача, кўргошин 6 РЭЧУгача, мис 3 РЭЧУгача етади.

Воҳа худудининг аксарият қисмida сувда эрийдиган фтор концентрацияси РЭЧУдан юкори эмас (2,8 мг/кг гача). Асосан Сурхондарё яйловининг айланана қисмida ва Амударё қайирида юкори таркиби (6 РЭЧУгача) кузатилади. Бунда куйидаги ҳолат кўзга ташланади. Яйловнинг шимолий қисмida (Денов, Сариосиё, Узун ва Шарғун туманларида) ялпи фторнинг юкори таркибига сувда эрийдиган фторнинг юкори концентрацияси тўғри келади. Шерободдарё чиқиб кетиши конусида бундай ҳолатга дуч келмайсиз.

Сурхондарё вилоятининг сугориладиган худудида шунингдек «Ўзбекгидрогеология» ДГКнинг 1:200000 масштабда ТожАЗ эҳтимолий таъсири зонасида ер ости сувлари ҳолатининг доимий маҳсус геолого-экологик тадқиқотлари ҳам олиб борилди. Кузатувлар 203 кудук ва 11 булоқдан таркиб топган 145 пункт бўйича, шунингдек Сурхондарё вилояти ер ости сувларининг еттига (Шимолий Сурхондарё, Жанубий Сурхондарё, Шеробод, Амударё, Пашхурт, Кафирниғон ва Тоғли массив) манбасида жойлашган 25 гурухли сув олиш жойларида олиб борилди. Бунда минераллашув ва ер ости сувлари қаттиқлигини юкори кўрсаткичлари аниқланди, бу, асосан, Сурхондарё вилоятининг табиий шароитлари билан изохланади. Бироқ фторнинг юкори таркиби кузатилмади.

Сурхондарё вилояти, айниқса унинг жанубий қисми (Термиз, Шеробод, Ангор туманлари) ер усти сув оқимлари ва ҳавзаларига юкори минераллашув хос бўлиб, стронций, кадмий, бериллий, марганец, фенол билан ифлосланган. Сурхондарё вилояти худудида ер усти оқимлари сувда фторнинг таркиби тасдиқланган меъёр даражасида сақланади.

Кўриб чиқилаётган даврда алюминий ишлаб чиқаришида керакли унсур бўлган фторнинг ер ости сувлари таркибида мавжудлиги аниқланмади ёки унинг концентрацияси РЭЧУдан анча паст (0,7 мг/л) эди. Ер ости сувлари шаклланишининг манбалари - Тўполон, Коратоғ, Обизаранг, Сангардак, Хўжаипак дарёларининг ер усти сув оқимларида фтор концентрацияси 0,17-0,3 мг/л дан ошмади.

2005 йил сўнгидан то ҳозирги вақтга қадар, тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ТАЛКО ДУК таъсир зонасидаги атроф табиий муҳит ифлосланишини ўрганиш давом эттироқмокда.

Ўзбекистон Республикаси Вазилар Маҳкамаси хузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет) тақдим этган маълумотларга караганда, 2006 йил март ойидан то октябргача $0,051 \text{ мг}/\text{м}^3$, 2007 йил апрель ойидан то октябригача эса $0,049 \text{ мг}/\text{м}^3$ гача (меъёр $0,012 \text{ мг}/\text{м}^3$) оралиқда атмосфера ҳавосида фторли водороднинг бир марталик юқори концентрациялари ошиш ҳолатлари қайд қилинган.

Бундан ташқари, кўрсатилган давр давомида, Сурхондарё вилоятида Соғлиқни саклаш вазирлигининг Республика давлат санитар-эпидемиологик назорати маркази (РДСЭНМ) ҳудудий бўлинмалари томонидан Узун, Сариосиё, Денов ва Жарқўргон туманларида атмосфера ҳавосини тадқик қилиш амалга оширилди. 2006 йилда атмосфера ҳавосидан 1015 намуналар олинган. Бунда марталик РЭЧУ ошиши билан боғлиқ намуналар Сариосиё туманида кузатилди. Июнь ойидан бошлаб намуналарда атмосфера да РЭЧУдан ортиқ бўлган фторли водород кўпайди ва июнда 26,79%, июлда 24,04%, августда 25,9%, сентябрда 30,6%, октябрда 35%, ноябрда 20% ва декабрда 20,8% такил этди. Мазкур туманда фторли водород бор намуналар 29,2 фоиздан (март) 100 фоизгача (декабр) оралиқда тебранмоқда.

Узун, Денов туманларида аҳоли яшаш пунктлари атмосфера ҳавосида фторли водород сақланиши РЭЧУдан юқори бўлмаган. 2006 йил давомида, Жарқўргон тумани атмосфера ҳавосида фторли водород аниқланмади.

2007 йил 9 ойи давомида атмосфера ҳавосидан 565 намуна олинган. Узун туманида аниқланган энг юқори марталик концентрация $0,014 \text{ мг}/\text{м}^3$ дан $0,078 \text{ мг}/\text{м}^3$ гача; Сариосиё туманида – $0,015 \text{ мг}/\text{м}^3$ дан $0,092 \text{ мг}/\text{м}^3$ гача тебранди. Гигиеник меъёрларга (марталик – $0,012 \text{ мг}/\text{м}^3$) мос намуналар улуши Сариосиё туманида 41,3 фоиздан 90 фоизгача, Узун туманида 33,3 фоиздан 93,3 фоизгача тебранган. Денов туманида фторли водород бўлиши марталик РЭЧУдан ошмаган, Жарқўргон туманида эса, фторли водород аниқланмади.

ТАЛКО ДУК трансчегарвий ташламаларининг Сурхондарё вилоятининг айrim чегаравий туманлари аҳолисига салбий таъсирини камайтиришга йўналтирилган тадбирлар режасига кўра Соғлиқни саклаш вазирлиги томонидан:

- Узун, Сариосиё, Денов ва назоратда-ги Жарқўргон туманлари аҳолисининг даволаш-профилактика муассасаларига тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилишларининг ҳар чоракли ҳисоби юритилади;

- атроф-мухитда фторли бирикмаларнинг бўлиши юзасидан, доимий изланишлар олиб борилади.

2006 йилда аҳоли касалланишининг таҳлили қуидагиларни аниқлади.

Сариосиё тумани бўйича 2006 йил сўнгига келиб, онкологик касалликлар бўйича аҳолининг мурожаатлари кескин кўпайди. 2006 йил биринчи чорагига нисбатан онкологик касалланишлар ўсиш суръатлари 445 фоизни ташкил қилди. 10 000 жон бошига интенсив кўрсаткичлар тегишли равиша биринчи чоракдаги 27,5 га нисбатан тўртинчи чо-

ракда 149,8 бўлди. Эндокрин тизими (ўсиш 112% бўлди, интенсив кўрсаткичлар тегишли равиша 1133,3 ва 2399,1), нафас олиш органлари (ўсиш 178%, интенсив кўрсаткичлар тегишли равиша 556,2 ва 1546,1), овқат ҳазм қилиш органлари (ўсиш 156%, интенсив кўрсаткичлар тегишли равиша 340 ва 871,9), флюороз (ўсиш 98,8%, интенсив кўрсаткичлар тегишли равиша 538,8 ва 1071,3) касалликлари бўйича ҳам шунга ўхшаш ўсиш тамойили қайд қилинди.

Узун тумани бўйича онкологик (438%) ва эндокрин тизими (240%) касалликларининг кескин ўсиши кузатилди. Нафас олиш органлари ва флюороз касалликлари ўсиши Сариосиё туманига нисбатан паст ва тегишли равища 90% ва 9,6%ни ташкил қилди. 14 ёшгача бўлган болалар орасида касалликларнинг тарқалиши барча 5 касаллик гурухлари бўйича ўсиши билан тавсифланди.

Денов тумани бўйича касалликлар бўйича шифокорларга аҳолининг мурожаат қилиши маълумотлари абсолют ракамлари кескин фарқ қилмоқда. Агар биринчи ва иккинчи чоракларда рўйхаттга олинган онкологик касалликлар сони 100 дан ортмаган бўлса, учинчи ва тўртинчи чоракларда бу ракамлар 901 ва 1074 ни ташкил қилди. Рўйхаттга олинган нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш органлари, флюороз касалликлари сони бўйича ҳам худди шундай вазият кўзга ташланади. Демак, 5 касаллик гурухи бўйича умумий касалланишлар интенсив кўрсаткичлари биринчи ва иккинчи чоракка нисбатан учинчи ва тўртинчи чоракларда анча юқори. Умуман олганда, эндокрин тизими (10000 жон бошига 42,4) ва нафас олиш органлари (510,1) касалликлари тарқалишининг интенсив кўрсаткичлари Узун (тегишли равища 212,3 ва 830,3) ва Сариосиё (тегишли равища 2399,1 ва 1546,1) туманларига нисбатан паст. Флюороз тарқалиши (498,3) Сариосиё туманига (1071,3) нисбатан паст, лекин Узун туманига (105) нисбатан юқоридир.

Жарқўргон тумани бўйича аҳоли орасида барча ёш гурухларида флюороз рўйхаттга олинмади. 2006 йил учинчи чорагига нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш органлари касалликларининг абсолют ракамлари 1, 2 ва 4 чоракларга нисбатан юқори. Тўртинчи чоракда биринчи чоракка нисбатан онкологик касалланишлар кўрсаткичлари 4,9 фоизга пасайғанлиги билан изоҳланади. Нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш органлари касалликлари тарқалишининг кўрсаткичларига келсак, тегишли равища 82% ва 135%га ўсиш қайд қилинган.

2007 йилнинг 9 ойи давомида Сурхондарё вилояти аҳолиси саломатлиги ҳолатининг мониторинги Узун, Сариосиё, Денов ва Жарқўргон туманларида барча ёш гурухларида (болалар 0-14 ёшгача; ўсмирлар 15-17 ёш; 18 ва ундан катта ёшдагилар) онкологик, нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш органлари, эндокрин тизими касалликларини рўйхаттга олиш давом этганлигини кўрсатди. Бироқ, флюороз барча ёшдаги гурухларда фақат учта туманда (Узун, Сариосиё, Денов) рўйхаттга олинди. Таъкидлаш жоизки, 0 дан 14 ёшгача бўлган болалар орасида онкологик касалланишларининг камдан-кам ҳолатлари қайд қилинди.

Кўрсатилган туманларда нафас олиш органлари, эндокрин ва сүяк тизими, онкологик касалликлар, овқат ҳазм килиш органлари ва флюороз касалликлари борасида, ахолининг тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилиш кўрсаткичлари камайиш томонга тавсифланмади.

Фтор таъсирида тупроқдаги жараёнларда жиддий ўзгаришлар қайд этилмоқда. ТАЛКО ДУК томонидан, Сурхондарё вилояти тупроқ қатламига салбий таъсир миқёсини аниқлаш бўйича илмий ишлар Давергеодезкадастр қўмитасининг Давлат тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти (ДТАИТИ) томонидан олиб борилмоқда. Вилоятнинг Сариосиё, Узун, Денов, Шўрчи, Қумкўргон ва Жаркўргон туманларида 18 та кузатув экологик майдончаси (КЭМ) ташкил этилган.

2006 йилда олиб борилган тадқиқотларда фторнинг сувда эрийдиган бирикмаларининг тупроқ, сув ва ўсимликларга сезиларли таъсири аниқланмади.

Тупроқда алюминийнинг токсик кўчма бирикмалари тўпланиши кузатилди. Тупроқнинг сувда эрийдиган фтор билан ифлосланиши ифлосланиши манбаидан 200 км радиусдаги, алмашинув алюминий бирикмалари билан ифлосланиши эса, заводдан 40-50 км радиусдаги худудни юқори микдорда қамраб олган. Ифлосланиш яқин қўшни туманлар худудларинигина эмас, балки узоқ масофада жойлашган Шўрчи, Қумкўргон ва Жаркўргон туманлари худудларини ҳам қамраган. Техноген ифлосланиши таъсирида бўлмаган тупроқларда ялпи алюминий таркиби тупроқнинг 150-600 мг/кг оралиғида, ТАЛКО ДУК таъсирида бўлган тупроқларда эса, 490-2700 мг/кг оралиқда бўлган. Алюминийнинг энг кўп миқдори шимоли-шарқий ва ғарбий йўналишларда заводдан 20-35 км масофада тўпланган (алмашинув алюминий 180-250 мг/кг).

Ўсимликлар ўзлаштира оладиган алюминий тупроқда учраши учун унинг кислоталилиги ёки ишқорийлиги юқори бўлиши керак. Мазкур ҳолатда тупроқ pH кўрсаткичи 7-7,5 дан ортиқ эмас, яъни ишқорийлиги жуда паст. Бунга асосланиб айтиш мумкинки, алюминий алмашинуви техноген равишда ҳосил бўлган бўлиб, минтақадаги кўплаб салбий ҳолатларга (ахоли касалланиши, ўсимлик ҳамжамиятининг кўплаб турлари ўлиши, данаклилар йўқолиши, ҳайвонлар касалланишига) сабабчи бўлмоқда.

2006 йилда Соғлиқни саклаш вазирлиги томонидан аҳоли яшайдиган жойларнинг тупроғи ўрганилди. Узун, Сариосиё, Денов ва Жаркўргон туманларида фторнинг ялпи таркиби бир хил 2,8-5,8 мг/кг оралиқда бўлди ва меъёрлардан ошмади. 2007 йилда 127 тупроқ намуналари ўрганилди. Тупроқда фторнинг энг юқори концентрацияси Сариосиё туманида 4,05-4,2 мг/кг; Узун туманида 3,03-4,2 мг/кг; Денов туманида 3,4-4,2 мг/кг; Жаркўргон туманида 3,2-3,7 мг/кг бўлди ва гигиеник меъёрлардан ошмади.

«Ўзгидромет» маълумотларига кўра, 2006 йилда ва 2007 йил биринчи ярмида Амударё ҳавzasининг энг йирик дарёлари – Сурхондарё ва Қашқадарё да-

рёларида ўртамиёна ифлосланган. Ушбу даврда Сурхондарё ва Қоратоғ дарёларининг ифлосланиши куйидагича бўлди:

нитритлар бўйича 2006 йилда 0,1-3,4 РЭЧУ (0,001-0,068 мг/л), 2007 йилда 0,1-1,9 РЭЧУ (0,002-0,038 мг/л);

феноллар бўйича 2006 йилда 6 РЭЧУгача (0-0,006 мг/л), 2007 йилда эса 0,3 РЭЧУгача;

сульфатлар бўйича 2006 йилда 0,7-7 РЭЧУ (70,1-696 мг/л), 2007 йилда 0,9-2,9 РЭЧУ (87,4-292 мг/л);

минерал тузлар таркиби 2006 йилда 1,4 РЭЧУгача (1433 мг/л гача);

кўрғошин бирикмалари бўйича 2006 йилда 3,7 РЭЧУгача (3,5 мкг/л), 2007 йилда 0,8-4,2 РЭЧУ (0,8-4,2 мкг/л);

олти валентли хром бўйича 2006 йилда 1,5 РЭЧУгача (1,5 мкг/л гача);

нефть маҳсулотлари бўйича 2007 йилда 0,2-1,2 РЭЧУ (0,01-0,06 мг/л).

Қолган ингредиентлар мавжудлиги РЭЧУдан ошиқ бўлмади.

2006 йилда Соғлиқни саклаш вазирлиги томонидан ер усти сувларининг тадқиқотлари ўтказилди ва ҳавзалардан 429 сув намуналари олинди, шу жумладан, Узун туманида – 80, Сариосиё – 52, Денов – 82, Жаркўргон – 215 намуна олинди. Ҳавзалар сувида фторнинг энг юқори концентрацияси 0,1 мг/дм³ни (Узун туманида – март ва июнда, Сариосиёда – январда, марта, апрелда, майда) ташкил этди. Денов ва Жаркўргон туманлари ичимлик сувларида фтор аниқланмади.

Ичимлик сувининг тадқиқ этилган намуналарининг умумий сони 1165 тани, хусусан, Узун туманида – 80 та, Сариосиё туманида – 52 та, Денов туманида – 82 та, Жаркўргон туманида 215 тани ташкил қилди. Фтор Узун (февралдан май ойларигача) ва Сариосиё (апрель-май ойларидан) туманлари ичимлик сувида 0,1 мг/дм³ концентрацияда топилди. Денов ва Жаркўргон туманлари ичимлик сувида фтор аниқланмади.

2007 йил 9 ойида ер усти сувлари тадқиқотлари ўтказилди ва сув ҳавзаларидан 285 та намуналар, хусусан, Узун – 104 та, Сариосиё – 71 та, Денов – 55 та, Жаркўргон туманларида – 55 та намуналар олинди. Узун, Сариосиё ва Жаркўргон туманлари ер усти ҳавзаларининг сувида фтор аниқланмади. Денов туманида камдан-кам намуналарда РЭЧУдан паст миқдорда – 0,01-0,2 мг/дм³ топилди.

Ичимлик сувининг ўрганилган намуналарининг умумий миқдори 709 тани, хусусан, Узун – 324 та, Сариосиё – 332 та, Денов – 18 та, Жаркўргон туманларида – 35 тани ташкил қилди. Фтор таркиби гигиеник меъёрлардан (0,7 мг/дм³) ошмади.

Ичимлик суви намуналари атмосфера ҳавоси сифатининг назорати ўтказилаётган аҳоли яшаш пунктларидан, муайян кўчалар, мактаблар, болалар боғчалари ва сув тайёрланишида олинди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш маркази (ИИЧМ) ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш

маркази 2006-2007 йилларда ифлослантирувчи моддалар ташланишининг флора ва ўсимликларга таъсирини ўрганиш ишларини давом эттириди.

Тадқикотлар обьектлари сифатида Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Узун, Денов, Шўрчи, Олтиной ва Жаркўргон назоратдаги туманларида кенг етиширилаётган ўсимликлар навлари хизмат қилди.

Ўсимликлардаги, айниқса, зарарли ташламалар билан атмосфера ифлосланиши шароитларида алоҳида физиологик ва биокимёвий ўзгаришлар кам ўрганилганлиги эътиборга олиниб, гўза уруғларида (Наманганд-77 ва Юлдуз), оксиллар таркиби ўзгаришининг динамикаси тадқиқ этилди. Тадқикотлар кўрсатишича, гўзанинг оммавий гуллаши даврида мева элементларининг кўп тушиши кузатилди, натижада ҳосилдорлик 10-15 фоизга камайганлиги таъкидланди. Гўза гулчанги оксилларининг ташламалар зарарли таъсирга берилувчанигини тадқиқ этилиши кўрсатди, зарарли ташламалар гулчанг оксиллари юқори молекуляр синтезни секинлаштираш экан.

Белгиландики, таъсир зонасида ҳатто кам харажат билан ҳам, яъни минерал ва оксил алмашиниши бошқарилишида қатнашадиган биостимуляторлар (хусусан, хлорли кальций эритмалари) билан ўсимликлар уруғларида ишлов бериш орқали ҳам ўсимликларнинг зарарли ташламалар билан зарарланиши даражасини камайтириш мумкин экан.

ТАЛКО ДУК таъсири зонасидаги бошқа ўсимликлар ҳолатини ўрганиш шуни кўрсатди, ўрик, узум, чинор, тут, хурмо, олма, баъзида анорда морфологик белгилар ўзгаради ва барглар пластинкаси, айниқса, узумда заарланаиди, барглар нотабиий қизил рангга киради, сўнгра қуриб колади. Хурмо, ипак, олма ва олхўри баргларида барглар пластинкасининг пигментацияси ўзгаради. Томатда барглар нафас олиши суръатининг ўзгариши кузатилди.

Кучли ифлосланиши зоналарида ўсимликларда 200 мг/кг дан ортиқ фторли водород тўпланади, ваҳоланки, барглардаги фторидларнинг салбий таъсир чегарасидаги даражаси қуруқ массага нисбатан 15-20 мг/кгдир. Сариосиё туманининг деярли барча хўжаликлида ўсимликлар баргларидаги фтор таркиби, айниқса, кузда меъордан 2-10 баравар ошади. Бунда ўсимликларга ТАЛКО ДУК ташламалари таъсири зонаси шамоллар йўналишида заводдан 40-45 км масофагача чўзилган.

Данакли экинлар ва хурмо алюминийнинг зарарли ташламаларига кўпроқ берилувчан, уларда вактдан илгари барглари тушиб кетади.

Фанлар Академиясининг «Ботаника» ИИЧМ ва Ф.Н.Русанов номли ботаника боғи Сариосиё туманидаги маҳаллий ўсимликларни тадқиқ қилганда, бу ерда икки турдаги: «*Taphrina*» ва «*Streckeria*» замбуруғлар учрашини аниқлашди. Бу замбуруғлар халталилар оиласига кириб, барглар қуриб қолиши касалликлари тарқалишининг манбай ҳисобланади. Кўрилган замбуруғлар «Дашнобод» ва «Ўзбекистон» хўжаликлида айниқса тарқалган, натижада олча ва шафтоти ҳосилдорлигининг 50 фоизгача камайиши юз беради.

Сариосиё туманида, шунингдек, «*Russina graminis*» оиласидаги замбуруғлар учрайди, улар

буғдойнинг касалланишига олиб келади. Жами аниқланишича, Сариосиё туманида 26 турдан ортиқ фитопатоген замбуруғлари, 24 турдаги тупрок микромицетлари учрайди. Бу замбуруғлар тарқалиши натижасида ўсимликлар ҳолати ёмонлашади, яъни барглarda тўқ жигарранг доғлар, куйишлар намоён бўлади, ўсимликлар ҳосилдорлиги пасаяди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази маълумотларига қараганда, Сариосиё туманидаги «Дашнобод» хўжалигидаги ўсимликлардаги озуқавий минерал элементлар 0,11 ни, назоратдаги Жаркўргон туманидаги ўсимликларда 0,55 ни ташкил қилади.

Назоратдаги Жаркўргон туманига нисбатан Сариосиё туманидаги ўсимликлар таркибида шакар миқдори 50 фоизга кам. Шакар миқдорининг умумий камайиши ТАЛКО ДУК ташламалари натижасида, ўсимликларда рўй бераттган биокимёвий ва физиологик бузилишлардан далолат беради. Ўсимликлар турли касалликларга янада берилувчан бўлмоқда.

Олиб борилган тадқикотлар натижалари бўйича хулоса чиқариш мумкинки, ўсимликлар тузилмасидаги умумий ўзгаришлар факат фойдали микрофлоранинг оғир металлар (Ni, Al, қисман Pb), шунингдек, ифлослантирувчи моддалар – азот оксидлари ва олтингугурт ташламалари таъсирида заарланиши натижасида рўй беради, холос. Бу шароитларда фитопатогенлар жадал ривожланади, натижада ўсимликлар ҳосилдорлигининг пасайишига олиб келади.

Таҳлиллар натижалари кўрсатишича, В₁ витамини (5 мг/л) эритмаси билан тўйинтирилган турли қишлоқ хўжалиги уруғларини экишда илдиз тизимишнинг ривожланиши 5-10 фоизга кўпайди. Хусусан, В₁ витамини (10-15 мг/л) эритмаси билан тўйинтирилган гўза ва томат экишда илдиз тизимининг ривожланиши 25-35 фоизга, маккажӯҳори уруғларини экишда 34 фоизга кўпайди.

Фторнинг тупрок жараёнларини ўзгартириши ва фторли водороднинг атмосфера ҳавосига ташланиши қишлоқ хўжалигига жиддий салбий таъсир кўрсатди. Ўсимликуносликда ҳосилдорлик, чорвачиликда маҳсулдорлик кескин камайди. Узун туманида 1991 йилда узум ҳосилдорлиги 30,1 ц/га атрофида бўлди, 2002 йилда 2 баравар, Сариосиё туманида худди шударда 4 баравар камайди.

Аввал Сариосиё тумани иилига 400 т ипак етишириар эди, ҳозирги вақтда бу фаолият тўхтатилган.

Сўнгти ўн йилликда Сариосиё туманида иирик қорамол сони кариб 80%га, Узунда – 50%га, сут ишлаб чиқариш тегиши равишда 51% ва 12%га камайди.

Тупроқда фторнинг ва атмосфера ҳавосида фторли водороднинг ортиқча таркиби сезилиларни иқтисодий зарар етказмокда. Илмий-тадқикот гидрометеорологик институти мутахассисларининг бошланғич ҳисоб-китобларида қараганда, алюминий заводи таъсирига берилган туманларнинг иқтисодий зарари атиги тўрт йилда (1997, 1999, 2001, 2003 йилларда) 228,3 млн. АҚШ долларида баҳоланмоқда.

Тожикистон билан чегарадош Сурхондарё вилояти худудига заводнинг салбий таъсирини олдини олиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг

қилаётган барча ҳаракатлариға қарамай, муаммо ечилмасдан қолмоқда. Қайд этилган муаммолар биргаликда мазкур вилоятнинг 570 мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган чегараолди туманларида ташвишли холатни вужудга келтирмоқда, аҳоли кайфиятига жуда салбий таъсир қилмоқда.

Юкоридагилардан келиб чиқиб, алюминий заводи ташламаларининг Сурхондарё вилояти Денов, Узун ва Сариосиё туманлари худудлариға салбий таъсирини юмшатиш учун маҳсус мақсадга йўналтирилган чоралар қабул қилиш лозим.

1. Экологик тоза ва ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий қилиш асосида табиий ресурслардан оқилона ва комплекс фойдаланишини таъминлаш, кўриб чиқилаётган худуд атроф табиий муҳитининг ифлосланиши даражасини санитар-гиеник ва экологик меъёрларгача пасайтириш; турили даражадаги давлат органлари ва табиатдан фойдаланувчилар муносабатларини бошқаришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш ва жорий қилиш, қабул қилинаётган бошқарув қарорларининг ижтимоий-иктисодий самарадорлигини баҳолашга экологик талабларни киритиш.

2. Атроф-мухит холатини башорат қилиш ва баҳолашга комплекс тизимили ёндашиш мақсадида ягона мониторинг, башоратлаш ва ахборот тизимини ташкил қилиш.

3. Давлат дастурлари, фундаментал ва кўшимча тадқиқотлар, шунингдек инновацион дастурларда алоҳида йўналиш сифатида умумдавлат экологик муаммоларни назарда тутиш.

4. Икки томонлама давлатлараро ишчи гурухини ташкил қилиш, яъни:

а) халқаро ташкилотлар молиявий маблағларини жалб этиши мақсадида, кўмаклашиб учун халқаро форум ташкил қилиш;

б) «Тожикистон алюминий компанияси» давлат унитар корхонасининг салбий таъсир зонасида экологик ҳолатни яхшилашда ҳамкорлик қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Тожикистон Республикаси ҳукумати ўртасидаги Битим»нинг янги лойиҳасини тайёрлаш;

в) минтақада экологик-гиеник ҳолатни тузатиш чораларини ишлаб чиқиши мақсадида, Тожикистон ва Ўзбекистон худудлари атроф-мухити ва ахолиси саломатлигига алюминий заводи заарарли ташламаларининг таъсири жараёнини чукур ўрганиши бўйича маҳсус давлатлараро дастурни ишлаб чиқиши зарур.

5. Ўзбекистон Республикаси Трансчегаравий миқёсда атроф-мухитга таъсири баҳолаш бўйича Конвенцияга (Эспо, 1991 й.) кўшилиши керак.

6. Сурхондарё вилояти ҳокимилигига Халқ депутатлари кенгаши тегишли комиссиялари билан ҳамкорликда, маҳаллий фуқаролар йиғинларини жалб этган ҳолда, «Тожикистон алюминий компанияси» давлат унитар корхонасининг салбий таъсир зонасидаги оқибатларни юмшатиш бўйича маҳсус дастур ишлаб чиқиши лозим.

7. Жамиятнинг экологик маданиятини ва малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида, экологик таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш зарур.

2.6. Иқлим ўзгариши

Иқлим ўзгариши бўйича экспертлар огоҳлантиради: 2100 йилга келиб, Антарктида ва Гренландия музликларининг фаол эриши туфайли жаҳон океани сатҳи 18-59 сантиметрга кўпайиши мумкин, бу баъзи орол давлатлари ва соҳилбўйи шаҳарларининг ҳалокатли сув остида колишига олиб келиши мумкин.

Жаҳоннинг 130 мамлакатидан 2,5 минг олимдан таркиб топган ЕМТ ҳукуматлараро комиссияси томонидан тайёрланган «Иқлим ўзгариши-2007» маъруzasи 2007 йил 2 февралда Парижда атроф-мухитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича халқаро конференцияда ўзлон қилинди. Маърузада инсон фаoliyati натижасида рўй берадиган глобал исишига шубҳасиз далиллар келтирилган. 100 йиллик Глобал башоратлар буғона газлари (БГ) ташламаларини қисқартириш бўйича чоралар кўрилганида ҳароратнинг 1,4 дан 5,8°C гача кўтарилишини кўрсатмоқда.

Хозирги вақтда кузатилаётган иқлимининг глобал ўзгариши атроф-мухитнинг турили компонентлари ва уларнинг алоҳида ҳусусиятлари, ижтимоий-иктисодий тармоқларга таъсир етказмоқда.

Ўзбекистон худуди бўйича иқлим мониторинги маълумотлари XX ва XXI аср бошларида исишининг турғун тамойилини кўрсатмоқда, унинг суръати ўн йиллик учун 0,2°C дан ошади, бу шимолий яримшар бўйича исишининг ўртача суръатидан 40 фоизга ортиқдир. Исиш оқибатида минтақада Орол денгизи ҳавзасининг дарёларини таъминлайдиган кор-музлик ресурсларининг майдони таназзулга учрамоқда ва қисқармоқда. Сўнгги ярим асрда Марказий Осиё төгли музиклари учдан бир қисмдан ортиқка қисқарди.


2.6.1. Ҳарорат ўзгариши

Ҳаво ҳарорати. Бу кўрсаткич кўплаб агроклимий ва гидрофизик ҳусусиятларни хисобкитоб қилиш учун кўлланилади. Термик шароитлар ўсимликлар маҳсулдорлигини, экиш муддатлари, ўсимлик ривожланиши босқичларининг давомийлигини аниқлади. Йилнинг термик шароитларидан келиб чиқиб, иситиш даври давомийлиги ва ёнилғига эҳтиёж белгиланади.

Базавий иқлимий меъёрлардан чекланишларда акс этган ҳавонинг ҳарорати Ўзбекистонда рўй берадиган иқлим ўзгаришларини акс эттиради. Маълумотлар мамлакатда кузатилаётган исиш суръатларини, яъни атмосферада буғона газлари концентрациясининг ошиши оқибатида рўй берган глобал исишига минтақавий иқлимий тизимнинг реакцияси кўрсатади. Республика асосий метеорологик станциялари кўрсаткичлари асосида аниқланган тренд, минтақада йиллараро иқлимининг кескин ўзгариши асосида рўй берадиган барқарор исиш тамойилини кўрсатмоқда (19-расмга қаранг).

2.6.2. Атмосфера ёғингарчиликлари

Ёғингарчиликлар, базавий иқлимий меъёрга (1961-1990 йиллар) нисбатан фоизларда акс этган «стандарт ёғингарчиликлар индекси» деб юритилади ва қишлоқ хўжалиги экинлари, яйловлар ва табиий экотизим-



19-расм. Ўзбекистон бўйича ўртacha йиллик ҳаво ҳароратининг ўзгариши

лар учун энг ҳавфли ҳолатлардан бири – қурғоқчилик тақрорланиши ва жадаллигини мониторинг қилиш учун қўлланилади. Қурғоқчилик даврида шўрланиши ва тупроқ эрозияси жараёнлари кучаяди, пульсловчи қўллар куриди. Ёғингарчиликлар фавқулодда кам бўлган йилларда бутун экотизимлар, масалан, соҳилбўйи ва дельта экотизимлари ҳалок бўлиши мумкин. Кучли қурғоқчилик (фавқулодда қурғоқчи йиллар) улкан ҳудудларни камрагани туфайли «стандарт ёғингарчиликлар индекси» шунингдек гидрологик цикл, хусусан, дарё оқимига ҳам таъсир қўламини акс эттиради.

Кўп йиллик кўрсаткичлар қаторини таҳлил қилиш намарчилик таңқислиги тақрорланиши ва жадаллигини баҳолаш имконини беради. 1933 йилдан 2007 йилгача амалдаги кўп йиллик маълумотлар кўрсатишича, сўнгги ўн йилликда минтақада жадал исиш негизида йиллараро ёғингарчиликлар тартиби ўзгаришининг кучаяётганлиги кўзга ташланмоқда, бунда уларнинг кўпайиш тамойили кузатилмоқда (20-расмга қаранг).




20-расм. Ўзбекистон бўйича стандартлаштирилган ёғингарчиликлар индексининг ўзгариши

Қор билан қопланган кунлар сони. Ўзбекистон шароитида тургун қор қоплами ning сакланиши факат шимолий ва 1000 м дан баланд тоғли туманларда кузатилади. Ҳудуднинг қолган текислик қисмida ва тофёнбағрида корли қоплам факат муайян йилларда сақланади холос.

Бу маълумотлар бутун республика ҳудуди бўйича корли қоплами ning маконли-вақти таксимланиши бўйича йилнинг совук даврини баҳолашда қўлланилади. Йилнинг совук даврида қор тўпланиши ва унинг сакланиши давомийлиги кўп жиҳатдан баҳорги-ёзги оқим катталигини белгилайди, яъни айнан қор заҳираси сув йигимларига эриган

сувнинг асосий тўпланиши ва вегетация оқимининг эриган сув таркибини белгилаб беради. Минтақанинг кўплаб дарёлар ҳавзасида қор қоплами кунлар сони қисқаётганлиги тамойили қайд қилинмоқда, бу минтақа метеостанцияларида кузатиладиган ҳаво ҳарорати ўсиши тамойилига мувофиқдир. Бу ахборот боқиладиган чорвачилик, лалми дехқончилик ва сув хўжалиги ташкилотлари учун кўниши стратегиясини ишлаб чиқишида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг баъзи тоғли ҳудудлари учун 1995 йилдан 2007 йилгача қор қоплами кунлар сонининг динамикаси 21-расмда кўрсатилган.



21-расм. Баъзи тоғли ҳудудлар учун қор қоплами кунлар сонининг динамикаси

Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудлари бўйича қор қоплами кунлар сони кенг оралиқда тебранади, бу турли ҳавзаларда қор тўпланиши шароитларининг якка хусусиятлари билан белгиланади. Қор қоплами кунлар сони шимолий туманларда ва тоғларда жой баландлиги кўтарилгани сари кўпайиб боради.

2.6.3. Буғхона газлари (БГ) ташламалари

Асосий буғхона газларининг умумий ташламалари атроф-мухитга антропоген таъсирни белгилайди, улар ташламаларни башорат қилиш эса, турли бошлангич шароитлар ва ташламаларни камайтириш бўйича қўлланилган чоралардан келиб чиқиб, бўлажак таъсирни баҳолайди.

Миллий даражада БГ ташламаларини ҳисоблаш мониторинг ва иқтисодиётнинг асосий тармоқларида антропоген ташламаларни қисқартириш бўйича тадбирларни режалаштириш имконини беради, бу Киото протоколи механизмларини қўллайдиган лойиҳаларни амалга ошириш доирасида халқаро кооперация учун асос яратади.

Биринчи миллий буғхона газлари инвентаризацияси 1990-1997 йиллар вақт оралигини қамраб оларди ва «БМТ иқлим ўзгариши бўйича доирали Конвенцияга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг биринчи миллий хабарномаси», 1 ва 2-фазаси лойиҳаларининг бир қисми сифатида амалга оширилди. 1990 (базали) йил ва 1994 йил учун маълумотлар батафсил тақдим этилди. Иккинчи инвентаризация ҳисботига аввал ҳисблangan ҳамда қайта кўриб чиқилган антропоген эмиссиялар ва 1990-2005 йиллар даврида Монреаль протоколи билан назорат қилинмайдиган буғхона газлари ютилишининг баҳолари, шунингдек аввал қамраб олинмаган бевосита буғхона эффектли эмиссиялар манбалари (углерод диоксиди, метан, азот закиси) ва бавосита эф-

фектли газлар (углерод оксиди, азот оксиди, олтин-гугурт диоксиди, метансиз углеводородлар) киритилиди. 1990-2005 йилларда Ўзбекистонда буғхона газлари эмиссиялари ўзгариши 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвалдан кўриниб турибдики, жами кўриб чиқилаётган давр мобайнода 1990 йил даражасидан буғхона газлари умумий эмиссиясида кескин ўзгаришлар кузатилмади.

5-жадвал. Ўзбекистонда буғхона газлари эмиссиялари тенденцияси (млн. т СО₂ эквивалентида)

| Газлар | 1990 йил | 1994 йил | 2000 йил | 2005 йил |
|--|----------|----------|----------|----------|
| СО ₂ ютилиши соғ эмиссиялари | 111,720 | 100,016 | 107,587 | 100,836 |
| СО ₂ (ЕФҮХ* секторидан ташкари) | 113,287 | 101,368 | 108,606 | 100,419 |
| CH ₄ | 56,699 | 73,588 | 81,742 | 89,258 |
| N ₂ O | 12,914 | 12,041 | 10,812 | 9,973 |

* ЕФҮХ - Ердан фойдаланиш ва ўрмон хўжалигининг ўзгариши

Углерод диоксиди. СО₂ ташламаларининг асосий манбалари ёқилғи ёниши билан боғлик жараёнлар саналади. 2000 йилда СО₂ эмиссияси 108,6 млн. т ни ташкил килди, Ердан фойдаланиш ва ўрмон хўжалигининг ўзгариши (ЕФҮХ) тармоғи бундан мустасно. Углерод диоксиди гази эмиссияси ва улушининг кузатилаётган пасайиши, биринчи навбатда, ўтган асрнинг 90-йилларида ишлаб чиқариш ҳажмларининг пасайиши ва сўнгги беш йилда республика иқтисодиёти тузилмасининг ўзгариши, яъни ноишлаб чиқариш секторлари улушининг ошиши билан боғлик.

Метан. Метан ташламаларининг асосий манбаи бу энергетикадир (нефть-газ тармоғи). Метан ташламаларининг кўпайиши табиий газ қазиб олиниши ва истеъмолининг органлиги, йирик қорамол ва кўйлар миқдорининг кўпайганлиги ва ахоли сонининг ўстганилиги билан боғлик.

Азот бижитқиси. Ишлов бериладиган ва суғориладиган тупроқлар азот бижитқиси ташламаларининг асосий манбаи саналади. Азот бижитқиси умумий эмиссияси пасаймоқда, бу азот ўғитларини кўллаш камаяётганлиги билан боғлик.

Билвосита буғхона эффектли газлар ташламалари. Бу гуруҳдаги энг аҳамиятли газ – углерод оксиди миллион тоннадан ортиқ, қолган газлар ташламалари – 250-300 минг т ни ташкил қиласди. Ташламаларнинг қисқаётганлиги кўп жиҳатдан мамлакат иқтисодиёти барча соҳаларида ёқилғи сифатида табиий газдан фойдаланиш улушини оширганлиги билан боғлик.

Буғхона газлари (БГ) ташламалари баҳорати

Биринчи миллий хабарномага мувофиқ, 2010 йилгача истиқболда БГ ташламаларини баҳолаш иқтисодиёти ривожланишининг учта сценарий варианти асосида курилган:

1-вариант – ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) кам ўшиши ва кейинчалик иқтисодиёти тараққиётининг пасайиши билан боғлик иқтисодиёти тараққиётининг инерцияли сценарийсида;

2-вариант – мобиллашган сценарийда (ЯИМ 6-8 фоизгача ўшиши билан боғлик) ва энергияни тежаш тадбирларини ҳисобга олмагандан;

3-вариант – мобиллашган сценарийда ва янги нефть конларини ўзлаштириш ва энергияни тежаш тадбирларини амалга оширишни ҳисобга олиб.


Тўртта алоҳида манба тоифалари: «Энергетика», «Саноат жараёнлари», «Қишлоқ хўжалиги» ва

«Чиқиндилар» учун асосий БГ (CO₂, CH₄ ва N₂O) ташламалари баҳорати кўрсатишича, 2010 йилда иқтисодиёти ривожланиши варианtlари ва ташламаларни қисқартишиш бўйича чораларни амалга оширишдан келиб чиқиб, БГ эмиссиялари ҳажмлари CO₂-эквивалентида 185,6 млн. т дан 209 млн. т гача, яъни 1990 йилга нисбатан 13,7-28 фоизгача ортиши мумкин.

Иқтисодиётнинг учта тараққиёт вариантида ва ташламаларни қисқартишиш бўйича чоралар қўлланилганида, 2010 йилгача буғхона газлари ташламалари баҳорати 22-расмда кўрсатилган.

22-расм. 2010 йилгача Ўзбекистон Республикасида буғхона газлари ташланмалари баҳорати

(млн. т)



Манбалар:

БМТ Иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенцияси юзасидан Ўзбекистон Республикасининг биринчи миллий маъруzasи, Тошкент, 1999 й.

БМТ Иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенцияси юзасидан Ўзбекистон Республикасининг биринчи миллий маъруzasи, 2 фаза, Тошкент, 2001 й..

БГ қисқаршии истиқболлари ва ташламалар даражалари пасайишининг чоралари

Ўзбекистонда БГ эмиссияларини қисқартишиш истиқболи (тикланадиган энергия манбалари истиқболини ҳисобга олмагандан) CO₂ эквивалентининг 27,2 млн. т ни ташкил қиласди. Ташламаларни қисқартишишнинг энг катта имкониятлари энергетикага – 25 млн. т, саноат жараёнлари, қишлоқ хўжалиги ва чиқиндиларга CO₂ эквивалентида 2,2 млн. т гача тўғри келади.

Атмосферага буғхона газлари ташламаларини қисқартиришнинг асосий йўналишлари куйидагиларни камраб олади:

ёқилғи ва энергиядан фойдаланишдаги йўқотишларни қисқартириш ва технологияларини яхшилаш;

ишлиб чиқаришда энергияни тежайдиган ускуналарни такомиллаштириш ва жорий қилиш;

табиий газ, иссиқлик, сув ва энергия истеъмоли ҳисобининг жиҳозларини жорий этиш;

биогаз ва тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш;

экологик хавфсиз технологияларни олиш бўйича ахборот тизимларини такомиллаштириш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги хуқуқий меъёрларни ислоҳ қилиш;

ахолини иқлим ўзгариши муаммолари, энергияни тежаш зарурлиги ва самарали технологиялардан фойдаланиш тўғрисида хабардор қилиш.

БМТ иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенцияси юзасидан, Ўзбекистон Республикасининг биринчи миллый хабарномасига (2 босқич, 2001 й.) кўра, Ўзбекистон худуди бўйича буғхона газлари ҳисобига иқлиминг глобал ва минтақавий ўзгариши оқибатларини баҳолаш шуни кўрсатмоқдаки, 2030 йилга келиб, ўртача йиллик ҳароратнинг шимолий зонада икки-уч градусга, жанубий зона бўйича бир градусга кўтарилиши, тоғли туманларга таъсир камрок бўлиши кутилмоқда.

Иқлиминг ўзгариши сув устидан буғланиш ҳисобига 10-15% ва ўсимликлар транспирацияси ўсиши ҳисобига 10-20% сувнинг камайишига олиб келади, бу сувнинг тикланмас истеъмоли 18 фоизга ортишига сабаб бўлади, тегишли равища сув олиниши ҳам ортади. Ҳароратлар йифиндиси 5-10%га ортиши ва совуқ давр давомийлиги 5-15 кунга камайиши муносабати билан кишлоқ хўжалиги экинларини экишнинг агроклимиш шароитлари ўзгаради.

Иқлим ўзгариши салбий оқибатларининг олдини олиш ва уларнинг иқтисодиётга таъсирини юмшатишга йўналтирилган мамлакат иқтисодиётининг технологик эҳтиёжларини идентификациялаш, авваламбор, миллый иқтисодиёт тараққиётiga ёрдам беради. Бунда иқтисодий ўсишга эришиш ва уни кўллаб-кувватлаш экологик стандартлар ва устунликларга мос келиши даркор.

Иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини юмшатиш ва камайтиришга йўналтирилган технологияларни танлашда куйидаги омиллар кўлланилади:

буғхона газлари (БГ) эмиссияларини қисқартириш мақсадида иқтисодий секторлар аҳамияти;

мавжуд технологияларни баҳолаш;

бошқа технологиялар билан мослашувчанлиги ва ўйғуники;

эмиссиялар қисқариши ва лойиха амал қилиш муддатлари ўзгармаслиги;

технологияларни кўллашда олинадиган БГ эмиссияларининг миқдорий қисқариши;

технологияларни экологик ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти;

кейинчалик яхшилаш ва кўллашни кўпайтириш имкониятлари.

Ўзбекистон ва инвесторлар учун фойдали бўлган муҳим йўналишлар бу, тоза технологияларни (Кўёш энергетикаси, кичик гидроэнергетика, биогазни), шунингдек энергия ресурсларини тежашга йўналтирилган тадбирларни (маший истеъмолчилар учун газ, сув ҳисоби кўрсаткичларини жорий қилиш, иситиш тизимларини марказлаштиришдан воз кечишни) жорий этишдан иборат.

Республикада буғхона газлари эмиссияларини қисқартиришга йўналтирилган мақсадли сиёсат юритилмоқда. Киото протоколи ва БМТ иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенцияси (ИЎДК) бўйича ҳалқаро мажбуриятларни амалга ошириш нуқтаи назаридан тадбирлар мажмуаси ишилб чиқилган. 2000-2010 йилларга Ўзбекистон Республикаси буғхона газлари эмиссиясини қисқартириш бўйича Миллый стратегиянинг асосий низомлари ва уни амалга ошириш тадбирлари қабул қилинган.

Асосий тадбирлар куйидагиларни назарда тутади:

БГ ташламаларини техник назорат қилиш тизими яратиш;

иссиқлик етказиб бериш ва коммунал хизматлар корхоналарини техник қайта жиҳозлаш;

енергия ишилб чиқариши буғзазли ва газтурбина курилмалари асосида ривожлантириш;

кичик энергетика имкониятларини ўзлаштириш;

табиий газ, иссиқлик энергиясини ҳисоблаш асбобларини тадбиқ этиш;

оқилона тарифлар сиёсатини олиб бориш;

тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштиришни кенгайтириш.

Хозирги вақтда, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан тикланувчан энергия манбаларини (куёш коллекторлари ва қуёшли сувиситгичларни) ишилб чиқиш ва жорий қилиш бўйича қатор лойихалар амалга оширилмоқда.

2006 йил 6 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Киото протоколининг мусаффо ривожланиш механизми доирасида инвестиция лойихаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Карори, 2007 йил 10 январда эса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Киото протоколи Тоза тараққиёт механизми доирасида инвестиция лойихаларини тайёрлаш ва амалга ошириш тартиби ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги карори қабул қилинди. Барқарор тараққиётни таъминлаган ҳолда муҳим ташки иқтисодий, экологик ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қодир бўлган тоза тараққиёт механизми (TTM) бўйича инвестиция лойихаларини амалга ошириш бўйича Идоралараро кенгаш ташкил қилинди.

TTM бўйича инвестиция лойихаларига кўлланиладиган барқарор тараққиётнинг (иқтисодий, экологик, ижтимоий) миллый омиллари мамлакатнинг барқарор тараққиётiga кўмаклашиши керак.

Мамлакатнинг барқарор тараққиётини таъминлаш саноат кувватларини доимий модернизация қилиш, технологик базани такомиллаштириш, янги, асосан экологик тоза технологияларни жалб қилиш асосида табиий

ресурслардан оқилона фойдаланишнинг энергетик са-
марадорлигини оширишни тақозо этади.

2.7. Атмосфера ҳавосининг муҳофаза қилиниши устидан давлат назорати

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги Давлат назорати назорат килувчи органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ва унинг ишчи худудий комиссиялар руҳсатига биноан ўтказилади.

2000-2007 йиллар давомида 27773 та объектлар, шу жумладан, 22246 та саноат ва 5536 та транспорт корхоналари текширилди. Асбобий услугуб билан 1003682 ифлослантирувчи манбалар текширилди, 121293 та белгиланган меъёрлар ва давлат стандартлардан ортиқ кўрсаткичлар билан ишлаётган манбалар аниқланди, 39531 та ифлослантирувчи манбаларнинг фаолияти вактинча тўхтатилди. Ишлаб чиқариш 6-жадвалда көрсатилиши ҳисобига, 3,862 минг

тонна ифлослантирувчи моддаларнинг атмосферага ортиқча ташланнишининг олди олинди.

2000 йилга нисбатан 2007 йилда умумий текширишлар 3526 тага камайиши билан бирга, асбобий услугуб билан текширилган стационар ва кўчма ифлослантириш манбалари сони умумий республика бўйича 8,7 баробарга ортди. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш 6-жадвалда келтирилган.

Ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига биноан, 18794 нафар мансабдор шахс ва фуқарога нисбатан чоралар қўлланилиб, 236788,687 минг сўм микдоридаги жарима суммалари ундириб олинди. Шу билан бирга, 2007 йилда ундириб олинган жарима микдори 76940,974 минг сўмни ва 2000 йилдаги нисбатан 15 баробар кўпроқни ташкил этди. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича кўрилган чоралар 7-жадвалда келтирилган.

6-жадвал. 2000-2007 йилларда Ўзбекистон Республикасида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича давлат назорати

| Йил | Номи | Ҳисобот давридаги текширувлар сони | Асбоб усули билан текширилган манбалар (объектлар) сони | | Тўхтатилган корхона, цех, агрегатлар, объектлар ва х.к. сони, дона | Фаолияти тўхтатилиши натижасида қисқарган ташланмалар, минг т |
|------|---|------------------------------------|---|--|--|---|
| | | | Жами | Давлат стандартлари ва меъёрларда белгилангандан юқорилиги аниқлангани | | |
| 2000 | Жами: шу жумладан: Саноат корх. Транс. корх. | 5730 | 23360 | 3983 | 1664 | 0,100 |
| | | 4326 | 1915 | 505 | 41 | 0,062 |
| | | 1404 | 21445 | 3478 | 1623 | 0,038 |
| 2001 | Жами: шу жумладан: Саноат корх. Транс. корх. | 4686 | 39591 | 7291 | 1634 | 0,364 |
| | | 3800 | 1803 | 365 | 48 | 0,316 |
| | | 886 | 37788 | 6926 | 1586 | 0,048 |
| 2002 | Жами: шу жумладан: Саноат корх. Транс. корх. | 3722 | 47255 | 8169 | 1700 | 2,084 |
| | | 3095 | 2069 | 306 | 37 | 1,877 |
| | | 627 | 45186 | 7863 | 1663 | 0,207 |
| 2003 | Жами: шу жумладан: Саноат корх. Транс. корх. | 3756 | 81053 | 12381 | 1892 | 0,140 |
| | | 3033 | 3256 | 185 | 26 | 0,069 |
| | | 732 | 77797 | 12196 | 1866 | 0,073 |
| 2004 | Жами: шу жумладан: Саноат корх. Транс. корх. | 3431 | 180166 | 20672 | 7758 | 0,480 |
| | | 3053 | 2399 | 164 | 31 | 0,260 |
| | | 378 | 177767 | 20508 | 7727 | 0,220 |
| 2005 | Жами: шу жумладан: Саноат корх. Транс. корх. | 2335 | 220547 | 30168 | 16205 | 0,580 |
| | | 1917 | 2836 | 170 | 48 | 0,331 |
| | | 418 | 217711 | 29998 | 16157 | 0,249 |

| Йил | Номи | Ҳисобот давридаги текширувлар сони | Асбоб усули билан текширилган манбалар (объектлар) сони | | Тұхтатилған корхона, цех, агрегатлар, объектлар ва х.к. сони, дона | Фаолияти тұхтатилиши натижасыда қисқарған ташланмалар, мінг т |
|-----------|---|------------------------------------|---|---|--|---|
| | | | Жами | Давлат стандартлари ва мөйерларда белгіләнганидан юкорилиги аниқланғаны | | |
| 2006 | Жами: шу жумладан: Саноат корх. Транс. корх. | 1909 | 208451 | 19728 | 6794 | 0,043 |
| | | 1356 | 2894 | 124 | 3 | 0,006 |
| | | 553 | 205557 | 19604 | 6791 | 0,037 |
| 2007 | Жами: шу жумладан: Саноат корх. Транс. корх. | 2204 | 203259 | 18901 | 1884 | 0,070 |
| | | 1666 | 4311 | 237 | 12 | 0,032 |
| | | 538 | 198948 | 18664 | 1872 | 0,038 |
| 2000-2007 | Жами: шу жумладан: Саноат корх. Транс. корх. | 27773 | 1003682 | 121293 | 39531 | 3,862 |
| | | 22246 | 21483 | 2056 | 246 | 2,953 |
| | | 5536 | 982199 | 119237 | 39285 | 0,910 |

7-жадвал. Ўзбекистон Республикасида атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш бүйича қонунбузарларлар учун қўлланилган чоралар

| Йиллар | Номи | Табиатни мухофаза қилиш қонунчилигини бузилғанлик учун кўрилган чоралар | | |
|--------|---|---|------------------------------|---|
| | | Мансабдор шахслар ва фуқароларнинг маъмурий жавобгарликка тортилиши | | Жиноий жавобгарларга тортиш учун тергов органлари га юборилган ишлар, жами киши |
| | | Жами киши | Ундирилган жарима, минг сум. | |
| 2000 | Ўзбекистон Республикаси шу жумладан: Атмосфера ҳавоси шундан: Саноат корхоналари Транспорт корхоналари | 9508 | 22841,3 | 17 |
| | | 1532 | 5036,56 | |
| | | 1153 | 4113,74 | |
| | | 379 | 922,82 | |
| 2001 | Ўзбекистон Республикаси шу жумладан: Атмосфера ҳавоси шундан: Саноат корхоналари Транспорт корхоналари | 11165 | 38992,42 | 16 |
| | | 1817 | 8930,518 | |
| | | 1352 | 7058,453 | |
| | | 465 | 1872,065 | |
| 2002 | Ўзбекистон Республикаси шу жумладан: Атмосфера ҳавоси шундан: Саноат корхоналари Транспорт корхоналари | 11876 | 61821,532 | 17 |
| | | 2472 | 16330,643 | |
| | | 1757 | 12548,424 | |
| | | 715 | 3782,219 | |

| Йиллар | Номи | Табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини бузилганлик учун кўрилган чоралар | | |
|--------------------------------|--------------------------------------|---|------------------------------|--|
| | | Мансабдор шахслар ва фуқароларнинг маъмурий жавобгарликка тортилиши | | Жиноий жавобгарликка тортиш учун тергов органларига юборилган ишлар, жами киши |
| | | Жами киши | Ундирилган жарима, минг сум. | |
| 2003 | Ўзбекистон Республикаси шу жумладан: | 13965 | 92645,837 | 21 |
| | Атмосфера ҳавоси шундан: | 2694 | 22783,18 | |
| | Саноат корхоналари | 2086 | 17917,97 | |
| | Транспорт корхоналари | 608 | 4865,21 | |
| 2004 | Ўзбекистон Республикаси шу жумладан: | 11797 | 86855,5 | 46 |
| | Атмосфера ҳавоси шундан: | 2272 | 25728,4 | |
| | Саноат корхоналари | 1894 | 21741,4 | |
| | Транспорт корхоналари | 378 | 3987 | |
| 2005 | Ўзбекистон Республикаси шу жумладан: | 12885 | 121611,018 | 37 |
| | Атмосфера ҳавоси шундан: | 2550 | 39545,723 | |
| | Саноат корхоналари | 2119 | 33761,009 | |
| | Транспорт корхоналари | 431 | 5784,714 | |
| 2006 | Ўзбекистон Республикаси шу жумладан: | 14425 | 153412,944 | 30 |
| | Атмосфера ҳавоси шундан: | 2293 | 41492,689 | |
| | Саноат корхоналари | 1815 | 32922,27 | |
| | Транспорт корхоналари | 478 | 8570,419 | |
| 2007 | Ўзбекистон Республикаси шу жумладан: | 18916 | 274446,928 | 63 |
| | Атмосфера ҳавоси шундан: | 3164 | 76940,974 | |
| | Саноат корхоналари | 2536 | 60772,540 | |
| | Транспорт корхоналари | 628 | 16168,214 | |
| Жами 2000-2007 йиллар давомида | Ўзбекистон Республикаси шу жумладан: | 104537 | 852627,479 | 247 |
| | Атмосфера ҳавоси шундан: | 18794 | 236788,687 | |
| | Саноат корхоналари | 12897 | 157913,536 | |
| | Транспорт корхоналари | 4082 | 45952,661 | |

III. Сув ресурслари

3.1. Сув ресурслари ҳолати

Ўрта Осиёning куруқ иқлим шароитларида сув ресурслари табий экотизимларнинг барқарор мувозанатини сақлаш ва минтақанинг аксарият қисми ижтимоий-иктисодий ривожланишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Чучук сув танқислиги долзарб экологик муаммолардан бири ҳисобланади. Минтақада тоза сувдан экстенсив фойдаланилиши натижасида, у аста-секинлик билан камайиб бормоқда.

Жамият ва табий экотизимларнинг барқарор ўзаро боғлиқлигини сақлаб туришга йўналтирилган экологик бошқаришда ички ва ташки дарёлар, кўллар ва бошқа сув экотизимларини ҳам «сув истеъмолчилари» деб тан олишни тақозо этади. Табиат сув ресурсларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқли шериклик бўлиши лозим. Экологик омилларсиз сув экотизимлари ўз аҳамиятини йўқотади. Қарорлар қабул қиласиган шахслар ва умуман жамият учун куйидаги талаблар асосий устуворликка эга бўлиши лозим:

- сув ирмоқларида уларнинг барқарор ҳаётйлигини ёки ўз-ўзини тозалаш қобилиятини таъминлайдиган экологик сув сарфларига риоя қилиш;
- тошқин сув сарфлари ва дарё сувининг мақбул сифатини ушлаб туриш;
- зарарли ингредиентларни аралаштириш учун санитария оқимларига риоя қилиш;
- дарёлар дельталари эҳтиёжларини қондириш ва бошқалар.

Сувга нисбатан экологик талабларга риоя қилиниши, ноёб эндемик турлар, ноёб биохилмакиллик, ноёб ландшафт, ўзига хос ижтимоий аҳамияти ва эстетик ҳусусиятларига эга бўлган сув экотизимларини ҳимоя қилишни ҳам назарда тутади. Кичик ва катта дарёлар нафақат табий флораси ва фаунаси, балки бошлангич жозибадорлигини ҳам сақлаб қолиши муҳимдир.

Маҳаллий экотизимларни ҳимоя қилиш учун асосий ётибор қуйидаги тадбирларга каратилиши лозим:

- фақат коллектор-дренаж сув манбаларидан тўйинадиган сув ҳавзалари оқимиини таъминлаб туриш;
- балиқчилик хўжалиги аҳамиятига эга бўлган кўлларда сув минераллашуви даражасини 7 г/л дан юқори бўлмаган ва сув сатҳини 1,5 м дан паст бўлмаган даражада сақлаб туриш;
- угулдуруқ сочиш даврида сув сатҳиниг кескин пасайиши ва қишики даврда кескин кўтарилишининг олдини олиш;
- ўсимликлар ўсиши учун саёз сув зоналарини ва сув ҳавзаларининг гидробиологик режимини шакллантирувчи балиқ, кушлар ва бошқаларни озука билан таъминловчи кўллар ҳавзаларини сақлаб қолиш.


3.1.1. Орол денгизи ҳавзаси бўйича сув ресурсларининг тақсимланиши

Орол денгизи ҳавзасининг асосий гидрологик ҳусусияти ҳавза ҳудудининг 2 тенгсиз турли гидрологик функцияларга эга бўлган қисмга – тоб ва текислик ҳудудига ажралганлигидадир. Тоғли қисми тармоқланган дарёлар оқимидан шаклланади, унинг майдони ҳавза умумий майдонининг таҳминан 25%ини ташкил қиласи, бунда ҳудуднинг 80% Амударё ва Сирдарё ҳавзаларига тўғри келади. Текислик ҳудудлари кам ёғингарчиликни ва ёғингарчиликлар микдоридан бир неча баравар кўп парланиш ҳусусиятига эга бўлиб, оқим шаклланишида деярли қатнашмайди. Бундан ташқари, текислик ҳудудлари тоғли қисмлардан келадиган оқимларни парланиш ва фильтрацияланишига сарфлайди. Бу жараён инсоннинг хўжалик фаолияти билан кучаяди. Дарё ва сув омборларидан олинган сув каналлар бўйича далаларга берилади, бу ерда парланиш ва транспирацияга сарфланиди ҳамда кам микдорда яна қайта оқим кўринишида дарёларга қайтарилади. Тоғлардан текисликларга сув харакатининг табий гидрологик цикли бўйича сўнгги босқичи Орол денгизи ҳисобланди.

Сув ресурслари ўлчами сифатида одатда дарёларнинг оқим шаклланиш минтақасидан чиқиш жойидаги сугоришга олинадиган асосий сув олиш нуқталаридан юқорида шаклланадиган дарё оқими катталиги қабул қилинади, чунки Ўрта Осиёning текислик қисмидаги дарё оқими истисно тарқасида, фақатгина серсув йилларда шаклланиши мумкин.

Орол денгизи ҳавзаси дарёлари сув ресурслари-

23-расм. Амударё ҳавзаси сув ресурсларининг кўп йиллик тавсифи




нинг кўп йиллик тавсифлари 23 ва 24-расмларда келтирилган.


Орол денгизи ҳавзасининг сув ресурсларидан унинг ҳавзасида жойлашган давлатлар ҳамкорликда фойдаланади, бу сув хўжалиги муаммоларининг трансчегаравий тусда эканлигини билдиради.

Ўзбекистоннинг сув ресурслари Орол денгизи ҳавзасининг умумий сув ресурсларининг фақат бир қисми ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси-


24-расм. Сирдарё ҳавзаси сув ресурсларининг кўп йиллик тавсифи




25-расм. Орол денгизи ҳавзасида сув истеъмоли асосий ҳажмларининг улуси



26-расм. Сирдарё ҳавзаси бўйича дарё оқимининг кўп йиллик ресурслари



27-расм. Амударё ҳавзаси бўйича дарё оқимининг кўп йиллик ресурслари



да ер усти сув ресурслари қўшни давлатлар тоғли худудларидан дарёлар бўйича келадиган ҳамда унинг худудида шаклланадиган сув ресурсларидан вужудга келади. Бундан ташқари дарё оқимининг бир қисми каналлар бўйича тушади. Ички сув ресурсларига, шунингдек, Ўзбекистон худудидаги кўллар сувлари ва музликлардаги сув заҳиралари киради. Орол денгизи ҳавзасида сув истеъмолининг асосий ҳажмларини нисбати 25-расмда акс эттирилган.

Сирдарё ҳавзаси бўйича дарё оқими ўртача кўп йиллик ресурслари йилига тахминан $38,8 \text{ км}^3$ ни ташкил қиласди. Бунда кўп йиллик учун ўртача йилига Қирғизистонда 28 км^3 (72,2%), Ўзбекистонда – $5,59 \text{ км}^3$ (14,4%), Қозогистонда – $4,08 \text{ км}^3$ (10,5%) ва Тоҷикистонда $1,1 \text{ км}^3$ (0,3%) сув шаклланади (26-расмга қаранг).

Амударё ҳавзаси бўйича дарё оқими ўртача кўп йиллик ресурслари йилига 78 км^3 дан ортиқни ташкил қиласди, шундан 62,9% (80%дан ортифи) Тоҷикистонда шаклланади, Ўзбекистон улушига $4,7 \text{ км}^3$ (6%) тўгри келади (27-расмга қаранг).

3.1.2. Дарёлар, сув омборлари, кўллар, ҳавзалар, ер ости сувлари

Жами республика бўйича 17 мингдан ортиқ табиий сув оқими мавжуд. Амударё ҳавзасида улар 9,9, Сирдарё ҳавзасида 4,9 ва ушбу дарёлар оралиғида 2,9 мингта. Бироқ уларнинг асосий қисми унча катта бўлмаган кичик сойлар – 10 км дан ортмаган узунликдаги сув оқимлари, булар айниқса Амударё ва Сирдарё оралиғига таалукли, улар асосан, ийл давомида қурийдиган дарёчалардир, ҳатто 10 км дан узунликда бўлган сув оқимларида ҳам ҳар йили сув оқим бўлавермайди.

Ҳозирги пайтда республикада, асосан ирригация максадида 51 та сув омборларидан фойдаланилади. Уларнинг тўлиқ лойиҳавий ҳажми $18,8 \text{ км}^3$, фойдалари ҳажми – $14,8 \text{ км}^3$ ни ташкил қиласди. Энг иирикли Туямуюн, Чорвок, Тўдакўл, Каттақўргон сув омборларидир. Ўзбекистоннинг энг иирик сув омборлари комплекс ишлатилади, улар асосан ирригация, энергетика ва саноат максадларига мўлжалланган. Сув омборларидан узоқ муддатли фойдаланиши ҳамда уларнинг ишида рўй берган ўзгаришлар кескин лойқаланишга олиб келди. Ҳозирги пайтда 11 та миллий сув омбори лойқаладан тозаланишга муҳтож, 5 та сув омборида лойқаланиш сув чиқиши чегарасига етиб қолган.

Ўзбекистон Республикасининг сув омборлари


Амударё ва Сирдарё ҳавзаси сув омборлари ҳажмлари бўйича маълумотлар 28 ва 29-расмларда келтирилган.

Рўй берастган тезкор лойқаланиш жараёнини қисқартириш бўйича тегишли чоралар кўриш ва компенсацион сув ҳавзалари қуришни талаб этади.


Ўзбекистон Республикаси сув ҳавзалари (сув омборлари, кўллар) рўйхати 8-жадвалда келтирилган.

Ўзбекистон худудидаги табиий кўллар кам сонли, жуда хотекис тарқалган ва катта ҳажмларга эга эмас. Тоғли худудларда энг кўп кўллар сони 2000-3000 м баландликда жойлашган. Генезиси бўйича Ўзбекистон кўллари тектоник, морен ва қулаш на-

28-расм. Амударё ҳавзаси сув омборлари ҳажми



29-расм. Сирдарё ҳавзаси сув омборлари ҳажми



8-жадвал

Ўзбекистон Республикаси кўллари ва сув омборлари

| T/p | Кўл номи | Дарё ҳавзаси | Майдони, км ² | 01.01.2007 й.да ҳажми, млн. м ³ | 01.01.2008 й.да ҳажми, млн. м ³ |
|------------------------------|---------------------------|--------------|--------------------------|--|--|
| Қорақалпогистон Республикаси | | | | | |
| | Кўллар | | | | |
| 1. | Сарикамиш (трансчег.)** | | 3000 | 168,5 | 158,59 |
| 2. | Судочье* | | 353 | 18,6 | 17,48 |
| 3. | Жалтибарс** | | 337,1 | 17,3 | 16,26 |
| 4. | Дауткўл ** | | 56 | 1,8 | 1,669 |
| 5. | Аязкала * | | 33 | 10,1 | 9,5 |
| 6. | Коптенкуль* | | 8,6 | 1,5 | 1,4 |
| 7. | Думалок кўллар тизими ** | | 29 | 9,6 | 8,92 |
| 8. | Коражар * | | 12 | 4,8 | 4,46 |
| 9. | Ақистки ** | | 20 | 7,8 | 7,33 |
| 10. | Каратерень ** | | 4,2 | 4,4 | 4,14 |
| 11. | Ахчакўл * | | 28,5 | 8,8 | 8,18 |
| 12. | Ботокўл кўллар тизими ** | | 7,2 | 1,3 | 1,21 |
| 13. | Жаунгыркуль * | | 5,8 | 1,1 | 1 |
| 14. | Шегекўл * | | 16,6 | 6,8 | 6,39 |
| 15. | Коксу * | | 44,5 | 2,4 | 2,21 |
| 16. | Кеусер * | | 20 | 7,8 | 7 |
| 17. | Ильмекўл * | | 18 | 5,8 | 5,39 |
| 18. | Макпалкўл кўллар тизими * | | 30 | 8,86 | 8,15 |
| 19. | Восточный Каратерень** | | 21,6 | 10,1 | 9,29 |
| 20. | Отакўл кўллар тизими** | | 1,6 | 0,88 | 0,8 |
| 21. | Ташпенкўл ** | | 1,9 | 1,4 | 1,3 |
| 22. | Хўжакўл * | | 18 | 7,4 | 7 |
| 23. | Муйинқ кўрфази ** | | 36 | 10,2 | 9,08 |
| 24. | Сарібас ** | | 25 | 2,8 | 2,49 |
| 25. | Сойкўл ** | | 8 | 2,8 | 2,46 |
| 26. | Закиркўл * | | 3,3 | 1,2 | 1,06 |
| 27. | Ориқбалиқ * | | 8,8 | 0,24 | 0,2 |
| 28. | Шилимкол * | | 0,6 | 0,3 | 0,28 |
| | Жами: | | 4148,3 | 324,58 | 303,239 |

| T/p | Кўл номи | Дарё ҳавзаси | Майдони, км ² | 01.01.2007 й.да ҳажми, млн. м ³ | 01.01.2008 й.да ҳажми, млн. м ³ |
|--------------------------|--|--|-----------------------------|--|--|
| Андижон вилояти | | | | | |
| | Сув омборлари | | | | |
| 29. | Отчопар/қўйиладиган | Андижонсой, к-р Қатортол | 0,91 | 0,15 | 0,15 |
| 30. | Асакаадир/қўйиладиган | Шахрихонсой | 0,29 | 0,5 | 0,5 |
| 31. | Андижон/ўзанли | Қорадарё | 55,2 | 685 | 625 |
| | Жами: | | 56,4 | 685,65 | 625,65 |
| Бухоро вилояти | | | | | |
| | Кўллар | | | | |
| 32. | Денгизкўл | Параллель к-р | 336 | 1,75 | 1,37 |
| 33. | Қоракир | Шимолий к-р | 44,5 | 68,5 | 62,3 |
| 34. | Ҳадича | Қоровулбозор к-р | 113 | 210,8 | 183,2 |
| 35. | Аякагитма | Зарафшон | 17,51 | 2,2 | 1,8 |
| 36. | Тузкан | ЦБК | 57 | 63 | 56 |
| 37. | Маданкўл | ГВСТ | 19,3 | - | - |
| | Сув омборлари | | | | |
| 38. | Шоркўл/қўйиладиган | Амударё, Зарафшон | 42,2 | 72,5 | 64,5 |
| | Жами: | | 629,51 | 418,75 | 369,17 |
| Жиззах вилояти | | | | | |
| 39. | Кўллар Арнасой кўллар тизими | Сирдарё | 3508 | - | 40360 |
| | Сув омборлари | | | | |
| 40. | Жиззах/қўйиладиган | Сангзар, Зарафшон | 12,4 | 63 | 9,29 |
| 41. | Зомин/ўзанли | Зомин | 1,1 | 20 | 3,75 |
| 42. | Қоровултепа/қўйиладиган | Зарафшон | 4,07 | 3 | 11,98 |
| 43. | Науки сел омбори | Булоклар | 6 | 0,4 | 0,4 |
| 44. | Арнасой сув омб. | Сирдарё | 140 | 393 | 468 |
| 45. | Хужамушкент сел-сув омбори | Булоклар | 8 | 3,8 | 3,8 |
| | Жами: | | 3679,57 | 483,2 | 497,22 |
| Қашқадарё вилояти | | | | | |
| | Кўллар | | | | |
| 46. | Сечанкўл | Южный коллектор (Жанубий коллектор) | 7,37 | 815 | 765 |
| 47. | Аланкўл | Южный коллектор (Жанубий коллектор) | 2,5 | 39,6 | 39,6 |
| 48. | Ачинкўл | К-3 | 2,8 | 44,5 | 44,5 |

III. Сув ресурслари

| T/п | Кўл номи | Дарё ҳавзаси | Майдони, км ² | 01.01.2007 й.да ҳажми, млн. м ³ | 01.01.2008 й.да ҳажми, млн. м ³ |
|--------------|-------------------------|-----------------------------|-----------------------------|--|--|
| | Сув омборлари | | | | |
| 49. | Қамаши/қўйиладиган | Яккабоғ ва Қорабоғдарё | 3,82 | 4,518 | 4,505 |
| 50. | Қорабоғ/аралаш | Яккабоғдарё, к-л Қорабоғ | 0,75 | 2,03 | 1,318 |
| 51. | Лангар/селсув омбори | Лангарсой | 0,7 | 1,216 | 1,578 |
| 52. | Нугайли/қўйиладиган | Яккабоғдарё, Қашқадарё | 0,587 | 0,56 | 0 |
| 53. | Ташлаксой/қўйиладиган | Танхаздарё | 5,4 | 0,28 | 0 |
| 54. | Янгиқўргон/қўйиладиган | Яккабоғдарё | 1,5 | 1,62 | 0,792 |
| 55. | Шўробсой/аралаш | Шурабсой и к-л Анхор | 0,38 | 0,76 | 0,76 |
| 56. | Калкамин/ўзанли | Қумдарё | 1,5 | 1,17 | 1,856 |
| 57. | Толлимаржон/қўйиладиган | КМК (Амударё) | 77,35 | 428,62 | 223,33 |
| 58. | Чимкўргон | Қашқадарё | 49,2 | 38,34 | 22,97 |
| 59. | Пачкамар | Ғузардарё | 12,4 | 19,24 | 4,82 |
| 60. | Ҳисорак | Оқсув | 4,2 | 9,88 | 1,65 |
| 61. | Қизилсув | Турнабулоқ | 1,5 | 0,122 | 0,373 |
| 62. | Дехқонобод | Кичик Ўрадарё | 1,4 | 5,021 | 3,425 |
| Жами: | | | 173,357 | 1412,477 | 1116,477 |

Навоий вилояти

| | | | | | |
|---------------|-----------------------|--------------------|-------|------|------|
| | Сув омборлари | | | | |
| 63. | Қуйимозор/қўйиладиган | Амударё, Зарафшон | 0,15 | - | 700 |
| 64. | Тўдакўл/қўйиладиган | Амударё | 2,17 | 1600 | 1600 |
| 65. | Шоркўл/қўйиладиган | Зарафшон, Амударё, | 0,24 | 200 | 200 |
| Кўллар | | | | | |
| 66. | Арнасой кўллар тизими | Ирриг. ташланма | 37 | 6 | 6 |
| 67. | Айдаркўл | | | | |
| Жами: | | | 39,56 | 1806 | 2506 |

Наманган вилояти

| | | | | | |
|-----|---|---------------------------------|------|------|-------|
| | Сув омборлари | | | | |
| 68. | Қорасув/ўзанли | Исфаранд-Шаванд | 0,3 | 0,65 | 0,74 |
| 69. | Эскиер/қўйиладиган | Намангансой | 1,72 | 4,18 | 2,38 |
| 70. | Жидалисой/қўйиладиган | Чодаксой | 0,23 | 0,36 | 0,545 |
| 71. | Заркент/қўйиладиган | Падшатасой | 0,9 | 0 | 0 |
| 72. | Резаксой | Катта Наманган канали, Резаксой | | | 115 |
| 73. | Кўксарраксой/селсув омб. куйиладиган | Кўксарраксой | 0,64 | 0,85 | 0,72 |

| T/р | Кўл номи | Дарё ҳавзаси | Майдони, км ² | 01.01.2007 й.да ҳажми, млн. м ³ | 01.01.2008 й.да ҳажми, млн. м ³ |
|--------------|---------------------------|--------------|--------------------------|--|--|
| 74. | Варзик/қўйиладиган | Фовасой | 1,17 | 0,45 | 0,05 |
| 75. | Қорамурод/қўйиладиган | Хўжа-Шуркент | 0,26 | 0 | 0 |
| 76. | Шорсуй/ўзанли | Аччиксув | 0,85 | | |
| 77. | Косонсой/ўзанли | Косонсой | 8,4 | 7,2 | 42,5 |
| 78. | Чорток/ўзанли селсув омб. | Чортоксой | 2,1 | 13,01 | 6,41 |
| 79. | Ергикон | Гирвонсой | 1,25 | 0 | 0 |
| 80. | Гирвонсой | Гирвонсой | 0,864 | 0 | 0 |
| 81. | Кенгкўл | Кенккўлсой | 0,32 | 0 | 0 |
| 82. | Қандиён | Қандиенсой | 0,37 | 0 | 0 |
| 83. | Косон | Намангансой | 0,16 | 0 | 0 |
| 84. | Бештол | Бештолсой | 0,12 | 0 | 0 |
| 85. | Сассиксой | Сассиксой | 1,01 | | 0 |
| Жами: | | | 20,664 | 26,7 | 168,345 |

Самарқанд вилояти

| | Сув омборлари | | | | |
|--------------|-------------------------|-------------|-------|--------|--------|
| 86. | Карасуй/ўзанли | Қорасув | 4,1 | 1,87 | 0,92 |
| 87. | Сабирсой/қўйиладиган | Собирсой | 3 | 5,14 | 4,61 |
| 88. | Каттақўргон/қўйиладиган | Зарафшан | 82 | 70,4 | 94,2 |
| 89. | Оқдарё/русовое | Оқдарё | 9 | 24,33 | 18,2 |
| 90. | Қоратепасой/ўзанли | Қоратепасой | 2 | 2,04 | 1,86 |
| 91. | Тусунсой/ўзанли | Турсунсой | 2,7 | 6,63 | 7,45 |
| Жами: | | | 102,8 | 110,41 | 127,24 |

Сурхондарё вилояти

| | Кўллар | | | | |
|------|--|------------|------|-------|-------|
| 92. | Учкўл | Амударё | 10 | 20 | 20 |
| 93. | Ахматкўл | Сурхондарё | 0,1 | 0,2 | 0,2 |
| 94. | Жарқўргон т-ни, Т. Шобирров СФУ худуди | Сурхондарё | 0,05 | 0,05 | 0,05 |
| 95. | Шўрчи т-ни, Даъварзин кўллари | Тўполанг | 0,05 | 0,1 | 0,1 |
| 96. | Хамкон кўли | Хамкон | 0,23 | 11,5 | 11,5 |
| 97. | Термиз т-ни, Учқизил кўллар | Амударё | 0,4 | 2 | 2 |
| | Сув омборлари | | | | |
| 98. | Тўполанг/ўзанли | Тўпаланг | 10,8 | 7 | 30,2 |
| 99. | Жанубий Сурхон/ўзанли | Сурхондарё | 6,5 | 168,5 | 120,5 |
| 100. | Оқтепа/қўйиладиган | Амударё | 11,5 | 31 | 47,5 |

III. Сув ресурслари

| T/p | Күл номи | Дарё ҳавзаси | Майдони, км ² | 01.01.2007 й.да ҳажми, млн. м ³ | 01.01.2008 й.да ҳажми, млн. м ³ |
|------------------------|-------------------------------------|---|--------------------------|--|--|
| 101. | Учкизил/қуийладиган | Амударё | 10 | 133,2 | 100,3 |
| 102. | Дегрес/қуийладиган | Тўпаланг | 2,75 | 0,02 | 0,02 |
| | Жами: | | 42,38 | 353,57 | 312,37 |
| Сирдарё вилояти | | | | | |
| | Кўллар | | | | |
| 103. | Мирзообод т-ни, Журавленное кўли | Сирдарё | 0,41 | 0,533 | 0,41 |
| 104. | Сайхунобод т-ни, Соленое кўли | Сирдарё | 1,5 | 2,25 | 2,1 |
| 105. | Соленое-обетованное кўли | Сирдарё | 1 | 1,5 | 1,4 |
| 106. | Қолган кўли | Сирдарё | 0,9 | 1,35 | 1,35 |
| 107. | Сирдарё т-ни, Нижний Колгансир кўли | Сирдарё | 2 | 3 | 3 |
| | Жами: | | 5,81 | 8,633 | 8,26 |
| Тошкент вилояти | | | | | |
| | Кўллар | | | | |
| 108. | Ҳайбаткўл | Сирдарё | 3 | 45 | 45 |
| 109. | Коронкўл | Сирдарё | 2 | 30 | 30 |
| Сув омборлари | | | | | |
| 110. | Чорвок/ўзанли | Чотқол, Пском | 36,71 | 329,18 | 334,28 |
| 111. | Тошкент/ўзанли | Оҳангарон | 64 | 150 | 130 |
| 112. | Оҳангарон/ўзанли | Оҳангарон | 30,6 | 114,8 | 33 |
| 113. | Хожикент/ўзанли | Чирчик | 2,5 | 30,9 | 29,8 |
| 114. | Ғазалкент/ўзанли | Чирчик | 1,86 | | 16,4 |
| | Жами: | | 140,67 | 699,88 | 618,48 |
| Фарғона вилояти | | | | | |
| | Сув омборлари | | | | |
| 115. | Каркидон/аралаш | Кувасой, Қорадарё, Жанубий Фарғона канали | 9,533 | 8,382 | 38,8 |
| 116. | Қўргонтепа/куйиладиган | Арабтепасой, Кенгкўлсой | 6,05 | 7,181 | 8,737 |
| 117. | Шўрсув/сел омбори | Аччиқсу | 20 | - | - |
| 118. | Қизилбел/сел омбори | Аччиқсу | 16 | - | - |
| | Жами: | | 51,583 | 15,563 | 47,537 |
| Хоразм вилояти | | | | | |
| | Кўллар | | | | |
| 119. | Денгизульди | | 0,5 | 0,85 | 0,85 |
| 120. | Сардоба | | 1,2 | 2,16 | 2,16 |
| 121. | Аэропорт | | 0,9 | 1,35 | 1,35 |

| Т/п | Кўл номи | Дарё ҳавзаси | Майдони, км² | 01.01.2007 й.да ҳажми, млн. м³ | 01.01.2008 й.да ҳажми, млн. м³ |
|------------|--------------------------|---------------------|------------------------------------|--|--|
| 122. | Бозиргон | | 1,6 | 2,4 | 2,4 |
| 123. | Эчкиер | | 6,5 | 11,7 | 11,7 |
| 124. | Мешикли | | 5 | 8 | 8 |
| 125. | Корпкўл | | 1 | 1,6 | 1,6 |
| 126. | Улли-Шоркўл | | 17 | 25,5 | 25,5 |
| 127. | Буриятоғ | | 0,3 | 0,45 | 0,45 |
| 128. | Қирмизкўл | | 0,3 | 0,45 | 0,45 |
| 129. | Қамишўр | | 0,15 | 0,225 | 0,225 |
| 130. | Эшон-Равот | | 0,7 | 1,12 | 1,12 |
| 131. | Қоракўл | | 0,6 | 0,96 | 0,96 |
| 132. | Йилғинли | | 0,6 | 0,96 | 0,96 |
| 133. | Гоуккўл | | 1 | 1,6 | 1,6 |
| 134. | Памидин кўллар тизими | | 20 | 30 | 30 |
| 135. | Балиққилдирган | | 0,42 | 0,672 | 0,672 |
| 136. | Эшонсув | | 0,15 | 0,225 | 0,225 |
| 137. | Узункўл | | 0,6 | 0,96 | 0,96 |
| 138. | Тузлоқ | | 0,3 | 0,45 | 0,45 |
| 139. | Совго | | 0,3 | 0,45 | 0,45 |
| 140. | Назаройдин | | 0,55 | 0,88 | 0,88 |
| 141. | Хўжакўл | | 0,15 | 0,225 | 0,225 |
| 142. | Атов кўллар тизими | | 2,2 | 3,52 | 3,52 |
| 143. | Пурси | | 0,3 | 0,45 | 0,45 |
| 144. | Кичик кўл | | 0,3 | 0,45 | 0,45 |
| 145. | Гажли | | 0,2 | 0,3 | 0,3 |
| 146. | Узункўл | | 0,3 | 0,45 | 0,45 |
| 147. | Курванакўл | | 0,3 | 0,45 | 0,45 |
| 148. | Юмаланди | | 0,7 | 1,12 | 1,12 |
| 149. | Ялдировуқ | | 0,6 | 0,96 | 0,96 |
| 150. | Найман | | 0,15 | 0,225 | 0,225 |
| 151. | Капак кўл | | 0,2 | 0,3 | 0,3 |
| 152. | Пурсанг | | 0,1 | 0,17 | 0,17 |
| 153. | Шўркўл | | 0,6 | 0,96 | 0,96 |
| 154. | Бўстон кўллар тизими | | 1 | 1,6 | 1,6 |
| 155. | Соҳибкор | | 0,3 | 0,45 | 0,45 |
| 156. | Хитойкўл | | 0,15 | 0,225 | 0,225 |
| 157. | Амударё дельтаси кўллари | | 3,12 | 5,28 | 5,28 |
| 158. | Зейкўл кўллар тизими | | 1,23 | 1,968 | 1,968 |

| | | | | | |
|------|---------------------------------------|---------|-----------------|-----------------|-----------------|
| 159. | Вил. кўллар тизими | | 2,82 | 4,794 | 4,794 |
| | Сув омборлари | | | | |
| 160 | Туямуюн/ўзанли ва З та қўйиладиган | Амударё | 20 | 30 | 30 |
| | Жами: | | 93,89 | 146,009 | 146,009 |
| 163 | Жами республика бўйича | | 9184,494 | 6491,422 | 6845,997 |

* - оқимли, ** - оқимсиз

тижасида келиб чиқкан. 1000-2000 м баландлик оралиғида кўллар сони анча камдир.

Махаллий дарёлар яловларида табиий қайир ва дельта кўллари жойлашган. Тоғли кўллар одатда қулаш ёки музлик-морен натижасида келиб чиқкан бўлиб, сув захираси тахминан 50 km^3 . Ўзбекистонда 500 дан сал кўпроқ кўл бўлиб, асосан, 1 km^2 дан кам майдонли кичик сув ҳавзалари ва 10 km^2 дан ортиқ майдонли 32 та кўллар мавжуд.

XX аср иккинчи ярмида минтақа дарёларидан сув олинишининг ортиши сув оқимларида сув сатхининг пасайишига, тошқинлар даврида сув босиши мумкин бўлган майдонларининг камайишига, дарёлар билан гидравлик боғлиқ бўлган кўллар майдонларининг кисқаришига, мавжуд сув ва суволди экотизимлари майдонларининг умумий қисқариши ва таназзулга учрашига олиб келди. Дарё ўзани ва дельтапарининг катта худудларида гумид ландшафтларнинг арид ландшафтларига ўзгариши рўй берди.

Ўзбекистон худудидаги **ботқоқликлар**, асосан, текислик худудларда учрайди. Улар йирик дарёлар қайирларида, сув чиқиши конуси атрофида, рельеф пастлаган ерлarda жойлашган. Кўпинча ботқоқликни кўлдан ажратиш мушкул, чунки йилнинг куруқ даврида баъзи кўллар ботқоқ участкаларига айланади. Ботқоқликлар ўлчами турлича бўлиб, бир неча юз квадрат километргача боради. Тоғли худудларда ботқоқликлар кам учрайди, уларнинг майдони ҳам катта эмас. Улар аксарият ҳолларда ер ости сувлари олинидиган участкаларда бўлиб, «созлар» деб номланади.


Сунъий кўллар инсон фаолияти натижасида ташкил қилинган. Дарё сувларидан тўйинадиган кўллар таназзулга учраши ва йўқолиши билан бирга сугориладиган ерлар атрофларида, асосан, коллектор-дренаж сувларидан тўйинадиган кўллар ва ветландлар пайдо бўла бошлади. Уларнинг умумий майдони 1967 йилдаги 0,6 минг km^2 дан 1975 йилда 3,8 минг km^2 гача ва 1980 йилда 5,4 минг km^2 гача етди. 1985 йилга келиб ирригация-ташлама кўллари Орол денгизи ҳавзасининг текислик худудида, хусусан, Ўзбекистонда асосий сув ҳавзаларига айланди. Уларга ташланган сувларни қабул қилишда фойдаланиладиган Хоразм оазиси атрофидаги кўллар занжири, мамлакат шимоли-гарби ва Қизилқумдаги кўпсонли кўллар киради. Амударёнинг ўртacha ва пастки оқимида умумий майдони 739 км бўлган сув билан тўла 269 та кўл ва чўл ботиқликлари бор. Кўлларнинг

бир кисми бирор жойга оқиб кетиши имконига эга бўлмаган ҳавзалардир, бошқалари (Сичанқўл, Денгизқўл, Соленое, Аязқўл ва Қоратерен) Амударё ва бошқа кўллар билан уланган ҳолда мавсумий бошқариш мумкин. Сирдарё ўрта оқимида жойлашган Арнасой Ўзбекистондаги энг йирик кўллар тизими ҳисобланади. У Айдарқўл, Тузкон ва Юқори Арнасой кўлларини бирлаштиради.

Ирригация-ташланма кўлларнинг сув ресурслари асосан шўрланган. Улардаги сув минераллашуви 4-15 g/dm^3 оралиғида ўзгаради.

Ўзбекистон худудида 95 та ер ости сувлари кони мавжуд. Умуман Ўзбекистон Республикаси бўйича чучук ва шўрланган ер ости сувларининг табиий ресурслари 2007 йилда 75580,56 $\text{m}^3/\text{сут}$ ($874,8 \text{ m}^3/\text{с}$)ни ташкил қилади. Бу минераллашуви 1 g/l гача, 1-5 g/l ва 5 g/l дан ортиқ бўлган ер ости сувларидир (30-расмга қаранг).

30-расм. Ўзбекистон Республикаси бўйича чучук ва камшўрли ер ости сувларининг минтақавий эксплуатацион заҳиралари минераллашуви




Чучук ер ости сув манбаларининг энг кўп микдори Тошкент (7375,19 минг $\text{m}^3/\text{сут}$), Самарқанд (3547,58 минг $\text{m}^3/\text{сут}$), Сурхондарё (3373,75 минг $\text{m}^3/\text{сут}$), Наманган (3312,58 минг $\text{m}^3/\text{сут}$), Андижон (3184,7 минг $\text{m}^3/\text{сут}$) вилоятларида мужассам. Бухоро (64,8 минг $\text{m}^3/\text{сут}$) ва Навоий (72,58 минг $\text{m}^3/\text{сут}$ – 0,84 $\text{m}^3/\text{с}$) вилоятлари чучук ер ости сувлари билан кам таъминланган.


Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида хозирги пайтда чучук ер ости сувлари умуман қуриб қолган. Ўзбекистон Республикаси худуди бўйича ер ости сувларини асосий конларидаги сувнинг минераллашуви кўрсаткичлари 31-расмда келирилган.

Булоқлар. Ўзбекистон худудида чучук сувли ва сув сарфи 1л/с бўлган 1448 та булоқ қайд қилинган,

31-расм. Ўзбекистон Республикаси худудида ер ости сувлари асосий манбалари сувларининг минераллашуви



32-расм. Булоқлар сони, шу жумладан, фойдаланиш учун тавсия этилганлари



улар асосан тоғли ва тоғолди туманларида жойлашган (32-расмга қаранг). Келажакда 106 юкори дебитли булоқлардан 44 тасини ишлатиш мумкин.

Булоқларнинг аксарият қисми ўрта ва паст тоғли зоналarda жойлашган. Булоқ оқимини шакллантирадиган ер ости сувлари ёрикли, ёрик-карстли, ёрик-жинсли, ёрик-ковакли ва кам миқдорда коваклидир. Энг юкори дебитли булоқлар ёрик-карстли сувлар билан боғлиқ. Таркиби бўйича булоқ сувлари асосан карбонат-кальцийли, ўртамиёна чучук ва ўртача қаттиқ. Кўпчилик булоқларнинг дебитлари 1,5-5 л/с ташкил қиласи, баъзилари бўйича эса секундига ўнлаб ва юзлаб литрларга етади.

Булоқлар табиий жиҳатдан кадрли бўлибгина қолмай, тарихий аҳамиятга хам эга. Ҳар бир булоқ билан Ўзбекистон тарихида муайян ривоят мавжуд. Баъзи булоқларнинг суви даволаш хусусиятларига эга ва маҳаллий аҳоли томонидан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси худудидаги (Surxondarё, Қашқадарё, Пском каби) қатор дарёларнинг юкори қисмida 525 та тоғли музликлар мавжуд, уларнинг умумий музлик майдони 54,2 км², яъни музликлар асосан кичик шаклга эга, битта музликнинг ўртача майдони атиги 0,293 км²ни ташкил қиласи.

Қайтиш сувлари асосан коллектор-дренаж оқими ва ташланма сувлар хисобига шаклланади. Улар сув ресурсларига нисбатан катта улушни ташкил қиласи ва шу билан бир вактда жиддий ифлосланиш манбаи хисобланади. 1988-2007 йиллар даврида ўртача республика доирасида қайтиш сувларининг умумий ҳажми 16 км³дан (сув кам бўлган 2002 йилда) 1992 йилда 35,5 км³гача оралиқда ўзгарди. Қайтиш оқими ушбу ҳажмидан тахминан 10-19 км³ Сирдарё ҳавзасида ва тахминан 9-16 км³ Амударё ҳавзасида шаклланди.

Қайтиш сувларининг катта ҳажмлари (50-51%) дарёларга, колган қисмининг тахминан 33% пастликларга ташланади ва атиги 16% қишлоқ хўжалиги экинларини сугориш учун такороран ишлатилиади. Қайтиш сувларининг пастликларга ташланиши натижасида кўп сонли ирригация-ташлама кўллари пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси сугориладиган ерлари худудида қайтиш сувларини шаклланниш хусусияти, миқдори ва сифати бўйича шартли равища 3 та зонага ажратиш мумкин:

Юкори – сугориладиган дехкончилик ривожланиши тоғолди ва пасттоғли туманлари (Фарғона воидиси, Сурхондарё ва бошқалар);

Ўртача оқим (Бухоро, Навоий, Жиззах, Сирдарё вилоятлари);

Кўйи оқим – оқимнинг тарқалиш зonasи (Қорақалпогистон, Хоразм вилояти).

Одатда юкори зона – сув билан анча яхши таъминланган, ерлар яхши табиий дренажлангани холда сугориш ва сизот сувларининг минераллашуви паст бўлган худудларидир. Қайтма сувлари нисбатан кам минераллашган, сифати бўйича ҳам бошқа минтақалардан юкоридир (сув олинишида СОК улуси 80 фоизга етади). Сув минераллашуви курук қолдиги бўйича 1,1-3,7 г/л оралиғида. Бу сувлар (тупроқ ҳолатини назорат қилганда) тузга бардошли бўлиб, қишлоқ хўжалиги экинларини сугоришга яроқли.

Иккинчи зона дренаж сувлари таркибида тузлар миқдори нисбатан юкори ва тупроғи юкори шўрланганлиги билан фарқланади. Бу худудлarda барча турлар, жумладан тузга бардошли экинларни сугориш учун дренаж сувларидан фойдаланиш нуқтаи назаридан хатарли хисобланади. Қайтма сувларининг улуси олинган сув ҳажмидан 10-50%ни ташкил қиласи, Сирдарё вилоятида эса 68 фоизгача етади. Бухоро, Қашқадарё, Жиззах вилоятларида янги ўзлаштириш зonasида баъзи йилларда қайтма сув оқими минераллашуви курук қолдик бўйича 8 г/л гача етиши мумкин.


Кўйи оқим – Амударё пастки қисми, яъни Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Хоразм вилояти – қайтма оқими нисбатан яхши сифатли (коллектор сувлари минераллашуви 2,2-3,7 г/л оралиғида) бўлган эски сугориш зонаси ҳисобланади, Қорақалпоғистонда эса сизот сувлари юкори минераллашган, тегишли равишда қайтма сувлари минераллашуви 2,9-5 г/л оралиғидадир.

Орол денгизи ҳавзаси сув ресурслари деярли тўлук ишлатилиади. Сув кам бўлган йилларда Сирдарё ҳавзаси оқимидан сув олиш коэффициентининг бирдан юкори бўлиши сугоришга дренаж ва ташланма сувларининг такроран ишлатилишидан дарак беради. Ўзбекистон сув ресурслари танқислигини хисэтмоқда. Сўнгги ўн йилликда республикада лимитланган сув истеъмолига ўтилди.

3.2. Сув ресурсларининг ифлосланиш манбалари

Сув ресурсларининг антропоген ифлосланишини қуидаги тарзда таққослаш мумкин (33-расмга қаранг):

33-расм. Икътисодиётнинг асосий тармоқлари томонидан сув объектларига ифлослантирувчи моддалар ташланиши улуши



- кишлөк хўжалиги фаолияти натижасидаги ифлосланиш;
- саноат фаолияти натижасидаги ифлосланиш;
- шаҳар ва қишлөк жойларидаги миший ифлосланиш манбалари.

Агрокимёвий моддаларни кўллаш, бевосита ташлаш ёки сизот сувларига таъсир килиш йўли билан кишлөк хўжалиги ерлари, сув ресурсларини ифлосланганлик даражасини белгилайди. Кишлөк хўжалиги фаолияти натижасидаги ифлосланиш ўсимликлар, тупроқ, сув ва ҳаво намуналарида пестицид, азот ва фосфатларни таҳлил қилиш йўли билан аниқланади.

Атроф-муҳит муҳофазаси нуқтаи назаридан, кишлөк хўжалиги далаларидан минерал ўғитларнинг ва ўсимликларни химоя килиш кимёвий воситаларининг сугорма сувлар билан чиқиши, шунингдек чорвачилик комплексларидан ифлосланган оқаваларнинг ер усти ва сизот сувларига тушиши алоҳида ҳавф уйғотади.

Коллектор-дренаж сувлари билан энг кўп ифлосланганлик кичик дарёлар ва Амударё дарёсининг куйи қисмларида кузатилиади.

Танлама асосда ўтказилган тадқикотлар ташланадиган токсик моддалар умумий микдори бўйича

сувнинг ифлосланишига Қашқадарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги хўжаликлар энг катта ҳисса кўшишини кўрсатди.

Асосий саноат ифлослантирувчилари қуидагилар ҳисобланади:

- кон-қазиб олиш ва металлургия саноати, металларни гальваник қайта ишлаш ва бошқалар ташланмаларидағи оғир металлар (токсинлар);

- ихтисослашган саноат тармоқларидан (токсинлар ва нотоксинлар) тушадиган азот, цианид қаби ва бошқа органик моддалар;

- нотоксик органик моддалар (БПК, ХПК), масалан, озиқ-овқат ва енгил саноати ташланмалари;

- ҳар хил саноат корхоналари турлари, жумладан, кимё саноати ташланмаларининг токсик органик қисмлари, масалан, нефть компонентлари, коришмалар ва ҳоказо.

Миший ифлослантирувчилар (канализацияланмаган аҳоли қисми) фекал ва миший оқаваларни ариқ ва коллектор-дренаж тармоқлари ёки ўраларга ташлашлари сизот сувлари сифатига таъсир қиласи.

Канализацияланган аҳоли қисмидан коммунал тозалаш иншоотлари орқали тозаланган оқава сувларини сув объектлари ва кумликларга оқизилади. Тозалаш иншоотларининг самарасиз ишлаши, уларнинг лойиҳавий қувватидан ортиқ қувват билан ишлаши оқаваларнинг етарлича тозаланмаслигига ва атроф-муҳит ифлосланишига олиб келади.

3.3. Сув ресурсларининг сифати ва трансчегаравий таъсири


Тоғли худудлардан шаклланиб келадиган дарё сувларининг сифати (Ўзбекистон Республикаси худудида) жуда юкори – бу сувлар деярли хеч нарса билан ифлосланмаган ва уларнинг минераллашуви жуда кам. Бироқ пастга ҳаракатлангани сари сувнинг сифати кескин ёмонлашади. Минтақанинг аксарият дарёларига сувнинг ўртача оқимда 1-1,5 г/л, пастки оқимда 2 г/л ва ундан юкори минераллашуви хосдир (34-расмга қаранг).

Республиканинг аксарият сув ирмокларидаги сувнинг сифати қабул килинган таснифланишига кўра ўрта меъёр ифлосланган ва ифлосланган сувлар тоифасига киради. Қорақалпоғистон Республикаси ва Фарғона водийсининг коллектор-дренаж сувлари ҳамда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг айрим сув оқимлари кучли ифлосланган.

Ўзбекистон Республикасининг барча асосий сув оқимлари бўйича сўнгги 20 йилда сув сифати яхшиланиши динамикаси кузатилмоқда.

Амударёнинг Туямуон ўзанида (ўзан Ўзбекистоннинг Туркманистон билан чегарасида дарёнинг ифлосланиши даражасини тавсифлаб бериши мумкин) нефть маҳсулотлари, азот аммонийси, минераллашуви, мис, алфа ГХЦГ ва гамма ГХЦГ бўйича концентрацияси РЭЧУдан юкоридир.

Ҳавзанинг асосий дарёси - Амударё сувининг кимёвий таркиби ва ифлосланиши, кўп жиҳатдан, Туркманистон ва Ўзбекистон худудларидан дарёга ташланадиган кишлөк хўжалик оқавалари таъсири остида шаклланади.



34-расм. Ер усти сувларининг сифати


Сувларнинг ифлосланганлик индекси (СИИ) кўрсаткичи бўйича Амударё суви Термиз створида 1996 йилдан бошлаб II – тоза сувлар тоифаси дарајасида, қолган бошқа створларда III – ўрта меъёр ифлосланган тоифа дарајасида сакланиб туриди, баъзи (1989, 1991, 1996, 2001 ва 2002) йилларда эса II тоифага тўғри келган. Ўзбекистон Республикаси асосий дарёлари бўйича сувлар ифлосланганлик индексининг ўзгариш динамикаси 35-41-расмларда кўрсатилган.

Сурхондарё дарёси сувлари қисман Тожикистон ҳудудида шаклланади. Дарё сувининг кимёвий таркиби Денов, Термиз шаҳарлари ва Шўрчи шаҳар поселкаси саноат ва коммунал обьектларидан чиқариб ташланадиган оқава сувлар ва кишлоп хўжалиги оқаваларига боғлик. Дарё Ўзбекистон ҳудудида Амударёга қуйлади. Сурхондарё сувининг сифати СИИ кўрсаткичи бўйича, дарёнинг бошидан кўйи оқимигача II-тоза сувлар тоифасидан III-ўрта меъёр ифлосланган сувлар тоифасигача ўзгаради, бу эса сувнинг 1996 йилдаги сифатига тўғри келади. 2000-2001 йилларда Термиз шаҳри ўзанида дарё сувининг сифати II тоифа – тоза сувлар дарајасига мансуб бўлган.


Қашқадарё дарёси ҳавзасида 3 мингдан ортиқ сув оқими мавжуд, улардан атиги 33 та дарёнинг узунлиги 20 км дан ортиқ. Қашқадарё ва унинг irmоқлари деярли тўлиқ суғоришга сарфланади. Ҳавзанинг ер усти сув ресурслари $42,4 \text{ м}^3/\text{с}$ ни ташкил қиласди. Ҳавзада шаклнадиган сув ресурслари етмайди ва Қашқадарё вилоятига Қарши магистрал канали (КМК) бўйича Амударё ва Зарафшон дарёларидан сув берилади ва Толимаржон сув омбори орқали бошқарилади. Истеъмол килинадиган сув микдорининг 80% сув оқимининг ҳавзалараро ташланишига тўғри келади.

Тоғли ҳудудлардан келадиган ер усти сувларининг сифати асосан қониқарли. Дарёлар пастки участкалари гидрологик тартиби хўжалик фаолияти натижасида ўзгарди.


35-расм. Амударё бўйича сув ифлосланиши индексининг (СИИ) ўзгариш динамикаси




36-расм. Сурхондарё бўйича сув ифлосланиши индексининг (СИИ) ўзгариш динамикаси




37-расм. Қашқадарё бўйича сув ифлосланиши индексининг (СИИ) ўзгариш динамикаси




38-расм. Зарафшон бўйича сув ифлосланиши индексининг (СИИ) ўзгариш динамикаси




39-расм. Сирдарё ва Корадарё бўйича сув ифлосланиши индексининг (СИИ) ўзгариш динамикаси



40-расм. Охангарон дарёси бўйича сув ифлосланиши индексининг (СИИ) ўзгариш динамикаси



41-расм. Чирчик дарёси бўйича сув ифлосланиши индексининг (СИИ) ўзгариш динамикаси



Қашқадарё дарёси сувининг сифати бошланишидан пастга қараб ёмонлашиб боради. Чимқурғон ўзанидаги сув ифлосланганлик индексининг йиллик кўрсаткичи 1997 йилдан бошлаб II тоифа тоза сувларга мувофиқ, 2000 ва 2006 йиллар бундан мустасно, чунки бу йилларда сув сифати III тоифа ўртача ифлосланган сувларга мос бўлган.

Зарафшон дарёси кўпроқ трансчегаравий таъсирида бўлади. Дарё сувининг шаклланиш худудида

дарё сувини токsic металлар, суръма, симоб моддалари билан ифлослантирувчи Тожикистон Республикаси тоғ-кон комбинати обьектлари жойлашган. 2002 йилдан бошлаб алоҳида ингредиентлар (суръма, симоб, кадмий, стронций ва бошқа) устидан мониторинг ташкил қилинган. Ўзбекистон ҳудудида Самарқанд, Каттақўргон, Навоий шаҳарлари саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалик оқава сувлари дарёга ташланади.

Дарё ҳавзасида ер усти сув оқимларига антропоген таъсирини пасайтириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Сув таркибидаги заарли моддалар миқдори мунтазам камайиб бормоқда. 2000 йилгача Роватхўжа постидаги Зарафшон дарёси сувининг ифлосланганлик индекси 0,63-2,07 оралиғида ва ўртача ифлосланган сувларга мувофиқ эди, 2000 йилдан кейин сув сифатининг яхшиланиши ва тоза сувлар тоифасига ўтиши кузатилмоқда.

Навоий шаҳридан куйида дарё суви сифати ҳам сувнинг ифлосланганлик индекси бўйича ўзгарди, IV тоифадан 2001, 2002, 2003 ва 2005 йилларда III тоифа ўртача ифлосланган сувларга, 2004 йилда эса ҳатто II тоифа тоза сувлар тоифасига етди.

Сирдарё дарёси ҳавзаси кўплаб дарёлар сувларидан ҳосил бўлади, улардан асосийлари Сирдарё, Норин, Корадарё, Чирчик, Охангарон дарёлари хисобланади.

Чирчик ва Охангарон дарёларигина трансчегаравий сув обьекти бўлиб хисобланмайди. Қолган бошқа дарёлар сувларининг барчаси (Фарғона водийси кичик дарёлари, Чирчик дарёсига қуйиладиган ирмоқлар билан бирга) кўшни давлатлар худудларида шаклланади. Сирдарё дарёси икки кисмда Ўзбекистон ҳудудидан оқиб ўтади: юкори кисми - Норин ва Корадарёларнинг кўшилишида ва ўрта оқимдаги кисми – Охангарон ва Чирчик дарёлари куйилиши оралиғида.

Сирдарё дарёси суви сифати СИИ бўйича барча створларда III – ўрта меъёр ифлосланган сувлар тоифасига тўғри келади. Бекобод шаҳридан юкоридаги створ бўйича 2000 ва 2002 йилларда II – тоза сувлар тоифасидан, 2001, 2003 ва 2004 йилларда III – ўрта меъёр

ифлосланган сувлар тоифасига ўтган. Сирдарё дарёси сувида Тожикистондан кўшилган сувлар таркибидаги альфа ГХЦГ ва гамма ГХЦГ Ўзбекистон худудидан ўтиш жараёнида камайиши кузатилади.

Корадарё Сирдарё дарёсини ҳосил қилувчилардан бири бўлиб, охирги уч йил давомида сув сифати Ўзбекистон худудига СИИ бўйича II- тоза сувлар тоифасида оқиб келди. Республика худудида Андижон, Асака, Хонобод шаҳарлари оқава сувлари ташламалари ҳамда коллектор-зовур сувлари дарё суви сифатини ёмонлаштиради ва у СИИ III - ўрта мөъёр ифлосланган сувлар тоифасига мос бўлади.

Фарғона водийсининг кичик сув оқимларининг деярли барчаси Ўзбекистон худудига СИИ бўйича II - тоза сувлар тоифаси сифати билан оқиб келади ва суғоришга олинади.

Оҳангарон дарёси сувининг сифати тоғлардан тушишда 1994 йилдан бери II-тоза сувлар тоифасига киради, фақат 2003 йилда ўрта мөъёр ифлосланган сувларгача ёмонлашди. Оҳангарон дарёси бошлинишидаги сув ифлосланиши индекси кузатилган давр мобайнида III - ўрта мөъёр ифлосланган сувлар тоифаси доирасида сақланди.

Чирчик дарёси сувининг ифлосланиш индекси: 1995 йилдан бери Фазалкент шахри атрофида – II-тоза сувлар тоифасига, Чирчик шахри чегарасида 1994 йилгача – III ва IV тоифаларга (ўрта мөъёр ифлосланган ва ифлосланган сувлар), 1994 йилдан кейин эса II тоифага ва муайян йилларда III тоифага, дарё этагида эса қатор кузатувлар давомида – III тоифага хос бўлган.

Йирик саноат корхоналари жойлашган ерларда оқим суви сифатининг локал ёмонлашуви кузатилади. 1988 йилда Тошкент ва Фарғона саноат туманларидаги ер ости сувлари энг ифлосланган хисобланарди.

Кўп йиллар давомида Тошкент вилоятида Чирчик дарёси ўртача оқимида сув олинishiда ер ости сувлари ифлосланишининг юқори даражаси қайд қилинган (3-6,3 РЭЧУ). «Электркимёсаноат» ИЧБ, Ўзбекистон қийин эрийдиган иссиққа чидамли металлар комбинати (ЎҚЭИЧМК), норуда материаллари карьерлари ва бошқалар ифлосланиш обьектлари бўлган.

Оҳангарон дарёси ҳавзасида ер ости сувлари минераллашуви (1,2-1,6 РЭЧУ), қаттиқлиги (1,2-1,7 РЭЧУ), таркибидаги кадмий (2 РЭЧУ) ва селен (2 РЭЧУ) миқдори бўйича белгиланган салбий таъсир чегарасидан ортиши кузатилган.

Фарғона вилояти Тошлок туманида сизот сувлари усти 3 мм гача қалинликда нефть қатлами билан қопланган, нефть маҳсулотлари тарқалиши майдони қарийб 10 км²ни ташкил килган, бу ичимлик ва техник сув билан таъминлаш кудукларига жиддий ҳавф солди, уларнинг бир қисми ҳатто ишдан ҳам чиққан. Янги Кўкон кимё заводи, Фарғона фуран бирикмали кимё заводи жойлашган ерларида ҳам ер ости сувларининг ифлосланиши кузатилган.

Зарафшон дарёси водийсида ер ости сувлари ифлосланиши минераллашуви, умумий қаттиқлиги, сульфатлар бўйича 10 дан 100 бараваргача ортган.

«Гидроингео институти» ДКнинг 2006 йил охиридаги кузатувлари маълумотларига караганда, Қорақалпоғистон Республикасида чу-

чук ер ости сувлари (1 г/л гача) умуман қуриб қолди. Қорақалпоғистоннинг бутун ҳудуди бўйича ичимлик суви минераллашуви, умумий қаттиқлиги, сульфатлар ва хлоридлар бўйича сифати ёмонлашиши қайд қилинмоқда.

Ер ости сувларининг ифлосланиши Паст Амударё (Ўнг соҳили) ва Қорақалпоғистон Паст Амударё (Чап соҳили) ер ости сув манбалари бўйича хўжалик-истеъмол мақсадидаги гурӯҳли сув олиш иншоотларида ўрганилди. Бу ерда барча жойларда минераллашуви 1,08-2,1 мг/л ва умумий қаттиқлиги 7,6-21,5 мг-экв/л бўлган ер ости сувлари тарқалган, улардаги сульфатлар таркиби 510-660 мг/л, хлоридлар таркиби 358-710 мг/лни ташкил қилди.

Андижон вилоятида ер ости сувларининг ифлосланиши 6 та ер ости сувлари ҳосил бўладиган худудлар бўйича ўрганилди.

Андижон-Шаҳриҳон ер ости суви ҳосил бўлиш манбасида, асосан, унинг ўртача ва шимоли-шарқий қисмида (Андижон, Шаҳриҳон, Асака шаҳарларида) ер ости сувлари минераллашуви, умумий қаттиқлиги ва нефть маҳсулотлари таркиби 1-1,2 РЭЧУ оралиғида. Манбанинг жануби-шарқий қисми Асака адирлари бўйлаб ер ости сувлари минераллашуви, қаттиқлиги ва сульфатлар таркиби 1,1-1,3 РЭЧУни ташкил қилди.

Ош-Аравон ер ости суви ҳосил бўлиш манбаси «Марҳамат» участкаси чегарасида ер ости сувларининг минераллашуви - 1,2-2,5 мг/л ва умумий қаттиқлиги - 21,9-33,5 мг-экв/л бўлиб, вазият чуҷук ер ости сувларига нисбатан қониқарсизлигича қолмоқда, «Ўҳчи» сув олинishi участкаси бундан мустасно. Сув ҳосил бўлиш манбаларининг ўрта қисми (Аравансой дарёсининг чиқиши конусида) ер ости сувларида минераллашув ва қаттиқлик 1,8-3,1;12,9-33,2 мг-экв/л оралиғида сақланмоқда.

Сув ҳосил бўлиш манбасининг шарқий қисмидаги ер ости сувлари яхши сифати билан тавсифланади ва O'zDSt 950:2000 «Ичимлик суви» талабларига жавоб беради, минераллашуви, умумий қаттиқлиги ва сульфатлар бўйича 1,5 РЭЧУгача нуқтали ошишлар кузатилган, холос.

Норин ер ости сув манбасида, 25 м гача чуқурликдаги сизот сувлари ифлосланган, уларнинг минераллашуви ва қаттиқлиги 1,5 РЭЧУгача, шунингдек нефть маҳсулотлари ва феноллар таркиби юқорилиги таъкидланган, бироқ эксплуатация горизонтлари (80-300 м) катта кумок катламлари билан ҳимояланган ва ер ости суви O'zDSt 950:2000 «Ичимлик суви» талабларига жавоб беради.

Бухоро вилоятида ер ости сувлари минераллашуви (1,7-3,2 г/л), умумий қаттиқлиги (11,2-23,5 мг/л) ва сульфатлар (625-1619 мг/л) бўйича O'zDSt 950:2000га мувоғик келмайди. Бу кўрсаткичлар, асосан, Бухоро ва Қорақўл манбалари (Бухоро, Шоғирон, Гиждувон, Ромитан ва Жондор туманлари) бўйича тарқалган.

Жиззах вилоятида деярли барча текширилган сув олиш иншоотларидаги ер ости сувларининг қаттиқлиги O'zDSt 950:2000 «Ичимлик суви»га жавоб бермайди.

Қашқадарё вилоятида Китоб-Шаҳрисабз ер ости сув ҳосил бўлиш манбаси бўйича ер ости сувлари умумий қаттиқлиги органдилги кузатилди – 9-12 мг-

экв/л; Ўнг соҳил манбалари бўйича 10-12 мг-экв/л; Чап соҳил манбалари бўйича ер ости сувлари минераллашуви 2,5-3 г/лни, умумий қаттиқлиги 35-44 мг-экв/л; Ғарбий Қашқадарё бўйича 18-50 мг-экв/л; Гузар – 35-40 мг-экв/л ва Лангар бўйича 10-11 мг-экв/л ни ташкил қилди.

Навоий вилоятида 2006 йил учун сугориладиган худудлардаги сув олиш иншоотларида ер ости сувларининг сифати ошди ва факат баъзи сув олиш участкаларида ёмонлашуви кузатилди. Минераллашуви 1-1,2 г/л ва қаттиқлиги бўйича 11-12 мг-экв/л энг кичик кўрсаткичлар Хатирчи ва Зармитон сув олиш иншоотларида, минераллашув – 1,2-1,4 г/л ва қаттиқлик – 14-17 мг-экв/л бўйича энг катта кўрсаткичлар эса Қизилтепа сув олиш иншоотида кузатилди. Сугориладиган зонада ер ости сувлари ифлосланиши, асосан, коллектор-дренаж сувлари ҳамда магистрал каналлар ва Зарафшон дарёсига ташланадиган саноат-хўжалик оқавалари (тахминан 5-6 м³/с) хисобига рўй беради. Зарафшон дарёси ўрта кисмидаги вазият яна Навоий саноат зонаси корхоналари (ГМЗ-1, «Навоийзот» ИЧБ, Навоий электр-кимё заводи ва бошқалар) таъсирида ёмонлашади. Мазкур корхоналар худудларида ер ости сувларида сульфатлар, минераллашуви, умумий қаттиқликнинг юқори таркиби кузатилади. Чўл зонасида жойлашган сув олиниш участкаларида ер ости сувларининг сифати нисбатан яхши: минераллашуви 0,7-1,2 г/л, қаттиқлиги 3-9 мг/л, нитратлар таркиби 24-37 мг/л, NH₄ 0,7-1 мг/л. Чўл зоналарида ер ости сувларининг ифлосланиш манбалари Учкудуқ тумани Шимолий руда бошқармасининг (ГМЗ-2, ГМЗ-3 ва РУ-5 ишқорли тозалаш участкаси) саноат оқавалари саналади.

Наманган вилоятида ер ости сувлари ифлосланиши факат Олмос-Варзиқ ер ости сув манбасининг шимолий кисмida (Шаян-Баймак чукурлиги – сув минераллашуви 1,5 г/лгача, умумий қаттиқлиги 8,4-10,5 мг-экв/л, чекка кисмida нефть маҳсулотлари 1,2 РЭЧУгача оралиқда), Косонсой манбасининг жанубий ва жануби-шарқий кисмларида (сув минераллашуви 1,2 г/лгача, умумий қаттиқлиги 8,9-11,5 мг-экв/л, ғарбий кисмida нефть маҳсулотлари 1-2 РЭЧУгача), Исковат-Пишкан (Чорток ва Наманган дарёси пастлари – умумий қаттиқлиги 7,5-14,2 мг-экв/л), Наманган (Наманган ва Чорток шахарлари атрофида – сув минераллашуви 1,52,1 г/л гача, умумий қаттиқлиги 9,4-25,1 мг-экв/л) манбаларида аникланди.

Самарқанд вилоятида Зарафшон ер ости сув манбаси бўйича (Оқдарё водийсининг марказий-шимолий кисми) ер ости сувларининг минераллашуви ва умумий қаттиқлиги бўйича юқори кўрсаткичлар хосдир. Шимолий тоғ олди манбаси бўйича ер ости суви минераллашуви тоғдан узоклашгани сари ортиб боради ва 1,8 г/лгача, умумий қаттиқлиги 9,5-13,2 мг-экв/л гачани ташкил қилади. Ғарбий Қашқадарё манбалари ер ости сувлари 1,2-1,4 г/л минераллашувга ва 9,2-11 мг-экв/л умумий қаттиқликка эга, фтор таркиби 0,8-1,19 мг/л.

Сурхондарё вилоятида сугориладиган майдонлардан коллектор-дренаж тармоғи орқали ҳамда агропроизводствий комплекси ишлаб чиқариши корхоналарининг саноат оқавалари ва бошқа ифлосланган сувлар таш-

ланадиган ер усти сув оқимлари ва ҳавзалари ер ости сувлари ифлосланишининг манбалари ҳисобланади.

Шимолий Сурхондарё ер ости сув манбаси бўйича, асосан, алоҳида локал участкалари марказий ва жанубий қисмларида ер ости сувлари минераллашуви 1,6 г/лга, умумий қаттиқлиги – 18 мг-экв/л, нитратлар – 47 мг/л, феноллар – 0,002-0,003 мг/л га етади.

Жанубий Сурхондарё манбаси бўйича шимолий ва жанубий қисмлари локал участкалар бўйича ер ости сувлари минераллашуви 1,4-1,8 г/лни, умумий қаттиқлиги 15,3-25 мг-экв/л ни ташкил қиласди.

Шеробод ер ости суви манбаси O'zDSt 950:2000га мувофиқ келмайди, ва ичимлик сув таъминоти учун яроқсиз. Ер ости сувлари минераллашуви 2,4 г/л, умумий қаттиқлиги 12-16,5 мг-экв/л, нитратлар – 47 мг/л, аммоний – 3,12-6 мг/лга етади. «Янгиобод», «Шеробод», «Музробод» ва «Ангор» сув олиш иншоотлари бўйича минераллашуви 1,5-2,36 г/л, умумий қаттиқлик – 15,7-21 мг-экв/л кайд қилинган, сульфатлар 475-663 мг/л, хлоридлар 425 мг/л миқдорини ташкил қиласди.

Сирдарё вилоятида Дўстлик, Ховос ер ости сув манбаси ва Юқори плиоцен манбалари ғарбий кисми бўйича ер ости сувлари минераллашуви 1,4-1,8 г/л, умумий қаттиқлиги 10,8-17,5 мг-экв/л, сульфатлар таркиби 570-980 мг/л ни ташкил қиласди.

Тошкент вилояти бўйича ер ости сувлари Чирчик ва Оҳангарон дарёлари худудларида (Чирчик, Тошкент, Янгийўл, Ангрен, Олмалиқ шаҳарларида) жамланган саноат обьектлари, шунингдек иккала дарё оралиғидаги худудларининг пастки кисмida жойлашган кўп сонли агропроизводствий, коммунал ва бошқа обьектлар таъсирида ифлосланганди.

Чирчик манбаси чегарасида ер ости сувларининг нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши локал участкаларда кўринади, ифлосланиш даражаси 1,5 дан 1,7 РЭЧУгача ўзгарди (Кўйлик, Пахтачи нефть базалари, темир йўл участкалари, ЁММ алоҳида омборлари, автоювиш жойлари, ЁҚШ, Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариши бирлашмаси, ТТЗ, Тошметрополитен ДАЖлари ва бошқалар).

Оҳангарон манбаси бўйича «Кўмир» АЖ қолдик тупроқлари ва чиқиндиларни сақлаш майдонлари жойлашган Тешик-Тошдан Кондир створигача бўлган участкада ер ости сувлари минераллашуви 1,4 г/лга, умумий қаттиқлиги 15,6 мг-экв/лга, сульфатлар миқдори 695 мг/лга етади.

Телов қишлоғидан Олмалиқ шаҳригача бўлган участкада ер ости сувлари минераллашуви 1,3-1,5 г/лга, умумий қаттиқлиги 12,6-15 мг-экв/лга (менеж даври) етди. Ер ости сувларининг нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши кўп эмас ва 0,006-0,05 мг/л оралиғида, феноллар миқдори кам (локал участкаларда) учрайди ва 0,0004-0,0025 мг/лни ташкил қиласди.

Пскент манбаси бўйича Пскент шаҳри худудида сизот сувларининг минераллашуви 1,2-1,3 г/л, умумий қаттиқлиги – 12,3-18 мг-экв/л, сульфатлар – 765 мг/л, нефть маҳсулотлари 0,12 мг/лни ташкил қиласди. Манбасининг марказий кисмida фойдаланиш горизонтларида ер ости сувлари сифати яхши бўлиб, O'zDSt 950:2000 га мувофиқ келади.

Кўйорол манбаси бўйича ер ости сувлари, асосан, 1,1-1,5 г/лдан 1,5-3,5 г/лгача ва ундан юқори минераллашувга эга. Худуднинг учдан бир қисмига 1 г/лгача минераллашув хосдир. Ер ости сувлари ифлосланишининг асосий манбаси шимоли-шарқий қисмда жойлашган ОКМК бирлашган чикндиларни сақлаш майдони хисобланади. Хлор ва аммоний бўйича ифлосланиш вактингчалик тусга эга. Манбанинг жанубий ва жануби-шарқий қисмida ер ости сувлари минераллашуви 1,6-1,8 г/л, сульфатлар – 476 мг/л, нитратлар – 15-25 мг/л. Бу ерда ифлосланиш ерларни суғориш билан боғлик. Фойдаланиш горизонтида ер ости сувларининг сифати O'zDSt 950:2000га мувофиқ келади.

Далварзин манбаси ер ости сувлари камшўри, минераллашуви 1,1-1,5 дан 3 г/л гача, умумий қаттиқлиги 10,6-21,95 мг/л. Бу ерларни суғориш учун Сирдарёнинг дарёсининг шўрланган сувлари ишлатилиши ва Тожикистон Республикаси худудидан суғориш ва дренаж сувлари ташланиши билан боғлик.

Бекобод шахри сув олиш иншоотлари бўйича ер ости сувлари минераллашуви 1,02-1,82 г/л, умумий қаттиқлиги 11,8-19,45 мг-экв/л, сульфатлар – 680-960 мг/лни ташкил килди.

Фарғона вилояти бўйича ер ости сувларининг минтақавий ва локал ифлосланишининг асосий омили ерларни суғориш хисобланади. Исфара манбаси бўйича Исфара дарёсининг чиқиши конуси бошланғич қисмидаги асосий фойдаланиладиган сув чиқиши горизонтлари ер ости сувлари ифлосланишининг чегараларида ер ости сувлари минераллашуви – 1,2 г/л, умумий қаттиқлигининг – 13 мг-экв/л энг юқори кўрсаткичи эга («Юқори» сув олиш иншооти). Чиқиши конуси шарқий секторининг юқори қисмida («Ропкон» сув олиш иншооти участкасида) ер ости сувлари минераллашуви 1,4 г/л, умумий қаттиқлиги 14 мг-экв/л. Юқори (50 м гача) қатлами кесимидан ташқари манбанинг қолган майдонида O'zDSt 950:2000 «Ичимлик суви»га мос ер ости сувлари тарқалган.

Сўх ер ости сув манбаси чиқиши конуси бўйича гарбий секторида («Яйпан» участкасида) ер ости сувлари ифлосланишининг асосий омили Аччиқсув дарёси ер усти оқими хисобланади. Ер ости сувлари энг юқори минераллашув кўрсаткичи 1,5-3 г/л, умумий қаттиқлики – 20-35,4 мг-экв/лни ташкил килади. Сўх дарёсидан чиқиши конуси шарқий секторида (Боғдод участкаси) ер ости сувларига юқори минераллашув (2 г/лгача) ва умумий қаттиқлики (29,45 мг-экв/лгача) хосдир, бу асосан чиқиши конусининг адир массивлари, тоғ олди текисликлари ва бошланғич қисмларини ўзлаштириш ва суғориш билан боғлик. Ифлосланиш чегараси умумий майдони 252 км², манбаларнинг қолган барча майдонида фойдаланиш сув олиш горизонтларининг ер ости сувлари O'zDSt 950:2000га мос келади.

Олтиариқ-Бешолиш ер ости сув манбаси бўйича («Құва» участкаси) асосан Мирзачўл қисми ва Тошкент сув хосил бўлиш комплекслари юқори қисми кузатувлар билан қамраб олинган, ер ости сувлари

энг юқори минераллашуви – 1,4 г/л, умумий қаттиқлиги – 14,25 мг-экв, сульфатлар – 600 мг/л. Аниқланган ифлосланиш чегара майдони 72,8 км²ни ташкил килади.

«Тошлок» участкасида ер ости сувлари минераллашувининг энг юқори кўрсаткичи 1,7 г/л, умумий қаттиқлиги – 20,05 мг-экв/л, сульфатлар – 1000 мг/лни ташкил килди. Ифлосланиш чегара майдони 77,6 км². Нефть маҳсулотлари билан ифлосланиш эса тўйлиқ йўқотилди.

Ёрмозор ер ости сув манбаси кишлок хўжалиги ва саноат ифлосланиши таъсирига учраган ва ҳамма ерда умумий қаттиқлиқ, гарбий қисмida эса минераллашув ва сульфатларнинг ортиши билан тавсифланади. Минераллашув ва умумий қаттиқликнинг энг юқори кўрсаткичлари тегишли равишда 1,3 г/л ва 15 мг-экв/лни, сульфатлар бўйича – 700 мг/лни ташкил килди. Умуман олганда манба бўйича гидрокимёвий вазият мураккаблигича қолмоқда.

Чимён-Оввал ер ости суви хосил бўлиш манбаси Фарғона ва Марғилон шаҳарларининг энг юрик ва истиқболли хўжалик истеъмол сув таъминоти манбаси саналади. Ер ости сувлари ифлосланиши даражаси ортиқча умумий қаттиқлиқ, баъзи жойларда эса минераллашув ва сульфатлар билан тавсифланади. Энг юқори минераллашув кўрсаткичи - 1,1 г/л, умумий қаттиқлик кўрсаткичи – 13,7 мг-экв/л ни ташкил этади.


Хоразм вилоятида хозирги вақтда чучук ер ости сувлари (1 г/л гача) умуман куриган. Бутун вилоят худуди бўйича ичимлик сувининг минераллашуви, умумий қаттиқлиги, сульфатлар ва хлоридлар бўйича сифати ёмонлашиши кузатилмоқда. Манбалар бўйича ер ости сувлари минераллашуви 1-2,5 г/л, умумий қаттиқлиги 12-20 мг-экв/лни ташкил килади. Ер ости сувларининг нисбатан қониқарли сифати алоҳида канал бўйи линзаларда кузатилади, минераллашув - 1,5 г/л гача, умумий қаттиқлик – 12-15 мг-экв/лни ташкил қилади.

Кўп йиллик кесмада ер ости сувлари таркибида азот бирикмаларининг камайиши кузатилмоқда.

3.4. Умумий сув таъминоти ва сувни чиқариш.

Ифлосланган оқава сувлар

Умуман олганда Ўзбекистон Республикасида 1988-2007 йиллар мобайнида табиий манбалардан сув олиниши йилнинг сувлилигига қараб – сув кам



42-расм. Ўзбекистон Республикаси, хусусан, Амударё ва Сирдарё ҳавзалари бўйича майдонилган сув микдорининг ўзгариши динамикаси

бўлган 2001 йилда 44 км³дан, 1999 йилда 60,7 км³гача ўзгариб турди. Шундан 1999 йилда Сирдарё ҳавзаси бўйича сув олиниши 41%, Амударё ҳавзаси бўйича 59%, 2001 йилда тегишли равишда 52 ва 47,6% бўлди. Ўртacha сув олиниши Сирдарё ҳавзаси бўйича 21-26 км³, Амударё ҳавзаси бўйича 21-36 км³ оралиғида сакланди (42-расмга қаранг.).

Энг кўп сув миқдори – 85% қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларига ишлатилади, яъни қишлоқ хўжалиги асосий сув истеъмолчиси ҳисобланади. Сувнинг аксарият (80-83%) кисми вегетация даврида сарфланади.



43-расм. Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш даражаси

ди. Вегетация бўлмаган даврда сувдан кузги экинларни сурʼия, заҳирали ва нам сақлаш сурʼишини ва шўрланган ерларни ювиш учун фойдаланилади (43-расмга қаранг).

Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш даражаси ирригация тизимлари фойдали иш коэффициенти (ФИК) билан баҳоланади, у ҳозирги пайтда кўйидаги кўрсаткичда барқарорлаши: магистраль ва хўжаликлараро тармоқлар бўйича – 0,86, ички хўжалик тармоғи бўйича – 0,77 (1990 йилда ўртacha республика бўйича ФИК 0,64 бўлган), бу хўжаликлараро тармоқларни қайта таъмирлаш ва ички хўжалик тармоқларини қайта қуриш ишларининг суръатларидан далолат беради.

Комплекс гектарга солиштирма сув сарфи 1988 йилдаги 15,1 минг м³/га дан 2007 йилда 12,2 минг м³/га гача камайди.

Сувдан фойдаланиш коэффициенти (СФК) 1988 йилда республика бўйича 0,8 бўлган бўлса, ҳозир эса 1,1 га teng.

Техник ҳолати бўйича сурʼия тармоқларининг 68,1% носоз, 50,2% қайта тикланишга ва 17,9% таъмиррга муҳтоҷ.


Саноат, коммунал ва иктисолидётнинг бошқа тармоқларига 15% сув ишлатилиди. 2006 йил учун иктисолидёт тармоқларининг (иссиқлик энергетикасидан ташқари) Аму-

дарё ва Сирдарё ҳавзалари сувидан фойдаланиши 44-расмда кўрсатилган.


Иссиқлик электр станцияларининг техник сув таъминоти учун сув олиниши 1988 йилда 4,81 км³дан 2007 йилда 4,44 км³гача ҳажмда бўлди (45-расмга қаранг).

Республикалараро сув тақсимоти тамоилларига мувофиқ сув олиниши ҳисоб-китоб лимитларининг белгиланган улушлари Марказий Осиё суверен давлатлари томонидан ҳалигача тан олиниди, бу 1992 йил 18 февралда Олма-ота шаҳрида минтаканинг барча давлатларининг беш вазири то-

2006 й.




43-расм. Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш даражаси



44-расм. 2007 йил учун иктисолидёт тармоқлари томонидан (иссиқлик энергетикасидан ташқари)


Амударё ва Сирдарё ҳавзалари сувидан фойдаланиш



45-расм. Иссиклик электр станцияларининг техник сув таъминоти

монидан имзоланган «Давлатларо манбалар сув ресурсларини ҳамкорликда бошқариш, ишлатиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим» билан тасдиқланган. Минтақа давлатлари сув тақсимоти улушларини сақлаган ҳолда ҳозирги вактда ҳақиқатда мавжуд бўлган сув ресурслари ҳажмларининг абсолют катталигини аниқлаштириш зарурлигини тан олишмоқда. Ҳозирги вактда Ўзбекистон фойдаланиши мумкин бўлган мавжуд сув ресурсларининг микдори аниқланган бўлиб, 67 км³ни, хусусан, дарё оқимидан 55,1 км³, ер ости сувларидан 7,8 км³, қайтиш сувларидан 4,1 км³ни ташкил этади.


Хисоб-китоб қилинган сув ресурслари ҳажмидан келиб чиқиб, республикада иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўйича қуидаги лимитлар мавжуд (46-расмга каранг).



46-расм. Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўйича сув олиниши лимитлари

Тоза сув олиниши динамикаси ва йилнинг сувлилигига мувофиқ сувни ажратиши 2001й. кам сувлийилда 16,6 км³дан 1992 йилда 35,5 км³гача ўзгарди.

Республиканинг ер усти сув оқимлари ва сув ҳавзаларига 500 дан ортиқ сувдан фойдаланувчи обьектлар (коллектор-дренаж сувларидан ташкари) оқаваларини ташлайди, сув ташлаш умумий ҳажми 1988 йилда 6,3 км³ ва 2005 йилда 6,1 км³ бўлган. Ўзбекистон Республикаси бўйича, хусусан, Амударё ва Сирдарё ҳавзалари бўйича сув ташлаш умумий ҳажмидаги ўзгаришлар 47-расмда кўрсатилган.




47-расм. Ўзбекистон Республикаси, хусусан, Амударё ва Сирдарё ҳавзалари бўйича сув ташлаш умумий ҳажмининг ўзгариши динамикаси

1988 йилда ифлосланган саноат оқава сувлари ҳажми 300 млн. м³ни ташкил этган, жумладан, ер усти сув оқимларига тозаланмасдан 230 млн. м³ оқавалар ташланган. Ер усти сув оқимларига ифлосланган ва меъерда тозаланган оқава сувларининг ташланиши динамикаси 48-расмда келтирилган.



48-расм. 1988-2007 йилларда ифлосланган ва меъерда тозаланган оқава сувларининг ер усти сув оқимларига ташланиши динамикаси

Сув обьектларига саноатдан оқава сувлар билан бирга оғир металлар, фторидлар, феноллар, ка-пролактам, ацетон, нефть маҳсулотлари ҳамда қора ва рангли metallurgия, кимё ва нефть кимёси саноати, минерал ўғитлар ва ишлаб чиқариш корхоналари учун хос бўлган бошқа заарли моддалар ҳам тушган. Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўйича сув ташлаш улуши 49-расмда кўрсатилган.



49-расм. Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўйича сувни ташлаш микдори, фоизда

Сув манбаларининг гидрокимёвий ва гидробиологик таркибига иссиқлик энергетикасининг юкори минераллашган оқавалари жиддий таъсир кўрсатади.


Ташланган саноат оқава сувларининг 60%дан ортиги тозаланиш талаб қилинмайдиган меъерда тоза оқаваларга киради. Бу электр станцияларини совутишдан, балиқ ҳовузларидан тушган оқавалар, корхоналар ҳудудларида сизот сувлари сатхини пасайтириш учун тортиладиган дренаж сувлари ва бошқалардир. Колган 40% тозаланмаган ва тозаланганидан кейин ташланадиган ифлосланган сувлар тоифасига киради.

Сув сифатига (ташланадиган моддалар зааралилигини хисобга олмаган ҳолда) таъсир этишда саноат корхоналарининг улуши 20 фоиздан камини ташкил қиласи, лекин улар маҳаллий ифлосланиш ўчоқларини вужудга келтиради ҳамда сув ҳавзаларида тўпланиш хусусиятига эга бўлган оғир

металлар ва бошқа заҳарли моддаларнинг асосий манбалари хисобланади. Сувни ифлослантирувчilar умумий ҳажмининг 80 фоиздан ортигини Тошкент, Фарғона, Навоий ва Самарқанд вилоятлари саноати ташлади.

1990 йилдан бошлаб ифлосланган саноат оқаваларининг қисқариб бориш мойиллиги кузатилмоқда, бунинг асосий сабаблари - баъзи ишлаб чиқариш корхоналарининг тўла кувват билан ишламаётганлиги ҳамда табиатни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг натижаси хисобланади. 2007 йилда ноирригация секторидан ифлосланган оқава сувлари ташланиши 119 млн. m^3 ни ташкил қилди, барча оқавалар тозалаш иншоотларида етарлича тозаланмаган оқавалар тоифасига киритилган. Ифлосланнишнинг асосий манбалари: Самарқанд вилоятида – Бойназар ва Фарҳод тозалаш иншоотлари, Тошкент вилоятида – Чирчик «Электрокимёсаноат» ОАЖ Янгийўл шаҳри ва Янгийўл «Биокимё» АЖ тозалаш иншоотлари хисобланади.

Тозаланмасдан сув объектларига оқава сувларини ташлаш умуман бартараф этилди. Халқ хўжалигининг асосий тармоқларидан ер усти сув оқимларига ташланадиган ифлослантирувчи моддалар улуши 50-расмда кўрсатилган.



50-расм. Халқ хўжалиги асосий тармоқларидан ер усти сув оқимларига ташланадиган ифлослантирувчи моддалар улуши, фоизда

Ер усти ва ер ости сувларига кишлоқ хўжалиги худудлари, чорвачилик комплексларидан ташланадиган оқава сувлар катта таъсир кўрсатмоқда. Аввал коллектор-дренаж сувларига мелиорация нұктай назаридан, ерларнинг мелиорация холатини яхшилаш натижаси сифатида қаралар эди. Бироқ, бу сувлар дарё ва сув ҳавзаларига тушганида сувнинг минераллашувини оширибигина қолмай, уларни заҳарли кимёвий моддалар ва ўғитлар колдиклари билан ҳам ифлослантиради. Янги ерларни жадал ўзлаштириш, коллектор-дренаж сувлари ва сугориш далаларидан ташланма сувларнинг қўшимча ташланиши, саноат корхоналаридан ҳавзаларга оқаваларнинг ташланиши оқибатида ер усти ва улар билан боғлиқ ер ости сувларининг (бир неча баравар) минераллашувига олиб келди.


Хозирги вақтда минерал ўғитлар, заҳарли кимёвий моддалардан фойдаланишнинг қисқартирилиши, органик ўғитларнинг жорий қилиниши уларнинг

коллектор-дренаж сувлари ва тегишли равиша сув объектлари таркибида миқдорини камайтиради.

Шахар коммунал хўжалигидан оқава сувлар тушиши ҳажмлари коллектор-дренаж сувларидан анча кам. Улар асосан маҳаллий аҳамиятга эга бўлиб, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида аниқ кўзга ташланади, мазкур вилоятлар Ўзбекистон бўйича умумий ташланмаларнинг 50 фоиздан ортигини беради.

3.5. Майший ва коммунал хўжалигига сувдан фойдаланиш

Хозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида 265 та шаҳар, шаҳар типидаги посёлкалар ва туман марказларидан, шу жумладан 61 та идоравий, умумий сони 11844 (93,1%) та бўлган кишлоқ аҳоли яшаш пунктларидан 8647 (9213) тасида сув ўтказгич тармоқлари мавжуд (1989-2003 йиллар), қолган 7% кишлоқ кўргонлари - сойлар, канал, булоқ, қудуклардан олинган ёки узоқдан келтирилган сувдан истеъмол суви сифатида фойдаланади. Ўзбекистон Республикасида ахолининг сув билан таъминланганлиги 51-расмда кўрсатилган.



51-расм. Ўзбекистон Республикаси ахолисининг сув билан таъминланганлиги, фоизда

Сув кувурларининг куввати 8,5 млн. m^3 /суткани ташкил қилади (1989 йилда – 6,7 млн. m^3 /сутка эди). Сув кувурларидан фойдаланишнинг кувватлари паст бўлганилиги сабабли сувнинг катта қисми 26,4% (1 млн. m^3 /сутка сув оқиб кетиши ва носозликлар туфайли йўқотилади) самарасиз сарфланади.

Шахар ахолисининг сув узатиш кувурлари билан камраб олинганлиги 1989 йилда 84%, 2007 йилда 93,1%ни ташкил этди. Кишлоқ ахолисининг марказлашган сув таъминоти билан камраб олинганлиги тегишли равиша 52,1% ва 79,1%га teng.

Бутунги кунда мавжуд 10197 км магистраль сув кувурларидан атиги 32,6% коммунал секторга тегишли. 43025 км сув кувурлари тармоғидан 14178 км ёки 32,9% алмаштиришга муҳтоҷ, бундан ташқари 14281 км янги сув кувурлари тармоғини қуриш талаб этилади.

Сув таъминоти ер усти ва асосан, ер ости сувларига асосланади. Чучук ер ости сувлари заҳиралари бир текисда таксимланмаганлиги сабабли республиканинг гарбий туманларида (Корақалпогистон, Хоразм ва Бухоро вилоятларида, Самарқанд, Қашқадарё, Жizzax, Сурхондарё вилоятларининг гарбий туманларида) ичимлик сувнинг жиддий тақчиллиги сезилади. Авваллари (15-20 йил олдин) мазкур ту-

манларнинг ер ости сувлари ичимлик манбаларга кўйиладиган талабларга жавоб берарди. Лекин, янги ерларнинг жадал ўзлаштирилиши, коллектор-дренаж ва суфориш далаларидан ташланма оқаваларнинг кўшимча ташланиши, саноат корхоналаридан ҳавзаларга сув чиқарилиши ер усти ва улар билан боғлиқ ер ости сувлари минераллашувининг (кескин) ошишига олиб келди.

Ичимлик суви таъминотининг мавжуд 10762 та кудуғидан 3500 таси ёки 33%, 12886 та насосдан 2815 таси ёки 22% ишламайди. Аҳолига сувнинг узликсиз берилиши учун 2800 та янги кудук казилиши, эскирган насослар ўрнига 6120 та янги насос ўрнатилиши зарур.

Мавжуд номутаносибликни йўқотиш ва ичимлик суви сифатини ошириш мақсадида, 1995 йилда «2010 йилгача даврда аниқлаштирилган ўлчамлар бўйича Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари, шахар кўргонлари ва туман марказларида сув таъминоти ва канализациянинг минақавий ва маҳаллий тизимлари схемаси» ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июнданги 278-сон «Қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминланишини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги карори қабул қилинди. Натижада Зарафшон чучук ер ости сувларидан (Самарқанд вилоятидаги) сув олиниб, Дамхўжа сув кувурлари тизимини ишга тушириш хисобига Бухоро ва Навоий вилоятлари ҳамда Самарқанд вилоятининг муайян туманларида сув таъминоти яхшиланди. Туямуон ва Капараск сув омборларидан ер усти сувлари олиниб, Туямуон-Урганч ва Туямуон-Нукус сув кувурлари курилиши хисобига Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини аҳолисига берилаётган ичимлик сувнинг сифати яхшиланди. Қашқадарё вилоятида Дехқонобод ва Китоб-Шаҳрисабз, Наманган вилоятида Учкўргон-Наманган, Андижон вилоятида Хонобод-Андижон, Жиззах вилоятида Зомин минақавий сув кувурлари курилди.

Бирок, 4508 та қишлоқ аҳоли шоҳобчасини, шундан 903 та етиб бориши қийин бўлган ва узок қишлоқ аҳоли пунктларини, 2010 йилга келиб эса 3605 та қишлоқ аҳоли пунктларини кўшимча сув билан таъминлаш талаб этилади.

Сув кувурлари кувватлари, умуман олганда, етарлича ишлатилмайди (63%), баъзи вилоятларда ҳатто 42-62% ишлатилади, холос. Сув кувурлари кувватларининг бундай паст даражада ишлатилишида сувнинг жиддий йўқотилиши кузатилади ва шаҳар сув таъминотида 37%гачани ёки 1 млн. м³/суткани, Қорақалпоғистон Республикасида 60%гача, Жиззах ва Хоразм вилоятларида 40%дан, Тошкент ва Фарғона вилоятларида 35%дан ортиқроқни ташкил киласи.

Сув таъминотини яхшилаш учун Жаҳон банки, Осиё Тараккиёт банки, Қувайт ижтимоий ва иқтисодий тараккиёт фонди, Европа Тикланиш ва Тараккиёт банки, АҚШ Халқаро Тараккиёт агентлиги, Хитой Халқ Республикаси ҳукумати, Испания Қироллиги, Франция ва Швейцария томонидан тақдим этилаётган хорижий инвестицияларни жалб

қилиш йўли билан ичимлик сув таъминоти тизимларини такомиллаштириш лойиҳалари кенг амалга оширилмоқда.

Ажратилган кредитлар хисобига Оролбўйи миңтақасида, Бухоро, Қашқадарё, Навоий вилоятлари, Самарқанд, Бухоро, Гулистон, Жиззах, Қарши шаҳарларида ичимлик суви таъминоти лойиҳалари бажарилмоқда.

78 та шаҳар (шаҳарлар умумий миқдорининг 65% марказлаштирилган сув таъминоти билан қамраб олинган), 39 та шаҳар типидаги кўрғон (34,8%) ва 105 та (1,1%) қишлоқ аҳоли шоҳобчалари марказлаштирилган канализация тармоқлари тизими билан таъминланган. Бундан ташқари Бухоро, Навоий ва Тошкент вилоятларининг 6 та шаҳарларида идоравий канализация тизимлари мавжуд. Қолган шаҳарлар ва шаҳар кўрғонларида канализация тизимлари мавжуд эмас. Қишлоқ аҳоли шоҳобчалари эса марказлаштирилган канализация тизимларига эга эмас.

Шаҳар ва шаҳар кўргонларида аҳолининг канализация тизимлари билан қамраб олинганлиги 2007 йилда – 51,5%, 1988 йилда – 46,6%ни ташкил этган. Умуман Ўзбекистон бўйича марказлаштирилган канализация билан аҳолининг 14,1% қамраб олинган.

Канализация оқаваларини тозалаш иншоотларининг умумий куввати 2007 йилда - 3,9 млн. м³/сутка, 1990 йилда – 3,49 млн. м³/сутка, 1985 йилда – 2,69 млн. м³/суткани ташкил этган.

Мавжуд тозалаш курилмалари ўз таркибида меҳаник (кум ушлагичлар ва тиндиргичлар) ва биологик (аэротенклар) тозалаш, оқаваларни заарасизлантириш (хлорлаш) ва қолдикларни кисман қайта ишлаш (аэроб барқарорлаштириш ва лойқани куритиш майдонлари) курилмаларига эга.

Канализация тармоқларида ишлаётган оқаваларни тозалаш иншоотлари, асосан, ўтган асрнинг 70-80-йилларида курилган ва сўнгги 15 йилда деярли қайта тикланмаган ва капитал таъмирланмаган. Алоҳида темир-бетон ва металл конструкциялар ва труба кувурлари яроқсиз ҳолга келган. Тозалаш курилмаларидаги эскирган ускуналар самарасиз ишламоқда ёки ишдан чиқсан, маблағ йўқлиги сабабли улар алмаштирилмаган.

1995 йилда ишлаб чиқилган «2010 йилгача даврда Ўзбекистон Республикасида янги ва технологик асосдаги сув таъминотини ривожлантириш аниқлаштирилган схемаси» эскирган, чунки собиқ совет давридаги амал қилган меъёрлар асосида ишлаб чиқилган эди. Маблағ этишмаслиги сабабли асосий ишлар сув таъминоти компоненти бўйича олиб борилган ва канализация бўйича ишлар тўхтатилган.


Хозирги вақтда Швейцария гранти ва Франция займи хисобига Нукус ва Самарқанд шаҳарларида канализация насос станцияларини тиклаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан 2008 йилга Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури таркибида Долзарб инвестиция таклифлари ийфма рўйхати белгиланган бўлиб, унда алоҳида канализация тизимларини тиклаш ҳамда канализация тозалаш курилмаларини тиклаш ва кенгайтириш назарда тутилди.


3.6. Ичимлик сувидан фойдаланиш

Чучук ва камшўрли ер ости сувлари хўжалик-истеъмоли ва техник сув таъминоти учун, шунингдек ерларни сугориш учун ишлатилади. Максадли фойдаланиш бўйича ер ости сувлари ХИ - хўжалик-ичимлик сув таъминоти, ИТ – ишлаб чиқариш-техник сув таъминоти, ЕС - ерларни сугориш, ТЗ - тик зовур (вертикал дренаж), ЯС - яйловларни сувлаштириш, ШС - шахтапардан сувларни чиқариб ташлашга таҳсилланади.


Тасдиқланган заҳиралардан келиб чиқиб, иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларига ер ости сувлари олиниши 52-расмда кўрсатилган.



52-расм. Иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларига тасдиқланган заҳиралардан ер ости сувларининг олиниши



53-расм. Ўзбекистон Республикаси бўйича ер ости сувларининг умумий олиниши



54-расм. Ўзбекистон Республикаси бўйича олинган ер ости сувларининг умумий хўжалик-ичимлик мақсадлари учун вилоятлар бўйича таҳсилланиши

Хўжалик-ичимлик эҳтиёжларга ер ости сувларини энг кўп олиш 1989 йилда кузатилган (9,8 млн. м³/сутка). 1996 йилдан бери хўжалик-ичимлик эҳтиёжларига ер ости сувлари олинишининг қисқариши тамоили кузатилди ва 2006 йил охирида 6,7 млн. м³/суткани ташкил қилди (53-расмга қаранг).

Республика худуди бўйича хўжалик-ичимлик мақсадида ер ости сувлари умумий олинишининг шаҳарлар, туман марказлари ва аҳоли шоҳобчалари бўйича таҳсилланиши жуда номутаносиб (54-расмга қаранг).

Аксарият холларда сув қувуридаги сув (айниқса йилнинг ёзги мавсумида) гигиеник меъёлларга жавоб бермайди. Мамлакат аҳолисининг учдан бири давлат стандартига мос келмайдиган ичимлик сувини истеъмол қилади. Сув қувуридаги сув сифатига сув қувурларининг санитар-техник ҳолати таъсир қилади, ваҳоланки, уларнинг асосий қисми 30-50 йилдан бери ишлатилади (55-расмга қаранг).

3.7. Сувдан тақроран фойдаланиш

ва айланма ишлатиши

Умуман республика бўйича айланма ва тақроран кетма-кет сув таъминотида 1989 йилда 7454 млн. м³дан 1996 йилдан бошлаб 4000 млн. м³гача сув ишлатилган (56-расмга қаранг).

Саноат секторида ишлаб чиқариш кувватларининг пасайишидан кейин сувни тежаш тадбирлари оқибатида йилига атиги 4000 млн.

м³дан ортиқ сув тежалмоқда. Бироқ корхоналарни куришда, тиклаш ёки кенгайтиришида улар давлат экологик экспертизасидан ўтаётганида сувни тежаш тадбирлари жорий этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.


Коллектор-дренаж сувларидан тақрор фойдаланиш йилнинг сув билан таъминланганлигига қараб 700 млн. м³дан 1700 млн. м³гача оралигига бўлмоқда.

3.8. Айдар-Арнасой кўллар тизимидағи (ААКТ) экологик вазият


Шардара-Арнасой кўллар тизими, фалокатли сув кўп бўлган 1969 йилда Шардара сув омборидан 21 км³ сувни ташлаш натижасида шаклланди, бу Сирдарёнинг пастки оқимида Қозогистон ҳудудида катта талафотларнинг олдини олиш имконини берди.

Вақт ўтиши билан сув келиш натижасида бутун кўллар тизими шаклланди: Арнасой, Айдаркўл ва Тузкон, уларнинг ҳажми 22 км³ ва майдони қарийб 2500 км² бўлган Айдар-Арнасой кўллар тизимини (ААКТ) ташкил қилди (57-расмга қаранг).

ААКТ кўплаб куш ва ҳайвонлар уялаш жойига айланди, бу ерда овчилик ва балиқчилик жадал ривожланди. Минтақавий аҳамиятга эга экотизим шаклланди. Аввал Тузкон кўлида сув минераллашуви бир литрга тўрт грамм эди, янги - ҳавзанинг фарбий қисмида атиги икки грамм. Кейинчалик ботқоқланиш, сув пар-



55-расм. Водопровод сувининг сифати




56-расм. Айланма ва такрор сув таъминоти ҳажмларининг динамикаси

ланиши, унинг сифати ёмонлашиши ва сатҳи пасайиши рўй берди. Кайд қилинган минераллашувни сақлаб қолиш учун янги чучук сувлари куйилиши талаб этилади.

1993 йилдан бошлаб Қирғизистон Республикаси Токтогул сув омборидан фойдаланишининг ирригация тартибидан энергетик тартибига ўтилди. Қишики ёғингарчиликлар олдинма-кетин рўй берди ва 1994 йилда Арнасой пастлигига 9 км³ дан ортиқ сув ташланди. Оқибатда яйловларни (120 минг га), кудук, дам олиш зоналари, балиқ тутиш жойларини сув босди, Арнасой оқими бўйича кўприк бузилди, Айдаркўл ва Тузкон ора-

сидаги туташ йўл сув остида қолди.

Сўнгги 10 йил давомида Айдаркўл соҳилбўйи зонасида уч марта (1998, 2003, 2005 йилларда) фавқулодда вазият рўй берди, бу соҳилларни мустаҳкамлаш, одамлар, чорва ва моддий бойликларни хавфсиз жойларга вақтингачалик кўчириш ишларига катта молиявий харажатларни талаб этди. Ташланмалар шунга олиб келдики, 2005 йилда ААКТ энг юқори ҳажми




57-расм. Айдар-Арнасой кўллар тизими


– 44,19 км³га етиб, ҳажми бўйича икки буюк дарё ҳавзасидаги учинчи кўлга айланди.

1993 йилдан 2006 йилгача Арнасой пастлигига 38,635 км³ чучук Сирдарё суви ташланди (58-расмга қаранг).


Ҳозирги кунда Айдар-Арнасой кўллар тизими Халқаро Қизил Китобга ва Ўзбекистон Қизил китобига киритилган кўплаб ноёб ва ўйқолиб бораётган қуш турлари (жингалак ва пушти саккоқуш, корабузов, кичик оккутон, вишилдоқ оккуш, олақанот ва бошқалар) уялаш, учиб ўтиш ва қишлиш учун фойдаланмоқда (59-расмга қаранг).



58-расм. 1993-2007 йилларда Айдар-Арнасой кўллар тизимида сув ташланиши динамикаси



59-расм. Күшларниң миграция йўллари



60-расм. Майдонларни сув босишининг тури даражаларда сув ташлаш ҳажмига боғлиқлиги

2006 йилда Шардарадан пастда Сирдарё ўзанининг сув ўтказиш қобилиятини ошириш бўйича ишлар якунланди, эндиликда Қозогистон Республикаси Арнасойга сув ташламай, пастки оқимга етарлича сув ҳажмларини ўтказиши мумкин.

2006 йил мартаидан бошлаб Шардара сув омборидан Арнасойга сув ташланиши тўхтатилди ва Арнасой сув омборидан ААКТга сув ташланмади. 2006 йил охирида кўллар тизими сувининг минераллашуви 7,4 г/л ни ташкил этди. 2007 йилда Арнасойга умумий сув ташланиши қарийб 200 млн. м³ бўлган.


Тегишли чоралар кўрилмаса, мавжуд вазият салбий оқибатларга олиб келади. Шардара сув омборидан сув ташланиши йилига 1,5 км³дан кам бўлиши кўл тизимининг секин-аста қисқаришига олиб келади. Сув омборидан сув ташланиши бўлмаса, дастлабки уч йил давомида кўллардаги сув сатҳи йилига 0,4-0,6 м га пасаяди. Йилига ўртacha 1250 мм бўлган сув парланиши баланснинг асосий сарф компоненти бўлганлиги сабабли оқимсиз сув минераллашуви ортади ва кейинчалик йилига ўртacha тахминан 300 мг/лга етиши мумкин.

Кўлга тушаётган коллектор-дренаж оқими ҳажми йилдан-йилга 1,8-2,4 км³/йил оралигига ўзгаради. Куриган тубнинг умумий майдони тахминан 1100 км²ни ташкил этади. Орол денгизи фалокатидан фарқли равишда ААКТ бўйича сатҳ пасайганида иккиласми ифлосланиш жараёнлари фаоллашади, чунки туб чўқиндиларида кўлга аввал тушган ифлослантирувчи моддалар жамланган. Сув сатҳи пасайиши билан сув массасининг туб чўқиндилари билан алмашиниши ортади.


Шу билан бир вактда, 4 км³дан ортиқ сув ташланиши сув сатҳининг камида 0,5 м (250 м гача) кўтарилишига ва 200 км²гача майдонни сув босишига олиб келиши мумкин. Асосий сув босиши худудлари – Тузкон ва Айдарнинг шимоли-шарқий қисми. ААКТ сув сатҳини 245 м гача кўрсаткич даражасида сақлаб туриш энг мақбул хисобланади (60-расмга қаранг).

Ҳозирги даврда давлатлар ўртасида ҳавзанинг тақсимланиши собиқ Итифоқ даврида қабул қилинган схема бўйича амалга оширилмоқда, унда ААКТни сақлаб колиш учун сув берилиши назарда тутилмаган эди.


Таъкидланган омиллар ААКТда экологик танг вазиятни вужудга келтиради, бу минтақанинг катта худудига салбий таъсир кўрсатади.



16.09.1997



26.09.2003



4.10.2007

Мұхим табиий-иктисодий обьект сифатида ААКТнинг алоҳида ўрнини хисобга олган холда Республикада ААКТга алоҳида мақом бериш, уни, асосан, сувда сузувчи күшлар яшаш жойи сифатида минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга бўлган ноёб экологик обьект сифатида сув-ботқоклик ерлари ҳақидаги Рамсар конвенцияси рўйхатига киритиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда (Ўзбекистон 2001 йилдан бери конвенция иштироқчиси хисобланади).

Бундан ташқари, экологик муаммоларни ҳал этиш максадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан «2008-2015 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси Айдар-Арнасой кўллар тизими (ААКТ) экологик ҳолатини барқарорлаштириш ва фойдаланиши самарадорлигини таъминлаш бўйича харакатлар Дастури» ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

3.9. Орол денгизи ва Оролбўйидаги экологик вазият

Орол денгизини Марказий Осиёнинг иккабуюк дарёси – Амударё ва Сирдарё тўйинтиради. Собиқ совет даврида пахта далаларининг кенгайтирилиши ирригация учун иккала дарёning сувларидан кенг миқёсда фойдаланиши тақозо этди. Фақат, Ўзбекистонда пахта далалари майдонлари 1913 йилдаги 441600 га дан 1940 йилда 1 млн. га гача, 1960 йилда 1,4 млн. га дан 1987 йилда 2,1 млн. га гача кенгайди. Сувни олиш ва истрофгарчиллик билан фойдаланиш натижасида денгизга кам ҳажмда сув келди, натижада у курий бошлади. Ўтган асрнинг тўрт ўн йиллигига Орол денгизининг устки қатлами икки баравар (66900 дан 36500 кв. км гача), сув ҳажми эса учдан икки кисмiga (1090 дан 310 км³гача) камайди. Баъзи маълумотларга қараганда, 90-йиллар охирига келиб денгиз ўз ҳажмининг 90%ни йўқотди.

Ўз вақтида дунёда ички денгизлар орасида катталиги бўйича тўртинчи ўринда турган Орол денгизининг куриши атроф минтақа иқлими ва биохилмакиллиги учун узок муддатли салбий оқибатларга олиб келди. Чўл шамоллари кум ва тузни катта ма софаларга учирди, ҳавзанинг бутун ҳудуди майдонларида миллионлаб тонна (кўпинча ифлосланган) туз тўпланди, баъзи маълумотларга кўра, бу ден-

гиздан анча узоқдаги тоғли тизмалар музлкларига ҳам таъсир кўрсатди. Дренаж тизимлари етарли эмаслиги туфайли тупрок ва сувнинг ботқокланиши ва шўрланиши рўй беради. Минтақада экологик вазият ёмонлашиши бир вақтлар аҳоли зич яшайдиган, мисол учун, Қорақалпоғистон Республикаси (Ўзбекистон) ва Қизил Ўрда вилоятини (Қозогистон) яшаш учун нокулай ерларга айлантиради. Қашшоқлик, аҳоли саломатлигининг ёмонлашуви ва атроф-муҳитнинг таназзули мавжуд, танглик ахволни янада мураккаблаштирумокда. Кейинги буғланиши ва дарё сувининг етарлича келмаслиги Орол денгизини майда ҳавзаларга бўлиб юбормоқда ва барча балиқ популяцияси ҳалок бўлиб, шўр денгизга айланмоқда.

Орол экологик фалокати эпицентрида бўлган Амударё ўзани йирик сув хўжалиги муаммоларига дуч келмоқда. Бу ерда жойлашган Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудлари 776 минг га сугориладиган ер ва 3 млн. аҳоли яшайдиган ҳудудни қамраб олган. Кўрилган чоралар ва халқаро ёрдамга қарамай, ҳозирча Ўзбекистоннинг бу ҳудудида ҳали сув сифатини яхшилаш, экологик вазиятни юмшатиш ва аҳоли барқарор яшаш шароитларини таъминлашнинг имкони бўлмаяпти. Бетакрор тўқай ўсимликлари ва машхур бой ҳайвонот оламига эга Оролбўй табиий ландшафти зонаси таниб бўлмас даражада таназзулга учраб, ҳаётий жозибадорлиги ва табиий қадриятини йўқотди.

Баъзи йилларда дарё окимининг тўлиқ йўқотилиши натижасида авваллари 350 минг га ерни эгаллаган дельта кўлларидан деярли хеч нарса қолмаяпти. Минтақа атроф-муҳитига, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётига улкан зарар етказилди, Оролбўй аҳолиси олган маънавий жароҳат жуда каттадир. Денгиз сатҳининг пасайиши ва дарёлар ёрдамида тўйинмаслиги, юкоридан келаётган сувнинг камайиши натижасида аҳолининг истеъмол эҳтиёжлари учун яроқли ер ости сувлари 10-15 метрга пасаймоқда ва аҳоли улардан фойдаланиш имконидан маҳрум бўлмоқда. Нафакат денгизнинг собиқ туби, балки Қизилкум ва Устюрт платосининг улкан ҳудудларининг устки кисми шамолда тўлиқ очиilib, уларнинг юмшоқ тупроғини хеч нарса ушлаб


кололмай улар аста-секинлик билан жонсиз сахрого айланмоқда.

Амударё Орол денгизига қуйиладиган Коракалпоғистон Республикаси худудида экологик муаммолар айниқса кескин кўзга ташланмоқда. Ўзбекистон ва Туркманистон худудида 75% жойлашган курғоқчил экин ерларини сугориш учун Амударё сувидан ҳаддан ташқари кўп фойдаланиш натижасида Орол денгизи сатхининг пасайиши экологик фалокатга ва «Орол ҳалокати зонасида» жиҳдий гуманитар муаммоларга олиб келганлиги учун ҳалқаро эътиборни ўзига тортди. Коракалпоғистонда вақти-вақти билан рўй берадиган курғоқчилик ва чўллашиш жараёнлари билан биргалиқда дарё оқимининг ҳаддан ташқари пасайиши тоза сувнинг сурункали танқислигига олиб келмоқда (ер усти сувлари минтақага етиб келганида ҳам улар ўта шўрланган). Орол денгизи қуришининг кутилмаган нокулай оқибатлари, хусусан, Орол денгизининг пестицидлар билан ифлосланган собик тубида рўй бераётган захарли чанг тўзонлари, денгиз сатхининг пасайиб кетиши билан боғлиқ иктисадий танглиknинг кескинлашиши ва сизот сувлари сатхининг нотурғунлиги натижасида муаммолар янада чукурлашмоқда.

Барқарор сув таъминоти муаммоларини ҳал қилишга интилиш ўтган асрнинг 70-80-йилларида бошланган. Аввал сув ҳажмларини тўплаш ва қайта тақсимлаш ҳисобига кўп йиллик даврда дарё ўзанларини сув билан бир маромда таъминлаш учун кўп йиллик бошқариладиган йирик сув омборларининг қурилиши бошлаб юборилган. Лекин амалиётнинг кўрсатишича, Сирдарё ва Амударё қўйи оқимларига сув оқимини ўтказиш тартиблари бузилди, кўплаб ерлар сув остида қолди, тўғонларни ювиб кетиши ва фалокатли кўп ҳажмда сув ташланиши хавфи вужудга келди, Орол денгизига сув бериш тартиби бузилди.

Ҳозирги даврда асосий долзарб амалий муаммо – Орол денгизидан дехқончилик, хўжалик истеъмол сув таъминоти, саноат ишлаб чиқариши, энергетик истеъмоли учун фойдаланишда истеъмолчилар ўртасида бир келишувга эришиш, экология ва рекреация эҳтиёжлари, ер усти ва ер ости манбаларида яхши сифатли сув эҳтиёжлари учун, мавжуд аҳоли ўсиши суръатларини ҳисобга олиб, бўлажак авлодлар учун кулагай шароитлар барча омилларини саклаб колган ҳолда, сув ресурсларини самарали тақсимлаш механизмлари ва тадбирларини ишлаб чиқиш муаммоси вужудга келмоқда.

Ўтмишда Орол денгизи 5 ёки 6 марта трансгрессияга – кенгайиш ва кейинчалик қуриб қолишига учраган, ҳозирги пайтда денгиз янги қуриш жараёнини бошдан кечирмоқда. 1961 йилдан бери Орол денгизи тартибига фаол антропоген таъсир қилиш даври бошланди. Оқимнинг қайтармай олинишининг кескин ошиши, дарёларни тиклаш имкониятларининг йўқотилиши, 1960 ва 80-йун йилларнинг табиий камсувлилиги, сув ва туз баланси мутаносиблигининг бузилишига олиб келди. 1961-2007 йилларда парланишдан келаётган сув микдорининг кескин ошиши ўзига хосдир. Дарё сувларининг денгизга келиши мунтазам камайиб борди, алоҳида камсув-



61-расм. 1989-2007 йилларда Орол денгизида сув ҳажмининг ўзариши динамикаси

ли йилларда Амударё ва Сирдарё оқими денгизга деярли етиб бормади (61-расмга қаранг).

2007 йилга келиб Орол денгизи сатҳи 29 метрга пасайди, акватория майдони 5,8 баравар камайди, сув ҳажми 1064 дан 80 км³гача ва ундан ортиқ пасайди, сув шўрлиги ғарбий кисмда 110-112 г/л, шарқий чукурлиқда эса 280 г/лга етди. Денгиз соҳилдан 120-200 км га узоқлашди ва орқасида собик денгиз тубида 45 минг км² дан ортиқ тузли чўл колдириди.

Доимо шамол эсадиган ва циклон тўғонлари бўладиган Оролнинг қуриган тубидан ҳар йили 75 млн. тонна кум, шунингдек 65 млн. тонна юпқа дисперсион чанг ва туз кўтарилади, бу яйловлар маҳсулдорлиги ва экиладиган экинлар ҳосилдорлигининг пасайишига олиб келди. Амударё ва Сирдарё пастларидаги сугориладиган ерларга ҳар йили 100 млн. тонна туз ва кум тушади. Балиқчилик



ва овчилик хўжаликларига улкан иқтисодий зарар етказилди.

Тикланиш яримороли худуди ва Орол денгизи акваториясида атмосфера ҳавосида олтингугурт водороди ва аммиак салбий таъсир чегарасидаги концентрацияси меъёрларининг ошиши қайд килинди. Бу омиллар бутун Орол бўйи минтақаси учун хос бўлиб, органик моддалар парчаланиши ва оксидланниш жараёнлари билан боғлиқдир.

Натижада ҳайвонот ва ўсимлик олами турлари таркиби қискармокда, Орол бўйида санитар ва экологик вазият ёмонлашмоқда, чўллашиб жараёнлари жадаллашиб, сугориладиган ерлар қискармокда, юқумли ва бошқа касалликлар кўпайишига олиб келмокда.

Ўртча ва пастки дарё оқимларида юқори минераллашган ташланма ва дренаж сувлари улушининг кўпайиши дарё сувлари минераллашуви ортиши ва санитар ҳолати ёмонлашишига олиб келди. Камсувли йилларда ўзанга тушаётган Амударё сувларининг ўртча йиллик минераллашуви 0,8-1,6 г/л, Сирдарёда - 1,5-2 г/лга етади. Алоҳида мавсумларда уларнинг яна-да юқори кўрсаткичлари қайд қилинган. Минераллашув ортиши билан бирга сув массаси ионли таркиби ҳам табиии сув тартибидаги давр учун хос бўлган гидрокарбонат-кальцийдан сульфат-натрийгача ўзгарган.

Ер усти сувлари таркибида органик моддалар (ХПК, бензол, ксилол ва фенол) ва оғир металлар (никель, қўроғшин, симоб ва рух) миқдори ортганлиги кузатилди. Алоҳида участкалар бўйича ванадий, мис, кадмий, хромнинг юқори таркиби ва метанолнинг мавжудлиги аниқланди.

Ер ости сувлари минераллашуви 10 дан 46 г/л гача кенг оралиқда ўзгаради. Сувларда бензолнинг юқори миқдори, ксилол, метанол, шунингдек хар ерда кадмийнинг юқори миқдори кузатилди. Айrim ҳолатларда сувда стронций ва симоб мавжудлиги аниқланди.


Дарё сувининг минераллашуви ўсиши ва сифати ёмонлашиши сув ресурслари биологик самараси имкониятларининг пасайишига кўшимча сабаб бўлди. Орол денгизи таназзулини хисобга олган ҳолда текислик худуди ер усти кўлларининг умумий майдони 20 баравардан ортиққа қисқарди.

Оролбўйи бутун худуди бўйича ичимлик сувининг минераллашуви, умумий каттиклиги, сульфатлар ва хлоридлар бўйича сифати ёмонлашгани қайд қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси сув оқимларидаги санитар-кимёвий меъёрлар бўйича талабга жавоб бермайдиган сув намунаси улуси 55,9%, Хоразм вилоятида 60,8%, микробиологик меъёрлар бўйича тегишли равишда 16,2% ва 2,7%ни ташкил қиласиди (62-расмга каранг).

Ўсиб бораётган сув танқислиги ва унинг сифатини ёмонлашиши тупроқ ва ўсимлик қопламининг таназзулга учраши, флора ва фаунадаги кескин ўзгаришлар, ондатрачилик, балиқчилик, балиқни қайта ишлаш тармогининг инқизозини келтириб чиқарди:

23 турдаги ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлар йўқолди. Боялиш, қандим, эфедра, мятылик каби турлар умуман йўқолиши арафасида турибди. Баъзи жойларда ўтсимон ўсимликлар умуман йўқ бўлди, сизот тупроқларининг шўрланиши кескин ортгани туфайли дараҳт-бутасимон турлар бир йиллик шўралар билан алмашди;

62-расм. Қорақалпоғистон Республикаси худудида ер усти ва ер ости сувлари ифлосланишининг ҳолати



кўллар сув юзаси 100 минг га дан 45-50 минг га гача;

қамишзорлар 1200 минг га дан 15-20 минг га гача, тўйайлар 300 минг га дан 125 минг га гача;

туташ худудлардаги табиий яйловлар 348 минг га дан 125 минг га гача кискарди.

Қорақалпоғистон Республикаси худудида 498 турдаги умуртқали ҳайвонлар: жумладан, сутэмизувчиларнинг – 68, кушларнинг – 307 (шундан уя курадиганлари – 141, қишлоғчилари – 20, учуб ўтадиганлари - 146), судралиб юрувчиларнинг – 33, амфибияларнинг – 2, балиқларнинг – 49 тури рўйхатга олинган.

Амударё ўзанида 2005-2006 йилларда 23 турдаги судралиб юрувчилар, 186 турдаги кушлар қайд килинган, шундан судралиб юрувчиларнинг барча турлари ва кушларнинг 15 тури Қизил китобга киритилган.

Орол инқирози оқибатлари Устюрт платоси биохијма-хиллигининг ўзгаришига ҳам олиб келди. Сўнгги йилларда миңтақада атиги 35 турдаги сутэмизувчи рўйхатга олинган, шундан 4 тури: жайрон, манул, хинд асалхўри ва қоракулоқ Қизил китобга киритилган.

Сўнгги вақтгача Амударё ўзанида минглаб тўнғиз, ўн минглаб сайғоқ, юз минглаб ондатра ва ундан кўп сувда сузувчи қушлар яшарди. Бироқ денгиз тубининг қуриб бориши, кўлларнинг йўқолиши ёввойи ҳайвонлар сони кискаришига сабаб бўлди. Фозлар оммавий дам олишга тўхташ жойлари Бухоро вилояти ҳавзаларига кўчди. Устюрт сайғоқлар популяцияси 10 баравардан ортиқка кискарди.

1979 йилга келиб дengiz kemachiлиги тўхтатилди, 1984 йилда эса дengiz ovchilik axamiatini tўliq yўkotdi. Якин ўтмишда йилига ўртacha 25-27 минг tonna қимmatli baliq turlari ovlangan, 2 mln. do-nagacha ondatra moyinaasi tayёрланган, baliq konser-valarini iishlab chiqariш ўrтacha 18-20 mln. shartli bankani tashkil etgan.

Ҳозирги вақтда балиқ овланиши фақат Оролбўйи кўлларида амалга оширилмоқда, бу ерда аввал йилига 4000 tonna baliq tutilar edi, 2006 йилга келиб 600 tonnagacha kamайдi. 90-йиллар boшлariда Қoraқalpoғistон ҳavzalari ovida ilonboш, chortan, zoqorabaliq, ok sла, tovonbaliq, dўng peshona va ok amur kabi turlar kўpchiliq bўlib, ular muaiyan yillarda umumiy ovlangan baliq soninинг 90%ini tashkil etgan. 2007 йилга келиб ovlangan baliqlar orasida zoqorabaliq, ok sла, dўng peshona va ok amur kўp bўlди, ular umumiy ovlangan baliqlarning taxminan 80%ini tashkil kildi.

Куриган дengiz xududidan kumning Shimoli-Farbiy Қizilкум dengizbўyi xududiga kўchiши va тепалик кумларга kўtariлиши boшlanmoқda. Натижада табиий ўsimlik katlamasi yўkotilmoқda, kўchma kum ўchoqlari vujudga kelmoқda.

Табиий ўrmonlар давлат ўrmon fondi umumiy mайдonining taхminan 20%ini egallaydi. Табиий ўrmonlар egallagan eng katta mайдonlar Қoraқalpoғistон Республикаси, Navoiy va Buxoro viloyatlariiga tўgri keladi.

Орол muammolari bўyicha Germания, Fransiya bilan hamkorlik қилинмоқда, Turkiya bilan muzokaralar olib borilmoxda. Asosiy bажарilaётgan

loyihalar siрасига Orol dengizinin qurigan tubida ўrmon ximoya darahtlari uruf va kўchatlarini ekiш kiriadi.

Сўнгги 12 йил mobainida Orolning qurigan tubida kumloq erlarغا mўлжалланган saksuvul va boшqa ўsimliklardan 200 ming hektardan ortik mайдonda ximoya darahtlari ekiлdi. Orolni kutқariш halқaro jamғarmasi tomonidan amalga oширилаётgan ekologik loyihalar xisobiga akvatoriyasi қariй 100-120 ming hektarga teng bўlgan sув ҳavzalari yaratildi.

Orol dengizi ҳavzasida ekologik talablarni xisobga olgan xolda, sув taъminotining barқarorligiga erishiш учун kўplab masalalarни ҳал қилиш talab қилинади:

- er usti va er osti suvlarinинг кучли ifloslananganligi va shўrlanganligi;

- sув okimi va sувни isteъmol қилиш haжmlari va rejiminining nomutanoсиблиги;

- iшlab chiqariш kompleksi tarmoklari va ayniqsa қишлоқ xўjaliq iшlab chiqariшида sув isteъmolni tanqisligi;

- ekologik, rekreacion va sanitар-epidemiologik эhtiёjlarni taъminlash учун sув resurslari ning etishmasligi;

Orol dengizini 1960 йил daражасигача tiklaш imkoniyati йўклигини inobatga olgan xolda dengizning mavjud haжmlari va akvatoriyasini saқlab koliш учун ҳam sувning etishmasligi;

Orolbўyи гидроэнергетикаси, irrigacija va buzilgan ekotizimlarni soғlomlashтириш учун transcegaraвий darёlar okimlariдан foydalaniш dinamikasida tўlaқonli keliшuvchanlikning mavjud emasligi;

irrigacija, ifloslanangan va shўrlangan kollektor-drenaj suvlari va okava suvlar tizimlariда suvdan foydalaniш технологиясининг past daражada ekanaligi va bu sувни darё ўzanlari va sув ҳavzalariiga kaitariшga tўgri keliши;

xўjaliq isteъmolni sув taъminotiда sув sifatinning ёmonligi; aholi ўsiш surъatlariining sув re-surslari zaхiralari ўsiшidan юкорилиги va хоказо.

Атроф-мухитга salbij tаъsir daражasini янада pasaytiриш учун kуйidagi choralar kўriлиши зарур:

1. Xap bir xududning tупрок-иклимиш шароитlarini xisobga olgan xolda, қишлоқ xўjaliqida avvalambor erlaridan okilona va samarali foydalaniшiga йўnalтирилган erdan fodalaniшning samarali tizimini жорий қилиш.

2. Қишлоқ xўjaliqida suvdan pulli foydalaniшni жорий etish, sugoriladigancha erlarни muҳandislik plannirovkaси(bir niшabda tekislash) ni amalga oшириш, sugoriladigancha deхқончиликda ёmfirlatib, tomchilab sugorish kabi ilgor sувни teжovchi технологияларни жорий etish йўли bilan sув resurslariidan okilona foydalaniш.

3. Коллектор-drenaj tizimlari barcha turlari ni тозалаш, kaita tiklaш va kuriш йўли bilan ularning iшини яхшилаш.

4. Xap bir dala xaritasi atrofida ўrmonni ximoyalovchi xududlar barpo etish va kengaitiriш, respublikanining yиrik darёlari қирғoқbўyi polosalariда эса, erlarning shamol va sув эрози-

ясига учрашининг олдини олиш учун кирғоқни мустаҳкамлайдиган ўрмон-мелиоратив ишларни амалга ошириш.

5. Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофондининг сакланишини таъминлаш, муҳофаза этиладиган табиий худудлар тизимларини шакллантириш ва ривожлантириш.

6. Трансчегараий дарёлар ҳавзаларида янги гидротехник объектларнинг техник-иктисодий асосланишининг (ТИА) экспертизасини объектив амалга ошириш.

7. Экологик бехатар услугуб ва биоматериалларнинг янада кенг қўлланилишини таъминлаш.

8. Ерларни рекультивациялаш.

9. Орол денгизи дельтаси ва қуриган тубида қўллар, ветландлар ва намланган зоналар ташкил қилиш, Орол денгизининг гарбий қисми экотизими-нинг биомахсулдорлигини барқарорлаштириш.

10. Оролбўйи худудида табиий муҳит ва ижти-мой омилларни мониторинг қилиш бўйича ГАТ-тузилмасини яратиш ва ривожлантириш.

11. Иктисодий механизмни такомиллаштириш: чиқиндиларни селектив тўплашни ва рециклингни рағбатлантириш, улар ҳосил бўлишини минималлаштириш, барча турдаги чиқиндиларни хўжалик айланмасига имкон даражасида жалб қилиш, мамлакат ичida ва экспорт йўналишида хом ашё материаллари оқимини макбуллаштириш.

12. Жамоатчиликни Орол денгизи ва Оролбўйининг барча экологик муаммоларини хал қилишга кенг жалб этган ҳолда, улар билан кенг тушунтириш ва ўқитиши ишларини амалга ошириш.

13. Орол денгизи ҳавзаси трансчегараий сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича биргаликдаги бошқарувни такомиллаштириш:

а) Амударё ҳавзаси трансчегараий сув ирмокларида вужудга келган сувни қўйиб юбориши тартибини ўзгартирадиган, ГЭСлар ва бошка гидро-техник объектлар ва иншоотларни қуриш бўйича кўзланаётган лойиҳаларни келишиш бўйича ҳуқуқий хужжатлар тўпламини қўшимча ишлаш ва имзолаш ишларини фаоллаштириш;

б) Амударё ҳавзаси трансчегараий сув ресурслари, шу жумладан Зарафшон дарёсидан фойдаланиш бўйича Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида Давлатлараро битим лойиҳасини ишлаб чикиш;

в) Амударё ҳавзаси трансчегараий сувлари-ни муҳофаза қилиш, сувларнинг трансчегараий ифлосланишига йўл қўймаслик ва бунинг олди-ни олиш, улар сифатини назорат қилиш ва экологик барқарорлигини таъминлаш қоидалари бўйича давлатлараро дастурни ишлаб чикиши давом эттириш ва амалга ошириш;

г) трансчегараий таъсир қилмайдиган ва бошка давлатлар ёки миллий юрисдикция таъсиридан ташқаридағи худудлар атроф-муҳитига зарар етказ-майдиган миллий юрисдикция ва назорат фаолияти-ни амалга ошириш.

14. Оролбўйи ва Орол денгизи сув экотизимла-рининг эҳтиёжларини таъминлаш:

а) минимал эҳтиёжларни таъминлаш учун

тасдиқланган йилига 14,5 км³дан кам бўлмаган, шундан Амударё бўйича йилига 10 км³ ва Сирдарё бўйича йилига 4,5 км³ ҳажмда сув олиниши лимитига мувофиқ трансчегараий сув оқимларидан Оролбўйи ва Орол денгизига ҳар йиллик сув берилишини таъ-минлаш зарур. Лимитдан тўлиқ фойдаланиш йил-нинг сувлилиги ва сувдан фойдаланиш бўйича эксплуата-циявий тадбирлар бажарилишига боғлиқ бўлган тех-ник чекловларга боғлиқдир;

б) дельта ва денгизбўйи экотизимларининг бузи-лиш хатаридан химоялаш учун Жанубий Оролбўйида (Қорақалпоғистон) ўрмон-мелиоратив тадбирла-рини ўтказиши билан бирга собиқ денгизбўйи, дель-та кўллари ва денгиз кўрфазлари ўрнида сунъий бошқариладиган сув ҳавзаларини яратиш режалаш-тирилган. Бу мақсадларда сувлилиги ўртача бўлган йилларда мамлакатга тегишли лимитдан Амударёдан Қизилжар створидан пастроқда ҳар йиллик 3 км³гача сувни чиқариш назарда тутилган.


3.10. Муҳофаза этиладиган табиий худудлар (сув объектлари ва чучук ер ости сувлари шаклланиш минтақалари)

2002-2007 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан республика ҳамда вилоятлар аҳамиятига эга бўлган чучук ер ости сувлари ҳосил бўладиган худудларга муҳофаза этиладиган табиий худудлар (МТХ) мақомини бериш ва дарёларнинг сувни муҳофаза қилиш минтақалари кирғоқбўйи полосала-рини белгилаш бўйича катта ишлар амалга оширилди.


Чучук ер ости сувлари манбаларининг шаклла-ниш зоналари бўйича 11 та республика ва 8 та вилоят аҳамиятидаги манбаларига алоҳида муҳофаза этила-диган худудлар (АМЭҲ) мақомини бериш бўйича иш-лар амалга оширилди. Мазкур ишларни бажариш нати-жасида чучук ер ости сувлари ифлосланиши ҳавфини келтириб чиқарадиган эҳтимолий экологик хатар ман-балари аниқланди. Табиатни муҳофаза қилиш давлат

**Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон
Республикаси чегарасида сувни муҳофаза қилиш
зоналари ва дарёлар соҳилбўйи полосаларининг
белгиланган майдонлари тўғрисидаги қарорлари**

| T/р | Дарёлар номи | Ўзбекистон Респуб- ликаси Вазир- лар Маҳкамаси қарорлари |
|-----|--------------|---|
| 1. | Қашқадарё | №80, 06.03.02 й. |
| 2. | Зарафшон | №303, 26.08.02 й. |
| 3. | Чирчик | №471, 29.10.03 й. |
| 4. | Сурхондарё | №15, 12.01.04 й. |
| 5. | Қорадарё | №178, 13.04.04 й. |
| 6. | Норин | №179, 13.04.04 й. |
| 7. | Амударё | № 27, 07.02.07 й. |
| 8. | Сирдарё | № 29, 09.02.07 й. |
| | Жами | 8 та қарор |



63-расм. Вилоят аҳамиятидаги чучук ер ости сувлари манбалари



64-расм. Республика аҳамиятидаги чучук ер ости сувлари манбалари

қўмитаси томонидан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирилиги ва Давлат геология қўмитаси мутахассислари билан биргаликда чучук ер ости сувлари шаклланиш зоналарида экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилди ва улар ижроси устидан назорат ўрнатилди (63 ва 64-расмларга қаранг).

Ўзбекистон Ҳукумати томонидан Зарафшон дарёси ҳавзасида экологик ва санитар-эпидемиологик вазиятни яхшилаш мақсадида маҳсус қарор қабул қилинди, унда қўйидагилар назарда тутилган: Зарафшон дарёси сувни муҳофаза килиш зонасини белгилаш ва ундан экологик хавфли обьектларни чиқариш; чучук ер ости сувлари манбаларининг шаклланиш зоналарига муҳофаза этиладиган табиий худудлар мақомини бериш; Тожикистон Республикаси билан чегара худудида сув сифатини гидрокимёвий лабораторияли автоматик назорат килиш постини ташкил этиш, гидрокимёвий лабораторияларни маҳсус ингредиентларни (селен, стронций, кобальт, суръма, симоб ва бошқаларни) кўшимча аниқлаш учун янги асбоблар билан жихозлаш. Вазирлар Махкамаси томонидан Қашқадарё, Чирчик, Сурхондарё, Норин ва Қорадарё дарёлари учун ҳам тегишли қарорлар қабул килинган. Мазкур 6 та дарёларнинг сувни муҳофаза килиш зоналарида жойлашган 152 та экологик потенциал хавфли обьектлардан 129 таси кўчирилган.


2007 йилда Ўзбекистон Республикаси худудида Амударё ва Сирдарёнинг сувни муҳофаза килиш зоналари ва кирғоқбўйи полосалари белгиланди (65-расмга қаранг).

3.11. Сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш устидан давлат назорати

1989 йилда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси таркибида сув ресурсларини муҳофаза килиш ва улардан оқилона фойдаланиш устидан давлат назоратини тегишли Бош бошқарма (Бошсувназорат) амалга оширган бўлиб, унинг бошқарув аппарати 8 штат бирлигидан иборат бўлган. Қатор ўзгаришлардан кейин 2007 йилга келиб Ер ва сув назорати Бош бошқармаси ташкил этилди ва атиги 2 нафар мутахассис ер устидан сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва оқилона фойдаланиш сектори бўйича ишларни амалга ошироқда.

Ер-сув ресурслари, кенг тарқалган фойдалали қазилмаларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳамда чиқиндиларни бошқариш Бош бошқармаси (Ер ва сув назорати Бош бошқармаси) атроф-мухит муҳофазаси ва ер-сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасида давлат назорати ва тармоклараро бошқаруви сиёсатини амалга оширади, атроф табиий муҳит ҳолати ва ер-сув ресурсларидан фойдаланиш устидан назорат қилиш бўйича тегишли инспекциявий хизматларни бошқаради, шунингдек ер-сув ресурслари соҳасида мувоғиқлаштирув вазифаларини бажаради, услугий кўмак беради, соҳага оид меъёрий ва хуқуқий хужжатларни ишлаб чиқади.

Давлат сув инспекторлари томонидан корхоналар ва ташкилотларда ифлосланган оқава сувларини ташлашни кисқартириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича бир қатор ишлар бажарилди. Масалан, Чирчик шаҳридаги «Электро-кимёсаноат» ИЧБда тозалаш курилмаларини куриш



■ Сув муҳофазаси зонаси ■ ш.ж. соҳилбўйи полосаси

65-расм. Ўзбекистон Республикаси чегарасида сув муҳофазаси ва соҳилбўйи полосаларининг белгиланган майдонлари

хисобига ифлосланган оқава сувларини Чирчик да-рёсига ташлаш тўхтатилди ва унинг сифати ях-шиланди. Бироқ уларнинг етарлича тозаланмаган оқавалар ҳажми республика умумий ҳажмининг асо-сий хиссаси бўлиб ҳисобланмоқда (80%дан ортиқ). Тошкент вилоятида ер усти сувларини ифлослантирувчи маҳаллий манбалар бўлган толали саноат корхоналари тугатилди. Андикон гидролиз заводи, Фарғона ТЭЦ, Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заво-ди, Янгийўл ёғ-мой комбинати ва бошқаларда оқава сувлар оқизилиши тугатилди. Тошкент шаҳри бўйича умумий ҳажми йилига 25,2 млн. м³ бўлган каналларга 43 та оқава сувлар ташлаш обьекти тугатилди («Ўзкабель» ҚҚ, «Тоштўқимачи» АЖ, «Тошкенттекстиль» АЖ, 18-Автосарой, «Тошкишлоқмаш» АЖ ва бошқ.). Ўнлаб айланма сув таъминоти тизимлари жорий этилди, қатор маҳаллий тозалаш қурилмалари қурилди.

Сув ва ер ресурсларини ифлослантириш ман-балари бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаши билан келишилган ва тасдиқлаган рўйхатлар бўйича тан-лов асосида текшириш ва назорат ишлари амал-га оширилмоқда. Корхоналарда сувни муҳофаза килиш фаолиятининг назорати бўйича 1989 йил-да 11034 та сув истеъмолчилари обьекти, 2007 йилда 2031 та обьекти бўйича назорат ишлари ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Конунинг ижроси устидан давлат назоратини ўтказиш жа-раёнида конунбузарликлар аниқланмоқда, хусусан:

- сув фойдаланувчилари олинадиган ер ости сувлари си-фатини кузатишмайди, олина-диган сувнинг хисботи йўлга кўйилмаган. Аксарият ҳолларда санитар муҳофаза зоналари Спил талабларига жавоб бер-майди;

- сувни сув обьектлари ва маҳаллий ерлар рельефига оқизишнинг тасдиқланган шартларига риоя этилмайди, кўпинча оқава сувларидаги ифлослантирувчи моддалар концентрациялари салбий таъсир чегарасидаги ташланмалардан (СТЧТ) ортиқча;

- Урганч, Каттакўргон (Бойназар) шаҳридаги, Тошкент шаҳрида Бектемир тозалаш қурилмалари ва бошқалар сама-расиз ишламоқда;

- сув фойдаланувчилари то-монидан ўз ифлослантирув-чи манбалари мониторингини тўлиқ ҳажмда юритилмайди.

Сув конунларини бузган-


лик учун 1989 йилда 3049 нафар ва 2007 йилда 3031 нафар шахслар маъмурӣ жавобгарликка тортилди. 1989 йилда 74,1 млн. сўм ва 2007 йилда 31,2 млн. сўмлик жарималар ундирилди (66 ва 67-расмларга қаранг).

Ифлослантирувчи оқава сувлар фалокатли ташланмалари билан атроф табиий муҳитга зарар етказ-ганлиги учун 1989 йилда 32 даъводан 144 млн. сўм ва 2007 йилда 92 даъводан 11,57 млн. сўм ундирилди. 1989 йилда 174 та ва 2007 йилда 5 та корхона (участ-ка, цех) фаолиятлари умуман тўхтатилди.


1989 йилда Ўзбекистон Республикаси асосий дарё-лари экологик вазият бўйича «Экология-89» экспедици-он текшириш ўтказилди, бунинг натижасида 53 та сув-дан фойдаланувчি обьект тўхтатилди ёки тугатилди, 20 та обьектни дарё бўйидан ташқарига чиқариш талаб килинди. Бунинг натижасида сув оқимларининг сувни муҳофаза қилиш зоналарини ва қирғоқбўйиолосала-рини белгилаш зарурати тўғрисида асосланувчии мате-риаллар тайёрланди ва сўнгра Вазирлар Маҳкамасининг тегишили қарорлари қабул килинди.

Бажарилган ишлар натижасида баъзи сув оқимлари ва ер ости сувларида сувнинг сифати ях-шиланди ва баркарорлашди.

66-расм. Сув қонунчилигини бузганлик учун маъмурӣ жавобгарликка тортилган мансабдор шахслар ва фуқаролар



67-расм. Сувни муҳофаза қилиш қонунларини бузганлик учун олинган жарималар



IV. Ер ресурслари

4.1. Ер ресурсларидан фойдаланиш ва унинг холати

Ўзбекистонда миллий иқтисодиётнинг ислоҳати иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларида нодавлат сектори пайдо бўлиши ва бозор жараёнини ривожланиши билан боғлиқ бўлган ўта мураккаб сиёсий ва иқтисодий шароитда кечмоқдаки, у давлат бошқарувининг аниқ ва самарали механизмини яратилишини талаб этади. Ушбу масала ер ресурсларини бошқариш соҳасида, бир томондан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий манбаи, иморатлар, иншоотлар, йўллар, кўжаламзорлаштириш учун майдончалар бўлса, бошқа томондан кўчмас мулкни солиқка тортиш, инвестиция обьекти, ижтимоий-иктисодий ривожланиши воситаси, миллий бойликнинг бир қисми сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси агросаноати комплекси барқарор ривожланишини таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини кенгайтиришнинг асосий шартлари қишлоқ хўжалиигига мўлжалланган ерларнинг ҳосилдор қатламини саклаш, қайта тиклаш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳисобланади. Ерларнинг тупроқ унумдорлиги бошқа табиий омиллар билан биргалиқда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш самарадорлиги ва унинг таннархига таъсир этувчи ишлаб чиқариш салоҳияти асосини ташкил этади.

Хўжалик фаолиятида, ерларнинг унумдорлигини саклаш ва улардан оқилона фойдаланиш, катта аҳамият касб этади. У дехқончиликни ривожлантиришнинг табиий шарти бўлиб, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосилнинг кўпайишига ёрдам беради, қишлоқ хўжалиигига мўлжалланган ерларнинг нафақат ишлаб чиқариш


объекти сифатида, балки биосферанинг ташкилий бир бўлғаги сифатида ҳам қадрини оширади.

Суғоришга яроқли бўлган ер ресурслари, турли ҳисоб-китобларга кўра 7 дан 10 млн. гектаргачани ташкил этади. Жумладан, ўтлоқли бўз тупроқлар 16%, ўтлоқлар 44%, бўз тупроқ 30%, тақирсимон-ўтлок 10% ерларни ташкил этади. Таъкидлаш жоизки, суғориладиган ер майдонларининг жадал суратда кенгайиши 1970 йилдан 1985 йилларга тўғри келади. Ушбу давр мобайнида Республикадаги суғориладиган ер майдонлари 2,8 дан 4,0 млн. гектаргача ёки 43% га ошиди. Янги ерларни ёппасига ўзлаштириш, бир томондан, мавжуд сув ресурсларидан тўлиқ фойдаланишга олиб келган бўлиб, Орол денгизи мисолида намоён бўлган бўлса, иккичи томондан эса иқтисодиётга демографик юкни юмшатиши имконини яратди ҳамда озиқ-овқат ва бошқа масалаларни ҳал қилишни енгиллаштириди (9-жадвалга ва 68-расмга қаранг).

Хозирги вактда, жойларда ердан оқилона ва самарали фойдаланиш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалиигига яроқли ерларни экологик ва агрокимёвий, агротехник ҳолатини ва суғориш ишларини яхшилаш мақсадида, суғориш тизимини такомиллаштириш, ўсимликларни иқлим, тупроқ ҳолатини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш ва юқори ҳосилдорликни таъминлаш, ер ҳолатини саклаш ва ер ҳосилдорлигини ошириш ишлари амалга оширилмоқда.

Шунга қарамай, республикада ер ҳосилдорлигининг камайиши ва умумий экологик ҳолатининг ёмонлашуви тамойили сақланиб қолмоқда, жумладан, айрим ҳудудларда қўйидаги салбий жараёнлар кузатилмоқда:

- суғориладиган ерларнинг майдони камайиши, мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви ва хўжалиқда фойдаланиш;



68-расм. Ўзбекистон Республикасининг барча тоифадаги хўжаликларида фойдаланилариган ерлар

9-жадвал. Ўзбекистон Республикасинин барча тоифадаги хўжаликлиарида фойдаланиладиган ерлар

(мийнга)

| | 1985 й. | 1988 й. | 1989 й. | 1990 й. | 1995 й. | 2000 й. | 2001 й. | 2002 й. | 2003 й. | 2004 й. | 2005 й. | 2006 й. | 2007 й. |
|---------------------------------------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|
| Ерлар, жами | 45585 | 45585 | 45585 | 45585 | 44457,9 | 44410,3 | 44410,3 | 44410,3 | 44410,3 | 44410,3 | 44410,3 | 44410,3 | 44410,3 |
| ш.ж. сугориладиган | 3976,6 | 4205,5 | 4225,2 | 4221,8 | 4297,9 | 4273,3 | 4278,8 | 4278 | 4275,3 | 4279 | 4295,3 | 4303 | 4305,3 |
| Шуддор | 4203,5 | 4370,5 | 4248,1 | 4176,5 | 4092,8 | 4056,6 | 4056,6 | 4052,7 | 4042,7 | 4049 | 4057,2 | 4064,2 | 4068,6 |
| ш.ж. сугориладиган | 3406,2 | 3592,5 | 3475,2 | 3407,3 | 3339,4 | 3308,3 | 3309,4 | 3307,4 | 3297,7 | 3296,3 | 3303,6 | 3308,5 | 3310,7 |
| Кўп йиллик кўчатлар | 325,7 | 337,1 | 351,6 | 366,8 | 374,5 | 346,9 | 342,6 | 336,4 | 337 | 338,8 | 335,8 | 339 | 342,3 |
| ш.ж. сугориладиган | 317,5 | 324,8 | 333,4 | 354,5 | 361 | 332,3 | 328,1 | 323,1 | 323,5 | 325,3 | 322,7 | 325,5 | 329 |
| Бўз ерлар | 46,8 | 52,6 | 60,4 | 62,1 | 96,2 | 82,8 | 85,6 | 85 | 84,5 | 83,9 | 83,6 | 82,6 | 82,5 |
| ш.ж. сугориладиган | 2,2 | 12,9 | 21 | 25,9 | 36 | 48,4 | 48,9 | 48,4 | 48,3 | 48,1 | 48,4 | 48,3 | 48,3 |
| Пичанзорлар | 119,5 | 112,5 | 112,4 | 112,7 | 109,4 | 112,3 | 111,2 | 101,3 | 101,3 | 101,6 | 101,7 | 106,6 | |
| ш.ж. сугориладиган | 30,5 | 27,4 | 27,4 | 27,6 | 25 | 27,6 | 27,6 | 27,1 | 27,1 | 27,1 | 27,1 | 27,1 | |
| Яйловлар | 23423,7 | 23404 | 23393,6 | 23362,3 | 22393,3 | 22134,1 | 22098,5 | 21265,7 | 21115,8 | 21595,5 | 21105,7 | 20751,4 | 20872,2 |
| ш.ж. сугориладиган | 34,4 | 704 | 8,3 | 9,7 | 17 | 16,7 | 16,7 | 16,8 | 16,8 | 16,8 | 16,3 | 16,2 | 43,1 |
| Кишлек хўжалиги максадидаги ерлар | 28119,2 | 28277 | 28166,1 | 28080,4 | 27039,1 | 26734,5 | 26694,1 | 25841,1 | 25681,3 | 25687,4 | 25683,9 | 25343,8 | 25365,6 |
| ш.ж. сугориладиган | 3762,9 | 3965 | 3865,3 | 3825 | 3778,4 | 3733,3 | 3730,7 | 3722,8 | 3713,4 | 3713,4 | 3718,1 | 3725,6 | 3731,1 |
| Томорка, боғлар ва сабзавот- чилик | 225,5 | 257 | 382,5 | 451,3 | 601,5 | 649,2 | 665,6 | 675,4 | 682,1 | 687,4 | 698,8 | 699,3 | 693,3 |
| ш.ж. сугориладиган | 184,9 | 211 | 315 | 365,5 | 471,2 | 408,9 | 501,4 | 508 | 514,2 | 517,6 | 528,4 | 527,7 | 518,3 |
| Мелиоратив холатда бўлган ерлар | 149,4 | 131,6 | 101,6 | 103,7 | 75,3 | 82,8 | 80,3 | 79,5 | 79,5 | 78,7 | 78,6 | 77,1 | |
| Ўрмонлар | 1415,4 | 1402,4 | 1409 | 1410 | 1254,7 | 1373,1 | 1374,3 | 2259,8 | 2703,3 | 2693,8 | 2697 | 3104,4 | 3105,8 |
| ш.ж. сугориладиган | 28,8 | 29,5 | 30,3 | 31,3 | 39,2 | 46 | 46,7 | 47,7 | 47,8 | 48,8 | 49,7 | 49,5 | |

- шўрланган ва эрозияга учраган ерларнинг кўпайиши;
- сугорма ерларнинг ҳайдаладиган катламлари ости зичланиши;
- ҳайдаладиган ерларда гумус ва озуқа элементлари мувозанатининг салбий томонига ошиб бориши.

Кўрсатиб ўтилган салбий жараёнлар, қишлоқ хўжалигига фойдаланилаётган ерлар майдонининг камайишига, ернинг кимёвий, сув-физикавий, физик-кимёвий ҳолати бузилиб, ҳосилдорлигининг камайишига олиб келади. Табиий тизимининг экологик барқарорлиги кўрсатилган жараёнлар натижасида кескин пасаяди.

4.2. Ер ресурсларинининг мелиоратив ҳолати

Амударё ва Сирдарё ҳавзалари текис майдони умумий паст-текисликни ташкил этиб, дренаж сувларини қуилиши эҳтимоли кам, иклимининг қуруқлиги, атмосфера ёғингарчилигининг камлиги ҳамда юқори парланиш ернинг юқори горизонтидаги тез эрувчан тузларнинг йиғилишига олиб келади. Шунинг учун, тог олди қуий қисмидан бошлаб, сугориладиган ерлардан фойдаланишда, тўшама тупроқларнинг ҳозирги ва қадимиш шўрланганлигини, иккиласми шўрланиш хавфини инобатга олиш керак.

Сўнгги 3-4 йиллар мобайнида комплекс тадбирларни жорий қилиш йўли билан сугорма ерлар унумдорлигининг жадал суръатлар билан барқарор ўсиш тенденцияси кузатилмоқда, қишлоқ хўжалиги экинларининг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир этувчи объектив ва субъектив сабабларни баҳолаш, гидромелиоратив тизимларини реконструкциялаш ва қуриш ишлари олиб борилмоқда, уларнинг техник ҳолати яхшиланмоқда. Бунда катта эътибор хўжаликларо бўлгани каби ички хўжалик дренаж тармокларини ҳам тозалашга қаратилмоқда, ҳар йили шўрланган ерлар ювилиб, тақчил сугориш суви тежамкорона ишлатилмоқда.

Бироқ шунга қарамай, сугориладиган ерларда туз тўпланиши ва иккиласми шўрланиш хавфи бартараф бўлмаяпти, тупроқ заҳарли тузларнинг таъсиридан унумдорлигини йўқотишда давом этмоқда, шўрланишига қарши чора-тадбирлар етарлича бўлмаганлиги сабабли, сугориладиган ерларнинг қишлоқ хўжалиги айланмасидан чиқиш ҳолатлари кузатилмоқда. (10-жадвалга қаранг).

Ўзбекистон Республикасидаги сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3932-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПК-718-сонли қарори қабул қилинган. Уларнинг амалга оширилишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 марта «2008-2012 йил-

лар даврида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат Дастури тўғрисида»ги ПК-817-сонли қарори қарори қабул қилинган бўлиб, унда 2008 йилдаги мелиорация ишларга давлат бюджетидан 75 млрд.сўм ажратиш кўзда тутилган.

4.3. Ерларнинг таназзули

Ўзбекистонда шўрланган ерлар сугориладиган ерларнинг 50,7% (2170,7 минг.га.)ни ташкил этади, шундан кучсиз шўрланган ерлар -31,4%ни, ўртача шўрланган ерлар -15,5%ни, кучли шўрланган ерлар -3,8%ни ташкил этади. Яйловлар майдони -20,8 млн.га, шундан -18,7 млн.га. сугориладиган, 1,6 млн.га - дегрессияга учраган ерлар, 15,1 млн.гектардан зиёд ерлар хўжалик мақсадларида фойдаланимайди (қияликлар, уюмлар, полигонлар, қумликлар, чиқиндиҳона ва бошқалар).

Сугориладиган ерларнинг 20% дан 40% гача майдони дефляцияга учраган, 2,8 млн.га. яйловлар сугоришига муҳтоҷ, 160 минг гектардан ортиқ майдон техноген таъсирга учраган. Марказий Осиёда содир бўладиган сел тошқинларининг 75% Ўзбекистон худудига тўғри келади.

Ерлар таназзулга учрашининг асосий шакллари бу - табиий-иқлимий омиллар ва инсон фаолияти ерларни чўлланишига ва таназзулига олиб келади. Булар жумласига:

- чўлланиш, ўрмонсизлашиш ва бошқалар;
- сугорма дехқончилик шароитларида ернинг иккиласми шўрланиши, сув босиши ва заҳ босиши;
- тог ва тог олди худудларида тупроқларнинг сув ва ирригация эрозиясига учраши;
- интенсив кўчма чорвачилик худудларида яйловларни дегрессия ва дефляцияга учраши;
- ерларнинг қишлоқ хўжалиги ва саноатда ўзлаширишдаги техноген чўлланиши;
- агрокимёвий воситалар қўлланилиши, саноат ва майший чиқиндилар ташланиши ва зироатчиликдаги яккаҳокимлик натижасида тупроқнинг ифлосланиши ва ҳосилдорликнинг йўқотилиши;
- Орол денгизининг қуриши ва туз-чанг тўзонлари, аэрозол ва бошқаларнинг тупроқ юзасига ўтириши ҳисобига тупроқларнинг шўрланиши.

4.4. Ерларнинг шўрланиши

Ерларнинг ортиқча шўрланиши шўрланмаган ерларга нисбатан кам ҳосил беради. Юқори ҳосил олишда, давлат ва ердан фойдаланувчилардан катта меҳнат ва етарлича маблағ талаб этилади. Шунинг учун ердан тўғри, унумли фойдаланиш, доимо ернинг ҳосилдорлигини ошириш, давлат сиёсатининг минтақавий, худудий ва маҳаллий ҳамда мамлакат ва ҳар бир хўжаликнинг иқтисодий ягона тизимини ривожлантиришга режаларининг бир бўлими сифатида қараш лозим.

Ҳозирги вақтда республиканинг 2170,7 минг гектардан зиёд сугориладиган ерлари турли даражада шўрланган бўлиб, шундан 17,5 минг га - шўри ювиладиган ерлар, 1344,6 минг.га - кучсиз шўрланган, 663,5 минг.га - ўртача шўрланган ва 162,6 минг.га - кучли шўрланган ерларни ташкил этади (10-жадвалга қаранг).

10-жадвал. 2000-2007 йилларда Ўзбекистон Республикаси ва вилоятлар бўйича сугориладиган майдонларнинг шўрланиши даражаси

| № | Худуд номи | Йиллар | Жами сугориладиган майдон, минг га | Шўрланганик даражаси | | | | | |
|---|---------------------------------|--------|---|----------------------|------|---------------------------------|---------------|------|------------------|
| | | | | шўрланмаган майдон | | Жами шўрланган майдон (%) | кам шўрланган | | Ўргача шўрланган |
| | | | | минг га | % | | минг га | % | минг га |
| 1 | Республика бўйича | 2000 | 4245,7 | 1944,6 | 45,8 | 54,2 | 1263,3 | 29,8 | 847,6 |
| | | 2001 | 4252,6 | 1928 | 45,3 | 54,7 | 1212,9 | 28,5 | 893,3 |
| | | 2002 | 4253,8 | 2030 | 47,7 | 52,3 | 1241,9 | 29,2 | 784,4 |
| | | 2003 | 4261,8 | 2048,6 | 48,1 | 51,9 | 1282,9 | 30,1 | 752 |
| | | 2004 | 4266,2 | 2079,7 | 48,7 | 51,3 | 1271,8 | 29,8 | 740 |
| | | 2005 | 4273,6 | 2093,3 | 49 | 51 | 1323,7 | 31 | 695,4 |
| | | 2006 | 4280,4 | 2109,1 | 49,3 | 50,7 | 1344,6 | 31,4 | 663,5 |
| | | 2007 | 4297,1 | 2125,4 | 49,5 | 50,5 | 1344,6 | 31,3 | 664,4 |
| | | 2000 | 500,1 | 47,5 | 9,5 | 90,5 | 246,11 | 49,2 | 158,73 |
| | | 2001 | 500,2 | 50 | 10 | 90 | 215,8 | 43,1 | 172,1 |
| 2 | Коракалпогистон Республикаси | 2002 | 500,2 | 73,8 | 14,8 | 85,2 | 169,7 | 33,9 | 192,2 |
| | | 2003 | 500,3 | 78,7 | 15,7 | 84,3 | 173,4 | 34,7 | 190,7 |
| | | 2004 | 500,1 | 93,1 | 18,6 | 81,4 | 179,5 | 35,9 | 170,8 |
| | | 2005 | 500,1 | 103,1 | 20,6 | 79,4 | 168,4 | 33,7 | 172 |
| | | 2006 | 500,4 | 105,1 | 21 | 79 | 158,4 | 31,7 | 175,9 |
| | | 2007 | 500,4 | 105,1 | 21 | 79 | 158,4 | 31,7 | 175,9 |
| | | 2000 | 264,5 | 245,9 | 93 | 7 | 10,5 | 4 | 8,1 |
| 3 | Андижон вилояти | 2001 | 264,3 | 240,6 | 91 | 9 | 12 | 4,5 | 11,7 |
| | | 2002 | 263,9 | 245,7 | 93,1 | 6,9 | 8 | 3 | 10,2 |
| | | 2003 | 263,9 | 248,4 | 94,1 | 5,9 | 9,2 | 3,5 | 6,3 |
| | | 2004 | 263,8 | 247,9 | 94 | 6 | 9,7 | 3,7 | 6,3 |
| | | 2005 | 265,3 | 249 | 93,9 | 6,1 | 10,3 | 3,9 | 6 |
| | | 2006 | 265,8 | 250,8 | 94,4 | 5,6 | 10,2 | 3,8 | 4,7 |
| | | 2007 | 273,2 | 258,3 | 94,5 | 5,5 | 10,2 | 3,7 | 4,7 |

| | | | | | | | | | | | | |
|---|-------------------|------|-------|-------|------|------|-------|------|-------|------|------|------|
| | | 2000 | 273,8 | 10,2 | 3,7 | 96,3 | 142,5 | 52 | 89,2 | 32,6 | 31,9 | 11,7 |
| 4 | Бухоро вилояти | 2001 | 274,2 | 11,2 | 4,1 | 95,9 | 131,4 | 47,9 | 94,8 | 34,6 | 36,8 | 13,4 |
| | | 2002 | 274,2 | 16,1 | 5,9 | 94,1 | 140,8 | 51,3 | 85,7 | 31,3 | 31,6 | 11,5 |
| | | 2003 | 273,7 | 25,2 | 9,2 | 90,8 | 148,8 | 54,4 | 76,8 | 28,1 | 22,9 | 8,4 |
| | | 2004 | 273,7 | 22,9 | 8,4 | 91,6 | 151,2 | 55,2 | 77 | 28,1 | 22,6 | 8,3 |
| | | 2005 | 274,6 | 26,3 | 9,6 | 90,4 | 156,1 | 56,8 | 74,4 | 27,1 | 17,8 | 6,5 |
| | | 2006 | 274,9 | 26,7 | 9,7 | 90,2 | 159,5 | 58 | 72,6 | 26,4 | 15,8 | 5,7 |
| | | 2007 | 274,9 | 27 | 9,8 | 90,2 | 159,5 | 58 | 72,6 | 26,4 | 15,8 | 5,7 |
| 5 | Жиззах вилояти | 2000 | 300,6 | 43 | 14,3 | 85,7 | 137,8 | 45,9 | 115,4 | 38,4 | 43 | 1,4 |
| | | 2001 | 301,5 | 45,6 | 15,1 | 84,9 | 125,1 | 41,5 | 122,6 | 40,7 | 8,2 | 2,7 |
| | | 2002 | 301,3 | 45,9 | 15,2 | 84,8 | 143,8 | 47,7 | 103,9 | 34,5 | 7,7 | 2,6 |
| | | 2003 | 301,2 | 50 | 16,6 | 83,4 | 142,4 | 47,3 | 101,1 | 33,6 | 7,7 | 2,6 |
| | | 2004 | 301 | 45,9 | 15,3 | 84,8 | 148,9 | 49,5 | 98,8 | 32,8 | 7,3 | 2,4 |
| | | 2005 | 299,8 | 43,3 | 14,4 | 85,6 | 156,6 | 52,2 | 92,4 | 30,8 | 7,5 | 2,5 |
| | | 2006 | 299,8 | 43,8 | 14,6 | 85,4 | 161,6 | 53,9 | 87,2 | 29,1 | 7,2 | 2,4 |
| | | 2007 | 299,6 | 43,6 | 14,6 | 85,4 | 161,6 | 53,9 | 87,2 | 29,1 | 7,2 | 2,4 |
| 6 | Кашкадарё вилояти | 2000 | 497,7 | 254,9 | 51,2 | 48,8 | 164,1 | 33 | 60,5 | 12,2 | 18,2 | 3,6 |
| | | 2001 | 498,6 | 250 | 50,1 | 49,9 | 166,4 | 33,4 | 62,7 | 12,6 | 19,5 | 3,9 |
| | | 2002 | 498,6 | 252 | 50,5 | 49,5 | 170 | 34,1 | 60,4 | 12,1 | 16,2 | 3,2 |
| | | 2003 | 505,4 | 253,2 | 50,1 | 49,9 | 177,1 | 35 | 59,6 | 11,8 | 15,4 | 3,1 |
| | | 2004 | 505,4 | 260,3 | 51,5 | 48,5 | 170,1 | 33,7 | 59,6 | 11,8 | 15,4 | 3 |
| | | 2005 | 505,4 | 263,3 | 52,1 | 47,9 | 171 | 33,8 | 56,6 | 11,2 | 14,5 | 2,9 |
| | | 2006 | 505,8 | 264,4 | 52,3 | 47,7 | 175,5 | 34,7 | 51,7 | 10,2 | 14,3 | 2,8 |
| | | 2007 | 512,6 | 271,1 | 52,9 | 47,1 | 175,5 | 34,2 | 51,7 | 10,1 | 14,3 | 2,8 |
| 7 | Навоий вилояти | 2000 | 127,4 | 16,8 | 13,2 | 86,8 | 65,6 | 51,5 | 37,2 | 29,2 | 7,8 | 6,1 |
| | | 2001 | 125,9 | 16,8 | 13,3 | 86,7 | 62,3 | 49,5 | 34,3 | 27,2 | 12,5 | 9,9 |
| | | 2002 | 125,4 | 16,8 | 13,4 | 86,6 | 67,8 | 54,1 | 29,3 | 23,4 | 11,5 | 9,2 |
| | | 2003 | 127,2 | 16,8 | 13,2 | 86,8 | 72,9 | 57,3 | 27,4 | 21,5 | 10,1 | 7,9 |
| | | 2004 | 131,8 | 16,8 | 12,7 | 87,3 | 78,7 | 59,7 | 26,9 | 20,4 | 9,4 | 7,1 |
| | | 2005 | 131,8 | 16,8 | 12,7 | 87,3 | 80,2 | 60,8 | 25,8 | 19,6 | 9 | 6,8 |
| | | 2006 | 131,8 | 16,8 | 12,7 | 87,3 | 83,1 | 63,1 | 23,2 | 17,6 | 8,7 | 6,6 |
| | | 2007 | 123,8 | 8,8 | 7,1 | 92,9 | 83,1 | 67,1 | 23,2 | 18,7 | 8,7 | 7 |

| | | | | | | | | | | | | |
|----|--------------------|------|-------|-------|------|------|-------|------|-------|------|------|-----|
| | | 2000 | 278,2 | 235,8 | 84,8 | 15,2 | 27,5 | 9,9 | 13 | 4,7 | 1,9 | 0,7 |
| 8 | Наманган вилояти | 2001 | 278,5 | 244,5 | 87,8 | 12,2 | 22,7 | 8,2 | 10 | 3,6 | 1,3 | 0,5 |
| | | 2002 | 279 | 242,9 | 87,1 | 12,9 | 20,3 | 7,3 | 13,2 | 4,7 | 2,6 | 0,9 |
| | | 2003 | 279,5 | 246,8 | 88,3 | 11,7 | 17,8 | 6,4 | 12,6 | 4,5 | 2,3 | 0,8 |
| | | 2004 | 279,4 | 248,8 | 89 | 11 | 18,7 | 6,7 | 9,8 | 3,5 | 2,2 | 0,8 |
| | | 2005 | 278,9 | 251,7 | 90,2 | 9,7 | 17,1 | 6,1 | 8,9 | 3,2 | 1,2 | 0,4 |
| | | 2006 | 281,6 | 254,9 | 90,5 | 9,4 | 17,4 | 6,2 | 8,1 | 2,9 | 1 | 0,4 |
| | | 2007 | 282,6 | 256,1 | 90,6 | 9,4 | 17,4 | 6,2 | 8,1 | 2,9 | 1 | 0,4 |
| 9 | Самарқанд вилояти | 2000 | 373,2 | 359,8 | 96,4 | 3,6 | 8,6 | 2,3 | 4 | 1,1 | 0,8 | 0,2 |
| | | 2001 | 376,1 | 367,4 | 97,7 | 2,3 | 6,8 | 1,8 | 1,9 | 0,5 | | 0 |
| | | 2002 | 376,5 | 371,4 | 98,6 | 1,4 | 4,6 | 1,2 | 0,5 | 0,1 | | 0 |
| | | 2003 | 376,4 | 371 | 98,6 | 1,4 | 4,8 | 1,3 | 0,6 | 0,2 | | 0 |
| | | 2004 | 376,6 | 368,4 | 97,8 | 2,2 | 7,3 | 1,9 | 0,8 | 0,2 | 0,2 | 0 |
| | | 2005 | 376,4 | 367,9 | 97,7 | 2,3 | 8 | 2,1 | 0,4 | 0,1 | 0,2 | 0 |
| | | 2006 | 376,8 | 366,7 | 97,3 | 2,7 | 9,7 | 2,6 | 0,4 | 0,1 | 0,03 | 0 |
| | | 2007 | 377,9 | 367,8 | 97,3 | 2,7 | 9,7 | 2,6 | 0,4 | 0,1 | 0,03 | 0 |
| 10 | Сурхондарё вилояти | 2000 | 324,6 | 205,4 | 63,3 | 36,7 | 55,1 | 17 | 58,1 | 17,9 | 6 | 1,8 |
| | | 2001 | 324,6 | 195,5 | 60,2 | 39,8 | 65,4 | 20,1 | 60 | 18,5 | 3,7 | 1,1 |
| | | 2002 | 326,6 | 208,8 | 63,9 | 36,1 | 74 | 22,7 | 41,2 | 12,6 | 2,6 | 0,8 |
| | | 2003 | 326,1 | 223,6 | 68,6 | 31,4 | 67,9 | 20,8 | 33 | 10,1 | 1,6 | 0,5 |
| | | 2004 | 326 | 220,5 | 67,6 | 32,4 | 58,9 | 18,1 | 44 | 13,5 | 2,7 | 0,8 |
| | | 2005 | 325,7 | 202,6 | 62,2 | 37,8 | 70,1 | 21,5 | 50,7 | 15,6 | 2,3 | 0,7 |
| | | 2006 | 325,7 | 208,9 | 64,1 | 35,9 | 65,2 | 20 | 49,8 | 15,3 | 1,8 | 0,5 |
| | | 2007 | 325,7 | 208,9 | 64,1 | 35,9 | 65,2 | 20 | 49,8 | 15,3 | 1,8 | 0,5 |
| 11 | Сирдарё вилояти | 2000 | 289,3 | 3,8 | 1,3 | 98,7 | 150,3 | 51,9 | 112 | 38,7 | 23,2 | 8 |
| | | 2001 | 291,6 | 3,3 | 1,1 | 98,9 | 157,2 | 53,9 | 104,4 | 35,8 | 26,7 | 9,2 |
| | | 2002 | 290,7 | 8,7 | 3 | 97 | 178,6 | 61,4 | 85,4 | 29,4 | 18 | 6,2 |
| | | 2003 | 290,7 | 7,7 | 2,6 | 97,4 | 176,6 | 60,7 | 87,4 | 30,1 | 19 | 6,5 |
| | | 2004 | 290,7 | 6,4 | 2,2 | 97,8 | 177,8 | 61,2 | 93,1 | 32 | 13,4 | 4,6 |
| | | 2005 | 290,5 | 7,3 | 2,5 | 97,5 | 211,8 | 72,9 | 61,6 | 21,2 | 9,8 | 3,4 |
| | | 2006 | 290,7 | 7,9 | 2,7 | 97,3 | 219,5 | 75,5 | 54,8 | 18,8 | 8,5 | 2,9 |
| | | 2007 | 292,2 | 9,4 | 3,2 | 96,8 | 219,5 | 75,1 | 54,8 | 18,8 | 8,5 | 2,9 |

| | | | | | | | | | | | | |
|----|-----------------|------|-------|-------|------|-------|-------|-------|-------|------|------|-----|
| 12 | Ташкент вилояти | 2000 | 385,2 | 370,1 | 96,1 | 3,9 | 12,6 | 3,3 | 1,8 | 0,5 | 0,8 | 0,2 |
| | | 2001 | 383,7 | 373 | 97,2 | 2,8 | 5,9 | 1,5 | 3,7 | 1 | 1,1 | 0,3 |
| | | 2002 | 382,4 | 371 | 97 | 3 | 6,5 | 1,7 | 3,8 | 1 | 1,1 | 0,3 |
| | | 2003 | 382,4 | 367,1 | 96 | 4 | 10 | 2,6 | 4,4 | 1,2 | 0,9 | 0,2 |
| | | 2004 | 383 | 367 | 95,8 | 4,2 | 8,4 | 2,2 | 5,3 | 1,4 | 2,3 | 0,6 |
| | | 2005 | 389 | 378,9 | 97,4 | 2,6 | 6 | 1,5 | 3,7 | 1 | 0,4 | 0,1 |
| | | 2006 | 389 | 378,6 | 97,3 | 2,7 | 8,4 | 2,2 | 2 | 0,5 | 0 | 0 |
| | | 2007 | 394,2 | 383,8 | 97,4 | 2,6 | 8,4 | 2,1 | 2 | 0,5 | 0 | 0 |
| | | 2000 | 355,1 | 151,3 | 42,6 | 57,4 | 119,8 | 33,7 | 72,7 | 20,5 | 11,3 | 3,2 |
| | | 2001 | 357,4 | 130,1 | 36,4 | 63,6 | 112,2 | 31,4 | 101,6 | 28,4 | 13,5 | 3,8 |
| 13 | Фарғона вилояти | 2002 | 358,7 | 176,9 | 49,3 | 50,7 | 117 | 32,6 | 55,7 | 15,5 | 90,1 | 2,5 |
| | | 2003 | 358,7 | 160,1 | 44,6 | 55,4 | 135,4 | 37,7 | 54,8 | 15,3 | 8,4 | 2,3 |
| | | 2004 | 357,4 | 181,8 | 50,9 | 49,1 | 109,1 | 30,7 | 55,2 | 15,4 | 10,7 | 3 |
| | | 2005 | 358,8 | 183,1 | 51 | 49 | 109,9 | 30,6 | 56,5 | 15,7 | 9,3 | 2,6 |
| | | 2006 | 358,8 | 184,5 | 51,4 | 48,6 | 126,2 | 35,2 | 40,2 | 11,2 | 7,8 | 2,2 |
| | | 2007 | 359,8 | 185,6 | 51,6 | 48,4 | 126,2 | 35,1 | 40,2 | 11,2 | 7,8 | 2,2 |
| | | 2000 | 276 | 0 | 100 | 122,8 | 44,5 | 116,9 | 42,4 | 36,2 | 13,1 | |
| | | 2001 | 276 | 0 | 100 | 129,7 | 47 | 113,5 | 41,1 | 32,8 | 11,9 | |
| 14 | Хоразм вилояти | 2002 | 276,3 | 0 | 100 | 140,8 | 51 | 102,9 | 37,2 | 32,6 | 11,8 | |
| | | 2003 | 276,3 | 0 | 100 | 146,6 | 63,1 | 97,3 | 35,2 | 32,4 | 11,7 | |
| | | 2004 | 277,4 | 0 | 100 | 152,9 | 55,1 | 92,6 | 33,4 | 31,9 | 11,5 | |
| | | 2005 | 277,3 | 0 | 100 | 158,2 | 57,1 | 86,4 | 31,2 | 32,7 | 11,8 | |
| | | 2006 | 279,3 | 0 | 100 | 149,8 | 53,6 | 93 | 33,3 | 36,5 | 13,1 | |
| | | 2007 | 280,2 | 0 | 100 | 149,8 | 53,5 | 93,9 | 33,5 | 36,5 | 13 | |

4.5. Ерларнинг эрозияси

Тупроқнинг унумдорлигига салбий таъсир этувчи асосий жараёнлардан бири - сув ва ирригация эрозиясидир. Ирригация эрозиясига асосан сугорма оч ва тўқ тусли бўз тупроқли ерлар мойил бўлади. Бу майдонларнинг ярмига яқини бўлакланган рельефли жойлар ва уларда ирригация эрозияси ривожланниш эҳтимоли чўл худудларида гига нисбатдан кўпроқдир. Тупроқларнинг ювилиши қиялик 1-2⁰ га етганда бошланиб, қиялик ошган сари эрозия жараёни жадаллашади.

Энг хавотирлиси шундаки, ирригация эрозияси натижасида тупроқлардан гумус ва озиқлантирувчи моддалари йўколади. Бунинг оқибатида, қишлоқ хўжалиги ер айланмасидан қимматбаҳо сугориладиган ерлар чикмоқда. Бундан ташкари, тупроқларга солинадиган ўғит ва заҳарли кимёвий моддаларнинг учдан бир қисми тупроқдан ювилиб, сув ҳавзаларида йиғилиб, атроф-мухитга салбий таъсир кўрсатади.

Республиканинг 643,2 минг га сугориладиган ерлари ирригация эрозиясига дучор бўлган. Қашқадарё (159,7 минг га) Тошкент (138,6 минг га), Самарқанд (121,9 минг га), вилоятларининг сугориладиган ерлари ирригация эрозиясига кўпроқ дучор бўлган. Сув эрозиясига (жами 746,4 минг га) Қашқадарё, Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларидаги лалми ерлари учраган. Шунинг учун, ушбу ерларда эрозияга қарши, аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим.

Ўзбекистонда, шамол таъсири остидаги тупрок дефляцияси 50% ортиқ чўл ва бўз тупрок минтақаларини камраб олган. Фарғона водийсининг гарбий ва марказий қисми, Бухоро воҳаси, Мирзачўлнинг шимолий-гарбий чўли, Карши ва Шеробод чўллари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг сугориладиган ерлари, шамол таъсири остида кўпроқ дефляциясига учраган. Тупроқнинг учурилиши натижасида экилган қишлоқ хўжалиги экинларининг нобуд бўлиши, Фарғона водийси ва Бухоро воҳасида содир бўлмоқда. Шамол таъсири остида емирилишга, енгил механик таркиби қумлоқ, қум тупрок, енгил қумлоқ тупроқ бўлган ерларга учрамоқда. 2007 йили Фарғона вилоятининг Ёзёвон туманидаги 75 км узунликдаги латок ва ариқлар, шамол таъсиридаги дефляция оқибатида кўмилиб қолди.

Шундай килиб, республика худудида барча турдаги тупроқ эрозиялари ва дефляциялар тарқалган. Бунда эрозия жараёнларининг жадаллиги ва эрозияга учраган тупроқларнинг тарқалиши шимолдан жанубга қараб ўсиб боради. Зарафшон, Амударё сув оқимлари лойқалилиги Чирчиқ ва Ангрен дарёларига нисбатан юқорилиги бунга мисол бўла олади.

4.6. Ерларнинг пестицидлар билан ифлосланиши. Минерал, органик ўғитлар ва пестицидларнинг чиқарилиши

Ўзбекистон Республикаси – қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатdir. У қишлоқ хўжалиигига мўлжалланган 25 млн. 736 минг га ерга эга. Бундан

сугориладиган ерлар майдони 4,2 млн. га бўлиб, шу жумладан 3,30 млн. гектари шудгорли, сугориладиган майдонлардир. Айнан ана шу сугориладиган ерлардан, республика қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 97% дан ортиғи олинади. Сув тақчиллиги сабабли, сугориладиган ер майдонларини кенгайтириш деярли мумкин эмас. Қишлоқ хўжалиги ялпи ички маҳсулотнинг 25%ини беради. Ўзбекистон, пахта етиштириш бўйича дунёда бешинчи ўринни эгаллайди. Республика 2007 йилда 6 млн. тонна бошокли дон экинларини етиштириб, ўзининг дон мустақиллигини таъминлади. Ўзбекистон аҳолиси ҳозирги вақтда 27,4 млн. кишини ташкил этади, улардан 36,4% - шаҳарларда ва 63,6% - қишлоқ жойларда яшайди. Аҳолининг табиий ўсиши 2006 йилда 400 минг кишини ташкил қилган. Ҳайдаладиган сугорма ерлар жон бошига ҳисобланганда камайиб бормоқда. Масалан, 1970 йилда ҳар бир кишига 0,22 га сугориладиган ер тўғри келган бўлса, ҳозирда ушбу кўрсаткич 0,14 га гача камайган. Мазкур шароитларда ўсиб бораётган мамлакат аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, шу жумладан, кимёлаштириш эвазига амалга оширилиши мумкин.

Ҳар бир тонна минерал ўғит, 5-6 нафар аҳолини озиқ-овқатга бўлган йиллик талабини қондириш мақсадида ишлатилмоқда. Ўғитларни ишлаб чиқариш ва кўллашга қилинган харажатлар қўшимча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қиймати билан 2-3 бараварига қопланади. Минерал ўғитлар кўлланилиши ҳисобига, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилининг ўртacha 40-50% га ўсишига имкон беради. Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситаларининг кўллашдаги самараси нафакат ҳосилдорликни ошириш ва маҳсулотни саклаб колинишида, балки қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини сезиларли ўсишида намоён бўлади. Бу кўйидаги мисолларда кўринади. Сайёрада 1900-1940 йиллар орасида қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги 60% га ўсган бўлса, кейинги 40 йил мобайнида, яъни 1980 йилда, кимёвий воситалардан кенг фойдаланилиши натижасида бу кўрсаткич 11 марта ортди.

Ўғитларнинг кўлланилиши ҳосилдорлик ўсиши ва қишлоқ хўжалиги самарадорлиги ошишининг бош омилларидан бири ҳисобланади.

Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатадики, ўғитлар кўлланилиши ҳисобига мамлакат қишлоқ хўжалиги экинлари ялпи ҳосилининг 45-50%ни олади. Улар оқилона кўлланилганда кўпчилик фермер (дехқон) хўжаликларида олинган қўшимча ҳосил тупроқнинг табиий имкониятидан 2-3 баравар кўпдир. Айни вақтда, минерал ва органик ўғитларни палапартиш, ношу碌ик билан ишлатилиши ҳосилдорликни сезиларли даражада пасайишига ва атроф-мухитни ифлосланишига олиб келади. Энергия манбаларининг нархи шиддат билан ўсиши сабабли, ўғитларнинг баҳоси дунё миқёсида, шунингдек ички бозорда ҳам кўтарилимоқда ва харажатларни оқлаш йўлларини излашни талаб этади. Бунга қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириш орқали эришиш мумкин.

**11-жадвал. Республика сугориладиган ерларининг тўйинтирувчи моддалар билан таъминланганлиги
(умумий майдоннинг фоизи миқдорида)**

| Тўйинтирувчи моддалар (харакатчан шакллар, мг/кг) | 1982 йил | 2001 йил |
|--|-------------|-------------|
| A Z O T | | |
| <20 | 5,7 | 9,5 |
| 20-30 | 27,6 | 38,6 |
| 30-50 | 32,0 | 35,7 |
| 50-60 | 19,1 | 13,1 |
| >60 | 4,7 | 2,3 |
| F O C F O R P | | |
| 0-30 | 61,0 | 67,9 |
| 31-45 | 27,5 | 29,0 |
| >46 | 11,5 | 3,6 |
| K A L I Y | | |
| 0-200 | 27,6 | 37,0 |
| 200-300 | 31,8 | 18,0 |
| >300 | 40,6 | 26,9 |

Ўғит кийматининг ҳосил билан қопланиши кўп жихатдан уларни кўллаш меъёрлари, муддатлари ва уларни ҳар бир кишлоқ хўжалик экинларига солиши усуслари га боғлиқ. Бунда тупрокнинг ўзига ҳос хусусиятлари, уларнинг маданийлаштирилганлиги, тупроқларни озиқлантирувчи моддалар билан таъмиланганлиги, механик таркиби, шўрланиш даржаси ва бошқа омилларга боғлиқлигини хисобга олиш лозим (11-жадвалга қаранг).

Ўғитларни кўллаш меъёрлари хисоб-китоби фермер хўжалигига:

- режалаштирилган ҳосил даражасига нисбатан, экин майдонларига ўғитларни тўғри таксимлашда (алоҳида ишлов берилган ерларга), тупроқнинг унумдорлиги, озиқлантирувчи моддаларни харакатланиши холатларини хисобга олган ҳолда;

- алоҳида ишлов берилган майдонларга озиқлантирувчи моддаларнинг бир хилда тарқалиши ва серхосиллик даражасини ошириш;

- режалаштирилган ҳосилни олиш учун, ўсимликларни озиқлантиришнинг қулай шароитини таъминлаш;

- минерал ва органик ўғитларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини беради.

Ғўза ривожланиши турли даврларида, турлича озиқлантиришни, ҳарорат, тупроқ намлиги ва ёруғликка этибор беришни талаб этади. Шу омилларни тартибга сола туриб, пахта толаси миқдори ва сифатига мақсадли, йўналтирилган таъсир кўрсатиш мумкин. Ғўзанинг униб чиқишидан то ғунчалаш давригача 3-5% азот ва фосфор, 2-4% калий умумий моддаларини, бутун ўсиш даврида, гуллашдан то ёппасига гуллаш давригача 25-30% азот, 15-20% фосфор ва калий ҳамда ёппасига гуллаш давридан то чаноқлар етилгунга қадар 65-70% азот ва 75-80% фосфор ва калий ўғитларини истеъмол килади. Ўзбекистон пахтчилик илмий-текшириш институтида ғўза ўғитларсиз 10-12 ц/га, 200-250 кг азот, 140-175 кг фосфор ва 100-125 кг калий ўғитлари кўлланилганда гектаридан 30-35 центнердан кафолатланган пахта хом-ашёси олиниши аллақачон кўрсатиб ўтилган. Ўзбекистонда, кишлоқ хўжалигини асосий экинлари учун минерал ўғитларнинг илмий асосланган ўртacha меъёллари белгиланган (12-жадвалга қаранг).

Турли кишлоқ хўжалиги экинларига ишлатида диган минерал ўғитларнинг меъёллари ва уларни солиш муддатлари белгиланган (13-жадвалга қаранг).

12-жадвал. Асосий қишлоқ хўжалиги экинлари учун ўртacha илмий асосланган минерал ўғитлар меъёллари (100% тўйинтирувчи моддаларга кг/га)

| Кишлоқ хўжалиги экинлари | Азотли (N) | Фосфорли (P) | Калийли (K) |
|--|--------------------|--------------------|--------------------|
| Донли бошоқли: сугорища лалмикор | 180-200 50-60 | 100-120 40-50 | 60-70 - |
| Маккажухори донга | 180-220 | 120-140 | 85-90 |
| Шоли | 200-220 | 140-145 | 150-180 |
| Пахта | | | |
| ўрта толали ингичка толали | 200-240 230-250 | 140-165 160-175 | 100-120 110-125 |
| Кенаф | 160-180 | 130-140 | 80-90 |
| Тамаки | 120-150 | 80-100 | 40-45 |
| Картошка | 120-150 | 85-100 | 60-75 |
| Сабзавотлар | 145-200 | 100-110 | 70-75 |
| Полиз | 50-75 | 100-110 | 45-50 |
| Илдизмевалар ем учун | 220 | 90 | 60 |
| Маккажӯхори силосга | 200 | 90 | 60 |
| Ўтган йиллардаги беда | 100 | 90-100 | 50-60 |
| Мева берувчи боғлар | 120-130 | 85-90 | 65 |
| Мева берувчи токзорлар | 135-140 | 90-95 | 70 |
| Тут плантациялари | 100 | 60 | 40 |

Илмий асосланган меъёллар асосида, республика қишлоқ хўжалигига минерал ўғитларга бўлган талаб аниқланган (14-жадвалга қаранг).

Мисол учун, минерал ўғитлардаги талаб таҳлили шуникўрсатадики, Ўзбекистон қишлоқхўжалигининг азот (N), фосфор (P) ва калий (K) ўғитларига бўлган талаби азот бўйича 761,82 минг т, фосфор (P_2O_5) бўйича 518,27 минг т ва калий (K_2O) бўйича 278,12 минг тоннани ташкил этади. Бунда ушбу ўғитларни

**13-жадвал. Минерал ўғитлар йиллик меъёрининг агротехник киритиш муддати бўйича тақсимланиши
(йиллик меъёренинг фоизи микдорида)**

амалда етказиб берилиши етарли эмас (15-жадвал, 69-расмга каранг).

2006 йилда Ўзбекистон кимё саноати корхоналари 812,3 минг т азот, 128,6 минг т фосфорли ўғитлар (100% азот ва P_2O_5 хисобидан). 5,4 минг тонна хлорат магний дефолианти, (Фаргона «Азот» ОАЖ) ва 0,263 минг тонна ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари (амалдаги 100% моддалардан) ишлаб чиқарган. Агар азотли ўғитлар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги талабларидан ортиб кетган бўлса, фосфорли ўғит ишлаб чиқариш талаб меъёридан анча кам. 25 минг т калийли ўғитни Россиядан сотиб олинмоқда, бу ҳам талаблар меъёридан анча йирок. Республикада бир гектар сугориладиган шудгор ерга 218 кг азотли ўғит, 34,4 кг фосфорли, 6,7 кг – калийли ўғитлар ва 0,07 кг ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш воситалари тўғри келади. Бу жуда ҳам кам. Фосфорли ўғитнинг етишмаслиги ва калийли ўғитнинг амалда йўқлиги шунга олиб келдики, 2006 йилда ғўзанинг ўртacha ҳосилдорлиги бор йўги 26 ц/га ташкил этган.

Аниқланнишича, ўсимликлар тупроқдан минералларни олиб чиқиши, ўртача толали ғўза навининг бир тонна ҳосили учун тупроқдан 55-60 кг – азот, 20-25 кг – фосфор ва 50-60 кг – калийни ташкил этади, ингичка толали ғўза нави учун эса 15% кўп. Шуннингдек, кузда экилган буғдойнинг бир тонна ҳосилини етиширища

| Экин | Ўғит тури | Киритиш муддати | | | | | |
|---|-----------|-----------------|---------------|--------------------|-------|----|-------|
| | | Ер ҳайдаш учун | Экишдан олдин | Кўчкат билан бирга | 1 | 2 | 3 |
| Ғўза | N | - | 25 | 5 | 20 | 25 | 25 |
| | P | 60-70 | - | 15-20 | - | - | 15-20 |
| | K | 50 | - | - | - | 50 | - |
| Каноп | N | - | 25 | - | 35 | 40 | - |
| | P | 50 | - | - | - | 50 | - |
| | K | 50 | - | - | - | 50 | - |
| Тамаки | N | - | - | - | 35 | 35 | 30 |
| | P | 50 | - | - | - | 25 | 25 |
| | K | 50 | - | - | 25 | 25 | - |
| Донли бошоқлилар | N | - | 15 | - | 40 | 45 | - |
| | P | 100 | - | - | - | - | - |
| | K | 100 | - | - | - | - | - |
| Маккажўхори ва жувари | N | - | 30 | - | 35 | 35 | - |
| | P | 50 | - | - | - | 50 | - |
| | K | 50 | - | - | 50 | - | - |
| Шоли | N | - | 30 | - | 40 | 30 | - |
| | P | - | 70 | - | - | 30 | - |
| | K | - | 50 | - | - | 50 | - |
| Маккажўхори ва жувари силосга | N | - | 30 | - | 35 | 35 | - |
| | P | 50 | 15 | - | - | 35 | - |
| | K | 50 | - | - | 50 | - | - |
| Судан ўти | N | - | - | - | 100 | - | - |
| | P | 100 | - | - | - | - | - |
| | K | 100 | - | - | - | - | - |
| Жорий йилдаги беда бошоқлилар қоплами билан | N | 50 | - | 50 | - | - | - |
| | P | 80 | - | 20 | - | - | - |
| | K | 100 | - | - | - | - | - |
| Жорий йилдаги беда қопламсиз | N | - | - | - | - | - | - |
| | P | 80 | - | 20 | - | - | - |
| | K | 100 | - | - | - | - | - |
| Ўтган йилдаги беда | N | - | - | - | 100 | - | - |
| | P | - | - | - | 100 | - | - |
| | K | - | - | - | 100 | - | - |
| Илдиз мевали ём экинлари | N | - | - | - | 50 | 50 | - |
| | P | 75 | - | - | 25 | - | - |
| | K | 100 | - | - | - | - | - |
| Сабзавотлар | N | - | 30 | - | 35 | 35 | - |
| | P | 75 | - | 25 | - | - | - |
| | K | 100 | - | - | - | - | - |
| Томатлилар | N | - | 15-20 | - | 45-40 | 40 | - |
| | P | 70-75 | - | - | 25-30 | - | - |
| | K | 50 | - | - | 25 | 25 | - |

| Экин | Ўғит тури | Киритиш муддати | | | | | minerallardan foydalaniш жуда past daram жада. Azotli, kалийли mineral ўғитлардан foydalaniш 40-45% azot va kалий, bir yilda solingan fosphorli ўғитlардан 16-20% va сўнгги 2-3 yildan takminan 25% foydalaniлган. Fosphorli ўғитning yil davomida kam ishlatiлиши sababi - tупроқda fosphor aralashmasi xarakatsiz ёki nishonatda kam xarakat ҳолатida mavjud bуlib, ўсимлик ildzi batamom узлаштира olmайдi. Shuning учун, ўсимлик xosildorligini oshiришда, кўзланган xosilni olish учун tупроқdan oliб чиқiladigagan fosphorli ўғитni xisobga olgan holda, 4-5 мартадан ziёd solish kerak. Shuning учун mineral, ayニқса fosphorli ўғитlарning foydali taъsir koeffitsientini oshiришga karatilgan iшlar uta dolzarb xisoblanadi. |
|--------------------------|-----------|-----------------|---------------|-------------------|-----------------|----|--|
| | | Ер ҳайдаш учун | Экишдан олдин | Кўчат билан бирга | Кўшимча равишда | | |
| | | | | | 1 | 2 | 3 |
| Карам эртаниги ва кечки | N | - | 15-20 | - | 45-40 | 40 | - |
| | P | 70-75 | 25-30 | - | - | - | - |
| | K | 50 | - | - | 25 | 25 | - |
| Сабзи | N | - | - | - | 50 | 0 | - |
| | P | 70-75 | 25-30 | - | - | - | - |
| | K | 100 | - | - | - | - | - |
| Пиёз | N | - | - | - | 50 | 50 | - |
| | P | 70-75 | 25-30 | - | - | - | - |
| | K | 100 | - | - | - | - | - |
| Бодринг | N | - | 15-20 | - | 35-30 | 25 | 25 |
| | P | 70-75 | 25-30 | - | - | - | - |
| | K | 50 | - | - | - | - | 50 |
| Полиз экинлари | N | - | - | 50 | - | 50 | - |
| | P | 75 | - | 25 | - | - | - |
| | K | 100 | - | - | - | - | - |
| Картошка | N | - | - | 20 | 30 | 50 | - |
| | P | 75 | - | 25 | - | - | - |
| | K | 100 | - | - | - | - | - |
| Мевали боғлар | N | - | - | - | 50 | 50 | - |
| | P | 100 | - | - | - | - | - |
| | K | 100 | - | - | - | - | - |
| Мевали токзорлар | N | 50 | - | - | 25 | 25 | - |
| | P | 50 | - | - | 25 | 25 | - |
| | K | 50 | - | - | 25 | 25 | - |
| Ипак плантациялари | N | - | - | - | - | - | - |
| | P | 80 | - | - | 20 | - | - |
| | K | 60 | - | - | 40 | - | - |
| Мевасиз боғ ва токзорлар | N | - | - | - | 50 | 50 | - |
| | P | 100 | - | - | - | - | - |
| | K | 100 | - | - | - | - | - |

тупроқдан ўртача 35-40 кг азот, 13-15 кг фосфор ва 23-25 кг калий тортиб олинади.

3,6 млн. т пахта ва 6,0 млн. т буғдойнинг ялпи хосили бир йилда тупроқдан 348,5 минг т азот, 106 минг т фосфор ва 281,4 минг т калийни тортиб олади. Бошқа ўсимликлар ҳам тупроқдан кўпгина озиқлантирувчи минералларни тортиб олади. Уларнинг тупроқ таркибидаги ўрнини тўлдириш зарур. Бундан шундай хulosha чиқариш мумкинки, Ўзбекистонда минерал ўғитларни ишлаб чиқаришни кўйайтириш kerak. Bu ерда шуни таъкидлаш лозимки, ўсимликлар учун асосий озука минераллари бу - азот, фосфор, калий, олтингугурт, кальций ва магнийдир. Бунда; мис, рух, молибден, марганец, кобальт ва бўр каби микроэлементлар ҳам катта аҳамият касб этади. Шунинг учун, олтингугурт аралашмали ва микроэлементли ўғитларни ишлаб чиқаришни йўлга кўймоқ лозим. Курдатли рангли металлургия саноатига эга бўлган Ўзбекистон учун бунинг имкони бор. Муаммо шундаки, ўсимликларни озиқлантириша

рувчи, тупроқдаги гумус аралашмаси билан боғлиқ. Тупроқдаги гумус унинг физик, физико-механик, гидро ва термофизик, агротехник, биологик хусусиятларини ва пировард натижада хосилдорлигини белгилайди. Ўзбекистон тупроқлари, ушбу муҳим элемент таркибига кўра, кам таъминланган тупроқлар сирасига киради. Шунга қарамай, тупроқда дегумификация жараёни кечмоқда, яъни гумуснинг парчаланиши ва йўқ бўлиши содир бўлмоқда. Тупроқдаги гумуснинг 1% йўқолиши, кишлок хўжалиги экинлари ва буғдой дони бошоғини хосилдорлигини гектарига 2-3 центнер пасайишига олиб келади. Тупроқни дегумификация бўлиш сабаби, кўп йиллик дуккакли ўтларни алмашлаб экишда майдонларнинг қисқариши ва органик ўғитларнинг этишмаслигидадир. Дехкончиликда, гумусни тақрорий ишлаб чиқарувчи манбаи бўлган, органик ашёлар – бу чорвачилик чиқиндиши бўлмиш гўнгdir. Лекин, Ўзбекистонда гўнг манбалари хозирча кўп эмас, бори ҳам фақат умумий

сугориладиган, шудгорли майдонларни ҳар йиллик ўғитлашда учдан бирига тўғри келади. Бу миқдор, 3,7 т га тўғри келади, аслида энг мақбул мөъёр 20-30 т га ни ташкил этиши керак. Пахта экилидиган минтақаларда органик ўғит сифатида, гўнгдан ташқари, ўсимликлардан чиқсан чикитлар (ўсимлик поясидан, пахта кўсаги чанокларидан ва бошқа ўсимликлардан), саноат чикитлари (пахта тозалашдан, гидролиздан, шолидан, ёғочга ишлов беришдан, тамакидан ва бошқалардан), шунингдек, қаттиқ майший чиқиндилар - нажас, гўнгдан фойдаланиш зарур. Аммо органик ўғитлар ичida юқори сармалиси бу - парранда гўнгидир.

Ўзбекистонда, ҳозирги вақтда 50 дан ортиқ, паррандачилик фермалари фаолият кўрсатмоқда ва хар бир фермадан бир сут-


14-жадвал. 2005 йилда Ўзбекистоннинг минерал ўғитларга эхтиёжи

| Қишлоқ хўжалиги экинлари | Экинлар майдони, минг га | Хосил, ц/га | Ўғитлар, амалдаги модданинг минг т | | |
|-----------------------------|--------------------------|-------------|------------------------------------|-------------------------------|------------------|
| | | | N | P ₂ O ₅ | K ₂ O |
| Пахта | 1362,3 | 26,4 | 288,32 | 194,38 | 128,65 |
| Дон сугорища | 1083,0 | 40,5 | 217,35 | 147,99 | 56,10 |
| Дон лалмида | 290,0 | 10,0 | 11,6 | 11,6 | 0 |
| Шоли | 81,0 | 34,5 | 17,62 | 11,01 | 8,18 |
| Ем дони | 51,0 | 45,0 | 12,53 | 8,25 | 5,39 |
| Шакар лавлаги | 10,0 | 220,0 | 1,47 | 0,95 | 0,85 |
| Картошка | 21,6 | 144,3 | 2,66 | 1,83 | 1,18 |
| Сабзавотлар | 48,8 | 173,5 | 5,05 | 3,45 | 1,73 |
| Маккажӯҳори силосда | 192,2 | 118,0 | 7,11 | 4,56 | 3,10 |
| Беда | 130,0 | 67,0 | 6,58 | 3,17 | 2,75 |
| Беда | 125,3 | 48,0 | 2,51 | 7,27 | 1,61 |
| Ем лавлаги | 16,07 | 400,0 | 2,48 | 1,67 | 1,03 |
| Полиз экинлари | 21,3 | 140,0 | 1,69 | 1,62 | 0,54 |
| Техник экинлар | 49,8 | 30,0 | 11,31 | 7,21 | 2,73 |
| Ургули экинлар | 4,9 | | 0,95 | 0,60 | 0,35 |
| Бошқа бошоқлилар | 12,6 | 31,0 | 1,97 | 1,22 | 0,82 |
| ЖАМИ: | 3209,87 | | 579,60 | 395,18 | 218,03 |
| Боғлар | 148,3 | 67,0 | 16,41 | 11,25 | 7,72 |
| Токзорлар | 96,8 | 85,0 | 17,15 | 7,63 | 5,00 |
| Мева кўчатлари | 6,8 | | 0,67 | 0,33 | 0,20 |
| Тутзорлар | 67,2 | | 6,72 | 3,36 | 2,02 |
| Такрор ем экинлари | 250 | 130,0 | 17,04 | 15,65 | 7,6 |
| Такрор сабзавот экинлари | 220 | 283,5 | 25,43 | 17,37 | 9,6 |
| ЖАМИ: | 3998,97 | | 657,02 | 450,77 | 250,17 |
| Дехқон хўжаликлари экинлари | 634,6 | | 93,2 | 55,9 | 28,0 |
| ЖАМИ республика бўйича | 4633,57 | | 761,82 | 518,27 | 278,12 |

15-жадвал. 1991-2007 йилларда Ўзбекистон Республикаси бўйича қишлоқ хўжалиги экинлари учун минерал ўғитлар етказиб бериш (амалдаги моддалар 100% хисобида), минг т

| Йил | Азот | Фосфор | Калий | Жумладан ўзага | | | Бошоқли экинларга | | |
|------|--------|--------|-------|----------------|--------|--------|-------------------|--------|-------|
| | | | | Азот | Фосфор | Калий | Азот | Фосфор | Калий |
| 1991 | 635,2 | 436,8 | 147 | 410,06 | 244,8 | 86,92 | 225,14 | 192 | 60,08 |
| 1992 | 568,1 | 358 | 118,5 | 388,4 | 201,42 | 74,89 | 179,7 | 156,58 | 43,61 |
| 1993 | 633,1 | 303,5 | 35,7 | 420,8 | 182,6 | 29,6 | 212,3 | 120,9 | 6,1 |
| 1994 | 450,5 | 143,1 | 0,7 | 326,3 | 96,28 | 0,62 | 124,2 | 46,82 | 0,06 |
| 1995 | 453,6 | 110,6 | 0 | 292,62 | 64,66 | 0 | 160,98 | 45,94 | 0 |
| 1996 | 549 | 107 | 22,4. | 314,59 | 62,19 | 13,62 | 234,41 | 44,81 | 8,78 |
| 1997 | 705,4 | 199,4 | 143,8 | 361,75 | 109,68 | 66,58 | 343,65 | 89,72 | 77,22 |
| 1998 | 666,2 | 109,8 | 48,4 | 353,09 | 67,63 | 38,4 | 313,11 | 42,17 | 10 |
| 1999 | 586,7 | 154 | 35 | 391,46 | 79,94 | 26,13 | 195,27 | 74,06 | 8,87 |
| 2000 | 551,2 | 110,6 | 15,3 | 290 | 62,01 | 6,5 | 261,2 | 48,59 | 8,8 |
| 2001 | 511,5 | 100,1 | 6,7 | 269,14 | 50,62 | 4,51 | 242,36 | 49,48 | 2,19 |
| 2002 | 563,5 | 172,15 | 15,3 | 260,98 | 79,86 | 15,32 | 302,54 | 92,29 | 0 |
| 2003 | 533,2 | 125,48 | 10,3 | 287,91 | 89,48 | 0 | 245,3 | 36 | 10,27 |
| 2004 | 520,6 | 120,6 | 24,97 | 300,71 | 67,132 | 22,875 | 219,89 | 53,468 | 2,095 |
| 2005 | 470,1 | 103,71 | 20,43 | 304,34 | 68,18 | 16,96 | 165,76 | 35,53 | 3,47 |
| 2006 | 462,45 | 88,12 | 15,64 | 303,63 | 52,19 | 12,58 | 158,82 | 39,92 | 12,58 |
| 2007 | 447,51 | 86,52 | 11,77 | 319,85 | 54,07 | 8,47 | 127,64 | 32,55 | 3,3 |

69-расм. 1991-2007 йилларда Ўзбекистон Республикаси бўйича кишлок хўжалиги экинлари учун минерал ўғитлар етказиб бериш минг т



када 150 тоннагача парранда гўнги ташлади. Азот, фосфор, калий ўғитларига нисбатан ҳисоблагандан, ҳар бир паррандачилик фермасидан 3750 кг азот, 2500 кг фосфор, 1500 кг га яқин калий чиқитини чиқаради. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, ўсимликларнинг озуқа элементлари йўқотилиши ҳамма парандачилик фермаларида азот - 54750 т, фосфор - 37230 т, калий - 21900 т бўлиб, бу нисбатан ҳисобланганда 1,1 млн. т органик ўғитга тўғри келади. Органик ўғитлари заҳирасининг сезиларли салоҳияти бу - қаттиқ майший чиқиндилар ва шахар оқава сувлари чўкиндилари компостлариdir. Қаттиқ майший чиқиндиларни қайта ишлаш, биринчи навбатда аҳолиси 300 минг кишидан ортиқ шахарларда мақсадга мувофиқdir. Бундай шахарларда, ахлат чиқитлари йилига 14 млн. тоннани ташкил этади, уларнинг 9 млн. тоннасидан компост тайёрлаш мумкин. Ҳар йили Ўзбекистонда 21,0 млн.т шундай компост тайёрлаш мумкин. Бу ҳар йили 700 минг га майдоннинг ҳар гектарига 30 тоннадан органик ўғит чиқаришга етади. Органик ўғитлардан унумдор фойдаланишга эришишда, фақат кишлок хўжалиги ишлаб чиқаришига янги технология жараёнларини ва механизация воситаларини кетма-кет тадбиқ этишга боғлиқ.

Яна бир муаммо – бу зараркунандалар ва ўсимликларнинг касалликлариidir. Республикамиз экин майдонларида 300 дан ортиқ зараркунандалар, ғўза касаллигининг 20 тури, ёввойи ўтларнинг 100 дан ортиқ хили рўйхатга олинган. Агар ушбу касалликларга қарши курашилмаса, унда 220 минг т пахтатоласини, 170 минг т фалла, 200 минг т шоли, 300 минг т сабзавот, 80 минг т картошка, 90 минг т мева ва 120 минг т узумни йўқотиш мумкин. 2006 йилда, Навоий «Электрокимёсаноат» ОАЖ 263 тонна ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситаларини ишлаб чиқарган бўлиб, бу жуда ҳам камдир. Республикамизда,

уруғларни зарарсизлантирадиган дориларга бўлган талаб 1995 йилда 940 т ни, инсектицидларга – 9379 т, гербичидларга – 3040 т, фунгицидларга – 4525 т, дефолиантларга – 30065 т, ўсиш суръатини тезлаштирувчи ва бошқарувчи воситаларга бўлган талаб 925 т ни ташкил этган. Уларни хориждан сотиб олиш учун 102 млн. АҚШ доллари ажратилган. Афсуски, республикада дефолиантлардан ташқари, бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш ривожланмаяпти.

4.7. Яйловлар дегрессияси

Ўзбекистонда, яйлов майдонлари 20,8 млн. гектарни (мамлакат умумий майдоннинг ярмига teng) эгаллайди, шундан 17,4 млн. гектари – чўл минтақасига тўғри келади. Сўнгги 15-20 йилларда,

кўчма чорвачилиқда яйловлардан меъёрда фойдаланмаслик, эрозия, молларни яйловларда ортиқча бокиш ва бошка антропоген таъсиrlар натижасида озука ҳажмининг йўқолиши – дегрессияси содир бўлди. 20,8 млн. га яйловлардан 16,4 млн. гектари (78%) дегрессияга учраган бўлиб, ундан: 9,3 млн. га майдондаги ем-хашиб озуқаси 20-30%; 5 млн. га майдондаги 30-40%; 2,1 млн. га ёки 40%дан ортиқ майдондаги ем-хашиб озуқаси дегрессияга учраган. Яйловлар дегрессияси, асосан Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси худудларида кузатилмоқда. 70%дан ортиқ майдон, шу жумладан, унинг учдан бир кисми кучли даражада дегрессияга учраган. Барча ерда тоғ яйловларидан ҳаддан ташқари жадал фойдаланиш ўз навбатида ўсимликлар деградациясига олиб келмоқда ва бунинг оқибатида жала оқимлари кўпайишига ва селлар тақрорланишининг ортишига олиб келади. Шунинг учун, Ўзбекистонда селларнинг ҳосил бўлиш жараёнлари кучли ривожланган.

4.8. Ерларни сув босиши

Ўзбекистон худудининг 20%дан зиёдроқ майдонини сув босган. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Навоий вилоятларида суғориладиган ерларнинг 40%дан кўпроғи, Фарғона водийси ва Самарқанд вилоятларида 30-40%, Тошкент, Сирдарё, Жиззах ва Бухоро вилоятларида 20-30% сув босишига учраган. Кўпчилик суғориш массивларидаги сув босишларга юкори рельефли ерларнинг ўзлаштирилиши ва суғорилиши сабаб бўлмоқда.

Сув босиши жараёнининг олдини олиш учун сизот сувлари сатхини пасайтириш;

- коллектор-дренаж тармоқлари зичлигини ошириш;

- гидротехник иншоотларни лойқалардан тозалаш, агротехник тадбирларга риоя этиши;
- сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланишини амалга ошириш лозим.

4.9. Давлат ер кадастрини ташкил этиши ва юритиш

Ер кадастрини олиб бориш ишлари «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабридаги «Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини олиб бориш тўғрисида»ги қарори ва бошқа меъёрий-хужжатлар асосида амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 15 октябрдаги ПФ-3502-сонли Фармонига мувофиқ, ерлар ва кўчмас мулк давлат кадастрларини юритиш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитасига юклатилган.

Ер участкаларини тўлиқ маълумот билан таъминлаш мақсадида, «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 октябрдаги 483-сонли қарорига мувофиқ, Ергеодезкадастр давлат кўмитаси томонидан давлат кадастрлари ягона тизимида киритилган маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш, тизмештириш, саклаш, тармоқлар кадастрлари маълумотларини янгилаш ишлари амалга оширилмоқда.

Давлат кадастрларининг ягона тизими бу – ўз ичига барча давлат кадастрлари, кадастр объектларига алоқадор бўлган бошқа маълумотларни, шунингдек тегишли худуднинг табиий-иктисодий салоҳиятини комплекс баҳолаш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни қамраб олувчи кўп мақсадли географик ахборот тизимиdir.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 октябридан 483-сонли ва 2005 йил 16 февралдаги қарорларига мувофиқ, давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва олиб бориш, шунингдек давлат кадастрлари ягона тизимида киритилган маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш, тизмештириш, саклаш, тармоқлар кадастрлари маълумотларини янгилаш ишлари Ергеодезкадастр давлат кўмитасига юклатилган.

Ўтган давр мобайнода, бир қатор кадастрларни (ерга оид, бино ва иншоотлар, конлар, фойдали қазилмалар, техноген ҳосиллар, сув манбалари, ўрмон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, муҳофаза этиладиган табиий худудлар, алоқа ва энергетика объектлари) юритиш борасида идоравий меъёрий хужжатлар (йўриқнома, кўрсатмалар) ишлаб чиқилди. Шу қаторда, ер кадастри, бино ва иншоотлар кадастрлари, фойдали қазилмалар, техноген ҳосиллар, сув кадастри, алоқа ва энергетика объектлари кадастрлари бўйича меъёрий хужжатлар тўлиқ ишлаб чиқилган.

Давлат кадастрлари ва давлат кадастрлари ягона тизимини олиб бориш учун ҳарита асосини яратиш борасида, Ергеодезкадастр давлат кўмитаси тармоқлар дастурларига мувофиқ, мунтазам равишда масштаблар қаторининг ҳарита асослари янгиланиб

турибди, шунингдек 1:1000000, 1:500000, 1:200000 масштабларда давлат қадастрлари ягона тизимиning геоахборот тизимини олиб бориш учун ракамли харита асоси яратилди.

Тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда, қуидаги мавзудаги маълумотлар шакллантирилди:

- давлат қадастрлари ягона тизимиning 1:200000 масштабдаги ракамли харитавий асоси: рельеф, гидрография, ўсимликлар, аҳоли яшаши жойлари;

- манбалар, фойдали қазилмалар ва техноген ҳосиллар жойлари, сув ресурслари, муҳофаза этиладиган табиий худудлар, маданий мерос объектлари, автомобиль йўллари, энергетика объектлари, чиқиндиларни кўмиш ва утиллаштириш жойлари, табиий ҳавфлилиги юкори бўлган минтақалар (ҳавфли геологик жараёнлар бўлими) кадастр маълумотлари;

- давлат ер кадастрини юритиш учун режали асосда 1:10000 масштабдаги рақамли топографик асос яратилмоқда.

4.10. Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик усули

Пестицидларни кенг ва кўпинча назоратсиз кўлланилиши жiddий салбий оқибатларга олиб келди, прераратларга бардошли, улар билан қурашиб бўлмайдиган зарарли организм ва популяциялар пайдо бўлди. Баъзи ҳолларда табиий тартибга солувчи омиллар фаолияти йўққа чиқарилган эди. Айрим пестицид концентрацияларининг озуқа сифатидаги, фойдаланиладиган препаратларнинг инсонга ва фойдали ҳайвонларга токсик ва метатоксик таъсири, шунингдек пестицидларнинг экотизимнинг турли элементларига назорат килиб бўлмас таъсиrlари ҳақидаги маълумотлар мавжуд.

Бундан ташқари, ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш воситаларининг кенг кўлланилиши кўпгина мамлакатларда сув ресурслари, атмосферанинг ифлосланишига, кимёвий моддаларнинг озик-овқат маҳсулотларида қолдиклари йиғилиб қолишига, ёввойи ҳайвонларга керакли бўлмаган таъсирга олиб келди. Пестицидларнинг тирик организмлардаги модда алмашинуви, асаб ва эндокрин тизимида, кўпайиш жараёнлари ва ҳоказоларга салбий таъсири белгиланган.

Кимёвий моддалардан фойдаланишнинг салбий оқибатларидан бири бу – жадал равишда ишлов бериладиган экин ҳисобланган ғўзада пестицидларга бардошли зааркунандалар популяциясининг пайдо бўлганлигидир.

Бироқ, зикр этилган тадбирлар атроф-муҳит муҳофазаси ва фойдали бўғиноёқлиларни сақлаб қолиш муаммоларини тўлиқ ҳал қила олмайди. Уни фақатгина нокимёвий қурашиб усули билан ҳал этиш мумкин.

Биологик усулининг кўлланилиши бир йўла иккита муаммони: ҳосилни зааркунандалардан ҳимоялаш ва энг асосийси – атроф-муҳитнинг ҳавфли кимёвий моддалар билан ифлосланишидан ҳимоялашни ҳал қиласи.

Зааркунанда хашаротларга қарши биологик курашиб усуслари дунёнинг барча мамлакатларида жадал равишда ишлаб чиқилмоқда.

Мамлакатимизда ўсимликларни биологик ҳимоялаш усулининг амалиётда кўлланилиши 70 йилдан аввал бошланган. Сўнгги йилларда, биоусулларни фермер ва дехқон хўжаликлари амалиётига бевосита жорий қилиш билан шуғулланадиган, биологик институтлар ва лабораториялар тармоғи яратилди.

Биологик усул – бу зааркунандаларга қарши тирик организмлар ва улар ҳаёт фаолияти маҳсулотларидан фойдаланиш усулидир.

Улар билан биологик курашда зааркунандаларнинг табиий душманларидан фойдаланишнинг асосий усули бўлиб энтомофагларнинг маҳаллий турларини мавсумий колонизациялаш учун хизмат килади.

Республикада, биологик усулга катта эътибор ўтган асрнинг 70 йиллари охиридан берила бошланди. Ўн йил ичida 300 дан ортиқ биолабораториялар ташкил этилди. Ушбу биолабораториялардан бир мавсумда 10 тоннагача трихограмма, бир миллиарддан ортиқ бракон ва олтинкўз олинмоқда. Бунинг эвазига, биологик усул 90%дан ортиқ умумий пахта майдонларида ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларида кўлланилмоқда (16-19-жадвалларга қаранг).

Республика Ҳукумати томонидан, ўсимликларни ҳимоя қилишининг биологик усулини ривожлантириш борасида барча чоралар кўрилмоқда.

2007 йилда, 13 та биолабораторияларни ташкил қилиш учун етарли маблағ ажратилди ва ушбу лабораториялар трихограмма, бракон ва олтинкўзларни кўпайтириш бўйича замонавий автоматлаштирилган линиялар билан жиҳозланади.

4.11. Ер ресурсларини муҳофаза қилиши ва улардан фойдаланиш устидан давлат назорати

Табиий бойликлар мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда асосий ўринни эгаллайди ва ер манбалари биринчи ўринда туради, чунки ер қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асоси ҳисобланади.

Ер муносабатларини тартибга солувчи конун хужжатлари тизимида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосий қонун ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида: «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар, умуммиллий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир», деб ёзилган.

Ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати, Давлат ҳокимиятининг

16-жадвал. 2004-2007 йилларда ғўза ва бошоқли экинларнинг зааркунандалари ва касалликларига қарши ишлов бериш, минг га

| Вилоят номи | 2004 йил | | 2005 йил | | 2006 йил | | 2007 йил | |
|------------------------------|----------------|--------------|----------------|--------------|----------------|--------------|----------------|--------------|
| | Биологик | Кимёвий | Биологик | Кимёвий | Биологик | Кимёвий | Биологик | Кимёвий |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 778,7 | 28,7 | 1136,3 | 3,6 | 1430,5 | 4,7 | 1098,2 | 1,9 |
| Андижон | 2174,1 | 236,4 | 2529,5 | 176,5 | 2858 | 115,8 | 2393 | 45,3 |
| Бухоро | 691,3 | 13 | 1006,6 | 14,1 | 1035,2 | 8,2 | 1146,8 | 8,6 |
| Жizzах | 815,7 | 36,2 | 1404,4 | 27,5 | 1763,9 | 43,5 | 1654,7 | 55 |
| Қашқадарё | 678,5 | 15 | 1650,8 | 66,9 | 1611,9 | 60,4 | 1658,5 | 83,2 |
| Навоий | 178,4 | 10,2 | 291,3 | 13 | 266,3 | 6,9 | 242,8 | 7,4 |
| Наманган | 2531,7 | 173,7 | 2683,1 | 136,4 | 2478,7 | 83,3 | 1829 | 68,3 |
| Самарқанд | 247,6 | 96,9 | 630 | 70,6 | 435,8 | 76,1 | 585,2 | 103,1 |
| Сурхондарё | 770 | 20,7 | 1051,7 | 25 | 1046,2 | 62 | 1065,2 | 43,7 |
| Сирдарё | 829,8 | 35,9 | 965 | 53,7 | 1168,6 | 43,9 | 1158,7 | 37,6 |
| Тошкент | 620,9 | 54,4 | 1319,8 | 49,8 | 1092,1 | 104,6 | 890,8 | 114,7 |
| Фарғона | 2089,7 | 169,9 | 1967,5 | 46,4 | 2673,1 | 93,2 | 1906,7 | 58,2 |
| Хоразм | 2071,1 | 49,5 | 2113,5 | 27,7 | 1954,8 | 11,8 | 1190,7 | 10,5 |
| Жами: | 14477,5 | 940,5 | 18749,5 | 711,2 | 19815,1 | 714,4 | 16820,3 | 637,5 |

**17-жадвал. 2004-2007 йилларда ғўзанинг заараркунандалари ва касалликларига қарши ишлов бериш
(минг га)**

| Вилоят номи | 2004 йил | | 2005 йил | | 2006 йил | | 2007 йил | |
|------------------------------|-----------------|----------------|-----------------|----------------|-----------------|----------------|-----------------|----------------|
| | Биологик | Кимёвий | Биологик | Кимёвий | Биологик | Кимёвий | Биологик | Кимёвий |
| Қорақалпогистон Республикаси | 763,5 | 23,1 | 1119,1 | 2,7 | 1377,5 | 0,3 | 1098,2 | 0 |
| Андижон | 2121,9 | 193,2 | 2462,5 | 120,3 | 2732,3 | 69,9 | 2342,4 | 10,6 |
| Бухоро | 606 | 11,8 | 915,2 | 5,6 | 941,5 | 0,9 | 1029,1 | 0,5 |
| Жizzах | 815,7 | | 1404,2 | | 1763,4 | | 1548,1 | 0 |
| Қашқадарё | 678,5 | 3,5 | 1650,6 | 21,2 | 1611,6 | 1,9 | 1597,7 | 1 |
| Навоий | 177,8 | 10,1 | 284,7 | 8,5 | 253,9 | 1,6 | 229,2 | 2,4 |
| Наманган | 2506,1 | 85,4 | 2626,4 | 65,2 | 2382,6 | 21,7 | 16,95,5 | 15,6 |
| Самарқанд | 220,5 | 24,3 | 573,8 | 14,7 | 379,3 | 8,4 | 582,2 | 17,7 |
| Сурхондарё | 704,8 | 11,1 | 964,4 | 10,8 | 951 | 32,5 | 1039 | 20,5 |
| Сирдарё | 827,5 | 11,9 | 960,4 | 24 | 987,6 | 3 | 1024,4 | 1,8 |
| Тошкент | 562,5 | 19,6 | 1219,8 | 9,2 | 918,1 | 6 | 797,5 | 10,6 |
| Фарғона | 1977,4 | 143,4 | 1833,3 | 28,4 | 2527,1 | 40,1 | 1811,9 | 4,7 |
| Хоразм | 1971,1 | 37,2 | 1973,7 | 23,6 | 1814,2 | 0,6 | 1117,8 | 0 |
| Жами: | 13933,3 | 574,6 | 17988,1 | 334,2 | 18640,1 | 186,9 | 14217,5 | 85,4 |

**18-жадвал. 2004-2007 йилларда бошоқли экинларнинг заараркунандалари ва касалликларига қарши
ишлов бериш**

(минг га)

| Вилоят номи | 2004 йил | | 2005 йил | | 2006 йил | | 2007 йил | |
|------------------------------|-----------------|----------------|-----------------|----------------|-----------------|----------------|-----------------|----------------|
| | Биологик | Кимёвий | Биологик | Кимёвий | Биологик | Кимёвий | Биологик | Кимёвий |
| Қорақалпогистон Республикаси | 15,2 | 5,6 | 17,2 | 0,9 | 53 | 4,4 | 0 | 1,9 |
| Андижон | 52,2 | 43,2 | 67 | 56,2 | 125,7 | 45,9 | 50,6 | 34,7 |
| Бухоро | 85,3 | 1,2 | 91,4 | 8,5 | 93,7 | 7,3 | 117,7 | 8,2 |
| Жizzах | 0 | 36,2 | 0,2 | 27,5 | 0,5 | 43,5 | 106,6 | 55 |
| Қашқадарё | 0 | 11,6 | 0,2 | 45,7 | 0,3 | 58,5 | 60,8 | 82,2 |
| Навоий | 0,6 | 0,1 | 6,6 | 4,5 | 12,4 | 5,3 | 13,6 | 5 |
| Наманган | 25,6 | 88,3 | 56,7 | 71,2 | 96,1 | 61,6 | 133,5 | 52,7 |
| Самарқанд | 27,1 | 72,1 | 56,2 | 5,9 | 56,5 | 67,7 | 3 | 85,4 |
| Сурхондарё | 65,2 | 9,6 | 87,3 | 14,2 | 95,2 | 29,5 | 26,2 | 23,2 |
| Сирдарё | 2,3 | 24 | 4,6 | 29,7 | 181 | 40,9 | 134,3 | 35,7 |
| Тошкент | 58,4 | 34,8 | 100 | 40,6 | 174 | 98,6 | 93,3 | 104,1 |
| Фарғона | 112,3 | 26,4 | 134,2 | 18 | 146 | 53,1 | 94,8 | 53,5 |
| Хоразм | 100 | 12,3 | 139,8 | 4,1 | 140,6 | 11,2 | 72,9 | 10,5 |
| Жами: | 544,2 | 365,4 | 761,4 | 327 | 1175 | 527,5 | 907,3 | 552,1 |

19-жадвал. 2004-2007 йилларда Ўзбекистон Республикаси бўйича биологик материаллар ишлаб чиқариш

| | Биолабораториялар сони | | Трихограммалар, кг | | | Бракон, млн. дона | | | Олтинкўз, млн. дона | | |
|---------------------------------|------------------------|---------------|--------------------|---------------|--------------|-------------------|---------------|--------------|---------------------|---------------|--------------|
| | жами | фаолият юрит. | Йиллик | | | Йиллик | | | Йиллик | | |
| | | | режа | амал | % | режа | амал | % | режа | амал | % |
| Қорақалпогистон Республикаси | 64 | 64 | 589 | 807,1 | 137 | 180 | 204,1 | 113,4 | 150 | 223,2 | 148,8 |
| Андижон | 127 | 127 | 703,5 | 1616,8 | 229,8 | 192,6 | 384,7 | 199,7 | 160,5 | 568,5 | 354,2 |
| Бухоро | 60 | 60 | 820 | 835 | 101,8 | 207,7 | 214,4 | 103,2 | 173,1 | 191 | 110,3 |
| Жиззах | 45 | 45 | 510 | 765,6 | 150,1 | 191,5 | 287,7 | 150,2 | 159,6 | 312,9 | 196,1 |
| Кашқадарё | 90 | 90 | 800 | 814,2 | 101,8 | 295,2 | 315 | 106,7 | 246 | 249,2 | 101,3 |
| Навоий | 12 | 10 | 153,8 | 154,1 | 100,2 | 70,9 | 27,1 | 38,2 | 59,1 | 55,8 | 94,4 |
| Наманган | 25 | 25 | 787,8 | 1083,4 | 137,5 | 169,6 | 172,8 | 101,9 | 141,3 | 409,4 | 289,7 |
| Самарқанд | 31 | 31 | 500,7 | 470,8 | 94 | 186,1 | 173,6 | 93,3 | 155,1 | 150,7 | 97,2 |
| Сурхондарё | 85 | 85 | 535 | 535,6 | 100,1 | 221,4 | 225,6 | 101,9 | 184,5 | 209,4 | 113,5 |
| Сирдарё | 50 | 50 | 519 | 470 | 90,6 | 207,5 | 212 | 102,2 | 173 | 180,7 | 104,5 |
| Тошкент | 40 | 40 | 611,2 | 614,1 | 100,5 | 194,3 | 198 | 101,9 | 162 | 194,7 | 120,2 |
| Фарғона | 115 | 115 | 755 | 961,9 | 127,4 | 207,5 | 214,3 | 103,3 | 173 | 198,7 | 114,9 |
| Хоразм | 120 | 120 | 765 | 824,9 | 107,8 | 180 | 185,5 | 103,1 | 150 | 218,8 | 145,9 |
| Жами: 2007 йил | 864 | 862 | 8050 | 9953,5 | 123,6 | 2504,3 | 2814,8 | 112,4 | 2087,2 | 3162,9 | 151,5 |
| 2004 йил | 726 | 726 | 7035 | 7328,9 | 104,2 | 1820,2 | 2034,4 | 111,8 | 2001,6 | 4148,5 | 207,3 |
| 2005 йил | 809 | 809 | 10868 | 9779,2 | 90 | 3172,1 | 2671,3 | 84,2 | 1669,3 | 2102,8 | 126 |
| 2006 йил | 896 | 896 | 11864 | 12084 | 101,9 | 3998,2 | 4098 | 102,5 | 2999,8 | 3694 | 123,1 |

маҳаллий органлари, шунингдек махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Мамлакатда, сўнгги ўн йилликда, сугориладиган ерлардан оқилона фойдаланиш ва ер маҳсулдорлигини оширишга қаратилган, чора-тадбирлар амалга оширишга муҳим аҳамият берилмоқда.

Ерлардан фойдаланиш маҳсулдорлигини ошириш, фермер ва дехқон хўжаликларини ривожлантириш билан бевосита боғлиқ. Қишлоқ хўжалиги ислоҳотининг негизида, қишлоқларда фермер ва дехқон хўжаликларини шакллантириш, жамиятга мулкчиликнинг янги муносабатларини олиб кириш масаласи туриди.

2004 йилнинг 19 октябрда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ташкил этилиши муносабати билан, унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан, Ер кодекси ва «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги Конун талаблари асосида, 2007 йилда 71619 гектар (2003 йилда – 2039085 га) умумий майдонда ердан фойдаланиш борасида 1254 та (2003 йилда – 3216 та) текширувлар ўтказилди.


Ушбу текширувлар натижасида 15171 гектар майдонда, 1217 та ер қонунчилигининг бузилиш холатлари аниқланган (2003 йилда – 2985 та).

396 гектар ер майдонда аниқланган 5 та (2003 йили – 322 та) конунбузарлик холатлари бўйича те-


гишли далолатномалар тузилган бўлиб, кўриб чиқиши учун улар хуқуқни ҳимоя қилувчи органларга оширилган. Текширув хужжатларига кўра 1145 (2003 йилда – 2717) нафар қонунбузарлар (фуқаролар ва раҳбар ходимлар), умумий миқдори 29,37 млн.сўм бўлган жаримага тортилган (2003 йилда – 26,64 млн. сўм). Қоидабузарликлар хусусиятларига кўра, 48% дан ортиқ (2003 йилда – 23%) қонунбузарлик, ерлардан хўжасизларча фойдаланиш билан боғлиқ бўлса, 3,7% эса (2003 йилда – 9%) – ерлардан белгиланган мақсадга зид равишда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган. Ер қонунчилигининг қишлоқ хўжалик ерларини яроксиз ҳолга келтириш, ерларни яхшилаш бўйича мажбурий тадбирларни бажармаганлик билан боғлиқ талаблари бузилиши борасида Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси органлари томонидан аниқланган ҳолатлар бўйича кўрилган чоралар 70-расмда келтирилган.

Ергеодезкадстр давлат қўмитасининг маҳаллий ҳокимлик органларига йўллаган тегишли тақдимномаларига кўра, ер қонунчилиги талабларига риоя этмаганликлари, шудгорга ярокли ерлардан фойдаланмаганликлари, экин майдонларини хисобдан яширганликлари учун бир қатор вилоятлар Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, қишлоқ хўжалик корхоналарининг айрим раҳбарлари ва мутахассисларига турли жавобгарлик чоралари кўрилган.

Маъмурий жавобгарликка тортилган мансабдор шахслар ва фуқаролар, киши



Ундирилган жарима, минг сўм



70-расм. 2001-2007 йилларда Ўзбекистон Республикасида ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва оқилона фойдаланиш бўйича қонунларини бузганлик учун кўрилган чоралар

V. Чиқиндилар

5.1. Чиқиндиларни бошқариш

Атроф-мухитни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиқиндиларидан муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона ва комплекс фойдаланиш ҳамда экологик тоза технологияларни амалиётга татбиқ этиш муаммолари билан узвий боғлиқdir. Энергетика, рангли ва қора металлургия, кимё саноати ва қурилиши индустрияси обьектлари чиқиндиларни ҳосил қилувчи, атроф-мухитни ифлослантирувчи асосий манбалар ҳисобланади. Шу билан бир вақтда чиқиндилар таркибида кўпинча фойдаланишга яроқли иккиласми ресурсларнинг юкори улуши мавжуд бўлади.

Ўзбекистонда БМТнинг Тараққиёт

Дастури ҳамкорлигига чиқиндиларни бошқариш бўйича Миллий стратегия ва Ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилган. Мазкур хужжат чиқиндилар бўйича муаммоларни ҳал этишда амалга ошириладиган ишларнинг стратегик йўналиши ва мувофиқлаштирувчи асоси бўлиб хизмат килади. Стратегия, аввало, чиқиндиларни бошқариш соҳасидаги давлат сиёсатини ва ҳаракатлар самарадорлигини оширишга ва уларни қисқартиришга, имкон даражасида улардан қайта фойдаланиш ва иккиласми қайта ишлашга қаратилган.

Кўрилаётган чора-тадбирлар чиқиндилар билан бирга қимматли модда ва материалларнинг йўқ бўлиб кетишига йўл кўймаслик, атроф-мухитнинг токсик саноат ва тиббиёт чиқиндилари билан ифлосланишининг олдини олиш, қаттиқ майший чиқиндиларнинг йигилиши ва утилизация килиш муаммоларини ҳал этишга қаратилган. Стратегияда назарда тутилган масалаларнинг босқичма-босқич рўёбга чиқарилиши, мамлакатнинг ҳалқаро мажбуриятларини, шунингдек ички ҳусусиятларни ҳам ҳисобга олувчи ҳаракатлар Миллий режаси кўмагига амалга оширилади.

Шахар аҳолисининг ўсиши, чекланган худудда саноатнинг тўпланиши аҳоли истиқомат қиладиган худудларда, айниқса йирик шаҳарларда экологик шароитларнинг ёмонлашувига сабаб бўлмоқда. Шаҳарларда қаттиқ майший чиқиндилар (ҚМЧ) ва катта ўлчамли ахлатлар (ҚЎА) йигилмоқдаки, улар ўз вақтида ва тўғри олиб чиқилмаса ҳамда зарарсизлантирилмаса, атроф табиий муҳитни жиддий ифлослантириши мумкин. Шаҳарларнинг ҳар ерларида пайдо бўладиган, ёмон ташкил этилган, баъзан эса бетартиб равишда ҳосил бўлган ахлатхоналар атроф-мухит ифлосланишининг жиддий манбаи бўлиб қолмоқда.

Ривожланган мамлакатларда қаттиқ майший чиқиндилар (ҚМЧ)га бўлган муносабат таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, мазкур соҳада ҚМЧ ни кўмиш полигонларининг камайиш тенденциялари кузатилмоқда ва чиқиндиларнинг кўп қисми иккиласми хом ашё сифатида қайта ишлаши саноати учун

МАЪЛУМОТ

Маиший ва бошқа чиқиндиларни шаҳар мёсида қайта ишлашни илк бора қадимги юнонистонликлар бошлаб беришган. Эрамиздан 500 йил муқаддам Афинада турли кўринишдаги чиқиндиларни, шаҳар кўчаларига ташлашни таъкиқловчи ҳамда кўчаларни тозаловчи фаррошларга чиқиндиларни шаҳардан узокроқ, шаҳар ташқарисида маҳсус ажратилган жойларга олиб чиқиб ташлаш мажбуриятини юкловчи фармон қабул қилинган. Лекин вақт ўтиши билан ўрта асрларда мазкур юнон тажрибаси унтутилди ва шаҳар аҳолиси ахлатларни кўчага улоқтирад, ювиндиларни дeraзалардан ташқарига сепар эдилар, бу эса ўз навбатида шаҳарда вабо касалини тарқатувчилар - каламуш, сичқонларнинг кўпайишига олиб келган. Шаҳарлар ролининг ортиб бориши ва товар ишлаб чиқаришнинг ўсиши чиқиндилар миқдорининг янада кўпайишига сабаб бўлди. Бироқ ўша вақтларда мавжуд бўлган ресурсларнинг қимматлиги тадбиркорларни қайта ишлашга яроқли бўлган барча чиқиндиларни утилизациялаш, яъни фойдали равишда ишлатишга мажбур этарди. Шу билан бир вақтда чиқинди тўпланадиган худудлар борган сари кенгаяверган. Мазкур муаммо ҳукумат даражасидаги кенг қамровли счимини топишни тақозо этар эди. 1874 йилга келиб, Буюк Британиянинг Ноттингем шаҳрида экологик тараққиётнинг ўзига хос рамзи бўлмиш дунёдаги биринчи чиқинди ёқиладиган завод қурилган.


foyдаланилади. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, маиший чиқиндилар ҳажмининг ўсиши оғатли алломатларни эгаллади. Дунёнинг деярли барча мамлакатларида қаттиқ маиший чиқиндилар аҳоли жон бошига ҳар 10 йилда 10 фоизга ошмоқда. Ҳозирда дунё бўйича маиший чиқиндиларнинг ҳар йилги массаси

20-жадвал

Қаттиқ маиший чиқиндиларнинг ўртача морфологияк таркиби

| Фракциялар | Ўртача йиллик массаси % |
|----------------------------|-------------------------|
| Қоғоз | 18.9 |
| Озиқ-овқат чиқиндилари | 38.4 |
| Дарахт | 4.9 |
| Металл | 3.4 |
| Газлама чиқиндилари | 3.9 |
| Резина ва тери чиқиндилари | 0.8 |
| Ойна | 3.7 |
| Тошлар | 8.9 |
| Ҳоказо қисмлар | 17.1 |
| Жами | 100 |

71-расм. Қаттиқ майший чиқиндиilarнинг ўртача морфологик таркиби



400 млн. тоннани ташкил қилиб, шулардан 80 фоизи ҚМЧ ҳар хил турдаги – мураккаб тизимлардан, оддий чиқиндиҳона полигонларида кўмиш билан заарсизлантирилади. МДҲ мамлакатларида, жумладан Украина мисолида кўйидаги маълумотларни келтириш мумкин, майший чиқиндиilar, яъни «ахлат Эверести» тахминан 10 млн. тоннага ўсади. Ахлатлар 700 дан ортиқ йирик қонуний ва 1000 та кичикроқ ҚМЧ полигонларида, лекин руҳсатсиз тўпланади. Қаттиқ майший чиқиндиilarнинг ўртача морфологик таркиби 20-жадвалда ва 71-расмда келтирилган.

Шаҳар қаттиқ майший чиқиндиilar кўмирга нисбатан камроқ олtingугурт биримларига эга (умумий массасининг 0,12 %). Шаҳар қаттиқ майший чиқиндиilariga берилган бундай тавсиф уларнинг энергетика қозонларида ёкиш учун ёнилғи ҳамда иссиқлик генератори сифатида фойдаланиш бораси-

21- жадвал. Дунё мамлакатлари бўйича майший чиқиндиilarни утилизация қилиш таққосий (ёки нисбий) кўрсатгичи, %

| Мамлакат | Кўйдириш | Чиқиндиҳонага чиқариш | Компострлаш | Бошқалар |
|---------------|----------|-----------------------|-------------|----------|
| Швейцария | 80 | 18 | 2 | - |
| Япония | 72 | 24.5 | 1.5 | 2 |
| Швеция | 56 | 34 | 9.9 | 0.1 |
| Бельгия | 47 | 44 | 9 | - |
| Нидерландлар | 40 | 44 | 15 | 1 |
| Франция | 36 | 47 | 8 | 9 |
| Дания | 32 | 64 | 4 | - |
| ГФР | 28 | 69 | 2 | 1 |
| Италия | 18.5 | 35 | 5.5 | 41 |
| АҚШ | 8 | 82 | - | 10 |
| Канада | 6 | 93 | - | 1 |
| Испания | 5 | 76 | 19 | - |
| Буюк Британия | 2 | 2 | 98 | - |
| Россия ва МДҲ | 5 | 95 | - | - |

даги масалаларини ҳам кўриб чиқиш имконини беради.

Қаттиқ майший чиқиндиilarнинг асосий қисми - органик келиб чиқиш хусусиятига эга. Термик деструкция (у ёки бу тизимнинг бузилиши) натижасида уларнинг базасида кичик молекуляр моддалар – пироконденсат ва пирогаз ҳосил бўлиб, мазкур молекуляр моддаларни мустақил, шунингдек, энергия ташувчиларга кўшимча сифатида фойдаланиш мумкин.

Қаттиқ майший чиқиндиilarнинг аралашмаси кўп ҳолларда ўта намланган ҳолатда бўлади. Масасидаги намлик микдори 20-25 фоизни ташкил қиласи. ҚМЧни термик қайта ишлашда энергиянинг кўп микдори аввалдан қуритиш жараёнларига сарфланади. Сўнг ҚМЧ ни қайта ишлаш температураси (харорати) 800°C га кўтарилади. Шу билан термик деструкция ҳамда қисман органик молекулаларнинг буғли конверсия жараёнлари бошланади.


Қаттиқ майший чиқиндиilarнинг суюқ органик ҳолатга айланиши учун турли технологиялар кўлланилади: гидрогенизация, ёпиқ тизимда куйдириш, пиролиз ва биологик конверсия.

Чиқиндиilarни бошқариш бўйича дунёнинг 14 та мамлакатида юзага келган вазият мазкур масалани ҳал қилишга қандай стратегик йўллар билан ёндошилганлиги билан тавсифланади. Демак, бир катор мамлакатлarda чиқиндиilarни утилизация қилишда – куйдириш, бошқаларида эса полигонларга кўмиш ёки юниш, шунингдек компостлаш технологиялари билан амалга оширилади. Мазкур мамлакатлар ичida чиқиндиilarни куйдириш технологияларини кўллаш ўртача кўрсатгичи – 31%, чиқиндиҳоналарга чиқариш -53,9%, компостлаш – 5,4% ни ташкил қиласи (21-жадвал ва 72-расмга қаранг).


5.2. Чиқиндиilarнинг ҳосил бўлиши. Ҳолати ва классификацияси, утилизация ҳамда улардан қайта фойдаланиш. Чиқиндиilarни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри

Саноат чиқиндиilarи

Ўзбекистонда ҳар йили 100 млн. тоннадан ортиқ саноат чиқиндиilarи ҳосил бўлади, улардан 14 % атрофидаги токсик (захарли) тоифага мансуб ҳисобланади. Чиқиндиilarнинг кўп қисми тоғ-кон қазиб олиш ва тоғ-кон қайта ишлаш саноат корхоналари жойлашган Навоий, Тошкент ва Фарғона вилоятларида ҳосил бўлади (73-расмга қаранг). Ҳосил бўладиган қаттиқ саноат чиқиндиilarнинг жами 0,2% гина иккиласми ҳом ашё сифатида фойдаланилади, колган қисми чиқинди тўпланадиган жойларга юнишлади. Республикада саноат чиқиндиilarи тўпланадиган чиқиндиҳоналар 10 минг гектарга яқин ерни банд қилган. Чиқинди ҳосил бўладиган корхоналари устидан давлат назоратини «Чиқиндиilar тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Табиятни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси амалга оширади, чиқиндиilarни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри-




лим, савдо, офис), бозор, кўча тозалашлардан йифиладиган чиқиндишлар ва ярми шахар ҳамда қишлоқ чиқиндишоналарида тўпландиган IV тоифали (класс) саноат чиқиндишлари кирди (республикада рўйхатдан ўтган чиқиндишоналарнинг умумий сони – 175 та). Бунда майший чиқиндишларнинг ҳар миллион тоннасадан 360 минг тонна озиқовқат чиқиндишлари, 160 минг тонна қофоз ва картон, 55 минг тоннагача текстиль, 45 минг тоннагача пластмасса ва бошқа кўплаб қайта ишлашга керак бўладиган фойдали компонентлар йўқолади. Майший чиқиндишларнинг ҳосил бўлиш кўп йиллик динамикасида (саноат




**73-расм. 2007 йилда қаттиқ саноат чиқиндишлари ҳажмларининг
Ўзбекистон Республикаси вилоятлари бўйича тақсимланиши.**

ни олиб боради, илмий-тадқиқот, технологик ишланмалар ва лойиҳа-смета ҳужжатларини давлат экологик экспертизасидан ўтказади. Экологик индикаторлар базаси тўпламида йигилган маълумотларга кўра, республикада сўнгги йиллар мобайнида қаттиқ саноат чиқиндишларининг йиллик ҳажмининг камайиш тенденциялари кузатилмоқда (74-расмга каранг). Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, мутасадди вазирликлар ва муассасалар маълумотларига кўра, республикада 30 млн. м³ майший чиқиндишлар ҳосил бўлади. Мазкур чиқиндишлар таркибига уй хўжалиги, муассасалар (тибиёт, таъ-



74-расм. Қаттиқ саноат чиқиндишлари ҳосил бўлиш ҳажмларининг динамикаси

чиқиндилаидан фарқли равища) салбий тенденциялар йўқ. Уларнинг микдори йиллик 3437-5190 минг/тонна диапазонда ўзгаради (75-расмга қаранг).



Қаттиқ майший чиқиндилаарнинг кўп қисми Фарғона, Самарқанд вилоятларида ва Тошкент шаҳрида хосил бўлади.

2007 йилга келиб асосий саклаш жойларида 2 млрд. тоннага яқин саноат ва майший чиқиндилаар тўплланган. Чиқиндилаарнинг атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигига таъсир даражаси кўргина худудларда етарли баҳоланмаган. Ҳавонинг юқори температураси органик моддаларнинг тез парчаланишига, микрофлораларнинг ҳамда патоген микроорганизмларнинг тез ривожланишига олиб келади. Буларнинг барчаси ҚМЧнинг саклаш муддатини қисқартиришни талаб этади. Қаттиқ майший чиқиндилаарни чиқариш, утилизация ва қайта ишлаш худудларда ечилмаган муаммо бўлиб қолмоқда. Баъзи бир вилоят ва туман марказларида қаттиқ майший чиқиндилаарнинг рухсат этилмаган ерларга жойлаштириш ҳолатлари учрамоқда.

Сўнгги вактларда қаттиқ майший чиқиндилаарни қайта ишлаш соҳаси бўйича хусусий тадбиркорлик ривожланмокда. Хусусан, 2007 йилда Тошкент вилояти Янгийўл шаҳридаги «Авесто Шамс» ва «Ўткир» МЧЖлари мос равища 700 тонна ва 300 тонна, Қибрай туманидаги «Турсунмурод-ота» МЧЖ 205 тонна қаттиқ майший чиқиндилаарни ҳамда Бухоро шаҳридаги «МААН» МЧЖ 41 тонна полиэтилен плёнкаларни қайта ишлади.

Чиқиндилаарни йўқ қилиши

Шахар ахолисининг сони ҚМЧларни йигиш, йўқ қилиш ишларининг ҳажмини аниқлашда, шунингдек, уларни зарарсизлантиришнинг оптимал вариантларни танлашда асосий омиллардан бири ҳисобланади. Ҳозирги вақтда, асосан қишлоқ ахолисининг ҳисобига шаҳар ахолисининг сони ўсиши агломерация марказларида хаддан ташқари аҳоли зичлашуви га олиб келмоқда.

Шунинг учун ҚМЧларни йигиш ва ташиш, шунингдек, чиқиндилаарни зарарсизлантириш ва қайта ишлаш, чиқинди юклаш марказларида кўп юқ кўтариш кувватига эга транспорт воситаларидан фойдаланиши оркали йирик шаҳарларда тизим ташкил этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Қаттиқ майший чиқиндилаар мураккаб кўп компонентли таркибга эга (76-расмга қаранг). Қаттиқ майший ва йирик ҳажмдаги чиқиндилаарни зарарсизлан-

тиришнинг худудларда асосий тарқалган усулларидан бири – бу чиқиндиҳоналарда тупрокга кўмишdir. Республикада фаолият кўрсатаётган 175 та ҚМЧ чиқиндиҳоналари 2 минг гектарга яқин ерни эгаллаб, уларнинг 90 фоиздан ошиги қониқарсиз ҳолатда. Улар мухандислик чоралари талабарисиз ташкил этилган. Уларнинг атроф-муҳитга таъсирини назорат қилиб бориш керакли даражада олиб борилмайди. Шу билан бир қаторда, чиқиндилаарнинг кўпайиб бориши маҳсус машиналарнинг техник базаси томонидан ишларни тўлиқ бажара олмаслигига олиб келиб, бу ўз навбатида чиқиндилаарнинг тўпланиб қолишига ва тўлиқ олиб чиқиб кетилишига тўғридан-тўғри таъсир этмоқда.

Экологик нуқтаи назардан ҚМЧнинг чиқиндиҳоналарда тўпланиб қолиши, чангларнинг хосил бўлишига ва ёқимсиз ҳидларнинг тарқалишига олиб келади. Чиқиндиҳоналар худудларида фильтрация эвазига ер ости сувларининг ифлосланиши билан бир қаторда, атмосферага ҳавонинг ифлосланишига олиб келувчи метан ва бошқа заҳарли газлар ташланади. Шу билан бирга, ҚМЧ тўплаш ва кўмиш вақтида барча қимматли моддалар ва компонентлар йўқотилади.


Муниципал чиқиндилаарни йигиш ва ташишда юзага келадиган қийинчиликлар ва етишмовчиликларга қуйидагилар киради:

- чиқиндилаарни олиб кетадиган маҳсус автомобилларнинг етишмаслиги, автотранспорт воситалари паркларининг эскирганлиги;
- контейнерлар билан етарли даражада таъминланмаганлик;
- корхоналар ва аҳоли томонидан чиқиндилаарни мўлжалланмаган худудларга ноқонуний олиб чиқиш ва йигиш;
- қаттиқ майший чиқиндилаарнинг хосил бўлиш меъёларининг эскирганлиги;
- чиқиндилаарни олиб чиқиб кетишга кам маблағ сарфланиб, чиқиндилаарни олиб чиқиб кетиш тарифига тўғри келмаслиги, чиқиндилаарни ташиш маҳсус транспорт ва техника воситаларини янгилаш имконини бермаяпти;

- аҳоли истиқомат қиласиган худудларда чиқиндиҳоналарнинг тартибсиз кўпайиши, уларни йўқ қилиш эса катта молиявий маблағни талаб этади.

Қаттиқ майший чиқиндилаарни саклашнинг асосий муаммолари:

- кўргина полигон-чиқиндиҳоналар майдонларидан лойиҳа муддатларидан кўпроқ фойдаланилди;



76-расм. Қаттиқ майший чиқиндилаар таркиби

- чиқиндиҳоналарнинг кўпи техник ва санитар хавфсизлик қоидаларига риоя этилмаган холда курилган;
- полигонларда эски маҳсус техникалар ишлатилиб, техника етишмайди;
- чиқиндиҳарни утилизация қилиш ва полигонларнинг техник холатини сақлаш учун етарли миқдорда маблағ ажратилмаслиги.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўгрисида»ги Қонуни лойихасининг янги таҳририда ер солигининг аниқ қиймати ҳамда ер ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик ҳолатларида – солик ставкаларини ошириш (жарима) масалалари кўриб чиқилмоқда.

Захарли чиқиндиҳар

Захарли чиқиндиҳарга, таркибида мишъяк, оғир металлар, аҳоли ўргасида ўтқир ёки узоқ муддат давом этадиган касалликларни келтириб чиқарадиган пестицидлар, тез аланга оладиган моддалар, хусусан, органик ва суюқ ёғли эритувчилар, шу жумладан, бўёқ қолдиқлари; коррозия келтириб чиқарувчи (рН 2 дан кам, 12,5 дан юкори) металл контейнерларни ва жонли тўқималарнинг бузилишига олиб келадиган чиқиндиҳар киради. Кимёвий фаол чиқиндиҳарга муддати тугаган препаратлар ва кислоталар кириб, мазкур препарат ва кислоталар ҳаво ва сувдаги мавжуд моддалар билан бирга кимёвий реакцияга киришиб портлаш ёки захарли моддаларнинг ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Шунингдек, радиоактив ёки патоген микроорганизмлар билан заарланган касалхона чиқиндиҳар аҳоли саломатлигига жиддий хавф солиши сабабли сўнгги йилларда мазкур



77-расм. Ўзбекистон Республикаси бўйича 2004 йилда захарли чиқиндиҳар ҳосил бўлиши, ишлатилиши ва сақланиши ҳажми, млн. т

22-жадвал. Хавфли чиқиндиҳар ҳосил бўлиши динамикаси (минг т)

| | 1998 | 1999 | 2000 | 2001 | 2002 | 2003 | 2004 | 2005 | 2006 | 2007 |
|-------------|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|
| 1-синф | 0,4 | 0,2 | 0,2 | 1,7 | 1,1 | 4,9 | 1,6 | 0,2 | 0,1 | 1,2 |
| 2-синф | 6,0 | 5,2 | 5,7 | 5,7 | 8,4 | 7,6 | 2,8 | 4,2 | 3,6 | 9,9 |
| 3-синф | 667,8 | 706,8 | 371,9 | 693,8 | 689,6 | 806,2 | 1416,3 | 6872,0 | 6875,33 | 37633,1 |
| 4-синф | 25764,7 | 26272,9 | 14068,9 | 27009,1 | 30666,2 | 32288,7 | 34306,8 | 33445,0 | 35320,1 | 2616,2 |
| Жами | 26438,9 | 26985,1 | 14446,7 | 27710,3 | 31365,3 | 33107,4 | 35727,5 | 40321,4 | 42199,1 | 40260,4 |

Изоҳ: 1-синф - гальваника ишлаб чиқариши чиқиндиҳар, симоб, хлороорганика, 6 валентли хром; 2-синф - нефть маҳсулотлари чиқиндиҳар, мишъяк, сульфат кислотаси; 3-синф - нефть-шлам чиқиндиҳар, мис, рух; 4-синф - асбест чиқиндиҳар, фтор, фосфор ва бошқалар.

муаммога алоҳида эътибор қаратилмоқда. Захарли чиқиндиҳарни қайта ишлаш экологик асосий муаммалардан бирига айланди.

Экологик индикаторлар маълумотлар базаси тўпламидан олинган ахборотга кўра, асосий хавфли чиқиндиҳарнинг ҳажми ўсмоқда (22-жадвал), лекин уларнинг озгина қисмигина зарарсизлантирилади ва қайта фойдаланилади (77-расмга қаранг).

Захарли чиқиндиҳарнинг кўп қисми Навоий, Тошкент, Жиззах вилоятларида ҳосил бўлади. Ушбу чиқиндиҳарнинг асосий қисми тўплаш учун мўлжалланган жойларга дастлаб қайта ишланмасдан юборилади.

Янги-Ангрен ИЭС (62,4 млн. т), Ангрен ИЭС (4,3 млн. т) саноат чиқиндиҳарни полигонларида ҳосил бўладиган кул-шлак чиқиндиҳарни йигилиб қолган бўлиб, мазкур чиқиндиҳар йил сайин 0,5 млн. тоннага кўпайиб, ушбу худудда маълум экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Шу билан бирга, Ангрен, Янги-Ангрен ИЭС ларида ҳосил бўладиган чиқиндиҳарни таркибига: Al_2O_3 – 7,5 %, TiO_2 – 0,5 %, SiO_2 – 64,3 %, MgO – 3,3 %, Fe_2O_3 – 2,8 %, Ba – 0,2 %, K_2O – 2,4 %, CaO – 8,4 %, Mn – 7,7 %, Na_2O – 4,0 % киради.

Кул-шлак чиқиндиҳарни таркибидаги келтирилган компонентлардан кўриниб турибдики, ушбу чиқиндиҳарни қайта ишлагандан иккиласми ресурсларни олиш учун юкори потенциалга эга. Энергетика, машинасозлик, озиқ ва енгил саноат каби иқтисодиёт тармоқларида ҳосил бўладиган чиқиндиҳар турли таркибга ва хавфлилик синфида эга.

Сўнгги йиллар мобайнида кул-шлак чиқиндиҳаридан цемент ишлаб чиқаришда фаол қўшимча сифатида оз миқдорда фойдаланилашти. Тошкент вилояти Ангрен шаҳрида жойлашган «Ekorecycling» ЁАЖ, «Ўзқурилишматериалари» АКлари бир неча йиллар мобайнида Ангрен ва Янги-Ангрен ИЭСларида ҳосил бўлган кул-шлак чиқиндиҳарнинг утилизацияси билан шуғулланиб келади. «Ekorecycling» ЁАЖ Навоий, Қувасой ва Бекобод цемент заводларига 2003 йилда 102 минг тонна кул-шлак чиқиндиҳарини етказиб берди (2004 йил – 115 минг тонна, 2006 йил – 125 минг тонна, 2007 йил – 156 минг тонна). Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ҳамда «Ўзбекистон темир йўллари» ДТАК (ГАЖК) «Ekorecycling» ЁАЖ-га кул-шлак чиқиндиҳарининг утилизациясида амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

«Аммофос» ОАЖ ишлаб чиқаришидан ҳосил бўладиган асосий чиқиндиҳар фосфо-

гипс ҳисобланади. Ушбу чикиндилаар шламтўплагичларнинг 1, 2, 3, 4 навбатларда жойлаштирилган. Шламтўплагичларнинг умумий майдони 254,61 гектар ерни ташкил этади. Шламтўплагичлар жойлашган худуд сувнинг шимилишига қарши экран билан ҳимояланган. Шламтўплагичларда йигилган фосфогипснинг умумий миқдори 1.10.2007 йил ҳолатига 62,5 млн. тоннани ташкил этади.

Фосфогипснинг йиллик ҳосил бўлиш даражаси ўсмокда, бу эса унинг шламтўплагичларда тўплани қолишига олиб келади. 2005 йилнинг ўзида 504,0 минг тоннадан ортиқ, 2006 йилда 604,2 минг тоннадан ортиқ, 2007 йил 9 ойда 499,1 минг тонна фосфогипс ҳосил бўлган.

Захарли химикатларнинг сакланнии ҳолати

1988-1989 йилларда қишлоқ хўжалик аэрордомлари ва пахта далаларида 2,7 минг тонна атрофида эгасиз пестицидлар, минерал ўғитлар ҳамда 200 минг дона захарли моддалар идишлари мавжудлиги аниқланган. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитасининг саъй-харакатлари билан бугунги кунда мазкур пестицидлар ва захарли химикатлар жойлардаги 13 та захарли химикатлар қабристонида сакланмоқда. Захарли моддалар кўмиш жойлари устидан давлат кадастри олиб борилади. Республика бўйича захарли моддалар кўмиш жойларида утилизация қилиш масалалари ҳал этилмаган, 14,3 минг тонна тақиқланган ва фойдаланиш муддати тутаган захарли химикатлар, 176,2 минг дона захарли моддалар идишлари сакланмоқда.

Бугунги кунда захарли химикатлар қабристонлари санитар меъёр ва коидаларга жавоб бермайди. Мазкур обьектлар «Қишлоқхўжаликкимё» худудий акционерлик жамиятларига бириктирилган. Хоразм вилояти, Янгиарик туманидаги захарли кимёвий моддалар қабристони яқинидан олинган тупроқ намуналари тахлиллари ўтказилганда, мазкур тахлиллар қудук сувларида, «Озерний» коллекторида дихлордифенил-трихлорметилметан ва гексахлоран изомерларининг мавжудлигини кўратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 апрель 06/1-282-сонли топшириғига асосан, «Ўзқимёсаноат» давлат акционерлик компанияси Хоразм вилояти Янгиарик туманидаги захарли кимёвий моддалар қабристонини 812,7 млн. сўмлик реконструкция қилиш лойиҳаси ишлаб чиқилган, давлат архитектура, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғликни саклаш вазирлиги экспертизасидан ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг давлат экзоэкспертизасидан ўтказилган. Реконструкция қилиш ишларини бошлиши учун молиялаштириш манбасини аниқлаш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ифлослантирувчи манбалар мониторинги Дастирга асосан, заҳарли кимёвий моддалар кўмиш жойлари ва қишлоқ хўжалик аэрордомлари атрофида доимий мониторинг олиб борилмоқда.

Симобли лампа ва ускуналарни утилизация қилиши


Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан заҳарли чикиндилаардан ҳисобланган симобли лампа ва ускуналарни утилизация қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамасининг «Таркибида симоб моддаси бўлган лампалар ва приборлардан фойдаланиш ва уларни фойдали равишда ишлатиш корхоналари фаолиятини тартибга солиш тўғрисида»ги 2000 йил 23 октябрда 405-сонли қарори қабул қилинган. Мазкур қарорнинг бажарилиши давомида Андижон, Фарғона, Навоий, Бухоро вилоятларида ва Тошкент шаҳрида симобли лампа ва ускуналарни утилизация қилиш корхоналари қурилган ва бугунги кунда фаолият олиб бормоқда. Сурхондарё вилоятида «Фартозаҳаво» илмий-ишлаб чиқариш корхонасининг симобли лампа ва ускуналарни утилизация қилиш шаҳобчаси очилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Чикиндилаар тўғрисида»ги Конунининг захарли чикиндилаарни утилизация қилиш қисмига асосан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг бевосита назорати ва мувоғиқлаштируви билан 2007

23-жадвал. Ўзбекистон Республикаси бўйича таркибида симоб бўлган лампа ва ускуналарни демеркузациялаш (дона)

| Йил | Жами демеркуризацияланди | Хусусан | | |
|------|--------------------------|-----------------|-------------------|--------|
| | | «ASP Selta» МЧЖ | «Экотиббиёт» ИИЧК | НКМК |
| 2001 | 36817 | | | 36817 |
| 2002 | 79622 | | 24000 | 55622 |
| 2003 | 356435 | 117063 | 25000 | 67626 |
| 2004 | 386080 | 150803 | 26244 | 51489 |
| 2005 | 394451 | 120748 | 42000 | 69905 |
| 2006 | 491525 | 181298 | 70000 | 130000 |
| 2007 | 554081 | 188765 | 81000 | 175222 |


78-расм. Таркибида симоб бўлган лампа ва ускуналарни утилизациялаш



24-жадвал. Ўзбекистон Республикаси вилоятлари бўйича таркибида симоб бўлган лампа ва ускуналарни демеркузациялаш (дона)

| Вилоят номи | 2004 | 2005 | 2006 | 2007 |
|------------------------------|---------------|---------------|---------------|---------------|
| Қорақалпогистон Республикаси | | | 58 | 204 |
| Андижон | 26244 | 24589 | 36442 | 41152 |
| Бухоро | 14000 | 80304 | 55056 | 18100 |
| Жиззах | 4186 | 1796 | 4019 | 1600 |
| Қашқадарё | 1120 | 9400 | 18027 | 15900 |
| Навоий | 50233 | 62405 | 130000 | 175222 |
| Наманган | 592 | 6010 | 25012 | 18748 |
| Самарқанд | 13155 | 13616 | 15594 | 10134 |
| Сурхондарё | | 625 | 150 | |
| Сирдарё | | | 1559 | 1963 |
| Тошкент | 65500 | 27880 | 66828 | 52334 |
| Фарғона | 55217 | 84760 | 32460 | 82259 |
| Хоразм | | | 1784 | 3500 |
| Тошкент ш. | 19833 | 83066 | 104536 | 132965 |
| Жами | 386080 | 394451 | 491525 | 554081 |

79-расм. 2004-2007 йилларда Ўзбекистон Республикаси вилоятлари бўйича таркибида симоб бўлган лампа ва ускуналарни демеркузациялаш (дона)



Йилда «ASP Selta» (Тошкент шаҳри), «Экотибиёт» (Андижон шаҳри), «Фартозаҳаво» илмий-ишлаб чиқариш корхоналари, «Сетора» текстиль комбинати (Бухоро шаҳри), Навоий төғ-кон металлургия комбинат (Навоий) ларида 554,1 минг дона ишдан чиққан симобли лампа ва ускуналарнинг демеркузацияси олиб борилди.

Тошкент шаҳрида «ASP Selta» ОАЖ маълумотларига кўра 2003 йилда демеркузация учун 117,1 минг дона симобли лампа (ЛБ, ЛД, ДРЛ) ва ускуналар, 2004 йил – 150,8 минг дона, 2005 йил – 120,8 минг дона, 2006 йил – 181,3 минг дона, Андижон шаҳридаги «Экотибиёт» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси берган маълумотларига кўра эса, 2002 йилда демеркузация учун 24,0 минг дона симобли лампа ва ускуналар олиб келинган бўлса, 2003 йил – 25,0 минг дона, 2004 йил – 26,2 минг дона, 2005 йил

– 42,0 минг дона, 2006 йил – 70,0 минг дона ва 2007 йил – 81 минг дона олиб келинган.

Хозирда Қорақалпогистон Республикасида саноат юқори суратларда ривожланаётганлиги сабабли мазкур худудда симобли лампалар ва ускуналарни демеркуризация қилиш корхонасини ташкил этиш масалаларини ҳал этишин тезлаштириш зарур. «ASP Selta» МЧЖ техник кўрсатчиларига кўра, яқин ва узоқ ҳориж мамлакатларидаги ўхшащ корхоналардан юқори ўринда туради. У Ўзбекистон Республикаси патентига эга. Бу ерда яратилган технология 1998 йил Манилада ўтган «Умумсаломатлик» биринчи бутунжаҳон кўргазмасида олтин медални кўлга киритган. 1999 йилда эса Болгария пойтахти Софияда бўлиб ўтган «Шарқ-Фарб-ЕвроГенелект» кўргазмасида олтин медалга лойик деб топилган.

Республикада шифохона, поликлиника, институт, коллеж, академик лицей, мактаб, болалар боғчаси ва бошқа бюджет ташкилотлари фаолият юритади. Уларда ҳам симобли лампа ва ускуналарни утилизация қилиш бўйича зарур муаммолар ҳал этиш лозим.

Тиббиёт чиқиндилари

Тиббиёт чиқиндилари ўзидан қатор жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Мазкур чиқиндиларнинг ҳажми йирик бўлмасада (2005 йилда тахминан 21,4 минг тоннага яқин чиқиндилар ҳосил бўлган), аммо инфекцияларнинг тез тарқалишига, эпидемиологик холатнинг ёмонлашувига, ўз навбатида атроф-мухитнинг ифлосланишига муҳим омил бўладиган жиддий хавф-хатарни юзага келтиради. Бутунжаҳон соғлиқни саклаш ташкилоти 1979 йилнинг ўзидаёқ тиббиёт чиқиндиларини хавфли чиқиндилар гурӯхига киритиб, уларни қайта ишлаш учун маҳсус хизматлар ташкил этиш заруриятини кун тартибига кўйди. 1992 йилдаги Базель конвенциясига мувофиқ 45 турдаги хавфли чиқиндилар ажратилган бўлиб, чиқиндилар рўйхатини клиник чиқиндилар очади.

Ўзбекистонда тиббиёт чиқиндиларини йиғиши, ажратиши, зарарсизлантириши, ташиши ва қайта ишлаш муаммолари бўйича схема ва ўйриқномаларни ишлаб чиқиши босқичида турибди. 2007 йил 1 январь холатига кўра 3406 та чиқиндиларни ёкиш печлари мавжуд бўлиб, улардан фаолият кўрсатадиган сил касаллигини даволаш жойларидан иккитасида Тошкент ва

25-жадвал. 2004-2007 йилларда Ўзбекистон Республикаси даволаш-профилактика мұассасаларидан тибий чиқиндилаарнинг олиб чиқилиши

| Нұғуд номи | Амбулатория ва поликлиникалар сони | | | | | | Стационарлар сони | | | | | | Олиб чиқылған чиқиндилаар хажмалари мөндори (төнна) | Муфель пеңчлары сони (бір.) | | |
|------------------------------|------------------------------------|-------------|-------------|-------------|-------------|------------|-------------------|-------------|----------------|----------------|----------------|----------------|---|-----------------------------|-------------|-------------|
| | 2004 | 2005 | 2006 | 2007 | 2004 | 2005 | 2006 | 2007 | 2004 | 2005 | 2006 | 2007 | | | | |
| Қоракалпоғистон Республикаси | 284 | 273 | 276 | 276 | 87 | 72 | 72 | 72 | 2163,4 | 2231,1 | 2292,6 | 2186,5 | 116 | 123 | 145 | 145 |
| Андижон вилойти | 394 | 428 | 465 | 465 | 74 | 73 | 73 | 73 | 2813,6 | 2996,9 | 309,4 | 2485,6 | 261 | 284 | 381 | 390 |
| Бухоро вилойти | 388 | 396 | 401 | 409 | 38 | 37 | 35 | 45 | 1567,6 | 1573,5 | 1584,9 | 1368 | 29 | 32 | 42 | 42 |
| Жиззах вилойти | 180 | 185 | 183 | 202 | 68 | 59 | 59 | 68 | 200,9 | 205,9 | 203,9 | 200,8 | 76 | 140 | 193 | 193 |
| Кашкадарё вилойти | 791 | 791 | 791 | 374 | 93 | 93 | 93 | 87 | 359,2 | 367,2 | 375,6 | 256,2 | 708 | 740 | 763 | 461 |
| Навоий вилойти | 42 | 42 | 34 | 210 | 28 | 33 | 16 | 53 | 2333,6 | 2868,3 | 2479,9 | 535,4 | 35 | 38 | 50 | 50 |
| Наманган вилойти | 242 | 252 | 265 | 265 | 102 | 106 | 109 | 114 | 435,5 | 489,1 | 439,7 | 473,8 | 295 | 337 | 374 | 374 |
| Самарқанд вилойти | 336 | 361 | 380 | 416 | 98 | 98 | 98 | 99 | 101,2 | 108,2 | 117,4 | 119,8 | 335 | 378 | 406 | 406 |
| Сурхондарё вилойти | 280 | 281 | 290 | 295 | 76 | 76 | 75 | 96 | 584,6 | 595,7 | 651,7 | 1214,8 | 233 | 278 | 345 | 345 |
| Сирдарё вилойти | 158 | 165 | 168 | 173 | 36 | 38 | 38 | 34 | 1270,5 | 1257,5 | 1257,5 | 1294 | 133 | 160 | 194 | 194 |
| Тошкент вилойти | 111 | 111 | 111 | 104 | 104 | 104 | 104 | 767 | 793 | 806 | 1020,5 | 5 | 8 | 12 | 12 | 13 |
| Фарғона вилойти | 353 | 391 | 421 | 434 | 99 | 99 | 103 | 100 | 2163,2 | 2213,6 | 2252,3 | 2831,2 | 198 | 221 | 301 | 301 |
| Хоразм вилойти | 192 | 196 | 202 | 185 | 49 | 49 | 60 | 2825,9 | 3199,6 | 3254,2 | 1387,5 | 142 | 179 | 200 | 200 | 162 |
| Тошкент ш. | 168 | 157 | 131 | 242 | 53 | 52 | 48 | 29 | 2521,1 | 2468,2 | 2222,4 | 2272,5 | | | | |
| Жами | 3919 | 4029 | 4118 | 4057 | 1005 | 989 | 972 | 1034 | 20107,3 | 21367,8 | 18247,5 | 17646,6 | 2566 | 2918 | 3406 | 3500 |

Нұкус шаҳарларда фактат печлар жиҳозланған (25-жадвалга ва 80-расмга караң).

Республика худудида санаот, маиший ва тибиёт чиқиндилаар билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги чиқиндилаар ҳосил бўлиб, уларнинг қаторига пахтачилик (ғўзапоя, шрот, ўсимлик массаси колдиқлари) ва чорвачилик (гўнг, озиқ массасидан қолган қолдиқлар ва тўшама материаллар) чиқиндилаарни келтириш мумкин.

Саноат, тиббий-биологик ва аграр чиқиндилаарни кўмиш полигонларининг мавжуд эмаслиги асосий муаммолардан бири бўлиб, улардан ҳосил бўладиган чиқиндилаарнинг бир қисми ноқонуний тарзда ҚМЧ тўпланадиган полигонларга кўмилади. Шу билан бирга, у ерда чиқиндилаарнинг атрофмухитга таъсири мониторинги ўтказилмайди ҳамда уларни кўмиш ва заарсизлантириш технологияларига риоя этилмайди.

Ўзбекистон Республикасида каттиқ маиший чиқиндилаарни йигиш ва полигонларига олиб боришини санитар тозалаш ва ташиш корхоналари амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси вилоятлари бўйича каттиқ маиший чиқиндилаарни тўплаш ва олиб чиқиши ҳақида маълумот 1996-2006 йиллар учун 26-жадвал ҳамда 81-расмда келтирилган.

Чиқиндилаарни қайта ишлаш ва утилизация қилиш соҳаси бўйича долзарб илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан амалга оширилади. Хусусан, 2007 йилда илмий-тадқиқот ишлари куйидаги мавзулар бўйича олиб борилди:

- цемент чангини мажмумавий ўғитга қайта ишлаш технологияларини ишлаб чиқиш;

- газли чиқиндилаарни кул ва шлакли чиқиндилаар ёрдамида олтингугурт диоксидидан кимёвий- каталитик-адсорбцияли тозалаш;

- конверсион фосфор кукунини корбонат ангидрид газига утилизация қилиш.

27-жадвал. Ўзбекистон Республикасида чиқиндилаар қўмиладиган жойлар бўйича маълумот (01.01.2008 йил ҳолати бўйича)

| | Қаттиқ майший чиқиндиҳоналар сони | Шламотўплагичлар сони | Кулшлак тўплагичлар | Чиқиндилаарни тўплаш полигонлари | Захарли химиқатлар қабристонлари |
|------------------------------|-----------------------------------|-----------------------|---------------------|----------------------------------|----------------------------------|
| Қоракалпогистон Республикаси | 17 | | | | 1 |
| Андижон | 14 | | | 1 | 1 |
| Бухоро | 14 | 1 | | 1 | 1 |
| Жиззах | 10 | | | 1 | 1 |
| Қашқадарё | 17 | | | 1 | 1 |
| Навоий | 9 | 2 | | 10 | 1 |
| Наманган | 12 | 2 | | 1 | 1 |
| Самарқанд | 13 | 2 | | 1 | 1 |
| Сурхондарё | 17 | 6 | | | 1 |
| Сирдарё | 9 | | | | 1 |
| Тошкент в. | 19 | 4 | 2 | 4 | 1 |
| Фарғона | 15 | 4 | 2 | 2 | 1 |
| Хоразм | 9 | | | | 1 |
| Жами | 175 | 21 | 4 | 22 | 13 |

қўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастрини юритувчи ваколатли орған хисобланади. 2007 йил давлат кадастрини юритиш натижаларига кўра қаттиқ майший чиқиндилаарни қўмиш ва утилизация қилиш жойлари сони – 175 та, шламтўплагичлар – 21 та, кулшлактўплагичлар – 4 та, маъданларни қайта ишлаш жараённида ҳосил бўладиган чиқиндилаар тўпландиган жойлар (хвостохранилиш) ва полигонлар – 22 та, захарли кимёвий воситалар қўмиш жойлари – 13 та (27-жадвал).

5.3 Чиқиндилаарнинг ҳосил бўлиши, жойлаштирилиши, утилизацияси ва қайта ишлаш жараёнларида табиий ресурслардан фойдаланишининг меъёр ва қоидаларга риоя этилиши устидан давлат назорати

Чиқиндилаарнинг ҳосил бўлиши, жойлаштирилиши, утилизацияси ва


28-жадвал. 2001-2007 йилларда Ўзбекистон Республикасида майший чиқиндилаарни бошқариш бўйича давлат назорати

| Вилоят номи | Жавобгарликка тортилган мансабдор шахслар ва фуқаролар, нафар | | | | | | | Жарима ундирилди, минг сўм | | | | | | |
|------------------------------|---|------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|----------------------------|---------------|---------------|---------------|--------------|--------------|--------------|
| | 2001 | 2002 | 2003 | 2004 | 2005 | 2006 | 2007 | 2001 | 2002 | 2003 | 2004 | 2005 | 2006 | 2007 |
| Қоракалпогистон Республикаси | 85 | 105 | 98 | 63 | 79 | 90 | 73 | 214,9 | 392,4 | 426,4 | 442,9 | 566,8 | 691,8 | 751,8 |
| Андижон | 134 | 117 | 192 | 168 | 123 | 97 | 118 | 339,9 | 769,2 | 1564 | 1286 | 1205,6 | 1206,8 | 1805,5 |
| Бухоро | 156 | 123 | 152 | 135 | 140 | 60 | 110 | 524,6 | 551,4 | 883,6 | 1177 | 1581,2 | 835 | 2120,7 |
| Жиззах | 79 | 69 | 64 | 45 | 93 | 72 | 247 | 185,4 | 337 | 334,4 | 247,1 | 654,7 | 730,4 | 4141,3 |
| Қашқадарё | 68 | 71 | 24 | 37 | 104 | 53 | 217 | 319,6 | 381,4 | 123,4 | 266,5 | 798,7 | 701,2 | 2258,3 |
| Навоий | 10 | 19 | 45 | 15 | 20 | 103 | 105 | 27,4 | 90,46 | 290,5 | 153,1 | 189,4 | 969,6 | 1440,6 |
| Наманган | 65 | 160 | 389 | 301 | 320 | 323 | 325 | 203,5 | 335,8 | 706,5 | 756 | 778,1 | 909,4 | 2279 |
| Самарқанд | 11 | 34 | 23 | 71 | 59 | 131 | 139 | 33,5 | 171,7 | 197,3 | 524,7 | 563,9 | 1485,6 | 2234 |
| Сурхондарё | 24 | 35 | 83 | 194 | 240 | 263 | 223 | 88,5 | 223,4 | 630,3 | 1326 | 2137,8 | 2838,2 | 3452,1 |
| Сирдарё | - | - | 1 | 52 | 33 | 22 | 24 | - | - | 5,4 | 466,4 | 308,2 | 280,9 | 394,6 |
| Тошкент | - | - | 4 | 24 | - | 39 | 215 | - | - | 14,51 | 141,4 | - | 384,5 | 2908,2 |
| Фарғона | 47 | 29 | 65 | 94 | 102 | 163 | 372 | 146,2 | 157 | 521,9 | 572,7 | 838,8 | 550,3 | 1720,3 |
| Хоразм | 26 | 46 | 21 | 35 | 32 | 54 | 39 | 39,7 | 79,73 | 43,65 | 80,22 | 89,4 | 218 | 212,5 |
| Тошкент ш. | 90 | 26 | 40 | 49 | 102 | 103 | 184 | 146,7 | 59,69 | 76,19 | 107,5 | 291,8 | 387 | 1048,5 |
| Жами: | 795 | 834 | 1201 | 1283 | 1447 | 1573 | 2391 | 2270 | 3549,2 | 5828,1 | 7547,5 | 10004 | 12189 | 26767 |


29-жадвал. 2001-2007 йилларда Ўзбекистон Республикасида саноат чиқиндиларини бошқариш бўйича давлат назорати

| Вилоят номи | Жавобгарликка тортилган мансабдор шахслар ва фуқаролар, нафар | | | | | | | Жарима ундирилди, минг сўм | | | | | | |
|------------------------------|---|------|------|------|------|------|------|----------------------------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|
| | 2001 | 2002 | 2003 | 2004 | 2005 | 2006 | 2007 | 2001 | 2002 | 2003 | 2004 | 2005 | 2006 | 2007 |
| Корақалпогистон Республикаси | 25 | 14 | 13 | 38 | 22 | 55 | 76 | 74 | 70,51 | 62,58 | 147,9 | 155,4 | 663,7 | 1828,5 |
| Андижон | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - |
| Бухоро | - | 10 | 18 | - | 16 | 15 | 45 | - | - | 116,9 | 99,01 | 112,3 | 157 | 711 |
| Жиззах | 3 | 1 | 18 | - | 48 | 40 | 56 | 9,8 | - | 4,53 | 145,8 | 557,8 | 583,4 | 1117,8 |
| Қашқадарё | - | 22 | 24 | - | 28 | 8 | 10 | 5,5 | - | 117,8 | 260,8 | 381,7 | 208,8 | 350,9 |
| Навоий | 68 | 62 | 53 | 45 | 41 | 94 | 75 | 247,9 | 391,9 | 383,3 | 407 | 486,4 | 1843,6 | 1829,3 |
| Наманган | 155 | 129 | 205 | 209 | 217 | 206 | 208 | 847,5 | 1085 | 1924 | 1799 | 2067 | 2862 | 2441,5 |
| Самарқанд | 17 | 45 | 57 | 35 | 48 | 36 | 53 | 108,4 | 425,8 | 644,2 | 471,5 | 885,9 | 733,2 | 1293,1 |
| Сурхондарё | 57 | 79 | 92 | 47 | 29 | 11 | 59 | 193,2 | 494,2 | 847,7 | 502,6 | 330,4 | 165,4 | 1273 |
| Сирдарё | 34 | 36 | 23 | - | - | - | 1 | 115,1 | 171,1 | 170,7 | - | - | - | 12,4 |
| Тошкент | 34 | 35 | 55 | 31 | 101 | 31 | 36 | 70,2 | 192,9 | 464 | 302,2 | 1279,8 | 425,3 | 879,2 |
| Фарғона | 36 | 18 | 34 | 38 | 69 | 99 | 160 | 111,3 | 97,11 | 313,7 | 372 | 740 | 1505,4 | 1565 |
| Хоразм | 103 | 98 | 136 | 78 | 102 | 45 | 62 | 336,1 | 510,3 | 1063 | 569,3 | 760,1 | 503 | 1065,2 |
| Тошкент ш. | 255 | 235 | 221 | 267 | 171 | 180 | 337 | 780,1 | 1273 | 1630 | 2128 | 1767,9 | 2787,2 | 6851,2 |
| Жами: | 787 | 784 | 949 | 788 | 892 | 820 | 1178 | 2899 | 4711,8 | 7742,4 | 7205,1 | 9505 | 12438 | 21218 |

82-расм. Жавобгарликка тортилган мансабдор шахслар ва фуқаролар, нафар



қайта ишлаш жараёнларида табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини, меъёр ва қоидаларни бузгандик учун 2001-2007 йилларда 795 нафардан 2391 нафаргача мансабдор шахслар ва фуқаролар маъмурий жавобгарликка тортилган. Мазкур йиллар давомида улардан 2369,8 минг сўмдан 26767,5 минг сўмгача миқдорида жарима ундирилган (28, 29-жадваллар ва 82, 83-расмлар).



83-расм. Ундирилган жарималар

VI. Минерал-хом ашё ресурсларидан фойдаланиш ва ер ости бойликларини мухофаза қилиш

6.1. Ўзбекистон Республикаси минерал-хом ашё базаси

Хукуматнинг қўллаб-куватлаши ва геологларнинг саъй-ҳаракатлари билан мамлакатда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти тараққиётининг негизига айланган ўзига хос минерал-хом ашё базаси яратилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда 1800 дан ортиқ конҳамда тахминан 1000 га яқин истиқболли қазилма бойликлари ҳосил бўлган, 118 турдаги минерал хом ашё мавжуд бўлиб, шундан 65 тури ўзлаштирилмоқда. 1500 дан ортиқ кон разведка қилинди, шу жумладан, 188 та нефть, газ ва конденсат; 48 та нодир металл, 43 та рангли, ноёб ва радиоактив металл; 5 та қора металл; 3 та қўмур; 37 та тоғ-кон рудаси, 22 та тоғ-кон кимё ва 30 та рангдор тош хом ашёси; 525 та турли хилдаги курилиш материаллари ҳамда 357 та чучук ва минерал ер ости сувлари манбалари мавжуд. Разведка қилинган конларнинг 40 фоизидан ортиғи ўзлаштиришга жалб қилинган.

Республикада 400 дан ортиқ руда, шахта, карьер ва нефтгазсаноати ва бошқа корхоналар, 450 та атрофида сув чиқариш корхоналари, бальнеологик шифохона ва касалхоналар, шифобаҳаш ва шифобаҳаш-истеъмол сувларини қуийиш цехлари ва заводлари фаолият юритади. Нодир, рангли металлар, уран ва ноёб элементлар рудаларини қазиб олиш бўйича республикадаги етакчи корхоналар – Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари саналади. Ишлаб чиқаришга тайёрланган минерал хом ашё заҳиралари ҳатто иш қувватлари оширилган тақдирда ҳам мавжуд комплексларни узок муддатларга иш билан таъминлаш имконини беради. Разведка қилинган конларнинг аксарият қисми рудаларни бойитишнинг нисбатан оддий технологиясини қўллаган ҳолда очик усулда ишланиши ва жаҳон бозорида юксак талабга эга бўлган фойдали компонентлари кўп даражада ажратиб олиниши имконини беради. Нодир, рангли ва бошқа металлар рудаларида кўшимча компонентлар сифатида конлар қимматини анча оширадиган ноёб ва кам учрайдиган элементлар катта заҳиралари жамланган.

Олтиннинг тасдиқланган заҳиралари бўйича республика дунёда биринчи бешталикка киради, қазиб олиш даражаси бўйича эса тўққизинчи ўринни эгаллайди. Учта тоғ-кон иқтисодий худуди – Қизилкум (Мурунтоғ, Мутенбой, Триада, Басапантоғ, Амантайтоғ, Кокпатас, Доугизтоғ ва бошқалар), Нурота (Зармитон, Гужумсой, Сармиш, Биран, Маржонбулоқ ва бошқалар) ва Тошкентбўйи (Кочбулоқ, Қайрағоч, Қизилолмасой, Каулди, Пирмировб, Гузаксой ва бошқалар)да жойлашган туб конлар асосий аҳамият касб этади. Ўзбекистоннинг келажакдаги истиқболлари – разведка қилинган конлар билан чекланмайди – республиканинг башорат қилинган ресурслари разведка қилинган заҳиралардан икки

баравар кўпроқдир. Тармоқнинг олтин излашга қаратилган геология-қидирув ишлари ҳажмининг (60 фоиздан кўпроқ) оширилиши унинг заҳираларини камайиш-ўсиш суръатларини тўхтатиш имконини берди. 2000 йилдан бошлаб улар ўсиб борди ва ҳозир қазиш даражасига етказилди.

Ўзбекистонда башорат-қидирув ва геология разведка ишларини 2015 йилдан бошлаб, олтин заҳиралари ўсишини таъминлайдиган 40 та янги истиқболли майдонларни ўрганиш ҳисобига кенгайтириш мўлжалланган. Бутун дунёга машхур Мурунтоғ штокверк олтин-кварц кони Евроосиё материgidаги энг ийрик кон ҳисобланади. Мурунтоғ карьери улкан обьект бўлиб, унда Ўзбекистон олтиннинг кариб 80 фоизи қазиб олинади. Карьер ишлаган йиллар давомида бу ерда 300 млн. тоннадан ортиқ таркибида меъёрда олтин бўлган минераллашган масса ҳосил бўлиб, у сўнгги 10 йил давомида зич ишкорли ювиш орқали қайта ишланди. Худди шундай яна бир комплекс Марказий Қизилкумдаги Кокпатас кони негизида ишламоқда, бу ерда 40 тоннадан ортиқ олтин ишлаб чиқилди. Марказий Қизилкумдаги Даугизтоғ ва Амантайтоғ олтин-сульфид конларининг тасдиқланган олтин заҳираси 300 тоннага етади. «Амантайтоғ Голдфилдс» КК ҳар йили 4 тоннагача олтин ишлаб чиқаради. Навоий вилоятида Ажигутут нураш қатламида ноанъанавий турдаги олтин руда кони разведка қилинди ва очилди. Саноат олтин кони 20 дан 75 м гача чукурликда оксидлаш ҳудудида жойлашган. Объект заҳиралари ўнлаб тонна олтинни ўз ичига олган. Зармитан, Гужумсой ва янги обьект – худди ўша руда майдони олтин-кварц конлари, шунингдек Қизилолмасой ва Кочбулоқ олтин-сульфид-кварц конлари истиқболлари кўпаймокда. Сўнгги йилларда Қизилкумда заҳиралари ўнлаб тоннани ташкил киладиган Булуткон, Балпантон, Аристантон, Турбой конлари аниқланди ва ўрганилмоқда.

Республика ҳудудида кумуш заҳираси 26 та конда ҳисобга олинди. Заҳиранинг асосий миқдори (80,4 фоизи) Қалмакир ва Даънине (32,9%), Учқулоҷ (8,6%), Ҳондиза (12,2%) комплекс конлари, Кочбулоқ (3,3%), Қизилолмасой (5,3%), Мурунтоғ олтин руда конлари ва бошқа обьектлар (18,2%) ҳамда Високовольтное (11,5%), Косманачи (6,1%), Окжетпес (2%) бевосита кумуш конларига тўғри келади. Уран заҳираси ва қазиб олиниши бўйича Ўзбекистон дунёning етакчи ўнлигига киради. Ўзлаштирилган заҳираларни қайта ишлаш самарали экологик ер остини ишкорли ювиш усулида амалга оширилади. Уран билан қўшимча равишда рений, скандий, селен, ноёб ер элементлари қазиб олиниши мумкин. Умумий миқдори 100 минг тоннага етган уранинг тайёрланган заҳираси ва катта истиқболлар, шунингдек қўлланилаётган илгор технологиялар кон-металлургия комплекси ишини

камида 20 йиллик иш билан таъминлайди. Республикада рангли, ноёб ва тарқоқ металлар йирик базаси ташкил қилинди, булар бевосита ва комплекс конларни қамраб олади. Миснинг катта заҳиралари (17 млн. тоннадан ортиқ) Олмалиқ кон-руда комплекси мис-порфирсимон конларида жамланган. 50 йилдан ортиқ даврда ер остидан барча заҳираларнинг атиги 20%га якини қазиб олинган. Фаолият юритаётган карьер, ишлаб чиқариш қуввати йилига 30 млн. тонна руда бўлган бойитиш фабрикаси, металлургия заводини қамраб олган барча зарур инфратузилманинг мавжудлиги рудани ишлаб чиқариши анча кўпайтириш имконини беради. Олмалиқ конларида мисдан ташқари олтин, кумуш, олtingурут, теллур, селен, ренийнинг йирик заҳиралари жамланган, бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ялпи қийматининг 40%дан ортигини ташкил қиласи.

Республика худудида маълум бўлган (Лангар, Ингичка, Қайтош, Яхтон, Саргардон ва бошқа) вольфрам рудаси конларидан ташқари Сиритоғ ва Саутбой конлари ҳам аникланган. Вольфрамни Мурунтоғ ва унинг кўшни манбаларидан ажратиб олиш, шунингдек Саутбой ва Саритоғ, Турбой, Олтитоғ, Ауминза-Белтоғ руда туманларида конларда башорат қилиш ва изланган ишларни кучайтириш орқали вольфрам ҳом ашё базасини мустаҳкамлаш мумкин.

Кўрошин ва рух конлари учта саноат турида тақдим қилинган: карбонат жинсларида кўрошин-рух стратиформ тури (Учкулоч, Кўлчўлоқ), вулқонли жинсларида скарн-кўрошин-рух (Кўрошинкон, Кумушкон) ва вулқон жинсли колчедан-полиметалл (Хандиза ва бошқалар) турлари. Кўрошин ва рухнинг ўзлаштирилган заҳиралари Учкулоч (3 млн. тоннадан ортиқ) ва Хандиза (700 минг тоннадан ортиқ) конларида жамланган. Хандиза конида кўрошин ва рух билан бирга мис, кумуш, кадмий, селен, олтин, индий топилган. Тошкент вилояти Шавазсой литет кўмир туфоалевролит вулқонли конида 120 минг тоннадан ортиқ ҳажмда литий икки оксиди топилиб, ундан литий ажратиб олиш мумкин. Унга қўшимча компонентлар сифатида 3,2 минг тонна цезий оксиди ва 8,9 минг тонна рубидий оксиди аниқланган. Конни карьер усулида қайта ишлаш мумкин. Рудаларни қайта ишлаб, 78% литий тузи ажратиб олиш ва бунга қўшимча равишда калий ва натрий сульфатлари ишлаб чиқариш ҳамда ишлаб чиқарилган цементни қолдиклар билан бойитиш ўйли орқали деярли чиқитсиз технология ишлаб чиқилган. Мамлакатда ўйлаб темир руда конлари топилган. Қорақалпоғистон габброидларидаги Тебирбулоқ титанмагнетит кони Уралдаги Качканар конига ўхшаши. Унинг заҳираси 68 млн. тонна металлга баҳоланди. Жиззах вилоятидаги Темиркон гематит-магнетит ва магнетит рудалари темир вулқонли-қолдик конининг хисобланган заҳираси 35,5 минг т темирга тенг. Тошкент вилоятидаги заҳираси қарийб 25,3 млн. тонна темир бўлган Суренотин скарн-магнетит кони ўрганилмоқда. Республика худудида марганецнинг кўп сонли манбалари топилган. Умумий ресурслари микдори 15 млн. тонна дан ортиқ бўлган Даутош, Қизилбайроқ, Тахтакарача ва бошқа пласт конлари энг кўп ўрганилган. Зарафшон ва Ҳисор тизма-

ларидаги марганец полосасини охиригача ўрганиш керак. Қизилқумда нураш катламида (Алисой, Оқсой ва бошқалар) марганец конининг мамлакатимиз учун янги тури аниқланди. Ёнувчан сланецлар нефть маҳсулотлари ва қатор рангли ва ноёб металлар олиш учун ҳом ашё бўлиши мумкин. Уларни ўрганиш даврида Сирдарё ва Амударё икки ҳавзасида сланец манбаларини башоратлаш амалга оширилган, уларнинг чегараси кўшни давлатлар – Тожикистон, Туркманистон, Қозогистонга бориб тақалади, бу улкан ресурслар мавжудлигидан далолат беради, дастлабки баҳоларга қараганда заҳира 93 млрд. тоннага тенг, шундан 47 млрд. тоннаси Ўзбекистонга тегишли, бу хисоб-китоблар 350 м чукурликкача олиб борилди. Жанубий ва Фарбий Ўзбекистон худудида Бойсун, Жом, Ўртабулоқ, Сангронтоғ, Оқтоғ, Учкир, Кулбеш-как конлари заҳиралари баҳоланган.

Республика нометалл фойдали қазилмаларнинг катта ресурсларига эга. Бу мамлакат фойдали қазилмаларининг кенг ва хилма-хил турухи бўлиб, улардан Ўзбекистон иқтисодиётида кенг кўлланилади. Буларга (70 турдан ортиқ), асосан, кон-руда ва кон-кимё ҳом ашёси, агрорудалар, шиша-сопол ҳом ашёси, қурилиш материаллари конлари киради. Ҳом ашёси турли саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларини тозалаш учун сорбент сифатида ишлатиладиган кўп сонли конлар, шунингдек абразив материаллар манбалари мавжуд. Безатувчи, яримкиммат ва кам учрайдиган қимматбаҳо тошларнинг турли хиллари учрайди. Минераллашган ер ости сувлари, шу жумладан қўшимча газ-нефть манбаларидан олинадиган гидроминерал ҳом ашё (йод, бром ва бошқалар) ҳам кейинчалик ўрганиб чиқилиши керак. Мисол тарикасида баъзи ҳом ашё турлари конларининг қисқача тавсифини келтирамиз.

Марказий Қизилқумда, Марокаш турига якин бўлган қатор фосфоритлар конлари очилган. Жерой-Сардор конининг таҳминан 88 млн. т ни ташкил қиладиган фосфор ангидриди заҳиралари ишланмоқда, коннинг башорат қилинган ресурслари – 100 млн. т га тенг. Фосфор ангидридининг умумий заҳираси 33,5 млн. т бўлган Қоракатин ва Шимолий Джетимтау конлари аникланган ва турли даражада тадқиқ қилинган.

Графит. Ўзбекистонда графитнинг 30 дан ортиқ қўриниши топилди. Навоий вилоятида тадқиқ қилинган заҳираси 2,3 млн. т бўлган Тасқазган кони саноат жиҳатидан эътиборга молик. Республика таркибида калий бўлган ўғитлар ишлаб чиқариш учун ҳом ашё базасига эга – бу Тубегатан калий тузлари конидир. Унинг ўрганилган заҳиралари 686 млн. т ни ташкил қилади, таркибидаги хлорли калий микдори 36,8 фоизга тенг. 96-97 фоизли хлорли калий концентратини ажратиб олиш ва бунга қўшимча равишида ош тузи олиш имкони мавжуд. Тошли туз кони заҳиралари (Жанубий Ўзбекистондаги Хўжакин, Тубегатан, Байбичекан, Қорақалпоғистон Республикасида Оққалья конлари) 90 млрд. т га баҳоланган. Борсакелмас туз кони ва Жамансой оҳактош кони негизида 270 минг т кальцийлаштирилган ва 100 минг т каустик сода ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган Кўнгирот сода заводи фаолият юритмоқда. Карма-

на кварц-полевошпат құмлари конининг захираси 45 млн. т, ресурслари 35 млн. т бўлиб, бу бутун Ўтра Осиё минтақасидаги барча чинни, шиша ва кулолчилик корхоналарини олий навли хом ашё билан таъминлаш имконини беради. Республикада бетонит, таркибида бетонит бўлган гил, глауконитни ўрганиш ва қўллаш бўйича геология-тадқиқот ва илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу моддаларни қўллаш тупроқ ҳосилдорлигини оширади. Топилган (Арабдашт, Хаудаг, Азкамар ва бошқа) хом ашё конларининг ресурслари жуда катта.

Курилиш материаллари. Ўзбекистон худудида гишт, цемент, керамзит хом ашёси, кесиладиган тош, гипс, оҳактош, бетонни тўлдирувчи ва бошқаларнинг 500 дан ортиқ кони мавжуд бўлиб, улар негизида бетонни енгил тўлдирувчи, иссиқликни сакловчи, боғловчи, том ёпиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича корхоналар, шунингдек кулолчилик комбинатлари ва шиша, асбоцемент трубалар ишлаб чиқарадиган заводлар ишламоқда. Мамлакат ва хорижда ўзбек безаш ва қоплаш тошлари – гранит, габбро, мармар кенг танилган. Ўзбекистон иқтисодиёти курилиш материаллари баланс захиралари билан етарлича таъминланган.

Рангдор тошлар хом ашёси. Республикада турли хил кам учрайдиган, баъзида эса ноёб рангдор тошлар, минераллар ва тог жинслари кенг тарқалган. Рангдор тошларнинг 50 дан ортиқ тури: рубин, топаз, турмалин (шерл, индиголит, верделит, дравит), берилл, аквамарин, аметист, тог биллури, раухтопаз, цитрин, морион, пушти кварц, гранатнинг деярли барча турлари (пироп, альмандин, андрадит, грос-суляр, спессарит), шунингдек заргарлик-безатувчи тошлар: андалузит, феруза, опал, каҳолонг, нефрит, амазонит, родонит, азурит, лазурит, дюмортьерит, соналит, агат, халцедон, яшма, агальматолит, лиственинит, змеевик, обсидиан, хиастолит, алунит, гематит-кровавик, мармар онекс, тошга айланган дараҳт, жадеит, серпентин ва бошқалар руда конлари ва минераллашуви нұқталарининг 400 дан ортиқ манбалари мавжуд. Ўзбекистоннинг коллекцион нусхалари бутун дунёга машхур.

Мавжуд геология маълумотлари янги - Ўтра Осиё олмос худуди ҳакида сўз юритиши имконини беради. Бу худудда турли хил олмос некимберлит жинслари (лампроитлар, лампрофирлар, ишқорли базальтоидлар, пикритлар, гипербазитлар, меланкрат карбонатитлар) аниқланган. Бугунги кунда республикада тахминан 20 та қувурсимон фойдали қазилма ёткизиги топилган, шундан учтаси саноатлаштириш аҳамиятига эга.

Гидроминерал хом ашё Ўзбекистон учун ҳозирча ноанъанавий хисобланади. Бухоро-Қарши, Сурхондарё, Устурт ва Фарғона артезиан ҳавзаларининг ер ости сувларини тадқиқ қилиш натижасида йод, бром, литий, рубидий, цезий, стронций ва бошқаларнинг саноат концентрацияси топилди. Ушбу ҳавзалар чуқур горизонтларидаги ер ости сувларидаги углеводородлар манбалари учрайди, уларни комплекс ўзлаштириш табиий газ, нефть ва конденсатни қазиб олиш билан бирга катта иқтисодий самара берибина қолмай, атроф-мухитга техноген таъсирни камайти-

ради. Ер ости сувлари мамлакат сув ресурсларининг катта қисмини ташкил қиласи, истеъмол ва қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлашда уларнинг аҳамияти бекиёс. Чучук ер ости сувларига эга асосий манбалар улкан қувватлар – 100 м ва ундан кўпроққа эга. Фарғона водийси, Охангарон, Чирчик, Зарафшон, Китоб-Шаҳрисабз ҳавзасида, Тўполанг ва Сангардак дарёлари чиқиши конусларидаги ёнг ҳарик қуввати кузатилади. Шу ернинг ўзида республиканинг шарқий ва жанубий минтақаларини сув билан таъминлайдиган йирик сув олиш манбалари жойлашган. Ер ости сувлари табиий ресурслари умуман Ўзбекистон бўйича $24,35 \text{ km}^3$ ни ташкил қиласа, шундан $8,95 \text{ km}^3$ чучук сувлар улушкига тўғри келади. Ҳозирги пайтда умумий захираси $0,021 \text{ km}^3/\text{сут}$ бўлган 357 та чучук ер ости сувлари манбаси (минерал ва термал манбалар бундан мустасно) ўрганилган, шундан $0,01 \text{ km}^3/\text{сут}$ истеъмол мақсадларига мўлжалланган. Умумий ўрганилган манбаларнинг 90 тасидан фойдаланилмаяти, бу истеъмол сув таъминотини ривожлантириш учун захира бўлиб хизмат қиласи.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси тизимида иккита ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот институти, Геология музейи ва Китоб геология қўриқхонаси фаолият юритади. Минерал ресурслар институти мамлакатимиздаги руда ва норуда фойдали қазилмалар геологияси соҳасидаги ягона илмий муассаса хисобланади. Геология-тадқиқот тармогининг илмий-услубий, технологик ва тажриба-конструкторлик муаммолари кенг мажмуасини ҳал қилиш институт фаолиятининг асосий йўналиши хисобланади. Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти ер ости қазилмаларини гидрогеологик ўрганиш бўйича ишлар самарадорлигини оширишга йўналтирилган комплекс илмий-тадқиқот ва тажриба-услубий тадқиқотларни амалга оширади, у республика худуди бўйича ер ости сувлари мониторингини ўтказади. Геология музейи фаолиятининг нисбатан қисқа даврида (1986 йилдан бўён) илмий ва ўқув маркази сифатида шаклланди, у тадқиқот ишлари билан бирга республика минтақаларида геологик қидирувларни ҳам бажаради. Музейнинг кўргазма залларида Ўзбекистон ва Ўтра Осиёдаги қазилма ишларидаги аниқланган асосий фойдали қазилмалар ва минерал хом ашё турларини камраб олган турли геологик экспозициялар намойиш этилади. Геология фондидаги ҳам қатор хорижий конларнинг ноёб намуна нусхалари учрайди. Халқаро мақомга эга Китоб геология қўриқхонаси геологиянинг фундаментал масалалари ва қўшни соҳалардаги тадқиқотлар учун синов майдони бўлиб хизмат қиласи.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида геология тармоги давлат тузилмаси сифатида сақланибигина қолмай, муваффақиятли ривожланмоқда. Бу даврда турли фойдали қазилма бойликларининг 200 дан ортиқ захираси аниқланди ва тасдиқланди. Чучук ер ости сувлари захиралари аҳолининг хўжалик ва истеъмол мақсадларидаги сувга эҳтиёжини тўлиқ қондиради. Ўзбекистон қазилма бойликлари катта имкониятларга ва улкан истиқболларга эгалигини таъкидлаш жоиз, чунки ҳозирги вактга қадар очилган конлар палеозой фундаментининг юқорига чиққан

чегараларида жойлашган, республиканинг асосий ресурслар имконияти эса туташган худудлар билан боғлиқ.

Юкорида қайд этилганлар Ўзбекистон минерал-хом ашё базасининг миқёслири катталиги ва имкониятларининг кенглигини кўрсатади. Мамлакат курдатли кон-қазиш ва қайта ишлаш ишлаб чиқаришга, тараққий этган инфратузилмага эга. Кўплаб конларнинг комплекслиги ва қўшимча элементлар ажратиб олиш имконияти уларнинг баҳосини оширади. Бу афзаликларни амалга ошириш учун геологик объектларни башоратлаш, излаш ва баҳолашнинг илмий-услубий асосларини ривожлантириш, фойдали қазилмаларни тадқиқ қилиш ва қайта ишлашнинг замонавий технологияларини кўллаш зарур.

2007 йил 17 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Геология-тадқиқот ишларини ташкил қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ўзлон қилинди, унда ташкилий тузилмани, геология-тадқиқот ишларини бошқариш ва башоратлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, углеводород ҳом ашёси, нодир, рангли, ноёб ер ости металлари ва уран, шунингдек ер ости чучук ҳамда минерал сувларини излаш ва тадқиқ қилиш самардорлигини ошириш назарда тутилган. Қарорни бажариш мақсадида 2007 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси тизимида «Нодир ва рангли металлар геологияси», «Уран ва ноёб ер ости металлари геологияси» ва «Гидроминерал ресурслар геологияси» илмий-ишлаб чиқариш марказлари ташкил қилинди.

Марказлар ер ости бойликларини геологик ўрганишнинг аник йўналишларига ихтисослашган бўлиб, ўз тузилмасида илмий ва ишлаб чиқариш бўлинмаларини бирлаштиради, бу геология-тадқиқот ишларининг ўрта ва узоқ муддатлари дастурлари асосида ер ости бойликларини комплекс тадқиқ қилиш, манбаларни излаш, баҳолаш ва ўрганиш ишларини мувофиқлаштириш имконини беради.

6.2. Минерал-хом ашё ресурсларининг умумий ҳолати ва улардан фойдаланиш

Саноат ишлаб чиқариши тараққиётининг бутун жараёнини белгилаб берадиган халқ иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бири кон-қазиб олиш комплекси хисобланади. Валюта тўпланиши манбаи бўлган саноат учун ҳом ашё – кора, ноёб, рангли ва нодир металларга эҳтиёж мунтазам ошиб бормоқда. Мамлакат суверениети мустахкамлангани сари бутамойил сақланиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси худуди иқтисодиётда кўлланиладиган минерал ҳом ашёининг ҳар хил турларини ўз ичига олган турли фойдали қазилмаларга бой. Ҳозирги пайтга келиб, нодир, рангли, ноёб, радиоактив ва кора металлар, ёнилғи-энергетика, кон-руда, кимё ва рангдор тошлар ҳом ашёси, курилиш материаллари, чучук, минерал ҳамда термал ер ости сувларининг 2500 дан ортиқ манбаи аниqlанган. Ўзбекистон олтин, кумуш, плавикили шпат, мис заҳиралари бўйича дунёда биринчи ўнлик давлат-

лари қаторига киради. МДХда Ўзбекистон олтин заҳираси ва қазиб олиниши бўйича иккинчи ўрин, кумуш, мис, плавикили шпат, табиий газ бўйича учинчи ўринни эгаллайди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда тахминан 900 та кон очилган, уларда минерал ҳом ашёининг қарийб 100 тури қазиб олиниди, шундан 60 турдан ортиги саноатда ўзлаштирилган ва ишлатилади. Нефть, газ ва конденсатнинг 142 та, кўмирнинг – 6 та, нодир металлнинг – 34 та, кора металлнинг – 7 та, рангли ва ноёб металлнинг – 54 та, кон-руданинг – 49 та, тошрангдор тошнинг – 19 та, кимё ҳом ашёининг – 37 та, курилиш материалларининг – 372 та ва ер ости сувларининг 172 та манбаи мавжуд.

Нефть, газ ва конденсат, кўмир, олтин, мис, кўроғошин, рух, вольфрам, молибден, плавикили шпат, графит, оловга чидамли материаллар, табиий тузлар, цемент ва гишт ҳом ашёси ва бошқа қурилиш материаллари, ер ости сувларининг очилган заҳиралари негизида 500 дан ортиқ газ-нефть саноати, шахта, кон, карьер ва разрез, тахминан 300 та минерал сув қўйиш бўйича завод ва цех учун сув йигиш жойлари фаолият юритади. Улар орасида Олмалиқ ва Навоий кон-металлургия комбинати, Ангрен кўмир разрези ва Шарғун шахта бошқармаси, Газли ва Шўрган газ саноати, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Охангарон ва Навоий цемент заводлари, Ғазалкент ҳамда Олмалиқ тош қазиб олиш комбинатлари ва бошқалар мавжуд.

Республикада очилган минерал-хом ашё ресурсларининг умумий иқтисодий баҳоси 300 млрд. АҚШ доллари миқдорида баҳоланади. Ҳар йиллик ўсиш 9,1 млрд. АҚШ долларини ташкил қиласди. Фойдали қазилмаларни қазиб олиш 4,3 млрд. АҚШ доллари миқдорида баҳоланади.

Кон-қазиб олиш комплекси минерал-хом ашё базасининг замонавий ҳолати узоқ истиқболга унинг баркарор ишлашини таъминлабгина қолмай, қувватларини ошириш ва янги тармоқлар яратиш учун ҳаққоний асослар беради.

Норуда фойдали қазилмалар, шу жумладан, курилиш материаллари минерал-хом ашё базаси мамлакатда кескин ривожланди. Цемент ҳом ашёининг 2 та манбаи (оҳактош компоненти – 824 млн. тонна, гил компоненти – 520 млн. тонна) бешта фаолият юритаётган (Охангарон, Навоий, Кувасой, Бекобод, Ангрен) ва учта лойиҳалаштирилётган (Беруний, Шеробод ва Жиззах) цемент заводлари учун ҳом ашё базаси хисобланади. Қоплаш тоши конлари (72847 минг м³ ли 31 та кон) фаолият юритаётган тошли қайта ишлаш корхоналарини 100 йилдан ортиқ даврга таъминлаши мумкин. Шу билан бирга мамлакатда юкори безаш хусусиятига эга бўлган қоплаш тошлири етишмаяпти.

Керамзит ҳом ашёси 10 та очилган конда, асосан, Жанубий Ўзбекистон, Фарғона ва Коракалпогистонда жамланган (122,4 млн. м³).

Гишт ҳом ашёининг 160 дан ортиқ (захираси 412308 минг м³), кум-шағал материалларининг 66 та (830888 минг м³), оҳактош ишлаб чиқариш учун оҳактошнинг 21 та (209442 минг тонна), курилиш тошининг 36 та (367402 минг м³), бетон ва сили-

кат буюмлари учун қумнинг 20 та (186676 минг м³) ва бошқаларнинг конлари курилиш материалари ни ишлаб чиқаришнинг нисбатан юкори даражасини таъминлайди. Бироқ уларни ишлаб чиқариши иқтисодиётнинг ошиб бораётган эҳтиёжларидан ҳозирда ортда қолмоқда.

«Ўзкурилишматериаллари» давлат концернига тегишли фаолият юритаётган тошни қайта ишлаш корхоналари билан бир вактда ҳозирги пайтда саноатнинг бошқа тармоқларида тошни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича янги ишлаб чиқаришлар, шунингдек хусусий корхоналар ташкил қилинмоқда. Уларнинг жорий қилиниши яқин йилларда қоплаш плиталарини ишлаб чиқаришни ва хилма-хиллигини бир неча баравар кўпайтириш имконини беради.

Қатор йиллар давомида қазилма манбалари ни комплекс ўрганиш муҳим иқтисодий натижаларга олиб келди. Аниқланишича, қатор конлардаги қўшимча компонентлар, қазилма жинслари, қолдиқли бойитиш, кондициясиз рудалар колдикларини ҳам ишлатиш, улардан олинган маҳсулотлар конларни ўзлаштириш рентабеллигини бир мунча ошириди.

Минерал-хом ашё базаси тизимли равишида қайта тикланишни, аниқлашган ва ўзлаштирилган заҳираларнинг сифатини ошириш, уларни жойлаштириш тузилмаларини яхшилашни талаб қиласди. Суверенитет ва бозор муносабатлари шароитида Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши учун фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва уларни қайта ишлашнинг юкори даражаси муҳим аҳамиятга эга бўлади. Қатор объектив ва субъектив сабабларга кўра мамлакат бўйича минерал хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш географияси хотекис тарқалган, бу унинг катта ҳажмларда ва узоқ масофаларга ташиш заруратини келтириб чиқарди. Республикадаги кўплаб корхоналар муайян сабабларга кўра импорт қилинадиган қимматли хом ашё билан ишлайди. Шу билан бир вактда келтириладиган хом ашёнинг бир қисми республика худудида ҳам етарлича учрайди ва унинг сифати баъзи ҳолларда келтириладиган хом ашёдан ҳам юкори бўлади. Шунинг учун импорт қилинадиган хом ашёнинг ўрнини босиш учун минерал-хом ашё базасини яратиш ва маҳаллий хом ашёни саноатда қайта ишланишига жалб қилиш самарадорлигининг комплекс геологик-иқтисодий асосланишини амалга ошириш бирламчи вазифалардан бири саналади. Бозор иқтисодиёти шароитида бу сезиларли иқтисодий самара беради ва ноишлаб чиқариш харажатларини камайтиради, бундан ташқари бошқа иқтисодий вазифаларини ҳал қилиш учун анчагина валюта маблағларини тежаб қолади.

Ғишт-черепица ва аглопорит хом ашёси. 01.01.2006 йилдаги ҳолатга кўра, Ўзбекистон Республикаси бўйича 199 жойда ғишт ва аглопорит ишлаб чиқариши учун тоғ жинслари заҳиралари аниқланган, уларнинг баланс заҳиралари 466908,5 минг м³ни, жумладан, сариқ тупроқли жинслар 383876,9 минг м³; гил – 62140,6 минг м³, аглопорит ишлаб чиқариши учун сариқ тупроқли жинслар – 5284 минг м³, шу жумладан, суглинка – 32 минг м³, кум – 10288 минг м³ ва бошқаларни ташкил қиласди. Баланс заҳираси 174049,5 минг м³ (манбалар умумий сонининг 37,8%,

захиралар умумий миқдорининг 37,3%) бўлган 75 та манба «ўзлаштирилаётган» манбалар сирасига киради, шундан сариқ тупроқли жинслар – 70 (аглопорит ишлаб чиқариши учун 1 та манба), гил – 4 та манба. «Захирали ўзлаштирилган» манбалар гурухини умумий заҳираси 292859,0 минг м³ бўлган 124 та манба, шундан сариқ тупроқли жинслар – 105 манбани (аглопорит ишлаб чиқариши учун 1 та манба), гил 10 та манбани ташкил қиласди. 2006 йилда Давлат баланси томонидан биринчи марта Тойқарши гил манбаси хисобга олинди.

Керамзит хом ашёси. 01.01.2006 йилдаги ҳолатга кўра, Фойдали қазилмалар заҳиралари давлат баланси томонидан Ўзбекистон Республикаси худудида умумий заҳираси 47091 минг м³ бўлган 14 та конда керамзит хом ашёси заҳиралари хисобга олинган. Балансдан ташқари заҳиралар – 20894 минг м³.

Дағал керамика учун гил. Ўзбекистон Республикаси заҳиралар Давлат баланси томонидан 2006 йил 1 январдаги ҳолатга кўра дағал керамика (дренаж трубалари) ишлаб чиқариш учун гил заҳиралари учта кон – Қамишбоши (Фарғона вилояти), Кўнғиртоғ («ўртача қатлам») ва Каттакўргон (Самарқанд вилояти) ва суглинка битта кон – Кўнғиртоғ II (Самарқанд вилояти) бўйича ҳисобга олинган. Гил хом ашёси умумий заҳираси 13128 минг м³ни ташкил қиласди.

Бундан ташқари, Кўнғиртоғ конининг Жанубий участкаси (1984 йилда биринчи марта ўрганилган) ўртача қатламида учрайдиган гилдан дренаж трубалари, паст ва юкори қатламларидаги гилдан эса керамзит ва қоплаш ғиши ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида ишлатишнинг принципиал имконияти аниқланди.

Ерларни рекультивациялаш учун сариқ тупроқли суглинка. Инсон хўжалик фаолияти натижасида бузилган ерларни рекультивациялаш (тиклаш), шунингдек камунумли (шағалли, тошли ва бошқа) ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш учун хом ашё сифатида сариқ тупроқли суглинка ва тупроқ-ўсимликли катлам қўлланилиши мумкин.

01.01.2006 йил ҳолатига кўра, фойдали қазилмалар заҳиралари давлат баланси томонидан Тошкент вилоятида жойлашган 3 та кон – Ангрен, Дальнее (Марказий ва Шимоли-Ғарбий Балиқти участкалари), Шавазсой (Левобережний участкаси) ерларни рекультивациялаш учун яроқли суглинка заҳиралари ҳисобга олинган. Суглинкалар умумий балансдаги заҳиралари 50875 минг м³ни ташкил қиласди. Ангрен конидаги суглинкалар заҳираси «Ўзбеккўмир» ОАЖ томонидан, Дальнее ва Шавазсой (Левобережний участкаси) конлари тегишли равища «Олмалик КМК»нинг заҳира хом ашё базаси саналади.

Ангрен кони бўйича суглинкаларни (тупроқ-ўсимлик катламини) қазиб олиш 2000-2002 ва 2004-2005 йилларда амалга оширилмади, 2003 йилда эса 3 минг м³ қазиб олинди.

Бўрсимон жинслар. 01.01.2006 йил ҳолатига кўра, бўрсимон жинслар заҳиралари баланси 3 та кон: Навоий вилотидаги Меловое, Самарқанд вилотидаги Каттакўргон, Қашқадарё вилотидаги

Дехқонобод конларида ҳисобга олинган. Умумий захиралар 5411,1 минг тоннани ташкил қилади.

Дехқонобод доломит кони 1955 йилдан бери дөвр тоши учун ишланган, 2002 йилдан бошлаб доломит қазиб олиш вактинчалик тўхтатилди.

Меловое кони. 1999 йилдан бери ишлаб келмоқда, бўрсимон жинслар захиралари шимолий ва шарқий томонга кўпайиши мумкин. Хом ашёга талаб паст бўлғанлиги сабабли 1999-2005 йилларда 0,9 минг тонна, хусусан, 2005 йилда – 0,1 минг тонна бўрсимон жинс қазиб олинди. Бўрсимон жинслар (доломит) курилиш бўри ишлаб чиқаришда кўлланилади.

Каттақўргон кони захира учун ўрганилган, бўрсимон жинслар захиралари 1647 минг тонна миқдорида белгиланган. Бўрсимон жинслар (доломитлаштирилган оҳактош) табиий кўринишда ММ-3 туркумига, бойитилганидан сўнг эса ММ-2 туркумига хос, табиий бўр ўрнига ишлатилиши мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда табиий бўрнига ўрнига Кашқадарё вилоятидаги Кўнгиртоғ ва Косантог бўрсимон жинс моддалари хом ашё сифатида кўлланилиши мумкин. Кўнгиртоғ ва Косантогдаги бундай жинслар умумий захираси ва башорат қилинган ресурслари 6,8 млн. тоннани ташкил қилади.

Оҳак куйдириш учун оҳактош. Оҳактош ишлаб чиқариш учун минерал хом ашё сифатида оҳактош ва доломит кўлланилади. 01.01.2006 йилдаги холатга кўра, Давлат баланси томонидан республика ҳудудида 213758 минг тонна миқдоридаги 23 та кондаги оҳак куйдириш учун оҳактош захиралари ҳисобга олинган.

Бундан ташқари, баланс томонидан сода ишлаб чиқариш учун карбонат компоненти сифатида 75644,0 минг тонна миқдоридаги битта кон (Қорақалпоғистон Республикасида Жамансай кони) бўйича оҳактош захиралари ҳисобланган.

Кум-шағал материаллари. Кум-шағал материаллари оддий ва гидротехник бетон учун тўлдирувчи (йириги – шағал ва майда тош, майдаси - кум), асфальт-бетон ва битум-минерал қоришмалари, автомобиль йўллари қурилиши учун асос ва темир йўллари учун балластировка учун, темир-бетон қурилмалари ишлаб чиқариш учун, штукатурка ва коплаш қоришмалари (кум) ва бошқа мақсадларда кўлланилади.

Кум-шағал материаллари конлари, асосан, дарёлар қайирлари ва қайирусти террасалари, дарё чиқиши конуслари ва муваққат сув оқимлари билан боғлиқ бўлиб, республика ҳудудида деярли ҳамма ерда учрайди. Хом ашё билан факат Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси таъминланмаган, уларнинг эҳтиёжлари кўшни вилоятлар ресурслари ҳисобига қондирилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат баланси томонидан 01.01.2006 йил ҳолатига кўра, 768913 минг м³ миқдорида 76 кон (шу жумладан, захиралари ишлатиб бўлған 2 та кон) бўйича кум-шағал қоришмаси захиралари ҳисобга олинган, балансдан ташқари захиралар 443 минг м³ ни ташкил қилади.

Ҳозирги пайтда республика ҳудудида 53 та кон бўйича кум-шағал қоришмаси захиралари қайта

ишланмоқда, жумладан, уларнинг иккитаси – Майлу-Суу (Андижон вилояти) ва Қашқадарё (Қашқадарё вилояти) конларида тасдиқланган захиралар ишлатиб бўлған. Ушбу конлар бўйича хом ашё олиш ишлатиб бўлған кум-шағал материалларини тозалаш ҳисобига амалга оширилмоқда. Чиноз кони 2-сон участкасида (Тошкент вилояти) ҳам хом ашёни худди шундай усулда олиш йўлга қўйилган. Аблик кони (Тошкент вилояти) бўйича 1999 йилдан бери кум-шағал қоришмаси олинмади.

Курилиш тошлари. Ўзбекистон Республикаси қурилиш тошларининг катта захираларига эга, улар физик-механик хусусиятларига кўра турли мақсаддаги бетонни тўлдирувчи майда тош, харсангтош, темир йўлларини балластлаштириш учун майда тош, тротуар ва соҳилбўйига ётқизиладиган донали тошлар учун ишлатилиши мумкин.

01.01.2006 йил ҳолатига кўра, республика ҳудудида захираси 450398,0 минг м³ бўлган 48 та қурилиш тошлари кони ҳисобга олинган, балансдан ташқари захиралар 15170 минг м³ни, хусусан, карбонат жинслари – 232401,3 минг м³, метаморфли сланецлар – 97 минг м³; отилиб чиқсан жинслар – 215873,7 минг м³ ва балансдан ташқари 10235 минг м³ни ташкил қилади.

Ўзлаштирилаётганлар сирасига 19 та кон: карбонат жинсларининг 11 та кони, сланецларнинг 2 та кони, отилиб чиқсан жинсларнинг 6 та кони киради. 29 та кон: карбонат жинсларининг 23 та ва отилиб чиқсан жинсларнинг 6 та кони захиралари (ўрганилган) конларга ажратилган.

Курилиш ишлари ва силикат ишлари учун кум. 01.01.2006 йил ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қурилиш ишлари (бетон ва қурилиш қоришмалари) ва силикат буюмлари ишлаб чиқариш учун 25 та кум кони захиралари ҳисобга олинган, шундан:

силикат буюмлари ишлаб чиқариш учун кум – 59690 минг м³;

силикат буюмлари ишлаб чиқариш учун сарик тупрокли жинслар – 3545 минг м³;

қурилиш ишлари (бетон ва қурилиш қоришмалари) учун кум – 123738 минг м³ни ташкил қилади.

6 та кон: силикат буюмлари ишлаб чиқариш учун 4 та кон, қурилиш ишлари (бетон ва қурилиш қоришмалари) учун қумнинг 2 та кони – қазиб олинаётганлар сирасига киради. Захиралари ўрганилган конлар сирасига 18 та кон: силикат буюмлари ишлаб чиқариш учун 8 та кум кони ва қурилиш ишлари (бетон ва қурилиш қоришмалари) учун 10 та кон ажратилган. Силикат буюмлари ишлаб чиқариш учун сарик тупрокли жинсларнинг битта кони фаолияти тўхтатилган конлар сирасига киради.

6.3. Умумтарқалган фойдали қазилмалар: уларнинг ҳолати ва ишлатилиши

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди, иқтисодиётда ишлатиладиган минерал хом ашё турларини ўз ичиға олган ҳар хил фойдали қазилмаларга бой (30 ва 31-жадвалларга қаранг). Энг йирик кон қазиб оловчи корхоналарга рудали конлар бўйича Олмалиқ ва Наво-

30-жадвал. 01.01.2008 йил холатига Ўзбекистон Республикаси вилоятлари бўйича умумтаркалган фойдаланиш қазилмалардан фойдаланиш ва уларнинг заҳираси

| Худуд номи | тупрок каръерлари | | | | кўум каръерлари | | | | шагал каръерлари | | | | | | |
|------------------------------|-------------------|-------|---------------------------------------|--------------|-----------------|----|---------------------------------------|-----------------------|------------------|------|---------------------------------------|--------------|----------------------------------|-------|--------|
| | 2007 г. | | 2007 г. | | 2007 г. | | 2007 г. | | 2007 г. | | 2007 г. | | | | |
| | дона | га | лойиҳавий захира, млн. метр куб | режа амал | дона | га | лойиҳавий захира, млн. метр куб | режа амал | дона | га | лойиҳавий захира, млн. метр куб | режа амал | | | |
| Қоракалпогистон Республикаси | 5 | 80 | 19,8 | 0,049 | 0,035 | 3 | 12 | 0,35 | 0,12 | 0,06 | 3 | 94 | 10 | 0,015 | 0,012 |
| Андижон | 14 | 74,4 | 23,43 | 0,016 | 0,011 | 3 | 19,5 | 0,459 | 0,14 | 0,1 | 4 | 205,5 | 0,805 | 0,177 | 0,135 |
| Бухоро | 2 | 27 | 14 | 0,05 | 0,05 | 5 | 701,9 | 304,9 | 0,03 | 0,03 | 1 | 10 | 120 | 13 | 12,5 |
| Жиззах | 3 | 10 | 2,6 | 0,16 | 0,94 | 1 | 3 | Эксперт. символари | 0,03 | 0,16 | 1 | 1 | тажриба- саноат. ишланмаси | 0,03 | 0,017 |
| Қашқадарё | 8 | 103,2 | 2,2 | 0,007 | 0,062 | 22 | 708,7 | 20,4 | 0,07 | 0,06 | | | | | |
| Навоий | 1 | 14,5 | 6,275 | 0,015 | 0,008 | 3 | 46,5 | 15,216 | 0,22 | 0,1 | 17 | 113 | 3,653 | 0,165 | 0,065 |
| Наманган | 20 | 48,9 | 20,1 | 0,055 | 0,4 | 1 | 3 | 75 | 0,17 | 0,13 | 17 | 39,9 | 22,97 | 0,3 | 0,2 |
| Самарқанд | 16 | 90,87 | 13,046 | 0,15 | 0,18 | 3 | 35 | 11,252 | 0,35 | 0,23 | 11 | 393,5 | 28,7 | 0,25 | 0,21 |
| Сурхондарё | 14 | 82,5 | 9,8 | 0,047 | 0,036 | 10 | 219,6 | 5,3 | 0,05 | 0,03 | 10 | 679,5 | 60,9 | 21,56 | 15,051 |
| Сирдарё | 1 | 21 | 18 | 0,01 | 0,01 | 6 | 5 | 0,15 | 0,15 | 0,15 | 1 | 7,5 | 14,5 | 0,2 | 0,2 |
| Тошкент | 43 | 1773 | 50,8 | 35 | 30 | 3 | 93,3 | 0,8 | 0,85 | 0,85 | 24 | 1637 | 4 | 0,239 | 0,215 |
| Фарғона | 14 | 125,1 | 26,353 | 3,2 | 2,42 | 4 | 108 | 101,6 | 2 | 0,9 | 23 | 198,9 | 663,2 | 53,2 | 47,2 |
| Хоразм | 1 | 200 | 12,1 | 0,52 | 0,52 | 2 | 482 | 25,4 | 0,03 | 0,03 | | | | | |
| Жами | 142 | 2650 | 218,504 | 39,279 | 34,672 | 66 | 2438 | 560,827 | 4,2 | 2,84 | 112 | 3380 | 928,728 | 89,13 | 75,805 |

31-жадвал. 01.01.2008 йил холагига Ўзбекистон Республикаси вилоятлари бўйича умумтарқалган фойдаланиш ва улар захиралари

| Худуд иоми | Бутли тош каръерлари | | | | Оҳактош каръерлари | | | | Ракушик каръерлари | | | | 2007 г. |
|------------------------------|----------------------|------|---------------------------------|---------|--------------------|---------|---------------------------------|-----------|--------------------|-------|---------------------------------|-----------|---------|
| | Дона | га | Лойихавий захира, млн. метр куб | 2007 г. | Дона | га | Лойихавий захира, млн. метр куб | 2007 г. | Дона | га | Лойихавий захира, млн. метр куб | режа амал | |
| Коракалпогистон Республикаси | | | | 5 | 28,5 | 22,1 | 0,063 | 0,06 | | | | | |
| Андижон | | | | 1 | 100 | 25 | 0,071 | 0,051 | | | | | |
| Бухоро | | | | 1 | 89,2 | 12401,4 | 0,01 | 0,01 | | | | | |
| Жиззах | 1 | 5 | не утвержд | 0,001 | | | | | | | | | |
| Кашкадарё | 2 | 35 | 1,1 | 0,008 | 0,0081 | | | | | | | | |
| Навоий | | | | 3 | 402,4 | 101,037 | 1,865 | 0,879 | | | | | |
| Наманган | 1 | 5 | 10 | 1 | 0,8 | 2 | 0,5 | 0,1 | 0,1 | 3 | 10,2 | 18,1 | 2 |
| Самарканд | 2 | 18,2 | 14,211 | 0,12 | 3 | 21 | 16,001 | 0,107 | 0,105 | | | | |
| Сурхондарё | 2 | 28 | | 0,1 | 0,07 | 1 | 60 | 15,8 | 0,098 | 0,093 | | | |
| Сирдарё | | | | | | | | | | | | | |
| Тошкент | | | | | 2 | 1033,3 | 5 | 0,4 | 0,35 | 3 | 627 | 24,1 | 0,5 |
| Фарғона | | | | | 1 | 30 | 1,1 | 0,03 | 0,03 | 2 | 14 | 1,1 | 0,09 |
| Жами | 8 | 91,2 | 25,311 | 1,108 | 0,9991 | 19 | 1766,4 | 12587,938 | 2,744 | 1,678 | 8 | 651,2 | 43,3 |
| | | | | | | | | | | | | 2,59 | 2,54 |

ий кон-металлургия комбинатлари, кўмир бўйича «Ўзбеккўмир» ОАЖ, қурилиш материаллари бўйича «Ўзқурилишматериаллари» АК ва бошқа корхоналар киради.

1995 йилдан 2007 йилгача даврда рудали ва норуда конлар бўйича фойдали қазилмаларни қазиб олиш 3,5 баравар ошди.

1998 дан 2007 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.06.2007 йилдаги фойдали қазилмалар конларини ишлаб чиқиш ҳуқуқини берадиган «Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуки учун лицензияларни бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-649-сон Қарори чиққунга кадар «Саноатконтехнозорат» давлат инспекцияси томонидан 564 та тоғ ажратмаси берилиб, рўйхатга олинди (32-жадвал ва 84-расмга қаранг).

«Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонун талабарини бузган ҳолда фойдали қазилмаларни қазиб олаётган корхоналар, айниқса, хусусий корхоналар, шунингдек тадқиқ қилинмаган ер ости участкаларида ишлаб қоладиган корхоналар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуки учун лицензияларни бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-649-сон Қарори лойиҳаси, «Ер ости участкаларидан фойдаланиш ҳуқукини бериш тартиби ва шартлари тўғрисида»ги Низом ва Ўзбекистон Республикасида умумтарқалган фойдали қазилмалари рўйхатини ишлаб чиқишида иштирок этди.

Хозирги пайтда республика бўйича мавжуд умумтарқалган фойдали қазилмалар конлари: тупроқ каръерлари – 142 та; кум каръерлари – 66 та; шағал – 112 та; харсангтош каръерлари – 8 та; оҳактош каръери – 19 та; чиғаноқ каръерлари – 8 та хисобга олинган.


6.4. Ўзбекистон Республикасида инвесторларнинг кафолатлари ва ҳуқуқлари

Ўзбекистон Республикасининг «Хорижий инвестиция-

32-жадвал. 1988-2008 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан ер ости бойликлари ажратиш учун берилган далолатномалар

| Вилоят номи | Кўмир | Туз | Норуда конлари учун | Руда конлари учун | | Нефть ва газ | Жами |
|------------------------------|-----------|-----------|---------------------|----------------------|------------------|--------------|------------|
| | | | | олтин, кумуш ва х.к. | уран ва вольфрам | | |
| Қорақалпоғистон Республикаси | | 1 | 1 | | | 3 | 5 |
| Андижон | | | 9 | | | 21 | 30 |
| Бухоро | | | 17 | | 4 | 25 | 46 |
| Жиззах | | | 22 | 7 | 1 | | 30 |
| Қашқадарё | | | 49 | | | 52 | 101 |
| Навоий | | 9 | 58 | 14 | 25 | | 106 |
| Наманган | | | 25 | 5 | | 11 | 41 |
| Самарқанд | 1 | | 29 | 14 | 5 | | 49 |
| Сурхондарё | 3 | | 15 | | | 10 | 28 |
| Сирдарё | | | 3 | | | | 3 |
| Тошкент | 7 | | 66 | 13 | 2 | | 88 |
| Фарғона | | | 23 | | | 14 | 37 |
| Жами | 11 | 10 | 317 | 53 | 37 | 136 | 564 |

84-расм. 1988-2008 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан ер ости бойликлари ажратиш учун берилган далолатномалар



лар тўғрисида»ги ва «Хорижий инвесторларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари ва чора-тадбирлари тўғрисида»ги Конунлари қабул қилинган, улар мамлакат худудида хорижий инвестицияларни амалга оширишнинг хукуқий асослари ва тартибини, инвестиция фаолиятини юритаётган хорижий инвесторлар хукукларининг кафолатлари ва хукукларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини белгилаб беради.

Хорижий инвесторларга қўйидаги кафолат ва хукуқлар берилган: миллийлаштиришдан кафолатлаш; Ўзбекистон Республикаси худудида хорижий инвесторлар томонидан инвестициялар юритишдан олинган даромад кўрнишидаги пул маблағларини кўллаш ва эркин ўтказиш кафолатлари; олинган маҳсулотга (ёки тузилган битимларга мувофиқ унинг бир улушига) эгалик қилиш хукуқи; инвестиция фаолияти тугаллангани туфайли хорижий инвестицияларни қайтариш кафолати; очиқ ахборот олиш имкониятидан фойдаланиш; низоларни халқаро арбитраж судида ҳал қилиш имконияти; инвестицияларни амалга оширишнинг (хорижий инвестицияли корхона ташкил қилиш, концессиялар харид қилиш, маҳсулотни тақсимлаш ҳақида битим имзолаш ва бошқа) шаклларини эркин танлаш.

Ўзбекистон Республикасининг кейинги конунчилиги инвестициялаш шартларини ёмонлаштирган тақдирда, хорижий инвесторларга нисбатан инвестициялаш пайтидан бошлаб ўн йил давомида инвестициялаш санасида амал қилган конунлар кўлланилади.

Хорижий инвестор ўз хоҳишига қараб янги конунларнинг унинг инвестициялаш шартларини яхшилайдиган моддаларини кўллаш хукуки берилади.

Инвестициялаш шартларининг ёмонлашишига қўйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикаси конунларига хорижий инвесторга тўланадиган дивидентлар кўрнишидаги даромадларга солиқ (ставкаси) микдорининг кўпайишини назарда тутадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши ёки янги конун хужжатлари қабул қилиниши;

репатриациялаш жараёнини мураккаблаштирадиган ёки Ўзбекистон Республикасидан ташкарига олиб чиқилаётган хорижий инвесторнинг даромадлари (фойдаси) микдорини камайтирадиган қўшимча талабларнинг жорий этилиши, ваколатли давлат органи томонидан хорижий инвестицияли корхоналар тўловга ноқобил бўлиши ёки банкротлиги, кредиторлар хукукларини ҳимоя қилиш, хорижий инвестор – жисмоний шахс томонидан қўл урилган жиноят ёки маъмурий конунбузарлик ёхуд суд ва арбитраж қарорига мувофиқ тўхтатиб турish зарур бўлган ҳолларда конун хужжатларини дискриминацион кўлламаган шартларда хорижий инвесторнинг маблағларини репатриациялашни тўхтатиб турish ҳоллари бундан мустасно;

инвестициялаш ҳажмларига микдорий чекловлар ва инвестициялаш микдори бўйича бошқа қўшимча талаблар, хусусан, хорижий инвестицияли корхоналарда хорижий инвестициялар энг кам микдорини ошириш кўрнишидаги талабларнинг жорий этилиши;

корхоналар устав фондларида (устав сармояларида) хорижий инвесторнинг улушли иштироки бўйича чекловлар жорий этилиши;

хорижий инвесторлар – жисмоний шахслар визаларини расмийлаштириш ва муддатини чўзиб бўйича, шунингдек хорижий инвестицияларни амалга ошириш бўйича бошқа қўшимча талаблар жорий килиниши.

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида умумий моддалар билан бир каторда хорижий инвесторларга қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чора-тадбирлари тақдим килиниши мумкин.

Хорижий инвесторларга қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикаси хукуматининг кафолатларини тақдим қилиш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда кўмаклашиш, маҳсус солиқ ва тўлов тартибини яратиш, лойиҳаларни амалга оширишнинг давлат мониторингини ўтказиш ва бошқа тадбирларни қамраб олиши мумкин.

Хорижий инвесторларга қўшимча кафолат ва чора-тадбирлар ҳар бир аниқ ҳолатда қўйидагиларни инвестициялашда қўлланилиши мумкин: барқарор иқтисодий ўсиш, мамлакат иқтисодиётида жадал тузилмавий ўзгаришларни таъминлайдиган етакчи тармоқларга; республика экспорт имкониятларининг мустаҳкамланиши ва кенгайиши, унинг жаҳон хўжалик алоқаларига интеграциясини таъминлайдиган етакчи лойиҳаларга; кичик тадбиркорлик соҳасидаги лойиҳаларга, буларни амалга ошириш хом ашё ва материалларни қайта ишлаш, истеъмол товарлари ва хизматларини ишлаб чиқариш, аҳоли бандлигини таъминлашга йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикаси конунларида шунингдек республикадаги корхоналар ва хорижий инвестицияли корхоналар фойдаланиши мумкин бўлган қўйидаги солиқ ва божхона имтиёзлари белгиланган. Экспортчи корхоналар учун ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар) эркин айирбошланадиган валютага (ЭАВга) экспортининг умумий сотув ҳажмидаги улушидан келиб чиқиб, даромад ва мулк солиги бўйича камаювчи шкаласи сақланиб қолинган. Экспорт улуши умумий сотув ҳажмининг 15 дан 30%игача қисмини ташкил қиласа – кўрсатилган солиқлар 30%га, 30% ва ундан ортиқ бўлса – 50%га камаяди. Янги ташкил қилинган корхоналар рўйхатга олинган пайтдан бошлаб икки йил давомида мулк солигидан озод қилинади.

Қўйидагилар божхона божини тўлашдан озод этилади:

- хорижий инвестицияли корхоналар устав фондларида улуси 33%дан кам бўлмаган хорижий инвесторлар ва корхоналар томонидан Ўзбекистон Республикасига ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кирилаётган мол-мулки;

- хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвесторлар билан тузилган меҳнат шартномаларига мувофиқ мамлакатда яшаётган чет эл фуқаролари шахсий эҳтиёжлари учун олиб кирилаётган мол-мулк;

- Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига 50 млн. АҚШ долларидан кўп суммага бевосита инвестиция ажратган хорижий юридик шахслар олиб ки-

раётган товарлар, олиб кирилаётган товарларни уларнинг ўзлари ишлаб чиқарган бўлишлари керак;

- лойиха хужжатларига кўра маҳсулотни таксимлаш ҳақидаги битим бўйича ишларни амалга ошириш учун мўлжалланган, инвестор ёки унинг оператори олиб кираётган товарлар, ишлар ва хизматлар, шунингдек инвестор томонидан олиб чиқилаётган ва маҳсулот таксимоти битимиға (МТБ) кўра унга тегишли бўлган маҳсулот;

- хорижий инвесторлар томонидан хорижий инвестицияли корхоналар устав сармоясига улуш сифатида олиб кирилаётган технологик жиҳозлар;

- янги ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш ҳамда фаолият юритаётган ишлаб чиқаришларни замонавийлаштириш ва техник қайта жиҳозлаш учун белгиланган тартибида тасдиқланган лойихаларга мувофиқ, олиб кирилаётган технологик жиҳозлар, ваколатли банк тасдиғи мавжуд бўлганида.

Хорижий инвестицияли корхоналарга соликлар, божхона ва мажбурий тўловларни тўлаш бўйича кўшимча имтиёзлар факат аниқ белгиланган даврга берилади ва муддатсиз бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан хорижий инвесторга қонунларда қайд қилинганига кўшимча равишда кафолатлар ва ҳимоя чоратадбирлари (имтиёз ва преференциялар) тақдим этилганида ҳукумат номидан Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо-сотиқ вазирлиги ҳамда хорижий инвестор ўргасида инвестиция шартномаси тузилади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 1 январидан жорий этилган янги Солиқ кодексига мувофиқ ер ости қазилмаларидан фойдаланувчи имзолаш ва тижорат аниқлаш бонусларини тўлайди. Имзолаш бонуси ер ости қазилмаларидан фойдаланувчининг тегишли лицензия асосида фойдалари қазилмаларни излаш, ўрганиш ва қазиб олиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳукукини берадиган бир марталик қатъий белгиланган тўловидир.

Имзолаш бонуси лицензия олинган вақтдан бошлаб 30 кундан кечикмай тўловчи томонидан бюджетга тўланади. Тижорат аниқлаш бонуси тегишли лицензияда кўрсатилган ер ости участкасида ҳар бир фойдалари қазилмани тижорат йўлида топганлиги, шу билан бирга конни кўшимча ўрганиш пайтида фойдалари қазилмаларни топганлиги ва натижада аввал белгиланган қазиб олинадиган заҳиралар кўпайганлиги учун тўланади. Тижорат аниқлаш бонусини тўлаш ва колатли давлат органи томонидан кондан қазиб олинадиган фойдалари қазилмалар ҳажми тасдиқланган кундан бошлаб 90 кундан кечикмай амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида ер ости бойликларидан фойдаланиш масалаларини бошқарадиган асосий қонун 2002 йил 13 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонун ҳисобланади. Қонун ер ости бойликларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва қўллаш, ер ости бойликларидан фойдаланишда ер ости бойликлари, атроф-мухитни мухофаза қилиш ва иш хавфсизлиги муносабатларини тартиба солади. Қонунга мувофиқ ер ости бойликлари давлат мулки бўлишига қарамай,

еर ости бойликларини ишлаш жараённида топилган фойдали қазилмалар уларни қазиб олиш билан шуғулланган юридик ва жисмоний шахслар мулки ҳисобланади.

Ер ости бойликларини геологик ўрганиш, фойдали қазилмаларни қазиб, техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости қурилмаларини куриш ва улардан фойдаланиш, рангдор тош хом ашёси, палеонтологик қолдиқлар ва бошқа геологик коллекция материаллари намуналарини йиғиш ва ҳоказоларга берилиши мумкин.

Лицензия ер ости участкасидан фойдаланиш ҳукуқининг пайдо бўлишига асос бўлади.

Қонун ер ости геологик ўрганиш ишларини молиялаштирган юридик ва жисмоний шахсларга тадқиқ қилинган фойдали қазилма қонига ишлов бериш учун лицензияни олишга фавқулодда ҳукуқ беради.

Ер ости участкасидан фойдаланиш ҳукуқига лицензияни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 июняғи ПК-649-сон «Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳукуки учун лицензияларни бериш тартибини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан бошқарилади.

«Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳририга мувофиқ ер ости бойликларидан фойдаланувчиларнинг ҳукуклари анча кенгайганди. Ер ости бойликларидан фойдаланувчига қўйидаги ҳукуклар берилган:

- ер ости участкаларидан фойдаланиш билан боғлиқ ишларни юритиш технологияси масалалари бўйича қарорларни мустақил қабул қилиш;

- кон ишлари техник лойихалари, тараққиёт реjalalariiga белгиланган тартибида ўзгартишлар киритиш;

- фойдали қазилмалар конларига ишлов бериш жараённида эксплуатацион кондицияларни қўллаш;

- тоф айрмаси ва белгиланган тартибида тақдим этилган ер участкалари чегараларида ишларни юритиш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа объектларини қуриш;

- обьектлар ва умумий фойдаланиш коммуникацияларидан шартнома асосида фойдаланиш.

Ўзбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуни «Табиатни мухофаза қилиш тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Геодезия ва картография тўғрисида»ги, «Экологик экспертиза тўғрисида»ги, «Чиқиндилар тўғрисида»ги, «Мухофаза этиладиган худудлар тўғрисида»ги қонунлари, Ер кодекси ва бошқа ҳужжатлар билан ўзаро боғлиқ равишида амал қиласи.

6.5. Умумтарқалган фойдали қазилмаларни мухофаза қилиш ва оқилона фойдаланиш устидан давлат назорати

Умумтарқалган фойдали қазилмаларни мухофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги давлат назорати Табиатни мухофаза қилиш давлат қўмитаси органлари томонидан амалга оширилади. 2007 йилда Табиатни мухофаза қилиш давлат қўмитаси инспекторлари томонидан 14 та ка-


ръерни текшириш натижаларига кўра умумтарқалган фойдали қазилмаларни қазиб олиш қоидаларини бузганилкleri учун жами 1346,8 минг сўмлик жарима солинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 июндаги ПҚ-649-сон «Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуки учун лицензияларни бериш тартибини такомилластириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги Қарори чиққанидан кейин фойдали


қазилмаларни ўзбошимчалик билан қазиб олганлик ҳолатлар юзасидан қўриладиган чоралар кучайтирилди.

2001-2007 йилларда амалга оширилган давлат назорати натижалари ҳамда умумтарқалган фойдали қазилмаларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги табиатни муҳофаза қилиш конунларини бузганилк учун кўрилган чоралар 85 ва 86-расмларда берилган.

85-расм. 2001-2007 йилларда маъмурий жавобгарликка тортилган мансабдор шахслар ва фуқаролар, нафар



86-расм. 2001-2007 йилларда маъмурий жавобгарликка тортилган шахслардан ундирилган жарималар, минг сўм



VII. Биохилма-хиллик

7.1. Мухофаза этиладиган табии түрлөрдүн саклашынан таңбада (күриқхоналар, табии түрлөрдүн саклашынан таңбада)

Баркарор тарақкиёти учун табиатни мухофаза қилиш ва биологик хилма-хиллик ресурсларини саклаб қолиш катта аҳамиятга эга бўлғанлиги туфайли Ўзбекистон Республикаси 1995 йилда Халқаро биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенцияга (CBD, Рио-де-Жанейро) кўшилди.

1998 йилда ҳукумат томонидан Ўзбекистон Республикасида Биологик хилма-хилликни саклаб қолиш бўйича Миллий стратегия ва Ҳаракатлар режасининг тасдиқланиши биохилма-хилликни саклаб қолиш йўлидаги биринчи қадам бўлди. Бу стратегиянинг асосий вазифаларидан бири мамлакат умумий майдонининг 10%гача қисмини қамраб олувчи мухофаза этиладиган табии түрлөрдүн саклашыни ташкил қилиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида биохилма-хилликни мухофаза қилиш айнан мухофаза этиладиган табии түрлөрдада тўлақонли амалга оширилмоқда. Мухофаза этиладиган табии түрлөрдүн саклашыни ташкил қилиш, мухофаза этиш ва фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви ҳукумат, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, шунингдек маҳсус ваколатга эга бўлган давлат органлари – Ўзбекистон Республикаси Табиатни мухофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат геология қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Халқаро даражада мухофаза этиладиган табии түрлөрдада тарақкиёти Умумжаҳон табиатни мухофаза этиш уюшмаси, хусусан, Умумжаҳон мухофаза этиладиган табии түрлөрдүн саклашыни саклаш қолиш учун мубориза макоми – Узбекистон Республикаси (WCPA) томонидан мувофиқлаштирилади. Бироқ мухофаза этиладиган табии түрлөрдада бутлиги ва самарали менежментини давлат миқёсида таъминлаш мухофаза этиладиган табии түрлөрдүн саклашыни ташкил қилиш биринчи даражали вазифаси ҳисобланади.

Мухофаза этиладиган табии түрлөрдада тарақкиёти Умумжаҳон табиатни мухофаза этиш уюшмаси, хусусан, Умумжаҳон мухофаза этиладиган табии түрлөрдүн саклашыни саклаш қолиш учун мубориза макоми – Узбекистон Республикаси (WCPA) томонидан мувофиқлаштирилади. Бироқ мухофаза этиладиган табии түрлөрдада бутлиги ва самарали менежментини давлат миқёсида таъминлаш мухофаза этиладиган табии түрлөрдүн саклашыни ташкил қилиш биринчи даражали вазифаси ҳисобланади.

Мухофаза этиладиган табии түрлөрдада тарақкиёти Умумжаҳон табиатни мухофаза этиш уюшмаси, хусусан, Умумжаҳон мухофаза этиладиган табии түрлөрдүн саклашыни саклаш қолиш учун мубориза макоми – Узбекистон Республикаси (WCPA) томонидан мувофиқлаштирилади. Бироқ мухофаза этиладиган табии түрлөрдада бутлиги ва самарали менежментини давлат миқёсида таъминлаш мухофаза этиладиган табии түрлөрдүн саклашыни ташкил қилиш биринчи даражали вазифаси ҳисобланади.

1972 йилда ЮНЕСКО томонидан «Умумжаҳон маданий ва табии меросини мухофаза қилиш тўғрисида»ги Конвенция қабул қилинди, унда биринчидан ташкил қилилди.

Чи марта жаҳон халқарининг «Умумжаҳон мероси»ни ташкил қиласидан универсал қадриятга эга бўлган баъзи табии түрлөрдада маданий бойликларни ҳимоя қилиш ва саклаш масъулияти белгилаб берилди. 1975 йилда ушбу конвенцияни 21 давлат ратификация килди, ҳозирги пайтда конвенция томонларига айланган давлатлар умумий сони 180 га етди. Ўзбекистон Республикаси бу конвенцияга 13.01.93 йилда кўшилди.

«Умумжаҳон мероси» рўйхатига тақдим этилган объект маданият ёки табиат бойлиги мероси, маданий ландшафт бўлиши мумкин. Табиат бойликлари – бу юксак эстетик ёки илмий қадриятга эга бўлган табии түрлөрдада ташкил қилилди.

Ўзбекистон бўйича «Умумжаҳон мероси» рўйхатига 4 та (маданий, тарихий) объект кирилган: булар Хивадаги Иchan қалъя (1990), Бухоро (1993) ва Шахрисабзнинг тарихий марказлари (2000), Самарқанд – маданиятлар чорраҳаси (2001).

Ҳозирги пайтда Давлат биологик назорати (Давбионазорат) томонидан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия иштирокида Ўзбекистон Республикасининг табиат бойликлари мероси дастлабки рўйхати тайёрланди ҳамда «Умумжаҳон мероси» қўмитасига тақдим этилди. «Умумжаҳон мероси» рўйхатига 6 та (табии түрлөрдада ташкил қилилди) объект: Тоғли Ҳисор, Чотқол биосфера кўриқхонаси, Зомин тоғлари (Зомин кўриқхонаси ва Зомин миллий бояни), Шоҳимардон, Бойсун тумани (қўшма сайт) ва Сармишсой (қўшма сайт) кирилди.

Объектнинг мазкур рўйхатга расман кирилиши унинг халқаро нуфузини ошириб, кейинчалик уни саклаб қолиш бўйича долзарб масалаларни ҳал қилиш учун маблаг олиш имконини беради. Объект расмий сертификат олади ва ўз номи, чегара ва ахборот нашрлари ва хоказоларда мазкур расмий нишонни жойлаштириш имкониятига эга бўлди.

Асосан сувда сузуви кушлар яшаш жойлари сифатида халқаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқ жойлари тўғрисидаги Конвенция (Рамсар конвенцияси) 1971 йилда Рамсар (Эрон) шаҳрида имзоланди. Унинг асосий мақсади сув-ботқоқ жойлари (кўллар, дарё водийлари, боткоқлашган худудлар, денгиз кўлтиклилари) ва сувда сузуви кушларни аниқлаш ва саклаб қолишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси 2001 йилда Рамсар конвенциясига кўшилди. Ўзбекистон худудида сувда сузуви кушларни аниқлаш ва сув атрофида яшайдиган кушлар тўпландиган жойлар сифатида жуда муҳим, сув организмлари катта заҳирасига эга, мухофаза қилиниши ва тўғри барқарор фойдаланилишини таъминлаш мухофаза этиладиган табии түрлөрдада ташкил қиласидан универсал қадриятга эга бўлган сув-ботқоқ жойлари, масалан, Денгизкўл кирилган. Ҳозирги пайтда рўйхатга ки-

ритишга номзод сифатида Судочье кўлини киритиш режалаштирилган.

Аввалги қонунчилик асоси табиатни муҳофаза қилиш худудий шаклиниң ривожланишини етарлича таъминламас эди. Янги қонун қабул қилиниши билан уни янгилаш ва такомиллаштириш режалаштирилган. Республикада муҳофаза этиладиган табиий худудлар яхлит бир тизимдан иборат бўлади, у охир-оқибат биохилма-хилликни узоқ вақт сақлаб қолишини таъминловчи узлуксиз экологик занжирга айланади.

2004 йил декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан янги «Муҳофаза этиладиган табиий худудлар тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди, у муҳофаза этиладиган табиий худудлар бўйича меъёрий-хукукий хужжат ҳисобланади. Ушбу қонунга мувофиқ муҳофаза этиладиган табиий худудлар уларнинг мақсад ва тартибларидан келиб чиқиб, куйидаги тоифаларга бўлинади:

- 1) давлат қўриқоналари;
- 2) мажмуа (ландшафт) буюртмаоналари;
- 3) табиий боғлар (миллий боғлар, маҳаллий миллий боғлар);
- 4) давлат табиат ёдгорликлари;
- 5) алоҳида табиат обьектлари ва комплексларини муҳофаза қилиш, қайта ташкил қилиш ва тиклаш учун худудлар (буюртмаоналар, табиий питомниклар, балик хўжалиги зоналари);
- 6) муҳофаза этиладиган ландшафтлар (курорт зоналари, рекреацион зоналар, сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳилбўйи полосалари, сув обьектларини санитар муҳофаза қилиш зоналари, ер усти ва ер ости сувларининг шаклланиш зоналари);
- 7) алоҳида табиий ресурсларни бошқариш учун худудлар (ўрмон хўжаликлари, овчилик хўжаликлари).

Муҳофаза этиладиган табиий худудлар (МЭТХ) янги классификацияси Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқининг тавсияларини ҳисобга олади ва иқтисодий ҳамда экологик манфаатлар бирлигини таъминловчи қўриқланадиган худудлар турли режимлари ягона экологик тизимини яратиш имконини беради.

«Муҳофаза этиладиган табиий худудлар тўғрисида»ги Конунда «Биологик хилма-хиллик тўғрисида»ги, «Кўчиб юрувчи ёввойи хайвонлар турларини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Асосан сувда сузуви қушлар яшаш жойлари сифатида халқаро аҳамиятга эга сув-ботқоқ жойлар тўғрисида»ги ва яна бир қатор конвенциялар бўйича Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятларини амалга ошириш бўйича йўналиш кучайтирилди.

Янги қонуннинг асосий фарқ қилиш белгилари-га куйидагилар киради:

- муҳофаза этиладиган табиий худудларнинг халқаро классификацияланиши;
- муҳофаза этиладиган табиий худудларга фуқаролар киришларининг асосий шартлари белгиланган;
- фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат, нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг муҳофаза этиладиган табиий худудларни муҳофаза

қилишни ва фойдаланишни ташкил этишда иштирок этишларининг қоидалари кўзда тутилган;

- муҳофаза этиладиган табиий худуд паспорти ва бошқариш режаси тўғрисида талабларни киритиши;
- мажмуа (ландшафт) буюртмаоналари алоҳида I в категориясига киритилган, қонунчиликда бу аввал бўлмаган;

- икки турдаги табиий боғларни яратиш мумкинлиги кўзда тутилган: республика аҳамиятидаги миллий табиий боғлар ва маҳаллий аҳамиятдаги табиий боғлар ҳамда хусусий буюртмаоналар ва табиат питомниклари;

- табиат давлат ёдгорликлари классификацияси киритилди;

- табиат питомникларини, ўрмонларни ҳимоялаш маълум категориялари билан худудларни ва овчилик хўжаликларининг тан олиниши;

- давлат биосфера резерватлари тушунчасининг киритилиши;
- давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий худудларни яратиш мумкинлиги кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикасида муҳофаза этиладиган худудларининг тоифалари ва турлари, уларнинг зоналаштириш 34-жадвалда, МЭТХ тузилмаси 33-жадвалда келтирилган.

Мазкур янгиликлар шу билан ҳам изоҳланади, муҳофаза этиладиган табиий худудларнинг ташкил қилиш, муҳофаза қилиш ва фойдаланиш масалалари факат муҳофаза этиладиган табиий худудда яшовчи аҳолининг ҳаётий манфаатлари билангина эмас, балки мамлакат барча фуқароларининг рекреацион, маданий, соғломлаштириш ва маърифий манфаатлари билан боғлиқдир. Шунинг учун фуқароларнинг МЭТХ алоҳида категорияларига киришларининг шартлари ҳамда уларни муҳофаза қилиш мақсадида бундай киришни чегаралаш кўзда тутилган. Мажмуа (ландшафт) буюртмаоналари, ресурсларни бошқариш мақсадида МЭТХ учун муҳофаза қилишнинг янги категориялари ва турлари киритилди. Бу категориялар МЭТХ обьектлари ва комплекслари вазифаларига фуқаролар ва мана шу худудларда хўжалик юритувчи субъектлар манфаатларига жавоб берадиган муҳофаза этиладиган табиий худудларнинг турларини яратишга имкон беради. Бу муҳофаза этиладиган табиий худудлар майдонини бир мунча оширишга ва мана шу кўрсаткич бўйича муҳофаза этиладиган табиий худудларни мазкур институт мавжуд бўлган ривожланган илғор мамлакатлар кўрсаткичларига яқинлаштириш имконини беради.

Давлат биосфера резервати тушунчасини киритилиши алоҳида аҳамиятга эга. Давлат биосфера резервати умумдавлат аҳамиятига молик ер усти ва сувли экологик тизимга ёки уларнинг комбинациясига эга бўлган, биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш, барқарор табиатдан фойдаланиш ва ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, тегишли маданий бойликларни муҳофаза қилиш учун мўлжалланган муҳофаза этиладиган табиий худуд ҳисобланади.

Муҳофаза этиладиган табиий худудларни молиявий таъминлаш тўғрисида меъёрлар ҳам белгилangan. Бундай табиат худудларининг баъзи тоифалари-

ни қисман ўзини-ўзи молиявий маблағ билан таъминлаш кўзда тутилган, бу экологик туризм, рекреация ташкил этиш, табиат ресурсларидан фойдаланишга рухсатнома беришдан тушган фойда ҳисобига амалга оширилади.

«Мухофаза этиладиган табиий худудлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, биринчи бор хусусий буюртмахоналар ва парваришхоналар яратиш мумкинлиги қонуний таъминланди. Бу мухофаза этиладиган табиий худудларни хусусийлаштириши ни англатмайди. Ер майдонлари ва бошқа табиат объектлари юридик ва жисмоний шахсларга фақат фойдаланишга берилади. Бу нодавлат юридик ва жисмоний шахслар маблағларини жалб этишга имкон беради, шу жумладан табиат объектлари ва мухофаза этиладиган табиий худудларни саклаш, қайта тиклаш ва қайта ишлаб чиқаришни таъминлаш учун турли миллий ва чет эллик табиатни мухофаза қилиш ташкилотларини жалб этишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасида ҳозир иккита хусусий питомник ташкил этилди:

Бухоро вилоятида (Пешку тумани) йўргатувалоқни кўпайтириш бўйича «Emirates Birds Breeding» МЧЖ питомниги (2007 й.);

Навоий вилоятида (Кармана) йўрга-тувалоқни кўпайтириш бўйича «Emirates Centre for Conservation of Houbara» МЧЖ питомниги (2008 й.).

«Мухофаза этиладиган табиий худудлар тўғрисида»ги Қонун қабул қилингандан кейин кўп сонли объектларга - ўрмон хўжалик корхоналари ва овчилик хўжаликларига мухофаза этиладиган табиий худудлар макоми берилмоқда. Бу биохилма-хилликни мухофаза қилишнинг худудий жиҳатдан қамраб олинган майдонларни анча кўпайтириш имконини беради.

Қўриқхоналар тўртта турли идорага бўйсунгани туфайли «Табиатни мухофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни мухофаза қилиш давлат қўмитаси ҳақидаги Низомга мувофиқ Давбионазорат давлат қўриқхоналарида табиатни мухофаза қилиш қонунларига риоя этилишини назорат қилиши мумкин, холос. Бундай текширувлар Табиатни мухофаза қилиш давлат қўмитаси ташкил этилганидан кейин дарҳол бошланди, кейинчалик мунтазам ўтказиб турилди ва сўнггиси 2002 йилда амалга оширилди. Уларнинг барчасида жиддий конунбузарликларни аниқлаб, давлат қўриқхоналарини Ўзбекистон Республикаси Табиатни мухофаза қилиш давлат қўмитаси тизимига бериш заруратини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни мухофаза қилиш давлат қўмитаси ташкил этилишининг мақсадларидан бири давлат қўриқхоналарини бошқариш бўйича ягона орган тузиш эди. Ҳукуматнинг Ўзбекистон Республикаси Табиатни мухофаза қилиш давлат қўмитаси ташкил этиш ҳақидаги қарорида (05.04.88 йил 134-сонли) барча давлат қўриқхоналарини унинг тизимига бериш вазифаси белгиланган эди. Лекин кейинчалик бу қарор бекор килинди.

Давбионазорат Ўзбекистон Республикаси Табиатни мухофаза қилиш давлат қўмитаси ихтиёрида бўлган

мухофаза этиладиган табиий худудлар – Ҳисор давлат қўриқхонаси ва «Жайрон» экомаркази фаолияти устидан услубий раҳбарлик ва назоратни амалга оширади.

Ҳисор давлат қўриқхонаси ЎзССР КП МҚ ва Вазирлар Кенгашининг 21.12.88 й.даги 474-сонли «ЎзССР КП МҚ ва Министрлар Кенгашининг 1988 й. 5 апрелдаги Қарори 10-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Табиатни мухофаза қилиш давлат қўмитаси ташкил этилганидан сўнг 1989 йилда Ўзбекистон Республикаси Табиатни мухофаза қилиш давлат қўмитаси таркибига берилди. Ҳисор давлат қўриқхонаси ҳақидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Табиатни мухофаза қилиш давлат қўмитаси раиси томонидан тасдиқланган.

Ҳисор давлат қўриқхонаси Ўзбекистондаги энг йирик қўриқхона бўлиб (майдони 80986,1 га), Ўзбекистон жанубидаги тоғларнинг ноёб ландшафтларини мухофаза қиласи, ўсимлик ва ҳайвонот оламини ўрганади. Давбионазорати қўриқхона ишини назорат киласи, услубий, техник ҳамда табиатни мухофаза қилиш фонди билан ҳамкорликда молиявий ёрдам кўрсатади. Давбионазорати томонидан қўриқхона учун маҳсус инспекция иши, илмий ишлар, инспекциянинг тузилмалар билан ўзаро муносабатлари бўйича ўйриқномалар ишлаб чиқилган ҳамда тасдиқланган.

Қўриқхонада метеорологик ҳолатни кузатиш учун метеостанция мавжуд. Ушбу кузатишлар бўйича ҳисобот Табиат солномасига киради. Давбионазорат қўриқхонадаги тартиб ва илмий ишлар бўйича ҳисоботлар олади. Илмий ишлар бўйича ҳисоботлар Фанлар академиясида такриздан ўтади ва Давбионазоратда сакланади.

Қўриқхона республика ва хорижий илмий ташкилотлар билан яхши илмий алоқаларга эга, Халқаро илвирик фонди ишида иштирок этади. Ҳар йили қўриқхона маҳаллий аҳоли билан, шунингдек мактаб, ҳокимиятларда экологик тарғибот ишларини ўтказади.

Ҳисор давлат қўриқхонасидаги ҳайвонларнинг асосий турлари сони 33-жадвалда келтирилган.

33-жадвал. Ҳисор давлат қўриқхонасидаги ҳайвонларнинг асосий турлари миқдори

| № | Тур номи | Сони (2007 й.) |
|----|---------------------|----------------|
| 1 | Сибирь тоғ қўзиси | 2371 |
| 2 | Оқтироқ айик | 169 |
| 3 | Туркистон силовсини | 114 |
| 4 | Илвирик | 24 |
| 5 | Тўнғиз | 625 |
| 6 | Қуён | 2798 |
| 7 | Бургут | 137 |
| 8 | Болтаютар | 100 |
| 9 | Улар | 669 |
| 10 | Каклик | 37550 |

Ҳисор давлат қўриқхонаси худудида ўз ходимлари ва жалб қилинган мутахассислар томонидан кўп учрайдиган, ноёб ҳайвонлар ва ўсимликларнинг ҳозирги ҳолати ҳамда миқдори бўйича тадқиқотлар ўтказилади.

1988 йилдан 2008 йилгача бўлган даврда Ҳисор давлат қўриқхонаси фаолияти ва ривожланиши учун Шахрисабз шаҳрида маъмурӣ бино, 4 та кордон, ишчи отлар учун 3 та отхона, 2 та қўприк курилди, табиат музейи қўшимча биноси таъмирланди, кордонларда 3 та станция (шундан иккитаси күёш батареясида ишлайди), 1 та мини гидростанция ва 1 та душ учун иситиш қозони ўрнатилди. Ёнгинга қарши жиҳозлар, дори-дармон воситалари, ишчи отлар учун анжомлар ва ем харид қилинди. Инспекторлар таркиби ишчи отлар, курол, кийим-кечак ва дала анжомлари билан таъминланган, автотрактор техникини мавжуд. Маъмурият ташкилий техника билан жиҳозланган. Илмий бўлим, илмий ишларни амалга ошириш учун лаборатория жиҳозлари ва турли асбоб-ускуналарга эга.

«Жайрон» экомаркази ноёб ва йўқолиб кетишини ҳавфи остидаги ҳайвон турларини сақлаб қолиш ва кўпайтиришга ихтисослашган жаҳон миқёсида ўзига хос бўлган обьект ҳисобланади.

1977 йилда ташкил этилганида экомарказ «Бухоро жайронларни кўпайтиришга ихтисослашган питомник» деб номланарди ва унда 42 та жайрон, 4 та кулон ва сайғоқлар бокиларди. Кейинчалик унда ҳалқаро ва миллий Қизил китобларга киритилган хонгул (бухоро бугуси), гепард, йўрга-тувалоқ ҳам бокилди. Питомникнинг олдига жайронларни кўпайтириш, улар биологиясини ўрганиш ва популяцияси ресурсларидан оқилона фойдаланиш вазифаси қўйилди. Кейинчалик ижобий натижалар олинганидан кейин питомник бошқа ноёб турлар – кулон, Пржевальский оти, йўрга-тувалоқни кўпайтириш билан шуғулланди, бу ерда сайғоқлар подаси ҳам бор эди. Фаолиятини кенгайтириш ва ҳайвонларни кўпайтириш соҳасидаги муваффақиятлари туфайли 26.12.98 йилда Вазирлар Кенгашининг фармойиши билан питомник «Жайрон» экомарказига айлантирилди.

Экомарказ майдони 7153 га бўлиб, шундан 5145 га браконьерлар ва йиртқичлардан химояланиш учун металл тўсик билан тўсилган. Питомникона тутқунлик шароитида ҳайвонларни ўрганиш ва зарурат туғилганида ҳайвонлар болаларини кўлда овқатлантириш имконини берадиган вольерлар тизими қурилган. Ҳозирги пайтда 2007 йилдаги ҳисобга кўра жайронлар миқдори 549 бош, Пржевальский отлари 35 бошгача, Ўзбекистон табиатида йўқолиб кетган кулонлар 55 бошгача етган.

Жайронни вольерда кўпайтириш соҳасидаги ишлар энг муваффақиятли кетмоқда. Экомарказ фаолият юритган вақт давомида тутқунлиқда кўпайтирилган ҳайвонларнинг 30 та авлодини олишга муваффақ бўлинди. Бунда ҳайвонот боғлари ва хусусий коллекцияларга 200 дан ортиқ жайрон, 5 та Пржевальский оти сотилган, 822 бош жайрон тарқатилган, овчилик маҳсулоти (жайрон) 128 бошни ташкил қилди.

Экомарказда бажарилаётган тадқиқотлар натижалари илмий ва даврий матбуотда, шунингдек кўп сонли республика ва хорижий нашрларда чоп этилган, мажлис ва конгрессларда маъруза тариқасида тақдим қилинган. Экомарказ бўйича илмий библиография мақолалари 200 тага етиб қолди.

Экомарказ ходимлари билан бирга Россия, Франция, АҚШ ва бошқа мамлакатларнинг мутахассислари томонидан ноёб илмий ишлар ўтказилди. Экомарказнинг илмий ҳисоботлари Фанлар Академиясида тақриздан ўтади ва Давбионазоратда сакланади.

Ҳар йили Пржевальский оти популяциясининг ҳолати ҳақидаги ахборот Ҳалқаро отлар насли китобини юритиш учун Ҳалқаро Пржевальский оти фондига жўнатилади. Бухородаги Пржевальский оти популяцияси сони ва кўпайтириш салоҳияти бўйича жаҳондаги бешликка киради.

Экомарказда ҳайвонлар бош суюкларининг ноёб тўплами мавжуд. 2007 йилда унда 937 нусха, шундан жайронлар бош суюги 918 нусха мавжуд эди. Коллекция материалининг кадрлилиги шубҳасиз, тўплам Ўзбекистон илмий ва маданий фондлар миллий рўйхатига киритилган.

Ҳозирги пайтда Экомарказ жайрон, кулон, Пржевальский оти, Бухоро тоғли қўйини кўпайтириш билан шуғулланмоқда. 2007 йилда келтирилган бир жуфт Бухоро қўйидан 2 та кўзичоқ туғилди. Сўнгра яна 2 та Бухоро қўйи кўзичоғи ва 1 та морхўр улокчаси келтирилди. Жорий пайтдаги умумий сони 6 бош Бухоро қўйи ва 1 та морхўрдан иборат.

Мақоми бўйича «Жайрон» экомаркази илмий-ишлаб чиқариш ташкилоти ҳисобланади. Штати 33 киши, 12 кишидан иборат илмий бўлими бор. Илмий бўлим кучи билан жайрон, кулон, Пржевальский оти бўйича мониторинг тадқиқотлари ўтказилмоқда. Бундан ташқари алоҳида мавзулар бўйича кўшма ишланмалар, бошқа ташкилотларнинг якка тартибдаги тадқиқотлари ҳам мавжуд.

Ҳисор давлат қўриқхонаси ва «Жайрон» экомаркази тараққиётини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Давбионазорати ва мазкур муҳофаза этиладиган табиий худудлар ходимлари билан биргалиқда «2006-2010 йилларга Ҳисор давлат қўриқхонасини ривожлантириш режаси» ва «2006-2010 йилларда «Жайрон» экомарказини ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқот ва ташкилий-техник ишлар дастури» ишлаб чиқилди.

Давбионазорати ходимлари томонидан БМТГД лойиҳаси ва Ҳисор давлат қўриқхонаси ходимлари билан биргалиқда «Ҳисор давлат қўриқхонасини бошқариш режаси» лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳа қайта ишлаш жараёнидадир.

Муҳофаза этиладиган табиий худудларда илмий тадқиқотларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратилади. Шундай қилиб, «Жайрон» экомарказида 1988 йилдан бошлаб «Жайронларни муҳофаза қилиш, тиклаш ва хўжаликда кўллаш шаклларини ишлаб чиқиш» мавзусида илмий иш олиб борила бошланди. Кейинчалик «Ўзбекистонда жекнинг биологик асосларини ва тикланишини ишлаб чиқиш»,

«Гепардни кўпайтириш ва уни табиатга реинтродукция қилиш усулларини ишлаб чикиш» мавзуларида тадқиқотлар олиб борилди. Бу билан бир вактда «Жайроннинг сахро ўсимлик қопламига таъсири» мавзусида ботаник ишлар бажарилди. Экомарказга Пржевальский отлари келтирилганида «Пржевальский отларини Ўрта Осиёнинг куруқ иклим шароитига мослаштириш» мавзусида илмий тадқиқотлар бошланди. Жайрон бўйича ишлар давом эттирилди - «Жайронларнинг питомник шароитидаги кўпайиш даврида социал ўзини тутиши», «Сахро экотизимларида кушларнинг кўниши тузилмаси ва мавсумий динамикаси» мавзусида кушлар ўрганилди.

Ҳисор давлат қўриқхонаси ташкил этилган пайтдан бошлаб «Табиат солномаси», фенологик кузатувлар мунтазам олиб борилади. Қўриқхонанинг илмий ходимлари томонидан «Ҳисор тизмаси шимоли-гарбий тармоқларида ноёб ва йўқолиб кетаётган ҳайвонлар турлари биологияси», «Арчали комплексларда табиий тикланишини ўрганиш», «Ноёб ва йўқолиб кетаётган ўсимлик турлари популяциялари, уларнинг тарқалиш қонуниятлари ва генетик банкларни ташкил қилиш имкониятлари» мавзуларида тадқиқотлар олиб борилмоқда. М.Улугбек номли Ўзбекистон Миллий Университети олимлари томонидан «Ҳисор давлат қўриқхонаси ер усти умуртқасиз ўсимликлар ҳамжамияти фаунаси» иши бажарилди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Зоология институти «Ҳисор давлат қўриқхонаси ҳайвонот олами инвентаризацияси», «Ҳисор давлат қўриқхонаси ҳайвонот ва ўсимликларининг ноёб турлари инвентаризацияси», «Ҳисор қўриқхонаси асосий эктомокомплекслари ҳолати ва фаолиятининг шарҳи» мавзуларида тадқиқот ўтказди. Ўзбекистон Республикаси ФА «Ботаника» ИИЧМ «Ҳисор давлат қўриқхонаси ўсимлик қопламининг геоботаник ҳариталаштириш» мавзусида ишлар олиб борди. Қўриқхона ўсимликларининг батафсил ҳаритаси берилиди. Қўриқхона тўғрисида газеталарда мақолалар чоп этилди, хужжатли фильм суратга олинди. Мониторинг ва илмий ишлар олиб борилди. Директорнинг фан бўйича ўринбосари Б.Оромовнинг 1999 йилда илвирсни сақлаб қолиш бўйича Покистонда, 2001 йилда экотуризмни ривожлантириш бўйича Германияда ва 2006 йилда муҳофаза этиладиган табиий худудларни бошқариш бўйича АҚШда бўлиб ўтган семинарларга сафари ташкил қилинди. Силовсин, илвирс, бошқа ҳайвон турлари биологияси бўйича 12 та мақола чоп этилди. Учта мақола Покистон, Германия ва АҚШда, қолгани «Труды заповедников Узбекистана» китобида эълон қилинди.

Республика қўриқхоналари афсуски ягона тизими ташкил қилмай, тўртта турли идорага бўйсунади. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ихтиёрида 1 та – Ҳисор; Қишлоқ ва сув хўжалиги вазиригининг ўрмон хўжалиги бош бошқармасида 6 та – Бадай-тўқай, Зомин, Зарафшон, Қизилқум, Нурота, Сурхон; Давлат геология қўмитаси ихтиёрида 1 та – Китоб; Тошкент вилояти ҳокимлигига 1 та – Чотқол қўриқхоналари мавжуд. Чотқол биосфера қўриқхонаси 2000 йилда хавфсизлик

нуктаи назаридан Тошкент вилояти ҳокимлигига берилиди. Бу ерда 1993 йилдан бери «Чотқол қўриқхонаси туёклиларининг популяцион экологияси» мавзусида илмий тадқиқотлар ўтказилади, «Табиат солномаси» мунтазам олиб борилади, ҳайвонларнинг ҳар йиллик ҳисоби юритилади.

1995 йилда «Чотқол биосфера қўриқхонасида орнитомониторинг» доимий илмий иши олиб борилди. 1996 йилда «Ўзгидромет» марказининг гидробиология лабораторияси томонидан «Чотқол қўриқхонасидағи Бошқизилсой ҳавзаси сув оқимларини экспедицияли гидробиологик тадқиқ қилиш ҳақида» ишлар ўтказилди.

1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.10.99 йил 469-сонли «1999-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-мухитни муҳофаза қилиш бўйича Миллий ҳаракатлар Даствурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Биохилма-хилликни сақлаш бўйича ҳаракатлар режаси мазкур хужжатга таркибий кисм сифатида киритилди.

Амалий жиҳатдан Марказий Қизилқум давлат қўриқхонаси, Нурота-Қизилқум биосфера резервати, «Сармиш» миллий боғи, «Оқтепа» табиий богини ташкил қилиш бўйича ишлар бажарилди.

Марказий Қизилқум қўриқхонаси бўйича ер танланди, туман ва Навоий вилояти ҳокимликларининг қарорлари қабул қилинди, 2003 йилда эса қўриқхонани ташкил қилиш ҳақидаги қарор лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига киритилди. Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ерларни ажратилиб, лойиха гурухи жамланди, вазирликлар ва идоралар, шунингдек, Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси, Жizzах, Навоий ва Самарқанд вилоятлари вакиллари таркибидаги лойиҳанинг Мувофиқлаштирув Кенгаши тузилди. Лойиҳанинг Миллий Координатори ва Мувофиқлаштирув Кенгashi раиси этиб Давбионазорат бошлиғи тайинланди. Бўлажак биосфера резерватининг лойиҳавий худуди 1 млн. га дан кўпроқни ташкил қиласди.

Лойиҳа томонидан биосфера резерватини ташкил қилиш учун илмий ва услубий база яратилди. Биохилма-хиллик ҳолати бўйича бутун лойиҳавий худуд тадқиқ ва таҳлил этилди. Тадқиқотлар натижалари ДАТ асосида электрон аҳборотлар базасига айлантирилди. Мувофиқлаштирув Кенгashiда биосфера резерватининг худуди ва чегаралари ҳам белгиланиб тасдиқланди. Биосфера резерватига фойдаланишга бериладиган мутлок муҳофаза тартибли биринчи зона ерлари бўйича вилоят ҳокимликларининг ерларни танлаш бўйича қарорлари қабул қилинди. Биосфера резерватини ташкил этиш бўйича лойиҳа

тайёрланди ва 2006 йилда Вазирлар Маҳкамасига жўнатилди. Лойиха ҳудудида Фориш туманининг туман маркази – Янгикишлокда лойиҳанинг дала оғиси (Ташриф маркази) ташкил қилинди, бу ерда лойиҳанинг бошқариш амалга оширилди ва ташкил этилган биосфера резерватининг бошқарувини жойлаштириш режалаштирилди. Вазирлар Маҳкамасининг Нурота-Қизилқум биосфера резерватини ташкил килиш тўғрисидаги қарорининг кабул қилиниши лойиҳавий ҳудудда биохилма-хилликдан барқарор фойдаланиш бўйича ишларни янги босқичга кўтариш ва Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари учун бу йўналишда реал моделларни беришни тезлаштириш имконини берар эди. Ҳозирги вақтда лойиха Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг муҳофаза этиладиган ҳудудлари тизимини такомиллаштириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси томонидан ГЭФ маблагларини жалб этган ҳолда Қозогистон ва Қирғизистон Республикалари билан биргаликда Трансчегаравий лойиҳа амалга оширилди. Мазкур Ғарбий Тянь-Шань биохилма-хиллигини сақлаб қолиш бўйича Марказий Осиё Трансчегаравий лойиҳасининг асосий мақсади учта давлат – Қозогистон, Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг минтақадаги таъсирчан ва ноёб биологик муҳитини сақлаб қолиш бўйича уларнинг интилишларини қўллаб-куватлаш, биохилма-хилликни сақлаб қолиш соҳасидаги миллӣ сиёsat, меъёрий база ва институционал тараққиётни кучайтириш ва мувофиқлаштиришга қўмаклашишдан иборат бўлди. Лойиҳа Аксу-Жабагли (Қозогистон), Сари-Челак ва Беш-Арал (Қирғизистон) ҳамда Чотқол (Ўзбекистон) қўриқхоналарини ўз ичига олган Ғарбий Тянь-Шань минтақасини қамраб олганди. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитасида лойиҳанинг амалга ошириш учун ихтисослаштирилган бўлим ташкил қилинди. Давбионазорат лойиҳага қўмаклашиб, унинг ишида табиатни муҳофаза килиш қонунларига риоя этилишини назорат қилди.

«Сармиш» миллӣ боғини Навоий вилоятидағи вилоят аҳамиятга эга бўлган буюртмахона негизида ташкил қилиш режалаштирилган. Ҳудуд саҳро пасттоғликларини, уларнинг флора ва фаунасини муҳофаза қиласида. Бу ерда 3000 дан ортиқ қояға туширилган расмлар – петроглифлар мавжуд, бу жаҳон миқёсида ҳам жуда ноёб ҳисобланади ва турли мамлакатлардан олимлар ва шинавандаларда катта қизиқиш уйготади. Ташкил қилиш бўйича барча ҳужжатлар тайёрланди ва эксперталарнинг хulosалари тўпланди. Боғ Навоий вилояти ҳокимлигининг 21.04.97 йилдаги қарори билан маҳаллий даражада ташкил қилинди. Унинг майдони 5000 га ни ташкил қиласида ва Навоий вилояти Табиатни муҳофаза килиш қўмитаси назорати остидадир.

2005 йилда Сурхондарё вилояти ҳудудида «Оқтепа» табиий боғи ташкил қилинди. Уни ташкил қилиш тўғрисидаги 151-сонли қарор 29.08.2005 йилда Сурхондарё вилояти ҳокими томонидан қабул қилинди. Мазкур маҳаллий аҳамиятдаги табиий боғ Оқтепа сув омборининг ғарбий соҳилида 1034 га

майдонда жойлашган. Ҳудуд тўқай ўрмони ва қисман қумли саҳро билан қопланган. Генофондни сақлаш ва табиатга реинтродукция килиш, шунингдек экотуризм ва саёҳатлар уюштириш мақсадида боғда ёввойи ноёб туёқлилар – хонгул, Бухоро қўйи, жайрон ва морхўр кўпайтириш режалаштирилган.

Давлат қўриқхоналари – муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг энг қатъий тартибли тури бўлиб, муайян ўсимлик, ҳайвон турлари ва экотизимларни ҳимоялаш учун ташкил қилинган доимий амал қиладиган муҳофаза этиладиган зоналар ҳисобланади. Уларда ҳар қандай хўжалик фаолияти тақиқланган (назорат этиладиган илмий тадқиқотлар бундан мустасно). Улар Ҳалқаро табиатни муҳофаза килиш уюшмаси (IUCN) муҳофаза этиладиган зоналари таснифининг I тоифасига тўғри келади. Республика қўриқхоналарида кўплаб Қизил китобга кирган ҳайвон турлари: хонгул, морхўр, северцов қўйи, кўк суғур, Туркистон силовсини, йирик йиртқич қушлар, ҳашаротлар муҳофаза килинади.

Ўзбекистон Республикасида қўйидаги қўриқхоналар мавжуд:

- Чотқол;
- Бадай-тўқай;
- Ҳисор;
- Зомин;
- Зарафшон;
- Қизилқум;
- Нурота;
- Сурхон;
- Китоб.

1. Чотқол биосфера қўриқхонаси 1947 йилда ташкил қилинган. Угом-Чотқол табиий миллий боғи таркибиға кириб, Тошкентдан шарқда ва Ангрендан шимолда жойлашган. Умумий майдони 35724 га, шундан ўрмонлар 6586 га, далалар 7047 га, ҳовузлар 81 га ни ташкил қиласида. Қўриқхона Тошкент вилояти ҳудудида Чотқол тизмасининг ғарбий қисмида жойлашган. Қўриқхонанинг мақсади Ғарбий Тянь-Шаннинг тоғли экотизимларини сақлаш ва атроф-мухит ҳолатининг экологик мониторингидан иборат. Чотқол қўриқхонаси флораси 1168 турга эга бўлиб, минтақа учун хосдир. Бу ерда Қўриқхона учун эндем бўлган 6 тур ўсади. Қўриқхона ўсимликларининг 28 тури Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган. Бу ерда 44 турдаги сут эмизувчи, 230 дан ортиқ турдаги күш, 16 турдаги судралиб юрувчи ва 2 турдаги сувда ва қуруқлиқда яшовчи, 3 мингдан ортиқ турдаги умуртқасизлар яшайди. Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига бир турдаги илон, 10 турдаги күш ва уч турдаги сут эмизувчи кирган. ТМХР Қизил китобига йўқолиб кетиш хавфи остида илвирс (*Uncia uncia*), кўк суғур (*Marmota menzbieri*), ўрмон соняси (*Dryomys nitedula*), кўршапалаклар – кичик ва катта такабурунлар (*Rhinolophus ferrumequinum*, *Rh. hipposideros*) ва уч рангли туншапалак (*Myotis emarginatus*); қушлардан: тасқара (*Aegypius manachus*), қўйка (*Falco naumanii*), кора каптар (*Columba eversmanni*), оққанот қизилиштон (*Dendrocopos leucopterus*) киритилган.

Кўриқхона худудий маъмурий орган – Тошкент вилояти ҳокимлигига бўйсунади. ЮНЕСКО МАБ Дастири Халқаро Мувофиқлаштирув кенгашининг 9-курултойида унга биосфера мақоми берилди. 1993 йилда белгиланган тартибда халқаро биосфера резерватлари тармоғига киритилган, лекин унинг талаблари жавоб бермайди. Мақомини такомиллаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

53 йил давомида кўриқхона муҳофаза этиладиган худуд мақомида табиий муҳитнинг бир қисми, кенг тарқалган ёки ноёб ландшафт шакллари ёки ўсимлик ва ҳайвонлар генетик ресурсларини саклаш жойлари сифатида табиатни муҳофаза қилиш, илм-фан ва экологик таълим учун катта аҳамиятга эга бўлган табиий комплекслар (ер, ер ости бойлайлари, сув, флора ва фауна)ни муҳофаза қилишга хизмат қилиб келмоқда.

2. Ҳисор давлат кўриқхонаси Қашқадарё вилоятида Ҳисор тизмасининг гарбий ёнбағрида денгиз сатҳидан 1750 м дан 4349 м гача баландликда жойлашган. 1983 йилда икки давлат кўриқхонаси – Қизилсуй ва Мироқин кўриқхоналарининг бирлашиши натижасида ташкил қилинган. Ҳозирги пайтда бу Ўзбекистондаги энг катта кўриқхонадир. Умумий майдони 80986 га ни ташкил қиласи. Кўриқхонада ўрмон, дала экотизимлари ажралган; ўрмон билан қопланган майдони 56678,1 га; яйловлар мавжуд; дарё ва кўлларга 171 га тўғри келади; ботқоқликлар 511 га; қияликлар ва тоғ ёнбағридан тўқилмалар 31819 га ни ташкил қиласи; йўллар, шудгор ва қамишзор далалар мавжуд.

Кўриқхонанинг асосий ўрмон ҳосил қилувчи ўсимликлари зарафшон ва ярим шар шаклидаги арчалар ҳисобланади. Умуман олганда муҳофаза этиладиган худуддаги ўсимликлар Ўрта Осиё тоғлари учун одатий бўлиб, унинг катта қисми тор эндем ўсимликлари. Баъзи ҳисобларга қараганда томирли ўсимлик турларининг умумий миқдори 800-900 дан кам эмас. Мураккабгулдошлар (*Compositae*), дук-каклилар (*Leguminosae*), бутгудошлар (*Cruciferae*), донлилар (*Gramineae*), соябонлилар (*Umbelliferae*), лабгулдошлар (*Labiatae*) турлари кўплаб учрайди. Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ноёб турлардан кўриқхона худудида 32 турдан кам бўлмаган томирли ўсимлик тури ўсади.

Кўриқхонанинг ҳайвонот олами бой, турли туман ва тогли ўрмонларга хос бўлган деярли барча турларни қамраб олади. Кўриқхонада 2 турдаги балиқ, 19 турдаги амфибия ва рептилия, 103 турдаги уяли қушлар, 28 турдаги сут эмизувчи яшайди. Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига оқтиринонг айик, илвирс, Туркистон силовсини, Эрон қундузи, қушлардан: бургут, болтаотар, итолғи, қумой, кичик бургут киритилган.

Қизилсуй участкасидаги Осмонталаш чўккиси энг юкори нуқта – денгиз сатҳидан 4000 м дан баланд, айнан шу ерда Сибирь кўзиси, илвирс, улар ва қизил суғур яшайди.

Судралиб юрувчилардан сувилон, чипорilon, бушилон, кўлвор илон, туркистон агамаси, Осиё илонкуйруги ва бошқалар учрайди.

Тожикистон билан чегарада кўриқхонанинг энг юрик дарёларидан бири Оқсув ҳавзасида энг юкори

чўққили Гилон участкаси жойлашган. Унинг баландлиги денгиз сатҳидан 2500 дан 4300 м гача оралиқда. Бу участкада Ўзбекистондаги энг юрик Северцов музлиги мавжуд.

Ҳисор давлат кўриқхонаси Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимида киради ва Давбионазорат томонидан бошқарилади.

3. Нурота давлат кўриқхонаси Ўзбекистон Республикаси жануби-гарбида Жizzах вилояти Фориш туманинда Нурота тизмасининг марказий қисмида жойлашган. 1975 йилда ташкил қилинган. Кўриқхона майдони 17752 га, шундан 2529 га ўрмон билан қопланган. Ёнғонинг кадрли турларини сақлаб қолиш ва Северцов қўйининг ноёб популяциясини ҳимоялаш кўриқхонанинг асосий мақсади хисобланади.

Помир-Олой тог тизими ва Қизилқум чўлининг оралиғида жойлашган кўриқхонада тоғли, чўлли ва бореал турлар, шунингдек, кўп микдорда эндемикларни ўз ичига олган ўзига хос флора шаклланган. Асосий муҳофаза қилиш обьектлари эндемиклар, реликт ва ноёб ўсимликлар ва ўсимлик ҳамжамиятлари хисобланади. Умуман олганда кўриқхона флораси 600 дан ортиқ (27 эндемик) турни қамраб олган. Авваллари Нурота тизмаси арча ўрмонлари билан қопланганди, лекин улар ўтган асрдаёт кесиб ташланган. Кўриқхонада атиги 30 га яқин арча колган.

Кўриқхона фаунаси 183 турдан иборат, шундан 13 тури Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган.

Нурота давлат кўриқхонаси Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тизимида киради ҳамда Кўриқхоналар, миллий табиий боғлар ва овчилик хўжаликлари бошқармаси томонидан бошқарилади.

4. Сурхон давлат кўриқхонаси Сурхондарё вилояти Шеробод туманининг шимоли-гарбий қисмида жойлашган бўлиб, иккита мустақил худуд: Орол-Пайғамбар ва Кўхитонтоғ тизмаси шаркий ёнбағридан ташкил топган.

Умумий майдони 3092 га бўлган Орол-Пайғамбар ҳудуди Халқаро Қизил китоб ва Ўзбекистон Қизил китобига кирган Бухоро буғуси (хонгул) ва яйловтўқай экотизимларини сақлаб қолиш мақсадида 1971 йилдаёт кўриқхона сифатида ташкил топганди.

1987 йилда Кўхитон давлат кўриқхонаси Орол-Пайғамбар қўриқхонаси билан бирлаштирилди ва умумий майдони 24554 га бўлган Сурхон давлат кўриқхонасига қайта ташкил қилинди. Кўриқхонанинг Кўхитон ҳудуди тоғ ўрмон экотизим сифатида тавсифланади. Унинг ҳудуди Помир-Олой тог тизими Ҳисор тизмасининг жануби-гарбий тармокларида денгиз сатҳидан 1500 дан 3157 м гача баландликда жойлашган.

Кўриқхона ҳудуди кўп сонли майда сойлардан таркиб топган яхши ривожланган гидрографик тизими таъминлайдиган доимий ва муваққат оқадиган кўплаб сув оқимларига эга.

Ҳозирги пайтда Кўхитонда 269 тур ва 55 оиласа мансуб 578 томирли ўсимликлар рўйхатга олинган,

шундан 23 турдаги томирли ўсимлик тури Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган. Ер усти (ўрмон, дала, адир) ўсимликлари билан банд майдон 16620 га (67,7%), тошли ёнбағир, тўкилма, қияликлар билан банд майдон 7839 га (31,9%). Ўрмонлар 9288 га ёки худуднинг 37,8%-ини ташкил қилади. Асосий ўрмон ҳосил қиласидаги ўсимлик Зарафшон арчаси хисобланади.

Кўриқхонада умуртқасизлар кўп микдорда ва хилма-хил турларда тақдим қилинган, лекин мутахассислар йўқлиги туфайли ҳалигача ўрганилмаган. Ҳозирги пайтда Кўхитонда 1 турдаги балик, 2 турдаги амфибия, 26 турдаги рептилия, 74 турдаги қуш ва 23 турдаги сутэмизувчи аникланган.

Сурхон давлат кўриқхонаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тизимида киради ҳамда Кўриқхоналар, миллий табиий боғлар ва овчилик хўжаликлари бошқармаси томонидан бошқарилади.

5. «Бадай-тўқай» давлат кўриқхонаси 1971 йил октябрь ойида тўқай ландшафтини ва унинг ҳайвонот оламини саклаб қолиш мақсадида, Ўзбекистон худудида олтинчи ва Қорақалпогистонда биринчи кўриқхона сифатида ташкил топган. Майдони 6462 га, хусусан, ўрмон билан қопланган ери 3975 га. Беруний ва Кегайли туманлари худудида Амударё паст оқимида жойлашган.

Тўқай чангальзорлари майдоннинг 70 фоизини эгаллади. Ҳайвонот олами 91 турдан ортиқ қуш, 15 турдаги сутэмизувчи ва 15 турдаги балиқни ўз ичига олади.

«Бадай-тўқай» давлат кўриқхонаси ТМХР Қизил китоби, Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби, СИТЕС II Иловасига киритилган Бухоро буғусини (хонгулни) иклимлаштириш билан шугулланади.

«Бадай-тўқай» давлат кўриқхонаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тизимида киради ҳамда Кўриқхоналар, миллий табиий боғлар ва овчилик хўжаликлари бошқармаси томонидан бошқарилади.

6. Зарафшон давлат кўриқхонаси 1975 йилда ташкил этилган, Самарқанд вилоятида жойлашган. Унинг худуди Чўпонота чўккilarидан бошланади ва тор тизма бўлиб Зарафшон дарёсининг ўнг соҳили бўйлаб 47 км га чўзилган. Ўрмон ерининг кенглиги 300 дан 1500 м гача. Кўриқхона майдони 2352 га, шундан 680 га ўрмон билан қопланган. Кўриқхонани ташкил қилишдан мақсад йўқолиб бораётган чиройли Зарафшон қирғовулини, қимматли доривор бутаси – чаканда (облепиха), тўқай чангальзорини тиклаш ва саклаш, илмий тадқиқотлар олиб боришдан иборат.

Кўриқхонанинг нисбатан кичик худудида қарийб 300 турдаги ўсимлик ўсади. Кўриқхонада 59 турдаги доривор ва 23 турдаги техник ўсимлик аникланган.

Кўриқхонанинг фаунаси 359 тур билан тақдим қилинган, шундан амфибиялар – 2, судралиб юрувчилар – 8, кушлар – 206, сутэмизувчилар – 24 турни ташкил қилади. Ноёб ва йўқолиб кетаётган турлар 32 та.

1995 йилдан бери Зарафшон давлат кўриқхонасида хонгулни кўпайтириш бўйича ишлар олиб борилемоқда. 1996 йилда Зарафшон давлат кўриқхонасига «Бадай-тўқай» кўриқхонасидан 6 бош Бухоро буғуси келтирилган. Ҳозирги пайтда кўриқхона худудида 27 бош хонгул яшайди.

Зарафшон давлат кўриқхонаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тизимида киради ҳамда Кўриқхоналар, миллий табиий боғлар ва овчилик хўжаликлари бошқармаси томонидан бошқарилади.

7. Қизилқум давлат кўриқхонаси 1971 йилда ташкил топган, Бухоро вилоятида жойлашган. Кўриқхона майдони 10311 га ни ташкил қилади, шундан 5144 га ўрмон билан қопланган, 6964 га кумли зонада ва 3177 га Амударё бўйида жойлашган.

Кўриқхона худудида 250 турдаги ҳайвон мавжуд, шундан 10 дан ортиқ тури ТМХР Қизил китоби ва Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига кирган; 160 турдаги ўсимлик учрайди, шундан 2 тури Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига кирган.

Бухоро бўғуси алоҳида эътиборга молик, унинг сони 1991 йилдан бери 200 бошгача кўпайди.

Қизилқум давлат кўриқхонаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тизимида киради ҳамда Кўриқхоналар, миллий табиий боғлар ва овчилик хўжаликлари бошқармаси томонидан бошқарилади.

8. Зомин давлат кўриқхонаси 1960 йилда ташкил этилган, Жиззах вилоятининг Зомин ва Бахмал туманларида 26840 га майдонда жойлашган, шундан 11322 га ўрмон билан қопланган.

Денгиз сатҳидан 1760-3500 м баландликдаги тоғ-арча экотизимлари муҳофаза қилинади. 700 дан ортиқ турдаги ўсимлик мавжуд, шундан Зарафшон, яримшарсизмон ва Туркистон арчалари ўрмон ҳосил килади.

Кўриқхона худудида ҳайвонлар 152 турни ташкил этади, шундан 16 тури Ҳалқаро Қизил китоб ва Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган.

Зомин давлат кўриқхонаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тизимида киради ҳамда Кўриқхоналар, миллий табиий боғлар ва овчилик хўжаликлари бошқармаси томонидан бошқарилади.

9. Китоб давлат кўриқхонаси 1979 йилда 3938 га майдонда ташкил топган. Кўриқхона Қашқадарё вилоятида Зарафшон тизасининг жануби-ғарбий тармоқларида жойлашган, баландлиги 1300 дан 2650 м гача оралиқда.

Кўриқхона худудида 168 турдаги ҳайвон мавжуд (кушлар – 128, сутэмизувчилар – 21, судралиб юрувчилар – 14, баликлар – 3 турдан иборат) билан тақдим қилинган, шундан 10 тури Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига кирган, 800 турдаги ўсимлик ўсади, шундан 23 тури Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига кирган.

Китоб давлат қўриқхонаси Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига бўйсунади, Китоб геология экспедицияси томонидан бошқарилади.

Угом-Чотқол давлат табиат миллий боғи

1990 йилда Тошкент вилоятида Ғарбий Тянь-Шаннинг тоғли тармоқларида 574,6 минг га майдонда ташкил этилган. Бог табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишга қаратилган. Богнинг улкан майдони денгиз сатҳидан 900 дан 4000 м гача оралиқдаги баландликда жойлашган, турли ер тоифаларини ўз ичига олади. Бу ерга Чотқол биосфера қўриқхонасининг 2 участкаси киради, бу ерда тўлиқ осойишталик хукмрон. Охангарон ва Бричмулла ўрмон хўжаликлари ерларида ўрмонни тиклаш фаолияти олиб борилмоқда, чорва молларини бокиши чекланган, ёз фаслининг уч ойидагина катта баландликдаги яловларда бокилади.

Бог ўсимлик олами бой, олимлар минглаб турдаги ўсимликларни аниқлашган, улардан ўнлаб турлари Қизил китобга киритилган, бир неча тури эса шунчалик кичик ареалга эгаки, боғдан бошқа дунёнинг ҳеч бир ерида учрамайди. Богнинг худудида ўсадиган қатор ўсимлик турлари дориворлар сирасига киради.

Ҳайвонот олами ҳам турли-туманлиги билан ажралиб туради. Қизил китобга кирганларидан айик, илвирс, кўк суғур учрайди. Бу ерда 200 турдаги күшни учратиш мумкин.

Бог худудий маъмурий орган – Тошкент вилояти ҳокимлигига бўйсунади.

Давлат буюртмахоналари. «Муҳофаза этиладиган табиий худудлар тўғрисида»ги Конунга мувофиқ давлат буюртмахоналари (TMXP 4-тоифаси) ва табиат ёдгорликлари (TMXP 5-тоифаси) муҳофаза этиладиган табиий худудлар сирасига киритилган.

1988 йилда Ўзбекистонда 6 та буюртмахона фаолият юритарди:

- Арнасой – Жиззах вилояти;
- Денгизкўл – Бухоро вилояти;
- Кўхитон – Сурхондарё вилояти;
- Сангардак – Сурхондарё вилояти;
- «Эфа» - Сурхондарё вилояти;
- Гурлан – Хоразм вилояти.

Бугунги кунда Ўзбекистон худудида 10 та фаолият юритаётган буюртмахона мавжуд.

«Денгизкўл» давлат орнитологик буюртмахонаси ЎзССР Вазирлар Кенгашининг 1973 йилдаги 530-сонли қарори билан ташкил қилинган, фаолияти муддати Бухоро вилояти ижроқўмининг 26.06.90 йилдаги 157-11-сонли қарори билан (муддатсизга) узайтирилди. Буюртмахона майдони 50 минг га. Ташкил қилишдан мақсад – учеб ўтадиган сувда сузуви күшларни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш, қишлиш ерларини, яшаш мухитини саклаб қолишидир. Буюртмахонани муҳофаза қилиш давлат табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси томонидан амалга оширилади. Муҳофаза доимий эмас, оператив рэйдлар орқали юритилади.

«Қорақир» давлат буюртмахонаси Бухоро вилояти ижроқўмининг 25.01.92 й.даги 15-1-сонли қарори билан ташкил қилинган. Буюртмахонанинг муддати чекланмаган. Майдони 30 минг га. Ташкил қилишдан мақсад – учеб ўтадиган күшлар ва бошқа ҳайвонларни, улар яшаш ва кўпайиш ерларини муҳофаза қилишдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ихтиёрида. Буюртмахона худудини муҳофаза қилиш давлат табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси томонидан амалга оширилади. Буюртмахона ўз соқчиларига эга эмас.

Арнасой орнитологик буюртмахонаси Жиззах вилояти Фориш туманидаги Тузкон кўлида ЎзССР Вазирлар Кенгашининг 9.09.83 й.даги 521-сонли қарори билан ташкил қилинган. Буюртмахона майдони 63,3 минг га. Буюртмахона муддати чекланмаган. Ташкил қилишдан мақсад – учеб ўтадиган ва уя қурадиган күшларни муҳофаза қилишидир. Буюртмахонани Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси – Жиззах вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва Давбионазоратнинг Арнасой инспекциялари муҳофаза килади.

«Сайгачий» давлат буюртмахонаси Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 29.11.91 й.даги 311/42-сонли қарори билан ташкил қилинган. Қорақалпогистон Республикаси Мўйноқ туманида жойлашган. Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 11.02.2001 й.даги 33/1-сонли қарори билан буюртмахона тартибининг амал қилиш муддати 2010 йилгacha узайтирилди. Буюртмахона майдони 1 млн. га. Буюртмахона сайғоклар (Saiga tatarica) CITES II ва улар яшаш жойлари – миграция йўллари, қишлиш ва кўпайиш ерлари, шунингдек, бошқа, биринчи навбатда, Қизил китобга киритилган ҳайвонлар – тувалоқ (Otis Tarda) UzRDB RL, ўўрга-тувалоқ (Chlamydotis undulata) UzRDB RL кабиларни муҳофаза қилиш мақсадида ташкил қилинган. Қорақалпогистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига бўйсунади.

«Судочье» давлат орнитологик буюртмахонаси Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 29.11.91 йилдаги 311/42-сонли қарорига мувофиқ ташкил қилинган. Қорақалпогистон Республикаси Мўйноқ туманида жойлашган. Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 11.02.2001 йилдаги 33/1-сонли қарорига мувофиқ буюртмахона тартибининг амал қилиш муддати 2010 йилгacha узайтирилди. Буюртмахона майдони 50 минг га. Орнитологик буюртмахонасини ташкил қилишдан мақсад – Амударё соҳил бўйидаги сув-ботқоқлик жойлари биологик комплексини сақлаб қолиш, учеб ўтадиган күшларни, улар кўпайиши ва дам олиши жойларини муҳофаза қилишдан иборат. Ҳар йили кўлда юз минглаб сувда сузуви сув яқинидаги күшлар дам олади ва кўпаяди. Қорақалпогистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига бўйсунади.

«Муборак» давлат буюртмахонаси Қашқадарё вилояти ҳокимиятининг 5.12.98 й.даги X-344/12-сонли қарори билан ташкил қилинган (муддати чек-

ланмаган). Буюртмахона майдони ўзгартирилган – 219534 га. Ташкил қилишдан мақсад – йўрга-тувалоқ (*Chlamydotis undulata*), унинг яшаш жойлари ва бошқа ёввойи ҳайвонлар яшаш жойларини саклаб қолишидан иборат. Қашқадарё вилояти Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ихтиёрида.

«Оқтоғ» давлат буюртмахонаси Навоий вилояти ҳокимиятининг 21.04.97 й.даги К-113-сонли қарори билан ташкил қилинган (муддати чекланмаган). Навоий вилояти Нурота туманидаги Оқтоғ тизмасида жойлашган. Буюртмахона майдони 15420 га. Ташкил қилишдан мақсад - «Оқтоғ» тоғли мавзеси табиий комплексини саклаб қолиш. Навоий вилояти Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ихтиёрида.

«Карнабчўл» давлат буюртмахонаси Навоий вилояти ҳокимлигининг 9.07.98 йилдаги Ф-90-сонли қарори билан ташкил қилинган (муддати чекланмаган). Буюртмахона майдони 25 минг га. Ташкил қилишдан мақсад – биринчи навбатда, йўрга-тувалоқ (*Chlamydotis undulata*) ва унинг яшаш жойлари, шунингдек бутун Карнабчўл биологик комплексини саклаб қолиш. Буюртмахона йўрга-тувалоқ кўплаб учуб ўтадиган йўлда жойлашган. Навоий вилояти Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ихтиёрида.

«Кўшрабод» давлат буюртмахонаси Самарқанд вилояти ижроқўмининг 8.07.92 й.даги 86-к-сонли қарори билан ташкил қилинган (муддати чекланмаган). Буюртмахона майдони 16 минг га. Ташкил қилишдан мақсад – Қизил китобга киритилган ҳайвонлар – йиртқич кушлар, Нурота қўриқхонасидан буюртмахона ҳудудига кирадиган Северцов қўйини (*Ovis ammon severtzovi*) муҳофаза қилишдир. Самарқанд вилояти Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ихтиёрида.

«Нуробод» давлат буюртмахонаси Самарқанд вилояти ижроқўмининг 8.07.92 й.даги 86-к-сонли қарори билан ташкил қилинган (муддати чекланмаган). Буюртмахона майдони 40 минг га. Ташкил қилишдан мақсад – ёввойи ҳайвонлар, жумладан, йўрга-тувалоқ (*Chlamydotis undulata*) ва унинг яшаш жойлари, бутун табиий чўл комплексини муҳофаза қилишдир. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси – Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ихтиёрида.

Давлат табиий ёдгорликлари (Ўзбекистон Республикасининг «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонуни 26-моддасига мувофиқ Давлат табиий ёдгорликлари III тоифадаги МЭТХга киради):

Варданзи Навоий вилояти ҳокимлигининг 21.04.97 й.даги К-113-сонли қарорига мувофиқ тузилган (ССРИ даврида қўриқхона мақомига эга бўлган), майдони 320 га ни ташкил қилади.

«Мингбулоқ» табиат ёдгорлиги Наманган вилояти ҳокимлигининг 28.12.91 йилдаги 164/14-сонли қарорига мувофиқ тузилган, майдони 1000 га ни ташкил қилади.

«Чуст» табиат ёдгорлиги Ўрта Осиё ўсимликларни химоялаш ИТИ ташаббуси билан Наманган вилояти ҳокимлигининг 19.08.90 йилдаги 65/5-сонли қарорига мувофиқ (шунингдек, Наманган вилоя-

ти Чуст тумани Халқ депутатлари кенгашининг 1990 й. 30 августрдаги II-5/12-сонли қарорига) мувофиқ тузилган, майдони 1000 га ни ташкил қилади.

«Ёзёвон» табиат ёдгорлиги Фарғона вилояти ҳокимлигининг 23.05.94 йилдаги 164-сонли қарорига мувофиқ тузилган, майдони 1842 га ни ташкил қилади.

«Марказий Фарғона» табиат ёдгорлиги Фарғона вилояти Халқ депутатлари кенгаши Охунбобоев тумани ижроия кўмитасининг 1986 йил 2 августрдаги қарорига мувофиқ «Солижонобод» хўжалиги ерларида тузилган, майдони 142,5 га ни ташкил қилади.

«Янгибозор» табиат ёдгорлиги Хоразм вилояти Янгибозор тумани ҳокимлигининг (10.05.03 йилдаги 738-сонли, 4.02.04 йилдаги 819-сонли, 7.08.04 йилдаги 853-сонли, 17.04.04 йилдаги 1155-сонли) қарорларига мувофиқ тузилган. Майдони ўзгариб турган ва тегишли равища 136 га, 113,2 га, 120 га, 121 га ни ташкил қилган, хозирги пайтда 490,3 га.

«Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар» бўлими томонидан «Ўсимлик оламини муҳофаза қилиши» бўлими билан биргаликда 100 ёш ва ундан катта дарахтларни ҳисобга олиш ва уларга «Давлат табиат ёдгорлиги» мақомини бериш учун вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмиталаридан келган ахборотни жамлаш ва умумлаштириш бўйича ишлар амалга оширилди. Мазкур маълумотлар асосида умумлаштирилган жадвал тузилди ва барча дараҳтлар ҳисобга олинди.

Ўзбекистон Республикасидаги сув омборлари ва бошқа ҳовузлар, дарёлар ва магистраль каналлар, шунингдек истеъмол ва майший сув таъминоти, доривор ва маданий-соғломлаштириш сув манбалари ҳақидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07.04.92 й.даги 174-сонли қарори билан тасдиқланган. Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари билан «Чирчик, Охангарон, Сурхондарё, Чимён-Оввал ер ости чучук сувлари манбаларининг шаклланиш зоналарига алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мақомини бериш тўғрисида»ги, «Зарафшон дарёси замонавий водийси, Ош-Аравон, Норин, Китоб-Шаҳрисабз ер ости чучук сувлари манбаларининг шаклланиш зоналарига алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мақомини бериш тўғрисида»ги, шунингдек, Қашқадарё вилоятидаги Қашқадарё; Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридаги Чирчик; Сурхондарё вилоятидаги Сурхондарё; Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятидаги Зарафшон; Андижон ва Наманган вилоятидаги Қорадарё; Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпогистон Республикасидаги Амударё; Андижон, Наманган, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида Сирдарё дарёлари сувни муҳофаза қилиш зоналари ва соҳил бўйи полосасини белгилаш ҳақидаги низомлар тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари рўйхати, тузилмаси, тоифалари, бўлинмалари ва уларнинг мақсадли йўналиши 34, 35 ва 36-жадвалларда келтирилган.

**34-жадвал. Ўзбекистон Республикасининг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари
(1.02.2008 йил ҳолатига)**

| | Расмий номи ва ташкил этилган йили | Жойлашган ери | Майдони км² | ТМХР тоифаси | Тасарруфи |
|------------------------------|--|---|-------------------------------|---------------------|---|
| Давлат қўриқхоналари | | | | | |
| 1 | Чотқол тоғ ўрмонзорлари биосфера қўриқхонаси, 1947 йил | Тошкент вилояти Охангарон ва Паркент туманлари | 451,6 | I | Тошкент вилояти ҳокимияти |
| 2 | Ҳисор тоғ арчазорлари қўриқхонаси, 1983 йил | Қашқадарё вилояти Яккабоғ ва Шаҳрисабз туманлари | 814,3 | I | Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси |
| 3 | Зомин тоғ арчазорлари қўриқхонаси, 1926 йил, 1960 йил | Жиззах вилояти Зомин ва Бахмал туманлари | 268,4 | I | Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси |
| 4 | Бадай-тўқай яланглик тўқайзорлари қўриқхонаси, 1971 йил | Қорақалпогистон Республикаси Беруний тумани | 64,6 | I | Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси |
| 5 | Қизилқум тўқай қўмликлар қўриқхонаси, 1971 йил | Бухоро вилояти Ромитан тумани, Хоразм вилояти | 101,4 | I | Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси |
| 6 | Зарафшон ялов-тўқайзорлар қўриқхонаси, 1979 йил | Самарқанд вилояти Булунғур ва Жамбой туманлари | 23,5 | I | Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси |
| 7 | Нурота тоғ ёнгоқзорлари давлат қўриқхонаси, 1975 йил | Жиззах вилояти Фориш тумани | 177,5 | I | Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси |
| 8 | Сурхон тоғ ўрмонзорлари қўриқхонаси, 1987 йил | Сурхондарё вилояти Термиз ва Шеробод туманлари | 276,7 | I | Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси |
| 9 | Китоб геология қўриқхонаси, 1979 йил | Қашқадарё вилояти Китоб тумани | 53,7 | I | Давлат геология қўмитаси |
| | | | 2274 | | |
| Давлат миллий боғлари | | | | | |
| 1 | Зомин миллий боғи, 1976 йил | Жиззах вилояти Зомин тумани | 241,1 | II | Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси |
| 2 | Угом-Чотқол давлат-табиат миллий боғи, 1990 йил | Тошкент вилояти Бўстонлик, Паркент, Охангарон туманлари | 5745,9 | II | Тошкент вилояти ҳокимияти |
| | | | 5987 | | |
| Табиий питомниклар | | | | | |
| 1 | «Жайрон» экомаркази ноёб ҳайвонларни парваришилаш бўйича республика маркази, 1976 йил | Бухоро вилояти Коровулбозор тумани | 51,4 | IV | Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси |
| 2 | «Emirates Birds Breeding» МЧЖ йўрга-тувалоқ парваришилаш питомниги, 2007 йил | Бухоро вилояти Пешку тумани | 0,1 | IV | Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси |
| 3 | «Emirates Centre for Conservation of Houbara» МЧЖ йўрга-тувалоқ парваришилаш питомниги, 2008 йил | Навоий вилояти Кармана тумани | 0,1 | IV | Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси |




| Давлат буюртмахоналари | | | | | |
|-------------------------------------|------------------------|---------------------------------|----------------|----------------|---|
| 1 | Арнасой, 1983 йил | Жиззах вилояти | 633 | IV | «Ўзбалиқ», ҳозирги пайтда Та- биатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси |
| 2 | Денгизкўл, 1973 йил | Бухоро вилояти | 500 | IV | Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси |
| 3 | Қорақир, 1992 йил | Бухоро вилояти | 300 | IV | Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси |
| 4 | Сайгачи, 1991 йил | Қарақалпогистон Республикаси | 10000 | IV | Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси |
| 5 | Судочье, 1991 йил | Қарақалпогистон Республикаси | 500 | IV | Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси |
| 6 | Муборак, 1998 йил | Қашқадарё вилояти | 2195,3 | IV | Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси |
| 7 | Оқтоғ, 1997 йил | Навоий вилояти | 154,2 | IV | Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси |
| 8 | Қарнобчўл, 1998 йил | Самарқанд вилояти | 250 | IV | Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси |
| 9 | Қўшработ, 1998 йил | Самарқанд вилояти | 160 | IV | Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси |
| 10 | Нуробод, 1992 йил | Самарқанд вилояти | 400 | IV | Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси |
| | | | 15092,5 | | |
| | | | Жами | 23404,9 | |
| Табиат ёдгорликлари | | | | | |
| 1 | Варданзи, 1997 йил | Бухоро вилояти | 3,2 | III | Шоғиркон ўрмон хўжалиги |
| 2 | Мингбулоқ, 1991 йил | Наманган вилояти | 10 | III | Вилоят ҳокимияти |
| 3 | Чуст, 1990 йил | Наманган вилояти | 1 | III | Вилоят ҳокимияти |
| 4 | Ёзёвон, 1994 йил | Фарғона вилояти | 18,4 | III | Вилоят ҳокимияти |
| 5 | Янгибозор, 2003 йил | Хоразм вилояти | 4,9 | III | Вилоят ҳокимияти |
| | | | 37,5 | | |
| Жами 5 тоифаси бўйича | | | 23442,6 | | |
| Овчилик-балиқчилик хўжаликлари (45) | | | 7529,4 | | Жамоатчилик бир-лашмалари |
| Ўрмон-овчилик хўжаликлар (6) | | | 30425350 | | Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси |

35-жадвал. Ўзбекистон Республикасининг муҳофаза этиладиган табиий худудлари тузилемаси

| 1. Худудлаштиришсиз, муҳофаза худуди мавжуд эмас | | | | 2.Худудлаштиришсиз, муҳофаза худуди мавжуд | | | | 3. Худудлаштириш билан, муҳофаза худуди мавжуд эмас | | | |
|---|--|----------------|---|---|---|----------------|--|--|----------------|-----------------------|----------------|
| МЭТХ номи | Индивидуал тавсифлари | Умумий тавсифи | МЭТХ номи | Индивидуал тавсифлари | Кўшини худудлар билан бирга аралашини чекланган | Умумий тавсифи | МЭТХ номи | Индивидуал тавсифлари | Умумий тавсифи | Индивидуал тавсифлари | Умумий тавсифи |
| 1. Табиий потомниклар | Катый чекловларсиз тартиб, аралашинига рухсат этилади | | 1. Давлат кўрикнонлари | | | | 1. Табиий ботлар | | | | |
| | | | 2. Комплекс (ландашафт) буоргмаоналар | | | | 2. Курорт табиий худудлар | | | | |
| | | | 3. Давлат табиат ёдгорликлари | | Кўшини худудлар билан бирга кўрикланадиган объектга аралашини чекланган | | 3. Рекреацион худудлар | | | | |
| | | | 4. Буоргмаоналар | | Бутун худуд учун ягона тартиб | | 4. Давлат биосфера резерватлари | | | | |
| | | | 5. Соҳибўй ишлосаси | | Сув муҳофазаси худудлари муҳофаза | | 5. Сув муҳофаза худудлари | | | | |
| 2. Ер усти ва ерости сувлари шаклланадиган жой | Катый чекловларсиз тартиб, фойдаланишга рухсат этилади | | | | Худудлари ўринини ўтайди | | | | | | |
| 3. Балик хўжалиги зоналари | Катый чекловларсиз тартиб, аралашинига рухсат этилади | | 6. Сув объектларини санитар муҳофаза килиши худуди | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| 4. Ўрмон хўжаликлиари | | | МЭТХ | Муҳофаза худуди | | | МЭТХ | | | | |
| 5. Овчилик хўжаликлиари | | | | | | | | | | | |

МЭТХ белгиланган чегарага эга бўлиб, ичидаги тартиби амал киласи, атрофини эса муҳофаза худуди камрайди, унинг чегарасида кўшини худудлардан чекланган гарзда аралашилинган муҳофаза худудининг ёнгил тартиби ишлайди

МЭТХ белгиланган чегарага эга бўлиб, ичидаги тартиби амал киласи, атрофини эса муҳофаза худуди камрайди, унинг чегарасида кўшини худудлардан чекланган гарзда аралашилинган муҳофаза худудининг ёнгил тартиби ишлайди



**36-жадвал. «Мухофаза этиладиган табиий худудлар тўгрисида»ги Қонунга (03.12.2004 й.)
мувофиқ муҳофаза этиладиган табиий худудлар тоифалари, тоифаларга бўлиниши
ва уларнинг мақсадли белгиланиши**

| МЭТҲ тоифаси | Тоифа бўлинмаси | Мухофаза қамрайдиган даражা | Мақсади |
|---|---|---|--|
| 1. Давлат кўрикхоналари | Ажратилмайди | Экотизим | Фан ва мониторинг учун типик экотизимларни мутлоқ тегилмаган ҳолда саклаб колиш |
| 2. Давлат комплекс (ландшафт) буюртмахоналари | Ажратилмайди | Экотизим ёки унинг кисми | Табиий ҳолида саклаш учун муҳофаза қилиш |
| 3. Табиий боғлар | 1. Миллий боғлар | Экотизим | Табиий ҳолда саклаш, муҳофаза қилиш ва чекланган ҳолда фойдаланиш |
| | 2. Маҳаллий табиий боғлар | | |
| 4. Табиат ёдгорликлари | Ажратилмайди | Ноёб объектлар | Ноёб объектни тегилмаган ҳолда саклаб колиш |
| 5. Алоҳида табиий обьектлар ва комплексларни саклаш, кўпайтириш ва тиклаш учун худудлар | 1. Буюртмахоналар | Алоҳида турлар ва улар яшайдиган муҳит | Турлар ва муҳитни саклаш ва тиклаш |
| | 2. Табиий питомниклар | | Турларни саклаш ва кўпайтириш |
| | 3. Балиқ хўжалиги зоналари | | Сув организмларини саклаш ва тиклаш |
| 6. Мухофаза этиладиган ландшафтлар | 1. Курорт зоналари | Алоҳида ландшафтлар ва улар қисмлари | Ландшафтларни соғломлаштириш мақсадида саклаш |
| | 2. Рекреацион зоналар | | Ландшафтларни тиклаш мақсадида саклаш |
| | 3. Сув муҳофаза зоналари | | Сув ва соҳилбўйи ландшафтларини сувни муҳофаза қилиш мақсадида саклаш |
| | 4. Соҳилбўйи по-лосалари | | |
| | 5. Сув обьектларининг санитар муҳофаза қилиш зоналари | | |
| | 6. Ер усти ва ер ости сувлари шаклланиш зоналари | | |
| 7. Алоҳида табиий ресурсларни бошқариш учун худудлар | 1. Ўрмон хўжаликлари | Алоҳида ресурслар | Ўрмон ресурсларини саклаш ва улардан баркарор фойдаланиш |
| | 2. Овчилик хўжаликлари | | Овчилик ресурсларини саклаш ва улардан баркарор фойдаланиш |
| Тоифадан ташқари | | | |
| Давлат биосфера резерватлари | Ажратилмайди | Барча ландшафт ва биологик хилма-хиллик | Мазкур худуднинг ижтимоий-иктисодий тараққиёти мақсадида биологик хилма-хилликни саклаб колиш ва ундан баркарор фойдаланиш |

7.2. Ўсимлик олами

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси «Ботаника» ИИЧМ маълумотларига қараганда, Ўзбекистон ўсимликлар дунёси таркибида ҳозирги кунда 4100 дан ортиқ ўсимлик турлари мавжуд. Улардан 3000 дан ортиқ турлари олий ёввойи ўсувчи ўсимликлар, уларнинг 9% - эндемиклардир. Бу Ўзбекистонда ўсимлик дунёсининг турлари бойлигини кўрсатади.

Бироқ, ўсимлик дунёсини саклаб қолишига масъулиятсиз муносабатда бўлиш ва ундан ноокилона фойдаланиш, унинг камайишига олиб келди. Масалан, 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига 163 турдаги ўсимликлар кирган бўлса, 1999 йилда 301 турдаги, 2006 йилда эса 305 турдагилар киритилди. Ўсимликларнинг кўпчилик турлари ёввойи ҳолда ўсади, бу ўсимликлардан жадал суръатларда хом ашё тайёрлаш ёки манзарали турларини оммавий тўплаш ва тайёрлаш (лола, саллагул, зайдегуб, эремурус) сабабли Қизил китобга тушиб қолди.

Ўзбекистонда ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларга доривор ва озиқ-овқат хом ашёси сифатида эҳтиёж катта. 1992 йилгача доривор ва озуқабоп ёввойи ўсимликларини тайёрлаш билан бир неча давлат ташкилотлари, кўшма корхоналар ва жисмоний шахслар шуғулланар эди. Тайёрлаш ҳажми чекланмаган эди. Йиғиб олиш ҳажмлари ресурсларни тежаш ва ўсимлик дунёсидаги экологик тенглигни саклашни кўзда тутадиган илмий асослар билан таъминланмаган. Доривор ва озуқа хом ашёсини тайёрлаш ҳажмини ихтиёрий белгилаш қизилмия, андиз, зирк бутаси, сариқчой, чирмовгул, эфедра каби ва бошқа ўсимлик турлари захиралари кескин камайишига сабаб бўлди. Ўсимлик хом ашёсининг асосий тайёрловчиси - Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси қошидаги «Шифобаҳш» ишлаб чиқариш бирлашмаси (ИЧБ) ҳисобланади. «Шифобаҳш» ИЧБ қошида ёввойи ўсадиган ўсимликларни маданийлаштириб етиштириш билан шуғулланадиган кўплаб ихтиослаштирилган хўжаликлар ташкил қилинди. Ҳозирги пайтга қадар ёввойи ўсадиган ўсимликларни тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси корхоналари орқали оширилади.

1988 йилдан 1990 йилгача бўлган даврда доривор ва истеъмол ўсимликларини тайёрлаш қарийб икки баравар кўпайди ва 850 тоннага етди. Доривор ва истеъмол ўсимликларини тайёрлаш умумий ҳажмининг 85 фоиздан ортиғи «Шифобаҳш» ИЧБ ҳиссасига, қолган қисми эса - «Фармация», «Ўзбекбирлашув», «Ўзширкаттайёрлашсавдо» РИБ ҳиссасига тўғри келади. Ўша пайтда республикада доривор, техник ва истеъмол ўсимликларининг 35 турдан ортиғи табиий жойлардан, 10 турдан ортиғи маданий плантациялардан олинар эди. 1991 йилда республика бўйича тайёрланган 799,6 тонна ўсимлик хом ашёсидан 588,9 тоннаси (73,7%) табиий ўсадиган ўсимлик ҳамжамиятларидан, 210,7 тоннаси (26,3%) маданий плантациялардан тайёрланган. Шундан 412,9 тоннаси (51,6%) доривор моддаларни ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида, 327,6 тоннаси (41%) озиқ-овқат саноати учун ва 59,1 тоннаси (7,4%) техник максадларда ишланган.

Биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва фойдаланиш соҳасидаги қонунчиликка амал қилган ҳолда 1993 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ҳайъатининг 26.10.92 йилдаги 9-сонли карорига мувофиқ бутун йилга ўсимлик хом ашёсини тайёрлаш миқдори белгиланади. Квота миқдори Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Биохилма-хилликдан фойдаланиш идораларро комиссиясининг тавсияларини ҳисобга олиб амалга оширилади. 1993 йилгача ўсимлик хом ашёсини тайёрлаш квотасиз олиб бориларди.

1995 йилдан бошлаб республикадаги ташкилотларнинг ёввойи ўсадиган доривор ва истеъмол ўсимликларини тўплаш, саклаш, ҳисобини юритиш ва сотиши бўйича тайёрлаш фаолияти назоратга олинди. Тайёрловчи ташкилотлар фаолиятининг натижалари Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ҳайъати томонидан кўриб чиқилди ва баҳоланди. 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси FA «Ботаника» ИИЧМ билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган етмакнинг Тошкент ва Жиззах вилоятларидаги ареали ва ресурсларини аниқлаш бўйича илмий иш олиб борилди.

Меъёрларни белгилаш Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси «Ботаника» ИИЧМ йиллик илмий асосларига қараб амалга оширилади. Ўсимлик хом ашёларини тайёрлаш ҳажмлари тўғрисидаги солиштирма маълумотлари 37-жадвалда келтирилган.

37-жадвал

| Жами Ўзбекистон бўйича (йиллар): | Белгилан- ган меъёр (квота) | Амалда тай- ёрланган | % |
|---|-----------------------------------|-------------------------|--------|
| 1988 й. | меъёrsiz | | |
| 1989 й. | меъёrsiz | | |
| 1990 й. | меъёrsiz | | |
| 1991 й. | 740 | 270,5 | 36,6 |
| 1992 й. | 728 | 212,9 | 29,3 |
| 1993 й. | 430 | 430,3 | 100,06 |
| 1994 й. | 229,3 | 322,58 | 140,6 |
| 1995 й. | 299 | 154,5 | 51,7 |
| 1996 й. | 378,6 | 211,2 | 56 |
| 1997 й. | 211,5 | 144,2 | 68,2 |
| 1998 й. | 340,7 | 124,1 | 36,5 |
| 1999 й. | 154,6 | 125,6 | 81,3 |
| 2000 й. | 416,3 | 314,5 | 75,6 |
| 2001 й. | 416,3 | 411,2 | 98,8 |
| 2002 й. | 508,3 | 490,3 | 96,5 |
| 2003 й. | 491,7 | 250,6 | 51,8 |
| 2004 й. | 581,76 | 301,3 | 52 |
| 2005 й. | 965,3 | 643,31 | 66,7 |
| 2006 й. | 1052,92 | 819,13 | 77,8 |
| 2007 й. | 1930,47 | 894,54 | 46,4 |

Бундан ташқари, 1988 йилда қўшимча квота бўйича 100 тонна эрманни тайёрлаш ишлари ўтказилди.

«Шифобахш» ИЧБ ва бошқа хусусий ва юридик тадбиркорлар ўсимлик хом ашёсини экиб етишира бошлаганлиги ҳисобига 90-йиллар охири ва 2000-йиллар бошларида ёввойи ўсадиган ўсимлик хом ашёси тайёрлаш ҳажмларини қисқартиришга эришилди. Бундан ташқари, 2007 йилдан бошлаб Навоий, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг давлат захира ер фонди ерларида табиатдан фойдаланувчилар томонидан 1000 кг уруғ миқдорида (Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилмаган) ферула уруғини экиш босқичи бошланди.

2005 йилда, асосан, 18 турдаги ўсимлик, 2006 йилда эса 26 турдаги ўсимлик тайёрланган.

Баъзи ўсимлик турлари (қизилмия, кавил, ферула мойини олиш учун хом ашё) бўйича тайёрланиш ҳажмлари кўпайди. Бу турли тадбиркорларнинг фаолияти ва уларни қонунийлаштириш кенгайганлигидан далолат беради.

Мухофаза қилиш ва оқилона фойдаланиши талаб этувчи ўсимлик дунёси обьектлари ўрмон ўсимликлари хисобланади (даражатлар ва бута ўсимликлари).

Республика барча ўрмонлари ягона давлат ўрмон фондини ташкил этади, у давлат аҳамиятидаги ҳамда ўрмон хўжалиги органлари тасаруфидаги ўрмонлардан иборат. Ўрмонларнинг жуда кичик кисми бошқа идора ва юридик шахслар томонидан фойдаланилади.

Ўзбекистон ўрмонлари ўзининг табиий таркиби, маҳсулдорлиги ва бажарадиган вазифаси билан бир-биридан фарқ қиласди. Шунинг учун, улар табиий ҳудудлар бўйича тоғ, дарё ёқалари ва водий ўрмонларига ажратилган.

XX аср бошларидан Ўзбекистон ўрмонлари майдони 4-5 баравар қисқарди. Қишлоқ хўжалиги дала-ларига айлантирилган қайир ўрмонлари (тўқайлар) айниқса қатъий антропоген таъсирга учради. Бундай ҳаракатлар натижасида Амударё соҳил бўйидаги уларнинг майдони 150 минг га дан (1928 йилда) 22-24 минг га гача (1993 йилда) қисқарди.

Республика давлат ўрмон фондининг сўнгги хисоби 1988 йилда ерлар тўлиқ инвентаризацияси билан бирга ўтказилди. Мазкур маълумотлари-

38-жадвал. Давлат ўрмон фонди ерлари майдонининг тоифалар бўйича тақсимланиши, минг га

| Ҳисобга олинган йил | Давўр-мон-фонди умумий майдони | Ўрмон майдони | | | | | | Ўрмон-сиз майдон | |
|---------------------|--------------------------------|-----------------------|---------------|----------------------------------|-------------------------|-----------------------------|-----------------------|------------------|--|
| | | Ўрмон билан қопланган | | Ў/ўсимл. тоифа-сига ўтказилмаган | Ўрмон билан қопланмаган | | Жами ўрмон майдонлари | | |
| | | жами | ш.ж. ў/ўсимл. | | жами | шу жумладан, ў/ўсимл. фонди | | | |
| 1.01.88 й. | 4993,9 | 1788,4 | 190,6 | 81,4 | 1 1306,9 | 474,8 | 3651,5 | 1342,4 | |
| 1.01.95 й. | 8285,3 | 1945,6 | 306,0 | 176,0 | 1642,7 | 727,8 | 4492,1 | 7393,2 | |
| фарқ | 3291,4 | 157,2 | 115,4 | 94,6 | 335,4 | 253,0 | 840,6 | 2450,8 | |
| 1.01.96 й. | 9119,0 | 2776,0 | 334,1 | 171,6 | 1635,5 | 700,8 | 5283,9 | 3835,1 | |
| фарқ | 833,7 | 830,4 | 28,1 | - 4,4 | - 7,2 | - 27,0 | 791,8 | 41,9 | |

га караганда Ўзбекистон Республикаси давлат ўрмон қўмитаси ихтиёридаги давлат ўрмон фонди ерлари 4994 минг га ни, ўрмон билан қопланган майдон эса 1788 минг га ни ташкил қиласди. Бошқа идора ва юридик шахслар ихтиёридаги ўрмон билан қопланган майдон тахминан 500 минг га бўлган. Ўзбекистоннинг ўрмон билан қопланган ерлари умумий ер майдонининг 5,1 фоизини ташкил қиласди. 1.01.91 йилдаги 10-лх шаклидаги солиштирма ҳисоботга мувофиқ давлат ўрмон фонди 5467 минг га, ўрмон билан қопланган майдон эса 1819 минг га га тенг бўлган. Бошқа юридик шахсларга тегишли ўрмон билан қопланган майдон 546 минг га ни ташкил қиласди. Ўзбекистоннинг ўрмон билан қопланган ерлари умумий ер майдонининг 6,2 фоизини ташкил қиласди.

7.3. Ўрмондан фойдаланиши

Давлат ўрмон қўмитасининг ўрмон хўжалиги корхоналари томонидан 1946 дан 1995 йилгача ўрмонларни ташкил қилиш даврида 924 минг га экилиб, 298 минг га майдон ўрмон билан қопланди, зеро, шундан 281 минг га ёки 94 фоизи 1989 йилгача ўрмон билан қопланган майдонга ўтказилди. Ўрмон дарахтларининг куриб колиши катта фоизини ташкил қиласетгани ташвишга солади. Ўзбекистон Республикасидаги давлат ўрмон фонди ер майдонларининг тоифаларига кўра тақсимланиши 38-жадвалда келтирилган.

38-жадвалда келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш шунни кўрсатадики, 1988 дан 1995 йилгача даврда давлат ўрмон фонди умумий ер майдони, унга асосан ўрмон билан қопланмаган ерларнинг қўшилганлиги ҳисобига 3291,4 минг га кўпайган. Бу Қоракалпогистон Республикаси (Устюорт платоси ва Оролнинг очилиб қолган туби) ва Навоий вилоятидаги ер захираларидир.

Давлат ўрмон фондининг 1988 дан 1995 йилгача бўлган даврда ўрмон билан қопланган майдони 157,2 минг гектарга кўпайди. Ўзбекистон Республикасида ўрмонлаштириши 0,35%га ошди ва ўртача йиллик ўрмонлаштиришнинг ўсиши 0,037% бўлди. 1988 дан 1997 йилгача Ўзбекистон Республикасида ўрмонлаштириш 0,17%га ошди, унинг йиллик ўсиши эса 0,019%ни ташкил қиласди, яъни деярли аввалги даражада сакланиб қолди.

1.01.2003 йил холатига кўра, ўрмон хўжалиги давлат ўрмон фондининг умумий ер майдони 8088,7 минг га, ўрмон билан қопланган майдон эса 2278,6

минг га ни ташкил қилди. 1996 йилга нисбатан (9 йил ичида) давлат ўрмон фондининг умумий ер майдони умуман Ўзбекистон Республикаси бўйича 1 млн. га дан ортиқ, ўрмонлаштириш эса 1 фоизга камайди. Тоғ зонаси ўрмонлари 311 минг га майдонни ёки ўрмон билан қопланган умумий майдоннинг 11 фоизини эгаллар эди. Улар эгаллаган майдон 204 минг га ёки Ўзбекистон барча ўрмонлари майдонининг 7 фоизига teng. Колган тоғ зонасидаги 107 минг га ўрмонларга кенг баргли ва дараҳтсимон буталар турлари кенг доираси хосдир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитасининг 1.01.95 йилдаги маълумотларига кўра, ўрмон хўжаликлари органларининг давлат ўрмон фонди умумий ер майдони 8285 минг га, ўрмон билан қопланган ер майдони эса 1946 минг га ни ташкил қилди. 1.01.96 йилда эса давлат ўрмон фонди умумий ер майдони 9119 минг га, ўрмон билан қопланган ер майдони эса 2776 минг га етди. Шу тарика йил давомида ўрмон хўжаликлари органларининг давлат ўрмон фонди умумий ер майдони 1,1 баравар, ўрмон билан қопланган ер майдони эса 1,4 баравар ошиди. Республикада ўрмонлаштириши 6,2 фоизга teng бўлди, яъни 1 фоизга кўпайди. Бироқ бу маълумотлар шубҳа уйғотади, чунки бир йилда ўрмон билан қопланган майдон 800 минг га дан кўпроқ ошиши мумкин эмас. Бу кўрсаткичлар бўйича давлат статистика ҳисоби давлат ҳисботининг 10-лх шакли бўйича амалга ошириларди, лекин 1997 йилдан бошлаб статистика органлари томонидан ҳисбот бекор килинди.

Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги бош бошкармаси маълумотларiga қараганда, 1.01.2008 йил ҳолатига кўра ўрмон хўжалиги органларининг давлат ўрмон фонди умумий майдони 8178877 га (1.01.2007 йил маълумотларига кўра 8082382 га эди)ни ташкил қилади. Шундан ўрмон билан қопланган майдони 2827537 га (1.01.2007 йил маълумотларига кўра 2764710 га эди), табиий ўрмонлар 2120937 га (1.01.2007 йил маълумотларига кўра 2120977 га эди), маданий ўрмон 594.883 га (1.01.2007 йил маълумотларига кўра 643.733 га эди). Замонавий ҳолатида тоғ зонаси ўрмонлари Республикани ўрмон билан қопланган майдонининг 874074 га (1.01.2007 йил маълумотларига кўра 794613 га эди)ни эгаллади. Ушбу ўрмонларнинг асосий ва устунлик қиласидаги дараҳти арчадир. Чўл зонаси ўрмонлари 7022557 га (1.01.2004 й. маълумотларига кўра 2,4 млн. га, 1.01.2007 й. маълумотларига кўра эса 7007112 га эди)ни ташкил қилади. Энг катта майдонни чўл зонаси ўрмонлари эгаллади, бу зонага саксовулзор ва бошқа буталар – псаммофитлар хосдир. Тўқай ўрмони 106716 га (1.01.2007 йил маълумотларига кўра 105693 га эди). Аввал эндем туронги теракларидан ўтиб бўлмайдиган тўқай чангальзорларини ташкил қиласидир қайир ўрмонлари қаттиқ антропоген таъсир (қайир ўрмонлари қишлоқ хўжалиги далаларига ажратиларди) туфайли бир фоиздан кам майдонда сақланиб қолди. Яйлов зонасидаги ўрмонларга Республикага интродукцияланган дараҳт турлари (плантациялари) хосдир. Мазкур сунъ-

ий ўрмонлар майдони 175530 га (1.01.2007 йил маълумотларига кўра 174964 га эди).

Ўрмон хўжалиги бош бошкармаси давлат ўрмон фондининг умумий майдони Республика умумий майдонининг 18,4 фоизини ташкил қиласиди. Республикани географик жойлашувига кўра унинг ўрмон билан қопланганлиги паст бўлиб, тахминан 6,4%ни ташкил қиласиди. Ўрмон билан қопланган ерлардан ноқилона фойдаланиш натижасида ўрмонлашув даражаси пастлигига олиб келмоқда. Ҳаддан зиёд ва нотартиб чорва бокилиши, дараҳтлар ва буталарни ноконуний кесиш ўрмон фондига айниқса сезиларли салбий таъсир кўрсатади.

Ўрмон хўжалиги корхоналари ўрмон дараҳтлари учун экиш материалини вақтингчалик питомникларда етиштиради, бу уларни етиштириш учун зарур агротехника билан таъминлай олмайди. Мазкур етиштириш жараённида илғор усуслар жорий этилмайди. Туплар етиштириш учун уруғ материали, одатда, паст сифатли ва тасодифан танланган дараҳтлардан тайёрланади, чунки ўрмон хўжаликлирида дараҳт уруғлари участкалари ташкил қилинмаган.

Ўрмон хўжалиги корхоналари фаолияти давомида ўрмон яратиш лойихаларига амал қиласиди, сўнгги вактда эса ўрмон фондида ўрмон яратиш лойихалари ишлаб чиқилмаган. Бу Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошкармасига хисоб ва режали хўжалик юритиш имконини бермайди. Бундан ташқари, ўрмон фонди ерларида аввалгидек чорва бокиши тартиби бузилмоқда, шунингдек дараҳтлар ва буталар ноконуний кесилмоқда, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари томонидан табиатни муҳофаза қилиш қонунларини бузганлик учун ўрмон хўжаликлирига тақдим этилган катта даъво суммалари бундан далолат беради. 20 йил давомида ўрмоннинг яратиш ишлари олиб борилмаганлиги туфайли давлат ўрмон фонди ва ўрмон билан қопланган майдон бўйича кўрсаткичлар ҳаққоний бўлмаслиги эҳтимоли бор.

Шунингдек, авваллари жамоа ва бошқа хўжаликлар ихтиёрида бўлган ўрмон фонди ҳолати ва ишлатилиши устидан ҳам назоратни кучайтириш лозим.

2007 йилда вилоятлар табиатни муҳофаза қилиш кўмиталари ва жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси худудидаги 100 ёшли дараҳтлар рўйхатлари тайёрланди ва ҳокимликларнинг мазкур дараҳтларга муҳофаза этиладиган табиат ёдгорликлари мақомини бериш бўйича қарорлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 19.11.2007 йилдаги 119-сонли буйргуи тайёрланди ва тасдиқланди.

7.4. Ҳайвонот олами (шу жумладан, балиқ ресурслари). Кушлар. Асосий ҳайвонлар, шу жумладан, овчилик турларининг ҳолати

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг маълумотларига кўра, Республика фаунаси 97 турдаги сутэмизувчи, 424 турдаги күш, 58 турдаги рептилия ва 83 турдаги балиқларни ўз ичига ола-

ди. Шундан 24 турдаги сутэмизувчи, 48 турдаги күш, 16 турдаги рептилия ва 18 турдаги балиқ Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган.

Кўриб чиқилаётган давр давомида ҳайвонот оламида катта ўзгаришлар рўй берди. Сайгоқларнинг кўпайиши кескин кисқарди. Сайгоқнинг бутун ареалида – Қозогистон, Россия, Туркманистон, Ўзбекистонда кузатилди. Барча популяциядаги сайгоқлар сони кескин кисқарди: Қозогистонда 90-йиллардаги 800-900 минг бошдан 2001 йилда 89 минг бошгача; Қалмикистонда 2001 йилда 17,2 минг бошгача; Устюртда – 30-65 минг бошдан 20-25 минг бошгача. Бундан келиб чиқиб, ареалга кирган мамлакатларда сайгоқни отиш тақиқланди. Қозогистонда 2000 йилда 5 йилга, Россия Федерациясида 1994 йилда, Ўзбекистонда 1992 йилдан 10 йилга тақиқ эълон килинди ва 2002 йилда яна 5 йилга узайтирилди.

Сайга антилопасини сақлаб қолиш, тиклаш ва барқарор фойдаланиш масаласида ўзаро англашув меморандуми қатнашчиларининг биринчи мажлисида (Олма-ота ш., 2006 й. сентябрь) таъкидланганидек, Қозогистонда сайгоқнинг ҳолати бироз барқарорлашибди ва республиканинг баъзи ерларида ҳайвоннинг кўпайиши кузатилмоқда. Қозогистонда сайгоқни муҳофаза қилиш масаласи Давлат дастури хисобланади. Россияяда ҳам муҳофаза тадбирлари туфайли сайгоқлар сони камайишининг олди олиниди.

Ўзбекистонда сайгоқлар сонининг қисқариши давом этмоқда. 2006 йилда сайгоқларнинг юртимиз худудида кўпайиши қайд этилмади ва белгиланган пайтдан аввал тарқ этишди. Ҳайвонлар микдори бир неча минг бошгача камайди. Бунга ҳақиқий муҳофаза ишларининг ўйқлиги таъсир этмоқда. Яқин вақтгача инспекция 7 млн. га муҳофаза этиладиган майдонга 1 та эски автомашинага эга бўлган. 2008 йил бошида биологик ресурсларни муҳофаза қилиш Амударё инспекцияси ташкил этилиб, Устюрт платосида сайгоқларни муҳофаза қилиш вазифаси ҳам киритилди. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан 2006 йил 23 майда имзолangan Сайга (Saiga tatarica tatarica) антилопасини сақлаб қолиш, уларнинг сонини тиклаш ва улардан барқарор фойдаланиш масаласида ўзаро англашув меморандуми талабларини таъминлаш учун инспекция иккита автомашина билан таъминланди, битта автомашина эса Қорақалпогистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ихтиёрига топширилди.


Табиий ҳовузлар балиқ ресурслари ҳолати ва улардан фойдаланиши

Ўзбекистон катта миқдордаги сув ресурсларига эга бўлиб, бу ерда балиқ хўжалигини ривожлантириш мумкин. Республиkaning балиқ хўжалигини юритиш учун фойдаланиш мумкин бўлган кўл ва сув омборлари майдони 800 минг га дан ортиқи ташкил

килади. Ўзбекистонда 500 дан сал кўпроқ кўл мавжуд. Бу, асосан, майдони кичик 100 га дан кам сув хавзалариридир. 1000 га дан ортиқ майдонли кўллар 32 та. Уларнинг келиб чиқиши турлича. Тоғ кўллари одатда нураш ва музлик-морен натижасида ҳосил бўлади, текисликларда - қайири, ирмоқли, ҳозирги пайтда асосан дренаж сувларидан тўйинадиган кўллардир. Ўзбекистондаги энг йирик кўл тизими – бу Айдар-Арнасой кўллар тизими бўлиб, унинг майдони тахминан 350 минг га, ҳажми эса қарийб 42 км³, бу барча сув омборлари ҳажмидан ортиқидир. Ҳозирги пайтда республикада 51 та сув омборидан, асосан ирригация (суғориш) мақсадида фойдаланилади. Уларнинг тўлиқ лойиҳавий ҳажми 18,8 км³, фойдали ҳажми эса 14,8 км³. Энг йириклари – Туямуюн, Чорвоқ, Тўдакўл, Каттакўрғон. Улар дарё оқимларини йил давомида бошқариш, суғориш даври учун сув тўплаш, шунингдек фавқулодда тошқинларнинг олдини олиш мақсадида қурилган. Сув омборлариридан фойдаланишида балиқ хўжалиги манбаатлари хисобга олинмаган.

Ўзбекистонда балиқчилик билан кадимдан шугуланилган. XX аср биринчи ярмида балиқ овлашнинг асосий манбаи Орол денгизи бўлган. Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб Орол денгизининг куриб бориши натижасида табиий ҳавзалардан балиқ овлаш ҳажмлари камайиб борди, лекин шу йилларда ҳовузда балиқ этиштириш ривожлана бошланди. Кейинги йилларда табиий ҳавзалардан балиқ тутиш тинмай камайиб борди, ҳовуз балиқчилигига балиқ этиштириш эса кўпайди. Агар 40-50-йилларда табиий ҳавзаларда балиқ тутиш йилига 22-24 минг тоннани ташкил килган бўлса, 1990 йилда атиги 6,1 минг тонна тутилди, ҳовуз хўжаликлирида эса 20,5 минг тонна балиқ этиштирилди (87-расмга қаранг).

87-расм. Ўзбекистонда балиқ овланиши ва ишлаб чиқарилиши динамикаси (минг т)



Орол денгизи таназзулга учраганидан кейин балиқ саноати асосан кўллarda ва кам миқдорда сув омборларида олиб борилмоқда, чунки сув омборларидан суғориш мақсадларида фойдаланилади ва баъзи йилларда сув энг паст даражагача олинади. Таъкидлаш жоизки, балиқ тутиладиган деярли барча кўллар сунъий ташкил этилган бўлиб, коллектор-дренаж сувлари хисобига тўйинади.

1990 йиллардан бошлаб республика балиқчилик тармоғи инқирозга юз тутди, бу балиқ тутишда ҳам, этиштиришда ҳам кузатилди. Сўнгги 20 йилда республиkaning табиий ҳавзалари бўйича балиқ тутили-

39-жадвал. 1988-2007 йиллар давомида республика вилоятлари бўйича балиқ овланиши

| Вилоятлар | Балиқ овланиши, тоннада | | | | | | | |
|-------------------------------|-------------------------|---------------|---------------|---------------|---------------|---------------|---------------|---------------|
| | 1988 | 1990 | 1995 | 2000 | 2004 | 2005 | 2006 | 2007 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 2340,6 | 2038,7 | 2092,8 | 1100,0 | 329,0 | 445,0 | 606,4 | 809,7 |
| Хоразм | 348,9 | 373,4 | 114,8 | 136,0 | 9,6 | 20,0 | 203,0 | 4,6 |
| Бухоро | 413,3 | 372,8 | 239,4 | 184,0 | 208,0 | 111,0 | 119,4 | 134,9 |
| Навоий | 617,1 | 575,1 | 469,2 | 789,0 | 807,0 | 877,4 | 1194,4 | 1171,3 |
| Қашқадарё | 39,3 | 97,4 | 110,1 | 135,0 | 6,2 | 27,0 | 15,4 | 14,4 |
| Сурхондарё | 41,9 | 85,2 | 20,2 | 25,0 | 5,5 | 13,0 | 0 | 8,1 |
| Самарқанд | 124,0 | 252,0 | 73,9 | 71,0 | 2,0 | 16,6 | 30,1 | 14,6 |
| Жиззах | 4220,0 | 2558,4 | 488,8 | 1033,0 | 570,0 | 590,0 | 730,3 | 1004,2 |
| Тошкент | 39,3 | 49,2 | 9,6 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| Жами Ўзбекистон бўйича | 8184,4 | 6402,2 | 3611,6 | 3473,0 | 1937,0 | 2100,0 | 2901,1 | 3161,8 |

40-жадвал. 1988-2007 йилларда республика вилоятлари ҳавзаларида балиқ овланиши

| Йил-лар | ААКТ | | ҚРК | | Бошқа минтақалар | | Жами | |
|---------|-------------|------|-------------|------|------------------|------|-------------|-----|
| | Овлан-ди, т | % | Овлан-ди, т | % | Овлан-ди, т | % | Овлан-ди, т | % |
| 1988 | 4220,0 | 51,6 | 2340,6 | 28,6 | 1623,5 | 19,8 | 8184,4 | 100 |
| 1990 | 2823,9 | 44,1 | 2038,7 | 31,8 | 1539,6 | 24,1 | 6402,2 | 100 |
| 1995 | 604,5 | 16,7 | 2092,8 | 57,9 | 914,3 | 25,5 | 3611,6 | 100 |
| 2000 | 1622,2 | 46,7 | 1100,0 | 31,6 | 750,8 | 21,7 | 3473,0 | 100 |
| 2004 | 981,0 | 50,6 | 329,4 | 17,0 | 627,0 | 32,4 | 1937,0 | 100 |
| 2005 | 965,0 | 45,9 | 445,0 | 21,2 | 690,0 | 32,9 | 2100,0 | 100 |
| 2006 | 924,3 | 31,9 | 606,4 | 20,9 | 1370,4 | 47,2 | 2901,1 | 100 |
| 2007 | 1299,0 | 41,1 | 809,7 | 25,6 | 1053,1 | 33,3 | 3161,8 | 100 |

шининг статистик хисоботини таҳлил қиласайти. Хуллас, агар республикада 1988-1992 йилларда балиқ тутиш 6134,2 дан 8184,5 тоннагача, ўртача эса йилига 6389,2 тонна бўлган бўлса, 2001-2007 йилларда 1927,8 дан 3161,8 тонна, ўртача йилига 2550,7 тонна бўлди. Бундан кўриниб турибдики, статистик маълумотларга кўра ушбу даврда балиқ тутиш ҳажмлари икки ярим баравар кисқарди.

Саноат йўли балиқ тутиши Қорақалпоғистон Республикаси ва 7 та вилоят: Бухоро, Навоий, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари ҳавзаларида амалга оширилади. Асосий балиқ овлаш ҳажми Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Жиззах ва Навоий вилоятларида жойлашган Айдар-Арнасой кўллар тизими (ААКТ) ҳавзаларига тўғри келади.

1988-2007 йилларда республика вилоятлари бўйича балиқ овлаш ҳажмлари 39-жадвалда келтирилган. 1988-2007 йилларда республика турли вилоятларидаги ҳавзаларда балиқ овлаш ҳажмлари 40-жадвалда келтирилган.

1988 йилдан 2007 йилгача бўлган даврда Қорақалпоғистон Республикаси ҳавзаларига умумреспублика йиллик балиқ овлаш ҳажмининг 57,9 фоизигача қисми, ўртача 29,3% тўғри келади.

2000-йиллар бошларида Амударёнинг пастки оқимларида бир неча йил давомида фавқулодда кам сув бўлганлиги туфайли балиқ овлаш кескин камайди, кўплаб кўллар умуман қуриб қолди. 2002 йил охиридан бошлаб Амударёнинг пастки оқимларига сув кела бошлади ва ёш балиқлар ҳам кўпайди. Лекин мазкур кўллар маҳсулдорлигини тиклаш учун вакт ўтиши ва муайян тиклаш ишлари амалга оширилиши зарур. Таъкидлаш мумкинки, балиқ овлаш мунтазам кўпайиб бормокда.

Айдар-Арнасой кўллар тизими бугунги кунда республикадаги энг йирик балиқ ҳўжалиги ҳавзаси хисобланади, унинг майдони 350 минг га дан ортиқ. Сўнгги йилларда мазкур кўллар тизимининг гидрологик тартиби катта ўзгаришларга дуч келди. Шундай қилиб, 1993 йилдан 2005 йилгача Чордара сув омборидан ААКТга 38 км³ дан ортиқ сув ташланди ва унинг майдони 1992 йилга нисбатан 1,7 баравар, ҳажми эса қарийб 2,5 баравар ошиди. 1988 йилдан 2007 йилгача ушбу ҳавза улушига бутун республика бўйича балиқ овлаш ҳажмининг йиллик 51,6 фоизгача қисми, ўртача 41,1% тўғри келди.

Кўриб чиқилаётган даврда бошқа минтақалар ҳавзалари улушига умумреспублика балиқ овлаш ҳажмининг 47,2 фоизгача қисми, ўртача 29,6% тўғри келди. Энг юқори овлаш кўрсаткичлари Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятларида кўзга ташланди. Сўнгги йилларда Навоий вилояти бўйича овлаш кўрсаткичларининг ошиши Тўдакўл сув омборидан балиқ овлаш ҳажмининг кўпайганлиги хисобига юз берди.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида Бухоро вилоятида балиқ овлаш қарийб йилига 500 тоннага етди, 2000-йилларда эса 100-200 т оралиғида бўлди. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида балиқ овлаш асосан сув омборларида амалга оширилади ва барқарор эмас, чунки сув омборларидан балиқ

41-жадвал. Қорақалпоғистон сув ҳавзалари бўйича овланадиган балиқ турлари

| Йил | Жами овланди, т | шу жумладан, т | | | | | | | | | | | |
|------|-----------------|----------------|--------|-----------|----------|------------|---------|--------|----------|---------|------|---------|--------------|
| | | Зоғорба-лиқ | Оқ сла | Оқ-қайроқ | Илон-бош | Учар-балиқ | Оқ амур | Лак-ка | Кизилкўз | Ка-рась | Лешч | Чўр-тан | Бошқа турлар |
| 1990 | 143,7 | 274,0 | 161,1 | 5,9 | 408,7 | 132,5 | 41,4 | 1,0 | 16,1 | 86,5 | 23,3 | 233,8 | 47,1 |
| 1997 | 1547,0 | 265,1 | 7,2 | 11,3 | 108,6 | 967,1 | 0 | 7,2 | 0 | 79,6 | 20,6 | 8,2 | 72,1 |
| 2000 | 1100,0 | 129,1 | 45,1 | 5,2 | 197,4 | 465,0 | 15,1 | 6,8 | 19,3 | 32,4 | 81,0 | 18,1 | 85,5 |
| 2004 | 329,4 | 87,2 | 7,6 | 0 | 104,6 | 100,8 | 16,8 | 1,4 | 2,3 | 6,8 | 1,9 | 0 | 0 |
| 2005 | 444,2 | 203,8 | 34,2 | 0 | 53,2 | 115,0 | 12,3 | 0,4 | 14,6 | 8,3 | 2,4 | 0 | 0 |
| 2006 | 606,4 | 237,1 | 106,0 | 1,1 | 50,1 | 112,5 | 12,0 | 0,4 | 46,8 | 33,1 | 7,2 | 0 | 0 |
| 2007 | 809,7 | 268,6 | 106,0 | 0 | 36,1 | 279,9 | 14,9 | 0,6 | 46,7 | 22,6 | 63,4 | 0 | 0 |

хўжалиги манфаатларини ҳисобга олмаган ҳолда фойдаланилади.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳавзаларида асосан илонбош, учарбалиқ ва оқ амур турлари овланади, улар баъзи йиллари овланган балиқ ҳажмининг 60 фоиздан ортигини ташкил қиласди. Сўнгра аҳамиятлилиги бўйича зогорабалиқ ва оқ сла келади, баъзи йилларда умумий овланган балиқларнинг 50 фоиздан ортигини ташкил қиласди. 90-йиллар бошларида тутилган балиқнинг асосий қисмини чўртганбалиқ ташкил қиласди, баъзи йилларда 40 фоиздан ортиқ тутиларди. Сўнгги йилларда бу тур, шунингдек оққайроқ, шемая, чехонъ деярли овланмади (41-жадвалга қаранг).

Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида ААҚТ балиқ саноатининг асосини зогорабалиқ, оқ сла, оққайроқ, учарбалиқ, лакқа каби кимматли саноат турлари ташкил қиласди, улар баъзи йилларда бутун овланган балиқнинг 70 фоиздан ортигини ташкил қиласди. 2000-йиллар бошларида, статистик маълумотларга қараганда, қизилкўзнинг улуши кўпаймоқда, баъзи йилларда 84,5 фоизгача етмоқда. Сўнгги йилларда чехонъ, шемая каби турлар учрамай қолди, оққайроқ, лакқа, лешч, чўртган жуда кам микдорда учрамоқда (42-жадвалга қаранг).

Статистик маълумотларга қараганда, 2004-2007 йилларда ААҚТда балиқ саноати 3-4 балиқ турига асосланган. Зеро, Жиззах вилоятида 2004 йилда

«бошқа турлар» устунида 172,2 т балиқ, 2007 йилда 307,6 т балиқ кўрсатилган. 2005 ва 2007 йилларда Жиззах вилояти бўйича ушбу ҳисоботларда оқ сла умуман кўрсатилмаган, аслида эса балиқчилар томонидан кўплаб овланган. Бу статистик ҳисоботни ўйламай-нетмай тўплаш, балиқ овловчи ижарачи корхоналар устидан назорат пастлигидан далолат беради.

1990 йилда Бухоро вилояти ҳавзаларидаги балиқ овида лешч (61,7%), сўнгра зогорабалиқ (31,6%) улуши устунлик қилган. 2000 йилда эса қизилкўз (34,4%) ва зогорабалиқ (27,3%) кўп тутилган. 2007 йилда қизилкўзнинг улуши ошди ва 81,4 фоизга етди, зогорабалиқ эса 12,8% бўлди. Оқ сла, оққайроқ, лакқа, ўтхўр балиқлар кам микдорда учрайди.

Қашқадарё вилояти ҳавзаларидаги 1990 йилда товоноғалиқ кўп овланган – 87,9%. 2000 йилда овланган балиқларнинг асосини учарбалиқ (65,9%) ва лешч (19,5%) ташкил қилди. 2007 йилда асосан, лешч (84%) овланди, зогорабалиқ ва оқ сла тегишли равишда 4,3% ва 8,7%ни ташкил қилди.

Балиқчиларни ташкил қилиш ва балиқчиларни корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чукурлаштириш ва бозор тамойилларини жорий этиш, балиқ тармоғида яккаҳокимликнинг олдини олиш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 13.08.2003 й.даги 350-сон-

42-жадвал. ААҚТда овланадиган балиқ турлари

| Йил | Жами овланди, т | шу жумладан, т | | | | | | | | | | | |
|------|-----------------|----------------|--------|-----------|----------|------------|---------|--------|----------|---------|------|---------|--------------|
| | | Зоғорба-лиқ | Оқ сла | Оқ-қайроқ | Илон-бош | Учар-балиқ | Оқ амур | Лак-ка | Кизилкўз | Ка-рась | Лешч | Чўр-тан | Бошқа турлар |
| 1988 | 4220,0 | 1582,0 | 462,0 | 0 | 0 | 47,0 | 0 | 5,0 | 1988,0 | 90,0 | 46,0 | 0 | 0 |
| 1990 | 2823,9 | 889,3 | 226,7 | 6,0 | 0 | 46,6 | 0 | 3,5 | 1588,3 | 10,3 | 51,7 | 0 | 1,5 |
| 1995 | 604,5 | 193,4 | 105,0 | 34,7 | 0,6 | 22,5 | 0 | 0,3 | 166,1 | 76,5 | 4,8 | 0 | 0 |
| 2000 | 1622,0 | 418,3 | 43,9 | 24,1 | 1,0 | 0,3 | 0,3 | 1,3 | 957,2 | 150,4 | 20,2 | 5,2 | 0 |
| 2004 | 981,0 | 172,7 | 86,1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 444,0 | 106,0 | 0 | 0 | 172,2 |
| 2005 | 963,9 | 123,1 | 22,8 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 627,0 | 111,2 | 0 | 0 | 79,8 |
| 2006 | 924,3 | 109,0 | 61,4 | 17,6 | 0 | 0 | 0 | 0 | 465,0 | 158,7 | 59,0 | 0 | 37,6 |
| 2007 | 1299,0 | 174,2 | 40,0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 532,5 | 251,0 | 0 | 0 | 301,3 |

ли «Балиқчилик тармогида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан кўйидагилар белгиланди: табиий балиқ хўжалиги ҳавзалари балиқчилик корхоналарига танлов асосида ижара шартлари асосида камида 10 йил муддатга бириктирилади;

табиий ҳавзалардан фойдаланиш хукуқини берувчи ижара шартномаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят хокимларни ва балиқчилик корхоналари – танлов ғолиблари ўртасида тузилади;

табиий ҳавзаларда балиқ овлаш балиқчилик корхоналари томонидан квотасиз асосда мавжуд биологик ресурслар ва шаклланамётган талабдан ҳамда зарур даражада балиқ ресурслари маҳсулдорлиги ва қайта тикланишини сақлаб қолган ҳолда амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимларни ижарачи корхоналар билан шартномалар тузади, уларга ҳавзаларни (ҳавзанинг бир қисмини) бириктиради, балиқни овлашга рухсатнома беради ва ижарачилар томонидан шартнома мажбуриятларига риоя этилишини назорат килишлари зарур.

Ушбу қарорга мувофиқ ҳар бир вилоятда аризалар қабул қиласидан ва танловда ғолиб бўлган ижарачига ҳавзалар ёки уларнинг бир қисмини тақсимлайдиган тендер комиссиялари ташкил килинган. Шундай қилиб, 2004 йилда ижарага 552789 га, 2005 йилда 490170 га, 2007 йилда 415069 га ҳавза ижарага берилди (43-жадвалга қаранг).

43-жадвал. Вилоятларда ижарага берилган сув ҳавзалари майдонлари

| Вилоятлар | Ижарага берилган майдонлар (га) | | |
|-------------------------------|--|----------------|----------------|
| | 2004 й. | 2005 й. | 2007 й. |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 61488 | 75862 | 79438,5 |
| Хоразм | 2107 | 2107 | 2467 |
| Бухоро | 98757 | 99277 | 101321 |
| Навоий | 152489 | 117792 | 56189 |
| Қашқадарё | 10500 | 17183 | 10644 |
| Сурхондарё | 13609 | 13609 | 4966 |
| Самарқанд | 1239 | 1239 | 1274 |
| Жizzах | 212600 | 163100 | 162640 |
| Жами Ўзбекистон бўйича | 552789 | 490170 | 415069 |

Ўзбекистон Республикаси бўйича балиқ овлашнинг таҳлили овланган балиқ ҳажми тинмай пасаяётганлигини кўрсатмоқда. Балиқ овлаш ҳажмларининг пасайишига объектив ва субъектив омиллар тасир қиласиди. Бир томондан, бу Қорақалпоғистон, Хоразм сув ҳавзаларининг ва Айдар-Арнасой кўллар тизими гидрологик тартиби сўнгги йилларда нобарқарорлигидан, балиқ овловчи корхоналар-

нинг ташкилий ва иқтисодий муаммолари, уларнинг сузиш воситалари ва овлаш асбоблари билан яхши жиҳозланмаганлигидан келиб чиқади. Иккинчи томондан, статистик ҳисобот балиқ овлашнинг на ҳажми, на турлар хилма-хиллиги бўйича аниқ ҳолатни акс эттирмайди.

Хозирги пайтда республика табиий ҳавзаларида балиқ овлаш квотасиз асосда олиб борилмоқда ва балиқчилик корхоналари ҳавзалар биологик ресурсларидан фойдаланганлик учун ижарага олинган ҳавза майдони ва унинг балиқ маҳсулдорлигидан келиб чиқиб ижара ҳақи тўлайди. Балиқ маҳсулдорлиги сўнгги уч йилда овланган балиқнинг ўртacha кўрсаткичини ҳавза майдонига бўлиш йўли билан аниқланади. Овланган балиқ ҳажми қанчалик юкори бўлса, балиқ унумдорлиги ва тегишли равишда ижара ҳақи шунчалик юкори бўлади. Ижарачиларга овланган балиқ ҳажмини ошириш даромадсиз бўлиб қолмоқда ёки улар ҳақиқий ҳажмларни яширишга интилишмоқда ва ҳисоботдаги кўрсаткичларни атайин пасайтишмоқда. Шундай қилиб, расмий маълумотларга қараганда, Бухоро вилояти ҳавзаларида 2004 йилда 200 тоннадан ортиқ балиқ овланган, 2005 йилда эса бу кўрсаткич тахминан 100 тоннагача тушиб қолган.

Балиқ ресурсларини қайта тиклаш бўйича ишлар ёмон ташкил этилган, ваҳоланки, квотасиз асосда балиқ овланганида бу асосий омилга айланishi керак эди. Ўтган асрнинг 80-йилларида табиий ҳавзаларни ҳар йили 15 млн. дан ортиқ миқдорда қимматли овландиган майда балиқчалар билан балиқлантириларди, шундан 6 млн.га яқини сув омборларига, 7,5 млн.га яқини ААКТга тўғри келарди. 1990-йиллар охирида ҳар йиллик балиқлантириш 5-7,5 млн. дона даражасида бўлди. Сўнгги йилларда балиқлантириш деярли амалга оширилмаяпти. 2004 йилда атиги 3,9 млн. дона майдо балиқча билан балиқлантирилди, шундан 3,8 млн. донаси Навоий вилоятидаги Тўдакўл сув омбори ва 0,04 млн. донаси Бухоро вилояти ҳавзаларига тўғри келади, 2005 йилда бу кўрсаткичлар тегишли равишда 4,3 ва 0,05 млн. дона бўлди. 2006 йилда атиги 3,4 млн. дона балиқлантирилди, шундан 3,0 млн. донаси Тўдакўл сув омборига, 0,35 млн. донаси Сурхондарё вилояти ҳавзаларига тўғри келди. Сўнгги йилларда балиқлантириш билан фақат 3-4 вилоят шуғулланмоқда, колган вилоятларда бу иш умуман ўтказилмаяпти.

Захиралар камайиб кетмаслиги ва балиқ ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун олимларнинг тавсиясига кўра ҳар йили ҳавзаларнинг камида 1 га майдонга 50 дона ҳисобидан балиқлаштириш лозим, бу республика бўйича йилига 25-30 млн. дона балиқча демакдир.

Республикадаги табиий ҳавзаларда балиқ захираларининг таназзулга учраши, балиқ овланишининг камайиши, ижарачилар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигининг асосий сабаблари қўйидагилар:

ҳокимиятлар томонидан балиқчилик тармоғидаги ишлар устидан керакли назоратнинг йўклиги; табиий ҳавзаларда балиқ овлаш билан

шуғулланаётган хўжалик субъектлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13.08.2003 йилдаги 350-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси худудида овчилик ва балиқчилик коидаларида белгиланган талабларга мувофиқ тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда ўз шартномавий мажбуриятларининг бажарилмаслиги;

табиий ҳавзалардан ижарачилар томонидан овланаётган балиқларнинг турлар бўйича миқдори ҳакида ахборотнинг йўклиги.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистика тўғрисида»ги Конунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси томонидан 3 та ҳисобот шакли тасдиқланган:

шакл-1 фермер «Фермерлик хўжалиги фаолияти ҳакида ҳисобот» – мазкур ҳисобот шаклни (ходимлари миқдоридан қатъи назар) барча фермерлик хўжаликлари топширади. Ҳисобот бир йилда бир марта факат овланган балиқнинг умумий миқдори ва уни сотишдан тушган нарх кўрсатилади;

шакл-1 МБ (СХ) «Микрофирмалар ва кичик корхоналар ҳисоботи» (ходимлар сони 1 дан 50 гача). Ҳисобот бир йилда бир марта факат овланган балиқнинг умумий миқдори ва уни сотишдан тушган нарх кўрсатилади;

шакл-3-ПР «Балиқ овланиши ва табиий (балиқчилик) ҳавзаларида тиклаш тадбирларини ўтказганлик ҳакида ҳисобот» (ходимлар сони 51 ва ундан ортик). Ҳисобот йилига бир марта топширилади. Табиий ҳавзалардан овланган балиқнинг тури ва миқдорий таркиби, бажарилган тиклаш тадбирлари ва уларга сарфланган харажатлар кўрсатилади.

Хозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси худудида ижарачи сифатида балиқ овлаш билан шуғулланаётганларнинг 98 фоиздан ортигини фермер хўжаликлари, микрофирмалар, ходимлари сони 50 кишигача бўлган кичик корхоналар, бошқа ташкилот ва корхоналар ташкил қиласи. Уларнинг барчаси 1 фермер ва 1-МБ (СХ) ҳисобот шаклларига тўғри келади. Улар томонидан табиий ҳавзаларда овланаётган барча балиқлар ҳакидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасига биттагина «балиқ» сўзи билан тақдим қилинади, унда балиқ миқдори ва уни сотиш нархи кўрсатилади, холос.

Табиий ҳавзалардан овланаётган балиқларнинг турлар бўйича миқдори ҳакида ахборотга эга бўлмай туриб, нафақат муайян ҳавза, балки бутун республика бўйича балиқ ресурсларини сақлаб қолиш ва тиклаш бўйича бирорта чора-тадбир кўришнинг иложи йўқ.

Балиқ овлаш квотасиз асосда ва илмий асосла-нишсиз олиб борилмоқда, ижарачилар ушбу ҳавзада яшайдиган балиқнинг миқдори ва турлари ҳакида ахборотга эга эмас, ҳавзадан унинг захираларига салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда қанча балиқ овлаш мумкинлигини мустақил белгилай олмайдилар.

Балиқлаштириш бетартиб, ҳеч қандай илмий асоссиз, асосан ўтхўр турлар (учарбалиқ, оқ амур) ва карп билан амалга оширилмоқда.

Ижарачилар томонидан ҳакиқатда овланган балиқ ҳажмларини яшириш ҳолатлари кўплаб учрайди, ҳисобот хужжатларида балиқларнинг қимматли

турлари – зоғорабалиқ, оқ сла оддий турлар, масалан, қизилкўз ва товоңбалиқка алмаштирилади. Табиатни муҳофаза қилиш органлари инспекторларининг ижарачилар томонидан овланаётган балиқ миқдори ва турлари ҳакида ахборотни олиш имкони йўқлиги туфайли бундай воеалар содир бўлмоқда. Ўқорида айтилганидек, Вазирлар Маҳкамасининг 13.08.2003 й.даги 350-сон қарорида табиатни муҳофаза қилиш органларига бундай ҳисботнинг топширилиши назарда тутилмаган.

Жиззах вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, 2006 йилда 54,6 т оқ сла овланган, 2007 йил учун ҳисботларда эса оқ сла умуман кўрсатилмаган. Бундай устуннинг ўзи йўқ. 2006 йилдаги мавжуд маълумотларга кўра эса Жиззах вилоятида жойлашган «Fora Seafoods» хорижий корхонаси томонидан 200 т оқ сла, 2007 йил 9 ойи мобайнида эса иккى хусусий тадбиркор томонидан 57 т оқ сла экспорт қилинган. Бу балиқларнинг ҳаммаси Айдар-Арнасой кўллар тизимида овланган, Жиззах вилоятининг 2007 йил учун статистик ҳисботлари бўйича оқ сла умуман кўрсатилмаган, Навоий вилоятида эса ААКТда атиги 40 т оқ сла овланган, холос. Бу ҳисбогт тўплаш усуслари тўлиқ ўйланмаганлиги, ҳокимиятлар томонидан балиқ овланиши устидан назорат етарли эмаслигидан далолат беради.

Хар йили ижара корхоналари миқдори ўзгармоқда, баъзилари фаолиятини тугатмоқда, бошқалари энди бошламоқда. Табиатни муҳофаза қилиш органлари бу маълумотларни вақтида олиш ва конунларга мувофиқ улар фаолиятини оператив назорат қилиш имконига эга эмас.

Ҳокимиятлар томонидан ижара ҳаки ҳар доим тўғри ҳисбламаяпти. Тўрт йилдан ортик вақт ўтганлигига қарамай, баъзи вилоятларда ҳали ҳам 1,5 коэффициенти кўлланилмоқда, Коракалпогистон Республикасида эса 2004 йилда белгиланган ижара ҳақига ҳали ҳам амал қилмоқда.

Республика ҳавзалари биологик ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида қуидаги чораларни кўриш зарур:

1. Балиқни овлашни «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Конун ва Вазирлар Маҳкамасининг 28.10.2004 йилдаги «Биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикаси худудидан олиб чиқиши ва олиб кириш устидан назоратни кучайтириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ квотали асосга ўтказиши керак. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13.08.2003 йилдаги 350-сонли «Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариши ва хусусийлаштиришни чукурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш лозим.

2. Ҳокимликларга барча ижара корхоналари томонидан балиқ ресурсларини муҳофаза қилиш, тиклаш ва оқилона фойдаланиш бўйича шартномавий мажбуриятларига қатъий риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш керак.

3. Ҳокимликлар ва табиатни муҳофаза қилиш органларига ижара корхоналари томонидан таби-

атни муҳофаза қилиш қонунларига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш зарур. Ижарачилар овлаш журнallарини юритиши, овлаш қуролларини тамғаласи, сузиш воситаларини рўйхатга олиши, овчилик ва балиқчилик қоидаларининг бошқа талабларига риоя этилишини таъминлаши шарт. Овланаётган балиқ миқдори ва турини зарур даражада назорат қилиш учун белгиланган намунадаги овлаш журналининг ягона шаклини жорий этиш талаб қилинади.

4. Ҳокимликларга табиатни муҳофаза қилиш орғанлари билан биргаликда вилоятларда ҳар бир ижарачи корхона бўйича ишчилар сони, овлаш қуроллари, сузиш воситалари ва қайиқ моторлари миқдори ва турлари таркибининг мавжудлигини тўлиқ инвентаризация килиш керак.

5. Балиқчилик корхоналарини сифатли овлаш қуроллари, сузиш воситалари ва моторлар билан таъминлаш зарур. Бунинг учун уларни марказлаштирилган тарзда келтириш керак. Бугунги кунда овлаш қуроллари республикага ноконуний олиб келинади, тўрлар сифати жуда паст, бу ҳавзаларнинг лескадан ясалган тўрлар билан ифлослантириш хатарини бир неча баравар кўпайтиради.

6. Ходимлари сони 50 кишидан кам бўлган ижарачи корхоналар учун статистик хисобот шакллари қайта кўриб чиқиш талаб қилинади. Статистика хисоботида табиий ҳавзадан овландиган балиқларнинг турлар бўйича миқдори, тиклаш учун бажарилган тадбирлар ва уларнинг харажатлари албатта кўрсатилиши шарт.

7. Табиий ҳавзаларни сифатли яшаб кетадиган балиқ болалари билан илмий асосланган меъёрларга кўра балиқлаштириш, бунда ҳар бир ҳавзада қандай балиқ овланаётган бўлса, шундай турлар кўпайтирилиши лозим.

8. Балиқ овланаётган вилоятлар худудида балиқ хўжалиги ҳавзалари ва уларнинг биологик ресурслари ҳолатини мониторинг қилиш хизматини ташкил этиш зарур. Бу хизмат ҳавзаларнинг ихтиофаунаси, ём базаси, гидрологик ва гидрокимёвий тартибидаги ўзгаришларини аниқлаш, ҳолатини баҳолаш ва башорат қилиш мақсадида табиий ҳавзалар ҳолатини ва уларнинг биологик ресурсларидан оқилона фойдаланишини доимий назорат қилиши керак.

9. Республика миқёсида барча балиқчилик ва балиқ овлаш корхоналарининг фаолиятини боғлайдиган ва мувофиқлаштирадиган тузилма ташкил қилиниши лозим. У балиқчилик ва балиқ овлаш корхоналари учун моддий-техник таъминот, сифатли балиқ тутиш материаллари билан таъминлаш масалалари билан шугулланиши тақозо қилинади.

1999-2000 йилларда Коракалпогистон Республикасида содир бўлган қурғоқчилик туфайли юз минглаб қушлар учеб ўтиш даврида дам оладиган ҳавзалар куриб

қолди ва учеб ўтадиган қушлар дислокациясида ўзгаришлар рўй берди. Кузда учеб ўтиш мавсумида сувда сузадиган қушлар оммавий равиша Бухоро Қашқадарё вилоятлари ҳавзаларига кўчишди. Ҳаёти сув билан боғлик бўлган тўнғиз, ондатра ва бошқа ҳайвон турларининг сони кескин қискарди.

Кўриб чикилаётган даврда кирғовуллар сони анча кўпайди. Бошқа овчилик ҳайвонларининг миқдори табиий жараён чегарасида сакланиб қолди. 1988-2007 йилларда овландиган ҳайвонлар сони ва турлари ҳақидаги маълумотлар 44-жадвалда келтирилган.

Сўнгги йиллардаги тўнғизлар миқдори бўйича кўрсаткичлар популяциясининг асл ҳолатини акс эттирмайди, чунки тўнғизлар яшайдиган асосий тоғли ерлар чегара тартиби ўрнатилганлиги сабабли хисобдан тушиб колдирилди. Бироқ айтиш жоизки, тўнғизлар миқдоридаги ўзгаришлар мавжуд, бу яшаш мухитининг ўзгариши билан боғлик. 1993 йилдан бери Айдар-Арнасой кўллар тизимида сув сатхининг кўтарилиши тўнғизлар яшайдиган ороллар ва соҳилбўй тўқайларининг сув остида қолишига олиб келди. Чорванинг ҳаддан зиёд боқилиши, мевалар терилиши ва ўсимликлар кесилиши тог ерларининг таъназзулга учрашига сабаб бўлмоқда. Тўнғизлар сони қисқаришига браконьелик ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Кирғовулларнинг еми бўлмиш донли ўсимликларнинг кўплаб экилиши, шунингдек кимёвий заҳарли моддалар билан доимий ишланади-

44-жадвал. Овландиган ҳайвонлар асосий турларининг сони ва овландиган миқдори (сони/овланган)

| йил | тўнғиз | қаклик (мингта) | ўрдак (мингта) | қирғовул (мингта) |
|------|------------|--------------------|-------------------|----------------------|
| 1988 | 4001 / 223 | 258.4 / 40.3 | 871. / 83.5 | 13.9 / 2.5 |
| 1989 | 3943 / 199 | 242.3 / 18.5 | 547.2 / 62.9 | 8.6 / 1.3 |
| 1990 | 3616 / 100 | 197.5 / 12. | 390. / 42 | 8.2 / 1.6 |
| 1991 | 2871 / 65 | 194.5 / 11.9 | 200. / 32.4 | 7.1 / 1.3 |
| 1992 | 3320 / 107 | 207.6 / 3.5 | 788.1 / 12.2 | 6.6 / 1.1 |
| 1993 | 3000 / 66 | 150.8 / 3.6 | 411.8 / 22.6 | 6.2 / 1.2 |
| 1994 | 3479 / 60 | 208. / 3.3 | 598.2 / 26.3 | 16.3 / 0.23 |
| 1995 | 2750 / 25 | 201.9 / 3.2 | 482.9 / 25.9 | 14.8 / 0.21 |
| 1996 | 2227 / 12 | 282.4 / 1.6 | 706.2 / 37.1 | 11.8 / 0.21 |
| 1997 | 3520 / 16 | 202. / 3.2 | 804.4 / 30. | 22.1 / 0.26 |
| 1998 | 2398 / 10 | 282.4 / 3.8 | 510.6 / 32.6 | 22.7 / 0.36 |
| 1999 | 2305 / 9 | 284.3 / 2. | 1632.4 / 18.8 | 27.7 / 0.49 |
| 2000 | 3347 / 4 | 185.3 / 1.9 | 1520.6 / 19.4 | 35.8 / 0.09 |
| 2001 | 2621 / 7 | 192 / 1.9 | 636.3 / 15. | 33.9 / 0.3 |
| 2002 | 1674 / 12 | 211.0 / 1.5 | 8094 / 15.9 | 51.2 / - |
| 2003 | 1393/16 | 214.8/1.6 | 1065.2/17.7 | 53.5 / - |
| 2004 | 1591 / 10 | 413.6 / 2.5 | 22879.7 / 27.7 | 97.5 / 3.0 |
| 2005 | 1716 / 7 | 253.8 / 3.0 | 2479.5 / 31.5 | 122.2 / 2.1 |
| 2006 | 1992 / 14 | 240.3 / 4.8 | 3175.1 / 25.8 | 125.1 / 1.5 |
| 2007 | 2937 | 346.4 | 2827.1 | 205.4 |

ган ёнга майдонларининг кисқариши туфайли ушбу кушларнинг сони 10 баравар кўпайди. Мазкур холда браконьерлик омили жиддий таъсир кўрсатмади.

Какликларнинг микдори, асосан, қиши қандай келишига қараб ўзгариб туради. Совуқ ва кўп қорли қиши келганда какликлар сони камаяди. Кичик шоҳли чорванинг ҳаддан зиёд боқилиши ҳам катта аҳамият касб этади. Кўзилар барча ўсимликларни босиб ташлайди ва какликларнинг ем базасини йўқотади, какликлар уяларини босиб ташлайди.

Сувда сузадиган кушлар микдори, одатда, инсон омилига боғлиқ эмас. 60 мингтагача куш овланган йилларда ҳам бу учуб ўтаётган сувда сузувчи кушларнинг атиги 0,2 фоизини ташкил қиласа эди. Ҳозирги пайтда 0,08-0,1 фоизгача куш овланмоқда. Кушлар яшайдиган (учуб ўтаётганда дам оладиган) жойларнинг бузилиши кушларнинг бошқа қулай жойларга кўчишига олиб келади.

Бироқ шунга ҳам эътибор қаратиш лозимки, Ўзбекистон томонидан қатор Конвенция ва Битимлар имзоланганки, уларга кўра биз сувда сузувчи кушларнинг яшаш ва қишлиш жойларини саклаб қолиш мажбуриятини олганмиз: Рамсар конвенцияси – асосан сувда сузувчи кушлар яшаш жойлари сифатида ҳалкаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқок жойлари тўгрисида; Бонн конвенцияси (CMS) – ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини муҳофаза қилиш; Афро-Евроосиё кўчиб юрувчи сув-ботқоклик кушларини муҳофаза қилиш бўйича Битим (AEWA); Сибирь турнаси ёки оқ турна бўйича Битим; Оқ турнани муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларга нисбатан ҳамжиҳатлик ҳақида Меморандум.

50-йилларда Ўзбекистонда ондатра иқлимлаштирилди. Иқлим шароитлари қулай бўлди ва у муваффақиятли кўпая бошлади. 60-йиллар охири ва 70-йиллар бошларида Қорақалпоғистонда ондатрани тайёрлаш юз минглаб мўйнагача етди. Сўнгра Қорақалпоғистон ҳавзаларининг куриши ва браконьерлик туфайли ондатра сони кисқара бошлади ва тайёрлов ҳажмлари камайди. 1988 йилда 30,8 минг дона, 1989 йилда 17,5 минг дона, 1990 йилда 7,5 минг

дона, 1991 йилда 6,7 минг дона, 1992 йилда 9 минг дона, 1993 йилда 6 минг дона, 1994 йилда 5 минг дона, 1995 йилда 6 минг дона, 1997 йилда 1 минг дона, 1998 йилда 2,5 минг дона ондатра тайёрланди. Ондатрани тайёрлаш ишлари Қорақалпоғистон Республикасида мунтазам, Жиззах, Навоий ва Бухоро вилоятлари ҳавзаларида кисқа вақт давомида олиб борилди. Ҳозирги пайтда ондатрани овлаш тўхтатилган.

1991 йилдан бошлаб ёввойи ҳайвонлардан оқилона фойдаланиш мақсадида квота, яъни табиатдан ҳайвонларни олишнинг (камайтиришнинг) энг кам меъёри белгилана бошланди. Ёввойи ҳайвонларни овлаш квотаси ҳайвонот дунёси фойдаланувчилари аризаларидан келиб чиқиб шакллантирилади, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан келишилади ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси буйргу билан тасдиқланади. Квота ҳайвонларнинг лицензияли, катта микдорда овланадиган, ноёб ва кам сонли турларига белгилайди.

Квота хеч қачон 100 фоизга ишлатилмаган. Масалан, 1995 йилда ўртacha квота атиги 5,2%, 1998 йилда – 23,8%, 1999 йилда – 26,6%, 2000 йилда – 18,3%, 2001 йилда – 24,6%, 2004 йилда – 24,7% ишлатилган. Сўнгги бир неча йилдаги маълумотлар таҳлил этилганида ҳар йиллик белгиланадиган ёввойи ҳайвонларни овлаш квотаси ўртacha атиги 25% ишлатилган (45-жадвалга қаранг).

Ҳар йили ўртacha: тулки 94 %, тўнғиз 86%, күён 54%, каптарсимонлар 74%, каклик 87%, сувда сузувчи кушлар 75%га кам овланади. Сабаби овчилар сонининг камайиши, овланётган ҳайвонлар ҳисобини юритишининг сифати пастлиги ва атайнин кўп ёзишdir. Квотага аризалар овчилик жамиятининг барча аъзолари ов билан шуғулланади, деган ҳисобда берилади. Эътибор бериш лозимки, овчиликнинг камлиги, яъни квотадан фойдаланиш фоизининг пастлиги ҳайвонлар микдорининг ёки ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш ҳолатининг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилмайди. Ёввойи ҳайвонларни тайёрлаш

45-жадвал. 2003-2006 йилларда ёввойи ҳайвонларни овлашга белгиланган квота ва овлаш

| Турлар | квота 2003 й. | овланди 2003 й. | квота 2004 й. | овланди 2004 й. | квота 2005 й. | овланди 2005 й. | квота 2006 й. | овланди 2006 й. |
|---------------------|------------------|--------------------|------------------|--------------------|------------------|--------------------|------------------|--------------------|
| Тўнғиз | 130 | 16 | 140 | 19 | 65 | 17 | 200 | 24 |
| Эчки | 20 | 7 | 30 | 5 | 5 | - | 36 | 8 |
| Бўрсик | 400 | 160 | 400 | 31 | 345 | 26 | 420 | 75 |
| Тулки | 1 000 | 250 | 1 500 | 32 | 1 800 | 33 | 1 700 | 20 |
| Дикобраз | 250 | 100 | 300 | 33 | 322 | 44 | 300 | 30 |
| Күён | 2 500 | 1 000 | 4 000 | 3 600 | 9 900 | 3 600 | 8 000 | 3 200 |
| Кирғовул | 1 000 | - | 4 900 | 3 000 | 7 100 | 2 100 | 4 000 | 1 500 |
| Каклик | 6 000 | 1 700 | 10 000 | 3 100 | 54 800 | 3 700 | 33 000 | 5 300 |
| Сувда сузувчилар | 90 000 | 18 800 | 90 000 | 27 700 | 119 300 | 31 300 | 110 000 | 25 800 |
| Каптарсимонлар | 160 000 | 64 000 | 140 000 | 20 300 | 143 200 | 21 800 | 60 000 | 25 000 |
| Фойдаланилган квота | | 33 % | | 19 % | | 18% | | 29 % |

**46-жадвал. 1988-1995 йилларда ёввойи ҳайвонларни тайёрлаш ҳажмлари
(мингта бош)**

| Тур | 1988 | 1989 | 1990 | 1991 | 1992 | 1993 | 1994 | 1995 |
|------------------|------|------|------|------|------|-------|------|-------|
| курбақа | 143 | 95 | 95 | 20 | 60 | 10 | 5 | 0.670 |
| чумчуксизмонлар | 7.2 | 10 | 4.5 | 4 | 7 | 2 | 3.2 | |
| захарсиз илонлар | | | 0.1 | 0.2 | 0.12 | 0.2 | 1.5 | 0.73 |
| корақуртлар | 23 | 45.4 | 30 | 60 | 2 | 20 | | |
| чаёнлар | 37 | 31.2 | 10 | 80 | | 1 | | |
| ўргимчаклар | 115 | 43.8 | 16 | 35 | | 32 | | |
| арилар | 124 | 30 | | 55 | | | | |
| тошбакалар | 5.2 | 26 | 26 | 25 | 30 | 12 | 4 | 7 |
| калтакесаклар | 0.5 | 2.5 | 0.52 | 0.1 | | 1.5 | 5 | |
| гюрга | 0.8 | 1 | 0.5 | 0.5 | 0.83 | 0.245 | 0.02 | 0.2 |

ҳажмлари бўйича маълумотлар 46-жадвалда келтирилган.

Авваллари биотехник тадбирларга катта маблағлар ажратиларди. Зоро, 1988 йилда биотехник тадбирларни ўтказишга овчилик-балиқчилик хўжалигини юритиш умумий харажатларининг 65% ажратилган. 90-йилларда иқтисодий шароитлар ўзгара бошлади, нархлар ошди. Овчилар сони кискарди (1988 йилда овчилар ва балиқчилар жамиятида 42 минг аъзо бўлган бўлса, хозирги пайтда 23 минг киши аъзо, холос). Биотехник ишлар ҳажмлари кескин кискарди ва 1998 йилда бу кўрсаткич 10 баравар камайди (6,5%), 2006 йилда эса атиги 4%ни ташкил қилди.

80-йиллар охирида Ўзбекистонда аслида овланадиган овчилик ҳайвонлари бўйича овчилик ерлари маҳсулдорлиги 38 млн. га овчилик ерларидан 14,3 рубль ёки 11,4 АҚШ долларини ташкил қилди – бу юқори кўрсаткич. 90-йилларда иқтисодий шароитлар ўзгарганидан кейин овчилик ерлари маҳсулдорлиги ҳам пасайди. Умуман Ўзбекистон бўйича 2003 йилда у 18 баравар кискарди ва 0,62 АҚШ долларини ташкил қилди (инфляция муносабати билан, таққослаш кулагай бўлиши учун маҳсулдорлик АҚШ долларида берилмоқда). 2006 йилда маҳсулдорлик 0,44 АҚШ доллари бўлди.

90-йилларгача овчилар истеъмол ширкатига овланган мўйиннинг (тулки, ёввойи мушук, чиябўри ва бошқалар) бир кисмини топширишар, топширилган бўри терисига мукофот берилган. 1991 йилдан кейин иқтисодий шароитлар ва ҳаёт даражаси ўзгаргач, мўйинни топшириш тўхтатилди.

7.5. Ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликларнинг ноёб ва йўқолиб бораётган турлари

Ҳайвонларнинг биринчи «Қизил китоби» 1983 йилда чиқкан. Кейингиси 1994 йилда чиқарилган бўлиб, 113 турлари киритилган. 2006 йилда янги «Қизил китоб» тузилди, унга 184 турдаги ҳайвонлар киритилиб, аввалгисидан 71та ҳайвонлар турига кўпайди. Ўсимликлар «Қизил китоби» биринчи бор 1979 йилда, иккинчиси 1984 йилда ва охиргиси 1998 йилда тузилди. Охирги китобда ўсимликлар 301 тури бўлиб, авалгисидан 138 турга кўп.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси раисининг 18.02.2006 й.даги 14-сонли буйруги билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 9.03.1992 й.даги 109-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Қизил китобга киритилган ҳайвон ва ўсимликлар рўйхати тасдиқланди. Унга 184 турдаги ҳайвон, шундан 47 тури умуман йўқолиб кетиши ҳавфи остида, 5 тури йўқолиб кетган; 305 турдаги ўсимлик киритилди.

Ҳайвонот олами давлат кадастрини юритиш ҳақидаги низомга мувофиқ Қизил китобга киритилган ҳайвонлар сонининг ҳисобини Фанлар Академияси юритиши керак. Бироқ ҳайвонлар микдори ҳисобини юритиш кимматли иш бўлганлиги, Фанлар Академиясида эса маблағ йўклиги сабабли уларнинг ҳисоби деярли юритилмаяпти. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунида назарда тутилган марказлаштирилган бюджет молиялаштирилиши амалда мавжуд эмас.

Ҳар йили йўрга-тувалоқнинг ҳисоби олиб борилади. Кўрикхоналар ва «Жайрон» экомарказида ҳайвонлар ҳисоби юритилади. Сўнгги вактда кўнғир айик билан боғлиқ вазият барқарорлашди. Унинг микдори кўпайиб, турнинг ҳолатидан ташвишланишга ҳожат йўқ.

Ўзбекистон ҳавзаларида ноёб қушлар турлари: кичик узунбурун, оқбош ўрдак, кизилтомок мунтазам пайдо бўла бошлади.

Ўзбекистон орқали турналарнинг учеб ўтиш йўли ўтади. Кулранг турналар галасида Сибирь оқ турналар ҳам учеб ўтади. Бу йўқолиб бораётган тур бўлиб, унинг популацияси бир неча юз бошдан иборат, холос. Оқ турнани сақлаб қолиш мақсадида Ўзбекистон Сибирь турнаси ёки оқ турна бўйича Битим ва Оқ турнани муҳофаза қилиш чора-тадбирлари бўйича англашув ҳақида Меморандумни (7.07.96 й.) имзолади. 2004 ва 2007 йилларда оқ турналарни (10 та қушни) Бухоро вилоятидан учеб ўтаётганда кўришган. Олма-ота шаҳридан Халқаро йигилишда (2007 й.) турналар кўплаб қишлийдиган «Термиз» ҳудуди мукофот олди. Қушларнинг бу ерда кишилаши бир неча йил олдин бошланди.

Кейинги вакт давомида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси Давбионазорат тизимида ноёб ҳайвонлар: жайронлар, қулонлар, Пржевальский отларини кўпайтириш амалга оширилган. Лекин «Жайрон» экомарказидан ташқари Давбионазорат ва унинг раҳбарлигига бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Қизил ки-

тобига ва CITES йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ёввойи фауна ва флоранинг турлари билан халқаро савдо қилиш хақидаги Конвенциянинг II Низомига киритилган итолғини тутқунликда кўпайтириш амалга оширилган. Табиатга ёввойи хайвон турларини интродукциялаш мақсадида, 1992 йилдан бошлаб «МИКРЕЛ» ҚҚ ва Тошкент хайвонот бοғи, сўнгра «Хубара» ҚҚ ва «ЖиззахБиоСпектрум» ҚҚ итолғини саклаш ва кўпайтириш билан шуғулланди.

Бухоро ва Навоий вилоятларида Бирлашган Араб Амирликлари «Emirates Centr for Conservation of Houbara» ва «Emirates Birds Breeding» фирмалари томонидан йўрга-тувалокни кўпайтириш бўйича ишлар муваффақиятли бошланди.

7.6. Хайвонлар миграцияси

Ўзбекистонда қушлар ва сайғоклар кўчиб юрадиган турлар саналади. Қушлар учб ўтишига, биринчи навбатда, об-ҳаво шароитлари таъсир кўрсатади. Лекин қушлар дам олиш ерларининг мавжудлиги ҳам таъсир кўрсатмай қолмайди. Юқорида айтилганидек, Қорақалпоғистонда 1999-2000 йилларда хавзаларнинг куриб қолиши учб ўтадиган қушларнинг оммавий дам олиш жойи Бухоро вилоятига кўчишига олиб келди.

Сайғок Устюрт платосида яшайди. У Қозоғистондан қишлаш ва кўпайиш учун Қорақалпоғистоннинг Устюртига мавсумий кўчиб ўтади. Қушлардан фарқли равишда сайғоклар ердан юриб кўчади ва муваффақиятли миграцияси учун бирорта тўскинлик (машиналар тез юрадиган йўллар, каналлар, тўсиқлар ва ҳоказолар) бўлмаслиги керак. Ҳозирги пайтда Устюрт платоси нефть-газ компаниялари томонидан фаол ўзлаштирилмоқда. Одамлар ва техниканинг мавжудлиги миграция учун тўскинлик килмоқда.

Кўчиб юрадиган хайвон турларини сақлаб қолиш мақсадида, Ўзбекистон 1998 йилда Бонн конвенцияси (CMS) ва бу конвенция доирасида қатор битимлар ва меморандумлар имзолади. Сувда сузуви қушлар яшаш жойларини муҳофаза қилиш (Рамсар) конвенцияси имзоланди. Бу Ўзбекистонга катта масъулият юклайди ва уларни бажариш бўйича аниқ чораларни қабул қилишини талаб қиласди.

Масалан, Рамсар конвенциясида мувофиқ уни имзолаган тарафлар сув-ботқоқлик ерларини сақлаб қолиш бўйича чоралар кўришлари шарт. Амалда эса сув оқими чекланганлиги туфайли сувда сузуви қушларнинг энг кўп қишилайдиган, Халқаро сув-ботқоқлик ерлари рўйхатига кирган Денгизкўл кўли куримоқда. Бонн Конвенцияси ва Сайга (*Saiga tatarica tatarica*) антилопасини сақлаб қолиш, тиклаш ва барқарор фойдаланиш бўйича ҳамжиҳатлик ҳакидаги Меморандумга мувофиқ тарафлар сайғокларни сақлаб қолиш бўйича чора-тадбирлар кўришга мажбурлар. Амалда эса муҳофаза бўлмаганлиги сабабли Устюртдаги сайғоклар популяцияси деярли йўқолди.

7.7. Биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш устидан давлат назорати

Барча табиат ресурслари каби хайвонот ва ўсимлик олами ҳам давлат бойлиги ҳисобланади

ҳамда Ўзбекистон Республикасининг асосий қонуни – Конституцияга мувофиқ (50-модда), флора ва фауна энг муҳим таркиби кисемларидан бўлмиш атроф-мухитни муҳофаза қилиш мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросининг бурчидир.

Хайвонот ва ўсимлик оламини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш устидан давлат назоратини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш кўмиталари ва Давбионазоратнинг ҳавза инспекциялари амалга оширади.

Табиатни муҳофаза қилиш қонунларини бузувчиликларга қарши курашиш биохилма-хилликни сақлаб қолишнинг йўналишларидан биридир. 47-жадвалдан кўриниб турибди, Давбионазорат маълумотлари таҳлил этилганида 2005 йилгача ҳар йили 4 минггача конунбузарлик аниқланар эди, сўнгти йилларда эса улар миқдори 7 минггача ва ундан ортиқ кўпайди. Бироқ, аниқланадиган конунбузарликларнинг таркиби ўзгарди – зеро, 1989 йилда хайвонот олами (хусусан, балик ресурслари) бўйича аниқланадиган конунбузарликлар 81,4%, 1990 йилда – 71,8%, 2000 йилда – 62,8%ни ташкил қиласа бўлса, сўнгти йилларда аниқланадиган конунбузарликларнинг асосий қисми ўсимлик оламига тўғри келмоқда: 2004 йилда – 52,3%, 2005 йилда – 57,5%, 2006 йилда – 59,4%, 2007 йилда – 65,6%.

Солинаётган жарима ва тақдим этилаётган даъволар суммалари, шунингдек, уларни ундириш фоизлари ҳар йили ошиб бормоқда (48 ва 49-жадвалларга қаранг). Агар 1989 йилда 64%, 1990 йилда – 71% жарималар ундирилган бўлса, 2000 йилда – 93%, 2001 ва 2002 йилларда – 96%, 2006 ва 2007 йилларда 98%дан жарима ундирилди. Хайвонот ва ўсимлик оламига кўрсатилган салбий таъсир учун тақдим этилган даъволарни ундириш билан ҳам вазият худди шундай. Зеро, 1989 йилда уларни ундириш атиги 10,5%, 2000 йилда – 29% бўлган бўлса, 2004 йилда у 89%ни ташкил қиласди. Бироқ, сўнгти йилларда даъволарни ундириш фоизи кескин кискарди, чунки йирик суммалик даъволар суд-тергов органларига кўриб чиқиш учун жўнатилмоқда, улар юборилган ишларни кўриб чиқиши муддатини бир неча ой ва ҳатто йилга чўзиб юборишмоқда ва кўпинча бу даъволар уларни тақдим этилган йилда эмас, анча кеч ёки давлат фойдасига ўтказиш йўли билан ундирилмоқда. Таҳлил этилаётган даврда конунбузарлардан олиб кўйилган милтиқлар миқдори бўйича кўрсаткичлар пасайиши тамойили кузатилмоқда (50-жадвалга қаранг). Бу хайвонот оламини муҳофаза қилиш бўйича бажарилаётган ишлар эмас, балки муайян даражада овчилар сони кескин қискарланлиги натижасидир.

Қорақалпоғистон Республикасида хукуқни химоя қилиш органлари билан ишлар яхши йўлга кўйилган – бу ерда табиатни муҳофаза қилиш прокуратураси фаолият юритади. Табиатни муҳофаза қилиш қонунларини бузганлик учун маъмурӣ жавобгарликка тортиш бўйича ишларнинг самарадорлиги табиатни муҳофаза қилиш прокуратуралари амал қиласди жойларда анча юкори бўлиб, бу йўналишни республиканинг барча вилоятларида ривожлантириш тақозо этилади.

47-жадвал. 1989-2007 йилларда хайвонот ва ўсимлик дүнёсими мухофаза кишин бүйича аниқданган конибузарниклар

| Конибузарник түри | Koparka-ru- mofncton Pe- chygjirinacan | Ahjinkoh birjoratn | Kun33ax birjoratn | Byxopo birjoratn | Ahjinkoh birjoratn | Kamkarla- birjoratn | Harmatn birjoratn | Cyphoxitap- birjoratn | Cypitape- birjoratn | Tourkhet birjoratn | Dafroha birjoratn | Xopara- birjoratn | Jabnohara- part |
|-------------------|--|-----------------------|----------------------|---------------------|-----------------------|------------------------|----------------------|--------------------------|------------------------|-----------------------|----------------------|----------------------|--------------------|
| 1989 й. | | | | | | | | | | | | | |
| Жами | 376 | 121 | 426 | 201 | 261 | 234 | 177 | 489 | | 262 | 180 | 493 | 112 |
| овчилк | 246 | 19 | 241 | 71 | 205 | 87 | 36 | 290 | | 162 | 95 | 289 | 91 |
| балиқчилик | 88 | 14 | 140 | 11 | 53 | 71 | 78 | 150 | | 33 | 70 | 156 | 18 |
| ўсимл.дунёси | 42 | 88 | 45 | 119 | 3 | 76 | 63 | 49 | | 67 | 15 | 48 | 3 |
| 1990 й. | | | | | | | | | | | | | |
| Жами | 623 | 673 | 640 | 524 | 249 | 291 | 244 | 211 | 259 | 174 | 306 | 511 | 525 |
| Овчилк | 427 | 19 | 349 | 159 | 89 | 148 | 87 | 54 | 104 | 2 | 44 | 128 | 271 |
| балиқчилик | 169 | 81 | 236 | 179 | 13 | 131 | 83 | 84 | 126 | | 159 | 333 | 246 |
| ўсимл.дунёси | 27 | 573 | 55 | 186 | 147 | 12 | 74 | 73 | 29 | 172 | 103 | 50 | 8 |
| 1995 й. | | | | | | | | | | | | | |
| Жами | 449 | 100 | 472 | 171 | 256 | 223 | 315 | 683 | 181 | 431 | 64 | 205 | 245 |
| овчилк | 124 | 13 | 53 | 14 | 12 | 19 | 82 | 44 | 4 | 32 | | 12 | 51 |
| балиқчилик | 189 | 12 | 335 | 25 | 24 | 69 | 154 | 242 | 51 | 255 | 2 | 87 | 61 |
| ўсимл.дунёси | 136 | 75 | 84 | 132 | 220 | 135 | 79 | 397 | 126 | 144 | 62 | 106 | 133 |
| 2000 й. | | | | | | | | | | | | | |
| Жами | 359 | 159 | 329 | 258 | | 139 | 86 | 219 | 75 | 86 | | 131 | 104 |
| овчилк | 36 | 18 | 33 | 7 | | 13 | 11 | 5 | | 1 | | 2 | 26 |
| балиқчилик | 207 | 20 | 207 | 49 | | 84 | 43 | 38 | 9 | 187 | | 25 | 57 |
| ўсимл.дунёси | 116 | 121 | 89 | 202 | | 42 | 32 | 176 | 66 | 67 | | 104 | 21 |
| 2002 й. | | | | | | | | | | | | | |
| Жами | 339 | 137 | 291 | 171 | 122 | 287 | 82 | 392 | 172 | 144 | 157 | 134 | 175 |
| овчилк | 33 | 12 | 35 | 2 | 7 | 25 | 16 | 4 | 7 | 10 | | 8 | 21 |
| балиқчилик | 206 | 20 | 208 | 33 | 32 | 146 | 38 | 142 | 41 | 18 | 12 | 40 | 20 |
| ўсимл.дунёси | 100 | 105 | 48 | 136 | 83 | 116 | 28 | 246 | 124 | 86 | 145 | 86 | 134 |

| Конунку- зарлик тури | Коопарат- и мөнтиқон-Ре- спубликан- чилик институт | Ахнижон бюджети | Кинзаки бюджети | Харонн бюджети | Хамарна бюджети | Сыпхончада бюджети | Чипчапе бюджети | Тумрекет бюджети | Хорам бюджети | Мародзо- ни |
|-------------------------|---|--------------------|--------------------|-------------------|--------------------|-----------------------|--------------------|---------------------|------------------|----------------|
| | | | | | | | | | | |
| Жами | 532 | 184 | 217 | 19 | 78 | 262 | 91 | 312 | 298 | 115 |
| овчилик | 76 | 16 | 22 | 11 | 4 | 16 | 24 | 18 | 2 | 10 |
| балиқчилик | 173 | 17 | 121 | 19 | 6 | 169 | 36 | 72 | 65 | 30 |
| ўсимл.дунёси | 283 | 151 | 74 | 89 | 68 | 77 | 31 | 222 | 231 | 75 |
| Жами | 606 | 95 | 193 | 153 | 88 | 248 | 69 | 269 | 265 | 70 |
| овчилик | 82 | 20 | 23 | 10 | 4 | 20 | 14 | 2 | 1 | 3 |
| балиқчилик | 179 | 13 | 140 | 31 | 16 | 138 | 28 | 40 | 48 | 11 |
| ўсимл.дунёси | 345 | 62 | 30 | 112 | 68 | 90 | 27 | 227 | 216 | 56 |
| Жами | 855 | 92 | 156 | 124 | 174 | 213 | 104 | 340 | 207 | 100 |
| овчилик | 66 | 23 | 36 | 14 | 5 | 9 | 11 | 6 | 2 | 7 |
| балиқчилик | 337 | 14 | 82 | 26 | 16 | 89 | 21 | 34 | 35 | 29 |
| ўсимл.дунёси | 452 | 55 | 38 | 84 | 153 | 115 | 72 | 300 | 170 | 64 |
| Жами | 1005 | 123 | 250 | 107 | 181 | 331 | 123 | 475 | 281 | 188 |
| овчилик | 112 | 24 | 45 | 6 | 4 | 29 | 27 | 26 | 5 | 15 |
| балиқчилик | 450 | 18 | 94 | 10 | 35 | 130 | 23 | 54 | 17 | 52 |
| ўсимл.дунёси | 443 | 81 | 111 | 91 | 142 | 172 | 73 | 395 | 259 | 121 |
| Жами | 1131 | 162 | 317 | 13 | 456 | 253 | 136 | 769 | 331 | 177 |
| овчилик | 94 | 30 | 44 | 10 | 9 | 23 | 35 | 80 | 5 | 10 |
| балиқчилик | 506 | 5 | 133 | 14 | 35 | 86 | 25 | 79 | 51 | 35 |
| ўсимл.дунёси | 531 | 127 | 140 | 89 | 412 | 144 | 76 | 610 | 275 | 132 |

48-жадвал. 1989-2007 йилларда хайвонот ва ўсмилик дунёсини муҳофаза килиш бўйича конушибузарликлар учун белгиланган ва ундирилган жарималар (минг сўм)

| Конушибузарлик тури | Kopkaral-Pe horfinkarci cylgrinakci | Byxopo burghortn Ahjinoxon | Km33ax burghortn burghortn Ahjinoxon | Kamkarajap burghortn burghortn Harbonin | Camkarah burghortn burghortn Hamarah | Cypoxhajape burghortn burghortn Cypoxhajape | Tourkert m. burghortn burghortn Tourkert m. | Xopasam burghortn burghortn Faprosa | Tabonozzo burghortn burghortn Tabonozzo | Kamni |
|---------------------|---|----------------------------------|---|--|---|--|--|--|--|-------|
| | | | | | | | | | | |
| Белиланди | 10,5 | 0,9 | 16,2 | 6,5 | 6,1 | 8,3 | 4,5 | 6,7 | 9,5 | 3,4 |
| Ундирилди | 8,7 | 0,6 | 16,2 | 0,7 | 4,5 | 5,0 | 1,7 | 9,5 | 2,8 | 1,5 |
| 1990 йил | | | | | | | | | | |
| Белиланди | 18,2 | 5,8 | 1,5 | 14,8 | 9,7 | 6,8 | 9,2 | 5,1 | 7,8 | 1,5 |
| Ундирилди | 13,9 | 3,4 | 21,5 | 9,7 | 3,0 | 5,5 | 6,8 | 2,2 | 5,5 | 0,2 |
| 1995 йил | | | | | | | | | | |
| Белиланди | 33,8 | 29,5 | 59,1 | 14,1 | 30,2 | 25,8 | 19,4 | 38,6 | 28,4 | 32,1 |
| Ундирилди | 25,7 | 28,3 | 528,4 | 13,5 | 52,6 | 25,5 | 19,4 | 35,0 | 15,5 | 30,1 |
| 2000 йил | | | | | | | | | | |
| Белиланди | 505,5 | 313,4 | 623,5 | 575,6 | 182,6 | 152,9 | 275,1 | 185,2 | 184,3 | 345,1 |
| Ундирилди | 455,8 | 302,8 | 621,8 | 442,8 | 167,2 | 152,9 | 252,0 | 151,8 | 184,3 | 303,3 |
| 2002 йил | | | | | | | | | | |
| Белиланди | 820,5 | 698,3 | 1114,7 | 746,2 | 598,3 | 702,0 | 347,4 | 762,3 | 995,2 | 523,8 |
| Ундирилди | 708,5 | 671,6 | 1111,3 | 6953 | 623,5 | 702,0 | 347,4 | 694,9 | 908,3 | 505,7 |
| 2003 йил | | | | | | | | | | |
| Белиланди | 2051,5 | 1683,7 | 1427,3 | 760,8 | 461,3 | 1190,5 | 524,8 | 1085,8 | 1972,1 | 715,6 |
| Ундирилди | 1826,4 | 1632,6 | 1427,3 | 1165,5 | 454,5 | 1190,5 | 497,6 | 849,4 | 2004,9 | 673,9 |
| 2004 йил | | | | | | | | | | |
| Белиланди | 2208,2 | 770,4 | 1325,8 | 950,2 | 435,5 | 1176,7 | 410,7 | 964,9 | 1943,6 | 480,0 |
| Ундирилди | 2126,5 | 738,1 | 1325,8 | 897,9 | 415,6 | 1170,1 | 364,3 | 881,0 | 1943,6 | 480,0 |

| 2005 йил | | | | | | | | | |
|-----------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|
| Бепиланди | 3795,3 | 982,1 | 1400,9 | 1178,9 | 1949,5 | 1089,4 | 466,5 | 1493,2 | 1730,6 |
| Ундирилди | 3584,3 | 985,1 | 1377,4 | 1191,5 | 744,5 | 1089,4 | 460,3 | 1469,8 | 1677,8 |
| 2006 йил | | | | | | | | | |
| Бепиланди | 6696,9 | 1557,7 | 2675,7 | 1407,6 | 1574,2 | 2356,9 | 1268,9 | 2808,4 | 2515,4 |
| Ундирилди | 6442,6 | 1556,5 | 2675,7 | 1195,2 | 1240,6 | 2236,1 | 1245,1 | 2747,6 | 2709,0 |
| 2007 йил | | | | | | | | | |
| Бепиланди | 10520 | 2425,9 | 4199,9 | 1755,3 | 4421,1 | 2259,6 | 1864,2 | 7262,7 | 3896,9 |
| Ундирилди | 10520 | 2420,8 | 4199,9 | 1554,5 | 4281,5 | 2247,1 | 1769,5 | 7166,4 | 3872,1 |

49-жадвал. 1989-2007 йилларда ҳайвонот ва ўсмиллик дунёсини муҳофаза килиши бўйича қонунбузарликлар учун тайинланган ва ундирилган дарьволар суммаси (минг сўм)

| | Копарка- шончилик гаражи | Ахжикон бингорти | Быходо бингорти | Кинсан бингорти | Харбони бингорти | Ҳамархар бингорти | Сипахапе бингорти | Тумреки бингорти | Фарғона бингорти | Ходжам бингорти | Лабонхоро- ни | Камин |
|-----------------|--------------------------------|---------------------|--------------------|--------------------|---------------------|----------------------|----------------------|---------------------|---------------------|--------------------|------------------|-------|
| 1989 йил | | | | | | | | | | | | |
| Тайинланди | 506,1 | 18,1 | 26,4 | | 701,3 | | 4,2. | 10,2 | 42,0 | 211,0 | | 76,1 |
| Ундирилди | 54,9 | 0,2 | 26,4 | 2,4 | | 2,5 | 3,5 | 6,3 | 70,6 | | 2,6 | 0,3 |
| 1990 йил | | | | | | | | | | | | |
| Тайинланди | 62,5 | 2,2 | 19,4 | 30,1 | 303,5 | | 3,7 | 11,2 | 18,3 | 27,8 | 21,9 | 60,4 |
| Ундирилди | 50,7 | 2,2 | 17,6 | 7,4 | 134,1 | | 3,7 | 6,1 | 6,4 | 17,4 | 0,1 | 11,9 |
| 1995 йил | | | | | | | | | | | | |
| Тайинланди | 85,9 | 36,7 | 202,5 | 29,5 | 418,9 | 51,9 | 25,8 | 12,2 | 51,8 | 1,3 | 1539,7 | 128,1 |
| Ундирилди | 58,4 | 31,7 | 135,8 | 29,5 | 126,5 | 27,5 | 25,8 | 10,8 | 2,3 | 1,3 | 363,7 | 66,4 |
| 2000 йил | | | | | | | | | | | | |
| Тайинланди | 806,5 | 591,1 | 21900 | 1840 | | 2452,1 | 207,3 | 468,4 | 359,5 | 44,3 | 25000 | 732,9 |
| Ундирилди | 719,1 | 897,3 | 2175,4 | 1313 | | 230,1 | 207,3 | 456,4 | 4252,5 | 44,3 | 1196,1 | 349,5 |

| | 2002 йил | | | | | | | | | | | | | | | |
|-----------------|------------|--------|--------|------|--------|--------|--------|--------|--------|-------|--------|--------|--------|--------|---------|----------|
| | Тайинланди | 2518,3 | 2908,9 | 2127 | 856,1 | 317,6 | 2288,2 | 1552,3 | 6770,1 | 794,9 | 6146,9 | 69884 | 24962 | 410,2 | 6161,9 | 65832,0 |
| Ундирилди | 1040,1 | 2547,8 | 2766,5 | 4610 | 888,9 | 317,6 | 651,9 | 1037,1 | 7043,3 | 768,3 | 5664,3 | 8546,1 | 4797,4 | 486,1 | 4669,8 | 48835,9 |
| 2003 йил | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Тайинланди | 738,4 | 3370,6 | 4957,9 | 2392 | 973,9 | 583,1 | 3321,9 | 11117 | 32958 | 1253 | 10220 | 7868,4 | 45187 | 484,6 | 3661,9 | 129089 |
| Ундирилди | 683,4 | 2046,6 | 3914,2 | 2375 | 973,9 | 583,1 | 1571,3 | 2622,4 | 10497 | 10393 | 1180,6 | 8000,3 | 10141 | 412,6 | 3149,2 | 59587,8 |
| 2004 йил | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Тайинланди | 1508,3 | 2064,9 | 3914,2 | 673 | 5888,7 | 546,1 | 817,7 | 6414,9 | 6151,7 | 328,2 | 7531,8 | 20936 | 28283 | 213,1 | 34614,9 | 119896,4 |
| Ундирилди | 1477,5 | 947,9 | 3914,2 | 584 | 6456,3 | 510,2 | 1397,9 | 2862,7 | 20195 | 329,0 | 8706,6 | 14990 | 10818 | 269,1 | 33339,9 | 106798,9 |
| 2005 йил | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Тайинланди | 3044,7 | 230,6 | 6726,5 | 2970 | 5926,3 | 512,1 | 1195,3 | 6560,4 | 8028,8 | 2438 | 35000 | 15111 | 28829 | 578,5 | 44189,2 | 126341,2 |
| Ундирилди | 2915,6 | 455,6 | 3004,1 | 621 | 1236,5 | 512,7 | 2458,6 | 5630,3 | 12650 | 2438 | 34056 | 13937 | 10726 | 595,1 | 41608,4 | 96788,9 |
| 2006 йил | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Тайинланди | 12220 | 2406,3 | 7510,4 | 3287 | 4049,2 | 1834,4 | 3491,1 | 11253 | 5727,3 | 2440 | 12972 | 59767 | 23098 | 898,0 | 23990,5 | 173946,0 |
| Ундирилди | 11224 | 2106,3 | 6833,6 | 2035 | 2929,9 | 1812,8 | 1403,9 | 11172 | 8365,0 | 2440 | 9092,8 | 17112 | 12562 | 960,6 | 15783,0 | 106596,0 |
| 2007 йил | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Тайинланди | 64693 | 4063,3 | 10897 | 4886 | 29337 | 1883,1 | 3467,5 | 12627 | 4729,6 | 6207 | 17547 | 25751 | 29570 | 1900,5 | 25486,2 | 507027,2 |
| Ундирилди | 64693 | 4062,7 | 11297 | 672 | 13511 | 1744 | 4012,9 | 12884 | 7980,4 | 3697 | 17547 | 22542 | 14029 | 1900,5 | 25357,5 | 205932,3 |

50-жадвал. 1989-2007 йилларда конунбузлардан мусодара килинган миллик ва тўр материаллари (дона)

| | Ko‘paralari- | Ahjimokon- | Byxopo bo- | Kin3ax bo- | Kamurajaape- | Habroni bo- | Hamzahar- | Campakhan- | Cyphoxijape- | Tourerchit ni- | Dafroha bo- | Xopram bi- | Joratni | Larbohara bo- | |
|------------------|--------------|------------|------------|------------|--------------|-------------|-----------|------------|--------------|----------------|-------------|------------|---------|---------------|------|
| 1989 йил | | | | | | | | | | | | | | | |
| Миллик | 162 | 16 | 178 | | 46 | | 125 | 41 | 27 | 58 | 111 | 80 | 181 | 52 | 1077 |
| Тўр материаллари | 50 | | 98 | | 12 | | 343 | 35 | 96 | 32 | 13 | 36 | 225 | 12 | 1050 |
| 1990 йил | | | | | | | | | | | | | | | |
| Миллик | 124 | 7 | 38 | 12 | 40 | | 16 | 27 | 37 | 6 | 14 | 26 | 85 | 7 | 439 |
| Тўр материаллари | 138 | 35 | 88 | 14 | 13 | | 40 | 27 | 58 | 27 | 34 | 30 | 221 | 56 | 781 |
| 1995 йил | | | | | | | | | | | | | | | |
| Миллик | 47 | 7 | 31 | 5 | 6 | 13 | 8 | 14 | 4 | 8 | 3 | 42 | 22 | 9 | 219 |
| Тўр материаллари | 44 | | 30 | 5 | 22 | 15 | 2 | 31 | 12 | 67 | 34 | 12 | 61 | 150 | 486 |
| 2000 йил | | | | | | | | | | | | | | | |
| Миллик | 8 | 19 | 23 | | | 8 | 3 | | | 11 | 1 | | 15 | 1 | 8 |
| Тўр материаллари | 15 | 39 | 8 | | | 32 | 42 | 8 | 3 | 28 | 12 | 2 | | 651 | 840 |
| 2002 йил | | | | | | | | | | | | | | | |
| Миллик | 11 | 17 | 24 | | | 8 | 8 | 1 | 4 | 2 | 2 | 2 | 20 | 101 | |
| Тўр материаллари | 189 | 35 | 45 | | 7 | 30 | 26 | 7 | 26 | 28 | 30 | 233 | 14 | 412 | 1082 |
| 2003 йил | | | | | | | | | | | | | | | |
| Миллик | 8 | 19 | 21 | | | | | | | 1 | | 1 | | 2 | 49 |
| Тўр материаллари | 110 | 43 | 58 | | 63 | 143 | | | | 59 | 39 | 15 | | 101 | 404 |
| 2004 йил | | | | | | | | | | | | | | | |
| Миллик | 9 | 17 | 23 | | | 3 | | | | 1 | | | 2 | 29 | 84 |
| Тўр материаллари | 117 | 20 | 61 | | 146 | 138 | | | | 258 | 12 | 27 | 24 | 195 | 998 |
| 2005 йил | | | | | | | | | | | | | | | |
| Миллик | 2 | 23 | 33 | 8 | 4 | 3 | 7 | 2 | | 3 | 1 | 3 | 29 | 118 | |
| Тўр материаллари | 57 | 14 | 11 | | 39 | 44 | 15 | 34 | 47 | 61 | 20 | 42 | 40 | 120 | 544 |

| 2006 йил | | | | | | | | | |
|------------------|--------|----|----|----|----|----|----|-----|------|
| | Миллик | 13 | 24 | 22 | 7 | 23 | 30 | 3 | 4 |
| Тўр материаллари | 54 | 18 | 40 | 12 | 20 | 63 | 18 | 44 | 101 |
| 2007 йил | | | | | | | | | |
| | Миллик | 11 | 38 | 37 | 10 | 15 | 29 | 10 | |
| Тўр материаллари | 82 | 5 | 39 | 24 | 68 | 38 | 19 | 48 | 160 |
| | | 35 | 30 | 35 | 30 | 22 | 66 | 583 | 1219 |

7.8. Ўзбекистон Республикаси ўсимлик ва ҳайвонот олами объектларининг давлат кадастрини юритиш

Ўзбекистон Республикасининг 15.12.2000 йилдаги «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.02.2005 йилдаги 66-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси хузурида давлат геодезия назорати инспекцияси тўғрисидаги, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тўғрисидаги, давлат кадастрлари ягона тизими ни ташкил қилиш ва юритиш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида»ги, 05.09.2000 йилдаги 343-сонли «Ўзбекистон Республикаси ўсимлик дунёси объектларининг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги Низомни ва Ўзбекистон Республикаси ҳайвонот дунёси давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги карорларини ижро этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси олимлари ва мутахассислари билан биргалиқда Ўзбекистон Республикаси ҳайвонот ва ўсимлик дунёси давлат кадастрини ташкил қилиш бўйича ишлар бошлаб юборилди.

2006 йил август ойида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг давлат кўмитаси тартиби тўғрисидаги янги «Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси кадастри ва мониторинг» бўлим ташкил қилинди, унинг асосий вазифаси Ўзбекистон Рес-

публикаси табиий ерларининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси кадастрини тузиш учун ҳаққоний материал тўплаш ва мавжуд материални қайта ишлашдан иборат.

Ушбу бўлим фаолиятининг биринчи йўналишлари ҳайвонларнинг ноёб ва овланадиган турлари бўйича янги маълумотларни тўплаш учун далаларга мунтазам экспедицияларга чиқиш бўлди. Маълумотларни таҳлилий ишлаб чиқиша ўрганилган жойлар бўйича адабий маълумотлар кўпланилди.

Ҳайвонот дунёси. Ҳайвонот дунёси давлат кадастри Ўзбекистон Республикасининг 26.12.97 йилдаги «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунига ва юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ ёввойи ҳайвонлар сонини ҳисоблаш ва улардан фойдаланиш, уларни иқтисодий баҳолаш, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва оқилона фойдаланишни ташкил қилиш мақсадида амалга оширилади.

Ўрганилаётган ҳудудларда давлат кадастри объектлари бўлиб табиий эркин ҳолда яшайдиган ёввойи ҳайвонлар: сутэмизувчилар, қушлар, сувда ва қуруқликда яшовчилар, рептилиялар, баликлар ҳисобланади. Ҳайвонот дунёси давлат кадастри субъектлари бўлиб давлат кадастрини юритадиган органлар, шунингдек тайёрлов (хусусан, овчилик ва балиқчилик хўжаликлари, ўрмон хўжаликлари, ўрмон-овчилик хўжаликлари, ўрмон питомниклари ва ҳоказо), илмий, маданий-ташвиқот ва ўкув мақсадларида ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан ўсимлик ва ҳайвонларни табиий муҳитдан ажратиб ёки ажратмай фойдаланувчи турли юридик шахслар ҳисобланади.

Ҳайвонот дунёси давлат кадастри қўйидаги турлар гурухларига бирлаштирилган ёввойи ҳайвонлар ҳар бир тури (кичик тури) бўйича маълумотларни саклайди:

- ўрганилаётган ҳудудларда яшайдиган олий ҳайвонлар турлари;
- баликлар (овланадиган турлар).

Ҳар бир турлар гурухи қўйидаги ахборотни саклайди:

- тур (эҳтимол кичик тур) мақоми;
- тарқалиши (худудий тақсимланиши);
- ахоли микдори ёки зичлиги;
- тур популяцияси биологияси ва ҳолати;
- фойдаланилиши;
- иқтисодий баҳоси.

Ҳайвонот дунёси давлат кадастрини тузиш учун «Ўзбекистон ҳайвонлари генетик фонди китоби», дала тадқиқотлари маълумотлари ва бошқа манбалар ахборот манбаи бўлиб хизмат қилди.

2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан Жиззах ва Навоий вилоятлари ҳавзаларида дала ишлари олиб борилди. Сувда сузувлари ва сув бўйида яшовчи қушлар, судралиб юрувчилар ва сутэмизувчиларнинг соҳилбўйи фаунасининг микдори бўйича маълумотлар тўпланди. Жиззах ва Навоий вилоятлари сувботқоқлик ҳудудларининг ноёб ва овчилик ҳайвон

турларининг миқдори ва тарқалиши бўйича ҳисобот тайёрланди. 2007 йилда Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ва Коракалпогистон Республикасидаги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда тадқиқотлар ўтказилди. Ноёб ва Кизил китобга киритилган қушлар ва сутэмизувчилар турларининг миқдори ва тарқалиши ҳақида ҳисобот тайёрланди. 2008 йилда ДАТ-технологияларни кўллаган ҳолда Жиззах, Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари тогли туманларидаги ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг замонавий ҳолатининг кадастрини яратиш бўйича ишларни амалга ошириш режалаштирилган.

80-йиллар охири ва 90-йиллар бошларида сувда сузуви қушларни ҳисобга олиш самолётдан амалга ошириларди. Бу усул қишлоучи қушлар миқдорини баҳолаш имконини берар, лекин турлар таркибини батафсил аниқлашнинг имкони эса ўйқ эди. Иккинчи томони – авиаҳисоблар олиб борилганида камроқ миқдордаги сув ҳавзалари қамраб олинарди. Асосий ҳисоб ери Айдар-Арнасой кўллар тизими эди.

90-йиллар ўрталарида сувда сузуви қушларнинг ҳисоби олиб борилмади, 2000 йилдан эса ердан ҳисоблаш усулига ўтилди. Ердан ҳисоблаш усули кўп миқдордаги сув ҳавзаларини қамраб олиш ва қушлар турлари таркибини батафсил аниқлаш имконини берарди. Бироқ миқдори бўйича маълумотлар бироз англашиларди. Шу билан бирга ердан ҳисоблаш кам моддий чиқимларни талаб қилгани учун ҳар йили ўтказиш мумкин эди.

2000 йилдан 2006 йилгача ҳар йили январь ойида Ўзбекистоннинг 22 та асосий сув ҳавзасида (Коракалпогистон Республикасидаги сув ҳавзалари бундан мустасно) учрайдиган сувда сузуви қушларнинг ҳисоби олиб борилди. Бу маълумотлар қушлар миқдори ва шу билан бирга қишлош ерлари ва миграция йўналишларидаги ўзгаришларни кузатиш имконини берди. Барча ишлар сув-ботқоқ ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича халқаро конвенциялар: Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини муҳофаза қилиш (Бонн кон-

**51-жадвал. 1988-2007 йилларда ҳар беш йиллик давр учун
Ўзбекистоннинг 23 сув ҳавзасида қишлоучи қушлар тўпланиши**

| Сув ҳавзалари | 1988-1992 | 1993-1997 | 1998-2002 | 2003-2007 |
|---------------------------|-----------|-----------|-----------|-----------|
| Тошкент вилояти | | | | |
| Сирдарё | - | - | 19456 | 225606 |
| Туябугуз сув омб. | - | - | - | 92114 |
| Самарқанд вилояти | | | | |
| Каттақўргон сув омб. | | | | 28049 |
| Ачин сув омб. | - | - | 52737 | 204325 |
| Жиззах вилояти | | | | |
| ААКТ | 299672 | - | 303995 | 157351 |
| Навоий вилояти | | | | |
| Қўйимзор и Тўдакўл | - | - | 55345 | 505977 |
| Оёқофитма | - | - | 23281 | 19753 |
| Бухоро вилояти | | | | |
| «Жайрон» экомаркази | - | - | - | 11845 |
| Деухона | - | - | 5813 | 34688 |
| Зекри | - | - | 26663 | 148166 |
| Денгизкўл | - | - | 286634 | 117163 |
| Шўркўл | - | - | 13864 | - |
| Гаванские разливы | - | - | 8395 | 53629 |
| Соленое ва Замонбобо | - | - | 16379 | - |
| Коракир | - | - | 85070 | 154466 |
| Қашқадарё вилояти | | | | |
| Талимаржан сув омб. | - | - | 66698 | 53128 |
| Чимқўргон сув омб. | - | - | 19254 | - |
| Сичанкўл | - | - | 7637 | - |
| Сурхондарё вилояти | | | | |
| Амударё | - | - | - | 141758 |
| Оқтепа | - | - | - | 66012 |
| Кумқўргон сув омб. | - | - | - | 86414 |
| Учқизил | - | - | - | 25648 |

венцияси); Асосан сувда сузуви қушлар яшаш жойлари сифатида халқаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқ жойлари тўгрисидаги конвенциялар (Рамсар конвенцияси); Афро-Евроосиё кўчиб юрувчи сув-ботқоқлик қушларини муҳофаза қилиш бўйича Битим (AEWA) дастурлари доирасида амалга оширилди.

1988 йилдан 2007 йилгача беш йиллик давр учун Ўзбекистоннинг 22 сув ҳавзасида қишлоучи қушлар тўпланиши ҳақидаги кўрсаткичлар 51-жадвалда келтирилган.

2005 йилдан 2008 йилгача глобал хавф остида бўлган, умуман йўқолиб кетган тур деб ҳисобланган ва Ўзбекистонда аниқланган кичик узунбуруннинг Оёқофитма (Бухоро вилояти) кўлидаги баҳорги учеб ўтишининг мониторинги бўйича ишлар олиб борилмоқда. 2006 йил апрель ойида Ўзбекистон ва умуман Ўрта Осиё учун янги күш тури бўлган - хинд илонбўйинининг Айдаркўл (Навоий вилояти) кўлида аниқланганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

**52-жадвал. 1988-2007 йилларда хар беш йиллик давр учун
Ўзбекистоннинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларида
туёқлиларнинг ўртача миқдори**

| Туёқлилар турлари | Беш йиллик даврлар бўйича ўртача кўрсаткич | | | |
|----------------------|--|-----------|-----------|-----------|
| | 1988-1992 | 1993-1997 | 1998-2002 | 2003-2007 |
| Тўнғиз | 2770 | 2087 | 1834 | 1430 |
| Бухоро буғуси | 570 | 640 | 720 | 1300 |
| Жунгар марали | - | - | - | 34 |
| Сибирь буғуси | 494 | 352 | 341 | 294 |
| Сибирь тоф эчкиси | 4178 | 3758 | 2820 | 3190 |
| Морхўр | 78 | 69 | 71 | 74 |
| Устюрт тоф қўйи | 45-50 | - | - | - |
| Бухоро тоф қўйи | 9 | 8 | 9 | 6 |
| Тяньшань тоф қўйи | - | - | 14 | 18 |
| Қизилқум архари | 1067 | 2042 | 1742 | 1668 |
| Сайоқ | - | - | - | 4500 |
| Жайрон | 984 | 832 | 941 | 873 |
| Кулон | 32 | 37 | 26 | 49 |
| Пржевальский оти | 6 | 11 | 22 | 43 |

Туёқлилар энг қимматли ва кенг тарқалган спорт ва овчилик обьектлари ҳисобланади. 1988-2007 йиллар даври учун муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардаги туёқлилар ўртача миқдори ҳақидаги маълумотлар 52-жадвалда келтирилган.

Тянь-Шань тоф қўйи ва Жунгар марали Жаҳон банкининг Фарбий Тянь-Шань биохилма-хиллигини сақлаб қолиш бўйича трансчегаравий лойиҳасининг тадқиқот ишлари доирасида мақоми ва миқдори белгиланган холда Ўзбекистон фаунасига киритилган.

Умуман йўқолиб кетиши хавфи остида бўлған Бухоро тоф қўйи бўйича 2006 йилдан бошлаб Бухоро вилоятидаги «Жайрон» ноёб туёқлилар турларини кўпайтириш бўйича ихтисослаштирилган питомник негизида сақлаб қолиш ва дастлабки пода ташкил килиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги пайтда «Жайрон» экомарказида 6 бош қўй яшамоқда.

Сўнгги ўн йилликларда Устюрт тоф қўйи бўйича асл маълумотлар келаётгани йўқ. Сўнгги маълумотлар Устюртнинг гарбий қисмида Ассак-Аудан чукурлиги атрофида тўпланган.

Ўсимликлар дунёси. Ўсимлик дунёси обьектлари давлат кадастри Ўзбекистон Республикасининг 16.12.97 йилдаги «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этилган қарорларига мувоғиқ ўтказилган.

Давлат кадастрини юритадиган органлар, шунингдек тайёрлаш, илмий, маданий-ташвиқот ва ўкув мақсадларида ўсимликни табиатдан ажратиб ёки ажратмай фойдаланадиган турли юридик шахслар ўсимлик дунёси давлат кадастрининг субъектлари ҳисобланади.

Ўсимлик дунёси давлат кадастри қўйидаги турлар гурухларига бирлаштирилган хар бир ёввойи ўсадиган ўсимлик тури ҳақида маълумотни сақлайди:

ёввойи ўсадиган ноёб ва йўқолиш арафасида турган ўсимлик турлари;

техник мақсадларда кўлланиладиган ёввойи ўсадиган ўсимликлар.

Кадастрнинг хар бир объектлар гурухи қўйидаги маълумотларни камраб олади:

турлар гурухлари (гурухлардаги турлар) мақоми;

ўсимлик ҳамжамиятлари (яйлов турлари);

тарқалиши (худудий тақсимланиши);

маҳсулдорлиги;

иқтисодий баҳоси;

кўлланилиши.

7.9. Қорақалпоғистон Республикаси муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларидағи ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси давлат кадастри

Ўсимлик дунёси давлат кадастрини тузиш учун

Ўзбекистон флораси бўйича мавжуд таксономик адабиётдан фойдаланилди. Ахборотнинг катта қисми дала тадқиқотлари жараённида тўпланди.

Устюрт платоси сув-ботқоқлик экотизимини тақдим этадиган Судочье қўли давлат буортмахонасидан 11 оиласа мансуб 14 та турдаги ҳамда Устюрт платоси сахро экотизимини тақдим этадиган «Сайгачи» буортмахонасидан 7 оиласа мансуб 9 та турдаги ноёб, эндем ва йўқолиб кетиши арафасидаги ўсимликлар тадқиқот обьектлари бўлиб хизмат қилди. Улар табиий сабаблар (ксерофититация, чўллашиш, Орол денгизининг қуриши, ўсимликлар ўзгариши), шунингдек бу ерда катта миқёсда кўзга ташланаётган антропоген ва техноген омиллар (геолог-тадқиқот ишлари, янги ерларни ўзлаштириш ва бошқалар) таъсирида ноёб ва кам сонли ҳисобланади.

Ноёб ва йўқолиб кетаётган ўсимлик турлари давлат кадастрини тузиш учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг «Ботаника» ИИЧМ мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган ноёб ва йўқолиб кетаётган турлар давлат кадастрини юритиши шакли қабул қилинди (Тожибоев, 2006). Мазкур шакл Тошкент вилоятидаги ноёб турлар кадастрини тузишда (2003-2005 й.) синовдан ўтказилди ҳамда Жиззах ва Навоий вилоятлари ноёб турлари кадастрини тузишда (2006) тўлиқ кўлланилди ва «Ботаника» ИИЧМ Олимлар Кенгаши томонидан тасдиқланди. Шакл 12 банддан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.09.2000 йилдаги 343-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ўсимлик дунёси обьектларининг давлат кадастрини олиб бориш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг асосий моддалари негизида ҳамда ўсимлик дунёси кадастрини юритиши бўйича мавжуд адабиётларни таҳлил қилиб ишлаб чиқилган.

Хозирги пайтда ўрганилган турлар умумий ва минтақавий тарқалиши Ўрта Осиё ўсимликлари аниклагичига мувофиқ берилади. Ҳайвонлар сони алоҳида ҳамжамиятлар доирасида берилди. Оиласар альфавит тартибида жойлаштирилди.

Тадқиқотлар жараённанда адабий маълумотлар асосида аникландикни, «Сайгачий» давлат буюртмахонаси учун 14 та тур ва Судочье кўли давлат буюртмахонаси учун 9 та тур ноёб хисобланади. Мазкур турларни саклаб қолиш бўйича ўз вақтида чоралар кўрилиши учун уларнинг мазкур ҳудудда таркалганлиги, популяция ҳолати ўрганилди ва ушбу турлар яшashi учун хатарлар баҳоланди. Ноёб турлар ва улар иштирокидаги ўсимликлар ҳамжамиятларининг тарқалиши геоботаниканинг классик усувлари: йўналиши-далали ва яримстационар усувларда ўрганилди (Биков, 1957, Геоботаника, 1959-1984).

Қорақалпоғистон Республикасида биринчи марта Ўзбекистоннинг етиб бориши мушкул бўлган ерларидан биридан техник ўсимликлар кадастри ўтказилди. Мавжуд қоидаларга асосланиб, Устюрт платосидаги «Сайгачи» давлат буюртмахонасининг 8 техник тури (б оиласа мансуб) ҳамда «Судочье» давлат буюртмахонасининг 13 тури (8 оиласа мансуб) учун кадастр маълумотлари тўпланди.

2007 йил май-октябрь ойларида йўналиши реографсировка тадқиқотлари ўтказилди. Репрезентатив флора таркиби, таркибидан ноёб ва йўқолиб бораётган турлар ўсадиган асосий ўсимлик ҳамжамиятлари, ушбу ҳамжамиятларнинг турлар таркиби ўрганилди.

Ҳайвонлар миқдорининг хисоби А.Н.Формозов (1932), В.С.Смирнов (1964), Г.А.Новиков (1956), Р.Реймов (1972) услубиятлари бўйича ўтказилди. Бундан ташқари Қорақалпоғистон Республикаси Фанлар Академияси ва Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотларидан фойдаланилди.

Қорақалпоғистоннинг муҳофаза этиладиган табиии ҳудудлари. Қорақалпоғистон Республикасида майдони 6462 га бўлган «Бадай-тўқай» давлат қўриқхонаси ҳамда «Судочье» (50 минг га) ва «Сайгачи» (1 млн. га) давлат буюртмахоналари жойлашган. Қорақалпоғистон Республикасида муҳофаза этиладиган ҳудудлар умумий майдони 1056462 га ёки республика майдонининг 6,4 фоизини ташкил қиласди.

«Судочье» давлат орнитологик буюртмахонаси. «Судочье» давлат орнитологик буюртмахонаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 29.11.91 йилдаги 311/42-сонли карорига мувофиқ ташкил қилинган. Қорақалпоғистондаги Мўйинқ туманида жойлашган. 11.02.2001 йилдаги 33/1-сонли қарор билан буюртмахона тартибининг амал қилиш мuddати 2010 йилгача узайтирилди.

Буюртмахонани ташкил қилишнинг мақсади – Амударё соҳилбўйи сув-ботқоқ ерларининг биологик комплексини саклаб қолиш, учбн ўтувчи кушлар, уларнинг кўпайиш ва дам олиш ерларини муҳофаза килишdir. Ҳар йили юз минглаб сувда сузуви ва сув атрофида яшовчи кушлар кўлда дам олади ва кўпаяди. Қорақалпоғистон Республикаси табиатни муҳофаза

қилиш давлат қўмитасига бўйсунади. Буюртмахона Судочье кўли ва унга қўшни кўлларда жойлашган. Буюртмахонанинг шимолий чегараси Устюрт чинки остидан Урга чўққисидан ($58^{\circ}30' - 43^{\circ}35'$) шимолга ($58^{\circ}38' - 43^{\circ}35'$), шаркий чегараси Судочье кўлининг шаркий соҳили бўйлаб ($58^{\circ}38' - 43^{\circ}22'$) Судочье кўлининг жанубий қирғодидан Урга чўққисига қадар ўтади. Буюртмахонани Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси давлат инспекторлари муҳофаза қиласди. Браконьерликка қарши ИИВ, прокуратура ва бошқалар билан биргаликда рейлар ўтказилади. «Судочье» буюртмахонаси халқаро аҳамиятга молик, кўл Рамсар субботқоқ ерларни муҳофаза қилиш конвенциясига кирган сув ҳавзалари рўйхатига киритиш учун тақдим қилинган. Кўл чукур эмас, сув ўсимликларига бой, бу кўпайиш учун яхши шароит түғдиради ва ёвойи ҳайвонлар учун ажойиб озука базасидир. Буюртмахонада Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Қорақалпоғистон филиали томонидан кенг илмий тадқиқотлар ўтказилади. Буюртмахона Ўзбекистон Фанлар Академияси институтлари учун илмий база хисобланади.

Судочье ветланди энг кўп сакланиб қолган Амударё дельтаси экологик зоналаридан бири бўлиб, мазкур минтақа биологик хилма-хиллигини саклаб қолиш ва кўллаб-куватлаш ери хисобланади. Кўл кўплаб гидрофил турларнинг уя куриш ҳамда Фарбий Осиё миграция йўлидан миграция вақтида учбн ўтадиган кушларнинг тўхташ жойидир, бу кушлар орасида ноёб ва йўқолиб кетаётган турлари ҳам мавжуд. Хозирги пайтда Судочье кўп сонли кичик ва тўртта йирик (Акушпа, Караперенъ, Бегдулла-Айдин ва Катта Судочье) сув ҳавзалари, шунингдек уларга қўшни ҳудудлардан таркиб топган. Акушпа кўлининг энг узун жойи 20 км га етади, кенглиги – 6,5 км, чукурлиги 1,5-1,7 м дан ортмайди, кўл майдони 11600 га ни ташкил қиласди. Кўлнинг жанубий ва Устюрт платоси чинкига таянган ғарбий соҳиллари текис соҳил линиясини ташкил қиласди, шимолий ва шаркий соҳиллари қинғир ва ботқоқланган. Кўл ҳар томондан қамишзор билан ўралган бўлиб, уларнинг баландлиги ва зичлиги жанубий чегарасига бориб камайди.

Кўлнинг энг саёз сувли жанубий томони очик плес ва катта кўрфазлар билан бой. Кўлнинг очик кўзгули юзаси унинг умумий майдонининг тахминан 60%-ини ташкил қиласди, колган қисми қамишзорлар билан қопланган.

Каратеренъ кўли Устюрт платосининг Урга бурнидан оқиб ўтади. Кўлнинг энг узун жойи 6 кмни, кенглиги 1,25 км ни ташкил қиласди; ўртача кенглиги 0,5 км га teng; ўрта жойидаги чукурлиги 1,8-2,2 м, ўртача чукурлиги 1,0-1,2 м, сув кўзгу майдони 475 га. Устюрт платосига тегиб ўтадиган соҳилбўйи линияси камқинғир конфигурацияли, қарама-қарши томони, айниқса, шимолий қисми кучли қинғир ботқоқли соҳилбўйи линиясига эга. Кўлни ҳар томондан қамиш ва кўга чангальзорлари билан қопланган. Ҳавзанинг асосий плеси сув усти ўсимликларининг зич чангальзорларидан холи.

Бегдулла-Айдин кўли ветланднинг марказий кисмида жойлашган бўлиб, ҳали ўрганилмаган. Бу сув ҳавзаси факат қайикларда ўрганилиши мумкин.

Катта Судочье кўли ветланднинг жануби-шарқий кисмида жойлашган. Кўл узун шаклга эга бўлиб, энг узун жойи 10 км, кенглиги 4,5 км ни ташкил қилади, чукурлиги 1,2-1,4 м дан кўп эмас, майдони 5100 га дан иборат. Кўл, айниқса унинг жанубий ва шарқий кисми камқинғир соҳилбўйи линиясига эга, зич қамишзорлар билан ўсиб кетган. Кўлнинг асосий плесида сув усти ўсимликлари чангальзорлари деярли йўқ, ҳавзанинг шимолий кўрфази қамишзорлар билан қопланган, улар кўпсонли ўсимлик оролчалири ташкил қилган, соҳилбўйи линиясининг қолган кисмида кўға чангальзорлари кўпроқ ўсган.

«Сайгачи» давлат буюртмахонаси. «Сайгачи» давлат буюртмахонаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 29.11.91 йилдаги 31/42-сонли карорига мувофиқ ташкил этилган. Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйнок туманида жойлашган. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 11.02.2001 йилдаги 33/1-сонли қарори билан буюртмахона тартибининг амал қилиш мuddати 2010 йилгacha узайтирилди. Буюртмахона майдони 1 млн. га. Буюртмахона сайғоқлар (*Saiga tatarica*) CITES II ва улар яшаш-кўчиш йўллари, қишлош ва кўпайиш жойларини, шунингдек бошқа ҳайвонлар, биринчи навбатда, Кизил китобга кирган тўхта туvaloқ (*Otis Tarda*) UzRDB RL, йўрга-тувалоқ (*Chlamydotis undulata*) UZRDB RL ва бошқаларни муҳофаза қилиш мақсадида ташкил қилинган. Буюртмахона Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасига бўйсунади. «Сайгачи» давлат буюртмахонаси Устюрт платосининг шимоли-шарқий кисмида жойлашган. Буюртмахонани Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси давлат инспекторлари муҳофаза қилиш билан шугулланишади.

Акпектин кўллар тизими. Орол денгизи тубидаги чексиз тузли сахро, ягона сувли артерияси кўмларда йўқолиб кетадиган Кўкдарё дарёси. Дарё ўзани бўйида қатор тузли кўллар жойлашган. Улардан баъзилари анча чукур (5-7 метр). Ҳудуднинг умумий майдони 6000 га, шундан сувли массивларга 2000 га ажратилган. Ҳамма сувлар тўртта йирик кўл: Вурда, Акпекте, Ахшакўл, Аччиккўлдан иборат Акпектин кўллар тизимини ташкил қилади.

Чўл кисмида камдан-кам ўсимликлар учрайди. Гоҳида шўралар учрайди, сув ҳавзалари бўйида кўға чангальзорлари бор. Кўллар қамишзорли деворлар билан қопланган.

Жилдирабас кўли. Кўл Орол денгизининг собиқ кўрфазида, Козоқдарё этагида жойлашган. Кўл кўп жиҳатдан чучуклашган, лекин сувини истемол қилиб бўлмайди. Сув окимиidan ташқари термал қувурлардан сув билан бойитилади. Кўлни собиқ денгиздан ажратадиган катта ва кенг дамба куриш бўйича ишлар фаол бажарилмоқда. Кўлдаги сув сатҳи энди кўп жиҳатдан барқарорлашди. Кўлда давлат ўрмон ва овчилик хўжалиги жойлашган, балик тутиш ва овчилик фаол амалга оширилади. Кўлга бориш нисбатан мураккаб, энг яқин аҳоли яшайдиган

шоҳобча – Қозоқдарё 30 км масофада жойлашган, лекин сув баланд тургани, айланиб ўтиш учун 80-90 км масофани босиб ўтишга тўғри келади. Кўл нисбатан саёз, юзлаб турли катталикдаги плеслардан ва катта қамишзорлардан иборат. Соҳилларида шўрҳоқ ва қумли тупроқларда кўға чангальзорлари мавжуд.

Сариқамиш кўли. Сариқамиш кўли Туркменистон ва Қорақалпоғистон Республикаси орасида жойлашган. Ҳудуднинг катта қисмини хўл шўра эгаллайди, баъзи жойлари оғир кумоқ тупроқли, ўртача шўрланган аллювиал тупроқнинг қалинлиги 60 дан 140 см гача. Табиий ўсимлик қоплами асосан галофил ва гипсофил ўсимликлардан шаклланган.

Устюрт платосидаги «Сайгачи» давлат буюртмахонаси ўсимлик қопламиning умумий тасвиғи

«Сайгачи» буюртмахонаси худудининг табиий ўсимлик қоплами И.И.Гранатов (1949), И.Ф.Момотов (1953), Б.Сарибаев (1977-1983) ва бошқалар томонидан ўрганилган. Сўнгги ўттиз йилда ушбу минтақанинг ўсимлик қоплами ўрганилмаган.

Экологик шароитлар ўзгариши туфайли 2007 йилдан биз Давлат кадастрини тузиш учун табиий ўсимлик қопламиning шаклланиш қонуниятларини батафсил ўрганилмиз. Асосан, ўсимлик қоплами гипсофил ва галофил ўсимликлардан шаклланган. Ўрганилаётган геоботаник ерлар ҳудуднинг қарийб 1,0 млн. га ни ташкил қилади.

Ўрганилаётган ерлар асосан платосимон, факат яланглик ерлардан, баъзида тепаликлардан иборат. Тупроқ қопламиning асосий фонини кулранг-кўнғир шимолий тупроқлар икки аъзоли комплекслари, боялиш остидаги шўралилар ташкил қилади. Мазкур ерларда атмосфера ёғингарчиликларининг миқдори 140-160 мм бўлиб, бу Устюртнинг жанубий қисмига қараганда 1,5 баравар кўпdir. Намлик коэффициенти 1,5-2 баравар юкори, лекин чўл шароитлари чегарасидан чиқмайди. Келтирилган маълумотлар кўрсатадики, Устюртнинг шимолий қисмида табиий намлик ҳолати яримчўл зonasига яқинлашмоқда. Мазкур минтақада ёғингарчиликларининг катта қисми илиқ йилларда ёғади. Бу мўтадил кенгликлар зоналари учун хосдир.

Давлат «Сайгачи» буюртмахонаси шарқдан фарбга, жанубда Оқтумшук киялигидан шимолда Косбулоқ кудуғигача кенгайган.

Ўсимликлар қатламида *Salsola arbusculiformis*, *Atraphaxis spinosa* буталари ва *Artemisia terra-albae*, *Anabasis salsa* ярим буталари катта эдификатор ролини бажаради. Табиий ўсимлик қатлами, асосан, би-юргунлилар, шувоқлилар, боялишлilar ва чекланган миқдорда қора саксовуллилар ҳамжамиятидан таркиб топган. Мазкур геоботаник ерларда боялишлilar 20-25%, биоргунлилар 10-15%, қорасаксовуллилар 3-5% ҳудудни эгаллайди, ўтсимон ўсимликлар алоҳида ҳамжамият ташкил қилмайди, боялишлilar ва шувоқлилар орасида чекланган миқдорда учрайди.

Биоргунлилар ҳамжамиятлари. Биоргунлилар ҳамжамияти, асосан, рельефнинг тепа ерларида, боялишник ва шувоқ ўртасида тарқалган. Бу

ерда биургун бошқа геоботаник ерларига қараганда баландроқ ўсган, кўп ҳолларда соф чангальзорлар ташкил қиласди. Боялишилар ҳамжамиятида биургун учрамайди. Флора таркиби 5-23 турдаги олий ўсимликлардан таркиб топган, шундан 3-6 бутасимон ва кичик буталар, 2-4 кўп йиллик ўтсимонлар, 6-12 турда эфемер ва эфемериодлар. Ўтсимон ўсимликлардан эфемерлар энг кўп тури бўйича биринчи ўринни эгаллади, лекин ўсимлик қопламида уларнинг аҳамияти сезиларли эмас.

Шувоқлилар ҳамжамияти. Мазкур геоботаник ерларда шувоқлилар ҳамжамияти боялиш ва биургун ўртасида тарқалган. Бошқа ерларга нисбатан шувоқ популяцияси ривожланган ва баландdir. Шувоқларнинг 24,5% жуда яхши, 29,2% - яхши, 28,2% - қониқарли, 6,4% - қониқарсиз, 5,4% - жуда ёмон, 4,3% - қуриган (ўлик) ҳолда учрайди. Кулай йилларда ўсимликларнинг 90 фоиздан ортиги мева беради, куруқ йилларда 95 фоизи вегетатив ҳолатда қолади. Флора таркиби 11-42 турдаги олий ўсимликлардан таркиб топган.

Буталар ва кичик буталар 5,9-12,1%, яримбутачалар 1,4-6,0%, ўтсимонлар, хусусан, эфемерлар 67,3-94,2%ни ташкил қиласди. Лойихавий қопланганлиги 65-70%.

Баҳор мавсумининг қулай йилларида шувоқлилар формациясининг флора таркиби 42 турдаги, куруқ йилларда 11 турдаги олий ўсимликлардан ташкил топади. Турлар таркибининг ўзгариши атмосфера ёғинларига бевосита боғлиқ. Кулай йилларда эфемерлар ҳисобига турлар миқдори кўпаяди, куруқ йилларда эфемерлар йўклиги туфайли 2,5-3 баравар камаяди.

Боялишилар ҳамжамияти. Мазкур ерларда худуднинг 50 фоиздан ортигини эгаллаган боялишилар ҳамжамияти ҳукмронлик қиласди. Ерлар майдонининг катта қисми соф боялиш формациялари билан банд.

Мазкур ҳамжамият флора таркибida кузги даврда 2 турдаги бута, 7 турдаги яримбута, 28 турдаги кўп йиллик, 19 турдаги бир йиллик ўтсимон ўсимликлардан ташкил топган 57 турдаги олий ўсимлик тури қайд қилинган. Баҳорги даврда турлар таркибida миқдори бўйича ўтсимонлар жиддий устунликка эга бўлса, кузги даврда яримбуталар ҳукмронлик қиласdi.

Боялишилар ҳамжамияти Устюртнинг бутун ийл давомида ишлатишга яроқли юкори ҳосилдор кимматли озуқа яйловлари ҳисобланади. Мазкур геоботаник ерларида ўсимлик қопламининг асосини боялиш формациялари эгаллади. Баҳорги мавсумда бир йиллик ўсимликлар ҳосилдорлиги 0,39, кўп йилликни 14,1 ц/гани ташкил қиласdi. Ер усти қуруқ массасининг умумий ҳосилдорлиги тегишли равишда 15,42 ц/га га teng. Сўнгги йилларда тинимсиз техноген таъсиrlар натижасида катта ерлар таназзулга учрайди. Устюрт шароитида факат шимолий қисмida соф боялиш формациялари тарқалган.

Судочье кўли Амударё дельтаси жанубида жойлашган, шимолда Устюртнинг чинк полосаси билан, ғарб ва шарқда собиқ Орол дengизининг қуриган туви билан чегарадош. Ҳозирги пайтда кўл дengиз-

нинг қуриган тубидаги экологик мувозанатни сақлаб турган ягона зонасиdir. Зонанинг сув сатхи 20 минг га дан ортиқ. Соҳил линияси ва ороллар кўлда сунъий дамбани ташкил қиласди ҳозир қамишзорлар билан қопланган.

Кўл учиб ўтадиган ва уя қурадиган сувда сузувчи кушларнинг асосий яшаш жойи ҳисобланади. Сув кўзгусининг чуқурлиги 0,6-2,8 м, сув ўртacha шўрланган. Кўлнинг шарқий қисми дамбалар билан тўсилган. Дамбалар ва кўл соҳили оралигидаги масофа 1,2-27 м.

Судочье кўлининг соҳил линияси ўт ўриш жойи бўлиб, яхши яйлов ҳисобланади. Қамишзорлар ўртacha ҳосилдорлиги 62,7-98,5 ц/га га тенг. Карабарака формацияси кенг тарқалган (денгиз қуриган тубининг шарқий қисми) ерларда фитомелиоратив ишларни амалга ошириш лозим. Бу ерда кишлоқ ҳўжалиги ҳайвонлари учун ҳар йили бир неча минг тонна қимматли қамиш озуқасини тайёрлаш мумкин. Қамишзорлар бир ватқнинг ўзида ондатра, тўнғиз, қамиш мушуги, кушлар ва бошқа ҳайвонларнинг кўпайиши жойи ҳисобланади.

Лойихавий қопланганлиги 65-80%. Қора саксовул, шувоқ, оқ боялиш доминанта, курчавка, горчак, жингил субдоминанта ҳисобланади. Эфемерлар – мортук, молколмия, дискурайна, эфемериодлар – мятилик козлец кенг тарқалган. Бу ўсимлик ҳамжамиятлари ийл давомида фойдаланиш мумкин бўлган яхши яйловлар саналади. Табиий ўсимлик қоплами, айниқса қора саксовул, мятилик ва бошқаларнинг шаклланиши учун уларни муҳофаза қилиш даркор.

Сорали кўли соҳилбўйининг ўсимлик қоплами. Экспедиция даврида биз Қораузоқ тумани Акпетке кўл тизимиға кирадиган Сорали кўлининг соҳилбўйи ўсимлик қопламини ўрганиб чиқдиқ. Кўлнинг сув манбаи КАС-3 ҳисобланади. Сув кўзгусининг чуқурлиги 0,7-3,2 м. Кўлнинг ўртасида кўпсонли купак ва баъзида кичик ороллар кузатилади. Кўл 3-7 м узунликдаги қамишзорлар билан қопланган. Қамишлар орасида жингил, рогоз, нам тупроқда солероснинг зич чангальзорлари учрайди. Сўнгра 7-70 м узунликдаги соҳил линияси – уст қатлами 0,3-0,8 см қалинликдаги шўрланган мустаҳкам қум чўзилган. Бу ерда, асосан, паствбўйли қамиш ва солянка, гоҳида – жингил тарқалган. Кейинги трансект – соҳил линияси (70-560 м) – қора саксовул ва қандим иштирокидаги чоколако-жингил ҳамжамиятлари. Сўнгги трансект (соҳил линиясидан 560 м ва ундан нари) – ярим мустаҳкам бархан қумлари. Бу ерда қумли чўллар учун хос бўлган қора саксовул формациялари ҳукмронлик қиласdi.

Май ўртасида ўсимликнинг ўртacha баландлиги 1,7-2 м ни ташкил қиласdi, вегетация охирида 4-6 м га етади, туриш зичлиги 1 м2 га 42-96 донадан. Қамишнинг соҳилбўйи ва ички чангальзорларини ёзги даврда ҳайвонлар учун кўшишма озуқа тайёрлаш учун ўриб олиш, қишки даврда кашар, турар уйлар қурилиши ва бошқалар учун ишлатилиши мумкин.

Орол дengизи қуриган тубининг ўсимлик қоплами, асосан, Шимоли-ғарбий Қизилқум ва Амударё дельтасида шаклланган. Табиий ўсимлик

қопламининг шаклланиши давом этмоқда. Худуднинг катта қисмida кўчувчи бархан қумлари ва хўл шўралар хукмронлик қиласди. Агар техноген ва антропоген омиллар таъсирида янги шаклланган ўсимлик ҳамжамиятлари йўқолиб кетса, натижада шўра-чанг кўчиш ва кўчувчи бархан қумларининг иккинчи ўчоқлари пайдо бўлади. Шунинг учун ҳозирги пайтда денгиз куриган тубининг ва кўллар, коллекторлар соҳил линиясининг табиий ўсимлик қопламини шакллантираётган тупроқларни муҳофаза қилиши бўйича қатъий чоралар кўриш лозим.

Жалтирбас кўли соҳилбўйининг ўсимлик қоплами. Жалтирбас кўл тизими Мўйноқ тумани Қозокдарё мавзесида Орол денгизининг собиқ кўрфазида жойлашган. У тури катталиқдаги кўплаб кўллардан ташкил топган. Сув ранги сариқсимон-кўк, кам шўрланган, истеъмол учун ярамайди.

Ҳозирги пайтда сув юзаси 2 минг га дан ортиқни ташкил қиласди, ўртacha сув чуқурлиги – 0,7-3,8 см. Кўлда зич қамишзорли купаклар кузатилган.

Қамишзорларнинг фитоценологик туси тури экологик омиллар, яъни ер усти сувларининг чуқурлиги ва минераллашув даражасидан келиб чиқиб ўзгариб туради. Мазкур ерларда қамишзорлар катта майдонларни эгаллайди ва саноат ҳамиятига эга. Ёзги даврда озука учун, саноат учун эса факат кузги-кишки даврда тайёрлаш мумкин.

Ушбу ерларда факат соҳил линиясидаги қамишзорларни озука учун ишлатиш мумкин, уларнинг ўртacha ҳосилдорлиги 90-140 ц/га ни ташкил қиласди.

Қорақалпғистон Республикаси ихтиофаунаси

Судочье ветланди¹ – Амударёning чап соҳилбўйи дельта зонасидаги аввал Орол денгизи билан уланган йирик кўл тизимиdir. Амударё оқимининг 1963-1965 йиллардаги камайиши дарёning пастки оқимида гидрорежимнинг тубдан ўзгариши ва дарё тошишининг камайиши, дельта зонасидаги кўплаб кўллар йўқолишига олиб келди.

Судочье тизими бу даврда шунингдек кучли курғоқчилик ва шўрлашишни бошидан кечирди. Акваторияни саклаб қолиш учун 1966 йилда Қўнғирот, 1986 йилда эса Устюрт коллекторлари қазилди, улар Амударё чап соҳилбўйининг дренаж ва ташлама сувларининг аккумуляцияланишини таъминлади. Факат баъзи кўп сувли йилларда унинг чучуклашишига ёрдам берадиган тошқинлар сувлари келиб кўшилди. Кўл тизимининг асосий сув таъминоти коллектор оқими ва сугориш сувларининг кичик қолдиклари ҳисобига амалга оширилди.

Ветланд кўшни Ҳўжакўл-Қоражар кўллар ти-

¹ Ветланд (инглизча wetland - нам, хўл жой) де-гандада Рамсар конвенциясининг таърифига кўра, сув-ботқоқ ҳудудлари (СБХ) ёки ботқоқлик, торфик, сунъий ёки табиий, доимий ёки вактинчалик турғун ёки оқимли, чучук, кам шўрланган ёки шўр, шунингдек, сув сатҳи қайтганда чуқурлиги 6 метрдан ошмайдиган денгиз акваториялари саёзликлари худудлари тушунилади.

зими билан бирга жанубий денгизбўйи зонасининг энг йирик балиқ овлаш, ондатра ва пичан ўрими ерлари сифатида ижтимоий-иқтисодий ва экологик аҳамиятга эга. Шу билан бирга Орол денгизи ва Марказий Осиёнинг йирик чўллари – Устюрт платоси ва Қизилқум билан қўшнилиги, шунингдек Амударё гидрографик тармоғи билан алокалиги унинг биохилма-хиллиги даражаси юқорилигидан далолат беради. Сибирь-Марказий Осиё учиб ўтиш йўли магистралининг марказий қисмидалиги кўл тизимини күшлар хилма-хиллиги ва кўплиги билан таъминлади, уларни муҳофаза қилиш учун 1991 йилдан бери бу ерда орнитологик буюртмахона фаолият юритмоқда.

1999-2002 йилларда биохилма-хилликни саклаб қолиш ва кўпайтириш, маҳаллий аҳоли томонидан ветланднинг экологик ҳолатини яхшилаш ҳисобига барқарор даромадлар олинишини таъминлаш ва даромадлар миқдорини ошириш усувларини намойиш этиш мақсадида Судочье кўли сув-ботқоқлик ерларини тиклаш бўйича Глобал Экологик фонднинг нишона лойиҳаси амалга оширилди. Лойиҳа жараёнида ветланд зонасининг экологик ва ижтимоий-иқтисодий мониторинги, шунингдек ветланд дарё сувлари берилиши ҳажмини кўпайтириш ва кўллар оқимини ошириш (хар йили камида 300 млн. м³ ҳажмда сув оқимига эришиш) ҳамда инфратузилмани яратиш учун муҳандислик-техник тадбирлар амалга оширилди. Оккум ариғида 36,8 км узунлидаги ва 1,5-2 м баландлиқдаги ерли дамба, шунингдек ветландга сув чиқариш ва ундан сув олиш бўйича курилмалар: Устюрт коллектори бош участкасида 2 та шлюз ва Оккум ариғи дамбасида 55 м³/сек сув чиқарадиган бошқарувчи шлюзлар курилди.

Дарё сувини чиқариш коллекторлар ва каналлар (Устюрт ва Суенли) тизими бўйича бажарилмоқда. Сув етмай қолган зоналарни йўқотиш ва сув алмасишини яхшилаш мақсадида, ветландда унинг акваторияси бўйича дарё сувини таксимлайдиган экологик каналлар тизими яратилди. Мухандислик-техник тадбирларни амалга ошириш натижасида 2002 йил кузида умуман ветланд бўйича сувнинг минераллашуви 0,95-6,35 г/л даражасида сакланди. Ветланднинг сувли майдони 20 минг га дан ошди, сув чуқурлиги 3-3,5 м гача ошди.

Ветланд ихтиофаунаси ҳозирги пайтда 24 тур ва кичик турдаги баликлар билан тақдим қилинган. Ихтиофауна умумий таркибининг беш тури – амур чеба-чоги, востробрюшка, медака, каспий атерина ва амур бичоги кичик, овланмайдиган баликлар гурухига киради, қолган барчаси овланади.

Судочье ветланди ихтиофаунасининг турлар хилма-хиллиги Орол-Амударё ҳавзаси абориген турлари ва Узоқ Шарқдан тасодифан ёки маҳсус ушбу ерларга олиб келинган турлардан шакллантирилган. Ихтиоценозни ташкил қиласдиган аксарият турлар кўлларда доимий яшайди, факат баъзи турлар тасодифан оқиб келаётган сувлар билан келиб қолади. Кўллар ихтиоценозининг ядросини Амударё фаунаси билан умумий турлар ташкил қиласди. Бу одатий лимнофил ва кам даражада реофил турлардир. Уларнинг деярли барчаси минераллашуви 12 (г/л) гача бўлган

ҳавзаларда яшайдиган чучук сув-генератив балиқ шакллари бўлиб, фақат баъзилари (атерина, амур бичоги ва медака) сувнинг юкори – 30-35 гача минераллашувида яшай олади.

Судочье ветланди балиқлари ва асосий овланадиган балиқлар популациясининг ўлчамларини ўрганиш алоҳида популяциялар ва умуман балиқ ҳамжамияти тузилмаси ва маҳсулдорлиги атроф-мухитнинг кўплаб омилларига юксак даражада боғлиқлигини кўрсатди. Ветландинг алоҳида участкаларидаги шароит ихтиоценоз таркиби ва тузилмасига катта шакллантирувчи таъсир кўрсатишни таъкидлаш жоиз. Кўнғирот коллектори ва сугориш каналларидан энг узоқда жойлашган плеслар балиқлари тузилмаси унга қўшни зоналарга нисбатан анча қашшоқdir. Уларда реофиллар (учарбалиқ, оқ амур, оқ сла) устунлик қиласи, ички кўл участкалари ихтиоценозининг ядросини эса асосан лимнофиллар ташкил қиласи ва бу ерда илонбош, зогорабалиқ, чўртган ва товонбалиқ кўпроқ учрайди. Барча кўллар учун факат медака ва атерина умумий турлар саналади.

Судочье ветландида Ўзбекистон Қизил китобига киритилган икки турдаги балиқ – Орол коракўзи (*Abramis sapa aralensis*) ва Туркистон муйлабдори (*Barbus capita conocephalus*) кузатилган. Иккала тур 2005-2007 йиллардаги тадқиқот ва овлаш учун тутилганида учраган.

1999-2002 йилларда дарё сувини чиқариш ҳажмини ошириш ва ҳавза оқимини кўпайтириш учун Глобал Экологик фонднинг нишона лойиҳаси доирасида амалга оширилган катта муҳандислик-техник тадбирларга қарамай, Судочье ветланди экотизими ҳали ҳам нобарқарор сув танқислиги тартиби ҳолатида сақланиб қолмоқда. Сув даражасининг мунтазам тебраниши, камсув жойлари қуриб қолиши ва ветланд майдонлари қискариши балиқларга таъсир кўрсатмай қолмайди, бу, авваламбор, балиқлар кўчишининг чекланиши ва карпсимон балиқлар увулдуруқ сочадиган (нерестилище) майдонларининг қискаришида кўзга ташланади. Айниқса баҳорда карпсимон балиқлар (зогорабалиқ, қизилкўз, лешч) увулдуруқ сочадиган мавсумда сув сатхининг тебраниши салбий таъсир қиласи, чунки бу кўлнинг қуришига ҳамда саёз жойда – 0,5-0,7 м чукурликда юмшоқ ўсимликларга увулдуруқ сочадиган ушбу одатий фитофилларнинг сочилган увулдуруғи ўлиб қолишига олиб келади. Натижада ветланд сув ҳавзалари уларни кўпайтириш жараёни бузилган.

Ветланда балиқ кўпайтирилишининг бузилиши ва 2000-2001 йиллардаги қурғокчилик даврида қуриб кетаётган кўлларнинг балиқ ресурслари бекор ўлиб кетишининг олдини олиш мақсадида кўплаб (тотал равишда) овланиши (олиниши) нағижасида ветландинг балиқ заҳиралари деярли умуман ўйқолиб кетди. Ветланд сув ҳавзалари ҳалокатли даражада саёзлашди. Балиқлар сув билан таъминлайдиган коллекторларга оммавий кўчиб ўтди ва алоҳида плесларда йигилиб қолди. Бунинг хисобига 2000-2001 йилларда ветланд ҳудудида овланган балиқ миқдори ва тегишли равишда Амударё қуий оқимларида – Қорақалпоғистонда овлан-

ган балиқларнинг миқдорида улуши кескин кўпайди. Шу тариқа балиқларнинг ялпи овланиши ва шу билан биргаликда толиқкан балиқларнинг кўп сонли ихтиофаг-кушлар тўдалари томонидан оммавий еб кўйилиши Судочье ветландида овланадиган турларнинг кескин камайиши ва уларнинг қайта тикланишини камида 3-4 йилга бузилишига олиб келди.

2002 йил ёзида ветланд ҳудудига сувнинг келиши шарқий лешч, чехонь, чипор учарбалиқ, оқ сла, оқ амурнинг кўплаб популяциялари шаклланishiга олиб келди. Шубҳасиз, ушбу балиқларнинг катта қисми ҳалокатга учраган ветландин кўллаб-куватлаш учун Амударё сувининг юборилиши нағижасида Туямуюн сув омбори ва Амударёнинг юкорида жойлашган участкаларидан ёш балиқларнинг оқиб келиши нағижасида пайдо бўлди. Тегишли равишда овланадиган балиқларнинг янги шаклланётган популяциялари тузилмаси ўша йилда овлаш ёшига ва жинсий балоғатга етмаган камёшли балиқ гуруҳларининг кўплиги билан тавсифланади, булар асосан шу йилда туғилган балиқлардир. 2002 йилда балиқ ресурслари популяцияларини шакллантириш ва қайта тиклаш мақсадида Амударё пастки оқимларидаги барча сув ҳавзаларида овлашни чеклаш зарурлиги ҳақидаги олимларнинг тавсияларига қарамай, балиқ овлайдиган ташкилотлар кўлларда сув ва балиқнинг пайдо бўлиши заҳоти овлашни бошлаб юбордилар. Ушбу йилда овланган балиқнинг умумий ҳажмиди «майдай» балиқлар гурухи (расмий статистика маълумотларига кўра) 80%, шу жумладан, ветланддаги балиқ овига 73,7%ни ташкил қилди.

Ветландинг янги шароитлари ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг бошланғич турлар биохилмалилиги ва улар маҳсулдорлигини тиклашга ёрдам беради. Сув ҳавзалари минераллашувининг турли даражадалиги чучук сувли ва шўр сувли экотизимлар ҳаёт шаклларининг турлар хилма-хиллигини тиклаш учун шароитлар яратди. Ветланд ва соҳилбўйи тошқинлари акваториясининг ўсиши асосий пичан ўриш ерлари ва овчилик кушларининг тикланишини таъминлади.

Дарё сувларининг оқиб келиши ветландга баҳор ва ёз бошланиши даврида балиқ болалари тушиши учун куляй шароит яратди, табиий тикланиш хисобига эса кўплаб овланадиган балиқ турларининг популяциялари тикланмоқда. 2004 йилдан бошлаб Судочье ветландинг баъзи участкалари ва кўллари балиқ овлаш ташкилотларига ижарага берилди ва ветланда балиқ хўжалиги фаолиятининг фаоллашгани таъкидланди. Қорақалпоғистонда овланган балиқ миқдори бўйича Судочье ветланди 2004-2006 йилларда биринчи учлиқдан ўрин эгаллади ва Жилтирбас кўрфази овидан ортда колади, холос. 2007 йилда Судочье ветланди ҳудудида 7 та балиқ овлаш хўжалиги фаолият юритди, улар 15844 га (20,3%) ерни ижарага олишган.

Бироқ айтиб ўтиш жоизки, 1999-2002 йиллардаги қурғокчиликдан кейин тикланаётган ветландинг улкан акваториясининг имкониятлари ва унинг ресурсларидан балиқ хўжалигида тўлиқ меъёрда фойдаланилаётганий йўқ. Аквакультуранинг табиий ем базаси-

да яйлов балиқчилиги, рекреацион балиқчилик каби турли технологияларни жорий этиш, сув етказиб берадиган каналлар бўйида питомник хўжаликлари тармоғини ташкил қилиш балиқ ресурслари ва овлаш хажмларини камида 10-12 баравар кўпайтириш, шунингдек соҳиблўйи худудидаги аҳоли бандлиги ва даромадлари ошишини тъминлаш имконини беради.

Янги дала тадқиқотлари жараёнида ва адабий маълумотлар асосида аниқланди, ҳозирги пайтда «Сайгачи» давлат буюртмахонаси учун 14 тур ва Судочье кўли давлат буюртмахонаси учун 9 тур ноёб ҳисобланади. Ушбу ноёб турлар миқдори ва тарқалиш майдони аниқланди. Локал популяцияларнинг замонавий (регрессив, нормал, прогрессив) ҳолати баҳоланди, ҳар бир тур учун хатар омиллари кўрсатилди ва якка тартибдаги муҳофаза қилиш чоралари тақдим этилди. «Сайгачи» ва «Судочье» давлат буюртмахоналари кадастри бўйича натижалар Ўзбекистон Қизил китобининг кейинги нашрларида кўлланилиши мумкин.

Устюртдаги иккита муҳофаза этиладиган худудларда ёввойи ҳолда ўсадиган техник ўсимликлар кадастрини юритиш асосида «Судочье» давлат буюртмахонасининг 8 оиласга мансуб 13 та тур ҳамда «Сайгачи» давлат буюртмахонасининг 6 оиласга мансуб 8 та техник тур бўйича маълумотлар олинди. Бундай иш Қорақалпоғистон шароитида биринчи марта бажарилди.

Мазкур тадқиқотлар туфайли Қорақалпоғистон олимларида Ўрта Осиёнинг этиб бориш мушқул бўлган, лекин (табиий сабаблари – денгиз қуриши, чўллашиб ва географик жойлашганлиги сабабли) қизиқарли ўсимлик участкаларидан бирини ўзига хос кўшимча равиша ўрганиш имконияти пайдо бўлди.

Устюртдаги ноёб ва йўқолиб кетаётган ўсимлик турларини муҳофаза этиш учун қуидагилар зарур:

а) Устюрт платоси йўқолиб кетаётган турларини янада кўпайтириш учун уруғчилик питомниги ташкил қилиш;

б) яйлов массивлари (йўлсизлик)да уларнинг таузулга учрашининг олдини олиш мақсадида автомашина ва бошқа техниканинг юришини тақиқлаш;

в) таузулга учраган худудлар ва паст хосилдор яйловларда фитомелиоратив ишларни ўтказиш, яйлов майдони бирлигига чорвани ўртача чиқариш меъёрларига риоя қилиш, яйлов участкаларидан турли йилларда алмаштириб фойдаланиш муддатларини белгилаш. Шунингдек, барча муҳофаза этиладиган худудларда саксовулни тайёрлашни тақиқлаш.

Судочье ветландини Марказий Осиёнинг энг муҳим орнитологик худуди (IBA), шунингдек, кўчиш пайтида ҳар йили жуда кўп миқдорда гидро-

фил турдаги қушлар уя қурадиган ва тўхтайдиган, йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган қатор қуш турларини сақлаб колиш учун ҳалқаро аҳамиятга эга бўлган худуд сифатида тавсия этиш мумкин. Бундан ташқари, Судочье ветландин зонасини Рамсар конвенцияси низомларига мувофиқ муҳофаза этилиши лозим бўлган обьект сифатида таснифлаш ҳам асослидир.

Устюрт худудида сайғоклар миқдорини сақлаб колиш ва кўпайтириш учун қуидагилар зарур:

уларнинг муҳофазасини кучайтириш ва йил давомида назорат қилиш. Бунинг учун таркибида камида 5-6 киши иборат махсус егерлик хизматини ташкил қилиш, уни тез юрадиган транспорт ва бошқа жиҳозлар билан тъминлаш, айниқса, кузги-қиши-баҳорги даврда оммавий кўлланадиган жойларида муҳофазасини янада кучайтириш керак;

мазкур ноёб ҳайвон турини сақлаб колиш ҳақида ойига бир марта намойиш этиладиган телерадиокўрсатув ташкил қилиш. Маҳаллий аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш, браконьерларни қатъий жазолаш;

сайғоклар кўпайтиш жойларида (Теранкудук, Чурук, Белеули, Аллан, Аироболда) «осойишталик зонаси»ни ташкил қилиш, бу ерда камида бир ой давомида 15 майдан 15 июнгача транспортнинг ҳар қандай ҳаракатини тақиқлаш, сайғоклар сув ичиши учун сардобалар қуриш;

қиши кўп бўладиган йилларда ҳайвонларни ем билан тъминлаш.

Ҳозирги пайтда иккала буюртмахона худуди бўйича геология-тадқиқот ишлари фаол олиб борилмоқда. Техноген таъсир натижасида тупрокнинг устки юпқа (0,2-1,2 см) шўрланган катлами бузилмоқда. Битта машина ёки тракторнинг юриши устки катламини тўлиқ бузади ва кучли тузланган қумли-кингир горизонтни очиб ташлайди. Очик жойларда енгил шамолда ҳам тузли чанг ҳавога кўтарилади, натижада туз-чанг кўчишининг янги ўчоклари пайдо бўлади. Янги шаклланаётган устки тупрок катламида техноген таназзул жараёнларининг олдини олиш учун маҳаллий қурилиш материалларидан геология-тадқиқот минораларини ўзаро боғлайдиган йўлларни қуриш лозим. Туз-чанг кўчишининг янги ўчоклари вужудга келмаслиги учун миноралар атрофини (7-10 см қалинликда) оғир кўнғир тупрок билан қоплаш зарур. Мазкур табиатни муҳофаза қилиш ишлари геологлар томонидан бажарилиши лозим, шу билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ходимлари томонидан назоратни кучайтириш кераклигини ҳам тъкидлаш жоиз.

VIII. Атроф муҳит ва саломатлик

8.1. Атроф-мухитнинг ифлосланиши билан боғлиқ соғлиқни сақлашнинг асосий муаммолари

Сўнгги 200 йилда инсоният илмий-техника тараққиёти, тиббиёт ютуқлари, яшаши шароитларини сезиларли даражада яхшиланиши туфайли ҳаёт давомийлигини анча оширишга эришиди.

Сўнгги ўн йилликда ичтерлама, ўткир ичак юқумли касалликлари, дизентерия, вирусли гепатит ва бошқа бაъзи юқумли касалликлар билан касалланишлар сони камаяётганлиги кўзга ташланмоқда.

Мамлакатда полиомиелит умуман тугаганлиги Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БССТ) маҳсус комиссиясининг қарори билан тасдиқланган.

Оммавий юқумли касалликларнинг ривожланиши хавфи пасайгани сари касалликлар ва бевакт ўлим тузилмасида юқумсиз, асосан сурункали касалликлар олдинги ўринларни эгаллай бошлади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Саломатлик» («Здоровье») институтининг расмий статистик маълумотларига кўра, касалликлар умумий тузилмасида юқумли касалликларга - 2,94%, жароҳатлар, заҳарланишлар ва ташкини таъсирининг бошқа айrim оқибатларига - 3,62%, юқумсиз касалликлар улушига эса - 70 фоиздан кўпроқ қисми тўғри келмоқда.

Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг Европа Минтақавий Бюроси (БССТ ЕМБ) маълумотларига қараганда, Европа минтақасида (ЕМ) ўлимнинг 8,1 миллион ҳолатига (барча ўлимларнинг 85,8%) ва 115,3 миллион DALYs¹га (умумий касалликлар оғирлигининг 76,7%) юқумсиз касалликлар сабаб бўлган. ЕМда юрак-томир касалликлари ва саратон касаллиги етакчи юқумсиз касалликлардир, сўнгра нисбатан кичик гурухлар: респиратор касалликлари, овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари ва нейропсих толикишлар келади.

Кўп ҳолларда ўлимларҳатар омиллари умумий сонида ҳар бир сабаб улушини (ҳаётнинг соғлом йилларини ўқотишнинг 10 та етакчи сабабидан етитасини) пасайтиришнинг иложи мавжуд, чунки улар хулқдан келиб чиқади. Етти етакчи хавф омилининг (юкори артериал босим, тамаки истеъмол қилиш, алкоголн ҳаддан зиёд истеъмол қилиш, кондаги холестерин даражасининг юқорилиги, ортиқча тана оғирлиги, сабзавот ва меваларни етарлича истеъмол қиласмаслик, жисмоний фаолликнинг етарли эмаслиги) улушига 59,6% тўғри келади.

Популяцион даражада одамлар ахволига атроф-мухит омилларининг таъсирини акс этирувчи номахсус кўрсаткичлардан бири, ку-

¹ DALYs – соғлом ҳаётнинг ўқотилган йиллар индекси; «Глобал касаллик оғирлиги» лойиҳаси доирасида БССТ Европа минтақаларининг барча мамлакатлари учун хисобланган, соглом ҳаёт йилларининг ўқотилиши сабаб бўлиб хизмат киладиган нозологик шакл ва аниқ хатарлилар омиллари кўрсатмалари; БССТ ушбу кўрсатгичларни энг яхши кўрсаткичлар деб карашни тавсия киласди.

тилган ҳаёт давомийлиги (КХД) кўрсаткичи бўлиб, у ҳаёт давомийлигининг стандарт солишишторма кўрсаткичи ҳисобланади (53-жадвалга қаранг).

53-жадвалдан кўриниб турибиди, Ўзбекистонда кутилган ҳаёт давомийлиги 1990 йил даражасига тикланди. Шунга қарамай, ЕХ мамлакатларидаги ҳаёт давомийлигига ета олмади, бу ерда мазкур кўрсаткичлар анча юкори (79 ва ундан ортик). Туғилётганда кутилган ҳаёт давомийлигини ошириш ўлим ҳолатларини бирламчи ва иккиласмачи профилактика қилиш ёрдамида эришилади. Бу кўрсаткич аҳоли саломатлигининг солишишторма индекси саналади.

КХД ошганлиги, аҳоли саломатлиги яхшиланганлигидан далолат беради, лекин атроф-мухитга антропоген таъсирининг нотекис тақсимланганлиги туфайли алоҳида аҳоли гурухлари (масалан, шаҳар ва қишлоқ аҳли) ўргасида саломатлик ҳолатида фарқ мавжуд бўлиши мумкин. Барча ёшдаги одамларда соғлиқни сақлаб колиш учун барча хатар омиллари ни вактида баҳолаш зарур.

Мамлакат меҳнат салоҳиятини йўқотишнинг асосий сабабларидан бири юртдошларимизнинг ўлимидир. Юрак-томир тизими касалликлари касалланиш ва ўлим сабаблари тузилмасида алоҳида ўрин тутади. Барча ўлим сабабларининг 50 фоиздан ортиги ушбу касалликлар гурухига тўғри келади, ваҳоланки, барча даволаш-профилактика муассасаларига мурожаат қилганларнинг 5,67 фоиздан (2000 й.) 5,4 фоизгача (2006 й.) касалликлар ҳисобга олинган. Турғун меҳнатга лаёқатлигини йўқотган ҳар бешинчи ногирон юрак-томир касалликлари билан касалланган².

Хозирги пайтда «бирламчи профилактика» ва «иккиласмачи профилактика» тушунчалари белгиланган. Бирламчи профилактика – одамларнинг хулқатвори ва малакаси хатари омилларига таъсирчанинги камайтириш имконини беради. Иккиласмачи профилактика касалланиш ҳолатларини олдиндан аниқлаш ва кейинчалик тегишли даволаш имкони-

² Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги РАТМ маълумотлари

53-жадвал. Туғилганда эҳтимолий ҳаёт давомийлиги (ёш)

| Мамлакат номи | Йил | | |
|--------------------|------|-------|-----------------------------------|
| | 1990 | 1995 | Маълумот мавжуд бўлган сўнгги йил |
| Ўзбекистон | 69,7 | 67,88 | 70,54 (2005) |
| Россия Федерацияси | 69,3 | 64,7 | 65,37 (2005) |
| Қирғизистон | 68,8 | 65,5 | 67,72(2004) |
| Қозогистон | 68,8 | 64,7 | 65,89 (2005) |
| Тоҷикистон | 70,0 | 68,0 | 68,0 (2003) |
| Туркманистон | 66,6 | 65,24 | 66,1 (1998) |

Манба: Европада соғлиқни сақлаш ҳолати тўғрисидаги маъруза, 2005 й., БССТ ЕРБ.

54-жадвал. Бирламчи ва иккиламчи профилактика ёрдамида олди олинадиган ўлимлар: 1998-2002 йилларда Ўзбекистонда 100 000 аҳолига нисбатан ўртача ўлимлар сони

| Ўлим сабаблари | Бирламчи профилактика ёрдамида олди олинадиган ўлимлар | Ўлим сабаблари | Иккиламчи профилактика ёрдамида олди олинадиган ўлимлар |
|---|--|--|---|
| Йўл-транспорт жароҳатлари | 8,7 | Тери меланомаси | 0,4 |
| Юрак-томир касалликлари | 47,0 | Сут бези саратони | 8,5 |
| Жигарнинг сурункали касалланиши ва цирроз | 30,7 | Бачадон бўйни саратони | 3,9 |
| Жигар саратони | Маълумотлар йўқ | Бачадоннинг бошқа қисмлари саратони | 2,3 |
| Юқори нафас олиш ўйлари ва овқат ҳазм қилиш тракти саратори | 6,7 | Манба: Доклад о состоянии здравоохранения в Европе, 2005 г., ЕРБ ВОЗ | |
| Ўпка саратони | 7,4 | | |

ни берадиган чоралардир. БССТ ЕМБ маълумотларида кўрсатиб ўтилганидек, бирламчи ва иккиламчи профилактика чораларини самарали қўллаш орқали катор сабабларга боғлиқ, ўлим кўрсаткичларини камайтиришда жиддий натижаларга эришиш мумкин.

Шу тариқа, юқорида 54-жадвалда кўрсатилган мисоллар ўлимдан бирламчи ва иккиламчи профилактиканинг қанчалик мухимлигидан далолат беради.

БССТ эксперклари фикрича (1997 й.), саратон билан боғлиқ барча касалликларнинг 23% ва ҳолатларнинг 25% атроф-мухит омилларининг таъсири билан изоҳланади. Ҳар йили республикада онкологик касалликлар билан касалланганлар кўплаб рўйхатга олинади. Фақатгина 2006 йилда, республикада турли локациядаги хавфли шишларнинг 18133 ҳолати (100 минг жон бошига 68,5 киши) қайд қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси (66,9) ва Хоразм вилоятида (60,2) онкологик касалланишлар кўрсаткичи Тошкент ш. (124,5) ва умуман республика бўйича (68,5) кўрсаткичдан пастdir. Шунга қарамай, овқат ҳазм қилиш органларининг хавфли шишлар билан касалланиши Қорақалпоғистонда ўртacha республика кўрсаткичидан юқори. Масалан, овқат ҳазм бўлиши саратони 12,9 (республикада 4,0), ошқозон саратони 8,9 (республикада 6,5), жигар саратони 5,1 (республикада 3,3). Амалда касаллик ривожланишига бирорта омилнинг таъсирини аниқ ҳисоблаш жуда мураккаб вазифа бўлиб, «атроф-мухит - саломатлик»нинг ўзаро боғлиқлиги кўп томонлама атроф-мухит ифлосланиши шароитларида жуда мураккаб тусга эга.

Шубҳасиз, атроф-мухит омилларининг турли таъсири ва характеристи (ижтимоий, иқтисодий, биологик, табиий-иқлимиy, кимёвий, физик ва бошқ.) аҳоли саломатлиги ҳолатига салбий таъсирининг ривожланишига сабаб бўлади.

Олимларнинг кўп сонли тадқиқотлари далолат берадики, бронх астмаси, қандли диабет, сут бези саратони, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакнинг яра касаллиги, юракнинг ишемик касаллиги ва бошқа кўп омилли касалликлар, яъни генетик, муҳит ва тасодифий омиллар умумийлигига шаклланадиган ка-

салликларга киради.

Шу тариқа жамиятнинг ҳозирги тараққиёти босқичида нокулай экологик омил аҳоли популяцион саломатлигининг шаклланишига таъсир кўрсатиши шубҳа уйғотмайдиган ва илмий тасдиқланган ҳақиқатдир, айниқса, янги синтезланадиган кимёвий бирикмалар вужудга келяптики, инсон улар билан бевосита алоқага киришади, зоро, эволюцион нуктаи назардан уларга кўнкимаган.

Ўзбекистонда шундай вазият рўй бердики, аҳоли яшаш пунктларининг (шахар ва кишлеклар) атмосфера ҳавосини ифлослантирувчилар худудларнинг экологик ҳолатини сезиларли ёмонлаштиրмокда, экотизимнинг барча табиий компонентлари кимёвий таркибининг ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Буларнинг барчаси аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистон гигиенистлари томонидан 1992-1996 йилларда, турли шаҳарларда (Тошкент, Олмалиқ, Чирчиқ, Фарғона, Навоий, Ангрен) ўтказилган кўп сонли тадқиқотлар атмосфера ҳавоси ифлосланиши ва аҳоли касалланиши даражаси ўртасида микдорий боғлиқлик борлигини тасдиқлади. Юқорида кўрсатилган шаҳарларда атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси «фавқулодда»дан «кучли»гача оралиқда тебранади. Шубҳасиз, атмосфера ҳавоси ифлосланишининг бундай даражалари аҳоли саломатлигига яқин (ўткир респираторли касалликлар) ва узок (турли сурункали касалликлар ривожланиши) муддатли хавф туғдиради. Бундан ташқари, аҳоли яшаш пунктлари атмосфера ҳавосининг санитар-эпидемиологик хизмати органлари томонидан ўтказиладиган тадқиқотларининг ҳар йиллик натижалари шундан далолат берадики, шаҳар атмосфера ҳавосининг ифлосланиши аҳоли саломатлиги учун хавфлилигича қолмоқда. Ўрганилган атмосфера ҳавосининг гигиеник метёrlарга мувофиқ келмайдиган улуши (тадқиқ қилинганлар умумий сонидан) Тошкент шаҳрида 31% ва 20,8%, Фарғона вилоятида 14,4% ва 17,7%, Андижон вилоятида 25,6% ва 25,3%, Бухоро вилоятида 14,9% ва 15,7%, Самарқанд вилоятида 16,3% ва 12,9%, Сурхондарё вилоятида 14,7% ва 19,2% (респу-

блика бўйича 20,6% ва 16,8%)ни ташкил қилди.

Сўнгги 10 йилда аҳолининг даволаш-профилактика муассасаларига мурожаат килиши маълумотларининг таҳлили шуну кўрсатди, умумий касалланиш тузилмаси фарқланади. Шундай қилиб, нафас олиш йўллари касалликларининг энг кўп тарқалиши Тошкент ш. (27,3%), Қашқадарё (26,7%), Навоий (27,4%), Фарғона (29,1%), Наманган (31,7%) ва Тошкент (29,1%) вилоятларида, овқат ҳазм килиш касалликлари эса, Хоразм вилоятида (20,5%) энг кўп тарқалган. Қон ва қон ҳосил бўлиши органлари касалликлари (анемия) деярли барча вилоятлarda етакчи ўринни эгаллади, энг катта солиштирма кўрсаткичи Қорақалпоғистон Республикаси (38,8%), Наманган (24,1%), Навоий (26,1%), Андижон (21,4%), Бухоро (20,5%) ва Жиззах (24,8%) вилоятларига тўғри келади. БССТ ЕМБ маълумотларига қараганда, анемия йўқотилган соглом ҳаёт йилларининг 10 та асосий сабабларига киритилган (умумий сонининг 2,0%, DALYs индекси).

Турли кимёвий моддалар ва чангнинг юкори концентрацияси инсон организмини ҳимоялаш механизmlарининг ҳимояловчи вазифалари бузилишига турткি беради, бу иммунитет танқислиги ҳолатлари тарқалишининг ошиши, аллергия реакцияларига таъсиранлик, ўтқир ва сурункали касалликлар ривожланишининг кескин кучайишига олиб келади.

Сурхондарё вилояти аҳолисининг алоҳида гурухлари соғлигининг шаклланишига табиий ва антропоген омиллари таъсири улушининг таҳлили инсон атрофидағи муҳитда йод танқислиги, фторли водород концентрациясининг юкорилиги сезиларли таъсир етказаётганлигини кўрсатди. Атмосфера ҳавоси, озиқ-овқат маҳсулотларида фторли водород, олтингугурт диоксидининг таркиби турли йилларда (Тожикистон алюминий заводи ишга туширилганидан кейин) анча ўзгариб турар ва Сариосиё туманида салбий таъсир чегарасидаги концентрациядан 4 баравар ошиб кетар эди.

Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Узун, Денов туманларидаги мавжуд мураккаб экологик вазият муайян даражада Тожикистон алюминий заводининг заарли ташламаларининг ўзига хос салбий таъсири билан изоҳланади. Ўтган асрнинг 80-йиллари ва 90-йиллар бошларида ёқ олтингугурт диоксиди ва фторли водороднинг Сариосиё тумани аҳолисининг саломатлигига ҳар томонлама таъсири аниқланган.

Тожикистон алюминий заводи ишга туширилган вақтдан бошлаб, Сурхондарё вилоятининг кўрсатиб ўтилган туманларida болалар ва катталарнинг эндокрин тизими (эндем буқоқ) касалликлари билан оғриши, янги түғилган болаларда патологик бузилишлар тез-тез учраши, аёллар репродуктив функцияларининг бузилиши, флюорозга учраши ўртacha вилоят кўрсаткичидан 1,5-3 баравар кўпайди. Сўнгги 10 йил давомида, ҳавфли янги ўスマЛАР нозологик шакллари доираси ҳавфли лимфомалар, овқат ҳазм бўлиши органлари саратони, ошқозон саратони, суюк-мушак тизими ҳавфли шишлари каби нозологик шакллар солиштирма улушининг энг юкорилиги билан тавсифланади. Ҳавфли лимфомалар Узун, Сариосиё ва Де-

нов туманларида ҳавфли янги ўスマЛАР умумий тузилмасида етакчи ўринни эгаллади. Батағсил эпидемиологик тадқиқотлариз ҳавфли шишларнинг бунчалик тарқалганинг асл сабабини аниқлаш жуда мушкул. Бугунги кунда биз Узун, Сариосиё, Денов ва Жарқўргон туманларida юкорида кўрсатилган ҳавфли янги ўスマЛАР ривожланганлигини таъкидлаш билан кифояланмаяпмиз (88-расмга қаранг). Бундан ташкири биринчи марта тасдикланган I-II даражали эндемик буқоқ ташхиси билан касалланган беморларнинг сони ҳам йил сайн кўпаймоқда. Сурхондарё вилоятида 2005 йилда Эндокринология ИТИ мутахассислари томонидан ўтказилган йод танқислиги ҳолатининг стратифицир-кластер тадқиқотлари (сийдикдаги йодни аниқлаш) натижалари шундан далолат берадики, 300 та сийдик намунасидан атиги 59,7 фоизида йод таркиби меъёрга мос келган (100-300 мкг/л).

Оролбўй минтақасида атмосферанинг асосий ифлослантирувчи – қаттиқ зарраларга (куриган Орол денгизи тубидан туз-чанг кўтарилиши натижасида атмосфера ифлосланишига) алоҳида тўхташ даркор. Илмий тадқиқотлар маълумотларининг кўрсатишича, ахоли яшаш пунктларида яшайдиганлар дуч келадиган экспозиция катталикларида кўтарилиган туз-чанг зарралари ахоли саломатлигига зарарли таъсир кўрсатади.

Оролбўй минтақасида нафас олиш органлари касалликлари динамикасини ретроспектив бағағсил баҳолаш аллергия ринити (полиноз), бронх астмаси ва астматик мавқели беморлар, шунингдек, юкори нафас олиш йўллари сурункали касалликлари ҳолатларининг ўсиши тамойилини аниқлади (89 ва 90-расмларга қаранг).


Бронх астмаси ва астматик статусли касалликларнинг ўсиш суръати (2003 йилга нисбатан 2006 йилда) Қорақалпоғистон Республикасида энг жадалдир – 182%, Хоразм вилоятида – 98,68%, аллергик ринитни эса, Хоразм вилоятида – 69,1%.

Гигиена ва тиббий экология тадқиқотчиларига маълумки, «яшаш муҳити - инсон» тизимидағи сабаб-оқибат муносабатларини аниқлаш ва айниқса


**88-расм. 1995-2004 йилларда эндокрин тизими, овқатланиш ва моддалар алмашинуви бузилиши билан боғлиқ касалликларнинг тарқалиши
(10000 кишига интенсив кўрсаткичлар)**



89-расм. Бронхиал астма билан касалланиш қўрсаткичлари



90-расм. Аллергик ринит (полиноз) билан касалланиш қўрсаткичлари



ўлчаш, ҳатто саломатликка битта омилнинг таъсирини ўрганиш узок давр мобайнидаги кенг миқёсли тадқиқотларни талаб қиласди. Қатор омилларнинг соғлиққа ҳар томонлама таъсирида эса, бу вазифа кўп марта кийинлашади ва янада кўпроқ чораларни тақозо этади. Ҳозирги босқичда бу кийинчиликлар белгиланган:

атроф-мухитнинг организмга кўп омилли таъсири;

жавоб реакцияларининг кўп омиллилиги; ноаддитив самара ва ўзаро боғлиқликнинг тизимсизлиги;

таъсирларнинг кўпинча ўртача тусга эгалиги; бир неча омиллар таъсиридаги синергизм; мўлжал-организмнинг индивидуал хусусиятлари: омиллар таъсирига турлича таъсирчанлик;

экологик ўналишдаги маълумотларни тўплаш ва уларни қайта ишлашни ташкил қилиш билан боғлиқ услубий қийинчиликлар.

Атроф-мухит гигиенаси соҳасидаги муаммоларни тартиблаштириш шунинг учун ҳам муҳимки, жамоатчилик онгидга «экологик хатарлар» ҳақида қатор турғун афсоналар шаклланган, ваҳоланки, ҳақиқатда улар ҳаққоний хавфлар ва устуворликни акс эттирамайди.

Касаллик даражасининг ташқи мухитнинг салбий омилларига боғлиқлигини аниқлаш, соғлиқни саклаш ва табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил қилишда қатор бошқарув қарорларини кўллашни тақозо этади. Бундан ташқари, хукumat даражасида қабул қилинаётган турли сиёсий-иктисодий қарорларни баҳолашни объективлаштириш учун иқтисодий ёндашув ҳам талаб қилинади.

8.2. Тоза истеъмол сувидан ва канализациядан фойдаланиши

Инсоният учун чучук сувнинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда ва унинг дунё миқёсида танқис ресурслар тоифасига ўтиши кузатилмокда. Ўзбекистон ҳам бундан истисно эмас. Шубҳасиз, замонавий шароитда аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш республикада тобора долзарб тус олмокда. Аҳолининг хавфсиз ичимлик сувидан фойдаланиши минг йиллик тараққиётнинг мақсадларидан бирига айланди. Шундай қилиб, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида 265 шаҳар, шаҳар кўргонлари ва туман марказларида сув узатиш қувурлари мавжуд.

Ўзбекистон Рио-де-Жанейро декларацияси ва XXI асрга Глобал Кун Тартиби тамоилларини кўллаб-кувватлаган ҳолда мамлакат аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлашнинг асосий ўналишларини миллий-дастур ҳужжатларида: 2000-2010 йиллар даврида қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш давлат дастури, Гарбий Ўзбекистонда (Қорақалпогистон ва Хоразм вилоятида) қишлоқ сув таъминотини ривожлантириш лойихаси, Бухоро, Гулистон, Жиззах, Нукус, Самарқанд, Хива шаҳарлари ва бошқа вилоят марказларида локал даражада шаҳар сув таъминотини яхшилаш бўйича Дастанда белгилаб берди. Кўрсатилган миллий дастурлар ва лойихалар республикада Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ), Жаҳон Банки (ЖБ), БМТТД, ЮНИСЕФ каби халқаро ташкилотлар ҳамда Бельгия, Корея Республикаси, АҚШ ва бошқа алоҳида давлатлар кўллаб-кувватловида амалга оширилмоқда. ОТБ томонидан бериладётган тезкор ёрдам Қорақалпогистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги қарийб 700 минг қишлоқ аҳлиниң сув таъминотини яхшилади.

Ичимлик сувининг сифати кўплаб омиллар: сув таъминоти манбалари табиати, ер ости жинслияти ва минералларнинг минтақавий хусусиятлари, тозалаш ва зарарсизлантириш самарадорлиги, антропоген таъсир даражаси, аҳолига сувни бериш тартиби ва бошқалар билан белгиланади. 2000 йилдан бошлаб республикада ГОСТ 951:2000 «Марказлаштирилган хўжалик-ичимлик сув таъминоти манбалари» миллий стандартига амал қилмоқда. Стандарт марказлаштирилган сув таъминоти учун танланган манбалари гигиеник ва санитар-техник талабларни белгилайди. Бунда энг муҳими, албатта, уларни танлаш мезони сифатида аҳоли саломатлиги ҳисобга олинади. Ичимлик суви сифатини белгилайдиган кўплаб омилларни ҳисобга олган ҳолда «хавфсиз» сув таъминотини бешта асосий сўзлар: сифат, миқдор, узлуксизлик, қамров ва нарх сўзлари билан хуласалаш мумкин.

Сувни тайёрлашнинг амалда кўлланиладиган технологик схемаларини республикада куйидаги асосий белгилар: реагентлар кўллаш шартлари бўйича, тиндириш самараси бўйича, технологик жараёнлар ва сувга ишлов беришнинг босқичлари ишланадиган сув харакатининг кўрсаткичлари бўйича таснифлаш мумкин. Реагентларни кўллаган ҳолда сувни қайта ишлаш жараёнлари йирик сув узатиш қурилмаларида амалга оширилади. Кичик шаҳарлар, шаҳар тузидағи қишлоқлардаги бош сув узатиш қурилмаларида

сувни тайёрлаш одатда реагентларни кўлламаган ҳолда амалга оширилади (сувни олиш, тиндириш, заарасизлантириш, сифимларда саклаш ва тармоқка сувни узатиш).

Корақалпоғистон Республикасида турли конструкциядаги чучуклаштириш қурилмалари кўлланилади. Буларга Франциянинг СФЕК фирмасининг «ЭКОС-150» айланма осмос қурилмалари ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Санитария, гигиена ва касб қасалликлари илмий-тадқиқот институти (СГКК ИТИ) томонидан ўтказилган гигиеник тадқиқотларнинг далолат беришича, электродиализ қурилмалари иш самараదорлиги қўйидагиларга боғлик; келадиган сув таркиби ва хусусиятлари;

технологик жараёнларнинг хусусиятлари;


уларда кўлланиладиган материаллар ва иш тартиби хусусиятлари.

Ўзбекистон шароитларида электродиализ чучуклаштириш қурилмаларидан фойдаланишни кузатиш сувнинг нокулай органолептик хусусиятлари (ёқимсиз хид ва таъм, физиологик ёқимсиз туз ва микрэлементлар таркиби) пайдо бўлишини кўрсатди. Бундан ташқари, фойдаланиш тартиби ва муддатларининг бузилиши натижасида сувнинг иккиласми ифлосланиши хавфи юқоридир: микроорганизмлар кўпайиши учун қулай муҳит бўлган мембраналарда органик моддалар қолдиқларининг тўпланиши сабабли микроб контаминацияси ортиши мумкин.

Аҳолига берилаётган сув сифатини баҳолаш учун Ўзбекистон Республикасида 2000 йилда ГОСТ 950:2000 «Ичимлик суви» стандарти жорий этилди, унда ичимлик суви сифатининг назорат қилинадиган кўрсаткичлари таркиби, ичимлик сувини қайта ишлаш ва истеъмолчиларга бериш жараённида мазкур кўрсаткичлар белгиланган талабларга мослигини назорат килиш тартиби ва қоидалари белгиланган. Республика санитар-эпидемиологик хизмати мазкур ГОСТдан келиб чиқиб, коммунал ва идора водопроводлари томонидан аҳолига берилаётган ичимлик сувнинг сифатини доимий назорат килиб боради. Тарькидлаш жоизки, сўнгти йилларда умуман республика бўйича ичимлик сувнинг кимёвий ва микробиологик кўрсаткичлар бўйича сифати яхшиланди (91 ва 92-расмларга қаранг).

Минераллашуви ва умумий каттиқлиги (кимёвий кўрсаткичлари) даражаси бўйича миллий стандартдан асосий четланишлар кузатилмоқда. Ҳар йили Бухоро ва Хоразм вилоятлари, Коракалпоғистон Республикасида ичимлик суви минераллашуви ва умумий каттиқлигининг юқори даражалари, республиканинг барча вилоятларида ичимлик суви таркибида фтор етишмаслиги кузатилади. Кимёвий кўрсаткичлари бўйича гигиеник талабларга мос келмайдиган комму-

91-расм. Ўзбекистон Республикасида ичимлик сувининг сифати (микробиологик кўрсаткичлари бўйича ГОСТ 050:2000 талабларига мос келмайдиган ичимлик суви пробасининг улуши)



91-расм. Ўзбекистон Республикасида ичимлик сувининг сифати (кимёвий кўрсаткичлари бўйича ГОСТ 950:2000 талабларига мос келмайдиган ичимлик суви намуналарининг улуши)



нал водопроводлари ичимлик сувининг намуналари солиширма кўрсаткичлари Коракалпоғистон Республикасида 1997 йилдаги 74,8%га нисбатан 2006 йилда 23%, Бухоро вилоятида тегишли равиша 50,7% (1997 й.) ва 43,3% (2006 й.), Хоразм вилоятида 45,7% (1997 й.) ва 13,4% (2006 й.) бўлди.

Бироқ, микробиологик кўрсаткичлари бўйича қатор вилоятларда ахолининг хавфсиз ичимлик суви билан таъминланиши билан боғлиқ ҳолат аввалгидек жиддий ташвишга солади. Энг кўп четланишлар Сирдарё (1997 йилдаги 14,3%га нисбатан 2006 йилда 21,7%), Сурхондарё (тегишли равиша 6,4% ва 13,5%), Жиззах (8% ва 11,3%), Бухоро (3,8% ва 9,9%), Наманган (7,3% ва 9,9%) вилоятларида аникланган. Республиканинг кўплаб миңтақаларида ичимлик сувини соатлаб бериш амалиёти унинг микробиологик кўрсаткичлари бўйича сифати ўзгаришига олиб келади. Бундан ташқари водопровод тармоқларида авария ҳолатлари кўплаб учрайди.

Кишлоқ ерларда марказлаштирилган водопровод йўқлиги сабабли аҳоли марказлаштирилмаган сув таъминоти манбаларидан (шахта ва қувурли күдуклардан) фойдаланади. Шубҳасиз, бундай манбаларда кўп жиҳатдан ичимлик сувининг сифати, айниқса, микробиологик кўрсаткичлар бўйича гигиеник талабларга жавоб бермайди. Масалан, Коракалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида стандартга жавоб бермайдиган намуналар 30%га етади.

8.3. Атроф-мухит ҳолати ва озиқ-овқатлар сифати


Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ҳозирги вактда дастлабки ишлаб чиқариш жараёнлари ва ем ишлаб чиқаришидан тортиб, охирида истеъмолчига етказиб беришгача бўлган тармоқлараро ҳамкорликни такозо этади. Бундай умумлашган ҳаракатларнинг зарурати атроф-мухитнинг ишлаб чиқаришнинг барча босқичларida озиқ-овқат маҳсулотлари сифатига таъсир кўрсатиши мумкинлиги билан изоҳланади. Озиқ-овқат маҳсулотлари сифатининг ёмонлашув хавфи куйидагилар натижасида ортади:

- а) авария ва фалокат оғатлари натижасида, кимёвий ва биологик ифлослантирувчиларнинг тушиши;
- б) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш жараёнида турли кимёвий бирикмалардан (пестицидлар ва бошқа агрокимёвий моддалардан) ҳаддан зиёд фойдаланиш;
- в) ерларнинг таназзулга учраши;
- г) ер усти сув ҳавзаларига тозаланмаган оқава сувларнинг тушиши;
- д) атроф-мухитда макро ва микроэлементлар балансининг бузилиши ва бошқалар.

Қарийб ўттиз йил давомида, сугориш учун сувдан пахта яккахокимлигида фойдаланиш ва пестицидлар, айниқса, хлорорганик пестицидларни кўллаш нафакат экологик ва иқтисодий нобарқарорликка олиб келди, балки аҳоли саломатлиги учун сезиларли хавфга ҳам олиб келди. Шу вақтга қадар, ўсимлик етишириладиган ерларида гигиеник меъёрлардан ортиқ миқдорда ГХЦГ ва ДДТ метаболитлари аниқланмоқда (табиий муҳит ифлосланиши мониторинги ва санитар-эпидемиологик хизмати органлари маълумотлари).

Чегарасиз шифокорлар ташкилоти томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган синов тадқиқотлари, кўкрак сути синовлари ва қатор турли хил озиқ-овқат маҳсулотларида (кўй гўшти ва товук ёғи, тухум ва пахта ёғида) хлорорганик, бир турдаги ўзига хос диоксинлар, фуран ва полихлор бифенилларни БССТ тавсия этган меъёрлардан ортиқ миқдорда мавжудлигини аниқлади.

93-расм. Ўзбекистон Республикасида санитар-кимёвий кўрсаткичлари бўйича гигиеник талабларга жавоб бермайдиган намуналар улуши (%)



Бироқ, атроф-мухитнинг ушбу бирикмалар билан ифлосланиши мониторингининг мураккаблиги тадқиқотларнинг ўзи жуда кимматлилигига. Бундан ташкири, уларни барча муҳитда: атмосфера, сув, озиқ-овқат маҳсулотларида аниқлаш услубиятларни ишлаб чиқиши бўйича ишлар якунланмаган.

Озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти занжирига кирадиган қатор бошқа кимёвий моддалар инсон саломатлиги учун ўта жиддий хавф уйғотиши мумкин. Хавфли кимёвий ифлослантирувчилар сирасига заҳарли металлар: қўргошин, симоб, кадмий киритилган.

Йод, А витамины, фолий кислотаси, темир каби озиқлантирувчи элементлар етишмаслиги билан боғлиқ хавф ҳам жуда муҳимdir. Мазкур микроэлементлар билан организмни етарлича таъминлаш мақсадида, Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотларини улар билан бойитиш (ош тузини йодлаштириш, унни фортификациялаш) кенг кўлланилади.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг бошқа хавфли контаминантлари, табиий равишида ҳосил бўладиган заҳарли моддалар озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ҳосил йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, тарқатиш ва тайёрлашнинг турли босқичларida пайдо бўлиши мумкин.

Шу тариқа, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати учун барча манфаатдор томонлар: ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчи масъул хисобланади.

Озиқ-овқатлар туфайли келиб чиқадиган касалликлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари ифлосланиши устидан назорат санитар-эпидеомиологик хизматининг овқатланиш гигиенаси бўйича асосий фаолияти хисобланади.

Гигиеник меъёрларга жавоб бермайдиган озиқ-овқат маҳсулотлари намуналарининг солиширма бирлиги 2000-2007 йиллар давомида микробиологик кўрсаткичлар бўйича 6,8-6,2%, санитар-кимёвий кўрсаткичлар бўйича 5,7-5,9% оралигига ўзгарди (93-расмга қаранг).

Гигиеник меъёрлардан четланишлар органолептик кўрсаткичлари (кислоталилиги, равшанлиги, чўқмалар) бўйича 10%, шунингдек, таркибида заҳарли элементлар (қўргошин, кадмий, рух) бўлиши

– 0,2%, озиқ-овқатлар энергетик куввати – 34%, ош тузи таркибидаги йод миқдори – 30%, ичимликлардаги органик чўқмалар – 10%, ўсимлик маҳсулотлар таркибида нитратлар борлиги – 3%, бошқа кўрсаткичлар – 12,8% бўйича кузатилди.

Умуман олганда, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги устидан назорат соҳасида амалга оширилган тадбирлар республикада ўткир ичак юкумли касалликлари ва овқатланишдан заҳарланишлар кескин кўпайишининг олдини олиш имконини берди.

IX. Радиациявий хавфсизлик

9.1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги радиациявий ҳолат ҳақида

Атроф-мухитнинг радиациявий хавфсизлигини таъминлаш муаммосига Республикада катта эътибор берилади, чунки радиацион ҳавфли обьектлар, радиоактив моддалар ва чиқиндилар, ионлаштирувчи нурланиши манбалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар узоқ муддатли оқибатларга эга ва аҳолининг саломатлигига жиддий ҳавф туғдиради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бир катор радиациявий ҳавфли обьектлар ва улар ишлаб чиқарган техноген ўзгарувчан фонли чиқиндилар мавжуд, улар нисбатан кичик (локал) ҳудудларни ифлослантиради. Уларга уран рудалари ва фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва бирламчи қайта ишлаш корхоналари киради. Уларнинг фаолияти натижасида нафакат табиий муҳит, балки аҳолига ҳам сезиларли таъсир қиласиган муайян миқдордаги радиацион чиқиндилар миқдори тўпланди. Табиий ҳодисалар (ёмғир, шамол, кўчки жараёнлари, селлар) таъсирида уюmlар, колдик омборлари бузилади, бу атроф табиий муҳитнинг радиоактив ифлосланиши тарқалишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасида уран рудаларини қазиб олиш ва бирламчи ишлов бериш билан Навоий тоф-металлургия комбинати (НТМК) шуғулланади, унинг таркибида уран рудалари қазиб олиш ва қайта ишлаш билан шуғулланадиган катор корхоналар фаолият юритади, уларнинг қолдик омборлари, балансдан ташқари руда уюmlари муайян радиацион ҳавф туғдиради.

Радиациявий хавфсизликни таъминлаш мақсадида Навоий тоф-металлургия комбинатининг маҳсус хизматлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ҳудудий органлари билан келишилган ҳолда ушбу обьектларда радиациявий ҳолат устидан жиҳозли назорат олиб борилади ва катор табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари бажарилади. Қолдик омборлари ерларида экологик зиддиятни пасайтириш мақсадида НТМК томонидан сўнгги йилларда куйидаги табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари амалга оширилди:

ер ости сувлари ифлосланишининг тарқалишини баркарорлаштириш мақсадида гидрогеологик сув тортиш қудукларидан таркиб топган дренаж сувни четга чиқариш тизими ишламоқда;

колдик омборлари ва рудали уюmlар жойлашиш майдонларида атмосфера ҳавосидаги цианидлар концентрациялари, кузатув қудуклари бўйича ер ости сувларининг кимёвий таркиби ўзгаришлари устидан доимий мониторинг кузатувлари олиб борилмоқда;

дамба қурилмалари бутлиги ва сакланганлиги, қолдик омборларининг кузатув қудуклари ҳолати устидан назорат ўрнатилган.

Табиий муҳитни эҳтимолий радиациявий ифлослантиришнинг яна бир жиддий обьекти Янгиобод (Тошкент вилояти) қўргонига яқин ерда жойлашган радиоактив чиқиндилар бўлиши мумкин. Балансдан ташқари рудалар чиқиндилари кўчки қиялигига жойлашганлиги сабабли аҳоли учун ҳавф уйғотади.

Янгиобод шахри ҳудудида 40 йилдан ортиқ вақт давомида қазиб олинган радиоактив материаллар ишлаб чиқаришининг радиоактив чиқиндилари жой-

лашган. Улар балансдан ташқари рудалар уюмлари ва тоғ ишланмаларидан (шахта, штолня) чиқарилган жинсларидан иборат.

Янгиобод ҳудудини экологик соғломлаштириш мақсадида, 1994 йилдан радиоактив чиқиндилар билан ифлосланган ҳудудларни рекультивациялаш ишлари бошланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 октябрдағи 469-сон «1999-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-мухитни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракатлар Дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ саноат майдончаси ва рельсбўйи базасидаги радиоактив тупрокни радиоактив чиқиндиларни кўмиш шоҳобчасига олиб чиқиш бўйича ишлар амалга оширилди. «Каттасой», «Жекиндек», «Алатанга» конлари кон ишланмаларини тугатиш бўйича ишлар якунланди, лекин селли ёғингарчилик пайтида ифлосланган тупроқнинг бир қисми ювилган.

Мазкур обьектнинг экологик хавфлилигини ва мўлжалланган табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари мунтазам маблағ билан таъминланмайтганини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг Табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобига 2006 йилдан радиоактив ифлосланиш даражаси белгиланган меъёрлардан 12-14 баравар юкори бўлган 1 ва 2-сон рельсбўйи базасининг ифлосланган участкаларини ажратиш бўйича лойиҳавий ва курилиш-монтаж ишларини молиялаштиришни бошлади. 2008 йил учун тасдиқланган республика Инвестиция дастурида ишларни давом этириш назарда тутилган.

Фарона водийси чегарасида Намангандар инни Поп туманида «Чоркесар-23» 2 ва 3-сонли уран кони манбанини қайта ишлаш натижасида вужудга келган радиоактив чиқиндилар жойлаштирилган. Республикани низорат қилувчи органлари томонидан ўтказилган тадқиқотлар аниқлашиб, радиоактив материаллар нейтрал тупроқ билан кўмилган омборларда сакланмоқда. Кўмилган жойлари қисман атмосфера ёғинлари билан бузилган, консервацияланган шахталардан таркибида радионуклидлар (уран, радий, радион) ва бошқа катор заҳарли унсурлар юкори бўлган сув оқиб чиқкан. Оқава сувлар қўргондаги кичик сойга қўйилган ҳамда аҳоли томонидан сув сугоришга ва чорва учун ичимлик суви сифатида ишлатилган.

2003-2004 йилларда БМТД гранти ҳисобига коллектор ва КС кузатув қудукларини ўз ичига олган дренаж тармоғига уланган канализация тармоғи ўтказилди. Барча заҳарланган шахта суви тутилиб, сув ютиш қудуғига юборилган. 2006-2007 йилларда кузатув қудуклари маҳаллий аҳоли томонидан тоғ жинслари билан тўлдириб ташланган ва КС-9дан сув ер устига сизиб чиқа бошлаган. Тоғ уюми материалидан қурилган ва мазкур ҳудуднинг қаттиқ ва кумли материалини қўллаган ҳолда сувоқланган уйларда одамларнинг яшаши ҳам катта ҳавф туғдиради.

«Чоркесар-23» собиқ уран конининг майдонини ва унга қўшни ҳудудларни экологик соғломлаштириш мақсадида республика бюджети, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси маблағлари, шунингдек БМТ Тараққиёт Дастури маблағларидан молиявий ресурслар ажратилди. Нати-

жада қатор участкалардаги қолдикни нейтрал тупроқ билан күмиш тадбирлари, манба худудини түсіп күйиш бүйіча қурилиш ишлари тугалланды, радиациявий хавф түгристіда огохлантирувчи белгилар үрнатылды ва ҳоказо. Қолдикларни рекультивациялаш ишлари ҳозирги пайтда давом эттирилмоқда.

Республика билан трансчегараевий худудларда жойлашган радиоактив чиқиндилар Ўзбекистон Республикаси атроф-мухити ва ахолиси учун катта радиациявий хатар үйғотади.

Марказий Осиё давлатлари трансчегараевий худудларидаги радиоэкологик ҳолат зиддиятини пасайтириш мақсадида қыйидагилар қабул қилинган:

Қозогистон Республикаси хукумати, Қирғизистон Республикаси хукумати ва Ўзбекистон Республикаси хукумати ўртасыда трансчегараевий таъсир күрсатадиган қолдик омборлари ва төг жинслери уюмларининг реабилитация майдонлари бүйіча ҳамкорликдаги ишлар ҳақидаги Битим (Ўзбекистон, Тошкент ш., 1996 йил 5 априль);

Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамкорлик (МОИХ) давлатлари трансчегараевий худудларда қолдик омборлари ва төг жинслери уюмларини реабилитация қилиш бүйіча ҳамкорликда ишларни амалга ошириш бүйіча ҳаракатлар Дастанури ҳақида Қарор (Қирғизистон, Бишкек ш., 1999 йил 17 июль);

трансчегараевий таъсир күрсатадиган қолдик омборлари ва төг жинслери уюмларини майдонларини реабилитация қилиш бүйіча давлатлараро мувофиқлаштирув ишчи гурұхы ҳақидаги Қарор (Тоҷикистон, Душанбе ш., 1999 йил 17 декабрь).

Ҳозирги пайтда Майлуу-Суу дарёси водийсіда реабилитация ишлари давом этмоқда. Майлуу-Суу дарёси ҳавзасыда радиоактив чиқиндили қолдик омборлари ва қатор балансдан ташқари рудалы тупроқ уюмлари мавжуд. Фавқулодда сел-күчки вазияти рүй берса, Майлуу-Суу дарёси зонасыда қолдик омборлари ва балансдан ташқари тупроқнинг ювилиши ҳамда радионуклидларнинг Майлуу-Суу дарёси сувларига ташланиши эхтимоли бор, бу эса құшни Ўзбекистон Республикаси Андіжон вилояты туманларининг экологик хавфсизлігін салбай таъсир күрсатади.

9.2. Собиқ уранлы обьектларни реабилитация қилиш муаммоси билан боғлиқ минтақавий муаммолар

Ўзбекистон Республикаси кирк йилдан ортиқ вактдан бери собиқ Совет Иттифоқи уран саноати-

55-жадвал. Ўзбекистонда таркибида уран бўлган рудаларни қазиб олиш ва қайта ишлашнинг фаолият юритаётган ва собиқ обьектлари чиқиндиларини тўплаш жойларининг баъзи тавсифлари

| Объект | Чиқиндилар тури | Тавсифлар |
|---|--|---|
| Навоий ш. | Уран ишлаб чиқариш чиқиндилари. ТМЗ-1 | 620 га, 60 млн. тонн |
| Учкудуқ ш. ва унинг атрофи | Балансдан ташқари рудалар | 23,4 га. 2,25 млн. т |
| Учкудуқ, Зафаробод ва Нурабод шахарлари атрофидаги руда конлари ЕИ (ер ости ишқорлаш) участкалари | Ишчи қоришмалар оқизиши натижасида тупроқ ифлосланиси | 2150 га, шундан 690 га рекультивацияланди |
| Ангрен ш., Чоркесар ва Янгибод кўрг. атрофи | Балансдан ташқари уран рудалари уюмлари, ифлосланган жихозлар, бинолар ва иншоотлар, шахта сувлари зовурлари | 74 га дан ортиқ, тахминан 3 млн. т. |

нинг асосий хом ашё базаларидан бири саналган. Бу ерда, Сирдарё ва Амударё оралигыда таркибида 0,02% дан 12,8-18,3%гача уран бўлган катта микдорда йирик уран конлари аниқланган. Ҳаммаси бўлиб республика худудида 24 та уран кони аниқланган ва ўзлаштирилган. Асосий конлар Учқудук, Зарафшон, Зафаробод, Нуробод, Ангрен, Чоркесар ва Янгибод аҳоли шоҳобчалари яқинида жойлашган.

Манбалар фаол ишлаган даврларда рудалар қазиб олиниб, сараланар, сўнгра Навоий шахридаги Навоий төғ-металлургия комбинати (Ўзбекистон) ва Ленинобод төғ-кимёвий комбинати (ҳозирги пайтда «Востокредмет» ДК, Хўжакент шахрида жойлашган, Тожикистон) цехларига қайта ишлаш учун жўнатилган. Саралашдан қолган чиқиндиларнинг асосий кисми қазиб олинган ерларда, хусусан, Янгибод кўрғонидан тортиб Ангрен шахригача дарё ўзани төг ёнбагирларида тўпланарди. Бошқа қазиб олиш ерларida ҳам худди шундай манзара кузатиларди. Таркибида уран рудалари бўлган қазиб ишлари чиқинларининг бир қисми ер ости төг ишланмаларига кўмилган. Асосан балансдан ташқари рудалар Марказий Қизилкүм минтақасида бирламчи қазилган ерлардан Учқудук шахри атрофларига келтирилган ва омборларга тўпланган ва ҳозирги пайтгacha шу ерда сакланмоқда.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда уран қазиб олиш факат ер ости кимёвий ишқор билан ювиб чиқариш йўли билан амалга оширилмоқда. Шу тарика уран қазиб олиш ва қайта ишлаш обьектларидан таркибида уран, торий ва улар парчаланиши натижасида вужудга келган моддалар бўлган балансдан ташқари рудалар ва чиқиндининг катта кисми аввалиги фаолият жараёнида тўпланган. Бошқарув назорати ва атроф-мухитни комплекс мониторинг қилиш тизимини ривожлантириш, шунингдек асосли реабилитация фаолияти талаб қилинадиган энг муҳим обьектлар Навоий шахри атрофидаги қолдик омборлари, Учқудук шахри, Чоркесар кўрғони шахталари ва балансдан ташқари рудалар қолдиклари, шунингдек Ангрен ва Янгибод кўрғонлари худудларидаги чиқиндилар жамланган зоналар ҳисобланади (55-жадвалга қаранг).

Ёник манбалар ва тогли қазилмалардаги кўплаб эски шахталарни ҳозирги пайтда сув босган. Таркибида уран-торий қаторидаги радионуклидлар ва оғир металлар юкори бўлган сув штолъялардан оқиб, қолдиқли тупроқ ва қолдик омборларининг

устки тупроғи қиялик оқими остида ювилиб атроф ҳудудларни ифлослантиримоқда. Устки тупроқ бузилган участкларда радион ажратмаларининг юкори оқимлари кузатилмоқда. Шу тариқа собиқ уран объексларининг атроф ҳудудларида яшайдиган аҳолига таъсир қилиш зонаси кенгаймоқда. Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг баъзи ерлари, асосан, тоғли, яёв чикиш қийин бўлмаган жойларда (масалан, Янгибодда) туризмни ривожлантириш ва тиклашга кизиқиш ортмоқда. Бу собиқ уран объекслари саноат зоналарини реабилитация қилиш ва ҳудудларни тозалаш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Марказий Осиё мамлакатларида мазкур лойиха нуқтаи назаридан трансчегаравий ўтиш масалалари собиқ уран объексларининг қўшни мамлакатлар чегараларига яқинлигини, шунингдек мазкур манбаларни назорат қилишнинг баъзи муаммоларини трансчегаравий муаммоларга киритиш имконини берадиган шартлар ёки омиллар (ифлосланиш манбаларининг сув ёки ҳаво оқимларига таъсирчанлиги) мавжудлигини хисобга олиши даркор.

Ҳудудларнинг чўзилганлиги, объекслар мамлакат ичida жойлашганлиги, ҳаво ва техноген оқимлар чекланганлиги, шунингдек куруқ минтақавий иклимини хисобга олиб, собиқ уран объекслари билан боғлиқ трансчегаравий муаммолар нуқтаи назаридан ифлослантирувчи моддаларнинг сув оқимлари билан кўчиши муаммолари долзарб хисобланади. Собиқ уран ишлаб чиқариши ва қолдиқ омборлари таъсирида Сирдарёнинг эҳтимолий ифлосланиши холати ва манбаларни ўрганиш муаммолари минтақадаги трансчегаравий ҳамкорлик учун хос бўлган объеклар. Сирдарё дарёси Қирғизистон Республикасининг тогли ерларида бошланиб, бутун Фарғона водийиси орқали оқиб ўтади ҳамда амалда кўплаб уран ишлаб чиқариши жойлашган ҳудудларининг катта майдонларидан сувни жамловчи дрена ролини бажаради.

Демак, Сирдарё сувининг сифати муаммоси Фарғона водийисидаги барча мамлакатларига таъсир килади. Тегишли равишда, дарё ҳавзасида собиқ уран қазиб олиш корхоналари ва қолдиқ омборлари жойлашганлиги туфайли радионуклидлар ва кимёвий унсурлар билан ифлосланишининг мажмуявий мониторинги халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммодир.

АҚШ Энергетика департаменти томонидан мувофиқлаштирилган ҳамда Сирдарё ва минтақадаги бошқа дарёлар сувлари таркибида радионуклидлар ва бошқа трассер унсурларининг борлигини баҳолашга багишланган «Наврўз» лойиҳаси (Navrız transboundary river monitoring project) бу минтақадаги муваффакиятли халқаро ҳамкорликка мисол бўлиши мумкин. «Наврўз» лойиҳаси қуидаги вазифаларни ҳал қилишини ўз олдига мақсад килиб қўйган: (1) сув ресурслари сифатини бошқариш имкониятларини яхшилашда техник ёрдам кўрсатиш; (2) минтақада ядро технологияларидан фойдаланишни илмий-техник кўллаб-кувватлаш ва ойдинлигини таъминлаш, шунингдек ядроли материаллар тарқалмаслигига кўмаклашиш; (3) Марказий Осиёнинг мазкур минтақа давлатларида собиқ ва фаолият юритаётган уран са-

ноати объекслари ва бошқа омиллар таъсири билан боғлиқ сув ресурсларининг етишмаслиги ва сифат-сизлиги туфайли вужудга келадиган низоларни ҳал қилишга ёрдам бериш. Қозогистон Фанлар Академиясининг Ядро физикаси институти, Физика институти, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Ядро физикаси институти ҳамда АҚШ Санди миллий лабораториялари лойиха иштирокчилари бўлишидди.

Атроф-мухит трансчегаравий мониторинги муаммаларининг ўзига хос жихатлари минтақанинг ҳар бир мамлакатида хисобга олиниши керак. Масалан, Хўжанд шаҳри яқинидаги Моготау тоғи ёнбағридаги собиқ шахталар дренажларидан шахта сувлари оқавалари оқимлари ирмоклар орқали Сирдарёга тушмоқда. Дегмай қолдиқ омборининг ифлосланган ер ости сувлари ҳам чикишда Сирдарёга куйилиши мумкин, лекин мазкур холни тасдиқлайдиган ёки инкор киладиган кузатув маълумотлари амалда мавжуд эмас.

Шу тариқа Сирдарё дарёсининг суви сифати минтақанинг мониторинг дастурлари эътиборида бўлиши лозим, бунда минераллашув, сувдаги сульфатлар, нитратлар ва карбонатлар, баъзи хусусиятли трассер унсурлар, масалан, маргимуш ва бошқа, шунингдек уран изотоплари ва уран-торий қаторида бошқа радионуклидлар борлигини кузатиш диккат-эътиборда бўлиши зарур. Сирдарё суви суғориш мақсадларида фаол ишлатилганлиги сабабли ҳам бундай кузатувларни кенгайтириш жуда муҳимдир. Бу ҳол сув йўналишида вужудга келаётган қолдиқ омборлари чиқиндиларининг локализация жойлари кенгайиши натижасида қўшни давлатлар, биринчи навбатда, Ўзбекистон аҳолиси учун эҳтимолий экологик хавфни ўрганишни долзарб вазифага айлантиради.

Тожикистон Республикаси Сўғд вилояти ҳудудида минтақадаги энг ийрик сув омборларидан бири – Қайракум жойлашган. Сув омборига Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикаларидан дренаждан сўнг оқиб келган сув тўпланади, бу ерларда қатор собиқ уран қазиб олиш ва кон қайта ишлаш саноати объекслари жойлашган. Сув омбори ва унинг чегарасидаги оқимларни доимий кузатиш мазкур минтақадаги ижтимоий зиддиятни йўқотиш ва табиий муҳит ҳолати ҳақидаги ахборотни ойдинлаштириш имконини беради.

Токсик унсурлар, жумладан табиий радионуклидларнинг катта кисми ортиқча концентрацияда гил минераллари парчаларида жамланган ҳолда дарё орқали кўчганлиги сабабли Қайракум сув омборида ийғилади. Тубдаги чўқиндилар ифлосланишининг вертикал тузилмасини таҳлил қилиш маълумотларига кўра дарё оқими бўйича юқорида жойлашган мамлакатлар ҳудудларидан (масалан, Қирғизистон Республикасидаги Майлу-Суу дарёсидан) сув омборига уран ва радиининг келиб тушиши хронологиясини тиклаш мумкин. Уран изотопи (234 ва 238), шунингдек Ra, U, Pb изотоплари нисбатларини таҳлил қилиш натижаларига кўра, техноген ифлосланиши манбалари ва табиий ифлосланиш даражаларининг хиссасини кузатиш мумкин. Шу тариқа, Қайракум сув омборидаги туб чўқиндиларининг тузилмаси ва ифлосланиш шаклларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Х. Атроф-мухит ҳолати ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш мониторинги

Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида Ўзбекистонда экологик ахборот соҳасидаги асосий муаммолардан бири идоравий тарқоқлик, атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиш ва назорат килиш идоравий хизматларининг жиҳозлар-дастурий ва услубий уйғунсизлиги эди. Атроф-мухит ҳолатини кузатиш бўйича мавжуд идоравий хизматлар табиятни муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқарув вазифаларига мўлжалланмаган эди.

Ўзбекистон Республикасининг «Табиятни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунларига мувофиқ ҳамда атроф табиий муҳитни кузатиш, баҳолаш, ифлосланиш даражасини баҳорат қилиш бўйича Ўзбекистонда мавжуд идоравий хизматлар фаолиятини уйғунлаштириш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида давлат назоратини доимий ахборот билан таъминлаш мөксадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан 2002 йил 4 апрелда 111-сонли «Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги ҳакидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги карори қабул килинди.

Атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги (АТМДМ) тизими Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, Ўзгидромет, Давлат геология қўмитаси, Давергеодезкадастр қўмитаси ва Табиятни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси атроф-мухит ифлосланишини кузатиш хизматларини ўз ичига олган табиий муҳит мониторингининг мавжуд идоравий хизматлари асосида ташкил этилган. Табиятни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси зиммасига вазирликлар, идоралар, хўжалик бошқаруви органларининг атроф табиий муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг давлат мониторинг тизимига амал қилишини таъминлаш бўйича фаолиятларини мувофиқлаштириш вазифаси юкланган (АТМДМ ташкилий тизимига қаранг). Атроф табиий муҳит давлат мониторинги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карори билан тасдиқланган дастурлар бўйича амалга оширилади.

Республика Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 13 январдаги 16-сонли ва 2006 йил 16 мартағи 48-сонли қарорлари билан 2003-2005 ва 2006-2010 йилларга Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит мониторинги дастурлари тасдиқланган, улар-

да вазирликлар ва идораларнинг мониторинг турлари бўйича асосий ишлари, уларнинг ўзаро алоқалари ва ахборот алмашиниши назарда тутилган. Бунда табиятдан фойдаланишни бошқариш, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва экологик назоратни амалга ошириш учун ахборот билан таъминлашга, шунингдек экологик ҳолат ҳақида кенг жамоатчиликни ҳардор қилишга асосий эътибор қаратилган.


Тадқиқотлар натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Табиятни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тегишли вазирлик ва идораларнинг эксперtlари билан ҳамкорликда 2003-2005 ва 2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит мониторинги дастурларига мувофиқ «2002-2004 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида Миллий маъруза» ва «2005-2006 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида Миллий маъруза» нашр этилди ва мутассадди вазирликлар, қўмиталар ва жамоатчиликка тарқатилди.

Мазкур маърузаларда ваколатли вазирлик ва идораларнинг кузатувлари, хисоб-китоблари ва илмий тадқиқотларини таҳлил қилиш асосида 2002-2004 йиллар ва 2005-2006 йиллар мобайнида атроф табиий муҳит ва унинг таркибий қисмлари – атмосфера ҳавоси, ер усти ва ер ости сувлари, ерлар, шунингдек уларни ифлослантирувчи манбалар ҳолатини баҳолаш бўйича умумлаштирилган ахборот келтирилган; ер-сув ресурслариниг ҳозирги ҳолати ва улардан фойдаланишга тасниф ҳамда улардан оқилона фойдаланиш ҳамда сугориладиган ерларнинг таназзулга учрашини камайтириш бўйича тавсиялар берилган; Ўзбекистон Республикаси худудлари бўйича экологик ҳолатни ва унинг ахоли саломатлигига таъсирини комплекс баҳолашга ёндашувлар кўриб чиқилган.

2003-2005 йилларда бажарилган Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит мониторинги дастури ҳамда 2006-2010 йилларга амалга оширилаётган Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит мониторинги дастури натижаларига кўра, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги давлат назоратини таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди ва керакли чора-тадбирлар кўрилди.

Шу билан бир қаторда, мавжуд мониторинг тизимида назорат қилинадиган кўрсаткичлар миқдорининг ҳаддан ташқари кўплиги, мониторингни юритиш жараёнида органларнинг ўзаро етарлича

АТМДМ ташкилий тузилмаси



алоқада эмаслиги ва мониторинг ахбороти билан тезкор алмашишининг йўқлиги каби айрим камчиликлар таъкидланди.

Атроф-мухит ҳолати мониторинги тизимини тақомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси хукумати ва БМТДнинг «Ўзбекистонда атроф-мухит ҳолатининг мониторинги учун экологик индикаторлар» лойиҳаси бажарилди. Мазкур лойиҳа иккى босқичдан иборат бўлди:

I босқич (2004-2005 йиллар) – экологик индикаторларни танлаш ва асослашга йўналтирилди. Ишлар БМТ Европа Экологик сиёсати кўмитасининг тавсияларига мувофиқ амалга оширилди. Натижада 52 экологик индикатор танланди ва ишланмани жорий этиш учун республиканинг тегишли хизматларига жўнатилди.

II босқич (2006-2007 йиллар) - Ўзбекистонда атроф-мухит ҳолатини мониторинг қилиш учун Географик ахборот тизимини (ГАТ) кўллаган ҳолда экологик индикаторлар маълумотлар базасини тақомиллаштириш ва ривожлантириш масалаларига бағишиланди.

Лойиҳани амалга ошириш натижасида картографик материаллар кўринишида экологик мониторинг маълумотларини таҳлил қилиш ва экологик ҳисобот сифатини ошириш учун тизим яратилди. Лойиҳани амалга ошириш жараённада экологик индикаторлар асосида Ўзбекистон Экологик Атласи ва Ўзбекистонда атроф-мухит ҳолати ҳақидаги ахборотнома тайёрланди.

Ўзбекистонда атроф табиий муҳит ҳолати давлат мониторингини янада ривожлантириш қўйидагиларга йўналтирилади:

- АТМДМ доирасида табиий муҳит ҳолатини кузатиш ҳажмлари ва экологик муҳим кўрсаткичлар индикаторларни танлашни муқобил ҳолга келтириш;

- халқаро конвенция ва баённомаларга мувофиқ мониторинг услубиятини тақомиллаштириш;

- мониторинг жараённада иштирок этадиган таҳлилий лабораториялар мустақиллигини мустаҳкамлаш, замонавий таҳлилий асбоб ва ускуналар билан таъминлаш;

- давлат бюджети, маҳаллий фондлар ва бошқа ресурслардан (инвестициялар ва бошқалар) фойдаланиш асосида етарлича молиялаштиришни таъминлаш;

- табиий муҳит сифати стандартлари ва саноат корхоналари эмиссияларини қайта кўриб чиқиш;

- қарорлар қабул қилиш ва жамоатчиликни ҳабардор қилиш мақсадида, мониторинг маълумотлари билан танишиш имкониятини ошириш учун табиий муҳит мониторингини электрон бошқариш ва ахборот алмашишин тизимини ривожлантириш.

10.1. Атроф-мухитни ифлослантирувчи манбалар мониторинги

Ўзбекистон Республикаси худудида ифлослантирувчи манбаларнинг ҳолати ва атроф-мухитга таъсирни мониторинги Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш кўмиталари аналитик назоратга ихтисослашган инспекциялари томонидан табиий муҳитни ифлослантирувчи манбалар мониторинги дастури асосида амалга оширилади. Ҳаво муҳити мониторинги ягона тизимини яратиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 апрелдаги 111-сонли «Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2003 йил 13 январдаги 16-сонли ва 2006 йил 16 мартағи 48-сонли тегишли равища «2003-2005 ва 2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит мониторинги дастурларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ амалга оширилади.

**56-жадвал. 1998-2007 йилларда асбобий назорат натижалари бўйича РЭЧЧ меъёрларининг
энг қўп ошиши**

| Вилоят, АНИИ | Корхона номи | Меъёр ошган сана | Ингредиент-лар | Ташлаш манбаси № | Ташланма амалдаги миқдори, г\с | РЭЧЧ, г\с | Ошган, марта |
|---------------------|--------------------------------|-------------------------|--|-------------------------|---------------------------------------|-----------------------|---------------------|
| Андижон вилояти | Андижон кўприкурилиш | 1998 й. | Азот оксиди | 2 | 0,184 | 0,042 | 4,38 |
| | Асака дон маҳсулот | 2002 й. | Дон чанг | 29 | 0,33 | 0,084 | 3,9 |
| Бухоро вилояти | ППП Бухоро ЭЛУ АБЦ | 1998 й. | Ноорг. чанг | 42 | 4,284 | 0,217 | 19,7 |
| | Бухоро курилиш маҳсулотлари | 1998 й. | Углерод оксиди | 53а | 0,318 | 0,018 | 21,2 |
| | Фишт заводи | 1998 й. | Азот оксиди | 36 | 0,251 | 0,064 | 3,9 |
| | КП «Бухорогишт» | 1999 й. | Азот оксиди Азот оксиди | 36 36 | 0,3607 0,545 | 0,0642 0,0642 | 5,6 8,4 |
| | Бухородонмаҳсулотлари х/ж | 1999 й. | Ноорг. чанг | 5 | 0,11 | 0,027 | 4,0 |
| | Когон ХОЗ | 1999 й. | Ноорг. чанг | 9 | 0,143 | 0,03 | 4,7 |
| | «Когонёғ» | 2001 й. | Ноорг. чанг | 44 | 0,081 | 0,009 | 9,0 |
| | «Бухороёғ» АЖ | 2002 й. | Ноорг. чанг | 28 | 1,648 | 0,2426 | 6,79 |
| | Когонёғ | 2002 й. | Ноорг. чанг | 44 | 0,075 | 0,009 | 8,3 |
| | БНҚИЗ | 2005 й. | Углерод оксиди | 123 | 0,871 | 0,142 | 6,1 |
| Жizzах вилояти | «Оҳак» АЖ | 2005 й. | Азот оксиди | 2 | 2,706 | 0,651 | 4,15 |
| Қашқадарё вилояти | Муборек ГҚИЗ | 1998 й. | Азот оксиди | 27 | 0,165 | 0,040 | 4,1 |
| | Қарши курилиш со-пол корхонаси | 1998 й. | Азот оксиди | 2 | 0,365 | 0,018 | 20,3 |
| | Қарши пахта заводи | 1998 й. | Чанг | 10 | 0,652 | 0,010 | 65,2 |
| | ГПУ «Шўртгангаз» | 1998 й. | Олтингугурт диоксиди | 15 | 0,00104 | 0,0001 | 9,5 |
| | «Вилоят иссиқлик манбайи» | 2002 й. | Азот оксиди | 10 | 14,6 | 2,5 | 5,85 |
| | Шўртгангаз УШК | 2004 й. | Олтингугурт диоксиди | 22 | 0,017 | 0,0039 | 4,4 |
| | Косонсой МЭЗ | 2004 й. | Чанг Чанг Азот оксиди | 26 27 22 | 0,076 0,096 1,51 | 0,015 0,026 0,2 | 3,0 3,7 7,5 |
| | «Шўртганнефтегаз» УШК | 2005 й. | Олтингугурт диоксиди | 16 | 0,00072 | 0,0002 | 3,6 |
| | «Муборакгаз» УШК | 2006 й. | Азот оксиди | 120 | 0,0083 | 0,0019 | 4,4 |
| | «МГҚИЗ» УШК | 2006 й. | Олтингугурт диоксиди | 65 | 0,495 | 0,091 | 5,4 |
| | «Шўртганнефтегаз» УШК | 2006 й. | Углерод оксиди Олтингугурт диоксиди | 14 17 | 0,0012 0,0011 | 0,0002 0,0002 | 6,2 5,4 |
| | | 2006 й. | Олтингугурт диоксиди Олтингугурт диоксиди | 14 17 | 0,0007 0,0049 | 0,0002 0,0002 | 3,7 23,8 |
| | «Шўртан газ кимё мажмуси» | 2006 й. | Олтингугурт диоксиди | 36 | 0,0304 | 0,0025 | 12,1 |
| | Талимаржон ИЭС | 2006 й. | Олтингугурт диоксиди | 6 | 2,946 | 0,697 | 4,2 |
| Наманган вилояти | Намангантекстиль | 1999 й. | Олтингугурт диоксиди | 379 | 59,815 | 3,621 | 16,52 |

| Вилоят, АИИ | Корхона номи | Меъёр ошган сана | Ингредиент-лар | Ташлаш манбаси № | Ташланма амалдаги микдори, г\с | РЭЧЧ, г\с | Ошган марта |
|-------------------|--------------------------|------------------|---|-------------------------|--------------------------------|---------------------------------|----------------------------|
| Навоий вилояти | Кизилкум фосфат комбинат | 2002 й. | Чанг Чанг | 412 413 | 11,05 1,25 | 1,548 0,204 | 7,2 6,1 |
| | Навоий ИЭС | 1998 й. | Азот оксиди | 2 | 400,7 | 100,1 | 3,96 |
| | Навоийпахта | 2004 й. | Ноорг. чанг | 12 | 0,56 | 0,114 | 4,9 |
| | «Навоийазот» АЖ | 2005 й. | Азот оксиidi | 83 | 20,27 | 4,47 | 4,5 |
| | ТМЗ-3 (HTMK) | 2002 й. | Ноорг. чанг Ноорг. чанг Ноорг. чанг | 05102 05204 05205 | 0,332 0,268 0,29 | 0,08 0,0739 0,0739 | 4,15 3,6 4,0 |
| | | 2005 й. | Ноорг. чанг Оҳак чанги Оҳак чанги | 05204 05402 05404 | 0,2575 0,0935 0,1895 | 0,074 0,0198 0,0394 | 3,48 4,47 4,8 |
| | | 2005 й. | Оҳак чанги | 05402 | 0,0636 | 0,0198 | 3,34 |
| | | 2005 й. | Ноорг. чанг | 05402 | 0,070 | 0,0198 | 3,50 |
| | | 2005 й. | Ноорг. чанг | 05402 | 0,078 | 0,0199 | 3,92 |
| | | 2002 й. | Азот оксиidi Азот оксиidi Азот оксиidi | 2 3 4 | 280,56 210,8 48,63 | 10,13 12,4 8,73 | 27,2 17,0 5,5 |
| | «Навоий ГРЭС» ОАЖ | 2004 й. | Азот оксиidi Азот оксиidi Азот оксиidi | 4 4 5 | 58,0 156,70 46,17 | 12,4 28,714 13,0 | 4,68 5,46 3,55 |
| | | 2005 й. | Азот оксиidi | 4 | 100,24 | 28,72 | 3,49 |
| | | 2005 й. | Азот оксиidi | 4 | 113,83 | 28,72 | 3,97 |
| | | 2005 й. | Азот оксиidi | 5 | 293,12 | 74,67 | 3,92 |
| | | 2005 й. | Азот оксиidi | 4 | 109,50 | 28,72 | 3,80 |
| | | 2007 й. | Азот оксиidi | 4 | 149,4 | 28,714 | 5,2 |
| | ТМЗ-2 (HTMK) | 2005 й. | Руда чанги | 9 | 0,660 | 0,139 | 4,74 |
| | | 2007 й. | Чанг | 8 | 1,449 | 0,181 | 7,9 |
| | «Навоийазот» АЖ | 2004 й. | Азот оксиidi | 67 | 34,19 | 9,68 | 3,54 |
| | | 2006 й. | Азот оксиidi | 83 | 21,67 | 4,47 | 4,84 |
| | | 2007 й. | Азот оксиidi | 83 | 15,0 | 4,47 | 3,35 |
| | ГМЗ-3 (HKMK) | 2006 й. | Ноорг. чанг | 05404 | 0,150 | 0,0394 | 3,81 |
| | | 2006 й. | Ноорг. чанг | 05404 | 0,168 | 0,0394 | 4,26 |
| | «Зарафшан-Ньюмонт» КК | 2006 й. | Ноорг. чанг | 12 | 333,34 | 14,25 | 23,4 |
| | НМЗ (HTMK) | 2006 й. | Ноорг. чанг | 229 | 1,584 | 0,156 | 10,15 |
| Самарқанд вилояти | ТМЗ-2 (HTMK) | 2006 й. | Кон чанги | 8 | 0,766 | 0,181 | 4,23 |
| | | 2006 й. | Кон чанги | 8 | 1,964 | 0,181 | 10,85 |
| | | 2006 й. | Кон чанги Кон чанги | 8 9 | 0,844 0,941 | 0,181 0,139 | 4,66 6,77 |
| | | 2006 й. | Кон чанги Кон чанги | 8 9 | 1,719 0,583 | 0,181 0,139 | 9,5 4,2 |
| | | 2006 й. | Кон чанги Кон чанги Аммиак Сульфат кислота | 8 9 17 17 | 0,802 1,293 1,50 1,50 | 0,181 0,139 0,17 0,073 | 4,43 9,3 8,8 20,5 |
| | | 2006 й. | Оҳак чанги | 15 | 2,256 | 0,462 | 4,87 |
| | Жамбой ун комбинати | 1998 й. | Ун чанги | 59 | 0,582 | 0,059 | 9,86 |
| | «Алпомиши» АЖ | 2005 й. | Чанг | 16 | 0,60 | 0,10 | 6,0 |


| Вилоят, АИИ | Корхона номи | Меъёр ошган сана | Ингредиент-лар | Ташлаш манбаси № | Ташланма амалдаги миқдори, г\с | РЭЧЧ, г\с | Ошган, марта |
|--------------------|-----------------------|------------------|---|------------------|--------------------------------|--------------------------|-----------------------|
| Наманган вилояти | Наманган ш. МЭЗ | 1998 й. | Чанг | 8 | 0,525 | 0,103 | 5,0 |
| | Кугай пахта заводи | 1998 й. | Чанг | 17 | 0,597 | 0,126 | 4,7 |
| | Чодак кони | 2002 й. | Ноорг. чанг | 2 | 0,065 | 0,007 | 9,2 |
| | «Учқўргонёғ» АЖ | 2007 й. | Чанг | 8 | 0,023 | 0,004 | 5,7 |
| Сурхондарё вилояти | «Ободончилик» | 1998 й. | Азот оксида Олтинг. диоксид Чанг | 1 1 1 | 0,409 0,024 3,617 | 0,016 0,006 0,895 | 25,5 4,0 4,0 |
| | Жаркўргон ЖБИ | 1998 й. | Сажа | 5 | 3,904 | 0,035 | 111,5 |
| | Денов ш. АБЗ | 1998 й. | Углерод оксида | 4 | 3,23 | 0,035 | 92,2 |
| | Ангор пахта заводи | 1998 й. | Пахта чанги Пахта чанги | 4 6 | 0,11 3,99 | 0,003 0,042 | 36,6 94,4 |
| | Термез пахта заводи | 1998 й. | Пахта чанги Пахта чанги Пахта чанги | 4 1 2 | 2,887 1,93 3,405 | 0,032 0,213 0,197 | 88,9 9,06 17,28 |
| | Шўрчи пахта заводи | 1998 й. | Пахта чанги | 7 | 2,780 | 0,091 | 30,3 |
| | Сариосиё пахта заводи | 1998 й. | Пахта чанги Пахта чанги | 1 2 | 2,705 6,10 | 0,062 0,069 | 43,6 88,4 |
| | Бахт пахта заводи | 1998 й. | Пахта чанги | 7 | 8,9 | 0,6 | 14,0 |
| Сирдарё вилояти | Оқ олтин пахта заводи | 1998 й. | Пахта чанги Пахта чанги | 21 15 | 218,4 18,9 | 10,47 0,27 | 21,0 70,0 |
| | «Малёк» АЖ | 1998 й. | Пахта чанги Пахта чанги | 11 9 | 63,1 288,2 | 4,1 1,6 | 15,0 130,0 |
| | Боёвут пахта заводи | 1998 й. | Пахта чанги | 4 8 | 8,08 2,3 | 1,2 0,2 | 6,5 10,1 |
| | Боёвут ХЗ | 2002 й. | Пахта чанги | 10 | 1,14 | 0,02 | 57,0 |
| | Сирдарё АБЦ | 2002 й. | Олтингугурт диоксиди | 1 | 2,04 | 0,045 | 45,33 |
| | МСПМК-397 | 2002 й. | Олтингугурт диоксиди Углерод оксида Азот оксида | 1 1 1 | 1,83 0,07 0,048 | 0,033 0,003 0,0006 | 55,5 23,3 80,0 |
| | «Оқ олтингон» АЖ | 2005 й. | Чанг | 58 | 0,13 | 0,015 | 8,6 |
| | | 2005 й. | Чанг | 58 | 0,11 | 0,15 | 7,3 |
| | МСПМК - 397 | 2005 й. | Углерод оксида | 1 | 0,009 | 0,003 | 3,0 |
| | Янгиер УАД | 2005 й. | Азот оксида | 1 | 1,07 | 0,293 | 3,65 |
| Тошкент вилояти | «Охангаронцемент» АЖ | 1998 й. | Ноорг. чанг Азот оксида Азот оксида | 24 24 23 | 1736,9 112,6 83,0 | 92,69 15,1 18,5 | 18,7 7,5 4,5 |
| | | 1999 й. | Чанг Чанг | 24 24 | 807,2 795,1 | 18,04 18,04 | 10,34 10,2 |
| | Ангрен ИЭС | 1998 й. | Кул Олтингугурт диоксиди | 4 4 | 334,3 199,7 | 66,2 20,6 | 5,0 9,7 |
| | | 1999 й. | Кул | 1 | 2522,4 | 352,0 | 7,2 |
| | | 2000 й. | Олтингугурт диоксиди Олтингугурт диоксиди | 2 3 | 634,0 476,7 | 42,4 61,7 | 14,9 7,7 |
| | Бекобод цемкомбинат | 1998 й. | Ноорг. чанг | 21 | 3,4 | 0,178 | 19,1 |

| Вилоят, АНИИ | Корхона номи | Меъёр ошган сана | Ингредиент-лар | Ташлаш манбаси № | Ташланма амалдаги микдори, г\с | РЭЧЧ, г\с | Ошган марта |
|-----------------|------------------------------------|------------------|--|----------------------------|--|--|---------------------------------|
| Тошкент вилояти | АПО «УМК» | 2007 й. | Чанг Чанг Чанг Чанг Чанг | 31 31 31 31 31 | 56,05 53,8 47,65 50,25 48,34 | 12,123 12,123 12,123 12,123 12,123 | 4,6 4,4 3,9 4,1 4,0 |
| | «Охангаронцемент» АЖ | 2005 й. | Чанг | 48 | 6,28 | 1,221 | 5,1 |
| | «Электркимёсаноат» ИЧБ | 1998 й. | Аммиак Азот оксиди Азот оксиди Углерод оксиди | 82 82 67 84 | 0,084 3,26 55,25 440,64 | 0,013 0,18 5,8 57,6 | 8,6 17,0 9,5 7,65 |
| | «ЭХП» ИЧБ | 2002 й. | Азот оксиди Аммиак | 83 184 | 3,3 4,73 | 0,36 0,21 | 9,16 22,5 |
| | «Ўзбеккимёмаш» ОТАЖ | 2002 й. | Чанг Чанг | 40 11 | 0,13 0,57 | 0,019 0,0664 | 6,8 8,5 |
| | «Донмахсулотлари» АЖ | 2002 й. | Чанг Чанг | 4 7 | 0,25 0,167 | 0,19 0,0145 | 13,2 11,5 |
| | «ЭКС» ОАЖ | 2005 й. | Аммиак | 254 | 79,6 | 6,32 | 12,6 |
| | «Капралактам» заводи | 2005 й. | Олтингугурт диоксиди | 165 | 74,22 | 14,74 | 5,0 |
| | | 2005 й. | Олтингугурт диоксиди | 165 | 88,60 | 14,74 | 6,0 |
| | «ЎзКТЖМ» ОАЖ | 2007 й. | Азот оксиди | 123 | 7,192 | 2,270 | 3,2 |
| | «Янгийўл» агрофирмаси | 2005 й. | Азот оксиди | 1 | 1,875 | 0,198 | 9,47 |
| | «Янгийўлёғмой» ОАЖ | 2005 й. | Пахта чанг | 9 | 0,033 | 0,011 | 3,0 |
| | «Охангаронцемент» АЖ | 2006 й. | Чанг | 48 | 8,65 | 1,221 | 7,08 |
| | «Хамкор-керамик» | 2006 й. | Олтингугурт диоксиди | 5 | 0,0448 | 0,0087 | 5,2 |
| | «ЭКС» ОАЖ | 2006 й. | Азот оксиди | 83 | 8,69 | 1,072 | 8,3 |
| | «Капролактам» заводи | 2006 й. | Олтингугурт диоксиди | 165 | 14,14 | 2,948 | 4,8 |
| | «ЧСМ» ОАЖ | 2006 й. | Ноорг. чанг | 83 | 0,521 | 0,150 | 3,5 |
| | «Ўзбеккимёмаш» ОТАЖ | 2006 й. | Ноорг. чанг | 11 | 0,253 | 0,0664 | 3,8 |
| | «Янгийўл» агрофирмаси | 2006 й. | Азот оксиди | 1 | 0,786 | 0,198 | 3,82 |
| | «Янгийўлёғмой» ОАЖ | 2006 й. | Пахта чанг | 9 | 0,05 | 0,0105 | 4,76 |
| Фарғона вилояти | «Қувасойцемент» АЖ | 1998 й. | Ноорг. чанг Азот оксиди Олтингугурт диоксиди Олтингугурт диоксиди | 3 37 37 2 | 23,44 0,0538 0,0171 0,972 | 3,054 0,0025 0,0025 0,105 | 7,7 21,5 6,84 9,26 |
| | | 2001 й. | Азот оксиди | 3 | 2,302 | 0,704 | 3,2 |
| | Олтиарик нефтни қайта ишлаш заводи | 1998 й. | Углерод оксиди | 4 | 2,37 | 0,221 | 10,72 |
| | | 1999 й. | Углерод оксиди Углерод оксиди | 1 4 | 1,045 14,424 | 0,070 0,2217 | 14,9 65,0 |


| Вилоят, АИИ | Корхона номи | Меъёр ошган сана | Ингредиент-лар | Ташлаш манбаси № | Ташланма амалдаги миқдори, г\с | РЭЧЧ, г\с | Ошган, марта |
|-----------------|---|------------------|---|--|--|---|--|
| Фарғона вилояти | «Азот» ИЧЖ | 1998 й. | Олтингугурт диоксиди | 146 | 171,69 | 35,4 | 4,8 |
| | | 1999 й. | Олтингугурт диоксиди | 146 | 107,798 | 0,95 | 113,47 |
| | «Ўзнефтқайташилаш» | 2002 й. | Азот оксиди | 5 | 0,690 | 0,076 | 9,08 |
| | «Қварц» АЖ | 2003 й. | Углерод оксиди | 63 | 0,04 | 0,0059 | 6,8 |
| | «Қувасойцемент» АЖ | 1999 й. | Олтингугурт диоксиди Олтингугурт диоксиди | 37 | 0,047 | 0,0025 | 18,8 |
| | | 2003 й. | Чанг Чанг | 33 34 | 10,22 11,03 | 1,17 1,52 | 8,7 7,2 |
| | Фарғона АБЦ | 2003 й. | Ноорг. чанг | 1 | 29,75 | 3,109 | 9,6 |
| | ФНҚИЗ | 2005 й. | Азот оксиди | 70 | 0,05 | 0,01 | 5,0 |
| | «Қувасойцемент» АЖ | 2005 й. | Цемент чанги | 71 | 0,171 | 0,018 | 9,50 |
| | | 2005 й. | Ноорг. чанг | 111 | 2,086 | 0,177 | 11,78 |
| | Фарғона АБЦ | 2005 й. | Ноорг. чанг Ноорг. чанг Ноорг. чанг | 1 2 3 | 1,38 1,36 1,85 | 0,016 0,016 0,024 | 86,0 85,0 77,0 |
| | | 2005 й. | Ноорг. чанг | 1 | 16,5 | 3,109 | 5,3 |
| | | 2005 й. | Ноорг. чанг | 1 | 8,65 | 3,109 | 3,78 |
| | | «ТЖМ Деларос» ҚҚ | 2006 й. | Ноорг. чанг | 3 | 0,59 | 0,080 |
| | «Фарғонадон» АЖ | 2005 й. | Ун чанги | 55 | 0,312 | 0,1013 | 3,1 |
| | Фарғона фуран бирикмалари заводи | 2006 й. | Азот оксиди | 76 | 2,54 | 0,349 | 7,2 |
| | | 2006 й. | Азот оксиди | 76 | 1,56 | 0,349 | 4,5 |
| | «Фарғона туман йўл хўжалик пудрат таъмири фойдаланиш корхонаси» | 2006 й. | Чанг | 1 | 13,8 | 3,109 | 4,4 |
| | «Қўқон ЁМК» АЖ | 2006 й. | Чанг | 21 | 0,027 | 0,012 | 22 |
| | «Қува дон маҳсулотлари» | 2006 й. | Чанг | 25 | 0,24 | 0,01 | 24,0 |
| | | 2006 й. | Чанг | 23 | 1,21 | 0,071 | 17,0 |
| | Фарғона АБЦ | 2007 й. | Чанг | 1 | 6,1 | 3,109 | 3,1 |
| | «Қувадон» | 2007 й. | Чанг | 19 | 0,03 | 0,01 | 3,0 |
| Тошкент ш. | «СовпластИтал» ҚҚ | 1998 й. | Углерод оксиди Фенол Уксус к-таси | 110 110 110 | 0,052 0,0009 0,0084 | 0,0006 0,00003 0,0008 | 80,0 30,7 9,4 |
| | | 1998 й. | Углеводородлар Углеводородлар | 1 4 | 1,261 0,390 | 0,085 0,028 | 14,8 13,8 |
| | | 1998 й. | Азот оксиди | 41 | 0,359 | 0,025 | 14,1 |
| | | 1999 й. | Чанг Азот оксиди Чанг Азот оксиди Чанг Азот оксиди Чанг Азот оксиди Чанг Азот оксиди | 41 41 42 42 43 43 41 41 42 43 | 1,858 0,116 0,672 0,072 1,393 0,123 2,4278 0,055 0,864 0,0372 1,9346 0,0328 | 0,0456 0,00025 0,0331 0,00034 0,4851 0,0063 0,0456 0,00025 0,2108 0,0023 0,0456 0,0016 | 40,7 465 20,3 211,7 18,6 122,8 53,2 220,0 29,14 109,5 42,4 131,37 |

| Вилоят, АНИИ | Корхона номи | Меъёр ошган сана | Ингредиент-лар | Ташлаш манбаси № | Ташланма амалдаги микдори, г\с | РЭЧЧ, г\с | Ошган марта |
|--------------|--------------------------------|------------------|----------------|------------------|--------------------------------|-----------|-------------|
| Тошкент ш. | «ТашКСМ» ОТАЖ | 1998 й. | Азот оксиди | 30 | 0,066 | 0,0016 | 36,7 |
| | | 1999 й. | Азот оксиди | 35 | 0,2167 | 0,0445 | 4,87 |
| | | | Азот оксиди | 35 | 0,1949 | 0,0445 | 4,38 |
| | | 2001 й. | Азот оксиди | 34 | 0,2765 | 0,0445 | 6,2 |
| | | | Углерод оксиди | 35 | 0,3511 | 0,0445 | 7,9 |
| | «Ўзиккиламчи-ранглиметалл» ОАЖ | 2002 й. | Азот оксиди | 35 | 0,8187 | 0,0445 | 18,4 |
| | | 2001 й. | Азот оксиди | 9 | 0,0477 | 0,0094 | 5,07 |
| | | | Азот оксиди | 9 | 0,0561 | 0,0094 | 5,9 |
| | | | Чанг | 48 | 0,0116 | 0,0003 | 38,5 |
| | «Фалла-Алтег» ОАЖ | 1999 й. | Чанг | 62 | 0,4129 | 0,276 | 37,5 |
| | | | Чанг | 62 | 0,4088 | 0,276 | 37,2 |
| | | | Чанг | 62 | 0,32 | 0,276 | 29,1 |
| | | | Чанг | 62 | 0,218 | 0,276 | 19,8 |
| | | | Чанг | 62 | 0,1483 | 0,276 | 13,5 |
| | | 2001 й. | Чанг | 62 | 0,3160 | 0,011 | 28,7 |
| | | | Чанг | 62 | 0,1157 | 0,011 | 10,52 |
| | | | Чанг | 62 | 0,0897 | 0,011 | 8,0 |
| | | 2002 й. | Чанг | 62 | 0,0371 | 0,0028 | 13,25 |
| | | | Чанг | 86 | 0,0304 | 0,0028 | 10,8 |
| | | 2007 й. | Чанг | 28 | 0,0986 | 0,0053 | 18,5 |
| | | | Чанг | 39 | 0,5835 | 0,0022 | 259 |
| | | | Чанг | 42 | 0,1068 | 0,0113 | 9,4 |

94-расм. 2000-2007 йилларда «Навоий ГРЭС» ОАЖда азот оксиidi ташланмаларининг динамикаси (ўргача йиллик, РЭЧЧ улушида, 4-сонли манба)



95-расм. 1998-2007 йилларда «Охангаронцемент» АЖда ноорганик чанг ташланмаларининг динамикаси (ўргача йиллик, РЭЧЧ улушида, 24-сонли манба)




10.1.1. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар мониторинги


Табиий муҳитни ифлослантирувчи манбалар мониторинги дастурига (ИММ) мувофиқ назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши билан келишилган (10.11.2004 йилдаги 4-сонли баённома ва 26.05.2006 йилдаги 2-сонли ўзгаришлар билан) ҳолда корхоналар рўйхатига киритилган атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқарувчи асосий (энг ҳавфли) манбаларнинг экологик ҳолати асбобий усуллар ёрдамида текширилди.

Ўзбекистон Республикасида етмиш мингдан ортиқ стационар ифлослантирувчи манбаларга эга бўлган икки мингга яқин йирик ва ўрта саноат корхоналари фаолият юритиб, атмосферага 150 дан ортиқ турдаги заарли моддалар чиқаради. Ташланмалар ҳажми бўйича тахминан 50 та ифлослантирувчи модда асосий ҳисобланади. Бу биринчи навбатда асосий саноат ифлослантирувчилари – азот оксиди, олтингугурт диоксиди, углерод оксиди, чанг, шунингдек ўзига хос ифлослантирувчилар – аммиак, органик эритувчилар, углеводородлар, олтингугуртли водород, фенол, оғир металлар ва бошқалар.


96-расм. 1998-2007 йилларда «Навоийазот» АЖда азот оксили ташланмаларининг динамикаси (83-сонли манба)




97-расм. 2005-2007 йилларда «Муборакгаз» УШКда азот оксили ва углерод оксили ташланмаларининг динамикаси (120-сонли манба)



98-расм. 2000-2004 йилларда ифлослантирувчи моддалар ташланиши динамикаси (стационар манбалар)



99-расм. 1998-2005 йилларда атмосферага ифлослантирувчи моддалар ташланиши динамикаси (минг т)



Ифлослантирувчи манбалар мониторингини бажариш натижаларига кўра аникландики, асосий ифлослантирувчи манбаларга «Ўзбекэнерго» ДАК таркиби киравчи корхоналар – Навоий ИЭС, Ангрен ИЭС, Тошиба ИЭС, кора ва ранги metallurgия корхоналари - «Олмалиқ КМК» ОАЖ, «Ўзметкомбинат» АИЧБ, қурилиш metallurgияси корхоналари – «Охангиронцемент» АЖ, «Кувасойцемент» АЖ, Фарғона АБЦ, кимё саноати объекtlари - «Навоийазот» АЖ, «Фарғона фуран бирикмалари кимё заводи», «ЭКС» ОАЖ, нефтгазни қайта ишлаш корхоналари - «Шўрттаннефтгаз» УШК, «Муборак ГКИЗ» УШК ва «Поп пахтасаноат» корхоналари киради.

Ифлослантирувчи моддаларнинг саноат ташланмалари умумий ҳажмидағи асосий улуш углерод оксили (курилиш комплекси), олтингугурт диоксили («Ўзбекэнерго» ДАК корхоналари, кора ва ранги metallurgия), углеводородлар (нефтгаз саноати), азот оксили (кимё комплекси) ва чангга (курилиш комплекси) тўғри келади.

Углерод оксили, азот оксили, олтингугурт диоксили ва чанг бўйича СТЧТ меъёрларининг доимий ошиши Тошкент, Қашқадарё, Фарғона ва Навоий вилоятларига, шунингдек, Коракалпогистон Республикасига тўғри келади. Асосан, ушбу вилоятлар шаҳарларида атмосфера ҳавосига санаб ўтилган ингредиентларнинг салбий таъсир чегарасидаги концентрациялари меъёрларининг ошганлиги кузатилмоқда.

1998 йилдан 2007 йилгача даврда атмосферага салбий таъсир чегарасидаги ташланмалар меъёрларининг энг кўп ошиши кўрсаткичлари 56-жадвалда келтирилган.

1998-2007 йиллар даврида «Ўзбекэнерго» ДАК корхоналари, қурилиш саноати, кимё саноати объекtlари, нефтгазни қайта ишлаш корхоналарида асосий саноат ифлослантирувчилар (азот оксили, углерод оксили, чанг) ташланмалари динамикаси 94-97-расмларда келтирилган.

1999 йилдан кейинги даврда муқим манбалардан асосий ифлослантирувчи моддалар ташланишининг камайиши кузатилмоқда. Асосий ифлослантирувчи моддалар ташланишининг ўзгариши 98-расмда акс этган.

1998 йилдан бошлиб саноат, энергетика ва кўчма манбалардан ифлослантирувчи моддаларнинг ташлани-

ши умумий хажми қисқарди (57-жадвал ва 99-расмга қаранг).

10.1.2. Оқава сувлар ифлослантирувчи манбалари мониторинги ва уларнинг республика асосий сув ҳавзалари сифатига таъсири

Республикада оқава сувларини мунтазам кузатиш табиий муҳитни ифлослантирувчи манбалар мониторинги Дастиурига киритилган саноат корхоналари рўйхатига мувофиқ олиб борилади. Корхоналар рўйхатига экологик жиҳатдан энг ҳавфли манбалар киритилган, бунда куйидагилар ҳисобга олинган:

корхоналарнинг оқава сувларни тозалаши иншоотлари (ОСТИ) ва аэрация станциялари томонидан ер усти сувларига $0,2 \text{ минг } \text{m}^3/\text{суткадан}$ ортиқ ҳажмда оқава сувлари ташланиши;

Сув ифлосланиши индекси (СИИ) бўйича ифлосланиши III ва IV синфдан паст бўлмаган оқава сувлар ташланадиган табиий сув оқимлари ва ҳавзалари;

ҳавфнинг I ва II синфида таалукли заҳарлилик белгилари.

Доимий мониторинг сув объектлари, сугориш ва фильтрация далалари, шу жумладан дарё ва каналларга оқава сувларни ташлаётган 126 объектда ташкил этилган.

Ер усти сувларини ифлослантируvчи манбаларга қуйидагилар киради:


- кон қазиб олиш ва конларни кайта ишлаш тармоқлари;
- қишлоқ хўжалиги ерлари ва агросаноат комплекслари оқавалари;
- саноат ва кимё корхоналари;
- хўжалик-маиший оқавалар.

Оқава сувларнинг сув оқимларига таъсирини таҳлил қилиш ҳавза тамойилига мувофиқ амалга оширилди. Республиkaning энг йирик сув оқимлари – Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Чирчик ва Оҳангарон ҳисобланади. Чирчиқ ва Оҳангарон дарёларидан ташқари Ўзбекистоннинг ер усти сув оқимлари амалда трансчегаравий ҳисобланади.


Амударё дарёси. Оқимнинг умумий узунлиги 2660 км. Амударё Тожикистоннинг тоза тизмаларида шаклланиб, Ўзбекистон Республикаси жанубий қисмидан оқиб ўтади, кейин Туркманистон Республикаси худуди бўйлаб оқади ва куйида Ўзбекистон Республикаси худудига киради ва Орол денгизига куйлади.

Ўзбекистон Республикасида киришда Амударёга Термиз шахридаги ло-


100-расм. 2002-2007 йилларда Термиз ш. аэрация станцияси (АС) ташланма сувларининг аммоний ионлари ва нитритлар билан ифлосланиши динамикаси



101-расм. 2002-2007 йилларда Тахиатош ш. «Сууакаба» АЖ ташланма сувларининг нитритлар билан ифлосланиши динамикаси




102-расм. 1998-2007 йилларда Бекобод ш. «Сувоқава» ИЧБ ташланма сувларининг аммоний ионлари ва нитритлар билан ифлосланиши динамикаси




103-расм. 2000-2007 йилларда «Ўзметкомбинат» АИЧБ ташланма сувларининг аммоний ионлари нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши динамикаси




104-расм. 2002-2007 йилларда сувларнинг аммоний ионлари билан ифлосланиши динамикаси




105-расм. 2002-2007 йилларда «Бойназар» тозалаш иншооти ва Жамбай ун комбинати ташланма сувларининг ифлосланиши динамикаси



106-расм. 2002-2007 йилларда «Навоийазот» ИЧБ ташланма сувларида ифлослантирувчи моддалар (нитрат, мис ва нефть маҳсулотлари) таркиби



107-расм. 2002-2007 йилларда Навоий ИЭС ташланма сувларида нефть маҳсулотлари таркибининг динамикаси



комотив депоси, таъмирилаш-механика заводи, 53-автобаза, ҳайвонот боғи, 1-марказий касалхона, марказий бозор, автоювиш жойи ва бошқаларнинг хўжалик-маиший ва саноат оқава сувлари ташланади. Сурхондарё вилояти чегарасида кузатилаётган даврда сувда аммоний ионлари 3,8 дан 10,5 РЭЧУ гача ва нитритлар 4,8 гача РЭЧУ гача аникланди, кейинги йилларда нитритлар бўйича ифлосланиши даражаси 1,8 дан 0,4 РЭЧУ гача қисман пасайгани кузатилмоқда (100-расмга қаранг).

Коракалпогистон Республикаси чегарасида Амударёга Тахиатош шахридаги «Сууакаба» АЖнинг оқава сувлари ташланади. Корхонанинг ташланма сувларида баъзида 5 РЭЧУ гача нефть маҳсулотлари ва мунтазам 7,2 РЭЧУ гача нитритлар борлиги аникланган (101-расмга қаранг).

Амударё суви коллектор-дренаж сувлари оқими таъсирида 2 г/л гача минераллашувга эга, бу фон оқими сувларига нисбатан 3,3 марта юқоридир. Бундан ташқари Амударё сувлари нефть маҳсулотлари ва нитритлар билан муайян даражада ифлосланиши кузатилмоқда.

Сирдарё дарёси узунлиги 2982 км бўлиб, Қирғизистон Республикаси тоғларидан бошланадиган Норин ва Корадарё дарёларининг кўшилиши натижасида ҳосил бўлади. Ўзбекистон Республикаси худудида дарё Наманган, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари худудидан оқиб ўтади.

Наманган вилояти худудида дарёга Наманган шахри хўжалик-маиший ва саноат оқавалари ташланади. Сувнинг сифат таркиби вилоят чегарасида рухсат этилган меъёрлар (РЭМ) талабларига жавоб беради.

Тошкент вилояти чегарасида дарёга Бекобод шахридаги «Сувокава» ИЧБ ва «Ўзметкомбинат» АИЧБ оқавалари ташланади. Корхоналарнинг етарлича тозаланмаган оқавалари 1,6-16 РЭЧУ даражасида аммоний ионлари, 1,2-5,5 РЭЧУ нитритлар, 1,2-25 РЭЧУ нефть маҳсулотлари билан ифлосланган (102 ва 103-расмларга қаранг).

Сирдарё вилоятида дарёга таркибида 4,8 РЭЧУ гача аммоний иони ва 21,2 РЭЧУ гача нитритлар бўлган Ширин ш. ОСТИ оқавалари ташланади. Сирдарё вилоятидан чиқишида дарё сувининг минерал таркиби фон кўрсаткичларига нисбатан 0,7 г/л дан 1,4 г/л гача ўзгаради.

Зарафшон дарёси сувларининг экологик холати ишлаб чиқариш, кишлоқ хўжалиги ва табиий омиллар таъсирида шаклланган. Доимий кузатувлар натижасида Зарафшон ҳавzasи сувларининг асосий ифлослантирувчилари ва асосий ифлослантирувчи манбалар аниқланди.

Самарқанд вилояти чегарасида 10 та кузатув нуктасида – Зарафшон дарёси Ўзбекистонга киришида (Равот Хўжа), шағал карьери, Жомбой ун комбинати, Каттақўргон шахридаги «Бойназар» ОСТИ, Сиёб канали ташланмаларида, Талигулан, Чиганоқ ва Хаузаксой коллекторларида ва вилоятдан чиқишида доимий кузатишлар ташкил қилинган. Сиёб канали, Талигулан, Чиганоқ ва Хаузаксой коллекторлари ташланма сувларида аммоний ионларининг 1,7 дан 9,4 РЭЧУгача юкори таркиби мунтазам қайд қилинади. Сувларнинг аммоний ионлари билан ифлосланишининг энг юкори даражаси 2003 ва 2005 йилларда кузатилди (104-расмга қаранг).


Жомбой ун комбинати, Авиатряд аэрация станцияси, Булунғур вино заводи саноат корхоналарининг етарлича тозаланмаган оқавалари, шунингдек Каттақўргон шахар хўжалик-маший ва саноат оқавалари аммоний иони бўйича Зарафшон дарёси сувлари ифлосланишининг асосий манбалари хисобланади. «Бойназар» оқава сув тозалаш иншооти (Каттақўргон ш.) ва Жомбой ун комбинатининг ташланма сувлари 7,3-29,8 РЭЧУ чегарасида аммоний иони билан ифлосланган (105-расмга қаранг).

Ташланма сувларининг аммоний иони билан ифлосланганлиги энг юкори даражаси 1998-2002 йиллар даврида кузатилди. Дарё сувлари таркибида аммоний иони вақти-вақти билан 1,6-4,2 РЭЧУ даражасида ўзгаради.


Навоий вилояти худудида Зарафшон дарёсининг вилоят худудига киришида, Марказий, Мирзо Мўмин, Бишкент ва Санитар коллекторлари, Навоий ИЭС ва «Навоийазот» ИЧБ ташланмаларида доимий кузатувлар олиб борилади. Шаҳарнинг хўжалик-маший ва саноат оқавалари «Навоийазот» ва Навоий ИЭС БКТИ орқали Зарафшон дарёсига ташланади.

«Навоийазот» ИЧБ ташланма сувлари нитратлар, нефть маҳсулотлари ва мис билан ифлосланишининг асосий манбалари саналади. 2002-2004 йилларда ташланма сувларда 8-10,3


108-расм. Зарафшон дарёси сувларининг минераллашуви динамикаси




109-расм. 2000-2007 йилларда Чирчик дарёси сувларида (Тошкент вилоятидан чиқишида) ифлослантирувчи моддалар динамикаси



110-расм. Бектемир тумани тозалаш иншооти ташланма сувларида ифлослантирувчи моддалар - аммоний ионлари, нитрит ва нефть маҳсулотларининг тарқиби динамикаси



111-расм. 2000-2007 йилларда Чирчик дарёси сувларида (Тошкент шаҳридан чиқишида) ифлослантирувчи моддалар тарқиби динамикаси



РЭЧУ даражасида миснинг энг юқори таркиби аниқланди. Кузатилаётган давр давомида сувларда нитратлар таркиби 1,2-5 РЭЧУ, нефть маҳсулотлари 1,2-4,18 РЭЧУ даражасида ўзгарди (106-расмга каранг).

Навоий ИЭС ташланма сувлари нефть маҳсулотлари билан 1,1-6,95 РЭЧУ даражасида ифлосланган, зеро, уларнинг энг юқори таркиби (6,9 РЭЧУгача) 2002-2003 йилларда кузатилган (107-расмга каранг).

Вилоятдан чиқишида дарё сувларида нитритлар 3,1 марта, мис 2,4-6,8 марта, хром 2 марта, нефть маҳсулотлари 1,3-

7,1 марта гача рухсат этилган меъёрдан ортиклиги аниқланган. Зарафшон дарёси сувларининг сифат таркиби вилоятдан чиқишида нитрит, мис, хром ва нефть маҳсулотлари бўйича меъёр талабларига жавоб бермайди.

Бухоро вилояти худудида Зарафшон дарёси сувига корхоналар бевосита оқава сувларини ташламайди, дарё суви минераллашуvinинг юқори таркиби билан фарқланади. Самарқанд вилояти чегарасида сув минераллашуви 0,2 г/л дан 0,6 г/л гача ўзгаради, Навоий вилояти худудидан чиқишида сувнинг минераллашуви 8,5 марта, Бухоро вилояти чегарасида 13 марта гача ошади ва 2,6 г/л даражасида сакланади (108-расмга каранг).


Умумий оқим узунлиги 397 км бўлган Чирчик дарёси Чотқол ва Пском дарёлари қўшилиши натижасида шаклланади. Тошкент вилояти чегарасида дарёга қатор корхоналар: Чорвоқ, Чимкент қўргонлари ОСТИ, Ғазалкент шахридаги «Ғазалкентойна», Чирчик шахридаги «Сувоқава» ИЧБ, «Электрокимёсаноат» ОАЖ ва «Капролактам» ҚҚ оқаваларни ташлайди. Чорвоқ оқава сув тозалаш иншоотларининг ташланма сувларида вақти-вақти билан аммоний иони 4,5 РЭЧУгача ва нитритлар 7,5 РЭЧУгача меъёрдан юқорилиги кузатилади.

Дарё сувларини аммоний иони билан 1,8 дан 24,7 РЭЧУгача, нитритлар билан 11,5 РЭЧУгача ифлослантирувчи асосий манбалар Чирчик шахридаги «Сувоқава» ИЧБ I, II-ховузлари, «Электрокимёсаноат» ОАЖ ва «Капролактам» ҚҚ хисобланади.

Тошкент вилоятидан чиқишида Чирчик дарёси сувларида нитритлар бўйича 1,5-8 РЭЧУгача, нефть маҳсулотлари бўйича 1,8-2,6 РЭЧУгача, мис бўйича 1,2-3,4 РЭЧУгача ва рух бўйича 1,2-6,1 РЭЧУгача ортиклиги мунтазам кузатилган (109-расмга каранг).

Тошкент шахри чегарасида дарёга Бектемир тумани оқава сувларни тозалаш иншооти (ОСТИ) ва «Нерудник» ДХО оқавалари таъсир киласи, улар аммоний иони билан 6,8-20,7 марта, нитритлар билан 1,1-25 марта ва нефть маҳсулотлари билан 9,8 марта сувларни ифлослантирувчи асосий манбалар саналади. Бектемир оқава сувларни тозалаш иншоотлари ташланма сувла-

112-расм. 2002-2007 йилларда «Сувоқава» ШК (Ангрен ш.) аммоний ионлари ва нефть маҳсулотлари билан ташланма сувларнинг ифлосланиши динамикаси



рининг Чирчик дарёси сувларига таъсири туфайли баъзида аммоний иони билан 1,8 РЭЧУгача ифлосланиш қайд қилинган, сувдаги нефть маҳсулотлари 2,1 марта кўпайди ва бутун кузатилаётган давр мобайнида 1,3-5,4 РЭЧУ даражасида сакланади (110-расмга каранг). Сувдаги мис таркиби 2005 йилга келиб 1,3 марта кўпайди ва 9,4 РЭЧУни ташкил қилди.

Тошкент шахридан чиқишида Чирчик дарёси сувларида аммоний иони 1,8 РЭЧУгача, нитритлар 4 РЭЧУгача, нефть маҳсулотлари 5,4 РЭЧУгача, мис 7,1 РЭЧУгача ва рух 1,8 РЭЧУгача ташкил қиласи (111-расмга каранг).

Умумий оқим узунлиги 236 км бўлган Оҳангарон дарёси Ўзбекистон Республикаси тог тизмаларида хосил бўлади ва Тошкент вилояти худудидан оқиб ўтиб, Сирдарёга кўйилади.

Дарёга «Ўзбеккўмир» АЖ оқавалари ва «Сувоқава» ШК майший оқавалари (Ангрен ш. чегарасида), Янги Ангрен ГРЭС, «Эйвеникмаксистемирбетон» ОАЖ (Оҳангарон ш. чегарасида) оқавалари, Тошкент вилояти Пскент ва Оқкўргон туманлари қишлоқ хўжалиги ерларининг оқавалари ташланади. 1998-2006 йиллар даврида «Сувоқава» ШК (Ангрен ш.) ташланма сувларида аммоний ионининг 6,6 РЭЧУгача меъёри аниқланди, 2007 йилда эса униг кўрсаткичи 5,1 марта гача камайди ва 1,3 РЭЧУ даражасида сакланади. Сувда 2,8-6,2 РЭЧУ даражасида нитритлар вақти-вақти билан кузатилади (112-расмга каранг). «Эйвеникмаксистемирбетон» ОАЖ оқаваларида 4,6-11,3 РЭЧУ даражасида аммоний иони ва 7,1 РЭЧУгача даражада нитритлар қайд қилинади.

Шаклланиш зонасида Оҳангарон дарёси сувларида вақти-вақти билан 2,5 РЭЧУгача аммоний иони, 2 РЭЧУгача нефть маҳсулотлари, 3,8 РЭЧУгача мис, хром ва рух РЭЧУ меъёрида аниқланган. Вилоятдан чиқишида Оҳангарон дарёси сувлари аммоний иони ва нефть маҳсулотлари (уларнинг таркиби 2 РЭЧУ гача ташкил қилди) бўйича меъёrlар талабларига жавоб бермайди.

10.1.3. Тупроқ ифлосланиши манбаларининг мониторинги

Тупроқни ифлослантирувчи обьектларни назорат килиш ва баҳолаш атроф-мухит ифлосланиши ман-

баларини мониторинг қилиш тизимининг таркибий кисми ҳисобланади. Ўзбекистон худудида бевосита дала ишларини амалга ошириш (ўлчовлар ўтказиш ва намуналар олиш) вилоят анализатор назоратга ихтинослашган инспекция (АНИИ)ларига юкланган, назоратни услубий бошқариш ва натижаларни умумийлаштириш билан Аналитик назоратга ихтинослашган давлат инспекцияси (АНИДИ) тупроқ ифлосланиши мониторинги бўлими шуғулланади. Йирик саноат корхоналарининг шлам тўпловчи омборлари, нефтни қайта ишлап заводлари ва нефть базалари, заҳарли химикатлар, заҳарли моддалар кўмиш ерлари, қишлоқ хўжалиги аэрородомлари ва бошқаларга бевосита тегишли участкалар назорат объектлари ҳисобланади.


Ўзбекистон худудида 1998-2007 йиллар даврида тупроқ ифлосланишини ўрганишни шартли равища икки босқичга – 1998-2001 йиллар ва 2002-2007 йиллар даврига ажратиш мумкин. 2002 йилгача тадқиқотлар умумий тусга эга бўлиб, алоҳида ифлосланиш манбаларидаги локал тадқиқотлар билан чекланади. Бироқ, шу даврнинг ўзида республика тупроғи ифлосланишининг миёслари белгиланиб, муаммолар аникланган эди. 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 апрелдаги 111-сонли карори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тўгрисида»ги Низом қабул қилинганидан кейин тупроқ ифлосланишини кузатиш мақсадга йўналтирилган ва тизимли тусга эга.

Вазирлар Маҳкамасининг мазкур карорини амалга ошириш учун республика вилоятлари худудларидаги бутун тадқиқотлар тизимини тубдан ўзгартириш, яъни - лаборатория базасини юқори даражага кўтариш (замонавий асбоб-ускуналар, ўлчаш услубиятлари ва юқори малакали ходимлар билан таъминлаш), дала тадқиқотлари услубиятларини ишлаб чиқиш, шунингдек маълумотлар базасини ва барча манфаатдор ташкилотлар танишиши мумкин бўлган ахборотлаштириш тизимини ташкил қилиш талаб этилди.


Ҳозирги пайтда вилоят АНИИлари асосий экологик кўрсаткичлар бўйича тупроқ ифлосланиши дарражасини назорат қилиш имконини берадиган замонавий лаборатория ускуналари билан жихозланди. Ҳар йили лабораторияларда тупроқлардаги ифлосланиш ингредиентларини аниқлашнинг янги замонавий услубиятлари ўзлаштирилмоқда. Вилоят лабораторияларини услубий бошқариш АНИДИ тажрибали мутахассислари томонидан амалга оширилмоқда. Кўриб чиқилаётган даврда АНИДИ тупроқ мониторинги бўлимida тупроқлардаги ифлослантирувчиларни аниқлаш бўйича 6 та раҳбарий хужжат ишлаб чиқилди, 10 дан ортиқ янги услубият ўзлаштирилди. Кузатув натижалари ички ва ташки назоратдан ўтмоқда.

2003 йилда АНИДИда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит ифлосланишининг манбалари мониторингини юритиш услубияти ишлаб чиқилди, унда минтақанинг табиий-техноген шартлари ҳисобга олинган. Сўнгги йилларда услубият вилоят АНИИларда жорий этилди ва Ўзбекистон Республикасиниг бутун худудида синовдан ўтказилди.

113-расм. «Қишлоқхўжаликмаш» ОТАЖ (Хоразм вилояти) корхонасининг заҳарли моддалар қабристони худудининг тупроқларида ГХЦГ таркиби ўзгариши



114-расм. Собиқ «Янгиқўргон» ШХ собиқ қишлоқ хўжалиги аэророми худудининг тупроқларида ДДТ, ДДЕ, ДДД таркиби ўзгариши




АНИДИ ва унинг вилоятлардаги бўлинмалари тадқиқотларининг натижалари кўрсатишича, заҳарли кимёвий моддалар кўмиш жойлари жойлашган участкаларда энг хавфли экологик вазият вужудга келган, бу ерда бутун кузатув даврида тупроқнинг пестицидлар билан ифлосланишининг юқори даражалари кайд қилинган. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасида умумий майдони 60 га дан ортиқ бўлган 13 та заҳарли кимёвий моддалар қабристонлари мавжуд. Бу объектларда тақиқланган минерал ўғитлар ва пестицидлар, яроқлилик муддати ўтган заҳарли кимё воситалари – ДДТ, ГХЦГ, бутифос, хлорофос, хлорат магний, натрий пропинати ва бошқалар, шунингдек заҳарли кимё воситалари идишлари кўмилган. Барча объектлардаги кўмилган кимё моддалари умумий миқдори қарийб 9 минг тоннани ташкил қиласди. Деярли барча объектларда заҳарли кимё воситаларини сақлаш шартларида белгиланган талабларга тўлиқ жавоб бермайди. Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятларидаги заҳарли кимёвий моддалар қабристонларининг ҳолати айниқса жиддий ташвишга солади. Бу ерларда тўсиқлар ва огохлантирувчи белгилар кўйилмаган, натижада қатор ҳолларда кўмиш жойлари ва унга яқин ерлар маҳаллий аҳоли томонидан чорва молларини боқиша фойдаланилмоқда.


2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига мувофиқ, АНИДИ мутахассислари томонидан заҳарли кимёвий моддалар қабристонларидаги экологик вазиятни яхшилаш бўйича чоралар ишлаб чиқилган.

Заҳарли кимёвий моддалар кўмиш жойлари ҳолатини кузатиш натижалари кўрсатишича, назорат қилинадиган объектларга бевосита яқин ерлардан

115-расм. «ЎзДЭУавто» АЖ (Андижон вилояти) чиқиндилари полигони худудида тупроқдаги мис таркибининг ўзгариши



116-расм. «Муборакнефтгаз» корхонаси (Бухоро вилояти) худудида тупроқдаги нефть маҳсулотлари таркибининг ўзгариши



олинган намуналарда ГХЦГ изомерлари таркиби 69 РЭЧУгача (Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги «Сазаган» қабристони), ДДТ метаболитлари – 91 РЭЧУгача (Наманган вилояти Тўракўргон туманидаги «Боғибаланд» қабристони) етмоқда. ГХЦГ ўртача кўрсаткичлари 1,7 дан 25 РЭЧУгача, ДДТ – 3,2-7,5 РЭЧУгача ўзгариб турибди.

Сўнгги йилларда заҳарли кимёвий моддаларни қабристонлари жойлашган ерларда тупроқ ифлосланиши даражаси аста-секин пасайиши тамоили кузатилмоқда. Эҳтимол, бу ифлослантирувчи-ларнинг парчаланиши ва атроф-мухитга таркалиши билан изоҳланади. Бироқижобий ўзгаришларга қарамай, РЭЧУга нисбатан ифлосланиш ингредиентлари концентрацияларининг белгиланган нисбий кўрсаткичлари ҳозирги вақтгача юқорилигича колмоқда.

Хоразм вилоятидаги «Кишлоқхўжаликким» ОТАЖ корхонасига қарашли заҳарли кимёвий моддаларни қабристони мисолида ўрганилганда, тупрокларда ГХЦГ таркибини ўрганиш натижаларининг кўрсатишича, тупрокларда пестицидлар таркиби пасайиши тамоили кўзга ташланмоқда (113-расмга қаранг).

Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб Ўзбекистон Республикасида кишлоқ хўжалигидаги ДДТ ва ГХЦГ каби персистент хлорорганик пестицидларни кўллаш тақиқланган бўлишига қарамай, ҳозирги пайтгача собиқ қишлоқ хўжалиги аэроромларидаги тупрокларда уларнинг таркиби юқори даражада сақланиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан ўтказилган инвентаризация маълумотларига караганда, республика худудида атроф-мухитни иф-

лослантириш ҳавфи юқори бўлган манбалар сифатида 461 та собиқ қишлоқ хўжалиги аэроромлари аниқланган. Қишлоқ хўжалиги аэроромларининг энг кўп сони Самарқанд (41 участка), Сурхондарё (46), Сирдарё (46), Қашқадарё (45), Фарғона (39), Жиззах (49) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (51) жойлашган. Республигадаги барча қишлоқ хўжалиги аэроромларини ўрганиб чиқиш натижасида аниқландик, 70 та участкада тупроқ ифлосланиши даражаси белгиланган меъёрлардан 10 марта ва ундан ортиқ юқоридир. Ўзбекистон Республикаси вилоятлари бўйича собиқ қишлоқ хўжалиги аэроромларининг энг ҳавфли участкалари қўйидагича тақсимланади: Хоразм – 11; Самарқанд – 9; Сурхондарё – 30; Сирдарё – 10; Бухоро – 10. Аниқланган салбий ҳолатларга асосланиб, ҳавфли объектлар жойлашган барча хўжаликларга Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ва Соғликни сақлаш вазирлигининг маҳсус руҳсатисиз улардан фойдаланиш мумкин эмаслиги ҳақида кўрсатмалар берилди.

Мониторинг натижаларига кўра, собиқ қишлоқ хўжалиги аэроромлари худудларидаги тупроқ таркибида хлорорганик пестицидларнинг энг юқори кўрсаткичлари 50 РЭЧУдан ортиқни ташкил қиласди (Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги «Оқработ» хўжалиги, Сурхондарё вилояти Музрабат туманидаги Р.Бўриев номли хўжалик ва х.к.). Собиқ қишлоқ хўжалиги аэроромлари бўйича тупроқ ифлосланганлигининг ўртача кўрсаткичи 1,5-20 РЭЧУ оралиғида ўзгарилиди. 2002-2007 йилларда тупроқлар таркибида ифлослантирувчилар миқдорининг ўзгариши доимий пасайиш томонга йўналтирилган (114-расмга қаранг), лекин заҳарли кимёвий моддалар кўмиш жойлари сингари тупроқ ифлосланишининг абсолют кўрсаткичлари юқорилигича қолмоқда.

Саноат корхоналари, қолдиқ чиқиндиларни сақловчи омборлар ва шлам тўплагичлар жойларига бевосита яқин ерларда жойлашган майдонларда тупроқнинг оғир metallлар билан ифлосланиши қайд қилинмоқда. Мониторинг маълумотларига кўра, қўйидаги корхоналарда мавжуд меъёрлардан ортиш кузатилган: Сурхондарё вилояти Денов туманидаги Ш.Рашидов номли хўжаликда фтор бўйича 2 (1,8) марта; Навоий вилоятида «Қизилкумцемент» АЖ корхонаси яқинидаги мис бўйича – 9,1 марта, «Навоийазот» ИЧБ шлам тўпловчи омборида – 3,6 марта, ГМЗ-1 қолдиқ чиқинди омборида – 3,7 марта; «Зарафшон Ньюмонт» ҚҚ яқинидаги мис билан – 3,7 марта; Андижон вилоятида Асака автозаводи яқинидаги мис билан – 7,5-8 марта, руҳ билан – 2-2,2 марта; Наманган вилоятида Поп туманидаги «Ўзолмосолтин» қолдиқ чиқинди омбори яқинидаги мис билан – 8,3 марта, руҳ билан – 5,3 марта, «Мехмаш» ОТАЖ корхонасида мис билан – 3,6, руҳ билан – 1,3 марта; Тошкент вилоятида ОКМК қолдиқ чиқинди омбори яқинидаги мис билан – 2,3 марта, кўргошин билан – 1,4 марта.

Саноат худудларининг деярли барча назорат қилинадиган зоналарida (115-расмга қаранг) сўнгги йилларда тупрокларнинг оғир metallлар билан ифлосланиши даражасининг барқарор ўсиши

кузатилмоқда. Сўнгги йилларда кузатилаётган саноат ишлаб чиқаришининг ўсишини хисобга олиб башорат килинса, экологик вазиятга салбий таъсир кучайиши аниқ.

Тупроқда нефть маҳсулотларининг юқори таркиби Қорақалпогистон Республикасида Тахиатош ва Кўнғирот шаҳарлари нефть базаларига яқин ерларда қайд қилинди, бу ерда уларнинг таркиби фонли кўрсаткичлардан 68 марта кўп, Чимбойда 36 марта кўп эди; Бухоро вилояти бўйича БНҚИЗ яқинида 7 марта, Бухоро шаҳри нефть базаси яқинида 4,6 марта; Қашқадарё вилояти бўйича «Шўртланнефтгаз» корхонаси яқинида 2 марта; Сурхондарё вилояти бўйича Денов ва Жаркўрғон туманлари нефть базалари яқинида 21 марта гача, Термиз нефть базаси яқинида 10,6; Сирдарё вилояти бўйича Гулистон ш. нефть базаси яқинида 20 марта, Ширин ш. Сирдарё ИЭС яқинида 12 марта; Хоразм вилояти бўйича Шовот тумани нефть базаси яқинида 9,5 марта, Кўшкўпир тумани нефть базаси яқинида 15,2; Фарғона вилояти бўйича Фарғона ш. нефть базаси яқинида 1,6 марта, ОНҚИЗ яқинида 2,7 марта кўпдир. Умуман олганда Ўзбекистон Республикаси худудида сўнгги йилларда тупроқларнинг нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши даражаси доимий ошиб бориши тамойили кузатилмоқда (116-расмга қаранг).

Тупроқларнинг нитратлар билан ифлосланиши куйидагиларда қайд қилинди: Бухоро вилояти бўйича Шафрикон, Жондар, Пешку, Ромитан, Гиждувон, Қоракўл, Олот ва Когон туманлари ўғит ва заҳарли кимёвий моддалар омборларига бевосита яқин ерлардаги худудларда ифлосланиш даражасининг 1,2 дан 30 (15) РЭЧУ гача ўзгариши; Қашқадарё вилояти бўйича Ғузор туманида 1,4 РЭЧУ; Сирдарё вилояти бўйича Янгиер туманида – 1,3 РЭЧУ; Хоразм вилояти бўйича Хазорасп ва Янгибозор туманларида – 3,7 РЭЧУ; Фарғона вилояти бўйича Қўқон суперфосфат заводи атрофида – 1,9 РЭЧУ.

Фосфатлар билан тупроқнинг ифлосланиши қуйидаги жойларда аниқланди: Бухоро вилояти бўйича Бухоро тумани «Бухоро» сугориш майдонларида – 4,5 РЭЧУ, Когон туманидаги «Бўстон» хўжалиги – 8,1 РЭЧУ, Жондор туманидаги Охунбоев номли хўжалик – 6,5 РЭЧУ, Ромитан туманидаги «Ромитан» хўжалиги – 7,4 РЭЧУ, Вобкент туманидаги Рўзи Ҳусанов номли хўжалик – 8,2 РЭЧУ; Жиззах вилояти бўйича Дўстлик, Зомин, Галлаорол ва Фориш туманлари минерал ўғитлар ва заҳарли кимёвий моддалар омборлари жойлашган ер яқинида 2,3 РЭЧУгача ва Навоий вилояти Қизилтепа тумани «Навоий» хўжалиги қишлоқ хўжалиги аэродроми 1,2 РЭЧУ; Хоразм вилояти бўйича Хазорасп тумани минерал ўғитлар ва заҳарли кимёвий моддалар омбори яқинида 3 РЭЧУ, Янгибозор тумани Ҳамза номли хўжалик сугориш майдонида 2 РЭЧУгача.

Атроф табиий муҳит мониторинглар глобал, миллий ва локал даражадаги (асосий табиий муҳитлар, табиий ресурслар турлари, кузатиш ва ҳисоб-китоблар тузи бўйича) мустақил йўналишларни ўз ичига олган мураккаб тизимдир. Уни юритишга давлат тузилмалари (вазириклар, давлат қўмиталари, идоралар)

ва табиатдан фойдаланувчиларнинг ўзлари (юридик ва жисмоний шахслар) камраб олган ижрочиларнинг кенг доираси жалб этилган. Бироқ амалиётнинг кўрсатишича, мониторингни ташкил қилишда, жорий этишда ва унинг тузилмасида ҳали камчиликлар етарли. Улар орасида: табиий муҳит холатини ўлчайдиган кўрсаткичларнинг хаддан ташқари қўплиги; хизматларнинг замонавий асбоб-ускуналар билан етарлича жиҳозланмаганлиги; идоравий маълумотлар ахборот банклари тарқоклиги, бу идоралараро ахборотни тезкор тарқатишини қийинлаштиради.

Атроф-муҳит мониторингини юритиш тизими такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан БММТД техник ва молиявий кўллаб-куватлашида «Ўзбекистонда атроф-муҳит холати мониторинги учун экологик индикаторлар» ва «Чиқиндилар муаммоси» маҳсус лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳитни бошқаришнинг ҳар томонлами ахборот тизимини (UZ - EIMS) ишлаб чиқишни давом эттирмоқда, у Ўзбекистонда амалга оширилаётган дастурлар, шарҳлар, тадқиқотлар ва стратегик таҳлиллар натижалари бўйича UZ – EIMS (ўз маълумотлар метабазаси орқали) олинган атроф-муҳит холати бўйича кенг ҳажмли ахборотларни қайта ишлаш имконини беради. Бу ахборот тизими умуммиллий маълумотларни бошқариш тузилмаси бўлиб хизмат қиласида ва атроф-муҳит холатини ўрганиш соҳасидаги маълумотларни уйғунлаштириш ва бирлаштириш учун механизмни таъминлайди. У турли давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан маълумотларни тўплаш бўйича интилишларини мувофиқлаштириш ва биргаликда ёндашиш орқали эришиладиган харакатларни мувофиқлаштиришнинг афзалликларидан фойдаланиш имконини беради, бу карорларни чиқариш учун таклифларни тайёрлашга хизмат қиласидан олий сифатли ахборот олишга кўмаклашади.

10.2. Экологик индикаторлар ҳамда атроф-муҳит холатини ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишини баҳолаш

Ўзбекистон Республикаси худудида экологик вазиятни комплекс баҳолаш

Ўзбекистон Республикаси худудидағи экологик вазият турғун бўлмай, миңтақалар бўйича фарқланишини ва ўзгаришларга берилиувчанлигини, бу ўзгаришлар кўп томондан атроф табиий муҳитга бўлаётган антропоген таъсирга боғлиқлигини хисобга олиб, мониторинг маълумотлари асосида атроф табиий муҳитни комплекс баҳолаш зарурати вужудга келмоқда.

Бундай баҳолашга ёндашувлардан бири – Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан (1998 йилда) ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси худудини экологик туманлаштириш – комплекс экологик баҳолашни ўтказиш услугиятидан фойдаланиш ҳисобланади.

Услубиятга мувофиқ, ҳар бир худудий бирликни баҳолаш учун атроф табиий муҳит ҳолатини, аҳоли яшаш шароитларини, асосий табиий ресурслардан фойдаланиш хусусиятларини баҳолаш имконини берадиган асосий индикаторлар минимал эҳтимолий тўплами қўлланилади. Бунда асосий талаб – барча экологик индикаторлар бўйича кузатувлар бутун мамлакат ҳудудида ягона тизим бўйича тизимли амалга оширилиши шарт.

18 та экологик индикатор танланиб, улар икки тоифага: ўта ҳавфли ва ҳавфли тоифаларга бўлинган. Ўта ҳавфлилар тоифасига қўйидагилар:

- ер усти сувлари ифлосланиши (СИИ);
 - ер ости сувлари ифлосланиши (ЕОСИИ);
 - атмосфера ҳавоси ифлосланиши (АИИ);
 - тупроқнинг пестицидлар билан ифлосланиши (пестицидларни қўллаш);
 - истеъмол сувининг ГОСТ талабларига мувофиқ эмаслиги;
 - озиқ-овқат ҳом ашёсининг ГОСТ талабларига мувофиқ эмаслиги;
 - аҳолининг умумий касалланиши;
 - аҳолининг умумий ўлими;
 - болалар касалланиши (14 ёшгача бўлган болалар);
 - гўдаклар ўлими (1 ёшгача болалар) киритилган.
- Ҳавфлилар тоифасига:
- атмосфера ифлосланишининг иқлимий салоҳияти (ИИС);
 - худудларни сув босиши;
 - тупроқ сифати;
 - суғориладиган ерлар шўрланиши динамикаси;
 - яловларнинг таназзулга учраши;
 - 10 минг нафар аҳолига шифохона ўринлари сони;
 - хатарлилик эҳтимоли юқори экологик вазиятлар ва объектлар мавжудлиги киритилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди мавжуд экологик вазиятнинг мураккаблиги даражасидан келиб чиқиб (мураккаблик даражаси экологик индикаторларнинг салбий таъсир чегарасидаги меъёрлар ва экологик талаблардан четга чиқиш ўлчамлари бўйича белгиланади) қўйидаги зоналарга тақсимланган:

0 зона – қулай экологик вазиятли;

1 зона – критик экологик вазиятли;

2 зона – фавқулодда экологик вазиятли;

3 зона – экологик оғат (ҳалокатлар) зонаси.

Экологик меъёрлар кескин ошган, лекин фавқулодда тусга эга бўлмаган табиий экологик тизимлар ҳамжамияти тузилмасининг бузилиши, улар эколо-

гик ҳажмининг пасайиши, атроф табиий муҳит ифлосланишининг ўсиши қайд қилинган маъмурий туман ҳудуди (республика ёки вилоятга бўйсунган шаҳарлар) критик экологик вазиятли зона деб тан олинади.

Ишлаб чиқариш кучларининг тараққиёти биосферанинг ресурслар-иктисодий имкониятлари га мувофиқ бўлмаган ва табиий ресурслар таназзулга учраши билан ифодаланадиган танг, лекин тиклаш имкони бўлган экотизим ҳолати кузатиладиган маъмурий туман ҳудуди (республика ёки вилоятга бўйсунган шаҳарлар) фавқулодда экологик вазиятли зона деб қайд қилинади.

Табиий муҳит сифати қайтариб бўлмас даражада ўзгарган, экотизим бузилиши кузатиладиган маъмурий туман ҳудуди (республика ёки вилоятга бўйсунган шаҳарлар) экологик оғат (фалокатлар) зонаси деб тан олинади.

Кулай экологик вазиятли зона деб 1, 2 ва 3-экологик зоналарга кирмаган маъмурий туман ҳудуди (республика ёки вилоятга бўйсунган шаҳарлар) тан олинади.

Танланган индикаторлар бўйича ҳужжатларни умумлаштириш минтақалар бўйича экологик вазиятни баҳолаш имконини берди ва бунинг натижалари қўйида келтирилган.

Экологик вазиятни комплекс баҳолаш маълумотларининг кўрсатишича, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини камраб олган Оролбўйида энг танг экологик вазият вужудга келган.

Қорақалпоғистон Республикасида қулай экологик вазиятли зоналар умуман йўқ. 22 маъмурий тумандан атиги иккитаси (Бозатсу ва Шуманай туманлари) критик экологик вазиятли зонада жойлашган, бу ерда республика аҳолисининг атиги 4 фоизи яшайди, битта туман - 27,8 минг киши яшайдиган Мўйинек экологик оғат (фалокатлар) зонасига киритилган. Колган ҳудуд фавқулодда экологик вазиятли зонада жойлашган (58-жадвалга қаранг).

Экологик оғат ва фавқулодда экологик вазиятли зоналарга қўйидагилар хос: ер усти ва ер ости сувлари ифлосланишининг юқори даражаси, яъни талаб этилган меъёрлардан 1,5-2 баравар ортиқ, сув остида қолган суғориладиган ерларнинг катта солиштир-

58-жадвал. Қорақалпоғистон Республикасида экологик вазиятни комплекс баҳолаш натижалари

| Экологик зоналар | Ҳудуд, минг га | ш.ж. суғориладиган ерлар | Аҳоли, минг киши | Маъмурий туманлар сони, бирл. (республика ва вилоят тасарруфида-ги шаҳарлар) |
|--|----------------|--------------------------|------------------|--|
| 0 - қулай экологик вазиятли | - | - | - | - |
| 1 - критик экологик вазиятли | 308,3 | 58,7 | 59,2 | 2 |
| 2 - фавқулодда экологик вазиятли | 12116,3 | 436,7 | 1331,1 | 19 |
| 3 - экологик оғат | 3675,8 | 12,9 | 27,8 | 1 |
| Жами Қорақалпоғистон Республикаси бўйича | 16100,4 | 508,3 | 1418,1 | 22 |

ма оғирлиги ($>40\%$), тупроқлар сифатининг пастлиги (38 балл), сугориладиган ерлар шўрланишининг юқори суръати (ўртача ва кучли шўрланган ерлар майдони 2-3 баравар кўпайди), истеъмол суви сифатининг ГОСТ талабларига деярли тўлиқ (80 фоизга) мос эмаслиги, оқибатда умумий, болалар касалланиши ва гўдаклар ўлимининг энг юқори даражаси, яъни белгиланган меъёрлардан 1,5-2 баравар ортиклиги. Бу зоналарда барча экологик индикаторларнинг 70 фоиздан ортигининг кўрсаткичлари экологик меъёрлар ва талаблардан юқоридир. Экологик оғат зонаси фавқулодда экологик вазиятли зонадан экологик индикаторларнинг меъёрларга янада кўпроқ мувофиқ келмаслиги билан фарқланади.

Критик экологик вазиятли зонада экологик индикаторлар бўйича кўрсаткичларнинг қарийб 50% экологик талаб ва меъёрларга жавоб бермайди. Индикаторларнинг меъёрларга мувофиқ келмаслиги даражаси бу ерда пастроқ, лекин алоҳида индикаторлар бўйича ҳатто фавқулодда экологик вазиятли зоналарга нисбатан ҳам юқоридир. Масалан, Шуманай туманида сўнгги йилларда ўртача ва кучли шўрланган ерлар майдони 6 баравар кўпайди.

Хоразм вилоятида экологик оғат зонаси йўқ, қулай экологик зоналар (Питнак ш.) худуднинг тахминан 6 фоизини ташкил қиласи, холос, бу ерда ви-

лоят аҳолисининг атиги 3% яшайди.

Фавқулодда экологик вазиятли зонада 4 маъмурӣ туман (шаҳар) – Урганч, Хазорасп, Янгибозор туманлари ва Урганч ш. жойлашган. Қолган худуд критик экологик вазиятли зонада жойлашган (59-жадвалга қаранг).

Кулай экологик вазиятли зонада экологик индикаторларнинг фақат 30 фоизга яқини бўйича меъёрлар ва экологик талаблардан юқоридир. Критик ва фавқулодда экологик вазиятли зоналарда экологик индикаторларнинг меъёрлар ва экологик талаблардан четланиши даражаси Қорақалпоғистон Республикаси маълумотларига ўхшаш.

Ўзбекистон Республикасининг Навоий, Бухоро, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари кирган Марказий (Қизилқум) зонада экологик вазиятнинг танглиги умуман олганда Оролбўйидан пастроқдир. 6,6 млн. кишидан қарийб ярми – 49% кулай экологик вазиятли зонада, 46% критик экологик вазиятли зонада, атиги 5 фоизга яқини фавқулодда экологик вазиятли зонада яшайди. Бу зонага кирган вилоятлардан Навоий, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида экологик вазиятнинг танглиги энг юқоридир.

Навоий вилоятида 234 минг киши ёки бутун аҳолининг 36% фавқулодда экологик вазиятли зонада (Навбаҳор, Навоий туманлари ва Навоий ш.), 171

минг киши ёки бутун аҳолининг 23% кулай экологик вазиятли зонада ва 304 минг киши ёки 41% (қолган маъмурӣ туманлар, республика ва вилоят аҳамиятидаги шаҳарлар) критик экологик вазиятли зонада яшайди (60-жадвалга қаранг). Вилоят учун ер усти ва ер ости сувлари ифлосланишининг юқори даражаси, сугориладиган худуднинг сув боши ($>40\%$), истеъмол суви сифатининг ГОСТ талабларига мос эмаслиги ($30-40\%$ га), яйловларнинг таназзулга учраши (20-30 фоизни ташкил қиласи) хосдир, баъзи туман ва шаҳарларда умумий ва болалар касалланиши даражаси юкорилиги кузатилади.

59-жадвал. Хоразм вилоятида экологик вазиятни комплекс баҳолаш натижалари

| Экологик зоналар | Худуд, минг га | ш.ж. сугориладиган ерлар | Аҳоли, минг киши | Маъмурӣ туманлар сони, бирл. (レスpublika ва вилоят тасарруфида-ги шаҳарлар) |
|----------------------------------|----------------|--------------------------|------------------|--|
| 0 - қулай экологик вазиятли | 39,8 | 6,0 | 37,5 | 1 |
| 1 - критик экологик вазиятли | 429,6 | 181,0 | 753,6 | 8 |
| 2 - фавқулодда экологик вазиятли | 212,0 | 86,6 | 434,8 | 4 |
| 3 - экологик оғат | - | - | - | - |
| Жами Хоразм вилояти бўйича | 681,4 | 273,6 | 1225,9 | 13 |

60-жадвал. Навоий вилоятида экологик вазиятни комплекс баҳолаш натижалари

| Экологик зоналар | Худуд, минг га | ш.ж. сугориладиган ерлар | Аҳоли, минг киши | Маъмурӣ туманлар сони, бирл. (レスpublika ва вилоят тасарруфида-ги шаҳарлар) |
|----------------------------------|----------------|--------------------------|------------------|--|
| 0 - қулай экологик вазиятли | 2243,1 | 9,9 | 171 | 3 |
| 1 - критик экологик вазиятли | 8436,9 | 67,9 | 304,4 | 5 |
| 2 - фавқулодда экологик вазиятли | 257,4 | 46,3 | 272,8 | 3 |
| 3 - экологик оғат | - | - | - | - |
| Жами Навоий вилояти бўйича | 10937,4 | 1241,1 | 748,2 | 11 |

61-жадвал. Бухоро вилоятида экологик вазиятни комплекс баҳолаш натижалари

| Экологик зоналар | Худуд, минг га | ш.ж. сүғориладиган ерлар | Аҳоли, минг киши | Маъмурий туманлар сони, бирл. (республика ва вилоят тасарруфида-ги шаҳарлар) |
|----------------------------------|----------------|--------------------------|------------------|--|
| 0 - қулай экологик вазиятли | 2647,7 | 167,3 | 547,9 | 7 |
| 1 - критик экологик вазиятли | 1545,1 | 107,1 | 756,2 | 6 |
| 2 - фавқулодда экологик вазиятли | 0,6 | 0,1 | 35,8 | 1 |
| 3 - экологик оғат | - | - | - | - |
| Жами Бухоро вилояти бўйича | 4193,4 | 274,5 | 1339,9 | 14 |

62-жадвал. Самарқанд вилоятида экологик вазиятни комплекс баҳолаш натижалари

| Экологик зоналар | Худуд, минг га | ш.ж. сүғориладиган ерлар | Аҳоли, минг киши | Маъмурий туманлар сони, бирл. (республика ва вилоят тасарруфида-ги шаҳарлар) |
|----------------------------------|----------------|--------------------------|------------------|--|
| 0 - қулай экологик вазиятли | 560,1 | 161,4 | 916,6 | 9 |
| 1 - критик экологик вазиятли | 1107,0 | 211,7 | 1572,2 | 11 |
| 2 - фавқулодда экологик вазиятли | - | - | - | - |
| 3 - экологик оғат | - | - | - | - |
| Жами Самарқанд вилояти бўйича | 1677,1 | 373,1 | 2488,6 | 20 |

63-жадвал. Қашқадарё вилоятида экологик вазиятни комплекс баҳолаш натижалари

| Экологик зоналар | Худуд, минг га | ш.ж. сүғориладиган ерлар | Аҳоли, минг киши | Маъмурий туманлар сони, бирл. (республика ва вилоят тасарруфида-ги шаҳарлар) |
|----------------------------------|----------------|--------------------------|------------------|--|
| 0 - қулай экологик вазиятли | 2197,3 | 393,8 | 1587,5 | 13 |
| 1 - критик экологик вазиятли | 655,5 | 109,9 | 387,7 | 3 |
| 2 - фавқулодда экологик вазиятли | - | - | - | - |
| 3 - экологик оғат | - | - | - | - |
| Жами Қашқадарё вилояти бўйича | 2852,8 | 503,7 | 1975,2 | 18 |

Бухоро вилоятида фавқулодда экологик вазиятли зонада Ғиждувон шаҳри жойлашган, унда вилоят аҳолисининг 2,7% яшайди, критик экологик вазиятли зонада етти маъмурий туман (шаҳар): Олот, Бухоро, Ғиждувон, Қоракўл туманлари, Бухоро ва Когон шаҳарлари жойлашган, унда 756 минг киши (вилоят аҳолисининг 56%), қулай экологик вазиятли зо-

Челак туманлари, Оқтош ва Самарқанд шаҳарлари. Аҳолининг қолган 47% қулай экологик вазиятли зонада истиқомат киласди. Фавқулодда экологик вазиятли ва экологик оғат зоналари вилоядта йўқ (62-жадвалга қаранг).

Критик экологик вазиятли зоналарга ер усти ва ер ости сувлари ифлосланишининг юқори даражаси

нада қолган 7 та маъмурий туман (республика ёки вилоят аҳамиятидаги шаҳарлар) жойлашган, унда 548 минг киши яшайди (61-жадвалга қаранг).

Бухоро вилояти критик ва фавқулодда экологик вазиятли зоналари учун ер усти ва ер ости сувлари ифлосланишининг юқори даражаси, сүғориладиган худудлар сув босишининг юқори даражаси (25-30%), истеъмол суви сифатининг пастлиги, у стандартлар талабларига 70-100 физига жавоб бермайди, яйловларнинг таназзулга учраши (20-40% ва ундан юқори) хосдир, умумий ва болалар касалланиши даражаси юқорилиги кайд этилади.

Кулай экологик вазиятли зонада жойлашган маъмурий туманларда ҳам истеъмол суви сифатининг пастлигини (50-80% ГОСТ талабларига жавоб бермайди) таъкидлаш жоиз.

Самарқанд вилоятида аҳолининг 63% критик экологик вазиятли зонада яшайди, унга 11 та маъмурий туман (шаҳар) киради: Иштиҳон, Каттақўрон, Нарпай, Нурабод, Пайариқ, Постдарғом, Пахтачи, Самарқанд,

(СИИ 4 дан 8 гача, ЕОСИИ 1,9 дан 2,7 гача оралиқда), супориладиган худуднинг сув босиши (20-40%), атмосфера ҳавоси ифлосланишининг юқори даражаси (АИИ - 10), истеъмол суви сифатининг пастлиги, зеро, Иштихон, Каттакўргон туманлари ва Оқтош шаҳрида сув 90-100 фоизга стандарт талабларига жавоб бермайди. Вилоят худудининг аксарият кисмида пестицидлардан фойдаланиш улуши юқорилиги (бир гектар ишлов берилган ерга), озикковкат хом ашёси сифатининг меъёрлар талабларига 30-50 фоизга жавоб бермаслиги, умумий ва болалар касалланиши даражасининг юқорилиги кузатилади.

Қашқадарё вилоятида критик экологик вазиятли зонага Касби, Муборак ва Чироқчи туманлари киради, бу ерда вилоят ахолисининг қарийб 20%, қолган 80% қулай экологик вазиятли зонада яшайди (63-жадвалга қаранг). Вилоят учун ер усти ва ер ости сувлари ифлосланишининг юқори даражаси (Дехқонбод, Китоб, Усмон Юсупов, Шахрисабз, Яккабог туманлари ва Шахрисабз ш.), Қарши ш. ва Муборак туманида атмосфера ҳавоси ифлосланишининг юқори даражаси, Қарши ва Косон туманларида сугориладиган ерларнинг тез суръатларда шўрланиши, Касби туманида истеъмол суви сифатининг стандарт талабларига 7 фоизга мувофиқ эмаслиги хосдир.

Республиканинг жануби-шарқий (тогоғолди) зонасида, яъни бу зонага кирадиган Тошкент (шу жумладан, Тошкент ш.), Сирдарё, Жиззах, Фарғона ва Сурхондарё вилоятларида экологик вазият умуман олганда энг қулай, лекин бу ерда ҳам алоҳида экологик танг минтақалар мавжуд. 13,8 млн. кишидан 55% қулай экологик вазиятли зонада, 34% критик экологик вазиятли зонада ва тахминан 5 фоизга яқинигина фавқулодда экологик вазиятли зонада яшайди. Экологик оғат зонаси мавжуд эмас.

Бу зонага кирадиган вилоятлардан Фарғона ва Сурхондарё вилоятларида энг танг экологик холат вужудга келган.

64-жадвал. Фарғона вилоятида экологик вазиятни комплекс баҳолаш натижалари

| Экологик зоналар | Худуд, минг га | ш.ж. супориладиган ерлар | Аҳоли, минг киши | Маъмурый туманлар сони, бирл. (республика ва вилоят тасарруфида-ги шаҳарлар) |
|----------------------------------|----------------|--------------------------|------------------|--|
| 0 - қулай экологик вазиятли | 126,1 | 66,0 | 323,4 | 3 |
| 1 - критик экологик вазиятли | 510,0 | 245,3 | 1703,6 | 14 |
| 2 - фавқулодда экологик вазиятли | 101,6 | 46,7 | 472,5 | 3 |
| 3 - экологик оғат | - | - | - | - |
| Жами Фарғона вилояти бўйича | 737,7 | 358,0 | 2499,5 | 20 |

65-жадвал. Сурхондарё вилоятида экологик вазиятни комплекс баҳолаш натижалари

| Экологик зоналар | Худуд, минг га | ш.ж. супориладиган ерлар | Аҳоли, минг киши | Маъмурый туманлар сони, бирл. (республика ва вилоят тасарруфида-ги шаҳарлар) |
|----------------------------------|----------------|--------------------------|------------------|--|
| 0 - қулай экологик вазиятли | 1194,4 | 152,1 | 870,9 | 9 |
| 1 - критик экологик вазиятли | 688,6 | 117,9 | 559,0 | 5 |
| 2 - фавқулодда экологик вазиятли | 177,1 | 59,9 | 152,1 | 2 |
| 3 - экологик оғат | - | - | - | - |
| Жами Сурхондарё вилояти бўйича | 2060,1 | 329,9 | 1582,0 | 16 |

Фарғона вилояти ахолисининг асосий кисми (68%) критик экологик вазиятли зонада, 19% фавқулодда экологик вазиятли зонада ва атиги 13% қулай экологик вазиятли зонада яшайди. Фавқулодда экологик вазиятли зонага Риштон, Тошлок туманлари ва Фарғона ш. кирган. Қулай экологик вазиятли зона-да Дангарга, Учқўприк ва Ёзёвон туманлари жойлашган (64-жадвалга қаранг).

Фарғона вилояти учун (айниқса фавқулодда экологик вазиятли зона учун) атмосфера ифлосланишининг юқори иклимий потенциали хосдир. Охунбобоев, Тошлок, Фарғона туманлари ва Кувасой, Кўкон, Фарғона, Марғилон шаҳарларида худудлар сув бошишининг юқори даражаси (30-40% ва ундан ортиқ), атмосфера ҳавоси ифлосланишининг юқори дара-жаси кузатилади (АИИ 10-12 ни ташкил қилади), тупроқларнинг пестицидлар билан ифлосланиши юқори даражаси (Бувайд, Бешарик, Учқўприк, Ёзёвон туманлари ва Кўкон шаҳридан ташқари), 50-85% истеъмол сувининг стандартлар талабларига мувофиқ эмаслиги кузатилади.

Сурхондарё вилоятида фавқулодда экологик вазиятли зонада Музробод ва Термиз туманлари жойлашган, бу ерда вилоят ахолисининг тахминан 10% яшайди. Критик экологик вазиятли зонага Ангор, Жарқўрғон, Кумқўрғон, Шеробод туманлари ва Тер-

66-жадвал. Андижон вилоятида экологик вазиятни комплекс баҳолаш натижалари

| Экологик зоналар | Худуд, минг га | ш.ж. сүғори-ладиган ерлар | Аҳоли, минг киши | Маъмурий туманлар сони, бирл. (республика ва вилоят тасарруфида-ги шаҳарлар) |
|----------------------------------|----------------|---------------------------|------------------|--|
| 0 - қулай экологик вазиятли | 180,3 | 116,3 | 1108,1 | 10 |
| 1 - критик экологик вазиятли | 244,7 | 164,8 | 932,2 | 9 |
| 2 - фавқулодда экологик вазиятли | - | - | - | - |
| 3 - экологик оғат | - | - | - | - |
| Жами Андижон вилояти бўйича | 425,0 | 281,1 | 2040,3 | 19 |

67-жадвал. Наманган вилоятида экологик вазиятни комплекс баҳолаш натижалари

| Экологик зоналар | Худуд, минг га | ш.ж. сүғори-ладиган ерлар | Аҳоли, минг киши | Маъмурий туманлар сони, бирл. (республика ва вилоят тасарруфида-ги шаҳарлар) |
|----------------------------------|----------------|---------------------------|------------------|--|
| 0 - қулай экологик вазиятли | 566,6 | 200,9 | 1064,3 | 13 |
| 1 - критик экологик вазиятли | 128,2 | 76,8 | 722,1 | 4 |
| 2 - фавқулодда экологик вазиятли | - | - | - | - |
| 3 - экологик оғат | - | - | - | - |
| Жами Наманган вилояти бўйича | 694,8 | 277,7 | 1786,4 | 17 |

68-жадвал. Сирдарё вилоятида экологик вазиятни комплекс баҳолаш натижалари

| Экологик зоналар | Худуд, минг га | ш.ж. сүғори-ладиган ерлар | Аҳоли, минг киши | Маъмурий туманлар сони, бирл. (республика ва вилоят тасарруфида-ги шаҳарлар) |
|----------------------------------|----------------|---------------------------|------------------|--|
| 0 - қулай экологик вазиятли | 200,9 | 126,1 | 335,7 | 8 |
| 1 - критик экологик вазиятли | 298,9 | 172,7 | 298,2 | 6 |
| 2 - фавқулодда экологик вазиятли | - | - | - | - |
| 3 - экологик оғат | - | - | - | - |
| Жами Сирдарё вилояти бўйича | 499,8 | 298,7 | 633,9 | 14 |

миз ш. киради, бу ерда вилоят аҳолисининг 35% яшайди (65-жадвалга қаранг).

Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, Сурхондарё вилоятига тупроқнинг пестицидлар билан ифлосла-ниш даражаси юқорилиги, Ангор, Музробод, Термиз (30-60 фоизга) ва Шеробод туманларида (88%) истеъ-мол сувининг стандартлар талабларига мувофиқ эмас-

лиги, қўпчилик туманларда гўдаклар ўлимининг юқори даражадалиги хос.

Андижон вилоятида критик экологик вазиятли зонада Олтинкўл, Булокбoshi, Кўрғонтепа, Марҳамат, Пахтаобод, Улуғнор туманлари ва Қорасув ш. жойлашган, бу ерда вилоят аҳолининг 46% яшайди, қулай экологик вазиятли зонада эса қолган 9 маъмурий туман жойлашган, бу ерда аҳолининг 54% яшайди (66-жадвалга қаранг). Андижон вилояти учун атмосфера ифлосланиши иқлимий салоҳиятининг юқорилиги, худудларни сув босиш даражасининг юқорилиги (30-40% ва ундан ортиқ), тупроқлар пестицидлар билан ифлосланишининг юқори даражаси, Андижон, Булокбoshi, Улуғнор, Кўрғонтепа, Марҳамат туманларида истеъмол суви сифати 30-40 фоизга стандартлар талабларига жавоб бермайди.

Наманган вилоятида критик экологик вазиятли зонада Мингбулоқ, Наманган, Тўракўргон туманлари ва Наманган ш. жойлашган,

бу ерда вилоят аҳолисининг 40% яшайди, қолган 13 маъмурий туман (шаҳар) қулай экологик вазиятли зонада жойлашган ва бу ерда аҳолининг 60% яшайди (67-жадвалга қаранг).

Намаган вилояти учун атмосфера ифлосланишининг юқори иқлимий салоҳияти (ИИС 2,9-3,7),

Мингбулоқ, Наманган, Поп, Тўракўрғон туманлари ва Наманган шаҳрида худудларни сув босишининг юкори даражаси (40 фоиздан ортиқ), ишлов берилган майдонларда пестицидлардан фойдаланишнинг юкори улуши (15-19 кг/га), Наманган, Уйчи, Учкўрғон туманлари, Наманган ва Учкўрғон шаҳарларида 30-40%, Наманган туманида эса 100%га истеъмол суви сифати стандарт талабларига жавоб бермайди.

Сирдарё вилоятида критик экологик вазиятли зонада Оқолтин, Гулистон, Мехнатобод, Ховост, Ш.Рашидов туманлари ва Гулистан ш. жойлашган, бу ерда вилоят аҳолисининг 47% яшайди, қолган 8 та маъмурый туман (шаҳар) қулай экологик вазиятли зонада жойлашган (68-жадвалга каранг).

Вилоят учун худудларни сув босиши юкори даражаси (30%), Оқолтин, Мехнатобод, Рашидов туманларида ер ости сувларининг юкори ифлосланиш даражаси (ЕОСИИ – 2,1), Мехнатобод туманида тупроқнинг сифати паст (тупроқ балл-бонитети – 33,4), сугориладиган тупроқнинг тез суръатларда шўрланиши хосдир. Боёвут, Рашидов, Сирдарё туманларида сўнгги 20-25 йилда ўртача ва кучли шўрланган ерлар 1,5-4 баравар кўпайди, Гулистан, Ховос туманлари ва Гулистан, Янгиер шаҳарларида истеъмол сувининг сифати паст – 40-100%га стандартлар талабларига мувофиқ келмайди.

Жиззах вилоятида критик экологик вазиятли зонада Арнасой, Бахмал, Зомин, Мирзачўл ва Пахтакор туманлари жойлашган, бу ерда вилоят аҳолисининг 37% яшайди, қолган 7 маъмурый туман (шаҳар) қулай экологик вазиятли зонада жойлашган (69-жадвалга каранг).

Жиззах вилояти учун Арнасой, Мирзачўл Пахтакор туманларида ер ости ва ер усти сувлари, Дўстлик, Зарбор туманларида ер ости сувлари ифлосланиш даражасининг юкорилиги, Жиззах, Зомин, Мирзачўл,

69-жадвал. Жиззах вилоятида экологик вазиятни комплекс баҳолаш натижалари

| Экологик зоналар | Худуд, минг га | ш.ж. сугориладиган ерлар | Аҳоли, минг киши | Маъмурый туманлар сони, бирл. (республика ва вилоят тасарруфидағи шаҳарлар) |
|----------------------------------|----------------|--------------------------|------------------|---|
| 0 - қулай экологик вазиятли | 1455,7 | 152,9 | 557,7 | 7 |
| 1 - критик экологик вазиятли | 593,4 | 140,5 | 333,2 | 5 |
| 2 - фавқулодда экологик вазиятли | - | - | - | - |
| 3 - экологик оғат | - | - | - | - |
| Жами Жиззах вилояти бўйича | 2049,1 | 293,4 | 890,9 | 12 |

70-жадвал. Тошкент вилоятида (Тошкент ш. ҳам киради) экологик вазиятни комплекс баҳолаш натижалари

| Экологик зоналар | Худуд, минг га | ш.ж. сугориладиган ерлар | Аҳоли, минг киши | Маъмурый туманлар сони, бирл. (республика ва вилоят тасарруфидағи шаҳарлар) |
|----------------------------------|----------------|--------------------------|------------------|---|
| 0 - қулай экологик вазиятли | 410,5 | 207,0 | 3336,3 | 12 |
| 1 - критик экологик вазиятли | 1133,4 | 191,4 | 1041,4 | 10 |
| 2 - фавқулодда экологик вазиятли | - | - | - | - |
| 3 - экологик оғат | - | - | - | - |
| Жами Тошкент вилояти бўйича | 1543,9 | 398,4 | 4377,7 | 22 |

Пахтакор туманларида сугориладиган ерлар тез суръатларда шўрланиши (кучли ва ўртача шўрланган ерлар майдони 2-3 баравар ошди) хосдир. Бахмал, Зифаробод, Пахтакор туманларида истеъмол суви сифати стандартлар талабларига 40-60 фоизга мос келмайди.

Тошкент вилоятида (жумладан, Тошкент ш.) критик экологик вазиятли зонада Оҳангарон, Бўстонлиқ, Бўка, Кўйи Чирчик, Паркент, Юқори Чирчик, Янгийўл туманлари ва Ангрен, Янгиобод ва Оҳангарон шаҳарлари жойлашган, бу ерда вилоят аҳолисининг 24% яшайди, қолган 12 та маъмурый туман (шаҳар) қулай экологик вазиятли зонада жойлашган (70-жадвалга каранг).

Тошкент вилояти учун қуйидагилар хос: Зангиота, Кўйи Чирчик, Янгийўл туманлари, Янгийўл шаҳрида ер усти сувлари, Юқори Чирчик тумани, Ангрен ва Янгиобод шаҳарларида ер ости сувлари ифлосланишининг юкори даражадалиги. Оқкўрғон, Бўка, Зангиота, Пскент, Чиноз, Юқори Чирчик туманларида атмосфера ифлосланишининг юкори иклимий салоҳияти (ИИС 3,6), Кўйи Чирчик, Ўрта Чирчик, Юқори Чирчик туманлари ва Ангрен шаҳрида сугориладиган худуднинг 35-40% сув босган, Оҳангарон, Пскент туманлари, Олмалиқ, Оҳангарон шаҳарларида атмосфера хавосининг ортиқча ифлос-

71-жадвал. Ўзбекистон Республикасида экологик вазиятни комплекс баҳолашнинг солишишма натижалари

| Экологик зоналар | Худуд, минг га | ш.ж. суғори-ладиган ерлар | Аҳоли, минг киши | Маъмурий туманлар сони, бирл. (республика ва вилоят тасару-фидаги шаҳарлар) |
|--|-----------------------|----------------------------------|-------------------------|--|
| 0 - қулай экологик вазиятли | 11,8 | 1,6 | 10,8 | 95 |
| 1 - критик экологик вазиятли | 16,1 | 1,8 | 9,4 | 89 |
| 2 - фавқулодда экологик вазиятли | 12,9 | 0,7 | 2,8 | 32 |
| 3 - экологик оғат | 3,7 | 12,9 минг га | 27,8 минг киши | 1 |
| Жами Ўзбекистон Республикаси бўйича | 44,5 | 4,3 | 23,0 | 217 |

ланганлиги (АИИ – 10-12), Бўка, Куйи Чирчик, Паркент, Пскент, Чиноз туманларида истеъмол суви сифати 40-60 фоизга стандарт талабларига мос эмаслиги, Ўрта Чирчик, Зангиота, Қибрай, Тошкент туманлари, Олмалиқ, Ангрен, Бекобод, Тошкент, Чирчик, Янгиобод шаҳарларида умумий ва айниқса болалар касалланиши даражаси юкорилиги, Куйичирчик, Ўрта Чирчик туманлари, Олмалиқ, Бекобод, Тошкент ва айниқса Янгиобод шаҳарларида умумий ўлим даражаси юкорилиги қайд қилинган.

Ўзбекистон Республикаси бўйича умуман олганда экологик вазиятни комплекс баҳолаш солишишма натижалари 71-жадвалда келтирилган.

Комплекс баҳолаш маълумотларига кўра, экологик оғат зонасида Ўзбекистон Республикаси худудининг 8% жойлашган, унда мамлакат аҳолисининг 0,1% яшайди, фавқулодда экологик вазиятли зонада 29% худуд жойлашган, унда аҳолининг 12% яшайди. Критик экологик вазиятли зонада мамлакат худудининг 37% жойлашган, унда аҳолининг 41% яшайди, қулай экологик вазиятли зонада эса мамлакат худудининг 26% жойлашган, унда бутун аҳолининг 47% истикомат қиласди.

Шу тариқа тизимли кузатувлар олиб бориладиган танланган экологик индикаторлар билан экологик вазиятни баҳолаш ёндашувининг кўлланилиши умуман мамлакат ва унинг алоҳида минтақалари бўйича экологик вазиятни ягона тизим бўйича комплекс баҳолаш, шунингдек республиканинг энг экологик танг минтақаларини (танг экологик нуктalarни) аниqlаш имконини берди.

Экологик ҳолатнинг умумий баҳоси

Республика бўйича атмосферага ифлослантирувчи моддалар ташланиши умумий ҳажми 2002 йилга нисбатан 2006 йилда 9 фоизга қискарди (187 минг т), саноат корхоналари сони улар ташланмалари жадаллигининг қискариши бўйича 26 тадан 21 тагача камайди. Асосан ифлослантирувчи манбалар жамланган шаҳарлар ва йирик аҳоли шоҳобчаларида атмосфера ҳавоси ифлосланишининг даражаси сезиларли камайди. Атмосфера ҳавоси ифлосланиши

даражаси белгиланган меъёрлардан ортиқ бўлган шаҳарлар сони қискарди. Агар 2004 йилда ифлосланиш даражаси меъёрдан ортиқ ва юқори бўлган шаҳарларда 2670 минг киши (ёки шаҳар аҳолисининг 54%дан ортиғи) яшаган бўлса, 2006 йилга келиб атиги 515 минг киши (ёки атиги 10,4%) яшаган.

Умуман олганда республика бўйича радиациявий ҳолат барқарорлигича қолди ва белгиланган даражалардан ошмади.

Амударё ва Сирдарё дарёлари ҳавзаларининг сувлилиги ўртacha кўп йиллик кўрсаткичлардан ортиқ бўлди, айниқса, Амударё ҳавзаси 2005 йилда янада кўп сувли бўлди, Амударёнинг баланд қисмида (Туманьюн тор дарасида) ўртacha йиллик сарфи ўртacha кўп йиллик оқимдан 3,3 баравар, пастки қисмида (Нукус ш.) 1,1 бараварга ошди. Сирдарё ҳавзаси бўйича ўртacha йиллик сув сарфи ҳам ўртacha кўп йилликдан 20-30 фоизга кўп бўлди.

Амударё ва Сирдарё ҳавзалари ер усти сувларининг ифлосланиш даражаси нисбатан паст бўлди. Сув ифлосланиши даражаси (СИИ) 0,5-2,1 оралиғида сақланди, бу сув сифатининг II, II-III, III синфида мос келади. Одатда у сув оқимининг қуий қисмига бориб кўтарилди. Таъкидлаш жоизки, умуман олганда, ифлосланиш даражаси 2005 йилда 2006 йилга нисбатан бироз пастроқ бўлди. Бунинг сабабларидан бири сувлилик даражасининг турлича бўлганлигига (2005 йил сувлирок келди). Энг ифлосланган сув объектлари сифатида Салар канали (Тошкент ва Янгиўл шаҳарлари) ва Самарқанддаги Сиоб коллектори қолди, зеро, Сиоб коллекторида СИИ барқарор 2,1 даражасида сақланиб қолмоқда (сув сифатининг IV синфи), Салар каналида эса ифлосланиш даражаси 2005 йилдаги 3,8 дан 2006 йилда 4,5 даражасигача (сув сифатининг V синфи) кўтарилди. Сув оқимларидаги биоценозларнинг экологик ҳолати, асосан, қониқарли бўлди, Салар канали бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси бўйича чучук ва шўрланган ер ости сувларининг минтақавий башоратли эксплуатация заҳиралари $63986,53 \text{ м}^3/\text{сут}$ ни ташкил қиласди, шундан 40,4%ни 1 г/л гача минераллашган ва 12%ни 5 г/л гача ва ундан юкори минераллашган. Минтақалар бўйича ер ости сувлари миқдори ва улар ифлосланиш даражаси турличадир. Андижон, Наманган, Самарқанд ва Тошкент вилоятларидаги ер ости сувлари нисбатан яхши сифатли бўлиб, асосан, қониқарли бўлди.

сан, O'zDSt 950:2000 «Истеъмол суви» давлат стандарти талабларида жавоб беради. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида ер ости сувларининг сифати паст ва ифлосланиш даражаси юқорилиги қайд қилинди. Бу худудларда, одатда, сув сифати меъёрий талабларга жавоб бермайди. Жиззах, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида ер ости сувлари сифати ва уларнинг ифлосланиши даражаси ўткинчи холатда сақланиб қолмокда. Умуман Ўзбекистон Республикаси бўйича истеъмол сувининг сифати 2002 йилдан 2006 йилгача сезиларли ўзгармади. 2006 йилда «нонстандарт» (санитар меъёларига жавоб бермайдиган) синовлар улуши ўртacha мамлакат бўйича кўидагиларни ташкил қилди:

истеъмол сув таъминоти ва рекреация учун ишлатиладиган I ва II тоифали сув ҳавзалари бўйича – кимёвий кўрсаткичларга кўра 18,7% ва бактериологик кўрсаткичлар бўйича 11%;

коммунал сув тармоқларида – тегишли равишда 15,1% ва 6%;

қишлоқ ва идоравий сув тармоқларида – тегишли равишда 11,7% ва 7,5%.

Сув оқимлари ва сув узатиш тармоқларида сувнинг нисбатан яхши сифати Андижон, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятларида; ёмон сифатли, кимёвий ва бактериологик кўрсаткичлари бўйича санитар талабларига жавоб бермайдиган сув сифати Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Хоразм вилоятларида кузатилди.

Истеъмол сувининг сифати пастилиги, айниқса унинг минераллашуви юқорилиги ва қаттиклиги сафрошибли ва буйрактошибли касалликлар билан касалланишнинг асосий сабабларидан бири саналади. Сўнгги ўн йилликда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Бухоро вилоятларида бу касалликлар билан касалланиш бир неча баравар кўпайди.

Сифатсиз истеъмол суви шунингдек бошқа қатор касалликлар турлари, масалан, А вирусли гепатитига олиб келиши мумкин, унинг ўсиши олтита маъмурий худудда қайд қилинди. Эпидемик жараённинг энг фаоллиги Сирдарё, Навоий ва Бухоро вилоятларида кузатилди.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси бўйича 1.01.2007 йил холатига кўра, 2003 йилга нисбатан сугориладиган ерлар умумий майдони 19,7 минг га ёки 0,5 фоизга кўпайди. Майдоннинг кам ўсиши шу билан изоҳланадики, сугориладиган ерлар фонди трансчегаравий оқимлар сув ресурслари билан чекланади, шунинг учун бу шароитда мавжуд сугориладиган фонддан оқилона ва унумли фойдаланиш масалалари долзарб ва муҳим аҳамият қасб этади.

Шу билан бирга, бутун сугориладиган фонднинг 77 фоизини ташкил қиласидиган сугориладиган шудгорлардан кишлоқ хўжалиги экинлари учун етарлича фойдаланилмаяпти. 2005-2006 йилларда ҳар йили турли сабабларга кўра қарийб 400 минг га ёки 11 фоиздан ортиги экин учун фойдаланилмади. Қорақалпоғистон Республикасида – тахминан 50%, Қашқадарё – 20%, Сирдарё – 12%, Хоразм вилоятларида – 10% шудгорлардан энг кўп фойдаланилмаган.

Тупроқ ифлосланиши даражасининг пасайиши тамоили давом этмоқда. ГХЦГ қолдиқ миқдорлари, фосфорорганик ва бошка пестицидлар билан ифлосланиш барча ерда РЭЧУдан ортиқ бўлмади, тупроқларнинг ДДТ билан ифлосланиши даражаси пасайди, у ўртacha мамлакат бўйича 0,7-0,8 РЭЧУни ташкил киласи, факат Андижон вилоятида 2,8 РЭЧУ, Фарғона вилоятида 2,2 РЭЧУга етади.

Атроф-мухит ифлосланиши манбаларини мониторинг килиш натижаларига кўра, 2002-2006 йилларда мамлакатда умумий экологик холатнинг барқарорлашиши ва яхшиланиши жараёни давом этмоқда, лекин минтақавий даражада бу бир хил соидир бўлмаяпти.

Таъкидлаш жоизки, атроф-мухит ифлосланиши тобора локал (нуктали) тусга эга бўлиб, одатда, ифлосланиш ареали ифлосланиш манбаларига яқин ерларда жойлашган ва худудий жиҳатдан чегараланган.

Умуман олганда, Жиззах, Наманган, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида энг кулай экологик вазият, Андижон, Қашқадарё, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятларида ва Тошкент шаҳрида ўзгарувчан, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Навоий вилоятларида нисбатан танг экологик вазият вужудга келди.

XI. Табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар

11.1 Кўчки ва сел-тошқин ҳодисалари

Ўзбекистон Республикаси худудининг иқлимий ва геологик-географик хусусиятлари, шунингдек иқтисодиёт тармоқлари инфратузилмаси фавқулодда вазиятларнинг кенг доираси рўй беришининг эҳтимолини келтириб чиқаради.

Табиий оғатлар (зилзила, сел-тошқин, кор кўчиши, кўчкilar ва бошқалар) хавфлари биноларнинг сейсмик хотурғунилиги ва барқарор эмаслиги, одамларнинг оммавий яшаш жойларини хавфли худудларда жойлаштириш билан биргаликда табиий тусдаги фавқулодда вазиятлар рўй берганда кўплаб курбонлар ва катта моддий заарларга олиб келиши мумкин.

Катта қисми сейсмик хавфли зоналарда жойлашган йирик сув омборларида юз бериши мумкин бўлган фалокатлар аҳоли ва республика худудлари учун катта хавф уйғотади.

Қатор вилоятлар худудларида ўта хавфли ва карантин инфекцияларнинг табиий ўчоқлари мавжуд. Заҳарли кимёвий моддалар кўмиш жойлари ва радиоактив чиқиндиларни сақлаш жойларининг ҳолати уларга белгиланган санитария-меъёр талабларига жавоб бермайди.

Белгиланган меъёрлардан кўпроқ эскирган асобобускуналар эвазига фаолият юритаётган қатор объектларда портловчи, кимёвий, радиациявий, ённинга хавфли ишлаб чиқаришлар, тарқоқ транспорт ва коммуникация тармоқларининг мавжудлиги техноген фалокат ва оғатлар манбаи ҳисобланади ва бу техноген тусдаги эҳтимолий фавқулодда вазиятлар хавфининг юкори даражада эканлигини белгилаб беради.

Юз бериши мумкин бўлган трансчегарий фавқулодда вазиятлар манбалари кўйидагилар бўлиши мумкин:

- кучли зилзилалар ўчоқлари, сел-тошқин хавфи мавжуд бўлган ерлар ва чегараға яқин ерлардаги баланд тоғ кўллари тўғони бузилиш хавфи;

- гидротехник қурилмалардаги фалокатлар ва йирик сув омборлари тўғонларининг ёрилиши ҳоллари, натижада кенг майдондаги чегараолди худудларни, шу жумладан аҳоли яшаш жойларини сув босиши хавфи вужудга келади;

- Қирғизистон ва Тожикистон худудидаги чегараолди зоналарда радиоактив ва кимёвий хавфли бўлган чиқиндиҳоналар ва таркибида кимёвий модда бўлган тоғ жинслари уюмлари, дарё ва атмосфера га кучли таъсир қилувчи заҳарли моддаларнинг ташланиши;

- Сарез кўли тўғонининг бузилиши натижасида фалокатли сел-тошқин оқими;

- қўшни давлатлардан хавфли инфекциялар кўзғатувчиларнинг (ўтиши) олиб кирилиши.

Ҳозирги пайтда республиканинг тоғли ва тоғолди зоналарида сел хавфи бор майдонлар қарийб

46 минг кв. км ни ташкил қилади. 1040 та катта ва кичик сув оқимларида сел хавфи мавжуд.

Хавфлар баланд тоғли зоналарда музли кўлларнинг ёрилиши ва қор уюмлари кўчиши билан ҳам боғлиқ.

Мусибатли оқибатларга олиб келадиган сел-тошқин ҳолатлари Фарғона водийси, шунингдек Амударё ва Сирдарё ҳавзаси тоғли ва тоғолди зоналарига хосдир.

Хавфли гидрометеорологик ҳолатларни кузатиш тизими, экстремал вазиятлар рўй бериши вақтини башорат қилиш ва тегишли чора-тадбирлар кўриш усусларини ишлаб чиқиш зарурати қўйидагиларни талаб қилади:

- сел оқимлари, тошқинлар, қор уюмлари кўчиши ва тўғони бузиш хавфи бўлган кўлларни кузатиш тармоғини ташкил қилиш;

- ердан, аэрокузатув ва сунъий йўлдош орқали кузатиш тармоқларини ривожлантириш;

- хавфли гидрометеорологик ҳолатларни башорат қилиш усусларини ишлаб чиқиш;

- трансчегарий оқимлар ҳолати ва тупрок, атмосфера ҳавоси ва ер усти сувлари ифлосланишини баҳолаш;

- замонавий ахборот технологиялари ва юқори сифатли аэрокосмик суратга олиш материаллари асосида ерларни мониторинг қилишини ташкил этиш;

- ҳаракатдаги селга ва тошқинга карши химоялаш тизимларининг тиклаш ва янгиларини куриш;

- юз бериши мумкин бўлган хавфли гидрометеорологик ҳолатлар ҳақида олдиндан хабар бериш тизимларни ташкил қилиш ва уларни бошқарадиган қоидаларни ишлаб чиқиш, шунингдек бу борада (жумладан, халқаро миқёсда) ўзаро ҳаракатлар тизимларини тақомиллаштириш.

Республиканинг тоғли ва тоғолди зоналарида кўчиш-ўпирлиш жараёнлари 15 минг кв. км дан ортиқ майдонда ривожланади, бу ерда 400 дан ортиқ аҳоли яшаш жойлари ва бошқа объектлар (йўллар ва каналлар участкалари, дам олиш зоналари, тоғ кон саноати корхоналари) жойлашган. Ҳар йили турли миқёсдаги юзлаб кўчкilar фаоллашади ва янгидан шаклланади. Ушбу хавфли геологик жараёнларнинг хавфи туфайли хавфли зоналардан бехатар жойларга юзлаб хўжаликларда яшовчи одамларни доимий кўчириш, йўлларда ҳаракатни вақтинчалик чеклаш, зарар кўрган коммуникация линияларини тиклаш ва х.к. зарурати вужудга келади.

Хавфли геологик жараёнлар билан боғлиқ хавфларни мониторинг қилиш, башоратлаш ва огоҳлантириш тизимини ташкил қилиш қўйидагиларни тақозо этади:

- хавфли геологик жараёнларни кузатишнинг картографик маълумотлари банкини яратиш;

- назорат ва хабардор қилишнинг ердаги тизимларини такомиллаштириш ва аэрокосмик тизимларни яратиш;
- минтақавий ва локал даражаларда олдиндан огохлантиришни ташкил қилиш;
- кўчки хатарларидан химоялашнинг муҳандислик-техник усулларини ривожлантириш.

Хавфли зонада хўжаликлар сони ҳақидаги ахборот 72-жадвалда келтирилган.

Тошкент, Кашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари республикада энг хавфли ер кўчки худудларига киради. Тоғлар билан ўралган Фарғона водийсида ер кўчкилари асосан адир худудларини ўзлаштириш билан боғлик. Самарқанд вилоятининг байзи худудларида ҳам кўчкилар кузатилган.

Ўзбекистон Республикасининг деярли барча тоғолди худудлари сел хавфи бор худуд хисобланади. Фарғона водийси, Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари энг катта сел хавфи бор худудлар хисобланади. Қорлар тез эрийдиган ва узоқ ёмғир ёғадиган апрель-июль ойларида энг кўп сел ҳолатлари кузатилади. Шу билан биргаликда, ҳозир республикада жами 5 та сел омбори бор, холос.

Республикада 54 та сув омбори, жумладан, 25 та жуда муҳим ва тоифалаштирилган сув омборидан фойдаланилди. Бунда, 11 та жуда муҳим сув омборидан 30 йилдан ортиқ вактдан бўён фойдаланилб қелинмоқда. Улардаги муҳандислик ва гидротехник ускуналар жисмонан ва маънавий эскирган ва алмаштирилиши зарур. Республика худудида сув омборлари тармогининг тараққиёти уларда катта ҳажмдаги эриган, дарё ва атмосфера ёғинларини тўплаш имконини берди. Шундан келиб чиқиб, сўнгги йилларда ахолининг катта қисмида дарёлар саёзлашгани ва сув омборларидан куйи қисмида бехатар қурилиш ишлари олиб бориши имконияти борлигига асоссиз ишонч пайдо бўлди. Бироқ, сув кўп бўлган йилларда аномал юқори даражадаги сув дамбадан ўтиб кетиши, тўғонларнинг бузилиши, шунингдек йирик сув омборларидан сувни фалокатли ташлаб юбориши эҳтимоли мавжуд. Бу ҳолатларда, уларнинг оқибатини тасаввур этиб бўлмайдиган фавқулодда вазиятлар рўй бериши мумкин. Эҳтимолий фалокатли сув босиши зоналарининг майдони қарийб 60 минг км²ни ташкил қиласди. Сув босиши зоналарида 7700 минг киши, 1029 км темир йўллар, республика ва вилоят аҳамиятидаги 2675 км автомобиль йўллари қолиб кетиши мумкин. Тўсатдан

сув омборининг ёрилиб кетиши натижасида 140 минг кишидан ортиқ аҳоли ҳалок бўлиши хавфи бор.

Табиий тўғонлари мустаҳкам бўлмаган баланд тог қўлларидан сув уриб кетиш хавфи сақланиб келмоқда. Масалан, 1998 йил 8 июлда баланд тоғдаги музли қўлнинг ёриб кетиши натижасида Шоҳимардон дарёси хавзасида 200-300 м³/сек ҳажмдаги сув оқими билан тошқин юзага келди. Пастга қараб оқиб келишда сел оқими пайдо бўлди. У фожеали оқибатларга олиб келди. Юқори Ихнач (Бўйтонлик тумани) кўли алоҳида жиддий эътибор талаб этади, бу ерда охирги йилларда тўғон тузилишида янги чуқурликлар ва сув ювиб кетиш ҳоллари доимий кузатилмоқда. Ҳалокатли сув босиши худудларида республика, вилоят ва худудий аҳамиятга эга 87 шаҳарлар, 200 га яқин қишлоқлар ва бошқа аҳоли турар жойлари жойлашган бўлиб, уларда 3,5 млн. га яқин аҳоли истиқомат қиласди.

Аҳоли шоҳобчалари учун кўчки фаол бўлган даврда одамлар ҳаётини сақлаб қолишининг биринчи навбатдаги тадбирларидан бири сифатида Давлат кузатув хизмати (ДКХ) ва ФВВ¹ вакиллари томонидан берилган кўрсатмаларга мувофиқ инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш учун биринчи амалга ошириладиган чоралар сифатида вақтингчалик эвакуация қилиш тавсия этилади.

Табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфини камайтириш ва олдини олишни технологик ва химоявий чора-тадбирларни амалга ошириш орқали эришиш мумкин.

Химоявий тадбирлар қияликлар мустаҳкамлигини ошириш ва кўчки массалари ҳаракатланиши йўлини ўзгартиришга қаратилган, уларни амалга ошириш линияли қурилмалардан, бошқа ҳалқ хўжалиги обьектларидан фойдаланиш шароитларини мевърга келтиради ҳамда кўчириладиган хўжаликлар сони кўпайишининг олдини олади.

11.2. Техноген хатарлар ва саноат обьектлари хавфсизлигини декларациялаш

Техноген фалокатлар ва оғатларнинг сабаблари қуидагилар бўлиши мумкин:

- хавфли моддаларни ишлаб чиқарувчи, ишлатувчи, қайта ишловчи, сакловчи, ҳосил қилувчи ёки ташувчи обьектлардаги ҳалокатлар;
- ёнилғи-энергетика, кимё ва коммуникация комплекслари обьектларидаги ҳалокатлар;

72-жадвал. Хатарли зонада бўлган хўжаликлар сони ҳақида ахборот

| № п/п | Хавфли зонада- ги хўжаликлар сони | Йиллар бўйича хўжаликлар сони ² | | | | | | | | | | | |
|----------|---|--|------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|
| | | 1996 | 1997 | 1998 | 1999 | 2000 | 2001 | 2002 | 2003 | 2004 | 2005 | 2006 | 2007 |
| 1 | Жами шу жумладан: | 1650 | 1354 | 1572 | 1915 | 1803 | 1173 | 1040 | 770 | 775 | 720 | 557 | 554 |
| 1.1 | кўчки хавфи бор зоналар | 1225 | 927 | 1041 | 809 | 659 | 633 | 635 | 441 | 339 | 241 | 243 | 171 |
| 1.2 | сел-тошқинли зоналар | 425 | 427 | 531 | 1106 | 1144 | 540 | 405 | 329 | 436 | 479 | 314 | 383 |

Изоҳ: ¹ Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (ФВВ) 1996 йилда ташкил этилган. ² Хўжаликлар сони Давгеологияқўм ва Ўзгидромет давлат кузатув хизмати (ДКХ) маълумотларига кўра берилди.

- темирйўл ва авиация транспортидаги фалокатлар, автомобиль йўллари ва магистраль трубапроводлардаги халокатлар;

- гидротехник иншоотлардан фойдаланиш тартиби қоидаларини бузиш;

- диверсия-террористик акциялар оқибатларининг иккиласи омиллари;

- курилмаларнинг тўсатдан бузилиши ва техноложик тармоқларда вужудга келиши мумкин бўлган бошқа хавфлар.

Аҳоли ва худудларга хавф соловчи манба бўлган техноген тусдаги фавқулодда вазиятларнинг оқибатлари қўйидагилар бўлиши мумкин:

- атмосферага кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар (КТЗМ), ёнишнинг заҳарли қолдиқлари ташланиши, ер ости ва ер усти сувлари ифлосланиши натижасида саноатлашган туманлардаги катта заҳарланиш зоналарининг вужудга келиши;

- алока, энергия ва сув таъминоти тизимлари меъёрда ишлашининг бузилиши, транспорт тизими ишидаги узоқ муддатли бузилишлар;

- ҳаёт фаолиятини таъминлаш тизимларидан фойдаланиш тартиби, яшаш шароитларининг бузилиши;

- ахолининг саломатлигига зарар етиши ёхуд тиклаб бўлмас йўқотишлари, одамнинг мослашувчанлик имкониятлари бузилиши, натижада руҳий фаолиятининг бузилиши (дезадаптация);

- давлат ва ахолига катта моддий зарар етказиш;

- фавқулодда вазиятлар худудларида ижтимоий ва креминоген ҳолатнинг чукурлашиши.

Техноген хатарлар вужудга келиши эҳтимолини чукурлаштирувчи асосий сабаблар қўйидагилардир:

- потенциал хавфли объектлар концентрациясини ошириш;

- асосий ишлаб чиқариш фондларининг эскириши;

- курилишлар оқибатида потенциал хавфли объектлар атрофида санитар-химоя зоналарининг кисқариши;

- ишлаб чиқариш интизомининг пасайиши, натижада белгиланган технологик иш тартибларидан четланишлар;

- назорат майдонидан ташқарида кўп микдорда майда ишлаб чиқарувчиларнинг вужудга келиши;

- Республика бўйича хавфли моддаларни ташиб ўтгаётган темирйўл, авиация ва автомобиль транспортида муҳофаза ва профилактика чораларнинг етиш-маслиги;

- ахолини химоя килиш ва фавқулодда вазиятларга таъсир қилиш тизимининг, хусусан, автоматик аниқлаш ва хабардор қилиш, фалокатларни локаллаштириш ва йўқотиш тизимларининг етарлича самарали эмаслиги.

Техноген тусдаги фавқулодда вазиятларни огохлантириш ва юз бериши мумкин бўлган хатарларини камайтириш соҳасидаги асосий йўналишлар қўйидагиларни тақозо этади:

- Республика ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш ва фойдаланиш;

- хавф ва таҳдид омиллари таъсири шароитида ишлаб чиқариш ва Республика инфратузилмасининг барқарор фаолиятини таъминлаш;

- ишлаб чиқариш объектларини етакчи ва экологик тоза технологиялар асосида босқичма-босқич замонавийлаштириш;

- хавфли объектлар ва ҳаётни таъминлаш тизимлари ишининг ишончлилигини ошириш;

- юз бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни мониторинг килиш, башоратлаш ва огохлантириш;

- юкори техноген хавфли зоналар давлат кадастрини яратиш ва юритиш.

Ўзбекистон Республикаси худудида турли хил фавқулодда ҳолатлар кўплаб турларининг асосий манбаси сифатида техноген ва табии хавфларнинг юкори даражаси сақланиб қолмоқда. Республикада техноген авариялар ва фалокатларнинг асосий сабаблари қўйидагилар хисобланади:

- ишлаб чиқариш соҳасида давлат хавфсизлик бошқаруви механизмларининг заифлашиши, барча ишлаб чиқариш босқичларида меҳнат ва технологик интизомнинг фалокатларга қарши барқарорлигининг пасайиши;

- асосий ишлаб чиқариш фондларининг янгилаши суръатларининг пасайиши билан бир вақтда мана шу фондларнинг тез суръатларда эскириб бориши;

- хавфли (зараарли) моддаларни, материал ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш, етказиб бериш, сақлаш ва фойдаланишнинг технологик мураккаблиги ва хавфнинг ортиши ҳамда аҳоли ва атроф-муҳитга хавф соловчи ишлаб чиқариш чиқиндиларининг тўпланиб бориши.

Кимёвий хавфли моддаларнинг чиқарилиши, портлашлар ва ёнгинлар, гидродинамик авариялар, электроэнергетик тизимларда, тозалаш иншоотлари ва қувурлардаги авариялар техноген соҳада энг катта хавфга эга.

Фавқулодда вазиятларда аҳоли ва табии мухит хавфсизлигини таъминлаш муаммосининг мураккаблиги ва миқёслилиги ҳамда уни давлат ҳукумати ва барча даражадаги бошқарув органлари томонидан ҳал этилиши зарурати шу билан изохланадики, Республика турли даражадаги ва ҳал хил идораларга бўйсунадиган 600 та потенциал хавфли обьект фаолият юритади, улардан 138 таси ўта мухим ва тоифалаштирилган. Ишлаб чиқариш жиҳозлари жисмонан эскирганлиги, ишлаб чиқариш интизоми пасайганлиги ва бошқа омиллар туфайли бу обьектларда фавқулодда вазиятларнинг рўй бериши хавфи жуда юкори. Техноген фавқулодда вазиятлар рўй берса, бевосита ҳаёт ва саломатликка хавф соладиган зоналарда қарийб 4,5 млн. киши (мамлакат аҳолисининг 20%) яшайди.

Республикадаги 9 та иссиқлик электр станциясидан 6 тасида асосий ишлаб чиқариш фондларининг 40%гача кисми кучли эскирган ва 25 йилдан ортиқ вақтдан бери ишлатилади. Худди шундай вазият 29 та гидроэлектрстанциядан 22 тасида мавжуд. Бу уларнинг асосий кувватларини 2003 йилга келиб сезиларли равища пасайишига олиб келиши мумкин.

Юкори, ўртача ва паст босимли газ қувурлари тармоғи муайян ташвиш уйғотади, уларнинг умумий узунлиги 80 минг км, шу жумладан магистраль тармоқлар 13 минг км ни ташкил қиласди. Газ

кувурларининг баъзи йўналишлари (2,5 минг км магистраль ва 14 минг км ўртача ва паст босимли) 40 йилдан ортиқ вақтдан бери ишлатилади ва алмаштирилиши зарур.

Ўзбекистон Республикасида аммиак, хлор, сульфат ва азот кислотаси каби хавфли кимёвий моддаларнинг (кучли таъсир киладиган заҳарли моддалар - КТЗМ) катта захираларига эга 279 хўжалик объекти фаолият юритади. Корхоналардаги ушбу моддалар умумий захираси кариб 400 минг тоннага етади. Кимё саноатида фалокатлар ҳали ҳам юқори даражада сақланиб колмоқда. Фалокатлар ва ифлосланишлар КТЗМни ташишда кўпроқ рўй бермоқда (1997 йилда 6 та бундай ҳолат рўй берди). Кимёвий хавфли объекtlарда оқиб кетишни назорат қилиш ва фалокатларни локаллаштиришнинг замонавий воситалари кам жорий этилади, қатор объекtlарда локал хабардор қилиш тизимлари мавжуд эмас. Халқ хўжалиги объекtlарига КТЗМ чиқарилиши (ташланиши) натижасида келиб чиқадиган фалокатлар оқибатида умумий заарarlаниш майдони 47,5 минг км²ни ташкил қилиши мумкин. «Электркимёсаноат» ИЧБ, «Азот» ИЧБ, «Навоийазот» ИЧБ, «Аммофос» ИЧБ, кимё заводи (Самарқанд ш.), суперфосфат заводи (Кўкон

ш.) ходимлар ва корхоналарга яқин яшайдиган аҳоли учун, айниқса, катта хавф уйғотади. Кимёвий хавфли объекtlарда сўнгти 6 йилда 13 та фалокат рўй берди.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг турли тармоқларида 400 дан ортиқ портлаш-ёнгин хавфи бор объект фаолият кўрсатади.

Сўнгги йилларда турар жой фондидан фойдаланиш қоидаларининг қўпол бузилиши ҳоллари (турар жой фондининг эскириши, лойиҳалаштириш ва курилиш месъёларига риоя қилмай якка тартибда курилиш, турар жой хонадонларини назоратсиз қайта куришда кўп қаватли уйларнинг кўттарувчи конструкциялари бузилиши ва ш.ў.) жиддий муаммога айланди.

Республика ҳудудида фавқулодда вазиятларда бактериологик заарarlаниш ўчокларини ҳосил қилиши мумкин бўлган биологик моддаларга эга бўлган хавфли согликни саклаш объекtlар: Тошкент вакцина ва зардоллар ИТИ, Ўзбекистон ўлатга қарши станцияси, Қорақалпоғистон ўлатга қарши станцияси, Ўрта Осиё темирйўл ўлатга қарши станцияси, Бухоро ўлатга қарши бўлинмаси, Тўрткўл ўлатга қарши бўлинмаси, Тошкент зонавий ихтисослаштирилган ўта хавфли ҳайвонлар инфекциялари бўйича ветеринария лабораторияси мавжуд.

XII. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг давлат томонидан бошқарилиши

12.1 Табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишини назорат қилиш ва бошқариш давлат органларининг тизими

Инсон фаровонлиги, уйғунликда ривожланиши, шахс манфаатларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитларни ва амалий механизмларини яратиш ҳамда кулаг экологик шароитларни таъминлаш, Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислоҳатларнинг бош мақсади ва харакатлантирувчи кучига айланди.

Экологик хавфсизликнинг мукаммал тизими яратиш ҳалқаро ҳукуқ асослари тажрибаларини, замонавий фан, техника ва технология ютуқларини инобатга олган ҳолда амалга оширилмоқда, бунинг барчаси Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигининг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг экологик хавфсизлик сиёсати, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунчилик, Ўзбекистон Республикаси нинг миллий хавфсизлик Концепцияси, атроф муҳит ва барқарор ривожланиш бўйича декларациялари, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш дастур ва концепциялари, республиканинг ҳалқаро конвенциялар ва битимлардан келиб чиқадиган мажбуриятлари ҳамда етакчи давлатларнинг тажрибаларини инобатга олган ҳолда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг бошқарув тизими ўтган асрнинг 60-80 йилларидан шаклана бошлаган.

Ўзбекистон КП МҚ ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1988 йил 5 апрелдаги 134-сонли «Мамлакатда табиатни муҳофаза қилиш ишларини тубдан қайта куриш тўғрисида»ги карори ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташкил этилган.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1988 йил 29 августдаги 305-сонли қарорига асосан, республикада, белгиланган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси, 10 вилоят ва Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари ҳамда уларнинг туманлараро, туман ва шаҳар инспекцияларидан иборат табиатни муҳофаза қилишнинг бошқарув тузилмаси тасдиқланди. Қўмиталарнинг ташкил этилиши, Мелиорация ва сув ҳўжалиги вазирлигининг ҳудудий сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бошқармалари, Ўзбекистон Республика гидрометеорология бошқармасининг, атмосфера ҳавосини

муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш, лойиҳаларни экспертиздан ўтказиш, атроф муҳитга ташламаларни меъёрлаштириш ва назорат қилиш амалга оширувчи атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш давлат инспекцияси, Ўзбексувбалиқ инспекцияси, Ўрмон хўжалиги вазирлигининг Ов хўжалиги ва кўриқхоналар бош бошқармаси, Давлат ўрмон инспекцияси ва «Ўзбекгеология» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси ер ости сувларини муҳофаза қилиш назорати хизмати негизида ҳамда давлат агросаноат уюшмаси ва бошқа атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида назорат ва бошқарувини амалга оширувчи органлардан қисман берилган штатлар сони асосида амалга оширилди.

Экологик муаммоларни ҳал этилишига тор доирда ва маҳаллий нуқтаи-назардан ёндошувни барта-рафт этиш мақсадида, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ташкилий тузилмаси функционал асосда тузилди.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги органларига самарали иш олиб бориш, экологик муаммоларни юқори илмий-техник дарражада ҳал этиш, республиканинг барча ҳудудларида корхона ва ташкилотлар ҳамда фуқаролар томонидан табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигига қатъий риоя қилинишини таъминлаш бўйича зарур чораларни кўриш юклатилган.

Ўзбекистон мустакилликка эришгандан сўнг, амалий жихатдан аввалгидан фарқ қилувчи, табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги меъёрий-ҳуқуқий базасини тубдан қайта ташкил қилди. Табиатдан фойдаланишнинг маъмурӣ-буйруқбозлиқ бошқарув усулидан, иқтисодий усуулларга ўтилмоқда. 1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди ҳамда у табиатни сақлашнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб берди. Ушбу қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экологик тизимлар, табиат комплекслари ва айрим обьектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулаг атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқукини кафолатлашдан иборатdir.

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосан, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига бўйсунади ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, мусассасалар ва ташкилотлар, шунингдек айрим шахслар томонидан ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмон,

хайвонот ва ўсимлик дунёси, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилинишига доир қонунларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маишӣ секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органлари ҳисобланади. Шу билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Олий Мажлиснинг 1992 йил 26 апрелдаги 232-й-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси тўғрисида»ги Низом талабларига мувофиқ, идоралардан устун турувчи маҳсус ваколатли орган сифатида қайд этилган табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги маҳсус ваколатли органларнинг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш устидан назорат қилиш борасидаги фаолиятларини, давлат ҳокимият ва бошқаруви органлари билан узвий алоқада мувофиқлаштириб боради.

Ҳозирги вақтда, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоятлар ва Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари ҳамда уларнинг таркибиға киравчи туманлараро, туман ва шаҳар қўмита(инспекция)лари, илмий-тадқиқот институтлари, марказлар ва бошқа таркибий тузилмалардан иборат ягона тизими ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ташкилий тузилмаси 117-расмда келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

- экологик хавфсизликни таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва қайта тиклаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишини таъминлаш;

- вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек айрим шахслар томонидан ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмон, хайвонот ва ўсимлик дунёси, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилинишига доир қонунларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

- табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини тармоқлараро комплекс бошқариш;

- атроф муҳитнинг холати қулай бўлишини таъминлаш ва экологик вазиятни соғломлаштириш борасидаги ишларни ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш;

Мамлакатда юз берадиган комплекс таркибий ўзгаришларга асосан, Табиатни муҳофаза қилиш дав-

лат қўмитаси атроф-мухитнинг сифати, табиатдан фойдаланиш ташкилий тузилмасини такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича айrim қадамларни кўймоқда.

12.2. Табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг иқтисодий услублари

Мамлакатимиз аввалиг тузумдан Орол экологик инкирозини, аҳоли саломатлиги ва атроф-мухит учун зарарли ишлаб чиқариш муаммоларини, ерларни маҳсулдорлигининг, сув, биологик ресурсларнинг камайишини мерос қилиб олди.

Мустақиллик йиллари давомида экологик ҳавфсизликни таъминлаш борасида муҳим ташкилий, ижтимоий-иктисодий, хукукий тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилди.

Кўрилган чоралар атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражасини камайтиришга, асосий очиқ сув оқимларни яхшилашга, пестицидларнинг кўлланилишини қисқартиришга, экин майдонларнинг тузилишини яхшилашишга, халқаро ташкилотларнинг миллий экологик муаммоларни ҳал қилинишига жалб этиш имконини берди.

Табиий, маддий-техник ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишга йўналтирилган бозор муносабатларида босқичли ўзгаришлар, солик сиёсатининг ислоҳ қилиниши, бюджетнинг умумий даромадлар кисмида ресурслар ва мулк солиги салмоғининг ошиши шароитларида, табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизмларини босқичмабосқич тадбиқ этиш ва такомиллаштириш алоҳида ўрин эгаллади.

Табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳар қандай давлатнинг келажакда иқтисодий ижтимоий ривожланишининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг марказлаштирилган хўжалик юритиш тизимидан бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнida, экологик-иктисодий муносабатларни аниқлашда янгича мезон талаблари қўйилмоқда.

Бундай шароитларда экологик стратегияни, нархнавонинг шаклланишдаги янгича сиёsat, мулкчилик шаклининг хилма-хиллиги, бюджет маблағларининг бошқарилиши, мулкнинг хусусийлаштирилиши ва давлат тасарруфидан чиқарилишини белгилайди.

Экологик стратегиянинг асосий йўналишларига куйидагилар киради:

- биринчидан – экологик ва иқтисодий сиёсатни интеграциялаш, яъни экологик омилларни бозор тизимига уйғунлаштириш (интеграциялаш);


- иккинчидан - табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг юқори устуворлигини таъминлаш;

- учинчидан - алоҳида худудлар ва бутун республика бўйича табиий ресурс потенциалини такрор ишлаб чиқарилишини кенгайтириш;

- тўртинчидан - атроф-муҳитни ҳамда табиий ресурс салоҳиятини муҳофаза қилиш, тиклаш ва такрор ишлаб чиқариш учун молиявий ресурсларни шакллантириш;

- бешинчидан – табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишда

**Табиатни муҳофаза қилиш давлат
қўмитаси**



117-расм. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ташкилий тузилмаси

табиатдан фойдаланувчиларни иқтисодий томондан манфаатдорлиги.

Ушбу мақсадларга эришиш учун Ўзбекистонда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий ўйналишлар дастурини, табиатдан фойдаланганлик учун тўловларга босқичма-босқич ўтиш стратегиясини, табиатдан фойдаланишни ташкиллаштиришни бошқаришнинг механизmlарини ишлаб чиқиш, табиатдан комплекс фойдаланганликни давлат томонидан кўллаб-куватлаш ва субсидиялаш тизимини та-комиллаштириш ҳамда табиатдан фойдаланишга чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш ишлари амалга оширилди.

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг хукуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб берган Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Конуни қабул қилингандан кейин, Ўзбекистонда табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг иқтисодий бошқаруви яхлит тизимини яратиш борасида маълум ишлар амалга оширилди. Табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг иқтисодий механизmlарини тадбик этишни амалга оширилди.

Экологик сиёсатни амалга оширишда, дунёнинг барча илгор мамлакатларида иқтисодий усуллардан кенг қўлланилади. Иқтисодий дастакларни қўллаш

«ифлослантирувчи – тўлайди», «табиатдан фойдаланувчи – тўлайди» тамойилларига асосланади.

Иқтисодий механизм ва дастакларни қўллашдан асосий мақсад, табиий ресурсларнинг кийматини мос равища баҳолашни таъминлаш ва улардан са-марали ҳамда мақсадга мувофиқ фойдаланишга кўмаклашишдан иборат.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, кўрсатмалар, жарималар, даъволар, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини тўхтатишлар, корхоналарнинг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини яхшилашга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатмайди ва бу чоралар ҳаттоқи маҳаллий экологик соғломлаштириш масалаларини ҳал қилиш учун ҳам етарли эмас.

Атроф-муҳитни муҳофazа қилиш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва атроф- муҳитга салбий таъсирнинг олдини олиш муаммоларини меваффакиятли ҳал қилиш учун, Табиатни муҳофazа қилиш давлат қўмитаси тўловли табиатдан фойдаланиш принципларига асосланган, табиатни муҳофazа қилиш фаолиятини бошқаришнинг иқтисодий механизmlарини ишлаб чиқиш, та-комиллаштириш ва тадбиқ этишни амалга оширмокда.

1992 йилгача Ўзбекистонда табиатни муҳофazа қилиш фаолиятини тартибга солишнинг қуйидаги дастаклари қўлланилган:

- атроф-муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаганлик ва чиқиндиларни жойлаштир-

ганлик учун меъёрлар белгиланган;
- табиий ресурслардан фойдаланганлик (олганлик) учун лимитлар белгиланган;
- табиий ресурслардан фойдаланганлик учун (рента) тўловлар аниқланган.

Табиатдан фойдаланиш меъёрлари ва қоидаларини бузганлик учун жарималар кўлланилган ва атроф-мухит ва халқ хўжалигига етказилган зарарни қоплаш юзасидан даъволар ундирилган.

Табиатдан фойдаланганлик учун тўловлар, жарималар ва даъволардан тушган маблағлар давлат бюджетига тушириб, мақсадли равишда табиатни муҳофаза қилиш мақсадларида фойдаланилмас эди.

Республикада табиатдан фойдаланишни тартиба солишининг самарали механизмини яратиш мақсадида, «Ўзбекистонда атроф-мухитни ифлослантирганлик учун муваққат услугий тавсиялар» ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан 1990 йил 21 майда 557-сон билан тасдиқланди.

1991 йилда «Тошкент шаҳри худудида ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун муваққат тўлов меъёрлари» ишлаб чиқилиб, Тошкент шаҳар Халқ депутатлари Кенгашининг 1991 йил 21 сентябрдаги 136/7-XXI-сонли қарори билан тасдиқланди ва кучга киритилди.

Тошкент шаҳри худудида ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун муваққат тўлов меъёрлари:

- ўйл кўйилган миқдорларда (ўрнатилган лимитлар доирасида) ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун;

- ўйл кўйилган миқдорлардан ортиқ (белгиланган лимитларга нисбатан) ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун ўрнатилди. Шунингдек, «Табиатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун муваққат тўлов миқдорлари» белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулланган, Ўзбекистон иқтисодиётини табиатдан фойдаланишнинг босқичма-босқич тўловли тизимга ўтиш Дастури (21.06.95 йил 11/27-28-сонли) ҳамда «Ўзбекистон Республикасида табиатдан фойдаланишнинг илмий асосланган иқтисодий ва хукукий механизmlарини тадбиқ этиши» Концепциясига биноан (26.06.96 йил 11/27-23-сонли), атроф табиий муҳит тўла ифлосланганлиги учун, яъни умумий чиқиндилар, ифлослантирувчи моддаларни табиий муҳитга чиқарилганлиги ва чиқиндиларни жойлаштирилганлиги учун тўловларни босқичма-босқич киритиш амалга оширилди.

Катта ҳажмдаги тайёргарлик ва қонунчилик ишларини ҳамда корхоналар иқтисодий ҳолатини ҳисобга олиб ва табиатдан фойдаланишда иқтисодий усулларни босқичма-босқич тадбиқ этиш тамойилларидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда табиатдан фойдаланишнинг илмий асосланган иқтисодий ва хукукий механизmlарини тадбиқ этишини уч босқичда амалга оширишни 2010 йилда якунлаш кўзда тутилган.

Табиатдан фойдаланишда иқтисодий усулларни тадбиқ этишнинг биринчи босқичида, 1992 йилдан (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.09.92 й. 303-сонли қарори) Ўзбекистонда биринчи бор атроф табиий муҳитни меъёрдан ортиқ ифлослантирганлик учун тўловлар киритилди. Тўловларни ундириш Тартиби ўрнатилди ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимида бюджетдан ташқари маҳаллий ва республика жамғармалари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 23 майдаги 246-сонли қарори билан «Табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари тўғрисида»ги Низом тасдиқланди ва уларни шакллантириш манбалари ва фойдаланиш тартиби белгиланди. Атроф-муҳитни белгилангандан ортиқ ифлослантиришдан тушган барча тўловлар, жарималар ва даъволар табиатни муҳофаза қилиш жамғармаларига тушар эди. Факат, табиатдан фойдаланиш меъёр ва қоидаларини ҳамда ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конун талабарини бузганлик учун солинган жарима ва даъволардан тушган маблағларнинг 50 фоизи давлат бюджетига, 50 фоизи табиатни муҳофаза қилиш жамғармаларига йўналтирилган.

1998 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 27 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 1997 йиддаги давлат бюджети муносабати билан, солик ислоҳатини чукурлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан, Ўзбекистон Республикасида экология солиги киритилиб, уни шакллантириш ва маблағларни мақсадли ишлатилиши белгиланди.

Экология солиги ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархидан ва кўрсатилган хизматларнинг 1 фоиз миқорида, юридик шахслардан ундирилиши белгиланди. 1998 йилнинг 1 январидан 2001 йилнинг 1 январигача экология солиги Республика бюджетига туширилди ҳамда 2001 йилнинг 1 январидан эса маҳаллий бюджетга йўналтирилди. Шу билан биргаликда, экология солигидан тушган маблағларни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасига сарфланиши тартиби ва механизми ишлаб чиқилмаган эди. Ўзбекистон Республикасининг 27.12.2007 йил «Ўзбекистон Республикаси Солик кодексига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги Қонунига асосан 2006 йилнинг 1 январидан экология солиги бекор килинди.

Табиатдан фойдаланишда иқтисодий усулларни тадбиқ этишнинг иккинчи босқичига тайёргарлик жараёнида, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси алоқадор вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда стратегик ва меъёрий-хукукий ҳужжатларни ишлаб чиқди.

Табиатдан фойдаланишда иқтисодий усулларни тадбиқ этишнинг иккинчи босқичида атроф табиий муҳитни тўла ифлослантирилганлик учун, яъни меъёрий ва меъёрдан ортиқ ташламалар, табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқарганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун тўловлар

киритилиши кўзда тутилган эди. Бу босқич 2000 йилда амалга оширилди (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.1999 йил 554-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2000 йилдаги асосий макроиқтисодиёт кўрсатгичлари ва Давлат бюджети истиқболлари тўғрисида»ги, 26.12.2000 йил 500-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилдаги асосий макроиқтисодиёт кўрсатгичлари ва Давлат бюджети истиқболлари тўғрисида»ги ва 31.12.2001 йил 490-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилдаги асосий макроиқтисодиёт кўрсатгичлари ва Давлат бюджети истиқболлари тўғрисида»ги қарорлари). Ушбу тўловларнинг бўлиниш тартиби ўзгартирилди: маблағларнинг 80 фоизи давлат бюджетиги, 20 фоизи табиатни муҳофаза қилиш жамғармаларига туширилиши белгиланди. Шунинг билан биргаликда, атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик учун тўловлар, соликлар туркумiga тенглаштирилди.

Табиатни муҳофаза қилиш фаолиятида иқтисодий усусларга ўтишни давом эттиришини ҳамда табиатдан фойдаланишда иқтисодий механизmlарни босқичма-босқич тадбиқ этишни таъминлаш мақсадида, 2003 йилнинг 1 майидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 01.05.2003 йил 199-сонли «Ўзбекистон Республикаси худудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чикиндилар жойлаштирилганлиги учун тўловлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига билан, Ўзбекистон Республикаси худудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чикиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловлари киритилди. Атроф табиий муҳитни ифлослантирилганлиги ва Ўзбекистон Республикаси худудида чикиндиларни жойлаштирилганлиги учун компенсацион тўловларини Давлат табиатни муҳофazа қилиш органлари томонидан ундириб олиниши ва «Табиатни муҳофazа қилиш жамғармалари тўғрисида»ги Низомга биноан фойдаланиш учун табиатни муҳофazа қилиш жамғармаларига келиб тушиши белгиланди.

Шу билан бирга, иккинчи босқични рўёба чиқаришнинг бошланғич босқичида, корхоналарга молиявий юкни камайтириш мақсадида, баъзи вактинчалик имтиёзлар белгиланди. Масалан, коммунал хўжалиги корхоналарига ва Тошметрополитен учун тўлов ставкаларига 0,1 фоиз коэффицент миқдорида ҳамда тоғ-кон ва қайта ишлаш саноати корхоналарига чикиндиларни жойлаштирганлик учун имтиёзли имкониятлар берилди.

Кейинчалик, 2003 йилнинг 1 майидан (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1.05.2003 йил 199-сонли қарори), ифлослантирувчи корхоналарга иқтисодий таъсирини бўшаштиргмаган ҳолда, корхоналарга тушаётган молиявий юкни яна-да камайтириш учун, аввалги ўрнатилган имтиёзлар кисман ўзгартирилиб, кўшимча имтиёзлар ўрнатилди. Масалан, коммунал хўжалиги корхоналарига тўлов ставкасига 0,2 коэффицент ўрнатилди, меъёрдан ортиқ табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни ташлаганлик ва оқизганлик, чикиндиларни жойлаштирганлик учун тўлов ставкасига 1,2 коэффицент бекор қилинди, шунингдек, йил бўйича ҳисобланган

тўлов сумма йигиндиси энг кам иш ҳақининг 5 барабаридан кўп бўлмаган юридик шахслар хам компенсация тўловлардан озод этилдилар. Тоғ-кон саноати корхоналари чикиндиларни қайта ишлаш бўйича масалаларни фаол ҳал этишлари мақсадида, «кейинчалик қайта ишланиши лозим бўлган ва фойдали қазилмалар хом-ашё ресурслари сифатида маҳсус жихозланган жойларда жойлаштирилган тоғ-кон саноати чикиндилари учун» тўловдан озод қилиш бўйича аввал ўрнатилган имтиёз, «маҳсус жихозланган жамлаш объектларида жойлаштирилган ва маҳсус сакланаётган хом-ашё ресурслари тоифасига ки-рувчи балансдан ташқари рудалар учун» тўловдан озод этувчи имтиёзга ўзгартирилди.

Меъёрдан ортиқ табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни ташлаш ва оқизиш, чикиндиларни жойлаштириш ҳажмини белгиланган меъёрлар (лимитлар)дан камайтирган корхоналар учун тўлов миқдорларини 5 барорбарга қисқартириш имконини берувчи «каррали коэффицент»нинг киритилиши айникса ўта муҳим ҳисобланиб ва аксинча табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни ташлаш ва оқизиш, чикиндиларни жойлаштириш ҳажми белгиланган меъёрлар (лимитлар)дан ортиқ бўлган тақдирда тўловлар ҳажмини 5 барорбарга ошириш белгиланди.

2004 йилнинг ноябрь оидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.10.2004 йил 499-сонли «Вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига ажратмаларни тартибга солиши чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, ушбу тўловларнинг бўлиниши тартиби ўзгартирилди ва маблағларнинг 50 фоизи республика бюджетига, 50 фоизи табиатни муҳофazа қилиш жамғармаларига тушмоқда.

Ўзбекистон Республикасида табиатдан фойдаланишда иқтисодий механизмни босқичма-босқич жорий этилишини таъминлаш, табиатдан фойдаланиши бошқаришнинг иқтисодий усусларини яна-да такомиллаштириш, шунингдек экология хавфсизлиги масалалари бўйича комплекс ёндошувни таъминлаш мақсадида, Табиатни муҳофazа қилиш давлат қўмитаси томонидан тайёрланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 февралдаги 15-сонли «Табиатдан маҳсус фойдаланганлик учун тўловлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга асосан 2006 йилнинг 6 февралидан бошлаб, табиатдан фойдаланувчи, ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаш, оқизиш ва чикиндиларни жойлаштиришнинг тасдиқланган меъёрлардан ортиқ бўлган ҳажми учун тўловлар миқдорини 10 баробаргача кўпайтириш ва аксинча табиатдан фойдаланувчи, ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаш, оқизиш ва чикиндиларни жойлаштиришнинг тасдиқланган меъёрлардан паст даражагача кам бўлган ҳажми учун тўловлар миқдорини 10 баробаргача камайтириш карралик дефференцияланган коэффицентлари киритилди. Коммунал хўжалиги вазифаларини бажарувчи корхоналар учун, тўлов ставкаларига 0,5 коэффицент

ўрнатилди. Фақат давлат бюджетидан молиялаштириладиган корхона ва ташкилотлар (юридик шахслар) компенсация тўловларидан озод этилдилар. Компенсация тўловлари кўрсатгичлари 1,3 марта га индексацияланди.

Маблағларнинг табиатни муҳофаза қилиш жамғармаларида жамланиши, табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини, айрим илмий тадқиқот ва изланишларни молиялаштиришни бошлаш, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиши соҳасида янги меъёрий-услубий хужжатларни тайёрлаш бўйича ишларни амалга ошириш имконини берди.

Табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари бюджетдан ташқари ҳисобланиб, икки бўғинли тизим – Республика табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси (РТМЖ) ва маҳаллий табиатни муҳофаза қилиш жамғармаларидан (МТМҚЖ) ташкил топган, уларга Ўзбекистон Республикасининг ҳаракатдаги қонунларига асосан қўшма корхоналар ташкил этиш, хиссадорлик асосида давлат ёки ҳусусий компанияларнинг акцияларини чиқаришда иштирок этиш рухсат берилган. РТМҚЖ ва МТМҚЖлари ишчи органдар – Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, етакчи вазирлик ва идоралар илмий муассасалар ва жамоатчилик ташкилотлари мутахассисларидан иборат, 10-14 кишилик Табиатни муҳофаза қилиш Кенгаши ҳисобланади.


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 24 май 246-сонли қарори билан «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Низом тасдиқланди уларни шакллантириш манбалари ва фойдаланиш тартиби белгиланди. Маҳаллий табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари шакллантирувчи маблағларнинг 50 фоизи Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига, қолган маблағлардан 25 фоизи Республика табиатни муҳофаза қилиш жамғармасига йўналтирилади. РТМҚЖ ва МТМҚЖ маблағларидан фойдаланиш, белгилangan тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Қоракалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгashi, вилоят ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланадиган йиллик илимий-тадқиқот, меъёрий-услубий ишлар табиатни муҳофаза қилиш ва ташкилий тадбирлар Дастурларига мувофиқ амалга оширилмоқда.

Беш йил давомида (1995 йидан 1999 йилгача), республика бўйича табиатни муҳофаза қилиш жамғармаларига жами 482,6 млн. сўм маблағ тушиб, шундан атроф табиий муҳитни меъёрдан ортиқ ифлослантирилганлиги учун тўловлар 73 фоизни ташкил қилди, уч йил давомида эса (2000 йилдан 2002 йил давомида) маҳаллий табиатни муҳофаза қилиш жамғармаларига 862, млн. сўм келиб тушибди, шундан атроф табиий муҳитни меъёрида


тўлиқ ифлослантирилганлиги учун тўловлар 71 фоизни ташкил қилди. Шу билан биргаликда, Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари табиатни муҳофаза қилиш жамғармаларига атроф табиий муҳитни тўлиқ ифлослантирилганлиги учун ҳақиқий тўловлар 2000-2002 йиллар давомида 5,2 млрд. сўмни, 2003 йилдан 2005 йил давомида 5,1 млрд. сўмни, 2006 йилда 2,7 млрд. сўмни, 2007 йилда эса 3,67 млрд. сўмни ташкил килиб, башорат қилинган кўрсатгичларидан кам бўлди.

Атроф-мухитни ифлослантирилганлик учун тўловлар киритилгандан кейинги давр мабойнида жами маҳаллий табиатни муҳофаза қилиш жамғармаларига 14 млрд. сўм ва Давлат бюджетига 8,4 млрд. сўмдан ортиқ маблағ келиб тушди. Республика ва маҳаллий табиатни муҳофаза қилиш


118-расм. Маҳаллий табиатни муҳофаза қилиш жамғармаларига умумий маблағ келиб тушиши (минг сўм)



119-расм. Маҳаллий табиатни муҳофаза қилиш жамғармаларига табиатни муҳофаза қилиш қонунлари бузилиши учун жарима ва даъволардан маблағ тушиши (минг сўм)



120-расм. Маҳаллий табиатни муҳофаза қилиш жамғармаларига атроф-мухитни ифлослантирилганлик учун маблағ тушиши (минг сўм)




**73-жадвал. 1999-2007 йилларда махаллий табиатни мухофаза қилиш жамғармаларига мабланлар тушуми ва сарфи
(амалдаги нархларда, минг сүм)**

| № | Күрсөткічтар | 1999 й. | 2000 й. | 2001 й. | 2002 й. | 2003 й. | 2004 й. | 2005 й. | 2006 й. | 2007 й. |
|----|--|-----------|-----------|-----------|-----------|------------|------------|-----------|------------|------------|
| 1 | Махаллий табиатни мухофаза қилиш жамғармаларига туылды - жами | 162600,0 | 213 729,0 | 254 041,2 | 399 920,7 | 773893,6 | 2012167,9 | 2316809,3 | 2691000,3 | 3666657,1 |
| 2 | Махаллий табиатни мухофаза қилиш жамғармаларидан маблагар сарфи - жами | 156 200,0 | 212 158,8 | 237 443,4 | 390 363,9 | 694324,0 | 1854040,9 | 2294074,1 | 2834712,2 | 3694771,7 |
| 3 | Махаллий табиатни мухофаза қилиш жамғармаларининг табиатни мухофаза қилиш тадбирлари | 42 000,0 | 35 271,3 | 39 802,9 | 70 223,8 | 118940,1 | 499720,7 | 312858,1 | 495712,7 | 547098,6 |
| 4 | Кадрларни тайёрлаш ва кайта тайёрлаш | 3 500,0 | 6 753,2 | 3 657,3 | 6 468,3 | 5932,8 | 6724,5 | 10433,5 | 5872,9 | 12292,2 |
| 5 | Ноширик фаолияти | | 640,6 | 2 462,7 | 3 102,9 | 17354,5 | 34701,1 | 40344,0 | 28233,3 | 64164,1 |
| 6 | Табиий мухитга ифлослантирувчи моддаларни ташлаганлик ва чикарганик, чикиндилярни жойлаганлик учун табиатдан фойдаланувчиларнинг компенсация тўловлари - жами | 124 200,0 | 152 631,0 | 177 290,1 | 271 408,2 | 59 147,5,2 | 174 1000,2 | 1971174,7 | 24 12764,3 | 30 75479,7 |
| 7 | Ифлослантирувчи моддаларни бира тўла, кўплаб ташлаганлик ва чикарганик хамда табиатни мухофаза қилиш конууларининг бошқа бузилишлари учун жарималар ва дайволар - жами | 24 000,0 | 43 049,5 | 53 902,6 | 87 840,9 | 130 429,3 | 147 062,0 | 133 750,7 | 148 353,5 | 268 660,6 |
| 8 | Компенсация тўловларини ўтказишнинг муддатини чўрганилиги учун хисобланган пења | 14 400,0 | 3 645,1 | 562,8 | 275,8 | 2589,5 | 21720,2 | 59289,0 | 49333,3 | 62924,1 |
| 9 | РТМҚФга ўтказилди | 34900,0 | 67456,9 | 61195,7 | 95846,6 | 180326,4 | 429860,6 | 301265,9 | 344403,1 | 427435,5 |
| 10 | Бюджетта ўтказилди | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 1108853,7 | 1255838,1 | 1689794,8 |


74-жадвал. 1999-2007 йилларда Республика табиатни муҳофаза килиши жамғармасига маблағлар тушуми ва сарфи (амалдаги нархларда, минг сўм)

| № | Кўрсаткичлар | 1999 й. | 2000 й. | 2001 й. | 2002 й. | 2003 й. | 2004 й. | 2005 й. | 2006 й. | 2007 й. |
|----|--|----------|----------|----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|
| 1. | Республика табиатни муҳофаза килиши жамғармасига тушумлар | 35 431,2 | 72 564,7 | 64 035,3 | 103 560,5 | 188 445,6 | 436 987,1 | 302 005,6 | 357 291,9 | 429 320,7 |
| 2. | Республика табиатни муҳофаза килиши жамғармаси харажатлари | 35 585,5 | 65 152,3 | 63 599,4 | 92 701,9 | 130 558,5 | 268 894,6 | 511 312,9 | 388 316,8 | 377 414,2 |
| 3. | Республика табиатни муҳофаза килиши жамғармаси табиатни муҳофаза килиши тадбирлари | 4 584,5 | 12 683,0 | 24 346,7 | 35 381,4 | 77 553,4 | 202 084,9 | 343 533,3 | 250 456,9 | 209 659,7 |
| 4. | Кадрларни тайёрлаш ва кайта тайёрланӣ | 2 654,8 | 1 128,0 | 2 008,9 | 1 026,9 | 3 544,7 | 2 699,6 | 2 993,5 | 6 182,7 | 5 244,8 |
| 5. | Табиатни муҳофаза килиши соҳасидаги носирлик фаолияти ва экологик билиmlарни гарбию килиши | 2 136,1 | 1 553,0 | 2 989,3 | 9 239,5 | 6 369,2 | 12 093,0 | 2 250,0 | 800,0 | 13 812,0 |


121-расм. Махаллий табиатни муҳофаза қилиш жамғармасига ундирилган пенялар бўйича маблағ тушиши (минг сўм)




122-расм. Давлат бюджетига маблағ ўтказиш (минг сўм)




123-расм. Республика табиатни муҳофаза қилиш жамғармасига тушган маблағ (минг сўм)




124-расм. Республика табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси маблағларининг умумий сарфи (минг сўм)




125-расм. Республика табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси маблағларининг табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига сарфлаш (минг сўм)



126-расм. Республика табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси маблағларининг ноширлик фаолияти, кадрларни қайта тайёрлаш ва экологик билимларни тарғиб қилишга сарфлаш (минг сўм)



127-расм. Маҳаллий табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари маблағларининг умумий сарфлаш (минг сўм)



жамғармаларига маблағларнинг тушуми ва сарфланиши кўрсатгичлари 73 ва 74-жадвалларда ҳамда 118-127-расмларда ёритилган. Бундай ҳолат, қисман юқорида кайд этилган имтиёзларнинг ўрнатилиши ва асосан атроф-мухитни ифлослантирганлик учун тўловларни тўлиқ индексация килинмаганлиги оқибатида юзага келди. Бундан ташқари, атроф табиий муҳитни меъёр ва меъёрдан ортиқ ифлослантирганлик учун тўловлар, корхоналарнинг «фойда»сидан эмас, «таннархи»дан ундирилган. Оқибатда, иктисолий механизм тўлиқ ишламасдан, корхоналар томонидан атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик учун тўлов тўлаш фойдалариrok бўлиб қолди. Аммо, табиатдан фойдаланишнинг иктисолий механизmlарини жорий қилишнинг


бошланғич босқичида, корхоналарнинг табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш учун йўналтирилган инвестицияларнинг миқдори умуман республика бўйича ўсганлигини кўрсатди. 1994 йилда корхоналарнинг инвестициялари 0,95 млрд. сўмни, ёки ички ялпи маҳсулотдан (ИЯМ) 0,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2000 йилда улар 26,1 млрд. сўмгача ортиб, ИЯМдан 0,82 фоизни ташкил кила бошлади. Шу билан биргаликда, 1999 йилдан бошлаб 2002 йиллар давомида корхоналарнинг факат табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари мақсадлари учун инвестициялари 15,7 фоизга ортиб, ИЯМдан 0,87 фоизни ташкил этди.

2003-2007 йиллар, атроф-мухитни ифлослантирганлик учун компенсация тўловларини киритиш даври мабойнида корхоналарнинг табиатни муҳофаза қилиш мақсадлари учун инвестициялари 7,2 маротабага ортиб, 2007 йилда 239,4 млрд. сўми, ёки ИЯМдан 3,3 фоизни ташкил қилди. Айни холда. 2000-2003 йиллар давомида ифлослантирганлик учун тўлов маблағларининг маҳаллий бюджеттага йўналтирилган 80 фоизлик ҳамда 2004 йилнинг декабридан хозирги вақтгача республика бюджетига туширилаетган 50 фоизлик улуши тўлиқ равишда табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланишга ишлатилмаган (табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланишга кетган сарф-харажатлар 128 ва 129-расмларда кўрсатилган).


Ўзбекистон бўйича 1994 йилдан 2007 йилгача табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланишга сарфланган харажатларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланишга сарфланган инвестицияларнинг 63,9-83,6 фоизи корхоналарнинг маблағлари хисобига, 17-31 фоизи барча молиялаштириш манбалари, шу жумладан 8-15 фоизи табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари хисобидан амалга оширилмоқда. Шу билан биргаликда, ишлаб турган табиатни муҳофаза қилиш объектлари, тозалаш иншоотлари тизимини ва ускуналарини нормал ҳолатда ушлаб туриш учун сарфланган харажатлар, табиатни муҳофаза қилишга сарфланган жами ҳаражатларнинг 41 фоизидан 84 фоизигачани ташкил этиб, тўлиқ корхоналарнинг маблағлари хисобига амалга оширилмоқда.

Табиатдан фойдаланишда иктисолий механизми тадбиқ этиш жараёни самарадорлигини ошириш, иктисолий турли соҳаларида ишлаб чиқариш жараёнлари, техноген фалокатлар, табиий оғатлар ва инсон фаолиятининг бошқа таъсирлари нағижасида атроф-мухитга етказиладиган иктисолий ва экологик заарни хисоблашни амалиётга тадбиқ этиш мақсадида, «Қуруқ иқлим шароитида амосфе-

128-расм. Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга жорий харажатлар динамикаси (млн. сўм)



129-расм. Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга инвестиция харажатлари динамикаси (млн. сўм)



ра ҳавосини (фторли водород, азот ва олtingурут кўш оксидлари ва бошқалар) интеграл ифлосланишининг қишлоқ ҳўжалиги экинларига таъсирини иқтисодий баҳолаш» Тартиби ҳамда «Атроф муҳитга етказилган зарар миқдорини аниқлашнинг ягона ёндошувини белгиловчи экологик зарарни аниқлаш» Тартиби ишлаб чиқилиб, ҳамда ушбу тартибларни тасдиқлаш, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида синовдан ўтказиш ва кейинчалик бутун республикада амалиётга тадбик этиш тўғрисидаги Вазирлар Махкамасининг қарори лойиҳаси алоқадор вазирлик, идоралар ва ташкилотлар билан келишилди.

«Бошоқли дон экинлари сомонини ёқиб юборилиши натижасида етказилган зарарни аниқлаш ҳамда ушбу ҳолатларни содир этган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан жарималар кўллаш бўйича Низом» лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги қўшма қарори билан қабул қилинди ва 2006 йилнинг 25 декабри-

да 1647-сон билан Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27.06.2006 йил «Зарар билан ишлатётган ва иқтисодий начор истиқболсиз корхоналарни тугатиш ва қайта тузиш ҳудудий дастурларнинг бажарилиши тўғрисида»ги мажлиси 10-сонли баёни қарорини ижросини таъминлаш учун, атроф муҳитни соғломлаштириш борасидаги ишларни яхшилаш, асосланмаган сарф-харажатларга йўл кўймаслик ҳамда сув таъминоти, канализация корхоналарини молиявий соғломлаштириш максадида, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 01.05.2003 йил 199-сонли «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун тўловлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги карорига кўшимча ва ўзgartаришлар киритиш тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси тайёрланди.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мутахассислари томонидан вазирлик, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда атроф-мухитни муҳофаза қилиш, атроф-мухит гигиенаси Миллий харакатлар Дастурлари ва биологик хилма-хилликни саклаш харакатлар дастурини рўёбга чиқаришни янада жадаллаштириш максадида ҳамда вилоят хокимлар томонидан тасдиқланган 2006-2010 йилларда атроф-мухитни муҳофаза қилиш ҳудудий дастурларини инобатга олган ҳолда «2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-мухитни муҳофаза қилиш ишлар дастури» лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2008 йил 28 мартағи 476-I-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, ҳозирда Дастур тегишли вазирликлар, идоралар ва корхоналар билан келишилиб, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш учун, кўриб чиқиш ва келишиш учун Иктиносидёт вазирлигига йўлланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаш, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимлари томонидан 2006-2010 йилларгача бўлган даврга қабул қилинган атроф-мухитни муҳофаза қилиш ҳудудий дастурларининг бажарилиш якупнлари бўйича 322 та режалаштирилган банд ва банд ости тадбирларидан 2007 йил давомида 34 таси бажарилган, 173 таси бажарилмоқда, 102 таси бажарилмаган, 13 та тадбирлар бўйича амалга ошириш муддатлари етиб келмаган. Ҳудудий харакатлар дастурлarda кўзда тутилган тадбирларнинг бажарилиши қамрови 63,8 фоизини ташкил этди.

Аввал ишлаб чиқилган 2007-2011 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф мухитни муҳофаза қилиш харакатлари Дастури лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан кўриб чиқилди ва маъкулланди (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2007 йил 28 марта 331-I-сонли қарори).

Ўзбекистон Республикаси атроф-мухитни муҳофаза қилиш Дастури лойиҳаси ҳукумат дараҷасида қабул қилинганингига қарамасдан, 2008 йилнинг 1 январь ҳолатига 2007 йилда бажарилиши кўзда тутилган 31 та тадбирлардан 29 таси бажарилмоқда, иккитаси молиявий маблағлар йўклиги сабабли бажарилмади («Сино» ОАЖда оқава сувларни тозалаш ускунасини ташкил этиш ва Тошкент шаҳри «Ўзбеккабель» ОАЖ ҚКсида «Экструзион линиялари қайта жихозлаш ва айланма сув тизимиға ўтказиш»). Ҳаракатлар Дастури лойиҳаси тадбирларини бажариш учун сарфланган ҳаражатлар 3,8 млрд. сўм ва 100 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Кўрсатиб ўтилган Дастурларнинг бажарилиши якупнлари бўйича табиатни муҳофаза қилиш ва табиии ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича куйидаги тадбирлар бажарилди: Жizzах шаҳри ва Бухоро вилояти Когон шаҳри оқава сувларни тозалаш иншоотлари қайта жихозланди; Коракалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида қишлоқ хўжалик зааркунандаларига карши курашиш бўйича харакатдаги биолабораториялар қайта тикланди ва

янгилари ташкил этилди; ташланаётган газларни азот оксидларидан селектив каталитик тозалашга ўтиш йўли билан, азот кислотаси ишлаб чиқариши технологик ускуналарини қайта жихозлаш амалга оширилди; Кўкдумалоқ конида йўлдош газларни утилизациялаш ускунаси қурилиши якупнланиб, ишга туширилди; «Жомбойдон» ОАЖда иккита биоховузлар қурилиши якупнланиб, ишга туширилди; фосфогипсни қайта ишлаш технологияси ишлаб чиқилиб, «Аммофос» ОАЖда йилига 10 минг тонна фосфогипспни қайта ишлаш ускунаси ишга туширилди; кўёш энергиясини кўллаган ҳолда электр таъминотининг самарали экологик хавфсиз мажмуасини ишлаб чиқиша ва Ўзбекистон Республикаси алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларида жойлашган обьектларда ишга тушириш амалга оширилмоқда («Жайрон» экомаркази, Хисор давлат кўрикхонаси, «Зомин» мониторинг маркази ва бошқалар); Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида Амударёнинг сув муҳофаза зоналари ва қирғоқ бўйи минтақалари ўрнатилиб, тегишлича 50054 га ва 10206, гани ташкил этди, Андижон, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида Сирдарё учун, тегишлича 32246,3 гани ва 7842,1 гани ташкил этди.

2012 йилгача Амударё ва Сирдарёнинг сув муҳофаза зоналаридан экологик хавф тутғидувчи обьектларни, қирғоқ бўйи минтақаларидан эса барча обьектларни (сув хўжалиги ва чегара обьектларидан ташқари) кўчириш бўйича ишлар бошланди; 6 та (Қашқадарё, Зарафшон, Чирчик, Сурхондарё, Норин ва Қорадарё) дарёларнинг сув муҳофаза зоналаридан 126 та экологик хавф тутғидувчи обьектлар кўчирилди; ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг муҳофаза этиладиган ҳудудлари сув обьектларининг ҳозирги ҳолати тўғрисида электрон мъалумотлар базаси яратилмоқда; Жizzах ва Навоий вилоятларининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси кадастрлари хужжатлари тайёрланди ва нашрдан чиқарилди; «Сайгачий» ва «Судочье» давлат буюртма қўриқхоналари ҳудудидаги ноёб, эндемик ва йўқолиб кетиш арафасидаги ўсимликларнинг ҳамда Устюрт муҳофаза этиладиган участкаларининг ёввойи ҳолда ўсуви техник ўсимликларининг кадастри ва бошқалар тайёрланди.

Табиатдан фойдаланишнинг иктисодий усулларини тадбиқ этишнинг учинчи босқичида, табиии ресурслардан (сув, ер, ўрмонлар, ер ости бойликлари ва бошқалар) оқилона ва комплекс фойдаланмаганлик учун тўловлар тизимини киритиш ҳамда табиатдан маҳсус фойдаланганлик учун тўловлар ундириш механизмини янада такомиллаштириш кўзда тутилган.

Амалиёт шуни кўрсатдиги, атроф-мухитни ифлослантирганлик учун тўловлар киритилгандан сўнг, кейинги 15 йилда республика бўйича атмосфера ҳавосига ташланаётган ифлослантирувчи моддалар 2,1 мартаға, очиқ сув ҳавзаларига оқизилаётган ифлосланган оқава сувлар 2,0 мартаға, пестицидларнинг ишлатилиши 4 мартаға камайган.

Кейинги 10-12 йил тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, атроф-мухитни муҳофаза қилиш

соҳасидаги иқтисод, сиёсат ва бошқарув ислоҳатлари ягона жараённинг ўзаро боғлиқ ва ўзаро тўлдирувчи таркибий кисм ҳисобланади. Экологик омилларни ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётни мувоффақияли ислоҳ қилиниши, кўп жихатдан атроф-мухит ҳолатини яхшилашга рағбатлантиради ва ёрдам беради.

Шу билан биргаликда, ҳар қандай ривожланиш асосида учта омил ётади – меҳнат ресурслари, сунъий яратилаётган ишлаб чиқариш воситалари, табиий ресурслар. Охирги вақтда экологик омил, кўпроқ даражада иқтисодий ривожланишнинг меъзонига айланмоқда.

Хозирги кундаги ўзига хос экологик-иктисодий ривожланишни тенномген турдаги иқтисодий ривожланиш сифатида белгилаш мумкин.

Кўплаб турдаги иқтисодий фаолият натижасида юзга келадиган атроф-мухитнинг таназзулга учрашини тўхтатиш ва унинг имкон даражада ўзни-ўзи қайта тиклаш хусусиятларига эришиш мақсадида, аник чора-тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади.

Лекин, ханузгача айрим илмий намояндалар, иқтисодчилар ва саноатчиларда, катъий табиатни муҳофаза қилиш меъёрлари ва стандартларини тадбиқ этилиши ҳамда табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг амалга оширилиши иқтисодий ўсишни кийинлаштиради, деган фикр сақланиб қолмоқда. Натижада, амалдаги бор ёки юзага келиши мумкин бўлган экологик муаммоларнинг мавжудлигини тан олмаслик ташқи сарфларни ва қўшимча харажатларни келтириб чиқаради. Бу, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига йўналтирилаётган маблағларни, ишлаб турган ифлослантирувчи манбаларга «трубанинг охiri» тамойили асосида, кўпи билан антропоген таъсирни камайтириш имконини берувчи, лекин манбани тугатиш имконини бермайдиган янги, амонавий тозалаш ускуналарини ўрнатиш учун сафланиши билан ҳам боғлиқдир.

«Ифлослантирувчи - тўлайди» ва «табиатдан фойдаланувчи - тўлайди» тамойилларини рўёбга чиқаришнинг воситаси ҳисобланувчи, табиатдан фойдаланишда иқтисодий механизмларнинг тадбиқ этилиши, экологик муаммоларни ҳал қилишнинг муҳим элементи ҳисобланади. Мамлакатда иқтисодий механизмни 2-босқичи тадбиқ этилаётганлиги ва атроф-мухитни ифлослантирилганлик учун тўловлар киритилганлигига қарамасдан, корхона ва ташкилотларнинг фаолияти жараёнида етказилган экологик-иктисодий зарарни ҳали тўлик даражада қоплашга эришилганича йўқ.

Ўзбекистон Республикасида табиатдан фойдаланишида иқтисодий механизмларни босқичма-босқич киритишни, табатдан фойдаланишни бошқаришнинг иқтисодий усусларини такомиллаштиришини ҳамда экологик хафсизликни таъминлашга комплекс ёндошишни бундан кейин ҳам таъминлаш учун куйидагилар зарур:

компенсация тўловларини ўз вақтида индексациядан ўтказиш;

куйидаги тўловлар бўйича меъёрий-хукукий хужжатларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш:

- юридик шахслар томонидан фойдаланиш тартибга солинган ва фойдаланиш тақиқланган озон катламини бузувчи моддалар ва таркибида шундай моддалар бўлган ускуналардан фойдалангандик учун;

- атроф-мухит ва инсонлар саломатлигига зарарли таъсир кўрсатувчи маҳсулот ишлаб чиқарганлик учун (етилланган бензин, таркибида қўрошин бўлган бўёклар, ўта кўп қурум ҳосил бўладиган кўмир ва ҳ.к).

Ушбу масалаларнинг ҳал этилиши маблағларни оптималь сарфланиши ва 2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикаси атроф-мухитни муҳофаза қилиш харакатлар Дастурида кўзда тутилган тадбирларга сарфланадиган бюджет маблағларининг иқтисод қилиниши ҳамда трасчегаравий аҳамиятдаги ва Сариосиё, Чоркесар, Майлут-Суу, Янгиобод ва бошқа маҳаллий экологик номақбул худудларда экологик ҳолатни яхшилаш муаммоларини ҳал қилишга ёрдам беради.

12.3. Меъёрий-услубий база

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 26.04.1996 йилдаги 232-I-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга асосан, республикада атроф мухит сифатининг сақланишини таъминлаш учун, меъёрий-услубий базани такомиллаштириш, экологик стандартлар ва бошқа раҳбарлик хужжатларни ишлаб чиқиб бориш мақсадида, меъёрилаштириш, стандартглаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги сиёсатни олиб боради.

Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш соҳасида стандартглаштириш бўйича бош давлат органи Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ҳисобланади. Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида стандартлаштириш ва метрология бўйича бош ташкилот вазифаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти ва уни ташкил қилиш бошқармасига юклатилган бўлиб, 2003 йилдан бошлаб эса стандартлаштириш, сертификациялаш ва меъёрилаштириш бош бошқармаси - «Бошдавэкосертификат»га юклатилган.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси базасида, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида стандартлаштириш ва метрология бўйича меъёрий ва услубий хужжатлар фонди яратилган. Қонун ва хукукий хужжатлар (қонунлар, қарорлар ва бошқа хужжатлар), давлатлараро стандартлар (ГОСТ), давлат стандартлари (O'zDSt), санитар гигиеник коиди ва меъёрлар (Сан-ПиН), раҳбарлик хужжатлари (O'zRH) ва методик кўрсатмаларни ўзида жамлаган кўрсатгич тўплами мунтазам янгиланиб, тўлдириб борилмоқда.

Хозирги вақтда Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида 40 дан ортиқ қонун ва 70 га яқин конуности хужжатлари ишламоқда. Улардан энг муҳимлари Ўзбекистон Республикасининг «Табиат-

ни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Муҳофаза этиладиган худудлар тўғрисида»ги, «Давлат сантария назорати тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги, «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ўрмон тўғрисида»ги, «Гидро-техник иншоотларнинг хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги, «Чиқиндилар тўғрисида»ги, «Экологик экспертиза тўғрисида»ги, Ер кодекси ва бошқалар хисобланади.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлаштириш тизимини яратиш мақсадида, O'z DSt 1.12:1999 «Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида стандартлаштириш тизими. Асосий қоидалар» ва O'z DSt 1.13:1999 «Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида стандартлаштириш тизими. Меърий хужжатларни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби» ишлаб чиқилиб, уларда табиатни муҳофаза қилиш табиий ресурслардан фойланиш талаблари белгиланди ва ватанимиз стандартларини халқаро стандартлар билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилинди.

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 32-моддаси «Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги идораий, ишлаб чиқариш ва жамоат назорати» ижросини таъминлаш мақсадида, 2006 йилдан бошлаб O'z DSt 16.9:2006 «Ўзбекистон Республикаси экоаналитик лабораторияларни аттестациядан ўтказиш. Лабораторияларнинг техник лойиклигини баҳолаш тартиби» давлат стандарти амалга киритилди.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги стандартлаштириш ва метрология бўйича методик, меърий-техник ва бошқа хужжатларни шакллантириш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида стандартлаштириш бўйича Ахборот маркази ролини бажарувчи АНИДИ томонидан амалга оширилади.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф муҳитга бошқа таъсиirlарни бошқариш дастаги сифатида қўллаш учун экологик стандартларни такомиллаштириш, ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Йигирма йил давомида табиатни муҳофаза қилиш тизимида 90 дан ортиқ меърий хужжатлар ишлаб чиқилиб тадбик этилди.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, атроф-муҳит соҳасидаги стандартларни такомиллаштириш сиёсатини олиб бориб, экологик стандартларни қўллаш ва амалий аҳамиятини ошириш мақсадида, ер юзаси ўсимликлари учун айрим ингредиентлар бўйича атмосфера ҳавосининг сифат кўрсатгичларини ишлаб чиқиш юзасидан қарор қабул қилди. Ушбу стандартларни қўллаш нафақат ўсимлик дунёсига, балки инсон саломатлигига ҳам салбий таъсири камайтиради.

Хозирга вактда Ўзбекистонда қўйидаги: атмосфера ҳавоси, иш жойларидағи ҳаво, ичимлик суви, ер усти сувлари, тупрок, ер ости сувлари экологик сифат стандартлари ҳамда атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни чиқариш, ер

усти сув манбаларида ифлослантирувчи моддаларни ташлаш, чиқиндиларни ҳосил бўлиш меъёрлари қўлланилмоқда.

01.09.2007 йил холатига, республикада қўйидаги табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш соҳасидаги давлатлараро стандартлар ва бошқа хужжатлар: 48 давлатлараро стандартлар; 20 та давлат стандартлари, 91 та Ўзбекистон Республикасининг раҳбарий хужжатларига амал қилмоқда.

Атроф табиий муҳит мониторинги тизимини юритишининг меърий-методик базаси

Атроф табиий муҳит мониторинги тизимини юритиши Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Конунининг 28-30 моддалари ва Вазирлар Маҳкамасининг 03.04.2002 йилдаги 111-сонли «Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳакида»ги, 2006 йил 16 марта 48-сонли «2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф табиий муҳит мониторинги Дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги карорлари асосида амалга оширилади.

Атроф табиий муҳит давлат мониторинги, тасдиқланган Дастур асосда атроф табиий муҳит холатини, унга антропоген таъсири остида ҳамда табиий ресурсларнинг ишлатилиши ва бошқа зарарли таъсиirlар (жараёнлар) натижасида ифлосланишини, атроф-муҳитни ифлосланиш даражасини баҳолаш, зарарли жараёнларни баҳорат қилиш ва оқибатларини бартараф қилиш мақсадида мунтазам олиб бориладиган атроф-муҳит ҳолатини кузатувлар тизими хисобланади.

Атроф табиий муҳит давлат мониторинги асосий вазифалари қўйидагилар хисобланади:

- антропоген таъсири натижасида атроф табиий муҳитнинг ифлосланиш даражаси ҳамда унда рўй берётган жараёнларни кузатувларни ташкил қилиш ва юритиши;

- атроф-муҳитни ифлосланиш даражасини баҳорат қилиш ва баҳолаш;

- унда юз берётган салбий жараёнларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

- табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш соҳасида давлат назоратини, табиий ресурслар давлат кадастрларини маълумотлар билан таъминлаш.

Атроф табиий муҳит давлат мониторинги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13.01.2003 йил 16-сонли ва 16.03.2006 йил 48-сонли карорлари билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит мониторинги Дастурига асосан амалга оширилмоқда.

Маҳсулотлар, ишлар (жараёнлар, ишлаб чиқариш ва бошқалар) ва хизматларнинг хавфсизлик талаблари бўйича баҳолашнинг меърий асосларини стандартлар ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги, «Истеъмолчилярнинг хукуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги,

«Махсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги, «Метрология тўғрисида»ги, «Озиқовкат махсулотлари ва хизматларнинг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунлари ягона илмий-техник сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишни ўз ичига олувчи, шунингдек, истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, сертификатлаштириш, ўлчовлар бирлигини таъминлаш соҳасидаги стандартлаштиришнинг қонуний асоси ҳисобланади.

Стандартлаштиришнинг норматив-ҳуқуқий асосини, ҳалқаро стандартларга (давлатлараро, ҳудудий) үйгунлаштиришни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартлари тизим (ДСТ) ташкил қиласди.

Жаҳон ва мамлакатимиз тажрибаси, кенг миқёсдаги муаммова вазифаларни стандартлаштириш усуллар билан ҳал этиш мумкинлигини кўрсатмоқда ва айникса, мустакиллик йиллари даврида ишлаб чиқаришнинг техник жиҳозланиш даражасида сифат ўзгаришларига учрагани, шунингдек, стандартлар талаблари махсулот ишлаб чиқариш жараёнлари учун хавфсизлик талабларини белгилаб ва унинг барча иштирокчилари томонидан кўлланилиши, махсулотнинг ва хизматларнинг ҳам ички, ҳам ташки бозорда сифати ва рақобатдошлигини таъминлайди.

Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш соҳасини меъёрлаштириш ва стандартлаштириш масаласини бошқариш, Республика Ҳукуматининг доимий дикқат марказида турибди. «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг (9 декабрь 1992 йил) кабул қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси тизимининг фаолияти юритиши бунга яққол мисол бўлади. «Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси тўғрисида»ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 26.04.1996 йил 232/І-сонли қарори билан тасдиқланган.

Низомнинг 12-бандида, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг унга юклатилган вазифаларга кўра фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси республиканинг табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш экологик меъёрларини, қоидаларини ва стандартларини тасдиқлайди, тармокларнини келишиади, уларнинг фондини шакллантиради ва юритади.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги меъёрлар, хўжалик фаолиятининг атроф-мухитга салбий таъсирини чеклайди, табиий ресурсларни қайта тикланишини кафолатлайдиган атроф-мухитнинг сифатига қўйиладиган талабларини, шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш ишларини ўтказилиши қоидаларини белгилайди.

Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш соҳасидаги меъё-

рий хужжатларнинг асосий вазифаси қўйидагилардан иборат:

- табиий ресурслардан фойдаланишда ва атроф табиий мухитни ифлосланишдан ва тури заарарли омиллар таъсирида ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида, ҳалқаро меъёр ва қоидаларга зид бўлмаган меъёр ва кўрсаткичларни ўрнатиш;

- экологик вазиятни соғломлаштириш ва тиклаш, табиий бойликларни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш амалий чораларини қабул қилиш учун, атроф-мухитга антропоген таъсирини назорат қилишни ягона услубиятини таъминлаш.

Табиат муҳофазаси соҳасида, стандартлаштириш ва меъёрлаштириш объектлари қўйидагилар:

- атроф табиий мухит объектлари - атмосфера ҳавоси, ер усти ва ер ости сувлари, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси;

- атроф мухитни ифлослантирувчи ва заарарли таъсири қилувчи омиллар ва уларнинг манбалари, ифлослантирувчи ашёлар;

- экологик тизимлар;

- табиатдан фойдаланиш меъёрлари ва қоидалари;

- табиатни муҳофаза қилиш соҳасида назорат усули (намуна олиш, текшириш, таҳлилни баҳолаш).

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ўзига берилган ваколатлар доирасида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонуни ва О‘zDSt 1.12:1999 «Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида стандартлаштириш тизими. Асосий қоидалар», О‘zDSt 1.13:1999 «Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида стандартлаштириш тизими. Меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиблари» давлат стандартлари асосида табиатни муҳофаза қилиш соҳасида стандартлаштириш ишларини ташкил этади.

Ушбу хужжатлар асосида, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ўрнатилган тартибга кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, давлат стандартлаштириш даражасида қўйидаги меъёрий хужжатларни тасдиқлайди ва амалиётга тадбиқ этади:

- Ўзбекистон Республикаси стандартлари;

- раҳбарий хужжатлари;

- экологик меъёрлар;

- тавсиялар.

Стандартлаштириш бўйича меъёрий хужжатлар, Ўзбекистон Республикаси қонунларига мос келиши, республика ва чет эл фан-техникасини ҳозирги замон ютукларига асосланган бўлиши керак.

Табиий ресурслардан фойдаланиш ва табиатни ифлосланиш ва бошка заарарли таъсиrlардан муҳофаза қилиш соҳасидаги стандартлаштириш ва меъёрлаштириш ишларини такомиллаштириш масалалари, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг доимий дикқат марказида турибди.

Бу масалалар, мунтазам, режали асосида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг Ҳайъат мажлислири-

да атрофлича кўриб чиқилган ва тегишли қарорлар қабул қилинган. Шунингдек, 2005 йилда: «Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси тизимида атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги меъёрий-хукукий ҳужжатларни такомиллаштириш тўғрисида»ги (30.06.2005 йил 6/3-сонли қарор); «Сертификатлаштиришнинг Миллий тизими соҳасида экологик сертификатлаштиришнинг меъёрий-хукукий базасини такомиллаштириш тўғрисида»ги (25.08.2005 йил 8/5-сонли қарор) масалалар кўриб чиқилди.

Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиши бошқаришни, атроф-мухитни ифлосланishiдан ва бошқа таъсирлардан муҳофаза қилиш борасида стандартлаштириш ва метрология бўйича умумий техник сиёсатни олиб бориш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси тизимида АНИДИ (Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг Аналитик назоратга ихтинослашган давлат инспекцияси) фаолият кўрсатмоқда, унинг таркибида «Экологик стандартлаштириш ва метрология бўлими» («Экологик стандартлаштириш ва метрология бўлими тўғрисида»ги Низом АНИДИ раҳбари томонидан 16.01.2001 йил тасдиқланган).

Бўлимга стандартлаштириш бўйича бош ташкилот (СБТ), меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиши режашашлаштириш ва ташкиллаштириш, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги стандартларни такомиллаштириш, меъёрий-назорат ишларини олиб бориш, уларнинг фондини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тайёрлаш, шунингдек стандартлаштириш бўйича Техник кенгашнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ваколатлари юқлатилган.

Амалдаги Давлат стандартлари, Санитар коида ва меъёрлари, Курилиш меъёрий қоидалари ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг таҳлили, иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурӣ тизими шароитида, амалдаги табиатни муҳофаза қилиш соҳаси меъёрий-техник базаси, уларни лойиҳалаш, курилиш, ишлаптиш ва бошқа фаолият турлари вазифаларига тадбик этиш учун ишлаб чиқилганлигини кўрсатмоқда.

Ушбу ҳужжатлардаги техник кўрсатгичлардан, хозирги шароитларда Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш тизимини ислоҳ қилинишида самарали фойдаланиш мумкин. Бизга маълумки, экологик меъёрлаштириш атроф-мухитдан олинган табиий ресурсларни бошқаришдан бошланган, сув тўғонларини қуриш, ҳайвонларни овлаш, ёввойи доривор ўсимликларни йиғиши, балиқ овлашни тартибга солиш учун меъёрий-коидаларини ишлаб чиқиш, шулар жумласидандир.

Масалан, 1976-1990 йиллар орасида, сувни кўп истеъмол қиласидаги, гидросферани ифлослантирувчи саноат тармоқлари учун сув истеъмоли ва сув ташлаш меъёрлари тизими ишлаб чиқилди.

Экологик меъёрлаштириш (стандартлаштириш) нинг бошқа йўналиши сифатида, атроф-мухитнинг сифат кўрсатгичлари белгиланди. Шу билан биргалиқда, биринчи навбатда атроф-мухитнинг таркиби хисобланган атмосфера, сув, тупроқ ва ўсимликларда зарарли моддаларнинг бўлиши чекланди.

1991 йилда ичимлик, маданий-маший мақсадларда фойдаланиладиган сувлар таркибидаги турли ифлослантирувчи моддалар кўрсатгичлари (руҳсат этилган меъёрий- ПДК) сони 1625 тага етди. Бундан ташқари, 201 та модда учун вактингчалик тахминий руҳсат этилган даражалар (ОДУ) белгиланди. 19991 йилга келиб, балиқчилик мақсадлари учун мўлжалланган табиий сувлар учун 1050 та зарарли моддаларнинг руҳсат этилган меъёрлари белгиланиб, меъёрий ҳужжатларга киритилди.

1991 йилга келиб, атмосфера ҳавосидаги 479 та зарарли моддалар учун руҳсат этилган меъёрлари киритилди. Бундан ташқари, 1138 та моддалар учун ҳавфсиз тахминий таъсир даражали меъёрлари (ОБУВ) ўрнатилди.

Тупроқ таркибидаги зарарли моддалар бўйича ўрнатилган талаблар (ПДК) 1991 йилга келиб 109 тага етди. 69 та зарарли моддалар учун тахминий руҳсат этилган концентрациялар (ОДК) белгиланди.

Ишлаб чиқаришнинг атроф-мухитга таъсирини тартибга солишининг яна бир йўналиши, атмосфера ҳавоси зарарли моддаларни чегаравий чиқаришнинг (ПДВ) меъёрлари ва сув ҳавзаларига ташланяётган зарарли моддаларнинг чегаравий ташланиши (ПДС) меъёрларининг қўлланилиши ҳисобланади. Экологик меъёрлаштиришнинг ривожланиши бу йўналиша худудларнинг экологик сигимини белгилаш, техника, технологиялар, материаллар ва бошқаларнинг экологик таснифлари стандартлари базасини кенгайтириш йўлидан борилди. Экологик стандартлаштиришни ривожлантиришга туртки берилиди. Шундай қилиб, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида стандартлаштиришнинг асосий тартибларини белгиловчи, аҳоли яшаш пунктлари ҳавоси сифат кўрсатгичларини назорат қилиш қоидалари, нефть ва газ олиш учун денгиз кудукларини бургулашда сувни муҳофаза қилиш қоидалари, турли мақсадда ишлатиладиган сувларнинг сифат кўрсатгичлари, шахар худудларида хўжалик юритиши қоидалар ва бошқа бир катор давлат стандартлари ишлаб чиқилди.

Тегишли меъёрий ҳужжатлар қаторида, табиатни муҳофаза қилишга қаратилган стандартлар тизимининг асосий қоидаларини белгиловчи, ГОСТ 17.0.0.01-76 «Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиши яхшилаш соҳасида стандартлар тизими»ни ажратиш мумкин. Бу стандарт стандартлаштиришнинг 9 та йўналишини ўз ичига олган:

табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш;

атмосферани ҳимоя қилиш;

тупроқни муҳофаза қилиш ва самарали фойдаланиш;

ерлардан фойдаланиши яхшилаш;

флорани муҳофаза қилиш;

фаунани муҳофаза қилиш;

ландшафтларни муҳофаза қилиш;

ер ости бойликларидан самарали фойдаланиш ва муҳофаза қилиш.

Кўрсатилган стандартни ривожлантириш бўйича 1991 йилга келиб, табиатни муҳофаза қилиш ва таби-

ий ресурслардан фойдаланиш борасида 82 та ГОСТлар ишлаб чиқилди. Улар, Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг 1992 йил 4 январдаги 481-ХИ-сонли «Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлигини ташкил этиш тўғрисидаги баённома ва Келишувни ратификация қилиш тўғрисида»ги қарорининг, яъни собиқ Иттифоқ конунлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига қарши бўлмаса, Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунлари қабул килингунгача кўлланилиши тўғрисидаги 2-банди асосида фойдаланилмоқда. Кўрсатиб ўтилган хужжатлар улар қабул килингандан ва кучга киритилгандан бўён амал қилиш муддатлари бўйича чекланмаган.

Бу ГОСТлар, шу жумладан «Табиатни муҳофаза қилиш», стандартлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаш Келишуви (1997 й.) ва Ўздавстандартнинг 10.05.1999 йил 12-16/183-сонли қарори асосида давлатлараро ва миллий стандартлар сифатида қабул килинган.

Белгиланган вазифаларни бажариш ҳамда стандартлаштириш соҳасидаги ишларни амалга ошириш мақсадида, бўлим томонидан ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси тизимида янги меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта ишлаш бўйича иш режалари тузилади.

2004 йилда 7 та режа асосида, 7 та меъёрий хужжат тайёрланди ва улар ўрнатилган тартибида рўйхатдан ўтказилди. 2005 йилда 10 та режа асосида 10 та меъёрий хужжат тайёрланди ва улар ўрнатилган тартибида рўйхатдан ўтказилди.

Фақатгина 2005 йилда, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимида ишлаб чиқилган, Илмий-техника кенгашда маъкулланган ва «Ўзстандарт» Агентлигига ўрнатилган тартибида рўйхатдан ўтказилган меъёрий хужжатлар тўплами қуидагилар:

О’з DSt 11.1:2005 «Экологик сертификатлаштириш давлат тизими. Маҳсулотларни экологик сертификатлаштириш коидалари»;

О’з DSt 11.2:2005 «Экологик сертификатлаштириш давлат тизими. Чиқиндиларни экологик сертификатлаштириш коидалари»;

О’з RH 84.3.15:2005 «Йўриқнома. Ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини инвентаризация қилинни ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби»;

О’з RH 84.3.16:2005 «Ишлаб чиқариш чиқиндиларини жойлаштириш лимитларини белгилашга оид методик кўрсатмалар»;

О’з RH 84.3.17:2005 «Ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини жойлаштириш лимитлари лойиҳаларини ишлаб чиқиши ташкиллаштириш тартиби»;

О’з RH 84.3.18:2005 «Чиқинди паспорти»;

О’з RH 84.3.19:2005 «Атамалар ва изоҳлар»;

О’з RH 84.3.21:2005 «Чиқиндиларни ҳосил бўлиш меъёrlарини аниқлашга оид методик тавсиялар»;

О’з RH 84.11-17:2005 «Ўзбекистон Республикаси давлат экологик сертификатлаштириш тизими. Экологик сертификатлаштириш, стандартлаштириш ва меъёrlаштириш ишларига ҳақ тўлаш тартиби»;

О’з RH 84.11-18:2005 «Ўзбекистон Республикаси давлат экологик сертификатлаштириш тизими. Маҳсулотларнинг табиий ва экологик тозалик кўрсатчиchlari».

Республика табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси ҳисобидан молиялаштириладиган 2005 йил учун илмий-тадқиқот, меъёрий-методик ишлар, табиатни муҳофаза қилиш ва ташкилий тадбирлар Дастирида юкорида кўрсатилган стандартлар ва раҳбарий хужжатларни ишлаб чиқиш учун 11,5 млн. сўм микдорида маблағ режалаштирилиб, тўлиқ ҳажмда ўзлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, 2005 йилда 20 та тармоқ меъёрий хужжатлари келишилди. Меъёрий хужжатларни асосий ишлаб чиқарувчилари: Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофazasi қилиш давлат қўmитасининг илмий-текшириш институтилари ТашНИИ «СУВГЕО», НИПТИ «Атмосфера», шунингдек НИГМИ ҳисобланади.

Табиатни муҳофazasi қилиш давлат қўmитаси тизимида табиатни муҳофazasi қилиш ва табиатдан фойдаланиш бўйича норматив база табииy мухит соҳалари бўйича бўлинган: атмосфера ҳавоси, сув, ер, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси. Бундан ташқари, умумий бошқаришнинг қуидаги йўналишлари - табиатни муҳофazasi қилиш ва табиатдан фойдаланишнинг экоаналитик дастаклари, экологик экспертиза, экологик назорат ва экологик сертификатлаштириш ишлатилади. Меъёрий хужжатлар базаси шакллантирилмоқда. Мунтазам равиша «Табиатни муҳофazasi қилиш ва табииy ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги ҳаракатдаги конунчилик ва меъёрий хужжатлар кўrсатчиchlari» чоп этилмоқда.

«Ўзстандарт» Агентлиги тавсиясини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофazasi қилиш давлат қўmитасининг 05.10.2007 йил 82-ТК-сон қарори билан «Атроф-мухитни муҳофazasi қилиш ва табииy ресурслардан фойдаланиш соҳасида амалдаги конунчилик хужжатларининг кўrсатчиchlari» ва «Атроф-мухитни муҳофazasi қилиш ва табииy ресурслардан фойдалашиб соҳасида амалдаги меъёрий ва услубий хужжатларининг кўrсатчиchlari» тасдиқланди ва амалга киритилди. Бу хужжатлар, О’з RH 84.1.1:2006 ўрнига ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофazasi қилиш давлат қўmитаси АНИДИ томонидан 06.10.2007 йил 01-07-сон билан рўйхатга олинган. Бу кўrсатчиchlar Ўзбекистон Республикасида 01.09.2007 йил ҳолатига корхона ва ташкилотлари, акционер компаниялари ва корпорациялари, вазирлик ва идоралар фаолиятида ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофazasi қилиш давлат қўmитаси тизимида фойдаланиладиган, атроф-мухитни муҳофazasi қилиш ва табииy ресурслардан самарали фойдаланиш соҳасида амалдаги меъёрий ва услубий хужжатлар тизимини акс эттиради.

Кўrсаткич қуидаги хужжат турларини ўз ичига олади:

- Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг идоравий ва ҳуқуқий хужжатлари;

- давлатлараро стандартлар;
- раҳбарий хужжатлар;
- услугубий кўрсатмалар (вақтингчалик услугубий кўрсатмалар, услублар);
- йўриқномалар;
- табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш соҳасидаги низомлар ва бошқа хужжатлар.

01.01.2008 йил ҳолатига кўра, Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш соҳасидаги меъёрий хужжатлар Давлат фондни 245 та меъёрий хужжатларни ташкил қилди. Улардан:

ГОСТлар (давлатлараро) – 48 та;

О’з DSt (Ўзбекистон Республикаси стандартлари) – 20 та;

О’з RH (раҳбарий хужжатлар) – 91 та;

Санитария меъёрлари, коида ва гигиена меъёрлар – 5 та;

Тавсияномалар, услублар, йўриқномалар, кўрсатма, низомлар ва бошқа хужжатлар – 81 та.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги харакатдаги меъёрий хужжатлар, жами- 57 та, булардан:

ГОСТлар (давлатлараро) – 22 та;

раҳбарий хужжатлар – 12 та;

Санитария меъёрлари, коида ва гигиена меъёрлар – 5 та;

низомлар ва бошқа хужжатлар- 18 та.

Сув ресурсларини муҳофаза қилиш соҳасидаги харакатдаги меъёрий хужжатлар, жами - 49 та, булардан:

О’з DSt (Ўзбекистон Республикаси стандартлари) - 2 та;

Раҳбарий хужжатлар – 29 та;

Тавсияномалар, йўриқномалар, низомлар ва бошқа хужжатлар – 18 та.

Тупроқни муҳофаза қилиш соҳасидаги харакатдаги меъёрий хужжатлар, жами - 32 та, булардан:

ГОСТлар (давлатлараро) – 9 та;

раҳбарий хужжатлар – 12 та;

Йўриқномалар, услугубий тавсияномалар, вақтингчалик услугубий кўрсатмалар ва бошқа хужжатлар – 11 та.

Ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва чиқиндилар муомаласи соҳасидаги харакатдаги меъёрий хужжатлар, жами- 32 та, булардан:

ГОСТлар (давлатлараро) – 17 та;

раҳбарий хужжатлар – 15 та;

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш соҳасидаги харакатдаги меъёрий хужжатлар, жами – 4 та, булардан:

раҳбарий хужжатлар – 2 та;

йўриқнома ва услугубий кўрсатмалар – 2 та.

Стандартлаштирищ, метрология ва сертифицирлаштириш соҳасидаги харакатдаги меъёрий хужжатлар, жами – 34 та, булардан:

O’z DSt (Ўзбекистон Республикаси стандартлари) – 18 та;

раҳбарий хужжатлар – 13 та;

коидалар ва бошқа хужжатлар – 3 та.

Ҳаракатдаги ташкилий ва техник меъёрий хужжатлар сони, жами- 33 та, булардан:

раҳбарий хужжатлар – 8 та;

йўриқномалар, тавсияномалар ва бошқа хужжатлар – 25 та.

Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти ва уни ташкил қилиш соҳасидаги ҳаракатдаги меъёрий хужжатлар сони - 4 та.

Стандартлаштириш соҳасидаги масалаларини ҳал қилиш, ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси 2008-2012 йиллар Ўзбекистон Республикасида атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳаракат Дастурини ишлаб чиқди ва унда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини меъёрий-хукукий базасини, фан, таълим ва тарбияни ривожлантириш ҳаракатлари аниқ белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан «2006-2008 йилларда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимида янги меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта ишлаш бўйича иш режаси» ишлаб чиқилиб, уни бажариш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Бутунжаҳон Савдо Ташкилоти талабларига мувоғик, ҳалқаро стандартларни кенг қўллаган ҳолда мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини ва ракобатдошлилигини ошириш мақсадида ва стандартлаштиришнинг ҳалқаро амалиётига ўтилиши муносабати билан, стандартлаштириш миллий органи - Ўзстандарт агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг таклифларини инобатга олган ҳолда, идентификациялаш ва модификациялаш йўли билан атроф-муҳитни бошқариш соҳасидаги 14000 ҳалқаро стандартларининг бир қатор серияларини 2008 йилда қабул қилинишини режалаштирган.

Савдодаги техник тўсикларни бартараф этиш ва ўзаро товарлар алмашинуви жараённида маҳсулотни бозорга етказиш жараёнини соддалаштириш, шунингдек, иқтисодиётнинг реал секторлари самарадорлигини ошириш мақсадида, хозирда Ўзбекистон Республикасининг «Техник тартибга солиши тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ушбу Қонунга кўра, давлат миқёсида техник регламентлар кўринишидаги меъёрий-хукукий хужжатларни жорий этилиши кўзда тутилган. Умуман олганда, Қонун, маҳсулотларга мажбурий техник талабларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш (қабул қилиш) ва қўллашда юзага келадиган муносабатларни бошқариш, уларни ишлаб чиқиш жараёнлари, ишлаб чиқариш, фойдаланиш, саклаш, ташиш, сотиш ва утилизациялаш ёки кўрсатиладиган хизматлар (кеянги ўринларда – маҳсулот), техник регламентларига риоя қилиниши устидан давлат назоратини, шунингдек, ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини олиб борилишини таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Техник тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилиниши, экспорт ва импорт қилинаётган маҳсулотлар учун техник регламентларни тадбиқ қилиш имконини беради.

Техник регламентларга куйидагилар:

- Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган меъёрлар ва қоидаларнинг маҳсулотларга ва уларни ишлаб чиқариш билан боғлик жараёнларига ва ишлаб чиқариш усусларига тааллукли қисми;

- меъёрий хужжатларнинг, уларда белгиланган мажбурий талаблар қисми киради.

Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган, маҳсулот, атроф-мухит, аҳолининг саломатлиги ва мулки хавфсизлигини, техник ва ахборот бирлигини, ресурсларни тежашни, маҳсулотларнинг ўзаро алмашинувини, уларни назорат қилиш, белгилаш услуги бирлигини таъминлаш учун белгиланган талаблар, идоравий бўйсуниши ва мулкчилик шаклидан қатъий назар давлат корхоналари ва ташкилотлари ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланаётган тадбиркорлар учун мажбурий хисобланади.

Тавсия этиладиган талабларга, истеъмол ва бошқа хусусиятларини тавсифловчи талаблар киради, уларни қўллаш зарурати шартнома тузишда ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Техник тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни, республикада Давлат техник тартибга солиш тизимининг асосий тамойилларини аниқлаб беради. У, вужудга келган халқаро амалиётни республикада тадбиқ этишга ёрдам беради ва Ўзбекистон Республикаси иктисолидётини қайта куришнинг асосий тамойилларига мослаштирилган. Стандартларда белгиланган мажбурий талабларни техник регламент соҳасига киритиш режалаштирилган. Қонун лойихасида, стандартларни қўллаш ихтиёрийлиги тамойиллари кўзда тутилган. Худди мана шу, янги техник тартибга солиш Давлат тизимини, эски – Ўзбекистон стандартлаштириш тизимидан тубдан фарқлади. Қонуннинг қабул қилиниши, амалда ишлаб чиқариш ва бизнесга аралашувни қисқаришига шароит яратади. Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ стандартлаштириш бўйича меъёрий хужжатлар хўжалик ва давлат бошқаруви органлари томонидан тасдиқланади, янги Қонун лойихаси эса техник регламентларни республика хукумати томонидан қабул қилинишини кўзда тутади.

Техник тартибга солиш, маҳсулотдан фойдаланишда таваккалчилликнинг таҳлили ва истеъмолчини хавфли маҳсулотдан химоя қилишни таъминлашга асосланган бозорда, истеъмолчи билан ишлаб чиқарувчининг ўзаро манфаатлари зарурий мувозанатига эришишни таъминлаш қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Техник тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни лойихасига кўра, «техник регламентлар»нинг икки турини қўллаш кўзда тутилган:

- умумий техник регламентлар;

- маҳсус техник регламентлар.

Умумий техник регламентлар куйидаги ўналишлар бўйича қўлланилади:

- биологик хавфсизлиқда;
- механик хавфсизлиқда;
- кимёвий хавфсизлиқда;
- ядро ва радиациявий хавфсизлиқда;
- ёнгин хавфсизлигида;
- токсикологик хавфсизлиқда;
- электр токи хавфсизлигида;
- машина ва ускуналарни ишлатиш ва йўқ қилиш хавфсизлигида;
- электромагнит мослиқда;
- курилиш ва иншоотлардан фойдаланиш хавфсизлиги ва уларга тегишли худудлардан хавфсиз фойдаланиш;
- сейсмик хавфсизлиқда;
- экологик хавфсизлиқда;
- ветеринария хавфсизлигида;
- саноат ва ишлаб чиқариш хавфсизлигида;
- ахборот хавфсизлигида;
- озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигида;
- ўлчовлар бирлигига.

Умумий техник регламентлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан, маҳсус техник регламентлари – давлат бошқарув орнлари томонидан қабул қилинади.

Маҳсулотларнинг алоҳида турлари, ишлаб чиқариш жараёнлари, улардан фойдаланиш, сақлаш, ташиш, сотиш ва утилизация қилиш учун, уларга нисбатан умумий техник регламентларнинг риоя қилиниши орқали техник тартибга солишнинг мақсадларига эришилмаса, маҳсус техник регламентларнинг ишлаб чиқилиши белгиланади.

Умумий техник регламентлар камиди иккита давлат бошқарув органларини фаолиятига боғлик хавфсизлик масалаларини ифодалаши керак.

Маҳсус техник регламентлар, факат битта давлат бошқарув органининг фаолияти билан боғлик масалаларини ифодалаши керак.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси:

- техник тартибга солишнинг давлат тизимини шакллантиришда қатнашмоқда;

- ўзининг фаолияти ўналиши асосида, техник тартибга солиш обьектларини бегилайди;

- умумий ва маҳсус техника регламентларини ишлаб чиқади ҳамда умумий ва маҳсус техник регламентларни олдиндан экспертиздан ўтказади;

- маҳсус техник регламентларни тасдиқлайди, ўзгартириш киритади ва бекор қиласди;

- умумий ва маҳсус техник регламентлар соҳасида давлат сиёсатини амалга оширади;

- ўз ваколатлари доирасида умумий ва маҳсус регламентлар талабларини бажарилиши устидан давлат назорати ва кузатувини амалга оширади;

- техник бошқаруви соҳасида, давлатлараро ҳамдўстликни ривожлантириш ишларини амалга оширади;

- техник бошқаруви масалаларида худудий орнлар билан ҳамкорлик қиласди.

Халқаро талабларни ҳисобга олган ҳолда (ИСО 64:1994 «Махсулот стандартларида табиий атроф-мухитни муҳофаза қилиш омилларини белгилаш бўйича раҳбарлик»), маҳсулотлар учун стандартларда мажбурий экологик хавфсизлик талабларининг мажбурий тадбиқ этилиши бўйича талабларнинг ишлаб чиқилиши давр талаби ҳисобланади. Иқтисодиётни экологиялаштириш шароитида экологик меъёрий базани ривожлантирилишига иқтисодиётни кўтаришнинг асосий воситаси сифатида қаралиши лозим. Табиятни муҳофаза қилиш соҳасидаги мувофаккяятлар амалда кўпчилик давлатларнинг иқтисодий ривожланишига кўмаклашган. Бунда, ушбу муваффақиятлар кўп жиҳатдан маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг экологик хавфсизлиги ва меъёрий базасини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиятдан фойдаланишининг долзарб муаммоларни муваффақият билан ҳал этилиши ва бунинг якуний натижаси иқтисодиётнинг гуркираб ўсиши, кўп жиҳатдан ушбу базанинг холати, унинг такомиллашуви ва давр талаби даражасига мослигига боғлиқ бўлади.

12.4. Табиятни муҳофаза қилиш қонунчилиги

20 йил ичida, Ўзбекистон Республикасида атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасида, ўзига яраша қонунчилик базаси яратилди. Қонунларнинг сони ва сифати ортди ва конун ости ҳужжатлари: атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиятдан фойдаланиш соҳасида 30 дан ортиқ қонунлар ва 100 дан ортиқ, хукумат қарорлари, ташкилотлар-меъёрий-хукукий актлари, техник регламентлар, услубий кўрсатмалар ва йўриқномалар шулар жумласидандир, табиятдан фойдаланишининг маъмурий-бўйруқбозлик усули ўрнига, асосан иқтисодий усуллар кўлланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларнинг хукуqlари ва эркинликларини кафолатлаш билан биргаликда, хаёт учун сўзсиз мақбул атроф-мухит хукукини ҳам камраб олади. Ўзбекистон Республикасининг «Табиятни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг (1992 йил 9декабрь) 12-моддаси 1-қисмида қўйидагилар: «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ўз саломатлиги ва келажак авлоднинг саломатлиги учун қулай табиий муҳитда яшаш, ўз саломатлигини атроф-мухитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш хукуқига эга», деб белгиланган. «Табиятни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг ер, ер ости бойликлари, сувлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари, атмосфера ҳавоси, кўшилган ҳолда табиий комплексларни ҳосил қилувчи – давлат кўрикхоналари, давлат табият боғлари, буюртмахоналар табиятни муҳофаза қилиш обьектлари хисобланиши тўғрисидаги асосий қоидалари ва ғояларнинг бошқа қонун ҳужжатларида кўлланилиши, унинг атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиятдан фойдаланиш соҳасидаги асосий қонун сифатида тан олинишига асос беради.

Кўрсатиб ўтилган Қонун талабларини бажарилишини таъминлаш мақсадида, киска вақт ичida Ўзбекистон Республикасининг «Алоҳида муҳофаза этиладиган худудлар тўғрисида»ги (07.05.1993

йил) Қонуни қабул қилиниб, у Ўзбекистон Республикасининг янги «Муҳофаза этиладиган худудлар тўғрисида»ги (03.12.2004 йил) Қонуни қабул қилиниши билан ўз кучини йўқотди, Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги (06.05.1993 йил) Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг «Махсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги (28.12.1997 йил) Қонуни, унга 5 та кўшимча ва ўзгаришлар киритилди, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (27.12.1996 йил) Қонун, Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги (26.12.1997 йил) Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги (26.12.1997 йил) Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг «Ўрмон тўғрисида»ги (15.04.1999 йил), «Аҳоли ва худудларни табиий ҳамда техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (20.09.1999 йил) Қонунлари, «Экологик экспертиза тўғрисида»ги (25.05.2000 йил), «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги (31.09.2000 йил), «Чиқиндилар тўғрисида»ги (05.04.2002 йил), «Ероғи бойликлари тўғрисида»ги (13.12.2002 йил янги таҳрирда) Қонунлари ва бошқа кўпгина қонунлар қабул қилинди.

1993-2002 йиллар орасида қабул қилинган бу соҳадаги кўпгина қонунлар, «Атроф-мухитни муҳофаза қилиш. Қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар» қонунчилик ҳужжатлари тўпламида нашр этилган.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, қонунчиликни токомиллаштириш, янги қонунларни ишлаб чиқиш учун турткى бўлди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат қўмитаси, Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигага айлантирилиши (Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони 07.02.2000 йил), Ўзбекистон Республикасининг «Экологик экспертиза тўғрисида»ги (25.05.2000 йил), Ўзбекистон Республикасининг «Чиқиндилар тўғрисида»ги (05.04.2002 йил) Қонунлари қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Табиятни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунiga ўнта ўзгариш ва кўшимчалар киритилган.

Ўзбекистоннинг табиятни муҳофаза қилиш қонунчилиги табиятни муҳофаза қилиш фаолиятининг кўплаб масалаларини қамраб олади. Уларга давлат органлари тизими, уларнинг ўргасида вазифа ва ваколатларнинг бўлиниши ва биологик хилма-хилликни сақлаш, маълумотларга эга бўлиш ва иқтисодий механизmlар ва бошқа кўплаб масалалар киради.

Табиятни муҳофаза қилишга хос бўлмаган кўплаб қонун ҳужжатларида, фуқароларнинг экологик хукукларини химоя қилиш, экологик демократияни ривожлантиришга қаратилган меъёрлар киритилган. Булар ичida, «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрирда). Ўзбекистоннинг бошқа қонун ҳужжатлари

орасида, экологик демократиянинг умум тан олинган меъёларини тадбиқ этишининг намунаси сифатида Шахарсозлик кодексини айтиш мумкин. Фуқароларнинг экологик хукукий онги ўсмоқда.

Шу билан биргаликда, унда декларатив ва бошқа қонун меъёларига мурожаат қилишни талаб килувчи меъёлрар кўп бўлиб, улар ўз ривожини топмаган ёки амалга оширишнинг аниқ механизмига эга эмас. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Конунида эслатиб ўтилган экологик сұғурталаш ва жамоатчилик экологик назорати масалалари амалга ошириш механизмига эга эмас.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 1 майдаги 199-сонли «Ўзбекистон Республикаси худудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун тўловлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси зиммасига Ўзбекистон Республикаси худудида атроф табиий муҳитни ифлослантирилганлик ва чиқиндиларни жойлаштирилганлик учун компенсация тўловлари миқдори тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2006 йил 6 февралдаги 15-сонли «Маҳсус табиатдан фойдаланганлик учун тўловлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан, Ўзбекистон Республикаси худудида атроф табиий муҳитни ифлослантирилганлик ва чиқиндиларни жойлаштирилганлик учун компенсация тўловларини ундириш ва таксимлаш вазифалари юқлатилди.

Ўзбекистоннинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш, фойдаланишини тартиба солиши чораларни кучайтириш, улардан фойдаланиш, уларни республика худудидан олиб чиқиш ва унинг худудига олиб кириш назоратини кучайтириш максадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 28 октябрдаги 508-сонли «Биология ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш устидан назоратни кучайтириш тўғрисида»ги қарори қабул килинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2005 йил 18 майдаги 126-сонли қарори билан «Ўзбекистон Республикаси худудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини қўллаш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўшичалар киритилиб, унга асосан «кеинчалик қайта ишланиши лозим бўлган ва фойдали қазилмалар хом-ашё ресурслари сифатида маҳсус жихозланган жойларда жойлаштирилган тог-кон саноати чиқиндилари» компенсация тўловларига тортилмайдиган объектлар каторига киритилди.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш тартибini белгилаш максадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 64-сонли қарори билан «Ердан фойдаланиши ва

муҳофаза қилиш давлат назорати тўғрисида»ги Низом тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси тасмонидан куйидагилар:

- «Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби тўғрисида»ги Низом;

- «Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириш ва олиб чиқиш, овчилик-балиқчилик хўжалигини юритиш тартиби тўғрисида»ги Низом;

- «Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланганлик учун олинган тўловларни, жарималарни, табиатдан фойдаланувчилар томонидан табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини бузганлик учун етказилган зарар учун жарималарини тақсимлаш тўғрисида»ги Низом;

- «Давлат кадастрларини ягона тизимини яратиш ва юритиш тўғрисида»ги Низом тасдиқланди.

Озонни бузувчи моддаларни ишлатиши тўхтатиши Миллий дастурини амалга оширишга қаратилган ҳамда маҳсулотларни кодлаштириш ва тарифлаш узвий тизимида асосланган (2002 йил версияси) Ташқи иқтисодий фаолият Маҳсулотлар номенклатурасига мувофиқ, озонни бузувчи моддалар ва таркибида бундай моддалар бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш чоралари давлат бошқарувини такомиллаштириш ва тартибга солиши максадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2005 йил 11 октябрдаги 247-сонли «Озонни бузувчи моддалар ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришни ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишни тартибга солиши тўғрисида»ги қарори билан куйидагилар:

- «Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан бериладиган рухсатномалар бўйича амалга ошириладиган Озонни бузувчи моддалар рўйхати»;

- «Агар таркибида озонни бузувчи моддалар бўлса Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси томонидан бериладиган рухсатномалар бўйича амалга ошириладиган маҳсулотлар рўйхати»;

- «Озонни бузувчи моддаларни ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикасида табиатдан фойдаланишда иқтисодий механизмни босқичма-босқич жорий этилишини таъминлаш, табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг иқтисодий усулларини янада такомиллаштириш, шунингдек экология хавфсизлиги масалалари бўйича комплекс ёндошувни таъминлаш максадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2006 йил 6 февралдаги

15-сонли «Табиатдан махсус фойдаланганлик учун тўловлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган холда тайёрланган атроф-мухитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун компенсация тўловлари кўрсатгичларини 1,3 марта га индексациялаш тўғрисидаги таклифи маъқулланди ва уларнинг микдорлари белгиланди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 майдаги 199-сонли «Ўзбекистон Республикаси худудида атроф табиий муҳит ифлослантирганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун тўловлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига ўзгартиришлар киритилди.

Атроф-мухитнинг холати ва ифлосланиш даржасини баҳолаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 апрелдаги 111-сонли «Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинг тўғрисида»ги Низомини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 марта га 48-сонли «2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф табиий муҳит давлат мониторинги дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 7 апрелдаги 174-сонли «Ўзбекистон Республикаси сув омборлари ва бошка ҳавзалар, дарёлар, магистраль каналлар ва коллекторларнинг, шунингдек, ичимлик ва майший сув таъминотининг, даволаш ва маданий-соғломлаштириша ишлатиладиган сув манбаларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ҳакида»ги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори талаблари ижросини таъминлаш мақсадида, кейинги ўн йилда, Қашқадарё вилоятида Қашқадарё дарёсининг сув муҳофаза зоналари белгиланди (Ўзбекистон Республикасини Вазирлар Маҳкамасининг 06.03.2002 йил 80-сон қарори), Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларида Зарафшон дарёсининг (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.08.2002 йил 303-сонли қарори), Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида Чирчиқ дарёсининг сув муҳофаза зонаси ва қирғоқ бўйи сув муҳофаза минтақаси (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.10.2003 йил 471-сонли қарори), Сурхондарё вилоятида Сурхондарё дарёсининг сув муҳофаза зонаси ва қирғоқ бўйи сув муҳофаза минтақаси (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2004 йил 15-сонли қарори), Андижон ва Наманган вилоятларида Қорадарё дарёсининг сув муҳофаза зонаси ва қирғоқ бўйи сув муҳофаза минтақаси (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13.04.2004 йил 178-сонли қарори), Наманган вилоятида Норин дарёсининг сув муҳофаза зонаси ва қирғоқ бўйи сув муҳофаза минтақаси (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 13.04.2004 йил 179-сонли қарори), Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида Амударё дарёсининг сув муҳофаза зонаси ва қирғоқ бўйи сув муҳофаза минтақаси (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07.02.2007 йил 27-сонли қарори), Тошкент, Сирдарё, Фарғона, Наманган, Андижон вилоятларида Сирдарё дарёсининг сув муҳофаза зонаси ва қирғоқ бўйи сув муҳофаза минтақаси (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 09.02.2007 йил 29-сонли қарори) белгиланди.

Идоравий меъёрий-хукукий база

Йигирма йиллик давр ичидаги, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси йигирмадан ортиқ умум мажбурий тусга эга бўлган меъёрий-хукукий ҳужжатларни ишлаб чиқди ва Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтказди.

Табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги хукуқбузарликлар учун Давлат табиатни муҳофаза қилиш мансабдор шахслари томонидан маъмурий жавобгарликни қўллаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш мақсадида, «Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мансабдор шахслари томонидан табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги хукуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни қўллаш тартиби тўғрисида»ги Йўрикнома ишлаб чиқилиб, Адлия вазирлигига 1997 йил 27 январда 302-сон билан рўйхатдан ўтказилди. Йўрикнома, ҳар томонлама ташкилий ва интизомий тартибга солувчи асосий меъёрий-хукукий ҳужжатлардан бири ҳисобланади.

Адлия вазирлигига 30.03.2000 йил 915-сон билан «Табиатни муҳофаза қилиш жамоатчилик инспектори ҳолати тўғрисида»ги Низом рўйхатдан ўтказилди ва у Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари инспекторларининг табиатни муҳофаза қилиш жамоатчи инспекторлари билан ўзаро ҳамкорликнинг ягона меъёрий-хукукий ҳужжати ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасини Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 октябрдаги 508-сонли «Биология ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш устидан назоратни кучайтириш тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши муносабати билан, Адлия вазирлигига 1997 йил 1 майда 337-сон билан рўйхатдан ўтган «Ўзбекистон Республикаси худудида ов қилиш ва балиқ овлаш қоидалари» кайта ишланди ва янги таҳрирда рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 3 май 1564-сон).

Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига асосан, «Ўзбекистон Республикаси корхоналари учун ифлослантирувчи манбаларини инвентаризация қилиш ва атмосферага чиқаётган ифлослантирувчи моддалар ташламаларини меъёрлаштириш бўйича йўрикнома» ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республи-

каси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2005 йил 15 декабрдаги 105-сонли буйруғи билан тасдиқланди. Йўрикнома билан, Ўзбекистон Республикаси корхоналари учун ифлослантирувчи муқим манбаларини инвентаризация қилиш тартиби ва атмосферага чиқаётган ифлослантирувчи моддалар ташламаларини меъёrlаштириш қоидалари белгиланди (Адлия вазирлигида 2006 йил 3 январда 1533-сон билан рўйхатга ўтган).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 майдаги «2005 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йигиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-76-сонли ва 2006 йил 17 майдаги «2006 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йигиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-351-сонли қарорлари талабларини бажарилишини таъминлаш мақсадида, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан «Бошоқли дон экинлари самонини ёқиб юборилиши натижасида етказилган зарарни аниқлаш ҳамда ушбу ҳолатларни содир этган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан жарималар кўллаш бўйича Низом» ишлаб чиқилиб, Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 25 декабря 1647-сон).

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Истемолтиларнинг ҳукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунлар, Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 19 апрелдаги 151-сонли «Экологик ҳавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва уларни унинг ҳудудидан олиб чиқишини тартибга солиш тўғрисида»ги ва 2004 йил 6 июлдаги 318-сонли «Маҳсулотларни сертификатлаштириш жараёнларини соддлаштириш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида»ги қарорлари талабларининг бажарилиши бўйича, «Ўзстандарт» агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан «Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган бензин ва дизель моторлари билан жиҳозланган «M-2», «M-3» ва «N-2» тоифаларидаги янги автотранспорт воситаларини «ЕВРО-2» экологик даражадан кам бўлмаган талабларга мувофиқлиги бўйича экологик сертификатлаштириш тартиби тўғрисида вактинчалик йўрикнома» ишлаб чиқилди (2007 йил 7 апрелда Адлия вазирлигида 1670-сон билан рўйхатдан ўтказилди).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 28 октябрдаги 508-сонли карори билан тасдиқланган «Ўсимлик дунёси обьектларидан фойдаланиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва республика ташкарисига олиб чиқиш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, давлат ўрмон фондидан ташкарида дарахт ва буталарни кесиш учун рухсатномалар берилишини ҳамда ўрмон фондидан ташкари ерларда пичан ўриш, мол боқишини тартибга солиш мақсадида, ўсимлик дунёси обьектларидан махсус фойдаланиш рухсатномалари билан келишилган.

га кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесиш, шунингдек давлат ўрмон фонди ерларига кирмайдиган захира ерларидан пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун бериладиган рухсатномалар бланкаларини тўлдириш ва хисобини юритиш тартиби тўғрисида йўрикнома тасдиқланди (2007 йил 4 июня 1686-сон ва 2007 йил 13 августда 1700-сон билан Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган).

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мунтазам равища қонунчилик ташаббуси билан чиқмоқда. Унинг мутахассислари иштирокида хозирги кунда харакатдаги кўпчилик қонуний-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Келажакни ўйлаган ҳолда ҳам ишлар амалга оширилмоқда, Ўзбекистон Республикасининг «Экологик ҳавфсизлик тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаси тайёрланиб, тегишли давлат органлари билан келишилди.

Келгусида, Ўзбекистон Республикасининг «Экологик ҳавфсизлик тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасини рўёбга чиқариш мақсадида, бир қатор лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўзда тутилган, унинг қабул қилиниши билан биз табиатни муҳофаза қилишнинг бош мақсадларидан бирига ва табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигининг зарурий тамойилларидан бирига – инсонларнинг экологик ҳавфсизлигини таъминлашга эришамиз. Қонун лойиҳаси, экологик ҳавфсизлик, экологик захиралар, экологик таҳдидларларга тушунча беради, уларни аниқлаш ва барқарорлаштириш йўлларини кўрсатади, экологик ҳавфсизликни таъминлашга жалб қилинган органларнинг вазифаларини, масъулияти даражасини белгилаб беради. Шунингдек, экологик ҳавфсизликнинг иқтисодий механизmlарини, органлар ва ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги шартлари ва имкониятларини белгилайди.

Экологик назоратни такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда, у кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунини янада рўёбга чиқарилишини таъминлайди ва экологик назорат тизимини, ташкиллаштиришнинг амалга оширилишини тартибга солиш, шунингдек унинг вазифаларини қонунчилик ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг хўжалик юрутувчи субъектлар фаолиятини текширишни тартибга солиш тўғрисидаги фармонларига мувофиқлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасида биохилма-хилликни сақлаш бўйича харакатлар режаси ва Миллий стратегияси талабларига мувофиқ, тегишли вазирлик ва ташкилотлар билан келишилган ҳолда «Ўзбекистон Республикасида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар Эконет тармоғини шакллантириш тўғрисида»ги Низом лойиҳаси ишлаб чиқилиб, хозирда вазирликлар билан келишилмоқда.

Хуқуқий хужжатлар

(Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари)

I. Табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992 йил 8 декабрь № 723 - XII).
2. Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни (1992 йил 9 декабрь № 754- XII).
3. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни (1993 йил 6 май № 837- XII).
4. Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни (1996 йил 27 декабрь № 353-I).
5. Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни (1997 йил 26 декабрь № 543-I).
6. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни (1997 йил 26 декабрь № 545-I).
7. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси (1998 йил 30 апрель № 599- I).
8. Ўзбекистон Республикасининг «Ўрмон тўғрисида»ги Қонуни (1999 йил 15 апрель № 770-I).
9. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни (1999 йил 20 август № 824- I).
10. Ўзбекистон Республикасининг «Экологик экспертиза тўғрисида»ги Қонуни (2000 йил 25 май №73-II).
11. Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зааркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (2000 йил 31 август № 116 - II).
12. Ўзбекистон Республикасининг «Радиациявий ҳавфсизлик тўғрисида»ги Қонуни (2000 йил 31 август № 120 - II).
13. Ўзбекистон Республикасининг «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонуни (2002 йил 5 апрель № 362 - II).
14. Ўзбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрирда 2002 йил 13 декабрь № 444 - II).
15. Ўзбекистон Республикасининг «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонуни (2004 йил 3 декабрь № 710 - II).
16. Ўзбекистон Республикасининг «Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреаль протоколига киритилган тузатишни ратификация қилиш тўғрисида»ги Қонуни (2006 йил 7 сентябрь № ЎРҚ-44).
17. Ўзбекистон Республикасининг «Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреаль протоколига киритилган тузатишни ратификация қилиш тўғрисида»ги Қонуни (2006 йил 7 сентябрь № ЎРҚ-45).

II. Табиатни муҳофаза қилиш меъёрлари ўз ифодасини топган қонунчилик хужжатлари

1. Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги Қонуни (1990 йил 31 октябрь №152-XII).
2. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни (1991 йил 15 февраль № 223- XII).
3. Ўзбекистон Республикасининг «Ижа-ра тўғрисида»ги Қонуни (1991 йил 19 ноябрь №427-XII).
4. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонуни (1992 йил 3 июль № 657 - XII).
5. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонуни (1992 йил 9 декабрь № 740-XII).
6. Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонуни (1993 йил 28 декабрь № 1002 - XII).
7. Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги Қонуни (1993 йил 28 декабрь №1004-XII).
8. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотларни ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонуни (1993 йил 28 декабрь № 1006-XII).
9. Ўзбекистон Республикасининг «Суургата тўғрисида»ги Қонуни (1993 йил 6 май № 833 - XII).
10. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида»ги Қонуни (1993 йил 2 сентябрь № 913 - XII).
11. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (1994 йил 22 сентябрь № 2012- XII).
12. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (1994 йил 22 сентябрь № 2015- XII).
13. Ўзбекистон Республикасининг «Концессиялар тўғрисида»ги Қонуни (1995 йил 30 август № 110-XII).
14. Ўзбекистон Республикасининг «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонуни (1996 йил 25 апрель № 220 - I).
15. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1996 йил 29 август № 256- I).
16. Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (1996 йил 26 апрель № 221 - I).
17. Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонуни (1998 йил 25 декабрь № 723-I).
18. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуни (1998 йил 24 декабрь № 717 - XII).
19. Ўзбекистон Республикасининг «Гидротехника иншоотларининг ҳавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни (1999 йил 20 август № 826 - I).
20. Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонуни (1999 йил 20 август № 830 - I).
21. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни (янги нашр)(1999 йил 14 апрель № 758 - I).
22. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш

тўғрисида»ги Қонуни (1999 йил 20 август № 824- I).

23. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги Қонуни (2000 йил 15 деқабр № 171- II).

24. Ўзбекистон Республикасининг «Maxsus юклар ва харбий таркибларнинг транзити тўғрисида»ги Қонуни (2001 йил 11 май № 213- II).

25. Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси (2002 йил 4 апрель № 353- II).

26. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонуни (2003 йил 29 август № 524- II).

27. Ўзбекистон Республикасининг «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Қонуни (2006 йил 11 октябрь № ЎРҚ -60).

28. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳакида»ги Қонуни (2007 йил 23 апрель № ЎРҚ -92).

29. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳакида»ги Қонуни (2007 йил 20 сентябрь № ЎРҚ -114).

30. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни (2007 йил 24 сентябрь № ЎРҚ - 115) (Саноат, газ таъминоти ва тоғ-кон назорати соҳасидаги бошқарувни тacomиллаштириш максадида). Ўзгаришлар киритилган қонулар: «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги, «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги, «Чиқиндилар тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисида»ги Низом».

31. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик субъектларини хуқукий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгариши ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни (2006 йил 10 октябрь № ЎРҚ -59).

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини хуқукий ҳимоялаш тизими янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (2005 йил 14 июнь № ПФ-3619).

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (2005 йил 10 октябрь № ПФ-3665).

34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори (2006 йил 5 май № ПК-348).

35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро шартномаларга қўшилиш тўғрисида»ги Қарори (2007 йил 9 август № ПК-683) («Трансчегарий очик сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза

қилиш ҳамда фойдаланиш бўйича Конвенция»га (1992 йил 17 март, Хельсинки) ҳамда «Халқаро очик сув оқимларидан кемалар қатнамайдиган турда фойдаланиш тўғрисидаги Конвенция»га (1997 йил 21 май, Нью-Йорк).

36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ер ости бойликлардан фойдаланиш хукуқига лицензия бериш тартибини тacomиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. Қарорга илова «Ер ости бойликлари майдонидан фойдаланиш хукуқини бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги Низом» (2007 йил 7 июнь № ПК-649).

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган меъёрий-хукукий хужжатлари

1. «Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мансабдор шахслари томонидан табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги хукуқбузарликлар учун маъмурӣ жавобгарликни кўллаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 12.12. 1996 йил 302-сон буйруги. Адлия вазирлигида 1997 йил 27 январда 302-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

2. Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 29.02.2000 йил 2/2-сонли Ҳайъат қарори билан қабул қилинган, Адлия вазирлигида 30.03.2000 йил 915-сон билан рўйхатдан ўтган «Табиатни муҳофаза қилиш жамоатчилик инспектори ҳолати тўғрисида»ги Низом.

3. «Биоресурслардан фойдаланиш меъёрларини инвентаризациясини ўтказиш тўғрисида йўриқнома». Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 18.02.2004 йил 17-сонли буйруги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 05.04.2004 йил 1332-сон билан рўйхатдан ўтган.

4. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов қилиш ва балиқ овлаш қоидалари». Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси томонидан 15.04.1997 йилда тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 01.05.1997 йил 337-сон билан рўйхатдан ўтган (ўз кучини йўқотган).

5. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов қилиш ва балиқ овлаш қоидалари». Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси 22.03.2006 йил 27-сонли буйруги. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 02.05.2006 йил 1569-сон билан рўйхатдан ўтган.

6. «Ўзбекистон Республикаси корхоналари учун ифлослантирувчи манбаларини инвентаризация қилиш ва атмосферага чиқаётган ифлослантирувчи моддалар ташламаларини меъёрлаштириш бўйича йўриқнома». Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасини 2005 йил 15 деқабрдаги 105-сонли буйруги. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 3 январда 1533-сон билан рўйхатга ўтган.

7. «Бошоқли дон экинлари самонини ёқиб юборилиши натижасида етказилган зарарни аниқлаш ҳамда ушбу ҳолатларни содир этган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан жарималар кўллаш бўйича

Низомни тасдиқлаш хақида». Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг буйруғи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 25.12.2006 йил 1647-сон билан рўйхатдан ўтган.

8. Ўзбекистон стандартлаш, метрология ва сертификатлаш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 28 февраль 2007 йил №1-п-сонли «Ўзбекистон Республикаси га олиб кириладиган бензин ва дизель моторлари билан жиҳозланган «M-2», «M-3» ва «N-2» тоифаларидаги янги автотранспорт воситаларини «ЕВРО-2» экологик даражадан кам бўлмаган талабларга мувофиқлиги бўйича экологик сертификатлаштириш тартиби тўғрисида вақтгиналик йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори. Адлия вазирлигига 2007 йил 7 апрелда 1670-сон билан рўйхатдан ўтган.

9. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг 26.07.2007 йил 71-сонли «Ўзбекистон Республикасини камёб ва

йўқолиш арафасида турган ёввойи ўсимликларини муҳофаза қилиш Тартиби ўз кучини йўқотганлиги хақида»ги буйруғи. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2007 йил 3 августда 9-1-сон билан рўйхатдан ўтган.

10. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг 2007 йил 15 майдаги 01-705-сонли «Ўсимлик дунёси объектиларидан маҳсус фойдаланиш тўғрисидаги рухсатнома бланкалари намуналарини ҳамда давлат ўрмон фондига кирмайдиган дараҳт ва буталарни кесиш, шунингдек давлат ўрмон фонди ерларига кирмайдиган захира ерларидан пичан ўриш ва чорва молларни ўтлатиш учун бериладиган рухсатномалар бланкаларини тўлдириш ва хисобини юритиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш хақида»ги буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 04.06. 2007 йил 1668-сон билан рўйхатдан ўтган, 14.06.2007 йил кучга кирган.

Ўсимлик ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш бўйича меъёрий хужжатлар

| Номи | Тасдиқланган |
|---|---|
| РД 118.0027714.26-93 Табиатни муҳофаза қилиш. Ўзбекистон Республикасида ноёб ва йўқолиш арафасида турган ёввойи ўсадиган ўсимликларни муҳофаза қилиш Тартиби. Йўриқнома | 24.02.94 й.да 11-ТК-сон билан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан |
| Рухсатномалар, лицензиялар, йўлланмалар ва улар учун хисоб-китобларни бериш ва ишлатиш хақида Низом | 16.04.91 й.да Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан |
| ЎзССР Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги ҳайвонот дунёси ва қўриқхоналарни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича Республика давлат инспекцияси (Давбионазорат) тўғрисида Низом | 16.04.91 й.да Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан |
| Ёввойи ҳайвонлар, улар хаёт тарзи маҳсулотлари ва қисмларини хорижий фирмаларга реализация қилиш мақсадида уларни овлашга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги Низом | 04.02.92 й.даги № 9-11-сонли Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси буйруғи |
| Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоа хўжаликлари, балик овлайдиган ташкилотлар томонидан ўйл қўйилган конунбузарликларни аниклаганлик учун мукофотлаш тартиби тўғрисидаги Низом | 1995 й.да Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан |
| Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимидағи давлат инспекторлар томонидан ўқотар қуролларни олиш, ташиш, саклаш, хисобини юритиш ва қўллаш тартиби ҳамда идоравий қуроллар билан қуролланиш табели тўғрисидаги Йўриқнома | 01.08.91 й.даги 53-11-сонли Давбионазорат буйруғи |
| Табиатни муҳофаза қилиш органларида ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва фойдаланиш хақидаги ишлар бўйича ишлаб чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага «Бузилишлар таснифи» ва «Овчилик коидалари» иловаси | 04.02.92 й.даги 9-11-сонли Давбионазорат буйруғи |
| Сув олиш иншоотларига ёш баликлар тушиб колишини кузатиш бўйича услубий кўрсатмалар | 31.07.92 й.даги 32-11-сонли Давбионазорат буйруғи |
| Ўрмон хўжалиги корхоналарининг ўрмон хўжалиги фаолиятини текшириш ва баҳолаш бўйича ишчи коидалар | 07.04.95 й.даги Давбионазорат буйруғи |
| Давлат статистик хисоботнинг ишончлилигини баҳолашга қўлланма (1-лх ва 10-лх шакллари) | 16.07.96 й.даги Давбионазорат буйруғи |

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари

| T/р | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари | Сонли | Санаси | Сарлавҳаси |
|---|--|---------------|--------------------------------|--|
| 1. Ташкил этиш (ўзгартериш ва қайта ташкил этиш) бўйича ҳукумат қарорлари: | | | | |
| 1 | ЎзССР Министрлар Совети қарори | 305 | 29.08.1988 й. | Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза килиш давлат кўмитасини бошқариш схемаси тўғрисида |
| 2. Ташкилот фаолиятига бевосита тааллукли ҳукумат қарорлари: | | | | |
| 2. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарори | 95 | 10.04.1991 й. | Ўзбекистон ССР ҳудудида овчилик ва овчилик хўжалигини юритиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида |
| 3. | Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг қарори | 311/2 33/1 | 25.11.1991 й. 11.02.2000 й. | «Сайгачи» ва «Судочье» республика давлат буортмахоналарини ташкил этиш тўғрисида |
| 4. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарори | 109 | 09.03.1992 й. | Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби тўғрисида |
| 5. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарори | 111 | 09.03.1992 й. | Ўзбекистон Президенти хузуридаги Вазирлар Махкамасининг 1991 йил 10 апрелдаги 95-сон «Ўзбекистон ССР ҳудудида овчилик ва овчилик-балиқчилик хўжалигини юритиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига ўзгартеришлар киритиш тўғрисида |
| 6. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарори | 174 | 07.04.1992 й. | Ўзбекистон Республикаси сув омборлари ва бошқа ҳавзалар, дарёлар, магистраль каналлар ва коллекторларда сувни муҳофаза килиш ҳудудлари, шунингдек ичимлик ва майший сув таъминоти, даволаш ва маданий соғломлаштириш аҳамиятига эга манбалар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида |
| 7. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарори | 179 | 8.04.1992 й. | Ер ости сувларидан фойдаланишни тартибга солиш, уларни ифлосланиш ва куриб қолишдан муҳофаза қилиш чора-тадбирлари тўғрисида |
| | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарори | 469 | 12.10.1992 й. | Ўзбекистон Республикаси ўрмон фонди ерларида овчилик хўжалигини ташкил килиш ва юритиш чора-тадбирлари тўғрисида |
| 8. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарори | 167 | 01.04.1993 й. | Ўзбекистон Республикаси камҳажмли кемалари бўйича давлат инспекцияси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида |
| 9. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарори | 278 | 08.06.1993 й. | Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Конунини қабул қилиниш муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари кучини йўқотганлиги ва ўзгартеришлар киритиш тўғрисида |
| 10. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарори | 385 | 03.08.1993 й. | Сувдан фойдаланишни лимитлаш (меъёрлаш) тўғрисида |

| | | | | |
|-----|--|--------|---------------|---|
| 11. | Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш қарори | 937-ХП | 03.09.1993 й. | Қимматли ва йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвон турларини муҳофаза қилишни кучайтириш ва улардан фойдаланишни тартибиға солиш тўғрисида (кучини йўқотган) |
| 12. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарори | 600 | 15.12.1993 й. | Ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликларни муҳофаза қилишни кучайтириш ва улардан фойдаланишни тартибиға солиш чоратадбирлари тўғрисида |
| 13. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарори | 145 | 24.04.1995 й. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 15.12.93 й.даги 600-сонли қарорига кўшимчалар киритиш тўғрисида |
| 14. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарори | 293 | 27.07.1995 й. | Ўзбекистон Республикаси ўсимлик дунёсига етказилган зарар учун жарималар ундириш таксаларини тасдиқлаш тўғрисида |
| | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг фармойиши | 76-ф | 19.02.1996 й. | Йирткич овчи кушларини олиб чикишни тақиқлаш тўғрисида |
| 15. | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фармони | 232-1 | 26.04.1996 й. | Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги Низом |
| 16. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарори | 19 | 13.01.1997 й. | «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Конунга мувофиқ меъёрий-хукукий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида: а) «Фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун тоғ ажратмаларини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги Низом»; б) «Ер ости бойликларини ишлатиш ва муҳофаза қилиш, геологик ўрганиш ва минерал ресурслардан оқилона фойдаланиш устидан давлат назоратини ўрнатиш тўғрисидаги Низом». |
| 17. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарори | 20 | 13.01.1997 й. | «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Конунга мувофиқ меъёрий хуҷжатларни тасдиқлаш тўғрисида: а) «Фойдали қазилмалар конларини ишлаш учун тоғ ажратмаларини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги Низом»; б) «Фойдали қазилмалар жойлашган майдонлар курилишига рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги Низом»; в) «Қазиб олинган ва қазиш жараёнида йўқотилган фойдали қазилмалар заҳираларини ер ости бойликларидан фойдаланувчи хисобидан чиқариш тартиби тўғрисидаги Низом»; г) «Фойдали қазилма бойликларини ишлашда ер ости бойликларини муҳофаза қилишининг ягона қоидалари» |
| 18. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарори | 258 | 26.05.1997 й. | Ўзбекистон Республикасида фойдали қазилмалар конлари ва техноген хосилалар давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида |

| | | | | |
|-----|---|-----|---------------|--|
| 19. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг карори | 11 | 07.01.1998 й. | Ўзбекистон Республикаси Давлат сув кадастрини ишлаб чиқиш ва юри- тиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида |
| 20. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг карори | 69 | 16.02.1998 й. | Ўзбекистон Республикасида муҳофаза зоналари ва геодезия шоҳобчаларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида |
| 21. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг карори | 136 | 27.03.1998 й. | Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимлик дунёсими муҳофаза қилиш ва ундан фой- даланиш тўғрисида»ги Қонунини қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси хукумати карорлари ўз ку- чини йўқотганлиги ва ўзгартиришлар ки- ритиш тўғрисида |
| 22. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг карори | 198 | 11.05.1998 й. | Республика табиий балиқчилик хўжалиги хавзаларидан фойдаланишни яхшилаш ва балиқ захираларини муҳофаза қилишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида (6-банд) |
| 23. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг карори | 277 | 02.07.1998 й. | Республика табиий балиқчилик хўжалиги сув хавзаларини биректириш ва фойдала- ниш тартибини тасдиқлаш тўғрисида |
| 24. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг карори | 104 | 03.10.1998 й. | Ўзбекистон Республикаси алоҳида му- ҳофаза этиладиган табиий худудлари давлат кадастрини юритиши тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғриси- да. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 01.04.2005 й.даги 95-сон карори билан ўзгартиришлар киритилган |
| 25. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг карори | 139 | 01.04.1998 й. | Биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Мил- лий харакатлар режаси ва стратегияси тўғрисида |
| 26. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг карори | 469 | 20.10.1999 й. | 1999-2005 йилларда Ўзбекистон Республи- касида атроф-мухитни муҳофаза қилиш бўйича Ҳаракатлар Дастури тўғрисида |
| 27. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг карори | 506 | 22.11.1999 й. | Ўрмонларни муҳофаза қилиш бўйича баъзи меъёрий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида |
| 28. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг карори | 20 | 24.01.2000 й. | Ўзбекистон Республикасининг Озон қатламини химоя қилиш соҳасидаги шар- тномалар бўйича ҳалқаро мажбуриятлари- ни бажариши чора-тадбирлари тўғрисида |
| 29. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг карори | 83 | 10.03.2000 й. | Чимён-Чорвок зонаси табиий бойликларини сақлаб қолиш ҳамда ўзлаштиришга комплекс ва тизимли ёндашишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида |
| 30. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг карори | 151 | 19.04.2000 й. | Экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни Ўзбекистон Республикаси- га олиб кириш ва унинг худудидан олиб чиқишни тартибга солиш тўғрисида |
| 31. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг карори | 343 | 05.09.2000 й. | Ўзбекистон Республикаси ўсимлик дунёси объектларининг Давлат кадастрини юритиши тартиби тўғрисидаги Низомни ва Ўзбекистон Республикаси хайвонот дунёси Давлат кадастрини юритиши тар- тиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида |

| | | | | |
|-----|---|-----|---------------|---|
| 32. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карори | 293 | 31.07.2000 й. | Ўзбекистон Республикаси ҳудудига наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзити тўғрисида |
| 33. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карори | 389 | 09.10.2000 й. | 1999-2005 йилларга мўлжалланган Атроф-мухитни муҳофаза қилиш бўйича Ҳаракатлар Дастурини амалга ошириш масалалари тўғрисида (кучини йўқотган) |
| 34. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карори | 405 | 23.10.2000 й. | Таркибида симоб бўлган лампа ва ускуналарни утиллаштириш ва фойдаланиш бўйича корхоналар фаолиятини тартибга солиш тўғрисида |
| 35. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карори | 496 | 23.12.2000 й. | Ер мониторинги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида |
| 36. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карори | 289 | 06.07.2001 й. | Балиқ тармоғини бошқариш тизимини тақомиллаштириш тўғрисида |
| 37. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карори | 401 | 04.10.2001 й. | Зарафшон дарёси ҳавзасида экологик ва санитар-эпидемиологик вазиятни яхшилаш тўғрисида |
| 38. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карори | 163 | 09.04.2001 й. | Ўзбекистон Республикасида ўрмонларни муҳофазаланиши бўйича тоифаларга тақсимланишини тасдиқлаш тўғрисида |
| 39. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карори | 262 | 22.06.2001 й. | Угам-Чотқол Давлат Миллий табиат боғи тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида |
| 40. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карори | 491 | 31.12.2001 й. | Ўзбекистон Республикасида Давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида |
| 41. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карори | 23 | 16.01.2002 й. | Ер ости чучук сувлари конлари шаклана-диган ҳудудларга алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мақомини бериш тўғрисида |
| 42. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карори | 62 | 21.02.2002 й. | Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўтадиган алоҳида юклар ва харбий контингентлар транзити назорати ва давлат бошқаруви тўғрисида |
| 43. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карори | 80 | 06.03.2002 й. | Қашқадарё вилоятидаги Қашқадарё дарёсининг кирғоқбўйи ва сув ҳимоя зonasини тасдиқлаш тўғрисида |
| 44. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карори | 111 | 03.04.2002 й. | Атроф табиий муҳит давлат мониторинги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида |
| 45. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карори | 302 | 26.08.2002 й. | Зарафшон дарёси зоналари ва соҳилбўйи полосасига Республика миқёсидаги алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мақомини бериш тўғрисида |
| 46. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карори | 303 | 26.08.2002 й. | Зарафшон дарёсида кирғоқбўйи ва сув муҳофаза зonasини белгилаш тўғрисида |
| 47. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карори | 16 | 13.01.2003 й. | 2003-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф табиий муҳит мониторинги Дастурини тасдиқлаш тўғрисида |

| | | | | |
|-----|---|-----|---------------|---|
| 48. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори | 46 | 25.01.2003 й. | Сирдарё дарёси сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва кафолатланган сув таъмино- тини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида |
| 49. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори | 199 | 01.05.2003 й. | Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун тўловлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида |
| 50. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори | 320 | 21.07.2003 й. | Сув хўжалиги бошқарувини ташкил қилишини такомиллаштириш тўғрисида |
| 51. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори | 350 | 13.08.2003 й. | Балиқчилик соҳасида монополия- дан чиқаришни чуқурлаштириш чора- тадбирлари тўғрисида |
| 52. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори | 405 | 17.09.2003 й. | Қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминланиши- ни янада яхшилаш бўйича қўшимча чора- тадбирлар тўғрисида |
| 53. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори | 471 | 29.10.2003 й. | Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида Чирчик дарёсида кирғоқбўйи ва сув қўриқлаш зонасини белгилаш тўғрисида |
| 54. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори | 14 | 12.01.2004 й. | Чучук ер ости сувлари шаклланиш зонала- рини белгилаш тўғрисида |
| 55. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори | 10 | 10.01.2004 й. | Чимён-Чорвок курорт-рекреацион зонаси- даги «Чотқол оромгоҳи» соғломлаштириш марказининг қурилишини якунлаш чора- тадбирлари тўғрисида |
| 56. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори | 15 | 12.01.2004 й. | Сурхондарё вилоятida Сурхондарё дарё- сининг кирғоқбўйи ва сув муҳофаза зона- сини белгилаш тўғрисида |
| 57. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори | 117 | 10.03.2004 й. | Сув тошқини ва сел оқимларини бехатар ўтказиш билан боғлиқ олдини олиш ва бар- тараф қилиш чора-тадбирлари тўғрисида |
| 58. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори | 162 | 03.04.2004 й. | Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш хайрия Жамғармасини ташкил қилиш тўғрисида |
| 59. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори | 178 | 13.04.2004 й. | Андижон ва Намангандарё вилоятларидағи Корадарё дарёсининг қирғоқбўйи ва сув муҳофаза зонасини белгилаш тўғрисида |
| 60. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори | 179 | 13.04.2004 й. | Намангандарё вилоятидаги Норин дарёсининг қирғоқбўйи ва сув муҳофаза зонасини белгилаш тўғрисида |
| 61. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори | 499 | 25.10.2004 й. | Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари фонdlарига ажратмаларни тар- тибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.10.2004 й.даги 508-сон қарори билан ўзгартиришлар киритилган |
| 62. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори | 183 | 14.04.2004 й. | Ўзбекистон Республикаси гидрометео- рология хизматини такомиллаштириш тўғрисида |
| 63. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори | 318 | 06.07.2004 й. | Маҳсулотларни сертификатлаштириш жа- раёнини тартибга солиш қўшимча чора- тадбирлари тўғрисида |

| | | | | |
|-----|---|-----|---------------|--|
| 64. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карори | 508 | 28.10.2004 й. | Биологик ресурслардан оқилона фойда- ланиш, уларни Ўзбекистон Республикаси- га олиб кириш ва унинг ташқарига олиб чиқиш устидан назоратни кучайтириш тўғрисида |
| 65. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карори | 1 | 4.01.2005 й. | Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари Давлат комиссияси фаолиятини ташкил қилиш масалалари тўғрисида |
| 66. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карори | 95 | 01.04.2005 й. | Ўзбекистон Республикаси хукуматининг баъзи қарорларига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида |
| 67. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карори | 126 | 18.05.2005 й. | Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун компенсация тўловларини қўллаш тарти- би тўғрисидаги Низомга қўшимчалар ки- ритиши тўғрисида |
| 68. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карори | 152 | 30.06.2005 й. | Давлат кадастрлари алоҳида турларини юритиш тартиби тўғрисидаги Низомлар- ни тасдиқлаш тўғрисида |
| 69. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карори | 247 | 11.11.2005 й. | Озонни бузувчи моддалар ва таркибида бундай моддалар бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва ундан олиб чиқиши тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида |
| 70. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карори | 250 | 15.11.2005 й. | Алоҳида давлат кадастрларини юри- тиш тартиби тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш тўғрисида |
| 71. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карори | 66 | 16.02.2005 й. | Ўзбекистон Республикасининг Ер ре- сурслари, геодезия, картография ва дав- лат кадастри давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат геодезия назорати инспекцияси тўғрисида, Ягона давлат кадастрлари ти- зимини қўллаш устидан давлат назорати ўрнатиш, уни ташкил қилиш ва юри- тиш тартиби тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш тўғрисида |
| 72. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карори | 15 | 06.02.2006 й. | Табиатдан маҳсус фойдаланганлик учун тўловлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида |
| 73. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карори | 28 | 22.02.2006 й. | Ўзбекистон Республикаси хукуматининг баъзи қарорларига ўзгартришлар кири- тиши тўғрисида |
| 74. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карори | 48 | 16.03.2006 й. | 2006-2010 йилларда Ўзбекистон Респу- бликасининг атроф табиий муҳит монито- ринги дастурини тасдиқлаш тўғрисида |
| 75. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карори | 242 | 22.11.2006 й. | Юқори техноген хавфли зоналар давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартришлар киритиши тўғрисида |
| 76. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карори | 256 | 12.12.2006 й. | Кишлок ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси тўғрисидаги Низом |

| | | | | |
|-----|---|----|---------------|--|
| 77. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарори | 25 | 2.02.2007 й. | Алоҳида тартибдаги шаҳар қурилиши фаолиятининг обьектларини жамоатчилик ва маҳаллий аҳамиятдаги обьектларга киритиш ҳамда алоҳида аҳамиятга эга шаҳар қурилиши фаолиятининг обьектлари чегараларини белгилаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида |
| 78. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарори | 26 | 5.02.2007 й. | Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида |
| 79. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарори | 27 | 07.02.2007 й. | Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Коракалпогистон Республикасида Амударё дарёси қирғоқбўйи полосаси ва ҳимоя зонасини кучайтириш тўғрисида |
| 80. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарори | 29 | 09.02.2007 й. | Андижон, Наманган, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида Сирдарё дарёсининг қирғоқбўйи полосаси ва муҳофаза зонасини ўрнатиш тўғрисида |
| 81. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарори | 15 | 28.01.2008 й. | Тошкент ҳайвонот боғи коллекциясини тўлдириш чора-тадбирлари тўғрисида |

12.5. Давлат экологик экспертизаси

Ўзбекистон Республикаси Давлат экологик экспертизаси 1980 йилда Гидрометеорология ва атроф-мухит ифлосланишини назорат қилиш қўмитасининг Атроф-мухитни назорат қилиш Маркази негизида ташкил топган ва у атмосфера ҳавосини ифлосланиши даражасини олдини олиш масалалари билан чегаралган эди. Атроф-мухитга хўжалик фаолияти таъсирини баҳолашни ўз ичига олган Давлат экологик экспертизасининг тўлиқ ривожланиши, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташкил этилиши билан бошланди.

1992 йилнинг декабрида Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасинининг 2001 йил 31 декабрдаги 491-сонли қарори билан «Ўзбекистон Республикасида давлат экологик экспертизаси тўғрисида»ги Низом тасдиқланди. Конунчилик асосида, Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари хузурида ўзида маҳсус экспертилар гурухини жамлаган Давлат экологик экспертизасининг ягона тизими яратилди.

Давлат экологик экспертизасидан ўтказилиши лозим бўлган обьектлар қонун билан аниқланган бўлиб, унга асосан фаолият турларининг атроф-мухитга таъсир даражасига кўра 4 та тоифаларга бўлинган: юкори, ўрта, паст ва маҳаллий таъсир. Юкори ва ўртача ҳавфли тоифаларга мансуб обьектлар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Бош давлат экологик экспертизасида, паст ва муайян ҳавфли тоифаларга мансуб обьектлар – минтақавий эксперт гурухлари томонидан кўриб чиқилади.

Атроф табиий муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари табиатдан фойдаланишининг илмий асосланган иқтисодий ва ҳукуқий механизмларига асосан республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор ўйналиши билан боғлиқ ҳолда экологик экспертиза ўзининг муҳимлиги тусини олди.

Давлат экологик экспертизаси тизимининг асосий ҳаракати, лойиҳаларни экологик баҳолаш тизимини, давлат экологик экспертизаси сифатини такомиллаштириш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларини бажарилиши назоратини кучайтириш хисобига атроф табиий муҳитга таъсир этувчи салбий асоратларни йўқотишда натижаларга эришиш хисобланади.

йил) Қонуни қабул қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасинининг 2001 йил 31 декабрдаги 491-сонли қарори билан «Ўзбекистон Республикасида давлат экологик экспертизаси тўғрисида»ги Низом тасдиқланди.

Конунчилик асосида, Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари хузурида ўзида маҳсус экспертилар гурухини жамлаган Давлат экологик экспертизасининг ягона тизими яратилди.

Давлат экологик экспертизасидан ўтказилиши лозим бўлган обьектлар қонун билан аниқланган бўлиб, унга асосан фаолият турларининг атроф-мухитга таъсир даражасига кўра 4 та тоифаларга бўлинган: юкори, ўрта, паст ва маҳаллий таъсир. Юкори ва ўртача ҳавфли тоифаларга мансуб обьектлар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофazaga қилиш давлат қўмитаси Бош давлат экологик экспертизасида, паст ва муайян ҳавфли тоифаларга мансуб обьектлар – минтақавий эксперт гурухлари томонидан кўриб чиқилади.

Атроф табиий муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари табиатдан фойдаланишининг илмий асосланган иқтисодий ва ҳукуқий механизмларига асосан республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор ўйналиши билан боғлиқ ҳолда экологик экспертиза ўзининг муҳимлиги тусини олди.

Давлат экологик экспертизаси тизимининг асосий ҳаракати, лойиҳаларни экологик баҳолаш тизимини, давлат экологик экспертизаси сифатини такомиллаштириш ва атроф табиий муҳитни муҳофazaga қилиш тадбирларини бажарилиши назоратини кучайтириш хисобига атроф табиий муҳитга таъсир этувчи салбий асоратларни йўқотишда натижаларга эришиш хисобланади.

Давлат экологик экспертизаси тизимида услубий ишларини таъминлаш бўйича тажриба орттириш, ўқитиш ва ҳокимият, корхона, ташкилот вакиллари, минтақавий қўмиталар эксперталари, инспекторлари учун атроф-мухитга таъсири баҳолашнинг мақсади ва вазифаларини, Давлат экологик экспертизасидан ўтказиш муолажаси, қарор қабул килувчи томонларнинг ўзаро алоқаларини кучайтириш борасида семинарлар, малака ошириш, тажриба алмашиш ишлари амалга оширилади.


Бош Давлат экологик экспертизаси минтақавий экспертиза органларига ўз мутахассисларини жойларга юборган ҳолда, амалий ва назарий семинарлар ва ўқишлар ташкил қилиш, уларга табиат муҳофазасига оид маълумот тариқасидаги материаллар бериш, Давлат экологик экспертизаси хуносалари сифатини таҳлил қилиш ва камчиликларни бартараф этиш бўйича зарур тавсияларни бериш орқали услубий ёрдам кўрсатади.

1990-2008 йиллар давомида мутахассислар орасида 52 та семинар ва 82 та мутахассисларнинг амалий иш тажрибасини ошириш тадбирлари ўтказилди. Экспертлар иши самарадорлиги ва касбий маҳоратини ошириш мақсадида, ҳамда III ва IV тоифалардан иборат бўлган объектлар бўйича экологик экспертиза ўтказиш ҳуқуқини бериш учун Давлат экологик экспертизаси тизими минтақавий органлари мутахассислари атестациядан ўтказилди.

Экологик экспертизанинг ижобий кўрсаткичлари режалаштираётган фаолиятнинг атроф-мухитга салбий таъсири олдини олиш мақсадида, объектларни тўғри жойлаштириш, энг илғор, чиқиндиларсиз технологияларни танлаш ва самарали бўлган табиат муҳофазаси тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалда кўllaшга эришиш орқали ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимида Давлат экологик экспертизаси фаолияти экологик жиҳатдан лойиҳалаш ишларини меъёrlаштириш муолажаларининг ажралмас қисмига айланди. Объектларни Давлат экологик экспертизаси билан камраб олиш ҳажми йилдан-йилга ошиб борди. Агар 1988-1991 йилларда кўриб чиқилган лойиҳалар сони - 20 тани ташкил қилган бўлса, 1995 йилга бориб 60 тага кўпайди. Охирги йиллarda экспертиза ҳажми кескин ортди: 2002 йилда экспертиза ҳажми 4742 тага, 2003 йилда – 4966 та, 2004 йилда – 5600 та, 2005 йилда – 7822 та, 2006 йилда – 9359 та, 2007 йилда – 12228 тага оширилди.

130-расм. Давлат экологик экспертизадан ўтган объектларни камраш динамикаси



та, 2006 йилда – 9359 та ва 2007 йилда – 12228 тага кўпайди (130-расмга қаранг).

Давлат экологик экспертизасидан ўтказилаётган объектлар қаторига ҳар хил соҳалар йўналишидаги ишлаб чиқариш, тоғ-кон саноати, республика аҳамиятига эга бўлган коммуникациялар (темир йўл, газ ўтказувчи кувурлар, магистраль автомобиль йўллари, тунеллар, ерларнинг мелиоратив холатини яхшилаш, ирригация тизимлари ва х.к.), шунингдек, йирик сув омборлари, сув хўжалиги тизими объектлари киради.

Экологик экспертиза талаблари асосида, лойиҳаларнинг катта қисми экологик нұқтаи-назардан қайта ишланади ёки тубдан қайта ишланади. Масалан, Қизилкум фосфорит мажмуасида Жайро-Сардарё фосфоритини ҳом ашё манбаси сифатида ишлатиб, кераксиз аралашмалардан тозалаб бойитилган фосфор ангидрид олиш масаласи кўйилган. Экспертлар талабига мувофиқ, ҳом ашёни, қайта ишлаш заводларда эмас (Олмалиқ, Самарқанд химзаводлари, Кўқон суперфосфат заводи), тоғлардаги қазилма жойининг ўзида, фосфогипс заҳираси бор бўлган жойларда тозалаш ишларини амалга ошириш ташкил этилди. Натижада фосфор ангидридини тозалаш ва ювиш ишларидан чиқсан фосфогипс чиқитлари миқдори заводларда кескин камайди.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Қўнғирот сода заводларининг атроф-мухитга тасирини баҳолаш лойиҳалари экспертизаси жараёнида кам чиқинди чиқарувчи, чиқиндисиз ва сув тежаш технологияларини қўллаш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

Зарафшон, Китоб, Шаҳрисабз, Фарғона, Кўқон, Марғилон, Тошкент ва бошқа шаҳарлар бош лойиҳаларини кўриб чиқишида лойиҳачи корхонлар билан ҳамкорликда атроф табиий муҳитни сақлашда атроф табиий муҳитнинг хозирги холатини баҳолаган ҳолда биринчи галдаги тадбирлар ишлаб чиқилди.

Жуда тез суръатлар билан ривожланаётган нефт-газ саноати объектларини, жумладан, кидирув, қазиб олиш ва қайта ишлаш технологияларининг атроф-мухитга таъсирини баҳолаш лойиҳаларини ўрганиш натижаси, кузатув дастурлари ва лойиҳавий аудиторлик ишларини амалга ошириш, натижада яроқсиз ҳолга келган ерларни қайта тикилаш, чўлланишининг олдини олиш, ер ости сувлари йўналишини назорат қилиш, ер усти ва ости сувлари ифлосланишининг олдини олиш масалаларини ҳал қилиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасида Давлат экологик экспертизаси ўтказиш жараёнини такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2001 йил 31-декабрдаги 491-сонли қарорига ўзгартириш киритиш ва объектларнинг атроф-мухитга таъсири фаолият турларига аниқлик киритиш бўйича тегишли иловалар тайёрланди.

Фаолият кўрсатаётган объектларда экологик меъёrlашнинг самарадорлигини ошириш мақсадида давлат экологик экспертизаси органларида атроф мухитга чиқарилаётган зарарли моддалар меъёrlарини белгилаш жараёнида табиат муҳофазаси қонунчилиги талабларининг бажарилишини назо-

рат қилиш тизими ташкил қилинди. Минтақавий қўмиталарда бундай ишларни мувофиқлаштириш масалалари бўйича мутахассис штат бирликлари киритилди. Натижада давлат экологик экспертизасидан ўтказилган объектларнинг салмоқли бўлгини экологик норматив лойиҳалари ташкил этмоқда.

Экологик меърий лойиҳаларни тайёрлаш ва уларга келишув бериш тизимини соддлаштириш ва такомиллаштириш масаласи атмосферага ва сув ҳавзаларига зарарли моддалар чиқариш ва атроф-мухитга каттиқ чиқиндиларни жойлаштириш бўйича лойиҳаларни бир йўла битта лойиҳа таркибида тайёрлаб кўриб чиқиш орқали ҳал қилиниши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикасида Давлат экологик экспертизасининг истиқболдаги асососий вазифалари қуидагилардан иборат:

- салбий таъсир вужудга келиши мумкинлиги қонуниятларидан келиб чиқиб, уларнинг сабаблари ва оқибатлари боғлиқлигини тушунган ҳолда режалаштирилган фаолиятнинг атроф-мухитга таъсирини баҳолаш;
- атроф-мухитга таъсирни баҳолаш ва экологик меъёрлар лойиҳаларини экологик экспертизадан ўтказиш услубиятини такомиллаштириш;
- атроф-мухитга таъсирни баҳолаш ва экологик меъёрлаштиришга йўналтирилган қонунчилик базасини такомиллаштириш.

12.6. Давлат экологик сертификатлаштириш, стандартлаштириш ва меъёрлаштириш

Маҳсулотларни ва хизматларни экологик ҳавфизлиги ва сифати аҳамиятли омил бўлиб, миллий манфаатлар йўлидаги кенг йўналишили фаолиятдир. Мустақил ёш республика қаддини тиклаш йилларида давлат миқёсида кўп муаммолар ечили, шу жумладан, олиб кирилаётган, олиб чиқилаётган ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати яхшиланди, экологик ҳавфизлиги таъминланди ва ракобатбардошлилиги оширилди. Дунё бозорида Ўзбекистон Республикасининг кўп қиррални маҳсулотларини тўсикларсиз тан олиш учун, сертификатлаштириш жараёни киритилган, яъни маҳсулотлар сифатининг назорати учинчи томон орқали ташкиллаштирилган.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, сертификатлаштириш ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий органи ҳисобланади. «Ўзстандарт» агентлиги 28.12. 1993 йилдаги «Маҳсулотларни ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонунига асосан сертификатлаштириш соҳасида давлат сиёсатини юритади, сертификатлаштириш ишларини ўтказишнинг умумий қоидаларини ўрнатади, улар тўғрисидаги расмий маълумотларни нашр этади; сертификатлаштириш тизимини ривожлантириш дастурлар лойиҳасини ишлаб чиқади ва уларни кўриб чиқиш учун ҳукуматга тақдим этади; сертификатлаштирилиши мажбурий бўлган маҳсулотларнинг рўйхатини аниқлайди ва в.х.

Аkkредитациядан ўтган сертификатлаштириш идоралари ва синов лабораториялари (марказлар),

сертификатлаштириш мақсадида аккредитацияланган сертификатлаштириш тизимини мувофиқлигини ўрнатишида бевосита иштирок этади. Сертификатлаштириш – бу маҳсулотларнинг сифатини ва ҳавфизлигини ўрнатилган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи фаолиятдир. Маҳсулотлар (шу жумладан, дастурий ва бошка илмий-техник маҳсулотлар), хизматлар, ҳамда сифат тизими сертификатлаштириш объектлари ҳисобланади.

Сертификатлаштиришнинг қонунлари асосини Ўзбекистон Республикасининг «Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва ҳавфизлиги тўғрисида»ги Қонуни ташкил этади ва унга асосан гигиеник сертификатларни расмийлаштириш зарурлиги белгиланиб, озиқ-овқат маҳсулотлари давлат рўйхатидан ўтказилади ва сифат мувофиқлиги тўғрисида сертификат берилади.

Шу билан бирга, мувофиқликни тасдиқлаш ҳалқаро тажрибаси иккита бир хил тартиботни мужассамлаштиради: холис ташкилотлар томонидан сертификатлаштириш ва ишлаб чиқарувчиларнинг мувофиқлик декларациясини қабул қилиш ва бу ўз навбатида Жаҳон Савдо Ташкилоти талабларига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон Савдо Ташкилотига кириши амалдаги сертификатлаштириш тизимини ҳалқаро талабларига жавоб беришини талб килади.

Экологик сертификатлаштиришдан мақсад қуидагилар ҳисобланади - маҳсулотларни истемолчиларга улар ҳасти, соглиги, мулки ва атроф муҳити учун ҳавфизлигига кафолат берувчи ишлаб чиқарувчилар томонидан технологик жараёнларни ва ишлаб чиқаришда атроф табиий муҳитни минимал даражада кам ифлослантиришларини жорий этилган шундай ҳолатларда рағбатлантиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни (46-моддаси) билан, белгиланган талаб кўрсаткичларидан четланган ҳолда хом ашё ва материаллардан фойдаланиш, технология жараёнларини жорий этиш ҳамда тайёр маҳсулотларни (шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари) экологик сертификатсиз чиқариш тақиқланади. Экологик сертификатлаштириш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 46-моддасини ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 октябрдаги 469-сонли «1999-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури тўғрисида»ги карори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, алоқадор вазирликлар, ташкилот ва идоралар билан биргаликда 2000 йил 19 апрелда қабул қилинган 151-сонли «Экологик ҳавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва уларни унинг ҳудудидан олиб чиқишни тартибга солиш тўғрисида» Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқди. Ушбу қабул қилинган

карорда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ва олиб кирилаётган ва олиб чиқилаётган экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни экологик сертификатлаштириш тартиби тасдиқланди.

Кабул қилинган ушбу Ҳукумат карори Ўзбекистон Республикасида Давлат экологик сертификатлаштириш тизимини ташкил этишга имкон яратди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси республикада доимий равишда давлат экологик сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш ишларини олиб бормоқда. Доимий равишда, давлат экологик сертификатлаштиришга алоқадор вазифаларни Кўмита Ҳайъатида режали кўриб келмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2002 йил 31 октябрдаги 10/4-сонли Ҳайъат карорида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси хузуридаги «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш Маркази» Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси хузуридаги Давлат экологик сертификатлаштириш, стандартлаштириш ва меъёрлаштириш Бош бошқармаси «Бошдавэкосертификат»га айлантирилди, ҳамда ушбу Ҳайъат Қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2002 йил 13 ноябрдаги 72-сонли ва 2002 йил 25 декабрдаги бўйруғига мувофиқ «Бошдавэкосертификат»нинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий экологик сертификатлаштириш, стандартлаштириш ва меъёрлаштириш бўлимлари ташкил этилди. «Бошдавэкосертификат» «Ўстандарт» Агентлигидан 2003 йил 20 январда қонунчиликда ўрнатилган тартибда аккредитацияланган бўлиб, экологик сертификатлаштириш, стандартлаштириш ва меъёрлаштириш тизими қатнашчилари фаолиятини мувофиқлаштирган ҳолда назорат қилиш ишларини олиб боради. «Бошдавэкосертификат» ҳудудий экологик сертификатлаштириш Маркази каби, ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги ҳамда «Чиқиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 апрелдаги 151-сонли «Экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни Ўзбекистон Республикасида олиб кириш ва уларни унинг ҳудудидан олиб чиқишни тартибга солиш тўғрисида»ги ва 2004 йил 6 июлдаги 318-сонли «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддлаштиришга доир кўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари асосида ўз фаолиятларини амалга оширмоқдалар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ҳайъати қарорлари билан Бош давлат экологик сертификатлаштириш, стандартлаштириш ва меъёрлаштириш бошқармасининг асосий йўналиши ва вазифалари белгилаб берилган бўлиб, улар:

барча экологик сертификатлаштириш, стандартлаштириш ва меъёрлаштириш бўлимларига методик раҳбарлик қилиш;

барча экологик сертификатлаштириш, стандартлаштириш ва меъёрлаштириш тизими бўйича ягона сиёсатни жорий этиш;

Ўзбекистон Республикасида олиб кирилаётган ва унинг ҳудудидан олиб чиқилаётган экологик хавфли маҳсулотларни ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини тартибга солиш мақсадида, ҳамда технологик жараёнлар ва хизматларга экологик сертификатлар бериш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган, олиб чиқилаётган ва транзит қилинаётган наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларга хулосалар бериш;

ташкилот ва корхоналар томонидан технологик жараёнларнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш стандартлари лойиҳаларини ишлаб чиқиши.

Давлат экологик сертификатлаштириш, стандартлаштириш ва меъёрлаштириш тизимида Қонун ва Ҳукумат қарорлари талабларини бажариш мақсадида, «Ўстандарт» Агентлиги билан биргаликда ҳамда бошқа Миллий сертификатлаштириш тизими қатнашчилари илмий – тадқиқот институтлари билан бир қатор меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилди, улардан:

О'з DSt 11.1:2005 «Давлат экологик сертификатлаштириш тизими. Маҳсулотларни экологик сертификатлаштириш қоидалари»;

О'з DSt 11.2:2005 «Давлат экологик сертификатлаштириш тизими. Чиқиндиларни экологик сертификатлаштириш қоидалари»;

О'з RH 84.11-12:2003 «Экологик сертификатлаштириш тизими. Экологик сертификатлаштириш органларининг намунавий низоми»;

О'з RH 84.11-13:2003 «Экологик сертификатлаштириш тизими. Экологик сертификатлаштириш қоидаларига риоя этиш юзасидан назорат текширувани ўтказиш тартиби»;

О'з RH 84.11-14:2003 «Экологик сертификатлаштириш тизими. Маҳсулот ва хизматлар бўйича экологик сертификатлаштиришни ўтказиш қоидалари»;

О'з RH 84.11-15:2003 «Экологик сертификатлаштириш тизими. Экологик сертификатлаштиришда экологик хавфсизликнинг кўрсатгич ва даражаларини аниқлаш тартиби»;

О'з RH 84.11-15:2003 «Экологик сертификатлаштириш тизими. Технологик жараёнларни экологик сертификатлаштиришни ўтказиш қоидалари»;

О'з RH 84.11-17:2005 «Давлат экологик сертификатлаштириш тизими. Экологик сертификатлаштириш, стандартлаштириш ва меъёрлаштириш ишлар учун ҳақ тўлаш тартиби»;

О'з RH 84.11-18:2005 «Давлат экологик сертификатлаштириш тизими. Маҳсулотларнинг табиий ва экологик тозалиги кўрсаткичлари».

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Ўстандарт» Агентлиги билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикасида олиб кириладиган бензин ва дизель моторлари билан жиҳозланган «M2», «M3» ва «N2» тоифаларидаги

янги автотранспорт воситаларини «Евро-2» экологик даражадан кам бўлмаган талабларга мувофиқлиги бўйича экологик сертификатлаштириш тартиби тўғрисида Вактингчалик йўриқнома»ни янгидан ишлаб чиқилди ва қўшма қарор қабул қилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2007 йил 7 апрелда 1670-сон билан рўйхатдан ўтказилди.


«Бошдавэкосертификат» ўрнатилган тартибида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сонли қарори асосида экологик сертификатлаштиришни тартибга солиш учун асосий меъёрий хужжатларни қайта ишлаб чиқилди ва актуаллаштирилган. Буни асосида «Ўзстандарт» Агентлиги томонидан экологик сертификатлаштирувчи идора «Бошдавэкосертификат» 2009 йил 3 апрелга қадар қайта аккредитацияланди ва UZ.AMT.06.MAL.128-сон билан «Аkkreditatsiya гувоҳномаси» берилди, бир вақтнинг ўзида «Бошдавэкосертификат»нинг аккредитация доираси тасдиқланди (2006 йил 3 апрелдаги АК-21-сонли қарор).

2007 йил мобайнинда экологик хавфли маҳсулотлар, чиқиндиларни ва технологик жараёнларни ва хизматларни экологик меъёр ва талабларга мувофиқлигини баҳолашда жаъми 1818 та экологик сертификатларни расмийлаштириди. Улардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 апрелдаги 151-сонли «Экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва улар-

ни унинг худудидан олиб чиқишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорининг экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни номенклатураси асосида 1059 дона, республикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар технологик жараёнлари учун 265 дона, 3 йил муддат билан, кўрсатилаётган хизматлар учун 379 дона, «M2», «M3» ва «N2» тоифалардаги «Евро-2» экологик даражадан кам бўлмаган талабларга мувофиқлиги бўйича 115 дона экологик сертификатлар берилган. Ушбу давр мобайнинда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 31 июлдаги 293-сонли «Гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириш, олиб чиқиш ва транзити тўғрисида»ги қарорини бажара бориб, «Бошдавэкосертификат» томонидан Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган прекурсорларга 18 та экологик хуласалар берилди.

2004-2007 йилларда берилган экологик сертификатлар умумий сони 131-расмда кўрсатилган.

«Бошдавэкосертификат» бўлинмалари томонидан берилган экологик сертификатлар сони



131-расм. Берилган экологик сертификатлар кўрсаткичларининг динамикаси

XIII. Илм-фан, экологик тарғибот ва таълим

13.1. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолияти

Илмий-тадқиқот фаолияти 1996 йил 26 апрель 232-І-сон билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги Низом» нинг 12-бандига асосан амалга оширилади, унга кўра, табиий муҳит ҳолатини аниқлаш ҳамда уни яхшилаш борасида чоратадбирлар ишлаб чиқиши бўйича илмий-техник, эксперт ва бошқа идоралараро кенгашлар, гурӯхлар ва комиссиялар тузиши каби вазифалар қўйилган.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимида мавжуд бўлган экологик муаммоларни ечиш учун йўналтирилган илмий-тадқиқий, илмий-техник ва амалий ишларни амалга оширувчи хўжалик хисобидаги идоравий илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, институтлар, марказлар ва бошқа бўлинмалар яратилган. Ҳозирги кунда ушбу тизимда қуидагилар фаолият кўрсатмоқда: «SUVGEO» Toshkent ilmiytadqiqot instituti, «Atmosfera» илмий-тадқиқот ва лойиха-технологик институт, «Сув хўжалиги экологияси» илмий ишлаб чиқариш давлат-унитар корхонаси, «Эко-энергия» илмий-тадбиқий маркази, «Жайрон» экомаркази, «Зомин» ва «Куйимозор» мониторинг марказлари.

Узоқ муддатли дастурларни, табиатни муҳофаза қилиш ҳудудий комплекс схемаларни, қонунчилик норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун давлат экологик экспертизасини ўтказиш ва атроф-мухит муҳофазаси ҳамда табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа масалаларнинг ечимини топишида, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўрнатилган тартибда илмий-тадқиқот, лойиха ва конструкторлик ташкилотларини, олий ўкув юргуларини, ижодий ва ахборот илмий-техник марказларини ва бошқа ташкилотларни, шунингдек, айрим олим ва мутахассисларни жалб этади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси «Илмий-техник тараққиёти ва тарғибот» бўлими кошида Илмий-техник кенгаш (ИТК) ўз фаолиятини олиб боради ва у доимий фаолият кўрсатувчи илмий-маслаҳат орган ҳисобланниб, ҳудудий қўмиталар, қўмитанинг Илмий-техник кенгаши (ИТК) ҳамда қўмита тизимидағи илмий-тадқиқот институтлари фаолиятини мувофиқлаштиради. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ИТК фаолияти ягона илмий-техник сиёсатни мувофиқлаштиришга ҳамда атроф-мухит муҳофазаси ва табиатдан самарали фойдаланиш муаммоларни ечиш йўлларини тошишга йўналтирилган.

ИТК йигилишларида атроф-мухит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасига тегишли бўлган қуидаги долзарб масалалар ҳамда муаммолар кўриб чиқилади, улар бўйича карорлар қабул қилинади:

- республикада атроф-мухит муҳофазаси табиатдан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари бўйича илмий тадқиқотларнинг ҳолати ва истикболлари;

- Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг илмий-тадқиқот бўлинмалари ва лойиха конструкторлик институтлари, бошқа вазирлик ва идоралар ҳамда республиканинг бошқа тегишли идораларининг атроф-мухит муҳофазаси ҳамда табиий ресурслардан самарали фойдаланиш соҳасидаги илмий ва техникикавий асосий йўналишлари ривожлантириш бўйича уларнинг фаолиятининг устивор йўналишлари ва мавзуларини аниқлаш;

- табиатни муҳофаза қилиш республика ва маҳаллий фондлари хисобидан молиялаштирилиб, амалга оширилётган илмий-тадқиқий ва тажриба-конструкторлик ишлари фаолиятини ва илмий-тадқиқий хисоботларини баҳолаш;

- амалга оширилиши атроф-мухит учун салбий оқибатларга олиб келиш эҳтимоли юқори бўлган лойиха ишларини экологик жиҳатдан асослаш;

- экологик меъёрлаштириш, инспекция (назорат) ишларни олиб бориш, табиатдан фойдаланиш меъёрлари ва тартибини белгилаб берувчи, меъёрий-услубий ва раҳбарий ҳужжатлар базасини такомилаштириш ва ривожлантириш;

- атроф-мухит муҳофазаси ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича лойиҳаларни, концепцияларни, режаларни, дастурларни, аналитик ва бошқа ҳужжатларни комплекс илмий баҳолашни амалга ошириш.

ИТК йигилишларида бўлим томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинадиган карорлар, қўмитанинг таркибий бўлинмалари ҳамда республика вазирликларининг тегишли бошқармалари, бўлимлари, идоралар, ташкилотлар ва корхоналарда ижро этилиши мажбурий ҳисобланади.

Фаолияти атроф-мухит муҳофазаси ҳолати ва инсонлар саломатлиги шароитларини яхшилаш муаммоларини ечимини топишига йўналтирилган **«Atmosfera» илмий-тадқиқот ва лойиҳа-технологик институти** томонидан 1992-2008 йиллар даври мобайнида устивор йўналишлар белгилаб олинди.

Институт ташкил этилган дастлабки вактларда (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгashi Президентининг 06.03.1992 й. Қарори, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 18.03.1992 й. бўйруғи) асосан энергетик комплексга тегишли бўлган корхоналар томонидан атмосфера ҳавосига чиқиндилар ташланишини камайтириш муаммолари билан шугулланган.

Ҳозирги кунда институт фаолиятининг асосий йўналишлари бўлиб қуидагилар ҳисобланади:

- атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар инвентаризацияси лойиҳаларини, атмосфера ҳавосига

ифлослантирувчи моддалар ташланиши ва чиқиндилар пайдо бўлишининг экологик меъёрларини ишлаб чикиш ҳамда корхоналарнинг экологик ҳавфилик тоифаларини аниқлаша ишларини амалга ошириш;

- ишлаб чиқариш чиқиндилари манбалари ва пайдо бўлиш ҳажмларини инвентаризациясини ўтказиш, уларнинг ҳавфилик тоифасини аниқлаш;

- атмосфера ҳавосига заарли чиқиндиларни камайтириш мақсадида ёнилғи-энергетик ускуналарида ишга тушириш синовларини ўтказиш;

- атроф-мухитнинг инсон саломатлигига таъсирини баҳолаш;

- марказлашмаган қозон ускуналари ва бошқалардан ташланадиган ёнишдан ҳосил бўлган маҳсулотларга бўлган экологик талабларни кўриб чикиш бўйича таклифлар ишлаб чикиш ва бошқалар.

1992-1994 йиллардаги институтнинг илмий ишланмалари ТошГРЭС, ТошТЭЦ, Таштеплоцентрал, ТАПОиЧ ва ТТЗларнинг қозонларида кўлланилган бўлиб, унинг натижасида газ ёқилишининг камайтирилиши хисобига азот оксиди 50-60 % га, мазутнинг камайтирилиши хисобига азот оксиди 40-50% га кам ташланишига эришилган. ДКВР-10 ва ДКВР-20, ПТВМ-30 ва 50, ДЕ-25, КВГМ-100 қозонларида газни босқима-босқич ёкиш режимини ва сув пуркашни технологик қайта жиҳозлаш ҳисобига азот оксиди ташламаларни камайтириш усули ишлаб чиқилди. Тошкент шаҳрида жойлашган корхоналар: «Средазэлектроаппарат» ИИБ, «Ташхимсельмаш», «Реле ва автоматика» заводлари, «Узвторцветмет» РПО, «Тошкент» тепловоз депоси, «Эльбор» ТПО, АРЗ-1, Тошкент ОМЗ, Тошкент АКСМ учун ишлаб чиқариш чиқиндиларинининг пайдо бўлиш меъёрлари лойиҳалари ишлаб чиқилган. ТашГРЭС корхонасининг ТТМ-94 қозони учун газ, газ ва мазут аралашмаларини ёқилишида, факелда тикланадиган қисмларини ташкил этиш йўли билан азот оксидини ташланишини камайтириш усули ишлаб чиқилиб, кўлланилган. Натижада, қозоннинг техник-иктисодий кўрсаткичларини сезиларли даражада пасайтирамай азот оксидини кўшимича 20-30% ташланишини камайтиришга эришилди. Тўлиқ иш фаолиятида азот оксидлари концентрациясини мутлок кўрсаткичлари 100-120 мг/м³ ташкил қилди. «Совпластит» кўшма корхонасида графит чангидан тозалаш бўйича ускуна яратилган ва кўйма маҳсулотларни йиғиши-бўяш участкасида 96% тозалаш даражасига эга бўлган углеводородларни зарарсизлантириш ускунаси кўпланилган. «Эталон» ишлаб чиқариш бирлашмаси термопластавтоматлар участкасида стирол буғларидан ҳосил бўладиган ташламаларни тозалаш бўйича конструкторлик ҳужжатлар тўплами ишлаб чиқилган.

1995-1996 йилларда институт асосан энергетика комплекс корхоналари томонидан ташланадиган ташламаларни қисқартириш муаммолари бўйича илмий-тадқиқий ишларни давом эттириди. Турли кўринишдаги ҳавфисиз ёқилғи ёкиш тизимлари таклиф этилди, олтингугурт ангидриди, азот окиси ва бошқа заарли ара-

лашмалардан ҳосил бўладиган газларни ушлаб қолиши усуллари яратилди. Институт Ўзбекистон Республикаси энергетика вазирлигининг қуидаги ГРЭСларида табиатни муҳофаза қилиш фаолияти комплекс дастурини бажарилишида иштирок этган: Тошкент, Сирдарё, Янги-Ангрен, Навоий, шунингдек Ўзбекистон Республикаси энергетика вазирлигининг «Экология ва саломатлик» – икки йиллигини ўтказиш тўғрисида»ги буйруғини ҳамда «Соғлом авлод учун» Республика дастурини бажариш ишларида Фарғона ТЭЦ ва Фарғонаиссиқликтармоқ, Тошисиқликтармоқларида иштирок этди.

Шу йилларда институт қаттиқ ва суюқ саноат чиқиндиларини утилизация муаммолари билан шуғуланишни йўлга қўйиб, ўз фаолиятини кенгайтириди. Чиқиндиларни қайта ишлаш орқали маҳсулот олиш ва утилизация қилиш бўйича яратилган технологик схемалар муҳим ўринни эгаллайди. Оқава ва ичимлик сувларини тозалаш учун алюминийни қайта ишлашда ҳосил бўладиган шлакларни утилизация қилиш йўли билан алюминий оксиди, тозалangan гидрооксид, олтингугурт ишқорли коагулянт алюминий олишнинг оддий ва арzon усули яратилди. Халқ ҳўжалигига ўнлаб тонна мис, никель, хром, кадмий каби кимматбаҳо металларни қайтариш имконини берадиган, гальваник ишлаб чиқаришида ҳосил бўладиган суюқ чиқиндилар ва шламларни қайта ишлаш ва фойдаланиш муаммолари ечимига асосий эътибор берилди. Институт, НТСМ «Среазнипроцветмет» ва «Сувгео» ИТИ билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикаси корхоналарида ҳосил бўладиган қаттиқ ва суюқ чиқиндиларни қайта ишлаш» мавзуусида илмий-техник конференция ўтказди.

Маҳаллий хом-ашёдан олинадиган реагентни кўллаш орқали оқава сувларни оғир металл қоришимларидан тозалашнинг реагент усулини кўллаш ишларига раҳбарлик қиласди. Усул ташқаридан олиб келинадиган камёб хом-ашёга асосланган саноат корхоналари оқаваларини тозалаш технологияси ўрнини босади.

Республика корхоналари томонидан атмосфера ҳавосига меъёрий белгиланган чегаравий ташламалар ташлаш ва уларни камайтириш тадбирларини ишлаб чикиш бўйича ҳўжалик шартнома ишлари, институт фаолиятида асосий ўрин эгаллайди. Давлат табиатни муҳофаза қилиш килиш кўмитаси Республика табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси (РТМЖ) дастури бўйича институт томонидан қуидаги ишланмалар бажарилган:

- «Соғлиқни саклаш ва атроф-мухит муаммоларини самарали ечиш учун устувор усулларни яратиши»;

- «Экологик районлаштиришнинг айрим кўрсаткичлари – Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлиғи ҳолати кўрсаткичларининг 1990-1994 йиллар бўйича таҳлили»;

- «Қурилишнинг барча турлари учун ер танлаш учун зарур бўлган ҳужжатлар таркиби бўйича кўрсатма»;

- «Лойиҳанинг «Атроф табиий мухит муҳофазаси» бўлимини тузиш бўйича кўлланма.

1997-2000 йилларда институт, қайта фойдаланиб бўлмайдиган ишлаб чиқариш ва майший чиқиндиларнинг катта ҳажмларда йигилиши, табиий ресурсларнинг камайиб бориши ҳамда атроф-мухит ифлосланиши каби муаммоларни ечимини топишида фаолият олиб борди. Иш жараёнида, табиат ва инсон саломатлигига уларнинг антропоген омиллар натижасидаги таъсирини камайтириш муаммоларига янгила ёндашуввлар ишлаб чиқилди.

ГНТП-8.8.2/1 – «Саноат ва майший чиқиндиларни ва уларнинг атроф-мухитга таъсирини ўрганиш, уларни утилизацияси ва заарли таъсирини камайтириш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқиш» ва ГНТП 8.8.2/2 – «Саноат обьектларининг инсон саломатлигига ва атроф-мухитга заарли таъсирини камайтириш бўйича тегишли услублар ва усулларни тадқиқ килиш ва яратиш» дастурлари доирасида бажарилган, иккита илмий хисоботларда тўлиқ намоён бўлган, илмий тадқиқотлар ва ишланмалар ўтган давр мобайнида институт фаолиятининг асосий йўналишлари бўлиб хисобланади. Табиий хом ашё етишмаслиги, уни қазиб олиш, бойитиш ва қайта ишлаш харажатларининг ошиши шароитида, асосий эътибор майший ва саноат чиқиндиларни ҳосил бўлиши ҳамда уларни утилизацияси муаммоларини бошқариш, уларнинг физик-кимёвий тавсифларига қаратилган.

Институт томонидан, турли чиқиндиларни қайта ишлаш орқали қимматбаҳо импортни ўрнини босадиган маҳсулот олинадиган, технологик схемалари: актив кўмир, углеводород ёқилгиси, смола, шўрланган ерларда фойдаланиш учун ўғитлар, ичимлик ва техник сувларни тозалаш учун коагулянтлар яратилган.

Ишларнинг асосий улуши хўжалик шартномалари асосидаги ишларига тўғри келади. Ушбу йўналиш бўйича институт томонидан куйидаги ишлар амалга оширилган:

- атмосфера ҳавосига зарарли чиқиндиларнинг ташланиши инвентаризацияси, ишлаб чиқариш чиқиндиларни ҳосил бўлиши ва жойлаштирилиши бўйича хужжатларни ишлаб чиқиш;

- атмосфера ҳавосига белгиланган меъёрий ташлама (ПДВ), белгиланган меъёрий ташлама (ПДС), чиқиндиларни ҳосил бўлишининг белгиланган меъёrlари каби экологик меъёрий хужжатларни, экологик паспортларни, услубий кўлланмаларни, раҳбарий хужжатларни ва бошқа меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш;

- атроф-мухитни инсон саломатлигига таъсирини баҳолаш;

- ишлаб чиқариш ва майший чиқиндилар бўйича ишларни олиб бориш, уларни заарсизлантириш ва иккиламчи қайта ишлашга жалб этиш ҳамда бошқа ишлар бўйича технологиялар яратиш.

Институт ходимлари Берлин, Прага, Финляндияда «Саноат аварияларини трансчегаравий таъсири» Халқаро конвенцияси доирасида ўтказилган ҳалқаро ва худудий семинарларда ҳамда илмий-техник конференцияларда ўз маъruzalari ва мълумотлари билан қуйидаги мавзуларда иштирок этишган: «Саноат чиқиндилар – амалий тажриба ва за-

монавий технологиялар»; «Экологик таълим ва саноатда атроф-мухит муҳофазаси муаммолари»; «Рангли, ноёб металларни ишлаб чиқариш технологияларининг истиқболлари».

Асосий эътибор, технологик жараённинг ўзида чиқиндиларни заарсизлантириш муаммоларни ечишга қаратилган бўлиб, бу янги технологик жараёнларни қўллаш ва кам токсик реагентларни «нисбатан тоза ишлаб чиқариш»ни қўллаш орқали тадқиқ этиш билан бирга, шунингдек ташкилий ва маъмурий тадбирларни амалга ошириш орқали ҳам амалга оширилади. Саноат ва майший чиқиндиларни атроф-мухитга ва инсон саломатлигига таъсирини баҳолашнинг таҳлили, уларни утилизацияси ва заарсизлантиришининг янги усулларини қўллаш орқали «нисбатан тоза ишлаб чиқариш»ни ташкил этиш учун ёндашувлардан фойдаланиши мақсадга мувофиқлигини исботлади. Натижада, пиролитик усули билан утиллаштириш ускуналарини қўллаш орқали, ёнувчи майший ва ишлаб чиқариш чиқиндиларни қайта ишлаш ва утиллаштиришнинг аппаратли-технологик усули яратилди. Ишлаб чиқаришда қўллаш учун агрегатнинг оригинал конструкцияси яратилиб, у бир қатор қимматбаҳо оралиқ маҳсулотларни олиш имкониятини берди: актив кўмир, суюқ ва газсимон углеводородлар. Ушбу технология «нисбата тоза ишлаб чиқариш» дастурининг асосий вазифасини бажариш имконини беради – бу кам харажат сарфлаб, ўзини тез қоплайдиган экологик-иқтисодий самарага эришиш.

2001-2002 йилларда институт, саноат корхоналари томонидан атмосфера ҳавосини заарарли чиқиндилар билан ифлослантиришини камайтириш, токсик саноат, шунингдек қаттиқ майший чиқиндиларни утилизацияси, атмосфера ҳавосини заарарли чиқиндилар билан ифлосланишини камайтиришга йуналтирилган инвентаризация ва тадбирлар борасида хужжатлар ишлаб чиқиш соҳаларида ўз фолиятини давом эттириди.

Шунингдек, корхоналарнинг экологик ҳавфлилек тоифалари аниқлаш, ПДВ экологик меъёрлар ҳамда услубий ва раҳбарий хужжатлар ишлаб чиқиш ишлари амалга оширилди.

Ўтган йиллар мобайнида институт пестицид, кимёвий ўғит ва бошқа шу каби ўта ҳавфли, ноликвид бўлиб хисобланган қишлоқ хўжалик чиқиндиларни утиллаштириш бўйича ишланмалар олиб борди, асбоб-ускуналарни экологик тавсифларини яхшилашни таъминлайдиган, ишланма ва технологияларни ўзлаштиришда Республика корхоналарига илмий-техник, технологик ва услубий ёрдам кўрсатиб келди. Институт, Янги-Ангрен ТЭСининг куқунларидан қимматбаҳо компонентларни олиш комплекс технологияларни ўзлаштириш, Фарфона нефтни қайта ишлаш заводининг нефтешламларини, медицина чиқиндиларни ва бир марталик системалар, машина-мотор мойлари ва майший чиқиндиларни утиллаштириш орқали ёнувчи газ ҳосил қилиш, бўйича илмий-техник изланишларга киришди.

2002 йилда институт ГНТП 5.6.8.3. дастури бўйича «Ёнувчи ишлаб чиқариш чиқиндиларни

утиллаштириш ва зарарсизлантириш бўйича аппаратли-технологик схемаларни ишлаб чиқиши мавзусида илмий-тадқиқий ишлар олиб борди. Шу йилнинг ўзида «Атмосфера озон қатламини бузувчи моддаларни кўлламасдан, иссиқлик насослари ускунасини яратиш ва иссиқлик трансформацияси жараёнини тадқиқ қилиш» мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси қошидаги Илм ва технологиялар маркази томонидан эълон қилинган танловда грантга сазовор бўлди.

Буюртмалар бўйича бешта хўжалик шартнома ишлари амалга оширилди ва патент идорасига патент олиш учун битта ариза берилди.

2003-2005 йилларда институт «Атмосфера озон қатламини бузувчи моддаларни кўлламасдан, иссиқлик насослари ускунасини яратиш ва иссиқлик трансформацияси жараёнини тадқиқ қилиш» мавзусидаги фаолиятини давом эттириди.

2005 йил август ойида, патент идорасига берилган ариза асосида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси қошидаги Патент идораси томонидан № IAP 02801 «Иссиқлик трансформацияси ускунаси»га патент берилди ҳамда Патент идорасининг «Расмий ахборотнома» бюллетенида 4(60)-сонида мақола чоп этилди.

Хўжалик шартномаси асосида, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида «Нефтшламларни суткасига 1 тонна кувватда қайта ишлайдиган комплекс ускунасини лойиҳалаштириш ҳамда технологиялар билан таъминлаш ва ишлаб чиқиши экологик экспертиздан ўтказиш» мавзусидаги ишлар бажарилди. Ушбу босқичда суткасига 1 тонна нефтшламларни қайта ишлайдиган ускуна технологияси ишлаб чиқилди ва ишчи чизмалар тайёрланди.

2005 йил октябр ойида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси қошидаги Патент идораси томонидан № IAP 02859 «Чиқиндиларни қайта ишлаш усули ва уни амалга ошириш асбоб-ускунаси»га патент берилди ҳамда Патент идорасининг «Расмий ахборотнома» бюллетени 5(61)-сонида мақола чоп этилган.

2004 йил 15 июнда «Ангрен кўмири кукунидан қимматбаҳо компонентларни олишнинг комплекс технологиясини ўзлаштириш» номли инновацион лойиҳасини амалга ошириш учун T-04-24-сонли шартнома ва XIII-T-04-24-сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси қошидаги Илм-фан ва технология маркази ҳамда «Atmosfera» ITLTI билан уч томонлама шартнома тузилди. 2005 йил август ойида, патент идорасига берилган ариза асосида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси қошидаги Патент идораси томонидан № IAP 02776 «Кукундан қимматбаҳо компонентларни комплекс олиш усули ва уни амалга ошириш ускунаси»га патент берилди ҳамда Патент идорасининг «Расмий ахборотнома» бюллетени 4(60)-сонида мақола чоп этилган.

2006-2008 йилларда институт Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси қошидаги Илм-фан ва технология маркази томонидан эълон қилинган 2006-2008 йилларга мўлжалланган 3 та грантга сазовор бўлди, шунингдек, Республика табиатни муҳофаза

қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган учта илмий-тадқиқий ишлар бажарилди.

Бешта мавзуу бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси қошидаги Патент идорасига аризалар берилган ва «Экология хабарномаси» журналида қўйидаги мавзулар бўйича мақолалар чоп этилган: «Автомобиль транспорти ва атроф-мухит» ва «Кўмирни газлаштириш технологиясининг ҳозирги аҳволи».

1992-2007 йиллар мобайнида «Сув хўжалиги экологияси» Илмий-ишлаб чиқариш давлат унитар корхонаси (ИИЧДУК) асосан қўйидаги йўналишлар бўйича ўз фаолиятини олиб борган:

- сув, ер ресурслари сифати ҳолати устидан мониторинг олиб бориш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳамда барқарор бошқариш бўйича комплекс схемалар ва тадбирлар ишлаб чиқиш;

- Орол муаммоси оқибатларини енгиллаштириш бўйича комплекс табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- ерларнинг ифлосланиши ва шўрланишига қарши, чўлланиш жараёнларини олдини олиш, тупрокнинг мелиоратив ҳолатини ва унумдорлигини ошириш бўйича табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- иқтисодий районлаштириш ва табиий муҳитга антропоген омилларнинг таъсирини ўрганиш;

- дарё сувлари сифатини бошқариш ва уларнинг ифлосланишини олдини олиш, сугориладиган ерлардан фойдаланишда сув тежайдиган технологияларни ишлаб чиқиш ва қўллаш;

- кишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида, ер усти сувларини тозалаш учун самарали технологияларни яратиш ва қўллаш;

- дренаж сувларини тозалаш ва қайта фойдаланиш;

- оқава сувларни тозалашнинг самарали усулларини яратиш ва қўллаш;

- экин экиладиган майдонларининг ва сувнинг турғун органик бирикмалари билан ифлосланишини баҳолаш ва уларнинг детоксикация усуллари;

- атроф-мухит таъсирини баҳолаш лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

- сув ҳавзларини сон ва сифат тавсифларини бошқариш ва истиқболини белгилашни математик моделлаштириш;

Ушбу йўналишлар бўйича ишларни амалга ошириш мақсадида, «Сув хўжалиги экологияси» ИИЧДУКда 4 бўлим ва 6 лаборатория ташкил этилган:

- Орол ва Оролбўйи бўлими;

- дарё сувларини ифлосланишини ўрганиш ва истиқболини белгилаш, сувни тежайдиган технологияларни ишлаб чиқиш;

- физик-кимёвий усуллар таҳлилий бўлими;


- математик моделлаштириш ва ер сув ресурсларини ифлосланишидан кўриладиган заарни баҳолаш бўлими;

- минерал сувларидан сугоришда фойдаланиш ва тозаланган оқава сувлардан қайта фойдаланиш лабораторияси;


- ГИС ва масофавий усулда тадқиқ этиш лабораторияси.

1991-2007 йиллар мобайнида «Сув хўжалиги экологияси» ИИЧДУК ўз фаолиятини тўлиқ хўжалик хисобида, илмий тадбиқий ишлар бажариши учун тузилган шартномалар ва давлат бюджети ҳисобидан ютиб олинган дастурлар хисобидан амалга ошириди. 1994-2007 йиллар давомида «Сув хўжалиги экологияси» ИИЧДУК атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида 70 та мавзуда (132-расмга қаранг) 113 млн. сўмдан (133-расмга қаранг) ортиқ бўлган суммага илмий тадбиқий ишлар бажарди. Ўтган давр мобайнида ташкилот ходимлари томонидан 43 тадан ортиқ илмий мақола, шулардан 18 таси халқаро нашриётларда чоп этилди (134-расмга қаранг). «Марказий Осиёда баркарор ривожланиш муаммолари» журналининг 3 та сони чоп этилди, 3 та патент ва қашфиётга муаллифлик хукуқлари олинган, ишлаб чиқаришга 3 та илмий ишланма тадқиқ этилган.


132-расм. «Сув хўжалиги экологияси» ИИЧДУК бўйича 1994-2008 йиллардаги шартномалар бўйича бажарилган илмий-тадқиқот ишлари миқдори



133-расм. «Сув хўжалиги экологияси» ИИЧДУК бўйича 1994-2008 йиллардаги бажарилган ишлар ҳажми



134-расм. «Сув хўжалиги экологияси» ИИЧДУК бўйича 1992-2007 йиллардаги мақолалар, патентлар ва тадбиқий фаолият



«Сув хўжалиги экологияси» ИИЧДУК ходимлари экологик муаммоларга бағишлиланган 30 дан зиёд халқаро ва республика анжуманлари ва симпозиумларида ўз маърузалари билан иштирок этган.

1991-2007 йиллар давомида эришилган илмий-амалий натижаларга куйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Оролбўйида экологик ҳолатни яхшилаш учун комплекс табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари;

2. Шўрланган ерларни ўзлаштириш технологияси ва Оролнинг қуриган қисмида кумларни мустаҳкамлаш;

3. Чорвачилик ем базасини ривожлантириш, туз чанг кўчишларини пасайтириш, чўлланиш жараёнини олдини олиш учун Орол денгизининг қуриган қисми ва Амударё дарёси дельтасида маданий ландшафтларни яратиш технологияси;

4. Ўзбекистон Республикасида экологик районлаштириш услуги ва уни амалга ошириш;

5. Дарё ҳавзаларида гидроэнергия ва сув-туз ҳолатини бошқариши математик модели;

6. Дарё ҳавзалари ҳолати мониторингини олиб бориш учун, ирригация-дарё тизими математик модели билан боғлиқ GIS ARCVIEW, EPIC ва EXCELга асосланган ахборот-хисоб тизими. Ушбу моделлар: ретроспектив гидрогеологик ва гидрокимёвий маълумотлардан соддалаштирилган ҳолда фойдаланиш; гидрогеологик ва гидро кимё мониторингини ташкил этиш ва олиб бориш; сув ҳавзаларида сув-туз балансини ҳисобларини амалга ошириш, сув ресурсларини бошқаришнинг оптималь режимларини излашни амалга ошириш имконини беради;

7. Қишлоқ аҳолисини сув билан таъминлашда ер усти сувларни гидробиоинженер тозалаш технологияси;

8. Сугоришнинг сувни тежайдиган технологияси (томчилаб, гидропон);

9. Коллектор-дренаж сувларни тозалаш, шўрга мослашган ва қимматбахо доривор ўсимликларни культивацияси учун минерал сувлардан қайта фойдаланиш;

10. Сув ва экиладиган майдонларда пестицидларни утиллаштириш ва деструкция усуллари;

11. Оролбўйида табиий муҳит ҳолатини баҳолаш ва комплекс мониторинг (сув, ер ва ўсимликлар сифати).


«Сув хўжалиги экологияси» ИИЧДУК томонидан амалга оширилган йирик лойиҳаларига куйидагиларни киритиш мумкин:

1. 1990-1992 йилларда «Сув хўжалиги экологияси» ИИЧДУК

раҳбарлигида остида ГКНТ комплекс дастури бўйича ишлар бажарилди: Оролбўйида экологик ахволни амалий яхшилашга йўналтирилган «Оролбўйида экологик ижтимоий-иктисодий ахволни яхшилаш бўйича тадбирлар». Ушбу дастур доирасида ўтказилган иммий тадқиқотлар атроф-мухитни комплекс экологик мониторинги каби муаммоларга бағишланган бўлиб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сувориша сувни тежайдиган технологияларни кўллаш, чорвачилик оқавалари ва коллектор-дренаж сувларидан қайта фойдаланиш, агрохимикатлардан фойдаланишни камайтириш, токсик чиқиндилярнинг қолган қисмини заарсизлантиришда иммий-амалий аҳамиятга эга бўлди;

2. 1993-1999 йилларда «Сув хўжалиги экологияси» ИИЧДУК ЮНЕСКО ва Германия ҳукумати томонидан молиялаштирилган «Орол ва Оролбўй» лойиҳаси иммий-тадқиқот ишларида иштирок этган ва уларни мувофиқлаштирган. Тадқиқотлар натижасида, Амударё дарёси ёқасидаги кичик сув ҳавзалари ва кўллар тизимини оптималь бошқариш ва уларнинг мавжудлигининг математик моделлари яратилди, шунингдек уларнинг сув-туз баланси ўрганилди; ксенобиотикларнинг деструкцияси ва миграцияси истиқболи амалга оширилди, гидробионтларда

135-расм. Оролниуг қуриган тубида фитомелиорация ва маданийлаштириш бўйича тадбирлар ўтказиши



токсикантларни биоаккумуляцияси жараёни тадқиқ қилинди, макрофит ўсимликлари ва сувларнинг устки қисмида кум-шамол аэрозолларининг трансформацияси; сувни фильтрлаш ва эвапотранспирация жараёни;

3. 2002-2005 йилларда «Сув хўжалиги экологияси» ИИЧДУК «Амударё дарёсининг пастки қисмида сув ресурсларини ифлосланишини олдини олиш бўйича стратегия ва тадқиқотлар» мавзусидаги ИНТАС лойиҳасида иштирок этди;

4. 1998-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасининг сувориладиган майдонларини экологик ахволига қўлланилаётган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг таъсирини ўрганиш бўйича иммий тадқиқотлар ўтказилди;

5. 1999-2003 йилларда аҳолини ижтимоий-иктисодий ва экологик турмуш шароитини яхшилаш, Оролбўйида чўлланишини олдини олиш мақсадида Орол денгизининг қуриган қисми ва Амударё дарёси ёқаларида сунъий маданий ландшафтларни яратиш технологияларини ишлаб чиқиш ва кўллаш ишлари амалга оширилди, шунингдек «Жанубий Оролбўйида туз-чангларни тушишини экологик баҳолаш ва сифат характеристикалари» ишлари бажарилди;

6. 2001-2002 йилларда «Сувни тозалашнинг биологик усуслари ва табиий сорбентлардан фойдаланиш йўли билан қишлоқ аҳоли пунктларида ичимлик суви тайёрлашнинг комбинацион технологияси», «Сувлар ифлосланишининг олдини олиш бўйича биоинженер технологияси», «Ўзбекистон Республикаси худудини экологик районлаштириш» методикаси яратилди;

7. 2003-2004 йилларда «Чўлланишга қарши қурашиб ва ем ҳамда қимматли қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш учун катта ҳажмдаги коллектор дренаж сувларини тозалаш ва улардан қайта фойдаланиш технологияси» яратилди;


8. 2006-2008 йилларда «Амударё дарёсининг пастки қисмида деградацияланган тўқай экотизимларни тиклаш учун иммий асослар» яратилди.

Хозирги кунда бажарилган барча иммий ишланмаларнинг апробацияси амалга оширилмоқда.


Оролбўйида экологик ахволни яхшилаш, чўлланиш жараёнини олдини олиш учун яратилган табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари бўйича, дарё ва дренаж оқавалари билан дарё ёқаларининг бир қисмини сувга тўлдириш, кичик сув ҳавзалари каскадини яратиш ва кўлларни сув билан таъминлаш. Бу билан галофитларни культивацияси ва фитомелиорацияси, сунъий маданий ландшафтлардан ташкил топган Оролнинг қуриган қисмида «яшил ҳимоя тўсиклари»ни яратиш (135-138-расмга қаранг) бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни кўзда тутган.

Ушбу чораларни қўллаш, чўлланиш жараёnlарини ва чанг туз кўчишини олдини олишга кўмаклашади. Таклиф этилаётган «яшил ҳимоя тўсиклари» чанг-туз кўчма шамол тезлигини 1,5-2,0 мартаға қисқаришига олиб келади, тегишли худудларининг микроклимини яхшилайди. Жойнинг, морфометрик кўрсаткичларнинг, гидравлик ва сув ҳавзаларининг эксплуатация режимини асосли танланиши, 1,5 млн. га

136-расм. Амударё ўзанида ва Оролнинг қуриган тубида «ветланд» ва «польдер»лар бошқариладиган оқим сув ҳавзаларининг комплексини ташкил қилиши



137-расм. Жанубий Оролбўйида атмосфера қуруқ аэрозолли тузли ёғинлар тарқалиши, йилига кг/га




ер майдонида кирғоқ бўйидаги кум барханлари ни ўз-ўзидан қайта ўсимлик билан қопланишини рағбатлантиришга йўналтирилган, макрофит ўтлари билан яратилаётган сув экотизимлари, дарё ёқаларига бархан кумларининг кўчишини олдини олади ҳамда локал намланиши ҳисобига кум кўчмаларини кўчмаслиги имкониятини беради. Сунъий сув бостирилиши, шунингдек, тўқай

ўрмонларини тикланишига олиб келади. Оролбўйи табиий ресурсларининг тегишли қисмини қайта тиклаш ва сақлаб қолиш, Орол денгизининг қолган қисмини баркарор ҳолатда сақлаш, туз зарраларини 11 млрд. тоннагача тушишини ва уларнинг кукунларини учиб юришинни олдини олиш имкониятини беради.

Хозирги кунда тажриба участкаларида фитомелиоратив тадбирлар билан биргаликда «польдер» тизими – кичик сув ҳавзаларини каскадларини яратиш орқали Оролни қуриган қисмидаги «яшил химоя тўсиклари» яратиш бўйича комплекс табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари амалга оширилмоқда. Оролни қуриган қисмидан ва Амударё дарёсининг ёқалари деградацияланган худудларидан туз-чанг кўчмалари жараёни ва уларнинг атроф-мухитга таъсири ўрганиб чиқилди. Муҳим оқимлар бўйича Қорақалпогистон Республикасининг шимолий қисми худудларида ҳар бир фасл давомида умумий чанг (т/га) ва тузларнинг (т/кг) тушиши аниқланган, кукун йўли билан кўчиб ўтадиган аэрозолларнинг сифати таҳлил қилинди.

Коллектор-дренаж сувларини дарёларига ташланадиган оқимларни қисқартириш ва қайта ишлатиш ва уларнинг шаклланиш жойларида маҳсулдор яиловлар ва ўрмон химоя чизикларини яратиш, тузга чидамли ўсимликларни етиштириш дарё сувларини ифлосланишидан химоя қилиш бўйича харакатдаги тадбирлардан бири бўлиб ҳисобланади.

138-расм. Ўзбекистон худудидаги экологик вазиятни баҳолаш харитаси



Амударё дарёси ҳавзасида енгил механик таркибли, сугоришида фойдаланиши мумкин бўлган коллектор-дренаж сувлари майдони 680 минг гектарни ташкил этади, бу эса ўз навбатида шўрланган коллектор-дренаж сувларидан $3,27 \text{ м}^3$ ҳажмда фойдаланиш имкониятини беради.

«Сув хўжалиги экологияси» ИИЧДУК томонидан сувни тежаш усулларини қўллаб, тузга чидамли озука ўсимликларини етиштириш учун сугоришида то-залangan оқава ва коллектор-дренаж сувларидан қайта фойдаланиш бўйича технологиялар яратилган ҳамда ўзлаштирилган. Амударё ҳавзасида енгил механик таркибли 680 минг гектар сугориш учун ярокли майдонларни коллектор-дренаж суви (КДС) билан сугориши мумкин. Бу $3,27 \text{ м}^3$ миқдоридаги шўрланган сувни ишлатиш имконини беради. Масалан, Оролбўйининг тажриба ишлаб чиқариш участкаларида Коракалпогистон Республикаси ва Хоразм вилояти кум сахролари шароитида, биологик дренаж билан биргаликда минераллашган сувлардан фойдаланиб ($1,5\text{-}4 \text{ г/л}$) боғларни томчилаб сугоришида (олма, нок, бехи, узумзорлар) коллектор-дренаж сувларидан самарали фойдаланиш имкониятлари кўрсатиб берилган (136-137-расмларга каранг). Бунинг натижасида, сувнинг тежалиши 32%дан кўпроқни ташкил этди, культивацияланадиган галофитлар (биологик дренаж), тупроқдан ортиқча тузларни йўқолишига ҳамда тупроқ устки қисмини буғланиш интенсивлигини пасайишига сабаб бўлди. Сорго, кунгабоқар, буғдой, полиз экинлари, доровор ўсимликларни ҳамда чорвачилик, мўйнали хайвонларни етиштириш ва балиқчиликни ривожланишига кўмак берувчи ветландларни сугоришида $3\text{-}7 \text{ г/л}$ минераллашган коллектор оқава сувларидан фойдаланиш ижобий натижаларни берган.

«Сув хўжалиги экологияси» ИИЧДУК Ўзбекистонинг 176 тумани мисолида амалга оширилган, «Экологик районлаштириш методикаси»ни яратди. 20 та устувор мезонлари бўйича интеграл балл баҳолаш натижасида Ўзбекистон Республикасининг экологик нохуш худудлари аниқланди (138-расмга қаранг).

«Сув хўжалиги экологияси» ИИЧДУК томонидан 1997-2007 йиллар давомида бажарилган илмий-тадқиқий ишлари бўйича маълумот 75-жадвалда келтирилган.

«Сув хўжалиги экологияси» ИИЧДУК томонидан ўзини тозалашнинг табиий механизмлари интенсификациясига асосланган, сувни ифлосланишдан тозаловчи самарали усуллари яратилган. Ифлосланишнинг характеристири ва локал шароитларга қараб, ичимлик сифатида фойдаланадиган сувнинг сифатини ошириш ва оқар сувларинг ифлосланишини олдини олиш имконини берувчи макрофит биофильтрларнинг тури модификациялари, ифлосланган сувларнинг гидробиологик тозалаш усуллари ва ер ости линзаларининг сунъий тўлдириш ва бошқалар яратилган.

Хулоса ва таклифлар

«Сув хўжалиги экологияси» ИИЧДУК томонидан амалга оширилган илмий-тадқиқий ишлар ва лойиҳалар асосида табииятни муҳофаза қилиш тад-

бирларини биргаликда ўтказиш учун қуйидагилар тавсия этилади:

- Оролбўйи минтақасида, ишлаб чиқилган комплекс табииятни муҳофаза қилиш тадбирларини кўллашни давом эттириш, Орол денгизининг қуриган қисмида яшил ҳимоя тўсиқлари ва ветландлар яратиш учун минераллашган коллектор-дренаж сувлари дарё сувларидан қисман фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

- экологик қулай ва фойдаланиши осон, энергия тежовчи, кўп маблағ ва эксплуатация харажатлари талааб қилмайдиган ифлосланган сувларни тозалаш учун макрофитлардан фойдаланиб сув тозалашнинг гидробиоинженер усулларидан фойдаланишини тавсия этиш;

- сугоришининг сув тежовчи муқобил усуллардан кенг фойдаланиш – томчилаб ва тупроқ ичидан сугориш тизимлари, импульс сугориш технологиялари, жўяклаб сугориши такомиллаштириш ва бошқалар;

- ер ости сувларини сунъий тўлдириш ва ва ташландик ер ости ичимлик сув манбаларини (дарё бўйи ва канал бўйи линзалар) тиклаш ва ривожлантириш учун макрофитларни экиш билан биоинженер инфильтрация ускуналардан фойдаланишини таклиф этиш;

- деградацияланган ерларда озука ва тузга чидамли экинлар, қимматбаҳо доривор ўсимликлар, юқори маҳсулдор яловлар ва ҳимоя ўрмон экинларини сугоришида коллектор-дренаж ва қайтиб келувчи сувлардан қайта фойдаланиш ва уларни кўшимча тозалаш;

- тупроқни токсик элементлар билан ифлосланишини олдини олиш мақсадида, токсик чиқиндиларни утилизация жараёнини тезлаштирадиган, табиий микроорганизмлар ва ўсимликлардан фойдаланиш ўйли билан, тупроқларни ўз-ўзини тозалаш самарадорлигини ошириш бўйича шароитларни яратишга каратилган тадбирларни амалга ошириш.

1988-2007 йиллар давомида «SUVGEO» Тошкент илмий-тадқиқот институти (ToshITI «SUVGEO» 1960 йили ташкил топган) қуйидаги йўналишлар бўйича ўз фаолиятини олиб борган:

- ер усти ва ер ости сувларини оқава сувлари билан ифлосланишини олдини олиш;

- сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда сув билан таъминлашнинг ёпиқ тизимларини ташкил этиш;

- саноатлашган шароитида табиий ва оқава сувларни тозалаш технологияларини яратиш ва ўзлаштириш ҳамда ҳосил бўладиган чўқмаларни қайта ишлаш;

- ер ости сув олиш иншоотларидан фойдаланиш шароитларини оптималлаштириш;

- ифлослантирувчи компонентлардан сув билан таъминловчи ер ости сув манбаларини ҳимоя қилиш ва сув элтувчи пластларни тозалаш;

- ишлаб чиқариш чиқиндиларини йигишнинг рационал усуллари, чиқиндиларни бошқариш;

- атроф-мухит муҳофазаси соҳасида меъёрий-услубий хужжатлар ишлаб чиқиш;

75-жадвал. «Сув хўжалиги экологияси» ИИЧДУКнинг 1997-2007 йиллар давомида амалга оширган фаолияти тўғрисида маълумот

| Бажарилган илмий-тадқиқий ишларнинг номланиши | жами | Шу жумладан, молиялаштириш манбалари хисобидан | | |
|---|------|--|------|------|
| | | хўж. шарт. | ЦНиТ | РТМҶ |
| 1999 йил | | | | |
| «Кўлланилаётган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини Ўзбекистон ҳудудининг геоэкологик ҳолатига таъсири» | 3,2 | 3,2 | - | - |
| «Самарқанд вилояти Нуробод ва Нарпай туманларининг тупроклари харитасини корректировкаси ва бонитировкаси» | 3,3 | 3,3 | - | - |
| 1999 йил бўйича жами | 6,5 | 6,5 | - | - |
| 2000 йил | | | | |
| «Кўлланилаётган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини Ўзбекистон ҳудудининг геоэкологик ҳолатига таъсири» | 2,5 | 2,5 | - | - |
| «Аҳолини ижтимоий-иктисодий ва экологик турмуш шароитини яхшилаш, Оролбўйида чўлланишини олдини олиш мақсадида, Орол денгизининг куриган қисми ва Амударё дарёси ёқаларида сунъий маданий ландшафтларни яратиш» | 2,0 | - | 2,0 | - |
| 2000 йил бўйича жами | 4,5 | 2,5 | 2,0 | - |
| 2001 йил | | | | |
| «Қорақапогистон Республикаси атроф-муҳити ва аҳолиси саломатлиги омилларини экологик баҳолаш» | 1,5 | 1,5 | - | - |
| «Кўлланилаётган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини Ўзбекистон ҳудудининг геоэкологик ҳолатига таъсири» | 4,0 | 4,0 | - | - |
| «Аҳолини ижтимоий-иктисодий ва экологик турмуш шароитини яхшилаш, Оролбўйида чўлланишини олдини олиш мақсадида Орол денгизининг куриган қисми ва Амударё дарёси ёқаларида сунъий маданий ландшафтларни яратиш» | 2,5 | - | 2,5 | - |
| 2001 йил бўйича жами | 8 | 5,5 | 2,5 | - |
| 2002 йил | | | | |
| «Кўлланилаётган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини Ўзбекистон ҳудудининг геоэкологик ҳолатига таъсири» | 5,5 | 5,5 | - | - |
| «Сувни тозалашнинг табиий сорбентлар ва гидробиологик усулларидан фойдаланган ҳолда, қишлоқ аҳоли пунктларига ичимлик суви тайёрлашнинг комбинацион технологиясини яратиш» | 3,5 | - | 3,5 | - |
| 2002 йил бўйича жами | 9,0 | 5,5 | 2,5 | - |
| 2003 йил | | | | |
| «Кўлланилаётган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини Ўзбекистон ҳудудининг геоэкологик ҳолатига таъсири» | 4,6 | 4,6 | - | - |
| «Қишлоқ аҳоли пунктларига ичимлик суви тайёрлашнинг комбинацион технологиясини яратиш» | 4,0 | - | 3,0 | 1,0 |
| «Оролнинг куриган қисмida маданий яйловларни яратиш технологиясини қўллаш» | 4,0 | - | 4,0 | - |
| Жанубий Оролбўйи тупроғи, суви ва ўсимликларини кимёвий тахлили ва туз чангларнинг тушиш кўрсаткичларини сифатий ўрганиш | 0,5 | 0,5 | - | - |
| 2003 йил бўйича жами | 13,1 | 5,1 | 7 | - |
| 2004 йил | | | | |
| «Чўллашишга қарши курашиш ва ем-хашак ҳамда қимматли қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш учун катта ҳажмдаги коллектор дренаж сувларини тозалаш ва улардан қайта фойдаланиш технологияси» | 4,0 | - | 4,0 | - |

| | | | | |
|--|-------|------|------|-----|
| «Қўлланилаётган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини Ўзбекистон худудининг геоэкологик ҳолатига таъсири» | 3,2 | 3,2 | - | - |
| «Аҳолини ижтимоий-иктисодий ва экологик турмуш шароити-ни яхшилаш, Оролбўйида чўлланишни олдини олиш мақсадида Орол денгизининг қуриган қисми ва Амударё дарёси ёқаларида сунъий маданий ландшафтларни яратиш» | 5,3 | - | 2,3 | 3,0 |
| «Сув сифатини бошқаришда бассейн принципини яратиш ва кўллаш Фарғона вилояти мисолида» | 4,0 | - | - | 4,0 |
| «Жанубий Оролбўйида туз-чанглар тушишининг экологик баҳолаш ва сифат характеристикалари» | 0,5 | 0,5 | - | - |
| 2004 йил бўйича жами | 17,0 | 3,7 | 6,3 | 7,0 |
| 2005 йил | | | | |
| «Чўллашибга қарши курашиш ва ем-хашак ҳамда қимматли кишлоқ хўжалик экинларини етиштириш учун катта ҳажмдаги коллектор дренаж сувларини тозалаш ва улардан қайта фойдаланиш технологияси» | 5600 | - | 5600 | - |
| «Қўлланилаётган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини Ўзбекистон худудининг сугориладиган майдонлари ҳолатига таъсири» мавзусида «Қизилтепагеология» ГГЭ билан ҳамкорликда | 1000 | 1000 | - | - |
| Чўлланишни олдини олиш мақсадида, Орол денгизининг қуриган қисми ва Амударё дарёсаннинг ёқаларида фитомелиоратив тадбирлар, сунъий ландшафтлар ва ветланлар яратиш технологиясини ўзлаштириш масштабларини кенгайтириш | 3000 | - | - | - |
| «Қорақалпогистон Республикасида туз-чанглар тушишининг экологик баҳолаш ва сифат кўрсаткичлари» | 1000 | 1000 | - | - |
| «Хоразм вилояти Кўл коллектори зонасида қайтувчи коллектор-дренаж сувларини бошқариш ва чўллашибга қарши курашиш» | 3000 | - | - | - |
| 2005 йил бўйича жами | 13600 | 2000 | 5600 | - |
| 2006 йил | | | | |
| «Амударё дарёсининг пастки қисмларида деградацияланган тўқай экотизимларини тиклашнинг илмий асослари» | 4000 | - | 4000 | - |
| «Сувни ифлосланишдан тозалаш учун биоплатодан фойдаланишнинг экологик асослари» | 700 | 700 | - | - |
| «Оқава сувлардаги меъёрлаштирилдиган ингредиентларни назорат қилишнинг аналитик усууларини ўрганиш» | 748 | 748 | - | - |
| «З та пилот хўжаликлар учун базис экологик тадқиқот: Тошкент в-ти, Қўйичирчик т-н, Самарқанд в-т, Каттақўргон т-н, Жиззах в-т, Зомин т-н» | 7445 | 7445 | - | - |
| 2006 йил бўйича жами | 12893 | 8893 | 4000 | - |
| 2007 йил | | | | |
| «Амударё дарёсининг пастки қисмларида деградацияланган тўқай экотизимларини тиклашнинг илмий асослари» | 5040 | - | 5040 | - |
| «Оқава сувлардаги меъёрлаштирилдиган ингредиентларни назорат қилишнинг аналитик усууларини ўрганиш» | 883 | 883 | - | - |
| «Қўйичирчик, Каттақўргон ва Зомин туманларининг экологик ҳолати мониторинги» | 4200 | 4200 | - | - |
| «Ўзбекистоннинг сув ҳавзаларидағи ўсимликлар ва тупроқларнинг ҳамда сувни сифатининг таҳлил ва тадқиқ қилиш» | 2100 | 2100 | - | - |
| «Ўзбекистоннинг сув ҳавзаларидағи ўсимликлар ва тупроқларнинг ҳамда сувни сифатининг таҳлил ва тадқиқ қилиш» | 925 | 925 | - | - |
| 2007 йил бўйича жами | 13148 | 8108 | 5040 | - |

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 19.10.1992 йил 381-ф сонли фармойишига асосан ТашНИИ «ВОД-ГЕО» Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасига бириктирилди. Тошкент шаҳар Чилонзор туман Хокимиятининг 14.12.2000 йил 1966-сонли Қарорига асосан, 2001 йил институт номи ўзгаририлди - «SUVGEO» ToshITI.

Ҳозирги кунда институт таркибий тузилмасига кўра 5 лабораторияни ўз ичига олади:

- сув билан таъминлаш тизимининг ёпиқ тизимлари;
- табиий ва саноат оқава сувларини физик-химёвий тозалаш;
- оқава сувларни биологик тозалаш ва чўқмаларни қайта ишлаш;
- аналитик кимё;
- майший ва саноат чиқиндиларини қайта ишлаш ҳамда утилизациялаш.

1988 йилдан 2007 йилгача институт ходимлари томонидан давлат маблағлари хисобидан 130 та ва турли корхоналар билан хўжалик шартномаси асосида 717 та илмий-тадқиқий ишлар бажарилган.

90-йиллардан бошлаб то ҳозирги кунгача, институт давлатнинг илмий-техник дастурларини амалга оширишда иштирок этмоқда:

ГНТП-15 «Атроф-муҳит муҳофазаси ва табиатдан самарали фойдаланишнинг муаммоларини ечиш ва илмий асолангандан ёндашувлар ишлаб чиқиши»;

ГНТП-8 «Саноат, майший қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши чиқиндиларини ва иккиласми ресурслардан фойдаланишнинг назорати ҳамда бошқариши муаммолари»;

ГНТП-5.6 «Экологик ҳавфсизлик, атроф-муҳит муҳофазаси ва табиатдан барқарор фойдаланиш муаммоларини ечиши»;

ГНТП-13 «Атроф-муҳит муҳофазаси, табиатдан барқарор фойдаланиш ва экологик ҳавфсизликни таъминлаш муаммоларини ечиш»;

ГНТП-7 «Республиканинг барқарор ривожланишини таъминловчи атроф-муҳит муҳофазаси, табиатдан фойдаланиш ва экологик ҳавфсизлик муаммоларини ечиш ҳамда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва саклаб қолиш тизимини тақомиллаштириш».

1988 йилдан бошлаб, илмий-тадқиқот натижаларига кўра, 100 га яқин муаллифлик ҳуқуқлари, ГДРнинг 2 та патенти, Чехославакия патенти, Ўзбекистон Республикасининг 29 та патенти олинди. 300 га яқин макола ва маъруза тезислари, бошланғич синф ўқувчилари ва болалар боғчаларининг юқори гурух болалари учун чиқинди билан муомала қилиш муаммоларига бағишлиланган бўяш учун «Ҳавфли қўшни» китоби, болалар ва ва ота-оналар учун экологик алифбе ҳамда «Ўзимизнинг экологик ҳуқуқларимизни қандай ҳимоя қилайлик» номли рисолалари чоп этилди.

Институт ходимлари «Чиқиндиларни бошқариш бўйича миллий форум материаллари» тўпламини чоп этишда иштирок этилди. «Экоинформ» ва «Аква територия» каби сайтлар ташкил этилди, «Тошкент ка-

наллари» ва «Маҳалла – бизнинг тоза уйимиз» ўкув видеофильмлари сұрратга олинди.

Халқаро форумлар, кўргазмалар ва танловларда намойиш этилган институт ишлари қуйидагича:

- миллий ва халқаро кўргазмаларда кумуш медаллар, 1 ва 2-даражали дипломлар билан тақдирланган;
- янги технологиялар кашф этиш ва маҳсулотлар ҳалқаро кўргазмасида (Женева, Швейцария) битта кумуш ва иккита бронза медаллари соҳиби бўлган;
- соғлиқни саклаш ва экология 1-Халқаро конгрессида (Манила, Филиппин) 2 та олтин медалга эришган;
- Ўзбекистон Республикаси Патент идорасининг энг яхши кашфиётлар танловида 1 ва 3-ўринлар ва рафбатлантирувчи мукофотга эга бўлган.

Охирги йилларда бажарилган ишлар натижасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ва МДХ давлатлари турли саноат ва коммунал хўжалик обьектлари учун асос бўлиб қолган, таклифлар, янги конструкциялар ҳамда ускуналар яратилган бўлиб, улар қаторида:

- Туямуон-Нукус-Чимбой-Тўхтакўпир ва Туямуон-Ургенч сув узатгичларнинг сув тозалаш станцияларида сувни юмшатиш ва тиниқлаштириш натижасида пайдо бўладиган чўқмалар ҳажмини камайтиришнинг реагантсиз усули;

- оқава сувлардаги чўқмаларга ишлов бериш ва камайтириш технологияси (аэроб барқарорлаштириш) - Ўзбекистон Республикаси ва МДХ давлатларининг ўнлаб шаҳарлари, патент олиш учун лицензия шартномага асосида Шимолий Берлиннинг (Германия) тозалаш иншоотлари;

- Нукус, Марғилон шаҳарларидаги РПО «Ўзиссиқкоммунэнерго» қозонхоналарининг оқава сувларини тозалаш ва сув тайёрлаш технологиялари;

- Сургут ва Нефтеюганска шаҳарлари сув олиш иншоотлари пластларида ер ости сувларини темирсизлантириш бўйича ускуна;

- Гулистон ва Бухоро шаҳарларида жойлашган ипак-йигириув фабрикаларида ипак-йигириув ишлаб чиқаришининг оқава сувларини биологик тозалаш;

- чўчқачилик комплекслари оқава сувларини биологик тозалаш – Тольяти шаҳри Поволжский, Вильянди шаҳри Шуваевский, Иркутск вилояти Зиминский, Мурманск вилояти Пригородный чўчқачилик комплексларининг тозалаш иншоотлари;

- оқава сувларини 6-валентли хром ионларидан электроагуляция усулида тозалаш – Тошавтоматика ва Қўлиқ йўл ўтказиши темир йўл конструкциялари заводининг тозалаш иншоотлари;

- биоховузлардаги шаҳар оқава сувларини тозалаш ва қайта тозалаш – Фарғона, Янгибозор, Турсунзода, Кулоб, Ашхобод азот заводининг канализация тозалаш иншоотлари;

- оқава сувлар чўқмалари ва қурум пульпага қўшимча ишлов бериш технологияси – «Навоизот» ИЧБ патент учун лицензия шартномаси;

- Рубежное шаҳридаги ПО «Химпром» Уфа, патент учун лицензион шартнома Фарғона «Азот», Черкасск шаҳридаги ПО «Азот», Чирчик шаҳридаги «Электрохимпром» корхоналаридаги сувларни оҳаклашнинг пастемпературали технологияси;

- биоховузлардаги оқава сувларни табиий аэрация йўли билан ҳамда Нукус, Душанбе, Киржал, Кентау, Олма-ота шаҳарлари, Чирчик ва Сирда́рё ГЭСлари, Чорвоқ шаҳарчаси Ўрта Чирчиқ ГЭСи каскадларининг канализация тозалаш иншоотлари оқава сувларини юқори сув ўсимликлари билан тозалаш ва қайта тозалаш;

- патент учун лицензия шартномаси бўйича «Навоийазот» ИЧБ корхонасининг тозалаш иншоотларининг оқава сувларини органик ва ноорганик цианидлардан биологик тозалаш;

- Кентау, Жезқозғон, Калуга, Смоленск, Нукус, Шахрисабз, Ўш, Пан, «Ўзкейсмаш» ўзбек-америка қўшма корхоналари, Урганч шаҳридаги «Хоразм ипаги» АЖ, «Хоразминат» АЖ; Нукус шаҳридаги «Катекс» АЖ; Самарқанд шаҳридаги «Самжинтекс»; Хоразм шаҳридаги «Гурлан» АЖ; Андижон шаҳридаги «Антекс» АЖ; Карши шаҳридаги «Кантекс» АЖ каби тўкув-трикатах, тикув-бўяш, ишлов бериш фабрикалари оқава сувларини тозалаш ва қайта фойдаланиш учун технология ва курилмалари;

- Муборак шаҳридаги «Промгаз» ва Тошкент шаҳридаги «Компрессор» заводлари базасидаги гальваника оқаваларни тозалаш курилмалари;

- «Солдат» қишлоғи ва «Шават» жамоа ҳўжалигидағи «Пластенаксан» ҳамда «Семурғ-Сан-Те» тери ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналарининг технология ва тозалаш иншоотлари;

- Андижон ва Жиззах вилоятларидаги, Асака заводида иссиқлик энергияси учун сувларни иссиқлиқюмшатиш (термоумягчение) технологияси;

- Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ва Шўртан кимёвий-газ мажмуасининг сув тайёрлаш стансиялари ва оқава сувларини тозалаш канализация иншоотлари;

- Сурхондарё вилояти Майдон қишлоғидаги ҳарбий шаҳарчалар Мудофаа вазирлиги обьектлари канализация оқава сувларини тозалаш учун компакт курилмалар;

- «Кока-кола» қўшма корхоналарининг маҳаллий тозалаш иншоотларидаги оқава сувларини биологик тозалаш технологияси;

- Чирчиқдаги «Сувокава» унитар корхонаси ва «О’ztemiryo’lmashta’mir» қўшма корхонаси оқава сувларини коагулация тозалаш технологияси ва курилмаси;

- Жанубий Кизилбайроқдаги маҳсулотларни тўплаш очик тизимишинг тутугтилгандан сўнг тупроқни тиклаш технологияси.

1994 йилдан бугунги кунга кадар институт томонидан қўйидаги меъёрий-услубий хужжатлар ишлаб чиқилди:

1. РХ 118.0027714.44-95. Гидросфера. Сувдан фойдаланишни ва енгил саноатнинг пахта-коғоз, трикатах ҳамда ипакчилик соҳаларига ихтисослашган корхоналардан оқизиладиган оқава сувларни камайтириш бўйича таклифлар;

2. РХ 118.0027714.48-95. Гидросфера. Сув обьектларини биоген элементлари ташламаларидан муҳофаза қилиш соҳасида техник қарорларни ишлаб чиқиш;

3. РХ 118.0027714.49-95. Гидросфера. Оқава сувларни биологик тозалаш жараёнларининг бузилиш сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

4. РХ 118.0027714.56-96. Гидросфера. Чорвачилик комплексларида сув муҳофазаси соҳасида давлат назоратини юритиш бўйича методик кўрсатмалар;

5. РХ 118.0027714.57-96. Гидросфера. Сувни иссиқлик билан ифлосланиш даражасини меъёrlаштириш ва сув обьектларини иссиқлик билан ифлослантирганлик учун тўловларни аниқлаш усувлари;

6. РХ 118.0027714.60-97. Ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари билан ишлаш. Терминлар ва аниқликлар;

7. РХ 118.0027714.61-97. Ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари билан ишлаш. Кўрсатма. Корхоналарда ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларининг инвентаризациясини ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби;

8. РХ 118.0027714.62-97. Ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари билан ишлаш. Ишлаб чиқариш чиқиндиларини жойлаштириш лимитини аниқлаш бўйича методик кўrсатма;

9. РХ 118.0027714.63-97. Ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари билан ишлаш. Ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини жойлаштириш лимити лойиҳасини ташкил қилиш ва ишлаб чиқиш тартиби;

10. O’z RH 84.3.5:2004 «Оқава сувларни тозалашнинг техник жиҳатдан эришилиши мумкин бўлган кўrсаткичлари хисобга олинган сув обьектлари ва жой рельефларига ифлослантирувчи моддалар ташлашнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган чегаравий меъёrlаштириши хисоблаш учун методик кўrсатма»;

11. O’z RH 84.3.6:2004 «Оқава сувларни тозалашнинг техник жиҳатдан эришилиши мумкин бўлган кўrсаткичлари хисобга олинган сув обьектлари ва жой рельефларига ифлослантируvчи моддалар ташламаларини меъёrlаштириш бўйича кўrсатма»;

12. O’z RH 84.3.7:2004 «Оқава сувларни тозалашнинг техник жиҳатдан эришилиши мумкин бўлган кўrсаткичлари хисобга олинган сув обьектлари ва жой рельефларига ифлослантируvчи моддалар ташламаларини меъёrlаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш ва расмийлаштириш тартиби»;

13. O’z RH 84.3.8:2004 «Чиқиндилар хавфсизлигини мажмуавий баҳолаш методикаси»;

14. O’z RH 84.3.10:2004 «Ўзбекистон Республикаси худудида симболи (таркибида симоб бўлган) маҳсулотлар билан ишлаш ҳолати тартиби»;

15. O’z RH 84.3.11:2004 «Симоб, унинг бирикмалари, симболи чиқиндилар ва ускуналар билан ишлаш жараёнларида қўйиладиган талаблар»;

16. O’z RH 84.3.15:2005. «Чиқиндиларни инвентаризация қилишни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби»;

17. O’z RH 84.3.16:2005. «Ишлаб чиқариш чиқиндиларини жойлаштириш лимитини аниқлаш бўйича методик кўrсатма»;

18.O’z RH 84.3.17:2005.«Ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини жойлаштириш лимити лойиҳасини ташкил этиш ва ишлаб чиқиш тартиби»;

19. O'z RH 84.3.18:2005.«Чиқинди паспорти»;
20. O'z RH 84.3.19:2005.«Терминлар ва аниқликлар»;
21. O'z RH 84.3.21:2005.«Чиқиндиларнинг хосил бўлиш меъёrlарини аниқлаш бўйича методик кўлланма»;
22. O'z RH 84.3.23:2007.«Чиқиндиларни кўмиши ва утилизация қилиш ерлари давлат кадастрини юритиш бўйича методик кўrsатма».

Институт ҳодимлари 2002 йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 8-сессиясида қабул қилинган «Чиқиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунини ишлаб чиқиша ҳамда тасдиқланишида фаол иштирок этганлар.

Институт ҳодимлари қўйидаги ҳалқаро дастурларда иштирок этишган:

- Ҳалқаро ҳамкорлик бўйича Япония агентлигининг дастури ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистоннинг Орол бўйи худудидаги олтита шаҳарнинг сув таъминоти тизими тадқиқотлари»;
- Оролни кутқариш Ҳалқаро фондининг дастури. Орол денгизи дастури 3. «Сув сифати бўйича баҳолаш ва бошқариш» лойиҳаси 3.1.A;
- «Бензин таркибидан кўроғшинни ажратиб олиш миллий мажбуриятларни ишлаб чиқиши» дастури;
- «Тошкент шаҳрида санитар тозаликни (қаттиқ машиий чиқиндилар компонентларини йигиш ва утилизация қилиш)амалга ошириш» лойиҳаси;
- «Хавфли чиқиндиларни трансчегаравий олиб ўтиш ва уларни йўқотишини назорат қилиш тўғрисида»ги Базель конвенцияси;
- БМТ Тараққиёт дастурининг «Атроф-мухит» Дастури ва Ўзбекистон ҳукуматининг «Ўзбекистон Республикасининг чиқиндилар билан ишлаш Миллий ҳаракатлар режаси ва Стратегияси».

1994 йилдан бошлаб институт қошида атроф-мухит соҳасида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳодимларининг малакасини ошириш мақсадида ҳар йили семинарлар ўтказилади.

13.2. Барқарор ривожланиш учун экологик таълим. Экологик ташвиқот ва ахборот-таълим тарғибот фаолияти

Атроф-мухит сифати ва экологик инқирозларнинг олдини олишда аҳолининг хабардорлиги, айникса, ўсиб келаётган авлоднинг экологик таълими, маданияти ҳал қилувчи омиллардан бири саналади. Ана шу мақсадда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа иқтисодиёт комиссияси томонидан «Барқарор ривожланиш учун таълим бўйича Стратегия»си қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасида мазкур стратегиянинг, шунингдек, барқарор ривожланиш учун таълим бўйича БМТ Декадасини (2005-2014) амалага оширилиши юзасидан аниқ ишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирлиги, Ҳалқ таълими вазирлиги ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тайёрланган ва катта нусхада қатор экологик адабиётлар чоп этилган. Ҳусусан, «5-6-синфлар учун ўкув кўлланма», «Ўзбекча-русланглизви экологик изоҳли лугат», «Қизил китоб» (I, II), «Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида маъруза (2002-2004)», «Қизил китоб» (I, II), «Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида маъруза (2004-2006)», «Ифлослантирувчи манбалар ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси худуди атроф-мухитга таъсири ҳолати тўғрисида»ги ахборот бўллетень (Атроф-мухит мониторинги Давлат Дастурининг амалга оширилиши натижаларига кўра,

тайёрлаш, қайта тайёрлаш, ҳамда малакасини ошириш тизимини янада тақомиллаштириш истиқболлари» Дастири ва Концепцияси ишлаб чиқилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Европа иқтисодиёт комиссиясининг юқорида қайд этилган Стратегияси ҳамда миллий дастур асосида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси аҳоли кенг қатламишинг экологик таълими, маданияти ривожлантариш бўйича ҳамкорлик кильмоқда, ўз таркибий бўлинмалари ҳодимларининг малакасини оширишни ташкиллаштироқда ҳамда бошқа идора ва ташкилотларга экологик таълим масаласи бўйича услубий ва моддий ёрдам кўrsатмоқда.

2002-2007 йиллар мобайнида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирлиги, Ҳалқ таълим вазирлиги билан уч томонлама қарорнинг амалга оширилиши юзасидан экологик таълим бўйича қатор семинарлар ўтказилди, турли синф ўқувчилари учун экологик таълимни ташкиллаштириш бўйича кўлланмалар, экология тўғараклар учун маҳсус дастурлар ишлаб чиқилган. Ҳалқ таълими вазирлиги томонидан дарсликлар, ўқитувчилар учун амалий кўлланма, кўrsатмалар ва дастурлар ишлаб чиқилган.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан ҳозирги замонавий табиатни муҳофаза қилиш конунчилиги хисобга олинган амалий кўлланма, дастурлар нашр этилган ва ўкув юртларига етказиб берилган. Барча олий ва ўрта маҳсус ўкув юртларида «Экология» ва «Атроф-мухит муҳофазаси» фани ўтилади. Ҳар йили республика бўйича ОЎЮларидаги ўртача 310 та эколог мутахассис кадрлар тайёрланади. Ҳар йили Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида ўкув ва ишлаб чиқариш амалиётини ўташни ташкиллаштиради. Экологик таълим ва тарбия тизими тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги Конунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги «Мактаб таълимини 2004-2009 йилларда ривожлантариш умумиллий давлат дастури» ҳакидаги Фармони ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий Дастири асосида амалга оширилади.

Экологик билимларни тарғиб қилишда, аҳолининг экологик ахборотга эга бўлишини таъминлаш максадида, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тайёрланган ва катта нусхада қатор экологик адабиётлар чоп этилган. Ҳусусан, «5-6-синфлар учун ўкув кўлланма», «Ўзбекча-русланглизви экологик изоҳли лугат», «Қизил китоб» (I, II), «Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида маъруза (2002-2004)», «Қизил китоб» (I, II), «Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида маъруза (2004-2006)», «Ифлослантирувчи манбалар ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси худуди атроф-мухитга таъсири ҳолати тўғрисида»ги ахборот бўллетень (Атроф-мухит мониторинги Давлат Дастурининг амалга оширилиши натижаларига кўра,

2002-2004 ва 2004-2005 йиллар учун), «Сармишсой», «Ҳисор қўриқхонаси» буклетлари, «Мухофаза этиладиган табиий ҳудудлар» тўпламидан фотоальбом, «Қўриқхоналар ва миллий боғлар» китоби, «Оммабоп экологик энциклопедия» (I-II), «Умумтаълим мактабларнинг бошлангич синфлари учун экологик таълим ва тарбия» ўкув кўлланмаси, «Экологик хуқуқ ва атроф-мухит муҳофазаси» рисоласи, болалар учун «Желли Жем», «Атроф-мухит ва биз», «Оламни тозалайлик» китоби, «Барқарор ривожланиш учун экологик таълим», «Чўлланиш ва курғоқчиликка карши курашиб куни», «Буғи куни», «Аҳоли куни», «Мустақиллик куни», «Дараҳтларни асрарнг», «Алюминий заводи заарали чиқиндиларининг инсонга таъсири» ва бошқа шу каби плакатлар нашр қилинган.

Сўнгги йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Миллий телерадиокомпания билан ҳамкорликда ҳар ойда мамлакат экологик муаммоларига бағишлиланган төлефильмлар, теле ва радиорепортажлар тайёрланади. Қўмита телевидениенинг «Ахборот», «Давр», «Пойтахт» каби информацион дастурлари билан кенг алоқани йўлга кўйган. Мазкур дастурлар қўмита томонидан ташкиллаштириладиган матбуот анжуманлари, семинарлар, тақдимотларида кенг жамоатчиликка ёритиб бериш муҳим аҳамият касб этади. Қўмитанинг ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсига муҳофаза қилиш бўйича бошқармаси томонидан ташкил этилган рейдлар ҳам ушбу ахборот дастурларида кенг ёритилади. Ушбу дастурлarda овқилиш, қонунга хилоф равишда дараҳт кесиш, дараҳт баргларини ёкиш, балик урчиш даврида балик овлаш каби ноқонуний хатти-ҳаракатларни очишига мўлжалланган рейдлар ўз аксини топган.

«Машъял», «Дўстлик» шунингдек, яқиндан «Ёшлар» ҳамда «Ўзбекистон» радиоканалларида ҳар ойда «Аслидай асрарнг», «Экология янгиликлари» каби радиоэшиттиришлар узатилиб борилмоқда. Экология мавзусидаги масалаларини ёритишида барча миллий босма нашриётлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 сентябрдаги «Давлат ва хўжалик органларининг жамоатчилик билан алоқалари тўғрисида»ги 203-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Ахборот хизмати ташкил этилган (қўмитанинг 16.10.2006 йил 96-сонли буйруғи). Ахборот хизмати илмий-техник таракқиёт ва тарғибот (ИТТ ва Т) бўлими ва қўмитанинг «Экоахборотистикбол» бошқармасининг ахборот-таҳлилий гуруҳ ходимларидан ташкил топган.

Ахборот хизмати фаолиятининг асосий йўналишлари қўйидагилар:

- Атроф-мухит муҳофазаси соҳасида ахборот сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш;

- Атроф-мухит муҳофазаси соҳасидаги меъёрий-хуқукий хужжатларнинг миллий оммавий ахборот воситаларида ёритилишини ташкиллаштириш;

- Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятининг муҳим томонларини, атроф-мухитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш борасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш масалаларини миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида ёритиши;

- Жамоатчиликнинг кенг қатламларини, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва аҳолини атроф-мухитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасида қабул қилинаётган қарорларни қабул қилиш ва амалга ошириш мунозара жараёнларига жалб этиши;

- Экотизим компонентлари ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати бўйича ахборот ва маълумотларни йиғиши ва таҳлилий қайта ишлаш;

- Географик ахборот хизмати (ГАХ) технологиялари базасида атроф-мухит ҳолати бўйича ягона мониторинг тизимини ташкил этиши;

- Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, чиқиндиларни қўмиш ва утилизация қилиш соҳасини тизимлаштириш ва давлат кадастрини юритиши;

- Экологик индикаторлар тизимини ривожлантириш ва амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг интернет веб-ресурслари тармоғини шакллантириш ҳамда сифатли фаолият юритишини таъминлаш.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг 1988 йил 29 августрдаги 305-сонли «Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг бошқариш схемаси тўғрисида»ги қарорига мувоғик Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 1989 йил 4 апрелдаги 16-сонли қарори билан қўмита қошида ахборот-хисобот марказини ташкил қилиш тўғрисида буйруғи қабул қилинган.

Ушбу буйруққа асосан ахборот-хисобот маркази зиммасига қўйидаги асосий вазифалар юклатилган:

- замонавий ҳисоб ва терминал техникаларни эксплуатация қилиш асосида атроф-мухит ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳолати бўйича маълумотларни йиғиши ва қайта ишлайдиган республика автоматлаштирилган ахборот тизимини ташкил этиши ва фойдаланиш;

- тегишли вазирликлар, идоралар, корхона ва ташкилотларни табиатни муҳофаза қилиш борасидаги маълумотларни қайта ишлашлари, тадбирларни амалга оширишлари учун таҳлилий ахборотлар билан таъминлаш;

- ЭҲМда республикада ифлослантирувчи манбалар ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги ҳудудий, минтақавий ва глобал база маълумотларини қайта ишлаш ва ташкил этиши;

- ЭҲМ маълумотлар базасида атроф-мухитнинг ҳолати ва доимий ўзгаришини кейинги тадбирларни режалаштириш учун тематик хариталарни яратиш;

- экологик ҳолатга таъсир этувчи янги корхоналар ва ташкилотларнинг курилиш лойиҳаларини экологик экспертизадан ўтказиб, натижаларини умум-

лаштириш ва тизимлаштириш бўйича ҳисботларни юритишни таъминлаш;

- республика табиий ресурслари муҳофазаси ва оқилона фойдаланиш самарадорлигини ижтимоий-иктисодий таҳлил қилиш ва баҳолаш бўйича ҳисбларни юритишни таъминлаш;

- табиий ресурслар, атроф-муҳит ва республика табиий ресурслари муҳофазаси ҳақидаги ахборотларни йиғиш ва қайта ишлаш муаммоларини ҳал қилиш учун тадқиқотларни ўтказишида биргаликда ҳаракат қилиш;

- экологик экспертиза ва ҳалқ ҳўжалиги қарорлари билан асосланган техник-иктисодий, илмий-услубий асосини ташкил этишида биргаликда ҳаракат қилиш;

- экологик меъёrlар, табиатни муҳофaza қилиш фаолиятини бошқаришининг иктиносидий усулларини қайta ишлаш ва ҳамкорликда ҳаракат қилиш;

- республикада атроф-муҳит ҳолатининг истиқболларини узоқ муддатга моделлаштириш ва башорат қилиш бўйича ишларни юритишда биргаликда ҳаракат қилиш;

- табиатни муҳофaza қилиш соҳасида автоматлашган ахборот тизимини ташкил этиш ва эксплуатация қилиш масалалари бўйича республикалараро алокаларни ўрнатиш.

Атроф-муҳитнинг ифлосланиш манбалари, табиатни муҳофaza қилиш тадбирларининг самарадорлиги ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳақидаги маълумотларни йиғиш, қайta ишлаш экологик ахборот тизимини замонавий ҳисоб техника воситалари асосида ташкил этилиши зарурлиги муносабати билан, мазкур марказ Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофaza қилиш давлат қўмитаси қошидаги экологик ахборотлар ва башоратлар бошқармаси (кейинчалик «Экоахборотистикбол») этиб қайta ташкил этилди (Табиатни муҳофaza қилиш давлат қўмитасининг 1993 йил 30 март 21-сонли бўйруги).

«Экоахборотистикбол» бошқармаси ўз фаолиятни Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофaza қилиш тўғрисида»ги, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, «Электрон хужжатлар обороти тўғрисида»ги, «Электрон ракамли имзо тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 май ПФ-3080-сонли «Келгусида компьютерлаштиришни ривожлантириш ва ахборот-коммуникатив технологияларни жорий этиш тўғрисида»ги Фармони, 2005 йил 8 июлдаги ПҚ-117-сонли «Ахборот-коммуникатив технологияларни келгусида ривожлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги 200-сонли «Келгусида компьютерлаштиришни ривожлантириш ва ахборот-коммуникатив технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофaza қилиш давлат қўмитасининг ва «Экоахборотистикбол» бошқармаси Низоми асосида олиб боради.

«Экоахборотистикбол» бошқармаси ўз фаолияти давомида куйидаги ишларни амалга ошириди:

- Табиатни муҳофaza қилиш давлат қўмитаси марказий аппаратининг симсиз тармоқ технологи-

ялари асосида юқори тезлиқдаги локал компютер тармоғини ташкил этди. Анъанавий симли тармоқларда (LAN) ахборотлар бир компютердан иккинчисига кабель ёки сим орқали узатилади. Симсиз тармоқларда (WLAN) эса радиотўлқинлар орқали узатилади. Маълумотлар радиотўлқинга модуляция жараёнлари ёрдамида узатилади. Сўнг мазкур тўлқин маълумотларни ташувчи сифатида симнинг эквиваленти бўлиб хизмат қилади;

- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Табиатни муҳофaza қилиш қўмиталарининг электрон почта ва интернет тармоғини яратиш ва улар фаолиятини доимий назорат қилиш. Ҳозирги кунда давлат статистика ва идораларнинг ҳисботларини электрон почта орқали қабул қилиш амалиёти кўриб чиқилмоқда;

- 2002 йил 22 майда Табиатни муҳофaza қилиш давлат қўмитасининг шахсий веб-сайти ташкил этилди (манзил: <http://goskompriroda.ccc.uz>). 2003 йилда мазкур веб-сайт БМТнинг Таракқиёт Даствури кўмагида қайta янгиланди ва экологик порталга ўтказилди (манзил: <http://uznature.uz>). Ушбу порталга Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофaza қилиш давлат қўмитасининг тузилмаси ва фаолияти, табиатни муҳофaza қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, «Қизил китоб» (1,2-томлари), «Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида миллий маъруза» нинг маълумотлар базаси, шунингдек, муҳофaza этиладиган табиий худудлар, Ўзбекистон атроф-муҳити ҳолати мониторинги бўйича экологик индикаторлар ҳақидаги ва бошқа маълумотлар З тилда жойлаштирилди;

- Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофaza қилиш давлат қўмиталари, вилоятлар, Тошкент шаҳар Табиатни муҳофaza қилиш қўмиталари ходимларини электрон почта ва интернетда ишлашга ўргатувчи семинарлар ўтказилди.

Давлат табиатни муҳофaza қилиш қўмитасининг ахборот инфратузилмасининг мавжудлиги, компютерлаштириш, электрон коммуникация базалари ва маълумотлар тўпламининг ривожланиши, ахборот хизматларининг янги кўринишлари иш самарадорлигини, ишчанлик ва тезкорликни ҳамда ходимларнинг ишлаш шароитларини енгиллаштириди. Шу билан бирга, инфратузилмадаги ахборот коммуникатив технологияларнинг мавжудлиги иш фаолиятидағи куйидаги йўналишларни амалга ошириш ишларини осонлаштириди:

- Ўзбекистон Республикаси фаолияти доирасида меъёрий-хуқуқий хужжатларни электрон почта орқали тезкор тарқатиш;

- веб-порталга Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофaza қилиш давлат қўмитаси фаолиятининг муҳим масалаларини, атроф-муҳитни муҳофaza қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш борасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш;

- веб-сайт орқали жамоатчиликнинг кенг қатламини атроф-мухитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида қабул қилинган ва амалга оширилган миллий ва ҳудудий дастурлар билан танишириш;
- экотизим компонентлари бўйича ахборот ва мальумотларни йигиши ва таҳлилий қайта ишлаш;
- географик ахборот хизмати (ГАХ) технологиялари базасида атроф-мухит ҳолати бўйича ягона мониторинг тизимини ташкил этиш;
- ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш соҳасини тизимлаштириш ва давлат кадастрини юритиш;
- экологик индикаторлар тизимини ривожлантириш ва амалга ошириш.

13.2.1. «Чинор ЭНК» Экологик нашриёт компаниясининг сўнгги йиллардаги фаолияти

Атроф-мухит борасидаги муаммоларнинг ўсиш даражасини олдини олишда ахолининг сифатли экологик дунёкарашга, билимга эга бўлиши муҳим омил саналади. Ахолининг экологик билимини ошириш муаммосини ҳал этишда Ўзбекистонда фаолият юритаётган ягона – «Чинор ЭНК» экологик нашриёт компанияси хизмат килади. «Чинор ЭНК» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 1996 йил 27 ноябрда рўйхатдан ўтган (№ 844).

«Чинор ЭНК» асосий вазифалари қўйидаги лардан иборат:

- инсон ва экология, ўсимлик ва ҳайвонот, саноат экологияси билан боғлик мавзулардаги ахборотларни турили манбалардан йигиши, қайта ишлаш;
- амалий билим ва тажриба алмашиш мумкин бўлган ягона ахборот майдонини ташкил этиш.

Бугунги кунга келиб, мазкур муаммоларни ҳал этишда «Чинор ЭНК» етарли ахборот воситаларига эга:

- ойлик давомий «Экология хабарномаси» – «Экологический вестник» журнали (2003 йил 29 дебабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан берилган лицензия № 073);

- ноширлик маҳсулотлари турларининг қўплиги, плакат, буклетлардан бошлаб, рангли фотоальбом, китоблар билан тугайди (Нашриёт лицензияси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2005 йил 16 марта берилди, №057).

Экологик нашриёт компанияси фаолиятининг асосий сегменти «Экология хабарномаси – Экологический вестник» ҳисобланади. Биринчи сони 1995 йилнинг июль ойида чиқкан. Ахборот-таҳлилий ва илмий-амалий «Экология хабарномаси - Экологический вестник» Ўзбекистон Республикасида экология соҳасидаги ягона журнал ҳисобланади (журналнинг давлат босма матбуот қўмитасидан рўйхатдан ўтган рақами № 72). Мазкур нашриёт Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг босма маҳсулотлар органи ҳисобланади. Журнал саҳифаларида мамлакатимиз етакчи олимлари ва мутахассисларининг мақолалари, экология мавзуси бўйича турили илмий-амалий ахборотлар чоп этилади. Илк сони чиқкан кунидан то бугунги кунга қадар

нашриёт муаллифлар ва мақолаларни кенгайтиришга, обуначилар сонини кўпайтиришга ва давомийлигини таъминлашга эришиб, нафакат Ўзбекистондаги журналлар, балки собиқ иттифоқ мамлакатлари журналлари қаторидан муносиб жой эгаллай олди. Журнал бутун мамлакат бўйлаб ҳамда қўшни давлатларга ҳам тарқатилади. Журнал ВАҚ реестрида илмий нашр сифатида туради. Илмий мақолалар муаллифларига қулай шароит яратиш учун уларга фундаментал фанлар соҳасида илмий тадқиқот олиб бориш учун имконият яратилади (нашр белул амалга оширилади).

2007 йилда нашриётнинг шахсий сайти - www.econews.uz яратилади. Мазкур сайтга журналнинг электрон нусхаси жойлаштирилди. Қиска вақт мобайнида сайт ўзини жиддий ахборот ресурси сифатида намойиш эта олди. Буни «Чинор ЭНК» сайтининг оммабоп сайтлар қаторида турганлигидан ҳам билиш мумкин.

«Чинор ЭНК» нашриёт «бозор»ида кўп йиллик иш тажрибасига эга. Нашриёт жамоаси 12 йил мобайнида ахолида катта қизиқиш уйғотган экологик адабиётларни тайёрлаб, кўп миқдорда чоп этди. Жумладан, «Қизил китоб» (1,2-томлари), «Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишининг ҳолати тўғрисида миллий маъруза», «Ўзбекча-русча-инглизча экологик изоҳли лугат», «Қўриқхоналар ва миллий боғлар» номли рангли фотоальбом, «Оммабоп экологик энциклопедия», шунингдек, болалар учун ўқув қўлланмалар ўқувчилар орасида катта қизиқиш уйғотди. «Чинор ЭНК»нинг бошқа нашриётлардан фарқи ахборотларнинг эксклюзивлиги ҳамда ўзгача дизайнга эга эканлиги.

«Чинор ЭНК»нинг асосий имтиёзли жиҳатларидан бири бу – мамлакатимиз биохилмалилигини намойиш этувчи фотоиллюстрация коллекциясининг доимий тўлдирилиб борилиши. Нашриёт фотомуҳбирлари Ўзбекистоннинг деярли барча муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларига ташриф буюришган. Оригинал фотосуратларни нашриёт муҳбирлари ҳамда қитобхонлар юборишади. Энг қизиқарлилари журналда чоп этилади, сайтга жойлаштирилади.

«Чинор ЭНК» жамоасида ўртача 35 ёшни ташкил этиувчи тажрибали журналист, муҳаррирлар билан бир қаторда ёш ижодкор шахслар тўпланган. Улар ўзаро тажриба алмашиш натижасида иш самарадорлигини оширишга эришганлар. Қўйидаги 76-жадвалда нашриёт томонидан чоп этилган босма маҳсулотлар ҳақида ахборот келтирилган.

13.3. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида жамоат ташкилотлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари (ННТ) фаолияти

Ўзбекистонда жамоат экологик ташкилотлари 1989 йилдан бўён фаолият юритиб келади. Мазкур йиллар мобайнида жамоат экологик ташкилотлари томонидан атроф-мухит ҳолати билан таниширишга йўналтирилган лойиҳалар бажарилган, турли тадбирлар ўtkazilgan. Мазкур тадбирлар Фарғона ва Тош-

76-жадвал. «Чинор» ЭНК томонидан тайёрланган маҳсулот

| Йил | № | Маҳсулот номи |
|------|-----|---|
| 1998 | 1. | «Экологическое районирование территории Республики Узбекистан» рисоласи |
| | 2. | Г. Глазирин «Ўзбекистон иқлимининг қисқача очерки» рисоласи (рус ва ўзбек тилида) |
| | 3. | «Сурхондарё табиити ва унинг муҳофазаси» китоби |
| 1999 | 4. | И. Иномов. «Қалб садоси» китоби |
| 2000 | 5. | Охрана окружающей среды (Законы и нормативные документы). 1-нашр |
| | 6. | «Сохранение биоразнообразия на особо охраняемых территориях Узбекистана» рисоласи |
| | 7. | С.Ч. Жалалов. «Орошаемое земледелие в условиях дефицита водных ресурсов» китоби |
| 2001 | 8. | Н.Р. Хамраев. «Водосбережение и водообеспечение устойчивого развития засушливых территорий» китоби |
| | 9. | И.М.Мирабдуллаев, У.Т.Мирзаев, В.Н.Хегай. «Определитель рыб Узбекистана» китоби |
| | 10. | «Труды заповедников Узбекистана» китоби |
| 2002 | 11. | Проблемы охраны и рационального использования биологических ресурсов водоемов Узбекистана (материалы республиканского Научно-практического совещания) |
| | 12. | «Биоразнообразие Западного Тянь-Шаня: охрана и рациональное использование» (научная конференция) рисоласи |
| | 13. | «Биоразнообразие: термины и определения» изоҳли лугати |
| 2003 | 14. | «Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби» 2-жилд |
| | 15. | «Категории и критерии МСОП» буклети |
| | 16. | Миллий маъруза |
| 2004 | 17. | Б.Б. Алихонов, А.А. Абдурахмонов, М.Ф. Сафаев «Табиатдан оқилона фойдаланиш ва атроф мухитнинг муҳофазаси бўйича сўз ва терминларнинг русча-ўзбекча ўкув услубий изоҳли лугати» |
| | 18. | Б.Б. Алихонов, С.В. Самойлов, Р.И. Ибрагимов «Узбекско-русско-английский экологический толковый словарь» |
| | 19. | Г.Ф. Гончаров, А.А. Григорьянц, Г.М. Нармин «Краткий полевой определитель водоплавающей дичи» |
| 2005 | 20. | Труды заповедников Узбекистана. Выпуск 4-5. Состояние и перспективы сети охраняемых территорий в Центральной Азии |
| | 21. | «Наилучший опыт обслуживания холодильного оборудования» китоби |
| | 22. | «Ўзбекистоннинг муҳофаза этиладиган табиий худудлари» китоби |
| 2006 | 23. | «Сармишсой» буклети |
| | 24. | «Ҳисор давлат қўриқхонаси» буклети |
| | 25. | «Национальный доклад о состоянии окружающей среды и использования природных ресурсов в Республике Узбекистан» китоби (рус тилида) |
| 2007 | 26. | «Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби» 2 жилдда. (рангли расмлар билан) |
| | 27. | Ў.Пратов. «Тюльпаны Западного Тянь-Шаня» китоби |
| | 28. | «Ўзбекистон Республикасида атроф табиий мухит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида»ги Миллий маъруза» |
| 2008 | 29. | «Жайрон» экомаркази» буклети |
| | 30. | «Бадай–Тугай – 35 лет» рисоласи |
| | 31. | «Проблема мусора глазами детей» плакати |
| 2009 | 32. | «Симоб хавфли» плакати |
| | 33. | «Муқобил энергетика» плакати |
| | 34. | «Дараҳтларни асранг» плакати |
| 2010 | 35. | «Ерни боксанг – ер сени бокади» плакати |
| | 36. | «Хазон ва дараҳтларни ёқманг» плакати |

| | | |
|------|-----|---|
| 2007 | 37. | «Желли Жем» болалар учун китоб |
| | 38. | «Краткий полевой определитель водоплавающей дичи» рисоласи |
| | 39. | «Экологические права и охрана окружающей среды» рисоласи |
| | 40. | «Руководство для сотрудников таможенных служб» китоби |
| | 41. | «Цели и задачи Стратегии ЕЭК ООН для образования в интересах устойчивого развития» плакати |
| | 42. | «Хонгул Ўзбекистонда» китоби |
| | 43. | Е.И. Авдеева ва бошқаларнинг «Атроф-мухит ва биз» китоби |
| | 44. | «Оламни тозалайлик» ўқитувчилар учун қўлланма |
| | 45. | Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг фаолияти ҳақида рисола |
| | 46. | «Тоза ҳаво» операцияси» плакати |
| | 47. | «Указатель законодательных и нормативных актов, действующих в области охраны природы и использования природных ресурсов» O'ZRH 84.1.1:2006. |
| | 48. | «Бадай-Тўқай» давлат қўриқхонаси» фотоальбоми |
| | 49. | «Зомин давлат қўриқхонаси» фотоальбоми |
| | 50. | «Зомин миллий табиат боғи» фотоальбоми |

кент вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида фаолроқ ўтказилган.

90-йилларнинг охириларида мавжуд фуқаролик ташабbusлари, ҳалқаро ташкилот ва жамғармаларнинг ташабbusи ва қўллаб-куватлаши натижасида, Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида қатор янги жамоат экологик ташкилотлари ҳамда ташабbusкор гурухлар ташкил этилган. Ҳозирги вақтда ННТларни мамлакатнинг деярли барча ҳудудларида: Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Қашқадарё, Бухоро, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида фаолият юритади. ННТлар давлат тузилмалари билан ҳамкорликда экологик таълим, маданият бўйича қатор ишларни олиб борадилар, аҳолининг хабардорлиги, экологик ҳолат сифатининг яхшиланши, атроф-мухит ҳолати мониторинги ва турли масалалари бўйича турли лойиха ва тадбирларни амалга оширадилар ҳамда мазкур масалалар бўйича кенг жамоатчиликнинг катнашиши ва қарорлар қабул қилиниши таъминланади.

Аммо сўнгги икки-уч йил мобайнида экологик ННТларнинг асосий қисми турли ҳудудлarda ўз фаолиятини тўхтатиб қўйди. Ҳусусан, Орол бўйида (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти) фаол иш юритиб турган 12 та ННТдан 9 таси ўз фаолиятини яқунлади.

2005 йил Ўзбекистонда нодавлат-нотижорат ташкилотлар Миллий ассоциацияси (ЎзННТМА) ва ННТларни қўллаб-куватлаш жамғармаси ташкил этилгандан сўнг вазият ижобий томонга ўзгара бошлади. 2007 йилда Экофорум ННТ ва қатор экологик йўналишга эга ННТ ташкил этилди. Жумладан, «Деҳқон ва фермерларни қўллаб-куватлаш ассоциацияси», «Ўзбекистонда кушларни муҳофаза қилиш жамияти» ва бошқалар.

2001 йил декабрь оидаги семинарлардан биринча, экологик ННТлар ўз ташабbusлари билан экологик форум – экологик йўналишдаги нодавлат-нотижорат ташкилотлари ихтиёрий бирлашмалари бўйича ишчи

гурух ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. 2002-2004 йиллар мобайнида Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида қатор учрашувлар ва семинарлар ўтказилди. Мазкур учрашув ва семинарларда тузилажак экофорумнинг мақсади ва вазифалари, бирлашиш шакллари, бошқарув тузилмаси, Экофорум органининг сайлов таркиби, мақсадли дастурлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ННТлар Экофоруми Ўзбекистонда БМТнинг Тараққиёт дастури, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Марказий Осиё ҳудудий экологик маркази ва бошқа ташкилотлар кўмагида 2004 йил сентябрь оида 48 та ННТлари раҳбарлари билан бўлиб ўтган конференцияда таъсис этилган. Конференция Экофорумнинг экологик таълим, сув ресурсларини бошқаришда ННТларнинг иштироки, экожурналистика тараққиёти, умумэкологик қарашлар ҳимояси, Экофорумнинг ахборот дастури, биохилмачилликни саклаш, барқарор ривожланиш бўйича Концепцияни амалга ошириш бўйича Стратегия ва мақсадлар дастурни тасдиқлади.

Ўзбекистон ННТлар Экофоруми турли ҳудудларда аҳолининг давлат ва ҳалқаро дастур ҳамда лойиҳаларда қатнашишини ва атроф-мухит масалалари юзасидан қарорлар қабул қилишда иштирокини таъминлаш каби ишларни юритувчи экологик ташкилотларни мустаҳкамловчи, бирлаштирувчи ягона тизимга айланди.

2006 йил март оида Тошкент шаҳрида Экофорумнинг иккинчи конференциясида Экофорумнинг Стратегияси ва мақсадли дастурига ўзгартиришлар киритилди, уларнинг бажарилиши юзасидан ҳаракатлар дастури тасдикланди. 2007 йил октябрда Экофорумнинг З-конференцияси бўлиб ўтиб, унда мақсадли дастурга ўзгартиришлар киритилди.

Экофорум вакиллари қатор ҳалқаро муҳим форумларда иштирок этдилар, ҳусусан, Душанбеда бўлиб ўтган Умумжаҳон сув форуми, Олма-отадаги Орхус конвенцияси Томонларининг конференцияси,

электрон ахборотлар бўйича Женевада ўтган Европа Экофоруми ва Орхус конвенцияси Котибияти билан учрашув, Санкт-Петербургдаги нодавлат ташкилотларининг «Фуқаролик саккизлиги-2006» форуми хамда «Катта саккизлик» Саммити, 2007 йил октабрида Белградда ўтган Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Вазирлари конференцияси ва бошқалар.

Экофорум Кенгаши вакиллари Давлатлараро баркарор ривожланиш бўйича комиссия қошида ташкил этилган Марказий Осиё тарихидаги биринчи худудий жамоавий тузилма - Жамоат Кенгашига сайландилар. Европа ва Козигистон Экофорумлари билан ҳамкорлик йўлга кўйилган, Халқаро ижтимоий-экологик бирлашма ва бошқа хорижий бирлашмалар билан алоқалар олиб борилади.

Экофорум Кенгаши ташаббуси билан «Марказий Осиёда трансчегаравий муаммолар ва экологик ҳавфисзлик» мавзусида кўп қисмли давра сұхбатлари ўтказилган. Кенгаш ташаббуси билан табиатни муҳофаза қилиш вазирларни ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда Ўзбекистон ва Тожикистон (2004 йил октябрь) ўртасида атроф-муҳитнинг трансчегаравий ифлосланиш, Марказий Осиё худудига радиоактив чиқиндиларни олиб кириш (2005 йил март), Тожикистон алюминий заводининг Ўзбекистон ва Тожикистон худудлари атроф-муҳитга таъсири (2005 йил март) муаммоларига бағишланган давра сұхбатлари ўтказилган.

Ўзбекистоннинг барча худудидаги Экофорум вакиллари иштирокида Олма-отада (2005 йил апрель) бўлиб ўтадиган Орхус конвенцияси Томонларининг иккинчи учрашувига доир тахминий ҳужжатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг «Жамоат бирлашмалири тўғрисида»ги, «ННТ лар фаолияти кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳалари (2005 йил октябрь) муҳокамаси бўйича учрашувлар ўтказилган.

Экофорум Ўзбекистондаги фуқаролик жамиятлари институтлари билан фаол ҳамкорлик олиб боради. Ўзбекистонда ННТлар Миллий ассоциацияси (ЎзННТМА) билан ҳамкорлик бунинг яққол мисолидир. 2006-2007 йилларда Миллий ассоциациянинг муҳим йўналишларидан бири бу – атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда ёш авлодни табиатни асрар шаҳарларни таъсизлайди. Экофорум ҳамда ЎзННТМА таркибига киравчи экологик ННТлар билан ҳамкорликда юқорида тилга олинган лойиҳаларни амалга оширилди.

2008 йил январь-февраль ойларидаги Экофорум Фуқаролик жамиятларини ўрганувчи институт, халқаро «Экосан» жамғармаси ҳамда ЎзННТМА билан ҳамкорликда атроф-муҳит фаолияти самардорлигини оширишга ва давлат ташкилотлари ҳамда ННТлар орасидаги муносабатларнинг яхшиланишига хизмат қилувчи давра сұхбатларини ўтказдилар.

Экофорумнинг мақсадли дастурларини амалга ошириш - жамоатчиликнинг ижтимоий муҳим масалаларнинг ҳал этишдаги иштирокига хизмат қилди. Сувга бағишланган мақсадли дастурлар доирасида Фарғона, Самарқанд, Сурхандарё ва Тошкент вилоят-

ларида қатор лойиҳалар бажарилди. Ўзбекистоннинг экологик ва сув хўжалиги ташкилотларининг «Марказий Осиёда сув танқислиги муаммосининг олдини олишда жамоатнинг иштироки» (2003 йил май, Тошкент шаҳар) мавзусидаги халқаро конференциясида қатнашиши ташкиллаштирилди.

Сув ресурслари муаммосини ҳал этиш билан шуғулланувчи экспертлар ва ННТлар миллий тармоғи фаолият юритади. Улар билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг 4 та худудини қамраб олувчи «Дарё барча учун –барча дарё учун» номли лойиҳа амалга оширилди. 2005 йилда ННТлар миллий тармоғи Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Илмий-ахборот маркази (ИАМ) Давлатлараро сувдан фойдаланишни мувофиқлаштирувчи комиссия билан биргаликда Сувдан фойдаланиш уюшмаси (СФУ) раҳбарларини сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш усулларини ўргатишига қаратилган лойиҳани амалга оширилди. 2006 йилда ЎЗННТМА нинг мамлакатнинг икки худудидаги қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлашга йўналтирилган «Сув - бу ҳаёт» лойиҳаси бажарилди. Мазкур тажриба бошқа мақсадли дастурларда ҳам ўз ифодасини топган. Ушбу йўналишда «Сувчи» ННТ фаол йўналиш олиб бориб, 2000-2007 йиллар мобайнида таълим ва сув ресурсларини бошқаришда экологик вазиятнинг яхшиланиши борасида 8 та лойиҳани амалга ошириди. Хусусан, «Орол денгизи ер сувларининг ахборот тизимини ташкил этиши», «Орол денгизи ҳавзасида сув ресурсларини бошқариш муаммолари» номли халқаро конференцияси ва бошқалар.

Экожурналистикани ривожлантириш мақсадли дастурини бажариш доирасида, 2002 йилдан бошлаб ННТлар тармоғига киравчи «Logos», «Hayot», Ўзбекистондаги Марказий Осиё худудий экологик маркази (МОҲЭМ) вакиллиги Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва ОАВ вакиллари билан ҳамкорликда ҳар йили миллий экожурналистика кўрик танловини ўтказиб келади.

2004 йил Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда ва БМТнинг Таракқиёт дастури кўмагида Марказий Осиё экожурналистика фестивали ташкил этилди ва ўтказилди. Олма-ота (2005 йил) ва Бишкек (2007 йил) шаҳарларида Ўзбекистон журналистларининг худудий экожурналистика фестивалида иштирок этиши ташкиллаштирилди.

Экофорумнинг ахборот дастури амалга оширилмоқда. Экофорумнинг веб-сайти – www.ecoforum.sk.uz БМТнинг Таракқиёт Дастури кўмагида ташкил этилган бўлиб, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида янгиликларнинг манбаи бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, «Экофорум янгиликлар» деб номланган ойлик электрон бюллетень ҳам бўлиб, уни 700 дан ортиқ давлат ва нодавлат ташкилотлари олади. Шунингдек, Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги воқеалар тўғрисидаги экологик ахборотлар ва таҳлиллар манбаи бўлиб www.caresd.net сайти ва Марказий Осиё ҳамда Россияда баркарор ривожланиш мутахассисларининг электрон ахборот тармоғи орқали электрон янгиликлар тармоғи (CARNet)хиз-

мат қиласди. Мазкур тармоқ «Logos», «Hayot» ННТлари билан Экофорумнинг ахборот дастурини амалга оширишда ҳамкорлик қиласди.

Умумэкологик қарашларни ҳимоя қилиш бўйича мақсадли дастурни амалга оширишда фаол ҳаракат қиласётган «Армон» экологик хукуқ маркази ўз фаолиятини бир неча йўналишларда олиб боради: хукукий саводхонлик даражасини ошириш; экологик хукукларни ҳимоя қилиш бўйича ахолига белупул юридик консультация кўрсатиш; меъёрий-хукукий хужжатларни тайёрлаш ва муҳокама қилиндишда иштирок этиш; экологик хукуқ, уларни ҳимоя қилиш усуллари ва атроф-мухит борасидаги маҳаллий ҳаракатлар режасини қайта ишлаш бўйича методик адабиётларни чоп этиш. 2003 йилдан бошлаб «Армон» маркази Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (EXXT) кўмагида атроф-мухит ҳолати ва Марказий Осиё худудида экологик муаммоларни ҳал этиш йўллари тўгрисида мақолалар тўпламини – «Экологик хавфсизлик ва фуқаролик ташабуси» журналини чоп этмоқда.

Экологик таълим ва барқарор ривожланиш учун таълим бўйича мақсадли дастурга асосан, ННТлар давлат маориф идоралари билан мактабгача таълим муассасаларида, олий ўқув юртларида узлуксиз экологик таълим дастурлари юзасидан ҳамкорликда фаолият олиб боради. Мазкур йўналишда ННТлар ва ташабbusкор гурухлардан «Экологик тоза Фарғона учун», «Экомактаб», «Родничок», «Ёш экопарламент» бирлашмаси, «Шанс Эко Плюс» ОАЖ, Болалар экологик клублари Ассоциацияси ва бошқа мактаб экологик клублари фаол иш олиб боради.

2005 йилда килинган барча ҳаракатлар Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси билан ҳамкорликда уч томонлама қарор (2005 йил 7 ноябрда №242/33/79-сонли) «Республикада экологик таълимни ривожлантириш ва эколог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, ҳамда малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш истиқболлари» Дастури ва Концепциясининг қабул қилинишига муҳим омил бўлди. Мазкур Концепция ва Дастурда асосий эътибор келгусида экологик дастурларнинг ривожланиши, экологик таълим ва барқарор ривожланиш учун таълимни амалга оширишга қаратилган.

Мамлакатда барқарор ривожланиш учун таълим тамоилларини амалга оширишда барқарор ривожланиш учун таълим БМТ Декадасига мувофиқ қатор мақсадли ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, барқарор ривожланиш учун таълим (БРТ) бўйича худудий ва халқаро форумларда Ўзбекистонлик вакилларнинг иштирок этиши ташкиллаштирилган (хусусан, 2005 йил Душанбе ва 2006 йил Бишкек шаҳарларида БРТ бўйича тўртинчи, бешинчи Марказий Осиё конференциялари ҳамда 2007 йил Олма-ота шаҳрида БРТ бўйича худудий учрашув).

Ишли гурух асосида экологик таълим ва барқарор ривожланиш учун таълим бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш ташкил қилинмоқда. Ушбу Кенгаш ўзида табиатни муҳофаза қилиш давлат органлари, таълим муассасалари, ННТлар ва халқаро ташкилотларни бирлаштиради.

Биохилма-хилликни сақлаш соҳасида фаолият юритаётган ННТларга «Ўзбек зоологик жамияти», «Биостан», «Хонгул», «Ўзбекистон қушларни муҳофаза қилиш жамияти» лари киради. Ёшлар билан фаол иш олиб бораётган, 2007 йилда ташкил этилган «Ўзбекистон қушларни муҳофаза қилиш жамияти» фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Жамият фаолияти асосий йўналишларига қуйидагилар киради: қушларни ва улар яшаш жойларини муҳофаза қилишга доир дастур ва лойихаларни ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширишни ташкиллаштириш; қушларни ўрганиш ва муҳофаза қилиш, яшаш жойлари ва миграция йўлларига бағишиланган тадбирларни ташкил этишда ҳамкорлик қилиш; қушлар яшайдиган муҳим худудларни ўрганиш ва уларни ҳимоя қилиш ҳамда эхтиёткорона муносабатда бўлишни кенг тарғиб қилиш.

Ўзбекистонда ёш экологик ташабbusкор гурухлар ривожланмоқда. 1999 йилдан бўён «Ёш экопарламент» бирлашмаси фаолият юритиб келади. Унинг таркиби «Эдельвейс» тоғ-скаут клуби, «Оқ бўри» скаут клуби, «Ер дўстлари - ёввойи табиат дўстлари» клуби, «Родничок» ННТ киради. Мазкур бирлашма қишики спорт турлари, «Экстрим против наркотиков 2004-2007» ёшлар фестивали ҳамда «Катта ва кичик саргузаштлар» телеёйинларини, «Чимган садоси» қўшиғи муаллифлик фестивалларини ўтказиб келадилар.

Шунингдек, «Родничок» ННТ қатор лойиха ва тадбирларни ўтказмоқда. Хусусан, «Ёш экологик инспекция», «Барқарор ривожланиш учун таълим», «Ёшлар ҳамкорлигининг ривожланиши ва уларнинг ижтимоий муҳим муаммоларни ҳал этишда иштироқи», «Тошкент вилояти болалар туризми ва ўлкашунослик маркази базасида ёшлар экотуризмини ривожлантириш» ва бошқалар.

2006 йилдан бўён Ўзбекистоннинг ёшлар экологик тармоғи фаолият юритиб келади. Ушбу тармоқ Марказий Осиё ёшлар экологик тармоғининг бир қисми ҳисобланади. Мазкур тармоқнинг асосий мақсади жамиятнинг, хусусан, ёшларнинг атроф-мухит муаммоларини ҳал этишда ва Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишида иштирок этиш ролини ошириш. Тармоқ томонидан қатор тадбирлар ўтказилган, хусусан, «Ёшлар тоза Булок-сув учун» (2006 май, 2007 йил апрель), «Зарафшон кўриқхонасини сақлаймиз», 2007 йилда бўлиб ўтган «Ёшлар, атроф-мухит ва барқарор ривожланиш» биринчи миллий ёшлар экологик форумида иштирок этдилар, 2007-2008 йиллар учун «Ёшлар барқарор ривожланиш учун» деб номланган ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилган.

Тармоқ аъзолари «Европа учун атроф-мухит» ва Давлатлараро барқарор ривожланиш комиссияси фаолиятлари жараёнларида фаол иштирок этдилар. Марказий Осиё худудий экологик маркази (МОҲЭМ) фаолияти доирасида «Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш соҳасида Марказий Осиё ташабbusлари» маърузаси тайёрланган.

Сўнгги йилларда давлат дастурларида кучли фуқаролик жамиятини қуриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқдаки, бу нуфузли давлат ривож-

ланиш дастурларининг амалга оширилишига таъсир кўрсатиб, мазкур дастурларнинг муваффакиятли бажарилиши устидан жамоат назоратини кучайтириди.

Ўзбекистон экологик харакати атроф-муҳит муҳофазаси ва барқарор ривожланишни таъминлаш соҳасида олдинга қўйилган мақсад ва вазифаларни бажариш учун ҳамкорликни кенгайтириш ва жамиятнинг барча секторларини мустаҳкамлаш лозим, деб хисоблади.

13.4. Жамоат ташкилотлари билан ишлаш

Ўзбекистонда демократик, ҳуқуқий, бозор иқтисодиёти ривожланган эрkin фуқаролик жамиятини куриш йўлидаги муҳим устивор вазифалардан бири мустақил, барқарор, аҳолининг кенг қатлами қўмагидан фойдаланадиган ва ҳалқнинг чукур илдизлари бор фуқаролик жамиятлари институтларини ташкил этиш ва ривожлантиришдир.

Муҳим фуқаролик жамиятлари институтлари таркибини фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қарашларини ҳимоя қилишга йўналтирилган нодавлат-нотижорат ташкилотлари (ННТ) ташкил этмоқда.

ННТларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул килинган «Нодавлат-нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Конуни билан назорат килинади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси республиканинг ННТ лари билан фаол ҳамкорлик алоқаларини олиб боради. Экологик акция ва тадбирларни ўтказишда «Экосан», «Логос», «Ҳаёт», «Родничок», «Тоза экологик Фарғона учун», «Орол ва Амударёни муҳофаза қилиш уюшмаси» каби ННТлари билан доимий ҳамкорликни амалга оширади.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўз таркибий бўлинмалари учун «Нодавлат – нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик ишларини таш-

кил этиш ва олиб бориш учун қўлланма» ишлаб чиқди. Мазкур қўлланмада ҳамкорлик фаолиятининг конуний асослари ва энг асосийси, факат Аддия вазирлигидан рўйхатдан ўтган ННТлари билан фаолият олиб бориш керакли алоҳида таъкидланди.

Миллий экожурналистика фестивалини ҳар йили биргаликда ўтказиш анъанавий одатлардан бирiga айланди. Мазкур танлов жамиятнинг атроф-муҳит ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларида кенг аҳборотга эга бўлиши ҳамда экожурналистикани ривожлантириш, қўллаб-куватлаш мақсадида ўтказилади. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси нашриётида чоп этиладиган «Экология хабарномаси» – «Экологический вестник» журналида нодавлат ташкилотларнинг атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида олиб бораётган фаолияти хақида аҳборот берувчи маҳсус сахифа ажратилган.

ННТлар «Дарё барча учун, барча дарё учун» акциясини ўтказишида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси вакиллари билан биргаликда Нукус, Тошкент ва Фарғона шаҳарларига киришда ва чиқишида сув ҳавзаларнинг юкори кисмидан тажриба учун сув намуналари олишган. Мазкур акция натижаларига бағишлиланган семинарлар ўтказилган. Шунингдек, экология ва саломатлик кунларига бағишлиланган «Экомарафон» акциясини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда тасдиқланган уч томонлами карор (2005 йил 7 ноябрда №242/33/79-сонли) «Республикада экологик таълимни ривожлантириш ва эколог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, ҳамда малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш истиқболлари» Дастури ва Концепцияси доирасида Кўмита билан «Экомактаб» ННТ, «Ҳаёт учун таълим» ва Болалар экологик клублари Ассоциацияси фаол ҳамкорлик қилмоқда.

XVI. Қайта тикланувчан энергия манбалари

Хозирги авлод кўз олдида содир бўлаётган фожеалар сабабларидан бири XX асрда, асосан охирги 40 йилда инсониятнинг иқтисодий тараккиёт мақсадларида энергиядан фойдаланишнинг ўта юқори даражада ошишидир. Ёқилгининг органик турларидан фойдаланувчи электр ва иссилик станцияларидан, тобора сони ортиб бораётган ички ёнувдвигателларидан чиқаётган заарли газлар туфайли атроф-мухитга салбий таъсир етказилмоқда. Негаки, глобал хароратнинг кўтарилиши жараёнлари тўғридан-тўғри атмосферага ёнилгининг органик турларидан фойдаланувчи иссилик электростанцияларидан чиқаётган газ ташламалари билан боғлиқ. Сўнгги 40 йил давомида, бутун инсоният тарихи давомида қазиб олинган органик ёқилгидан ҳам кўп ёқилғи қазиб олинди. Бугунги кунда табиий ёқилғи ишлатиш микдори дунё бўйича 12 миллиард тонна нефть эквивалентига тўғри келади (тахминан бир кишига 2 тонна). Органик ёқилғига бўлган эҳтиёж келажакда ҳам жадал ўсиб боради.

Хозирги вактда қазиб олинаётган нефть, табиий газ, кўмир ва уран дунёда асосий энергия манбалари ҳисобланади ҳамда яқин келажакда шундай бўлиб колади. Хар йили ишлаб чиқариш ва ишлатиш ҳисобига уларнинг захираси камайиб бормоқда. Ҳозиргидек суръатларда ишлатилганда дунёдаги қазиб олинаётган нефть захиралари 45-50 йилга, табиий газ захиралари 70-75 йилга, тош кўмир захиралари 165-170 йилга, кўнгир кўмир захиралари 450-500 йилга, ядро энергияси захиралари эса кўпроқ йилларга етиши керак.

Географик жиҳатдан қазиб олинаётган ёқилғи хом ашёси геологик захиралари нотекис тақсимланган. Шу сабабли уларни қазиб олиш ҳаражатлари сизиларли фарқ қиласи. Ёқилғи ва энергиянинг турли хиллари энергия истеъмоли ўзларининг мавжуд захираларидан кам бўлган камсонли мамлакатларда жам бўлган. Бу эса энергия манбалари нархининг ортиб кетишига, алоҳида мамлакатлар ва ахолининг баъзи қатламларини энергия хизматларидан чеклашга олиб келади ва натижада баъзи келишмовчиликлар, ҳатто давлатлараро урушлар ҳам келиб чиқади. Бундан ташқари, органик ёқилгини қазиб олиш, қайта ишлаш ва ишлатишда атроф-мухитга кўпгина заҳарли газ ва зарарли чиқиндилар чиқарилиб, тузатиб бўлмас даражада зарар келтирилмоқда.

Қайта тикланучи энергия манбалари (ҚТЭМ) марказлашган энергия таъминотидан (электр энергияси, табиий газ, иссиқ сув) узоқда яшайдиган инсонларни, тоғ ва чўлларда истиқомат килувчи ахолини, мавсумий ишдагилар ёки экспедициядагиларни электр энергияси, иссилик ва ичимлик сувига бўлган талабларини кондиришида ҳал килувчи аҳамиятга эга. Бундан ташқари, улар шахарларда

бирламчи углеводород ресурсларини тежашда, мамлакат энергия хавфсизлигини таъминлашда катта роль ўйнайди. Хозирги вактда бу соҳада етарлича тажриба тўпландган. Қайта тикланувчи энергия манбаларининг кўпгина курилмаларидан фойдаланиш бўйича ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатадики, уларга бошлангич нисбатан катта маблағ сарфлансада, иқтисодий жиҳатдан улар ўзларини оклади. Бирламчи энергия ташувчилар нархларининг ошиб кетиши (геологоразведка, қазиб олиш, етказиб бериш) ва иккинчи томондан, қайта тикланувчи энергия технологияларининг ривожланиши билан бу энергия тобора ракобатдош бўлиб бормоқда.

Атмосфера ва атроф-мухитга чиқаётган ташламаларнинг асосий қисми анъанавий ёқилғи билан ишлайдиган энергетика (31,3%) ва нефть-газ соҳасига (29%) тўғри келади. Олтингутурт, азот, углерод оксидлари атмосферада узоқ масофа га тарқалади, сув билан қўшилиб кислота эритмаларига айланади ҳамда ёмғир таркибида ерга тушади ва ўсимликларга, тупроқка, сувга салбий таъсир кўрсатади. Атроф-мухитда кислоталарнинг кўпайиши оқибатида оғир металлар озиқ-овқатларга ва шу маҳсулотлар орқали одам организимига ўтади. Бунда бир заарли оқибатнинг кетидан иккинчиси нинг заарли таъсирини кўриш мумкин.

Шундай қилиб, энергия балансига бир вақтнинг ўзида экологик тоза бўлган қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жалб қилиш орқали атроф-мухитга техноген таъсиirlарни камайтириш мумкин. Қайта тикланувчи энергия манбаларининг яна бир афзаллиги - углеводород ресурсларини электроэнергия ишлаб чиқаришда ёки эмас, балки уларни нефть – кимё саноатида ҳом ашё сифатида ишлатиш учун сақлаб қолиш имконини беради. Марказий энергия таъминотидан узоқ, бориш кийин бўлган аҳоли яшаш жойларида қайта тикланувчи энергия иқтисодий жиҳатдан асосланган, қулай ва ишончли энергия манбаи бўлиши мумкин.

Қайта тикланувчи энергия манбалари, одатда етарлича катта бўлган аҳоли яшаш жойларини, ийрик саноат корхоналари ва муассасаларни энергия билан тўла таъминлаш имконига эга эмас. Улар бориш кийин, марказдан узоқдаги обьектларни энергия билан таъминлайдилар, ёки анъанавий энергия манбаларига қўшимча обьект сифатида кўлланилади. Мамлакатимизда, хусусан экологик жиҳатдан қулай бўлмаган худудларда қайта тикланувчи экологик тоза энергия манбаларини кўллаш катта истиқболга эга ва бу экологик, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан самаралидир. Марказий Осиёда энергетиканинг иқтисодий ўсиш даражаси 77-жадвалда берилган. 143-расмда Ўзбекистоннинг бирламчи ёқилғи-энергетика ресурсларининг таркиби

кўрсатилган. Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, республика иқтисодиётини таъминлашда нефть-газ сектори бирламчи ёқилғи-энергетика ресурсларининг 97% ни етказиб бермоқда. Бирламчи ёқилғи-энергетика ресурсларини истеъмол қилишда кўмирнинг улуши 2,3%, сув энергетикасининг улуши эса 0,7% га тўғри келади. Катта салоҳиятга эга эканлигига қарамасдан, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг улуши бир фоиздан анча кам ҳамда келтириб ўтилган диаграммада кўрсатилмаган. Ёқилғи энергетика комплексининг бундай бир ёқлама ривожланиши иқтисодиётнинг янада ривожланишини энергия билан таъминлаш қанчалик ишончлилигини, «Барқарор ривожланиш» тамойилларига мослигини ва умуман ёқилғи энергетика сектори фаолиятида юзага келадиган экологик зарар хавфини таҳлил қилиб чиқишни талаб этади.


Ўтган асрнинг 70-йилларидаги энергетика инқизози, 2005-2007 йиллардаги углеводород ёқилғиси нархларининг кескин ортиб кетиши, қазилма ёқилғиларни импорт ва экспорт килувчиларни энергиянинг янги муқобил манбалари хақида ўйлашга мажбур этди. Европа мамлакатларida ўрнатилган қуёш фотоэлектрик станцияларининг умумий куввати 2002 йили бор йўғи 392 МВт бўлган бўлса, 2004 йил бошларида 560 МВт га етди, яъни ўйлик ўсиш 43% га яқин бўлди. Фотоэлектр элементларини ишлаб чиқариш бутун дунёда 2004 йилда 1200 МВт дан 2005 йилда 1727 МВт га етди, яъни ўсиш 40 % дан ошиб кетди. Япония 2005 йилда 833 МВт (бунда ўсиш 38%), Европа 452 МВт қуёш фотоэлектр элементларини ишлаб чиқарган (бунда ўсиш 44%). АҚШда ишлаб чиқарилган элементлар 10 % га ошган. Энергия ишлаб чиқариш дунёнинг бошқа жойларida икки баробарга ошди ва 289 МВт ни ташкил этди. 2003 йилги маълумотларга кўра, дунё бўйича 2 млн. қуёш сув исситиш тизимлари ишламоқда. АҚШда қуёш коллекторларининг умумий майдони 10 млн.м² га, Японияда 8 млн. м² га етди, Истроилда эса мамлакат умумий иссиқ сув таъминотининг 70% ташкил этадиган 800 минг-

дан ортиқ қуёш қурилмалари ишлаб турибди. 2003 йил бошларида Европа иттифоқи давлатларида умумий юзаси 13,5 млн м² дан ортиқ бўлган қуёш коллекторлари ўрнатилган. Сўнгги йилларда бундай ускуналарни ўрнатиш суръати йилига 1 млн ни ташкил этди. Шамол энергетикаси ҳам тез суръатларда ривожланмоқда. Европа иттифоқи давлатлари бу соҳада пешқадамдир. Шамол энергиясидан фойдаланиш йиллик ўсиш даражаси Европада 33-34%ни ташкил этиб, 2004 йилда ўрнатилган шамол энергияси ускуналарининг қуввати 28,4 ГВт га етди.

Охирги йилларда биомассадан биогаз ишлаб чиқариш йилига уч баробар, геотермал энергиядан фойдаланиш йилига 10-11%га, кичик гидроэнергетика йилига 3,5%га ошди. Бир катор Европа давлатлари қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш режасини эълон қилиши. Масалан, Германия 2050 йилгача мамлакат энергетика балансида қайта тикланувчи энергия манбалари хиссасини 50%га етказиши режалаштироқда. Углеводород хом ашёсининг катта заҳираларига эга эканлигига қарамай, Ўзбекистон олдида ҳам муқобил энергия манбаларини излаш масаласи турибди. Қайта тикланувчи энергия манбаларини мамлакат энергия балансига жалб қилиш:

- Энергетика мустақиллигини узоқ келажаккача сақлаб туришга;
- Иқтисодиётда энергия таъминотини яхшилашга;

143-расм. Бирламчи ЁЭР тузилмаси



77-жадвал. Марказий Осиё мамлакатлари энергетикаси ресурсларининг имкониятлари

| Энергия ресурслари, млрд. т. | Қозоғистон | | Қирғизистон | | Тожикистан | | Туркменистан | | Ўзбекистон | | МОР | |
|-----------------------------------|------------|------|-------------|----------|------------|----------|--------------|----------|------------|------|--------|--------|
| | Йиллар | | | | | | | | | | | |
| | 2002 | 2020 | 2002 | 2020 | 2002 | 2020 | 2002 | 2020 | 2002 | 2020 | 2002 | 2020 |
| Кўмир, млрд. т. | 34,1 | 34,1 | 1,34 | 1,27 | 0,67 | 1,0 | жуда кам | жуда кам | 2,0 | 2,0 | 38,1 | 40,37 |
| Нефть, млн. т. | 2760 | 2760 | 11,5 | 10,2 | 5,4 | 10 | 75 | 75 | 81 | 81 | 2932,9 | 2946,2 |
| Табиий газ, млрд. м ³ | 1841 | 1841 | 6,54 | 6,2 | 9,2 | 10 | 2860 | 2860 | 2000 | 2000 | 6716,7 | 6717,2 |
| Гидроэнергия қуввати, кВтч/йил | 27 | 27 | 52 | 99 | 317 | 317 | 2 | 2 | 15 | 15 | 413 | 460 |
| Уран, минг т. | 601 | 601 | жуда кам | жуда кам | жуда кам | жуда кам | жуда кам | жуда кам | 83,7 | 83,7 | 684,7 | 684,7 |

а) Кўмир, нефть ва табиий газ бўйича ўрганилган заҳиралар хажмлари келтирилмоқда.

б) Иқтисодий жиҳатдан самарали гидроэнергия имкониятлари келтирилган.

в) МИРЭС баҳоси бўйича казиш харажатлари 130 долл./кг бўлган ўрганилган уран заҳиралари келтирилган.

- Кишлөк ва чекка худудларда энергия таъминотини яхшилашга;
- Буғ газлари ташламаларини қисқартиришга;
- Давлатнинг барқарор ривожланишига асос бўлишини хукуматимиз яхши тушунади.

Энергетика мустақилигининг узоқ муддатли истиқболлари

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиши атмосферага буғ газ ташламалари миқдорини камайтиришда муҳим аҳамиятга эга.


Қайта тикланувчи энергия манбалари ривожланган мамлакатларда углеводородли энергия манбалари ўрнини босувчигина эмас, балки сайёрамиз минтақаларининг турли худудларида истиқомат килувчи аҳолининг ижтимоий масалаларини ҳал килиб берувчи, шу жумладан, улар ишлатилаётган жойларда бандликни таъминловчи омил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос иқлим шароитларида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг келажаги жуда ҳам порлок. Хавфсиз энергия таъминоти - бу қазиб олинувчи моддаларга асосланган энергия ресурсларини (ёкилгини) аста-секин қайта тикланувчи энергия манбалари билан алмаштиришга қаратилган экологик сиёсатнинг асосий мақсадларидан биридан.

Қайта тикланувчи энергия – бу атроф-мухит энергия оқимиidan олинадиган энергия манбаларидир. Буларга: қуёш, шамол, сув ресурслари, геотермал манбалар, саноат ва муниципал, қишлоқ хўжалик чиқиндиларидан олинган биогаз киради.

Қайта тикланувчи энергия салоҳияти. Буғ газлари ташламаларини камайтиришнинг муҳим ўйналишларидан бири ноанъанавий ва органик ёкилфи ишлатилмайдиган қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўлиши мумкин.

144-расм. Ўзбекистонда қайта тикланувчан энергия манбаларининг техник имкониятлари тузилмаси



78-жадвал. Ўзбекистонда қайта тикланувчан энергия манбаларининг имкониятлари

| Имконияти | Жами (млн. т.н.э.) | шу жумладан, энергия (млн. т.н.э.) | | | |
|---------------|--------------------------|------------------------------------|---------|-------|---------------------|
| | | гидро | куёш | шамол | геотермал сувлар |
| Ялпи | 50984,6 | 9,2 | 50973,0 | 2,2 | 0,2 |
| Техник | 179,0 | 1,8 | 176,8 | 0,4 | - |
| Ўзлаштирилган | 0,6 | 0,6 | - | - | - |

Ўзбекистоннинг қайта тикланувчи энергия манбалари салоҳияти улкан - 51 млрд. т.н.э. (нефт эквиваленти)га тенг. Бугунги кунда мавжуд технологиялар бундан 179 млн. т.н.э. ни фойдаланиш имконини беради. Бу мамлакат бўйича бир йилда қазиб олинадиган ёкилгардан уч баробар кўпdir (78-жадвалга каранг). Қайта тикланувчи энергия манбаларининг техникавий салоҳиятидан тўлиқ фойдаланганда, ёкилганида 447, 5 млн. т CO₂ чиқиндиси чиқадиган миқдордаги ёкилфи ўрнини босиш мумкин бўлар эди. Хозирги вактда Ўзбекистонда техникавий ва молиявий имкониятларнинг тўлиқ мавжуд эмаслиги, шунингдек, анъанавий ва ноанъанавий электр станцияларининг атроф муҳитга кўрсатадиган экологик таъсирининг аниқ бир тафсилотлари йўқлиги туфайли ушбу салоҳиятни тўла-тўқис амалга ошириш мумкин эмас. Таъкидлаш жоизки, техникавий салоҳият (144-расмга қаранг) боғдорчилик ва чорвачилик, саноат ва маиший чиқиндилар биомассасини хисобга олмаган ҳолда баҳоланган. Дастрлабки ҳulosалар шуни кўрсатадики, 1 га ерга ёкилган пахтадан 2 тоннадан 4 тоннагача фўзапоя олиш мумкин, шунча фўзапоя 2 млн. т.н.э. ни ташкил этиши мумкин. Аммо, ушбу қайта тикланувчи энергия манбаласини ўзлаштиришнинг экологик томонлари хозирча кўриб чиқилмаган.

Умуман, Ўзбекистонда ҚТЭМ катта салоҳиятга эга эканлиги ушбу секторни муваффақиятли ривожлантиришга хизмат қиласи, бу эса тегишили иқтисодий қулаг мухит яратилганда мазкур салоҳиятнинг катта кисмини ўзлаштиришга имкон беради.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан электр энергия ишлаб чиқарши.

Қайта тикланувчан энергетика технологиялари-ни Ўзбекистон шароитида қўллаши

Бугунги кунда Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбалари ичидаги яхши ўзлаштирилиб бораётган турларидан бири - дарёларнинг энергия салоҳиятидир. Кейинги йилларда қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилди, лекин улар асосан кўргазма характеристига эга бўлди. Шу билан бирга республика хозирнинг ўзида қуйидаги қайта тикланувчи энергетика технологияларини кенг қўллаш имкониятига эга:

- сув исситиши қуёш панеллари;
- электр энергия ишлаб чиқариш учун қуёш фотоэлектр тизимлари;
- электр энергия ишлаб чиқариш учун микрогидроэлектр станциялари;
- электр энергия ишлаб чиқариш учун шамол генераторлари;
- электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш учун биогаз ускуналари;
- қуёш-шамол гибрид (аралаш) тизимлари.

Келажакда қуйидаги бошқа турдаги технологиялар-

ни ҳам қўллаш имкониятлари кўриб чиқилиши зарур:

- Тошкент ва Самарқанд каби йирик шаҳарлардаги марказлашган иссиқлик таъминоти тизимларида йирик аҳлат ёкиш курилмаларида майший чиқиндилардан фойдаланиш;
- қуёш электр станцияларидан фойдаланиш;
- геотермал энергиялардан фойдаланиш.

Қайта тикланувчи энергиянинг баъзи технологияларидан фойдаланишда шуну назарда тутмоқ лозимки, улар кўпинча кўшимча энергия манбаи сифатида ишлатилиши мумкин, чунки фотоэлектр станциялари кечаси, шамол генераторлари эса шамол йўқ пайтларда энергия ишлаб чиқармайди ва ҳ.к. Шу сабабли улар кўшимча электр манбаларини талаб қиласди. Умуман, улар анъанавий энергия манбаларини тўлдириб турувчи объект ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан энергияни иқтисод қилиш, иккиласми ресурслар, чиқиндилар, чиқиндисиз технологияларни ва қайта тикланадиган энергия манбалари хисобига энергия ишлаб чиқаришнинг янги усууларни ишлаб чиқиши ва тадбиқ этиш бўйича киска ҳамда узоқ муддатли давлат дастури қабул қилинган ва амалга оширилмоқда.

2005 йилдан бўён Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қошида «Эко-энергия» илмий-тадбиқий марказ фаолият юритмоқда. Ушбу марказнинг асосий фаолияти мукобил энергия манбалари соҳасидаги янги технологияларни тадбиқ этиш ва сонини кўпайтиришдан иборат.

Марказнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

- Электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш билан боғлиқ атроф-муҳитнинг ифлослашишига доир масалаларни кўриб чиқиш ҳамда мазкур соҳада қонуний-меъёрий, раҳбарий ва дастурли хужжатларни тайёрлаш;
- Атроф-муҳит муҳофазаси ва қазиб олинадиган ёкилги ресурсларини иқтисод қилиш максадида қайта тикланадиган энергия манбалари ресурсларидан фойдаланиш ва амалиётга тадбиқ этиш йўлларини излаш;
- Қайта тикланадиган экологик тоза энергия манбаларидан кенг миқёсда фойдаланиш.

Бугунги кунда «Эко-энергия» маркази мувофиқлаштирувчи фаолиятни қайта тикланадиган энергия манбалари усуналарини ишлаб чиқарувчи ва манфаатдор корхоналар билан олиб боради. Хусусан, Трансфертехнологиялари бўйича Агентлик, «Софэнергия», «Energo ekotex system», «Курилишгелиосервис», «Энком», «Фотон» ОАЖ, «Араббай», «Барака ютуқ», «Solar city», фермер хўжаликлари асоциациялари ва бошқалар шулар жумласидан.

«Эко-энергия» маркази Тошкент «Фотон» ОАЖ томонидан ишлаб чиқилган фотоэлектрик станциялар (ФЭС) ни корхона ва ташкилотларнинг тўғридан тўғри шартномалари асосида буюртма бўйича ўрнатиб бериш имкониятига эга. Истиқболда улар молиявий кўмак сифатида фермер ва чорвачилик хўжаликлари тадбиқ этилади ҳамда сони кўпайтирилади.

Бевосита уларнинг иштироки ёрдамида турли лойиҳалар бўйича қатор ФЭС (ёритиш, телевизор, радиоаппаратура, алоки, сув)лар ишлаб чиқилди, ўрнатилди ва фойдаланишга топширилди. Хусусан, Коракалпогистон Республикаси, Бухоро, Самарқанд, Навоий, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларидаги чорвачилик, саноат ва майший чиқиндилардан олинадиган биогаз ҳамда экологик тоза юқори сифатли био-органик ўғитларни олиш бўйича усуналар, гелиоиситгичлар (иссиқ сув ва иситгич).

Давлат табиатни муҳофаза қилиш обьектларида қуёш фотоэлектрик станциялар ва қуёш коллекторларини ўрнатиш бошланган. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг тасдиқланган давлат дастурига мувофиқ Кўмита Трансфер Технологиялари Агентлиги ҳамда Тошкент «Фотон» ОАЖ нинг молиявий кўмагида «Эко-энергия» маркази «Хисор» давлат қўриқхонасига навбатдаги фотоэлектрик станциясини фойдаланишга топшириди. Мазкур станция марказдан узоқда жойлашган қўриқхона ишчи ходимларига кўшимча арzon электр энергия олиш имконини берди. Ушбу курилма Сурхондарёдаги қўриқхонада муваффақиятли фойдаланилмоқда. Жиззах вилоятидаги «Зомин» мониторинг маркази ҳамда Бухоро вилоятидаги «Жайрон» экологик маркази учун электр ва иссиқлик-техник асоси тайёрлаб қўйилган. БМТ Тараккиёт Дастурининг Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси билан ҳамкорликда мазкур курилмани сотиш бўйича тендер ўтказилган ва у жорий йилнинг сентябрь ойида ўрнатилади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг буюртмасига биноан марказ кичкина дарё, арикларнинг энергиясидан самарали фойдаланиш учун микро ГЭСларни ишлаб чиқишни бошлади. Уларнинг конструктив элементларини хисобга олган ҳолда конструктив-технologик «Малыш-1» микро ГЭС тузилмаси ишлаб чиқилди. Ҳозирги вақтда куввати 600-800 Вт бўлган микро ГЭС ни тайёрлаш жараёнлари бошланган. Мазкур курилма республикада фермер, чорвачилик хўжаликлари, аҳоли, корхоналар ва ташкилотлар фойдаланиши мумкин.

Ўзбекистон дунёдаги энергия мустақиллигига эга саноати давлатларидан бири ҳисобланади. Собиқ Совет Иттифоқи парчалангандан сўнг кийин ўтиш даврларида нефть-газ соҳасининг саъй-харакатлари билан ишлаб чиқариш наинки кисқарди, балки табиий газ олиш 30 % дан кўпроқ, нефть қазиб чиқариш 1995 йил охирида уч баробарга ошди, мамлакатнинг энергетика мустақиллиги таъминланди. Нефть-газ саноати республика иқтисодиётининг бирламчи ёкилги-энергия ресурсларига бўлган талабининг 97% ини таъминлайди. Мавжуд таҳлилларга кўра, қазиб олиш суръати ҳозирги даражада бўлса, заҳиралар билан таъминланганлик суюқ углеводородлар бўйича 15 йилга, газсимон углеводородлар бўйича эса 25 йилга етади. Аммо нефть-газ соҳасининг ресурслари билан таъминланганлик бўйича реал ҳолат бошқача тус олиши мумкин. Ишлатилаётган 90 та коннинг улущига (очилган конларнинг умумий сони 196 та) улгеле-

водород захираларининг асосий қисми тахминан 20 та конда бўлган қолдик захираларнинг 90% га яқини тўғри келади. Асосий йирик конларда қазиб олиш пасаймокда ёки шунинг арафасида турибди. Текширилган захираларнинг асосий қисми майда ва ўрта конларга тўғри келади ҳамда улар қийин қазиб олинувчи конлар гурухига мансуб.

Ёқилғи – энергетика мустақиллигини саклаб колиш учун энергетикани ривожлантиришнинг анъанавий бирламчи энергия манбаларига асосланган бир хил қолипдаги ёндашувларидан чекиниши ва мамлакат ёқилғи – энергетика балансига муқобил энергия манбаларини жалб қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чикиш зарур.

Иқтисодиётни энергия билан таъминлашини яхшилаши

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил республикани ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устивор вазифаларга бағищланган мажлисдаги маърузаларида таъкидлаганидек, 2006 йилда ялпи ички маҳсулот 7,2% га, аҳоли жон бошига хисоблаганда эса 6% га ошиши кўзда тутилган. Саноатнинг ривожланиш суръатини 9% га ошириш режалаштирилган.

Маърузада, шунингдек, иқтисодиёт энергия таъминотидаги энг сезиларли салбий омиллардан бири ички ялпи маҳсулотга тўғри келувчи энергия сарфи-нинг ривожланган давлатлар кўрсаткичларидан бир неча баробар ортиқлиги ҳамда хўжалик юритишнинг бозор муносабатларига тўғри келмайдиган энергия иштимолининг илдиз отган психологияси мавжуд эканлиги таъкидланди.

Осиё тараққиёт банки (ОТБ) эксперталарининг маълумотига кўра, ривожланган давлатлар, шунингдек МДХ ва Марказий Европа мамлакатларига нисбатан Ўзбекистон маҳсулот бирлигига тўғри келувчи энергия сарфининг энг юқори кўрсаткичига эга. 1997 -2003 йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келувчи энергия сарфи ҳар бир минг АҚШ доллар маҳсулотга 2,8 дан 4,3 тонна шартли ёқилғига ошиди, бошқа мамлакатлarda эса бу кўрсаткич барқарор камайиб бормоқда.

Ялпи ички маҳсулот ҳажмини ошириш режаси энергия ресурсларини ишлаб чиқаришни мос равишда оширишга олиб келади. Бироқ, аввал айтганимиздек, энергияни тежаш бўйича чора-тадбирларни кенг кўламда жорий қилмасдан туриб, фақатгина анъанавий энергия манбаларига сунниб, ушбу масалани ҳал қилиш мушкул. Аммо, энергияни тежаш соҳасида катта натижаларга эришиш энергия иштимоли маданиятини ўз ичига олган холда мақсадга қаратилган ҳар кунлик ишни талаб қилувчи узок жараёндир.

Кишилқ va чекка туманларда энергия таъминотини яхшилаши

Аҳоли сони ва унинг ўсиши (йилига 2,3%) жиҳатидан Ўзбекистон Марказий Осиёда бирин-

чи ўринда туради . Башортларга кўра, Ўзбекистон аҳолиси 2010 йилга бориб 30,3 млн. кишига етади. Ҳозирги вақтда 60 % дан кўпроқ аҳоли кишлоқларда истиқомат қилади. Ўртacha аҳоли зичлиги 1 квадрат километрга 51,4 киши тўғри келади.

Республика вилоятларидаги кўпгина кишлоқларда иштимолчиларга электр энергия ва табиий газ билан таъминлаб бериш сифати ва ҳажмида муаммолар бор. Чорвачилик хўжаликлари ва уйлардан бир неча километр узокда жойлашган чекка кишлоқларда, одатда, марказлашган энергия таъминоти йўқ. Ҳозирги шароитда 1 км электр тармоги ўтказиш тахминан 15000 АҚШ долларига тўғри келадиган вақтда бундай кишлоқларни электр узатиш тармогига улаш амалда мумкин эмас.

Дунё амалиётида, кишлоқ худудларини энергия билан таъминлашда кўпинча қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланилади. Мазкур тажриба Ўзбекистонда хам қўлланилиши мумкин. Бу орқали кишлоқ туманларининг энергия таъминоти сифати яхшиланади - нафакат яшаш шароитларининг кулагайлиги ошади, балки хусусий тадбиркорлик ривожланади. Бу эса, ўз навбатида янги иш ўринларининг очилишига, аҳоли турмуш даражасининг яхшиланishiiga сабаб бўлади, ёшларнинг миграциясига барҳам беради.

Бугазлари ташламаларининг қисқаршии

Жаҳон ресурслари институтининг маълумотларига кўра, (2003 йилги маълумот) буғазлари ташламалари бўйича Ўзбекистон Марказий Осиёда Қозогистондан кейин иккинчи ўринда (121044,6 минг.тонна ва 123685,6 минг.тонна/йилига) туради. Бунда ташламаларнинг 80% дан кўпроғи энергетика секторига тўғри келади. Экологик тоза қайта тикланувчи энергия манбаларини энергия балансига кенгрок жалб қилиш зарур. Бу ўз навбатида, буғазлари ташламаларини қисқартиришда муҳим омил саналади.

Давлатнинг барқарор ривожланиши

Ўтган асрнинг 70-йилларидаги энергетика инқирози дунёнинг деярли барча давлатларини қамраб олди. Бу ёқилғи-энергетика ресурслари захираларининг чекланганлигини уқтирувчи бекиёс сабоб бўлди. Келажак авлод имкониятларига путур етказмаган ҳолда буғунги авлод эҳтиёжини қондириш маъносини англатувчи «Иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши» тушунчаси шаклланди.

Газ саноатининг XX аср ўрталарида ривожланишидаги ютуқлар – газ ва газ конденсатлари конларининг катта бўлмаган харажатлар билан фаол ишга тушириш – энергия ресурсларининг иштимоли умумий балансида табиий газ ҳиссасининг ортишига олиб келди. Ички бозорда газ нархининг арzonлиги, катта кўламдаги газлаштириш углеводородлар қазиб олишнинг кескин ортиб кетишига олиб келди.

Нефть-газ соҳаси фаолиятида ер остидан бир бирлик ҳажмда олинадиган углеводород микдори учун қидирув ишлари билан захиралар ўсишини уч бирликка ошириш, яъни режалаштирилаётган қазиб

олишдан уч баробар кўп эканлигини исботлашни талаб этадиган қоидага амал қилинار эди. Бу талабга риоя этилмаганилиги сабабли 90- йиллардан бошлаб қидириб топилган углеводород заҳираларининг фожеали тугаб боришига олиб келди. Табиий углеводородларнинг истиқболли ва текширилган заҳиралари қандай бўлишидан катъий назар, улар қайта тиклан-майдиган энергия манбаларига киради. Уларни жадал қазиб олиш заҳираларни камайтиради, бу эса барқарор ривожланиш тамойилларига зиддир. Бутун иқтисодиётнинг биргина энергия манбаига – қазиб олинадиган ёқилғига қараб қолиши мамлакат энергия хавфзислигига раҳна солади ва нефть-газ соҳасига ҳаддан ташқари оғир юқ бўлиб тушади. Мамлакат иқтисодиёти барқарор ривожланиш тамойилларига мувофиқ ривожланиши учун энергияни иқтисод қилишда энг юкори даражага эришиш, энергиядан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш керак.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг олдида мамлакат энергетика хавфзислигини тамиллашда мамлакат ёқилғи-энергетика балансига қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жалб этиш муаммоси турибди.

Муқобил энергия турларидан фойдаланиш да-рёларнинг гидроэнергетика, сув омборлари ва ирригация каналлари, океан тўлқинлари, қуёш энергиясига, шамол ва биомасса (шу билан бирга майший чиқиндиларни утиллаштиришдан олинадиган энергия) ҳамда геотермал энергия салоҳиятига асосланган.

14.1. Қуёш энергияси

Ўзбекистоннинг иқлим ва географик шароити қуёш энергиясидан саноатда кенг кўламда электр ва иссиқлик энергиясини олиш имкониятини беради. Қуёш энергияси – бу қайта тикланувчи энергия манбаи бўлиб, амалда ишлатиш нуқтаи назаридан келажаги порлок, фойдаланиш учун кулай, оддий энергия ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг қуёш энергияси бўйича ялпи салоҳияти 50973 млн. тонна нефть эквивалентига тенг деб баҳоланади, бу эса республика худудидаги ҳозиргача текширилган барча қайта тикланувчи энергия манбаларининг 99,7% ига тенг. Унинг техникавий салоҳияти 176,8 млн.тонна.н.э. (ҚТЭМ жами техникавий салоҳиятининг 98,6 %). Ўзбекистон худудига ҳар йили тушаётган қуёш энергияси ўзининг мутлоқ қийматига кўра, мамлакатнинг ўрганилган барча углеводород ҳом ашё захирасидан кўпdir. Ҳозирги вактда қуёш энергиясининг бор-йўғи 0,6 млн.т.н.э. ўзлаштирилган холос (техникавий салоҳиятнинг 0,3%).

Республикада бир йилда қуёш нури давомийлиги шимолда 2000 соатга етади ҳамда жанубий худудларда 3000 соатдан ошади. Сутка давомида қуёш нур сочиши 7-10 соат, йиллик жами нурланиш шимолда 4800 МДж /м² дан жанубда 6500 МДж /м² гача ўзгариб туради. Бу республика бўйича қуёш энергияси салоҳиятининг ўртача қийматларини тавсифлайди, лекин аниқ худуддаги қуёш энергияси ускуна-

сининг ишлаш шароити ва техникавий имкониятлари ҳақида маълумот бермайди. Шунга қарамай, қуёш энергиясининг техникавий салоҳияти республика-нинг энергияга бўлган йиллик талабини тўрт баробар қоплади, бу эса салоҳиятнинг қанчалик тўғри аниқланганлиги борасидаги баҳс - мунозараларни юмшатади.

Қуёш энергияси амалиётда қўлланиши нуқтаи назардан жуда истиқболидир. Қуёш энергияси қурилмалари турли соҳаларда қўлланилиши мумкин. Бу, айниқса, марказлашган электр ва иссиқлик энергияси таъминотидан узокда жойлашган аҳоли яшаш худудларини энергия билан таъминлашнинг қулай йўлидир.

Қуёш энергиясидан амалда фойдаланишнинг энг истиқболли порлок соҳалари: электр энергия ишлаб чиқариш, кудуклардан ичимлик ва сугориш учун сув чиқариш, чўл худудларида сувларни чучуклаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуртиш, иссиқхона ва уйларни иситиш, марказдан узокда жойлашган уйларни исисик сув билан таъминлаш, иморатларни шамоллатиш ва совутиш, тоза ва юкори даражадаги исисикка чидамли маҳсулотлар олиш учун юкори ҳароратли печларни куриш.

14.2. Шамол энергияси ва кичик сув оқимлардан фойдаланиш

Шамол энергияси. Дунёда фойдаланилайдиган қайта тикланувчи энергия турларидан бири шамол энергиясидир. Ўзбекистонда шамол энергиясининг ялпи салоҳияти 2,2 млн.т.н.э. деб баҳоланган.

Шамол энергиясининг имкониятларига баҳо беришда уни бекарорлиги ва паст тезлиги инобатга олиниди. Шуни таъкидлаш лозимки, шамолнинг тезлиги Ўзбекистон гидрометеорология станцияларидан 10 метр баландликларда аниқланган. Бу станцияларнинг жойлашиши метеорологик масалаларнинг кўпгина вазифаларини бажариш билан белгиланади ва бунда шамол муҳим масалалардан бири хисобланади. «Ўзгидромет» маркази маълумотларидан замонавий шамол генераторларининг ишлаши учун зарур бўлган 80-100 метргача баландликдаги шамол тезлигини аниқлашда фойдаланиш амалда мумкин эмас.

Ўзбекистон худудининг географик ҳолатига кўра, шамол оқимлари мавсумий характерга эга. Текисликларда шамолнинг йиллик ўртача тезлиги 2,0-5,0 м/сек ни ташкил қиласди. Таҳлилларга кўра, шамол энергиясининг ялпи салоҳияти 3179,2 минг т.ш.ё. (тонна шартли ёқилғи), техникавий салоҳияти эса 610,5 минг т.ш.ё. га тенг. Шамолнинг ялпи салоҳияти сарҳадларимизда жуда ҳам хотекис; юкори кўрсаткич – 1322,3 минг т.ш.ё. Коракалпоғистон худуди учун характерли бўлса, энг паст кўрсаткич – 6,15 минг т.ш.ё. Фарғона вилоятида қайд этилган. Республика бўйича шамол оқимининг солиштирма қуввати ўртача 84,0 Вт/м² бўлиб, Андижон вилоятида – 20,0 Вт/м² ва Навоий вилоятида – 104,0 Вт/м² ни ташкил этади.

Таҳлилларга кўра, Ўзбекистондаги ўртача шамол тезлиги шамол генераторларини баланд төғ худудларига ва Орол дengизига яқин худудларга ўрнатиш имконини беради. Аралаш (гибрид)

курилмалардан (шамол генератори билан күёш фотоэлектр станцияси) фойдаланиш, айниқса ўзига жалб килади. Бунда күёш нури ва шамол кучи бир-бирини ҳам сутка давомида (тун-кун), ҳам турли йил фаслларида (ёз, қишиш) тўлдириб, олинадиган энергия таннархининг маълум даражада пасайишига имкон беради.

Хозирги вақтда Россия, Украина, Германия компаниялари 2,5 м/сек шамол тезлигига 30% фойдали иш коэффициенти билан ва 10 м/сек да тўлик кувватда ишлайдиган шамол генераторларини ишлаб чиқармоқда. Бундай генераторлардан, ўз навбатида, ижобий натижага билан шамол тезлиги паст бўлган худудларда ҳам фойдаланиш мумкин.

Шамол энергияси салоҳиятини аниқлашда шамол тезлигининг ўртача суткалик қиймати, айниқса, ўртача ўн кунлик ёки ойлик ўртача тезлиги қийматини ҳам эмас, балки шамол генераторлари ўрнатиладиган аник жойда ҳар оидаги шамол тезлигининг ўзгариш динамикаси ҳамда ой давомидаги барқарор бўлиши ҳақида маълумотларни тўплаш зарур.

Шамол энергияси салоҳиятини баҳолашда Тошкент авиаация институти тамонидан яратилган, 50-100м ва ундан баланд ерларда ишлайдиган «Аэростатик шамол күёш энергияси аппарати» мутахассисларни қизиқтиримоқда, чунки 10 метргача баландликда шамол батамом йўқ вақтда 80 метр ва ундан юқори баландликда шамолнинг тезлиги 5-8 м/сек ҳамда ундан кўпроқ бўлиши мумкин. Умуман олганда, республика микиёсида шамол энергиясининг салоҳиятини аниқлаш борасидаги изланишлар ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди.

Кичик сув оқимлари энергияси

Энергетика ва автоматика институтининг маълумотларига кўра, сув энергиясининг салоҳияти 2,58 млн. т.ш.ё. деб баҳоланади. Шу билан бирга «Ўзбекистон Республикасида чўлланишга қарши курашнинг Миллий ҳаракатлар дастури»да (1999 йил) таъкидланишича, умумий гидроэнергетика ресурслари 7445 МВт қувватни ташкил этиб, бир йилда 26,7 млрд. кВт/соат электр энергия ишлаб чиқаради. Булардан, тахминан 23% гина фойдаланилади. Бу шартли ёқилғи тоннасига ўғирилганда 3,28 млн. т.ш.ё., яъни юқоридаги кўрсаткичдан 30% ортиқдир.

Дастурда кўрсатилган рақамлар йирик ГЭСларни куришдан олинадиган кувватларни ифодалайди, чунки энергия ишлаб чиқариш ва тарқатиш бўйича ягона монополист бўлган «Ўзбекэнергия» ДАКни кичик ГЭСлар амалий эмас, кўпроқ назарий жиҳатдан қизиқтиради. Ўтган асрнинг 60-йиллари бошида Ўзбекистонда алоҳида истемолчилар учун автоном режимда ишлайдиган, қуввати 35 МВт бўлган 253 та кичик ГЭСлар фаолият кўрсатган. Ҳозирги вақтга келиб қўпгина кичик ГЭС лар бутунлай бузуб ташланган, улардан айримларинингина, шу жумладан охирги 25 йилда фойдаланимайтган 5 дан 10 МВт гача қувватга эга бўлган 6 та кичик ГЭСни қайта тиклаш мумкин.

Кичик ва микро ГЭС лар кам қувватли (1 дан 3000 кВт қувватга эга) гидроэнергетик қурилмалар ёрдамида сув ресурслари ва гидравлик тизимлар энергия-

сидан фойдаланиб электр энергияси ишлаб чиқаради. Кейинги ўн йил ичida дунёнинг кўпгина мамлакатларида кичик сув энергетикасига талаб ортиб бормоқда. Биринчидан, катта сув энергетика иншоотларидан фарқли ўлароқ, кичик ва микро ГЭСларнинг экологик зарари жуда кам, иккинчидан эса, улар ёрдамида бориши қийин бўлган ҳамда ташки мухитдан ажралган худудларни электр энергияси билан таъминлаш имконияти пайдо бўлди. Ва ниҳоят, кичик ГЭСларни куриш кам ҳаражатли бўлиб, бу ҳаражатлар қисқа вақт ичida қопланади (5 йил ичida).

Турли сув хўжаликларидаги табиий шаршаралардан тортиб, сув тозалаш иншоотларигача кичик ва микро ГЭСларнинг гидроресурслари хисобланади. Ҳозирда ичимлик суви қувурларидан, шунингдек, саноат ва оқава сувларидан ҳам электр энергия олишига доир намуналар мавжуд. Кичик ГЭС лар ёрдамида катта бўлмаган сув оқимларидан ҳам электр энергия олиш мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш йўлидаги самарали йўналишdir.

Ўзбекистондаги мавжуд барча сувориш иншоотлари тизими Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарайди. Кичик ГЭСларни сувориш иншоотларидан куриш самарадорлиги тайёр курилган тўғонлар билан белгиланади. Бу ҳар 1 кВт энергияга сарфланадиган ҳаражатларнинг янги жойга курилган шундай ГЭС иншоотларидагидан 4-6 марта кам бўлишига имкон беради.

Осиё Тараккиёт Банки билан ҳамкорликда баҷарилган «Ўзбекистон Республикасида қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш» лойиҳасида келтирилган кичик ГЭСларни қуриш pilot лойиҳаларининг жами қуввати 350 млн. кВт/соатни ташкил этади.

Шуни таъкидлаш керакки, 1995 йил 476-сонли «Ўзбекистон Республикасида кичик гидроэнергетикани ривожлантириш тўғрисида»ги карор қабул килинди, унда республикада кичик гидроэнергетикани ривожлантириш Дастири тасдиқланган. Дастирда биринчи навбатда ўзини тез - 10 йил (курилаётган ва лойиҳалаштирилаётган- 5та ГЭС ва қуриш кўзда тутилгани-9 ГЭС) ичida оқладиган кичик ГЭС лар, 10 йилдан ортиқ вақт ичida (127 ГЭС) ўзини оқладиган, келажаги порлок ГЭС лар қурилиши белгиланган. Дастирни бажаришнинг биринчи босқичида ишга туширилганда ийлига ўртача 4,6 млрд. кВт/соат электр энергия ишлаб чиқадиган 141 та ГЭС қурилиши кўзда тутилган.

Республикада кичик гидроэнергетиканинг асосий манбаи кичик тоғ дарёлари билан боғлиқ. Микро ГЭСларни (қуввати 100 кВт) деярли барча жойларда ўрнатиш мумкин. Гидроагрегат энергоблок сув олиш ва автоматик бошқариш ускуналаридан иборат. Чекка тоғли худуд аҳолисини энергия билан таъминлашда кичик сув оқимлари каскадига ўрнатиш мумкин бўлган, бир неча кВт қувватига эга бўлган микро ГЭСлардан фойдаланиш ҳақидаги таклифлар бизга маълум эмас. Бу кичик сув оқимларининг салоҳияти устида изланишлар олиб борилмаган ва у баҳоланмаган.

Дарёларда 650 та мини ва микро ГЭСларнинг (БМТ Тараққиёт Дастирининг «Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергетикани ривожлантиришнинг миллий стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича таҳлилий тадқиқотлар» лойиҳаси маълумотларига асосан) курилиши ва Ўзбекистон худудидан оқиб ўтувчи ирригация каналлари тармокларидаги сунъий ва табиий сув оқимлари гидроэнергиянинг сезиларли даражадаги техникавий салоҳиятини таъминлайди. Умуман олганда, гидроманбаларнинг салоҳиятини ўртача ойлик сув сарфи, сув оқими тезлиги, сув оқимининг нишоблиги, оқим сатҳларидаги фарқ, сув оқимининг статик ёки ишчи босими каби кўрсаткичлар бўйича аниқлаш зарур, деб хисоблаймиз.

14.3. Биомасса энергияси ва экологик ёқилғиларнинг бошқа турлари Биогаз технологиялари

Чорвачилик чиқиндилари (гўнг, гўнгнинг суюғи, озуқа чиқиндилари) атроф-мухитни ифлослантиради. Янги гўнгнинг далаларга чиқарилиши ер ости сувлари ва атмосферанинг заҳарланишига, тупрокларнинг зарарли микроорганизмлар билан ифлосланишига олиб келади. Бундан ташқари, гўнг чириши давомида атмосферага кўп миқдорда, яъни 1 тонна қуруқ гўнг учун 300-400 м³ хисобида метан гази ажralиб чиқади. 1 тонна метан газининг атмосферага чиқарилиши 21 тонна карбонат ангидрид чиқарилишига тенг.

Кишлоқ хўжалик чиқиндиларига: пахтачиликда - гўзапоя, ғаллачилиқда - сомон ва похол, чорва ва парандачилиқда-органик чиқиндилар (гўнг) киради.

Йилига ахоли жон бошига 1-2 м³ деб қабул қилинган қаттиқ майший чиқиндилар (КМЧ)нинг ўртача меъёрига мувоғиқ, бир йилда факатгина ахолидан чиққан чиқиндиларнинг йиғилиш ҳажми 10991,5 минг м³ ни ташкил этмоқда. Ахоли яшаш пунктларидаги жамоат ташкилотларини хисобга олганда бу кўрсаткичлар мос равишида 1,5 м³ ва 13739,4 минг м³ ни ташкил этади. Ўзбекистон Республикасида майший ва хўжалик-ишлаб чиқариш фаолияти натижасида ҳар йили, меъёрий хисоб-китоблар асосида, 30 млн м³ дан кўпроқ қаттиқ майший чиқиндилар ҳосил бўлади.

Ўзбекистон учун биомассадан фойдаланиб, энергия ишлаб чиқаришда асосий хом ашё - бу чорвачилик ва паррандачилик, қаттиқ майший, озиқовқат, саноат чиқиндилари, шаҳар оқава сувлари ва ўсимлик қолдиқлари хисобланади. Чиқиндилардан энергия олишда, асосан чорвачилиқдаги оғилхона гўнглари кўпроқ қизикиш уйғотади.

Биогаз олиш учун кейинги салоҳиятли манба - бу шаҳар оқава сувларини тозалаш станцияси чўкиндиларидаги фаол балчиқ лойқалардир. Аэрация станцияларда хосил бўладиган фаол балчиқ лойқаларнинг йиллик йиғилиш миқдори 1 млн. тоннани ташкил этади. Олинган биогаз аэрация станцияларида иссиқлик ва электр энергияси олиш учун, қайта ишланган балчиқ лойқалардан эса ўғит сифатида фойдаланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида биогазнинг салоҳияти унча катта эмас, деган даъволарга

қарамасдан, хисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, факатгина чорвачилик ва шаҳар қаттиқ майший чиқиндиларидан фойдаланилганда биогазнинг ялпи салоҳияти йилига 16 млрд. м³га ҳамда техникавий ҳамда иктиносий салоҳияти йилига 8,9 млрд. м³ дан ортиқ экан. Иссиқлик бериш қобилиятига кўра, техникавий салоҳиятнинг кўрсатилган қиймати 6,5 млрд. м³ табиий газга ёки 7,5 млн. т.ш. ё. га тўғри келади.

Шунингдек, бу чиқиндиларни қайта ишлашнинг техникавий амалга ошириш мумкин бўлган ҳажмининг ўзидангина республика қишлоқ хўжалиги 14 млн. тонна экологик тоза, юқори сифатли органик ўғит олиш мумкинлиги аҳамиятлидир, бу эса 1,4 млн. тонна минерал ўғитга тенг.

Биогазнинг ялпи ва техникавий салоҳиятининг келтирилган қийматлари шаҳар оқава сувлари чўкиндиларини қайта ишлаш, шаҳардаги ўсимлик қолдиқларини йиғиш ва ишлатиш, ташландиқ ерларда энергетик мақсадларда ўсимликлар етиштиришни ташкил этиш ва бошқа кўплаб биоэнергетикани ривожлантириш омиллари хисобига анча ўсиши мумкин. Шундай қилиб, қаттиқ майший чиқиндилар ва чорвачилик чиқиндиларидан олинадиган биогазнинг техникавий салоҳияти республиканинг энергияга бўлган йиллик талабининг 10% дан ортигини ташкил этади ва бу республикамизда биогаз технологияларининг ривожланиш келажаги порлок эканлигини кўрсатади. Қишлоқ хўжалиги чиқиндиларини биогаз ускуналарида қайта ишлаш, хўжаликларга ҳар қандай майший газ асбобларидан фойдаланиш ҳамда қишлоқ хўжалик техникиаси учун ёқилғи сифатида ишлатиш имконини беради.

Геотермал ресурслар салоҳияти

Геотермал ресурслар амалда Республикализнинг барча худудларида мавжуд. Кўп йиллик тадқиқотлар Ўзбекистон худудида 8 та гидротермал ресурслар хавзалари мавжуд эканлигини аниқлаш имконини берди.

Геотермал ресурсларнинг ялпи салоҳияти 244,2 минг т. ш. ё. деб баҳоланганд, техникавий салоҳияти эса аниқланмаган. Геотермал сувларнинг энг катта салоҳияти Фарғона водийсига (Наманган вилояти - 42,6 минг т.ш. ё.) ва Бухоро вилоятияга - 81,2 минг т.ш. ё. тўғри келади.

Ўзбекистон Республикасида, шунингдек геотермал энергия манбаларининг қуруқ төғ жинси кўринишидаги турлари (Фарғона, Амударё геологик ботиги, жанубий Оролбўй) ҳам аниқланган. Геотермал энергия салоҳиятидан фойдаланишини (қуруқ жисмлар, гранитоидлар ҳарорати) Фарғона водийсига Чуст-Адрасманов петротермал аномалияси базасида куввати 40 МВт бўлган паст ҳароратда қайновчи ишчи жисмли кўргазмали электр станциясидан бошлаш тавсия қилинади.

Водород энергетикаси

Олимларнинг эътибори дунё океанининг битмас-туганмас заҳирасига эга бўлган водородга қаратилмоқда. Шунингдек, бу ёқилғининг афзал томони – ундан фойдаланишнинг экологик хавф-

сизлиги, двигателлар тузилишини ўзgartиришга ҳожат йўклиги, юқори калорияга эгалиги, узок муддат саклаш мумкинлиги, мавжуд транспорт тармокларида ташиш мумкинлиги, заҳарли эмаслиги ва ҳ.к. Аммо, бугунги кунга қадар енгиб ўтиш қийин бўлган муаммо уни саноат асосида ишлаб чиқариш кўп харажатли эканлигидир. Фарбий Европа, АҚШ, Австралия, Канада ва Япониядаги 600 дан ортиқ фирмалар, компаниялар, концернлар, университет лабораториялари ва илмий-текшириш жамоат ташкilotлари водородни ёқилғи сифатида арzonлаштириш бўйича зўр бериб ишламоқдалар. Бу муҳим масаланинг муваффакиятли ҳал этилиши бутун дунё иқтисодиётини инқилобий тарзда ўзgartиради ва атроф-мухитни соғломлаштиради.

2005 йилда бутун дунё бўйича водород ёқилғиси элементларини ишлаб чиқариш 32% га ўси. Бир йилда жами 14,5 минг донага яқин элемент ишлаб чиқарилди. Уларнинг ярмидан кўп қисми PEMГа(протон-алмашинувчи) ёнилғи элементларига тўғри келди. Бу анча ихчам технология бўлиб, автомобилларда жадал синовдан ўтказилмоқда. MCFC(эритмали карбонатли) ёқилғи элементлари камроқ қўлланилган. Автомобиллардаги PEM технологиялари амалда бозорларни 100% эгаллади. COFC(қаттиқ оксидли) технологиялар бозорларнинг кам қисмини эгаллаган бўлсада, лекин, компаниянинг COFC га ишлов берувчи бўлимлари кўплиги боис тижоратда олдинги ўринга чиқишига жуда катта имкониятлари бор. Портатив ва электрон иловаларда, PEM ва DMFC (метанолни оксидланиши) ёнилғи элементлари устунликка эга.

2005 йилда энг кўп ёқилғи элементлари Шимолий Америкада ўрнатилган. Изма-из келаётган Япония 2,5 баравар кам ёқилғи элементларини ўрнатган.

Энг кўп қизиқиш транспорт секторида эканлиги эътироф этилган. Янги водородли автобуслар транспорт секторининг 1% ни ташкил этган холос. Буни автобусларни (айниқса, денгиз транспорти учун) солиб олиш учун катта инвестициялар талаб этилиши билан тушунтириш мумкин.

Ўтган йилда 30 га яқин ёқилғи куйиш станциялари қурилди. Уларнинг кўпі АҚШда, Калифорнияда қурилган. 2005 йилда дунё бўйича бу станцияларнинг умумий сони 115 тага етган. 2006 йилда эса шундай водород куйиш станцияларининг 30-50 тасининг қурилиши кутилган эди.

Бугунги кунда ядро энергиясини ишлаб чиқариш, атмосферага буғ газлари ташламаларининг қисқаришини кўзда тутган холда энергия таъминоти масалаларини ҳал этишда муҳим омил хисобланади. Лекин, мазкур технологиянинг радиоактив чиқиндиларининг зарарли таъсири минг йиллар мобайнида давом этишини, уларни безарар қилиб кўмиш зарурлигини эсда саклаш лозим. Ушбу масалаларга жиддий эътибор билан қаралса, ядро энергетика соҳаси молиявий қимматга тушадиган соҳа бўлиб қолмоқда.

Умуман олганда, қайта тикланувчи энергия манбаларининг хар бир турининг республика худуди бўйлаб ва йил фаслларидаги тақсимоти харитаси-

ни тузиш учун салоҳият турлари бўйича текширув ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бундай харитани тузиш хар бир худудда энергияга бўлган талабни ўрганиш ва уни қондириш схемасини яратишга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси қайта тикланувчи энергия манбаларидан амалда фойдаланиш йўлида аниқ ишлар олиб бормоқда. Экологик тоза қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг қўллаш мақсадида Кўмита қошида ихтисослашган маҳсус «Эко-энергия» илмий-тадбиқий маркази фаолият олиб бормоқда. У давлат унитар корхонаси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2005 йил 23 августдаги № 59-1сонли мажлис қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Кишлоқ ва сув хўжалиги, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаши ҳамда искеъмол товарлари ахборот-таҳлил департаментининг 2005 йил 21 августдаги 03/21-28 сонли розилиги билан, кўмитанинг 2005 йил 21 октябрдаги 81-сонли бўйруги асосида тузилган.

Марказнинг асосий вазифалари қуидагилардан иборат:

- Электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш билан боғлиқ атроф муҳитнинг ифлослашишига доир масалаларни кўриб чиқиши ҳамда мазкур соҳада қонуний-меъёрий, раҳбарий ва дастурли хужжатларни тайёрлаш;
- Атроф муҳит муҳофазаси ва қазиб олинадиган ёқилғи ресурсларини иқтисод қилиш мақсадида қайта тикланадиган энергия манбалари ресурсларидан фойдаланиш ва амалиётта тадбиқ этиш йўлларини излаш;
- Қайта тикланадиган экологик тоза энергия манбаларидан кенг миқёсда фойдаланиш.

Марказда юқори малакали олимлар ва мутахассислар фаолият юритади. Бевосита уларнинг иштироки ёрдамида турли лойихалар бўйича қатор фотоэлектрик станциялар (ФЭС), микро ГЭС (ёритиш, теле ва радиоаппаратура, алокা, сув) лар, Қорақалпогистон Республикаси, Бухоро, Самарқанд, Навоий, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларидаги чорвачилик, саноат ва маиший чиқиндилардан олинадиган биогаз ҳамда экологик тоза юқори сифатли био-органик ўғитларни олиш бўйича ускуналар, гелиоиситгичлар (иссиқ сув ва иситгич) ишлаб чиқилди, ўрнатилди ва фойдаланишга топширилди.

«Эко-энергия» Маркази ҳозирги вақтда қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналарини ишлаб чиқарувчи корхоналар – «Физика-Қуёш» ИИЧБ, «Курилишгелеосервис», «Барака-Ютук», «МирСолар», «ФОТОН» ОАЖ, «АРАББОЙ», «Solar city», Технологиялар трансфери Агентлиги, «Соф энергия», «Energo ekotex system», «Интеллект-Диалог», «Атлантида Макс» ва бошқалар билан ўзаро мувофиқлаштириш ишлари олиб бормоқда. Қуёш фотоэлектр станциялари ва қуёш сув иситиши коллекторларидан «Табиат» музейида (Сурхондарё вилоятида, 7 та станция-100-200 Вт дан ва 2 та коллектор-160 л дан), «Зомин» мониторинг марказида

(Жиззах вилояти, 300 Вт станция ва 250 л коллектор), «Жайрон» экологик марказида (Бухоро вилояти, 2та станция- 100 ва 500 Вт, коллектор-160 л), Куйимзор мониторинг маркази (Навоий вилояти, 3та станция- 200 Вт дан), Кашқадарё (4 та станция – 200 Втдан), Самарқанд (2 та станция 200 Втдан), Андижон (200 Втлик станция) вилоятларида, биогаз ускуналаридан Тошкент, Жиззах ва Андижон вилоятларида самарали фойдаланилмоқда.

«Эко-энергия» илмий-тадбиқий маркази ходимлари қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ва уни ривожлантириш бўйича халқаро лойиҳаларда ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Хусусан, марказ ходимлари БМТ Тараккиёт дастурининг «Қорақалпогистон қишлоқ жамоаси учун тоза энергия» - 1 ва 2-фазалари (фотоэлектр станцияси), «Экология ва энергия» мамлакат дастури (куёш фотоэлектр станциялари ва куёш коллектри), «Ўзбекистонда биогаз технологияларини ривожлантиришда ҳамкорлик» ва «Милк-Агро» фермер хўжалигида биогаз ускунаси мониторинги ва бошқалар.

«Эко-энергия» илмий-тадбиқий маркази БМТ Тараккиёт дастурининг минтақавий Маркази кўмагида Европа ва МДҲ мамлакатлари бўйича ўтказилган «Энг яхши амалиёт» Халқаро кўрик танлова ва муваффақиятли иштирок этди. Хусусан, марказ жамоаси «Экологик тоза технологияни ўзлаштириш ва қишлоқлар учун қишлоқ хўжалиги ҳамда майший чиқиндилар асосида қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи кичик цехларни ташкил этиш» лойиҳаси билан биринчи ўринни эгаллади. «Қорақалпогистон

аҳолиси учун тоза энергия» лойиҳаси билан иккинчи ўринни эгаллади ҳамда «Қайта тикланувчи энергия манбалари» номинациясида «Ўзбекистон Республикаси, Бухоро вилоятидаги «Жайрон» Экомарказида фотоэлектр станцияси ва қуёш сув исситиҷларидан фойдаланиш» лойиҳаси билан голиб бўлди.

Марказ ходимлари тамонидан паст салоҳиятли қуёш ускуналари (пассив қуёш сув исситиҷ) энергетик ҳисоб-китоб қилинди ва уни Ўзбекистон ҳудудига мослаштириш ечимлари топилди; Республиканинг турли ҳудудлари учун қуёш радиациясининг умумий йигиндиси ва қуёшли кунлар давомийлиги жадваллари тузилди; пассив қуёш исситиҷ тизимиning иқтисодий ва экологик самарадорлигини ҳисоб-китоб қилиш методикаси ишлаб чиқилди; объексларни энергия билан таъминлашнинг келажаги ҳамда ҳозирги ҳолати таҳлил қилинди.

2007-2008 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Агар, сув хўжалиги масалалари ва экология кўмитасининг тавсияси билан марказ Технологиялар трансфери агентлиги билан ҳамкорликда «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш стратегияси» лойиҳасини ишлаб чиқиб, манфаатдор вазирликлар ва ташкилотларга тарқатди ҳамда уларнинг хуносаларини олди. Қайта ишланган лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига тақдим этилди.

Шунингдек, Марказий Осиё мамлакатларининг «Эко-энергия» марказини ташкил этиш юзасидан қатор ишлар олиб борилмоқда, баҳолаш маъруzasи тайёрланган.



Пойтуқдаги биогаз қурилмаси (Андижон вилояти)

Куввати: биогаз бўйича - суткасига 20-30 м³, биоўғитлаш бўйича - суткасига 800 кг (куввати 10-12 м³ бўлган худди шундай қурилма Жиззах вилояти Фориш туманида ҳам ўрнатилган).



Энергия жамлайдиган микроГЭС,

Ҳисор қўрикхонаси (Қашқадарё вилояти),
«Эко-энергия» илмий-тадбиқий маркази томонидан
ишлаб чиқилган ва тайёланган



**Қуёшли сув иситиш коллектори,
«Жайрон» экомаркази
(Бухоро вилояти)**

XVI. Халқаро ҳамкорлик

15.1. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси ташки сиёсатининг асосий йўналишлари

1992 йилда Рио-де-Жанейрода ўтказилган БМТнинг атроф-мухит ва ривожланиш борасидаги анжумани, Ўзбекистон учун глобал экологик мувозанатга эришишда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича муҳим туртки бўлиб, ҳамда ушбу анжуманда узок муддатли иқтисодий тараққиётга эришишни тъминлашнинг ягона йўли сифатида унинг атроф-мухит билан боғлиқ ҳолда амалга оширилиши белгилаб олинди. Ўзбекистон Республикасининг халқаро дастурлар ва лойихаларда иштирок этиши, атроф-мухит соҳасидаги конвенцияларга қўшилиши, республиканинг атроф-мухити ҳолатини саклаш ва яхшилаш ҳамда барқарор ривожланишга эришишда умумжаҳон жараёнларига қўшилишига имконият яратади.

2002 йили Йоҳаннесбург шахрида барқарор ривожланиш умумжаҳон саммити (БРУС) бўлиб ўтди ва ушбу саммитда Сиёсий Декларация ва БРУС карорларини аниқ мажбуриятлари ва бажарилиш муддатлари белгиланган ҳолда амалга ошириш бўйича Режаси мухокама ва қабул қилинди. Саммитда янги Ҳамкорлик Ташаббуси халқаро институти ташкил қилиниши ҳақида эълон қилинди. Амалга ошириш глобал Режасига киритилган ва барқарор ривожланиш бўйича субмintaқавий стратегиясини (БРСС) ишлаб чиқиш ва амалга оширишга йўналтирилган, Марказий Осиёнинг ташаббуси алоҳида ташкил этувчи қисм ҳисобланади. БРСС Ўзбекистон Республикасининг бевосита манфаатларига таъсир кўрсатади.

Табиатни муҳофаза қилиш ҳамкорлигининг асосий халқаро йўналишлари Ўзбекистон Республикасининг ташки сиёсати стратегияси билан белгиланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг кўп вақт ўтмай, 1992 йилда Бирлашган Миллатлар ташкилоти аъзоси бўлди ва унинг бир қатор дастурлари ҳамда маҳсус ташкилотлари билан ҳамкорлик кила бошлади, жумладан, Бирлашган Миллатлар ташкилотининг атроф-мухит дастури (ЮНЕП), Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Тараққиёт дастури (БМТД), Бирлашган Миллатлар ташкилоти тълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО), Халқаро метеорологик ташкилоти (УМТ), Бутунжаҳон соғлиқни саклаш ташкилоти (БССТ), Бирлашган миллатлар ташкилотининг саноат ривожланиши бўйича (ЮНИДО) ҳамда унинг икки минтақавий комиссияси: Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Европа иқтисодий комиссияси (БМТ ЕИК) ва Тинч океани ва Осиё минтақаси учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ЭСКАТО).

Миллий сиёсатни ва халқаро ҳамкорлик асосий йўналишларини шакллантириш мамлакат экологик салоҳиятини саклаб қолишга асосланади.

МДХ билан ҳамкорлик

Ўзбекистон минтақавий интеграция масалалари борасидаги ҳамкорликни, алоҳида МДХ аъзолари билан – икки томонлама келишувлар асосида (Россия Федерацияси, Украина, Грузия) ҳамда МДХ иж-

роия қўмитасининг ёрдамчи органи ҳисобланган давлатлараро экологик Кенгаш билан ҳам амалга оширади. 2000 йилда тайёрланган ва давлатлар раҳбарлари томонидан имзоланган 2025 йилгача бўлган даврда МДХ ривожланиши бўйича ҳаракатлар Дастирида, атроф-мухитни муҳофаза қилиш бўйича бир қатор тадбирлар кўзда тутилган (атроф-мухит мониторинги, экологик хавфиззлик, саноат чиқиндиларини класификациялаш ҳамда уларни маркировка қилишнинг ягона тизими ва бошқалар).

Ўзбекистон атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасида икки томонлама шартномаларда қатнаши билан биргаликда, барқарор табиатдан фойдаланиш ва атроф-мухит муҳофазаси бўйича қоидалар ҳамда маҳсус субмintaқавий таркибини тузишга фаол кириши:

- Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ), ушбу ташкилот доирасида 2005 йилда аъзо мамлакатлар томонидан атроф-мухит муҳофазаси ва табиатдан санарали фойдаланиш масалалари бўйича Концепция ишлаб чиқилди.

- ЕвроОсиё иқтисодий ҳамкорлиги (ЕвроОСИХ). Ўзбекистон Республикаси 2006 йилда ЕвроОсиё иқтисодий ҳамкорлигига аъзоликка кирганлиги мунносабати билан Парламентлараро Ассамблеяси томонидан агросаноат сиёсати, табиатдан фойдаланиш ва экология бўйича доимий комиссия ташкил этилди ҳамда доимий комиссияда Ўзбекистон Республикаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Парламенти қатнашади.

Икки томонлама ҳамкорлик

Ҳозирги кунда ташкилий тартибида қўйидаги мамлакатлар билан икки томонлама ҳамкорлик олиб борилмоқда: Хитой (1997 йилдан), Грузия (1995 йилдан), Ҳиндистон (1996 йилдан), Истроил (1997 йилдан), Япония (1994 йилдан), Қозогистон (1997 йилдан), Қирғизистон (1996 йилдан), Малайзия (1996 йилдан), Корея Республикаси (1995 йилдан), Словакия (1998 йилдан), Швейцария (1998 йилдан), Тожикистон (1994 йилдан), Тайланд (1998 йилдан), Туркия (1996 йилдан), Туркменистон (1996 йилдан), Украина (1998 йилдан), Бирлашган Араб Амирликлари (2006 йилдан) ва Озарбайжон (2006 йилдан).

Минтақавий ҳамкорлик

Ўзбекистон 1992 йилдан бери ЭСКАТО аъзоси ҳисобланади. Ўзбекистон ЭСКАТО билан асосан кадрлар тайёрлаш масалалари бўйича, шу жумладан, Япония ва Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги йўналиши бўйича ҳамда Ҳиндистон минтақавий ўқув марказлари (Географик ахборот тизими (ГАТ), Хитой (чиқиндилар бошқаруви), Малайзия ва Тайланд (экологик менеджмент) йўналишлари бўйича ҳамкорлик қиласи.

Ўзбекистон қўйидаги ўнта давлат таркибидаги: Озарбайжон, Афғонистон, Эрон Ислом Республикаси, Қозогистон, Қирғизистон, Покистон, Тожикистон, Туркменистон, Туркия ва Ўзбекистондан иборат ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш минтақавий ҳукуматлараро иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти

(ИХТ) аъзоси ҳисобланади. ИХТда атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик масалалири билан энергетика, табиий минерал ресурслар ва атроф-мухит бўйича Директорат шуғулланади. ИХТ ЭСКАТО билан яқин ҳамкорлик қиласди.

Халқаро молиявий институтлар минтақавий лойиҳаларга борган сари кўпроқ эътибор бермоқдалар, бунинг учун эса Марказий Осиёдаги барча мамлакатларни кучларининг бирлаштирилиши ва ҳаракатлари мослаштирилиши зарур. Бугунги кунда минтақа мамлакатлари мустақил, табиатни муҳофаза қилиш бўйича меъёрли сиёсатини ишлаб чиқишилари ва амалга оширишлари ҳамда атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасида минтақавий ва дунё миқёсидаги ҳамкорликни амалга оширишлари мумкин.

Марказий Осиё давлатлари учун трансчегаравий характерга эга, энг муҳим экологик муаммолар куйидагилар ҳисобланади:

- сув ресурсларининг чекланганлиги;
- сифатли ичимлик сувига бўлган эҳтиёж;
- чегара олди худудларида радиациявий ифлосланиш ҳавфи;
- Орол денгизи қуриган тубидан чанг тузларнинг кўтарилиши натижасида атмосфера ҳавосининг ифлослантириши;
- чўллашиб ва тоғ экотизимларининг деградацияси.

Биохилма-хилликнинг йўқолиши

Ўзбекистон, Марказий Осиёнинг атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасидаги минтақавий ҳамкорлик жараёнида фаол иштирок этмоқда. У табиий бойликлардан фойдаланиш, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланишини бошқариш муаммоларини мувофиқлаштириш ва ечиш учун йўналтирилган, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси (Давлат раҳбарларининг 1993 йилги Қозогистон, Қизил-Ўрда шахридаги қарорига асосан ташкил этилган) ва иккита комиссия – барқарор ривожланиш бўйича Давлатлараро Комиссияси ва Давлатлараро мувофиқлаштириш сув хўжалиги Комиссиясини тузиш ташаббускорларидан бири бўлган. Ҳозирги даврда минтақада ўзаро муносабатлар иқтисодий ва табиатни муҳофаза қилиш борасидаги икки томонлами ва кўп томонлами келишувлар орқали ривожланмоқда. 1993 йили Марказий Осиёнинг беш давлат Президентлари биринчилардан бўлиб, «Орол ҳудудини ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлаш ва экологик соғломлаштириш, Орол денгизи ва Оролбўйи муаммоларини ечиш борасида биргаликдаги ҳаракат келишувига» имзо кўйилдилар ва «Орол денгизи ҳавзасида экологик ахволни яхшилаш бўйича аниқ ҳаракатлар дастuri» қабул қилинди.

Марказий Осиё давлатлари томонидан экологик масалалар бўйича кўйидаги декларациялар имзоланди: «Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш муаммолари бўйича Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ҳамжамиятнинг Нукус декларацияси», «Олма-ота декларацияси», «Ашхобод декларацияси», «Душанбе декларацияси». Ушбу ҳудуд мамлакатларининг атроф-мухитни муҳофаза қилиш вазирларнинг қўшма баёни имзоланди. Унда мамлакат экологик сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масаласида унификациялашган ёндашувларни ишлаб

чиқиш, глобал ва минтақавий экологик муаммоларни ҳал этиш бўйича Халқаро ташкилотлар ва донор давлатларни ва бошқаларни Марказий Осиё давлатларини кўллашга даъват этишига алоҳида белгилаб берилган.

Марказий Осиё давлатлари дипломатик корпуслари иштирокида Ўзбекистон, Қозогистон, Кирғизистон ўртасида атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида Келишув, шунингдек, икки томонлама Ўзбекистон ва Қозогистон ҳамда Ўзбекистон ва Кирғизистон ўртасида келишувлар; Ўзбекистон, Қозогистон, Кирғизистон ва Тожикистон ўртасида трансчегаравий таъсир кўрсатадиган тоғ-кон ишлаб чиқариши рудалари чиқиндилари жойлашган обьектларда рекультивация ишларини амалга ошириш бўйича ҳамкорликда ҳаракатлар; Ўзбекистон, Қозогистон, Кирғизистон ва бунга қўшилган Тожикистон ўртасида, Сирдарё сув ҳавзасининг энергия ва сув манбаларидан фойдаланиша ҳамкорлик битимлари имзоланди.

Амалиёт шуни кўрсатадики, Марказий Осиё давлатларининг ўзаро ҳамкорлик устувор йўналишлари, Амударё ва Сирдарё дарёларининг сув манбаларидан фойдаланиш, ўрта ва куйи оқимларда сув ифлосланишининг олдини олиш ҳисобланади.

Марказий Осиё давлатлари минтақавий ҳамкорлигининг самарасини, Оролни кутқариш халқаро жамғармаси хузурида тузилган Давлатлараро барқарор ривожланиш Комиссияси фаолиятида давлатларнинг фаол иштирокини мисол килиб кўрсатиш мумкин.

Ҳозирги даврда, Давлатлараро барқарор ривожланиш Комиссияси раҳбарлигига (ЮНЕП, ОТБ, БМТТД ни техник ва иқтисодий ёрдамида) Марказий Осиё давлатлари учун, атроф-мухитни муҳофаза қилиш минтақавий режаси ишлаб чиқиляпти, унда халқаро чегараларга боғлик бўлган, сув манбаларининг сифатини бошқариш, ҳаво катламларини ифлосланишдан саклаш, чиқиндилардан фойдаланиш йўллари, тоғ экотизимларини саклаш ва ер инқирозининг олдини олиш каби масалалар қамраб олинган. Қайта тикланувчи энергияни тадбик ҳудудий тармоги (Ўзбекистон Республикаси), тоғ минтақавий марказлари (Кирғизистон ва Тожикистон) ва бошқалар ташкил этилди.

Атроф-мухит муҳофазаси минтақавий ҳаракатлар Дастирида (РПДООС), Марказий Осиё давлатларининг Минтақавий Экологик Маркази (МЭМ) фаолиятига жиддий эътибор қаратилмоқда. Минтақавий Экологик Маркази (МЭМ) – Марказий Осиё давлатлари ўртасида турли даражадаги масалаларда ҳамкорлик қилиш ва жамоатчиликни минтақадаги экологик масалаларни ҳал қилишга жалб қилиш учун Евropa Иттифоки кўмагида 2000 йилда тузилган.

Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиий бойликлардан фойдаланишда, минтақавий ҳамкорликни бошқа бир канча самарали йўллари мавжуд:

- Барқарор ривожланиш бўйича Бутунжаҳон саммитига тайёргарлик кўриш жараёни бир кисми сифатида тайёрланган ва Саммит ва ўзаро ҳамкорлик ташаббусини рӯёбга чиқариш режасига киритилган, барқарор ривожланиш бўйича Марказий Осиё ташаббуси бажарилмоқда;

- 2004 йилда сув-энергетика халқаро консорциуми Концепцияси (IWEC) ишлаб чиқилиб, Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлари раҳбарлари томонидан маъкулланди, унинг асосий вазифаси сув ресурсларидан ва сув омборларидан биргаликда фойдаланиши бўйича келишувларга асосан, сув омборларидан оптималь фойдаланиши тъминлаш ва сув ва гидроэнергетика объектлари учун инвестициялар олишга кўмаклашиш;

- электр энергетика соҳасида, Марказий Осиё энергетика Кенгаши тузилди. Бирлашган диспетчерлик «Энергия» маркази Тошкент шаҳрида жойлашган ва ирригация талабларини ҳисобга олган ҳолда, энергияни таҳсиллаш бўйича, мўтадил ва бир маромада узатиш тизимиға жавоб беради;

- Марказий Осиё давлатларининг ер бойликларини бошқариш бўйича ташаббуси бажариляпти (CACILM). Ушбу ташаббус - минтақа давлатлари ва халқаро молиявий муассасаларининг ҳамкорлигида, ер ресурсларининг бузилишига карши курашиш ва қишлоқ аҳолиси даромадлари даражасини оширишга учун ер ресурсларидан фойдаланишга комплекс ёндашган ҳолда барқарор бошқариш бўйича Миллий дастурларни тадбиқ этиш ва ривожлантиришга каратилган. Глобал Экологик Жамғарма (ГЭЖ) томонидан молиялаштирилётган 100 млн. АҚШ доллр. миқдоридаги грант билан биргаликда, CACILM инвестиция дастурига 700 млн. АҚШ доллр. киритган.

- Атроф-мухит муҳофазаси минтақавий харакатлар Дастиуни (РПДООС) тадбиқ этишининг юридик томондан қувватлаш, Ород денгизи ҳавзаси ва бошқа ҳудудий келишув ва шартномалар бўйича чоралари тизимидан иборат ҳамда Марказий Осиё давлатларининг табиатни муҳофаза қилиш ҳамкорлигини бошқариш учун юридик мажбурий ҳолатини мустахкамлашни ташкил қилишга ёрдам берувчи Марказий Осиёда барқарор ривожланиш учун атроф-мухитни муҳофаза қилиш Доиравий конвенцияси ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон, узок муддатли ҳамкорликни ва глобал ҳамда ҳудудий муаммоларни ҳал қилишининг асоси сифатида Марказий Осиё давлатлари Президентларининг Нукус (1995 й.) ва Олма-ота (1997 й.) Декларацияларини бажарилишини тъминлаш учун Марказий Осиё давлатларининг барқарор ривожланиш Стратегия ва Конвенцияларнинг ишлаб чиқилиши ташаббусини кўллаб-қувватлади.

Марказий Осиё давлатлари Президентлари Декларацияси дунё миқиёсидаги ва умум минтақавий масалаларни ечишда, узок вақтли ҳамкорликнинг асосидир. Бу ташабbusлар, минтақа вазирларининг учрашувининг БМТ ЕИК (Женева, сентябрь, 2001 й.) и ЭСКАТО БМТ (Пном-Пень, ноябрь 2001 й.) якуний хужжатларида кўллаб-қувватланди. Пном-Пенда, Марказий Осиё давлатлари, шу жумладан Ўзбекистоннинг ташаббускор таклифлари ҳисобга олинган, «Осиё ва Тинч океани минтақаси учун барқарор ривожланишнинг минтақавий маслаклари» тасдиқланди.

Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик

1999 йилда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ва унга аъзо давлатлари ўртасида шерикчилик ва ҳамкорлик Битими имзоланди. Бу Битимнинг 54-моддаси атроф-мухитни муҳофазаси ва согломатликка

бағишлиланган ва ҳамкорлик соҳасида 22 та мақсадни ўз ичига олган, шу жумладан;

- сув сифати;
- трансчегаравий сув ва ҳавонинг ифлосланиши;
- БМТ ЕИКнинг атроф-мухитга трансчегаравий контекстда таъсирини баҳолашда Конвенцияси ни кўллаш;

- чиқиндилаш муюмиласи ва Базель конвенцияси нинг бажарилиши;

- биологик хилма-хилликни сақлаш ва глобал иклим ўзгаришига карши кураш;

- саноат корхоналари ҳавфсизлиги, кимёвий ҳавфсизлик ва экологик тоза технологиялардан фойдаланиши;

- ҳалокат, ҳавф ва бошқа фавқулодда ҳодисалардан олдиндан огоҳлантириш;

- мамлакат экологик қонунлар мажмууни Европа Иттифоқи қонунлар мажмуига мувофиқлаштириш.

Ушбу битимни 1999-2005 йиллар ичida бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг маҳсус қарори қабул қилинди. 2004 йил 22 мартада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг янги 134-сонли «2004-2008 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи ва унга аъзо давлатлар билан ҳамкорлигини тақомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Бу қарорлар, Европа Иттифоқига аъзо давлатлар билан лойиҳалар ва бошқа иккиёклама лойиҳаларни амалга оширишда асос вазифасини бажаради.

«Европа учун атроф-мухит» жараёни

«Европа учун атроф-мухит» жараёни, 1991 йилда бошланган. Ўзбекистон, бу жараёнда вазирларнинг 1995 йилда Софияда ўтказилган учинчи конференциясидан катнашиб келади ва Вазирлар даражасидаги 2003 йилги олтинчи Белгирад «Европа учун атроф-мухит» Конференциясида ҳам катнашишда давом эттириди.

«Европа учун атроф-мухит» жараёни, БМТ ЕИКга аъзо давлатлари жойлашган минтақада, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимида, бошқа ҳоукуматлараро ташкилотлар, ҳудудий ва минтақавий экологик марказлар, нодавлат ташкилотлари ва бошқа гурӯхлар орасида ноёб ҳамкорликни ифодалайди. «Европа учун атроф-мухит» жараёнининг асосий максади, атроф табиий муҳитининг ҳолатини яхшилаш йўлидаги ҳамкорликни бирлаштириш, шунингдек БМТ ЕИКга аъзо давлатларнинг ривожланиш йўлидаги имкониятларини аниқлашди. Бу жараёнда, котиблик вазифасини аввалдан «Европа учун атроф-мухит» жараёнига бевосита алокадор, Бирлашган Миллатлар Ташкилотини Европа иқтисодий комиссияси бажаради.

Вазирлар конференцияси атроф-мухит муҳофазаси соҳасида Европа ва Марказий Осиё минтақалари ўртасида музокара воситасидир, шунингдек, минтақаларда атроф-мухитни барқарор ривожланиши учун, экологик қонуниятларини уйғунлигини ва кўлланишини тъминлашди.

2007 йил 10-12 октябрда бўлиб ўтган Белград конференциясигача, яна тўртта; 1993 йил 28-30 апрелдаги Люцерн конференцияси (Швецария), 1995 йил 23-25 октябрдаги София конференцияси (Болгария), 1998 йил 23-25 июндаги Орхус конференцияси (Дания), 2003 йил 21—23 майдаги Киев конференцияси (Украина) ўтказилган.

Ўзбекистонда минг йиллик ривожланишининг мақсадлари

2000 йил сентябрь ойида ўтказилган минг йиллик Саммитда бутун дунё раҳбарлари, БМТга аъзо давлатларининг тинчликсевар, гуллаб-яшновчи ва адолатли дунё яратишини акс эттирган БМТнинг минг йиллик Декларациясини қабул килиши.

Бу хужжат халқпарварлик ва давлат бошқарувида инсон ҳукуклари мажбуриятларини кенг доирада таърифлаб беради. Минг йиллик тараққиёт мақсади - қашшоқликни камайтириш ва одамлар яшаш шароитини яхшилаш борасида улкан Дастурдир.

Минг йиллик ривожланиш мақсадларининг мақомини англаш, умумий баҳолашни таъминлашнинг дунё, минтақавий ва миллий миқёсдаги саккизта асосий мақсади ва улар билан боғлиқ вазифалар, мезонлар белгиланди. Бу мақсадларга 2015 йилда етишиш лозим.

Ўзбекистон учун минг йиллик ривожланиш мақсадлари (ЦРТ) кўйидагича тарифланган:

1. Кам тамилнанганикни ва тўлиқ овқатланмасликни қисқартириш;
2. Бошланғич ва ўрта мактабларда ўқиши сифатини ошириш;
3. Аёллар ва эркаклар тенг ҳукуклигини рағбатлантириш, аёллар ҳукуки ва имкониятларини кенгайтириш;
4. Болалар ўлимини камайтириш;
5. Однапар соғлигини яхшилаш;
6. ОИТС, сил ва бошқа касалликларга қарши кураш;
7. Экологик барқарорликни таъминлаш;
8. Ривожланиш мақсадларида, глобал ҳамкорликни шакллантириш.

Ўзбекистоннинг денгизга чиқиши имконияти йўқ, майдонининг 80% чўл ва ярим чўл минтақалардан иборат. Совет тузими даврида, сув манбалари ва заҳарли химикатлардан экстенсив усуслар билан нотўғри ва сифатсиз фойдаланиш (асосан сугориладиган пахта далаларида) Орол денгизининг куриб қолиш оқибатларига сабаб бўлди ва хозирги даврга қадар атроф-мухит ва инсонлар саломатлигига катта хавф солаяпти. Тоза ичимлик суви таъминотидаги қатор ютуқларга қарамай, шаҳар ва қишлоқ жойларда сув манбаларини киши бошига тўғри келадиган улушкини оширишга зарур.

Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва инсоният ривожи учун совет тузумидан мерос қолган экологик муаммоларни ҳал этиш зарур.

Шундан келиб чиқкан ҳолда, 2015 йилгача ҳал қилиш зарур бўлган миллий вазифалар кўйидагилардан иборат:

а) ҳукумат сиёсати ва режаларини, хозирги ва келажак авлод учун атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва ўйқотилган табиий бойликларни тиклаш жараёнини амалга оширишни таъминлаш;

б) шаҳар ва қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик сувдан фойдаланиш имкониятини ошириш.

Ўзбекистон Республикасида «Экологик барқарорликни таъминлаш» минг йиллик тараққиётининг 7-мақсадини амалга оширишда халқаро ташкилотларнинг қўмаги билан кўйидаги хужжатлар:

- Узбекистонда минг йиллик тараққиёт мақсадларининг таърифи;

- 2010 йилгача Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг турмуш фаровонлигини ошириш режаси;

- 2005-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг турмуш тарзини ошириш оралиқ Хужжати ва Стратегиясини, шунингдек аҳоли турмуш шароитини яхшилаш Стратегия лойиҳаси тўлиқ хужжатини тайёрлашга тайёргарлик кўриш учун ҳаракатлар Режасини ишлаб чиқиш;

- «Ўзбекистонда минг йиллик тараққиёт мақсадлари» бўйича биринчи навбатдаги таянч тадқиқотлар лойиҳаси тайёрланди.

15.2. Халқаро Конвенция ва табиатни муҳофаза қилиш масаласи бўйича битимлар

Ўзбекистон БМТ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ОБСЕ) халқаро институтларига ҳамда атроф-мухит муҳофазаси борасидаги 11 та конвенция ва уни ривожлантириш бўйича тегишилди. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш бўйича 12 та халқаро битимни имзолади. Ўзбекистоннинг атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиатдан самарали фойдаланиш, шунингдек ўз мажбуриятларини бажариши тўғрисидаги маълумотлар 79 ва 80-жадвалларда келтирилган.

Юқорида келтирилган конвенцияларга қўшилиш, халқаро молиявий манбалардан фойдаланиш, грант асосида 10 млн. АҚШ долларига яқин ташки молиявий ёрдамни жалб қилиш имконини беради. Халқаро конвенциялар доирасида Ўзбекистон Республикасида халқаро лойиҳаларни амалга оширилиши 81-жадвалда келтирилган.

Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш соҳасида Халқаро ҳукуқий хужжатларни ратификация қилиш ва қўшилиш Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамият олдидаги ўз мажбуриятларининг бажаришнинг муҳим омилидир. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасидаги Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакатга сиёсий ва иқтисодий фойда келтиришдан ташқари, трансчегаравий муаммоларни ҳал этишда халқаро муносабатларни яхшилашда ёрдам беради. Ўзбекистон Республикасининг халқаро экологик конвенцияларда иштирок этиши, бир томондан, мамлакатни умумжаҳон экологик жараёнига қўшилишига, иккинчи томондан, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳукуқлик аъзоси айланиб, ривожланган мамлакатларнинг техник ва молиявий ёрдамини олиш ҳукукига, ишлаб чиқаришга, янги замонавий технологияларни тадбиқ этиш, энергиянинг нонъанавий турларини ривожлантириш имкониятига эга бўлади. Молиявий қўллаб-куватлашлар, конвенция котибиятлари грантларини, Конвенция ва халқаро ташкилотларнинг табиатни муҳофаза қилиш лойиҳаларини, иккисиёклама ва илмий ёрдамни ўз ичига олади. Ўзбекистонда биологик хилма-хилликни сақлаш конвенциянинг ҳаракат Режаси ва Стратегияси, чўлланишга қарши Миллий ҳаракат режаси, Озон қатламини бузувчи моддалардан фойдаланишнинг олдини олиш Миллий режаси ишлаб чиқилган. «21 аср кун тартиби» - Рио Декларацияси дастур хужжати режасини амалга ошириш учун, республикада миллий «21 аср кун тартиби» лойиҳаси ишлаб чиқилди. «Ўзбекистон Рио+10 жараёни» миллий маълумоти ва «21 аср кун тартиби» режаси келажак тараққиётига баҳо берилди.

Ўзбекистонда экологик муммоларини кўп қисми, трансчегаравий характерга эга. Буларга, тоза ичимлик сувини танқислиги, миллиардлаб тонна саноат чиқиндилари, ерларнинг таназзулга учраши, биологик хилма-хилликнинг қисқариши киради. Уларни ҳал этишда, барча қўшни давлатларнинг ҳамкорлиги талаб этилади. Бу масалада Европа Иқтисодий комиссиясининг (БМТ ЕИК) трансчегаравий конвенциялари, шу жумладан, Узоқ масофаларда ҳавонинг трансчегаравий ифлосланиши Конвенцияси, Саноат аварияларининг трансчегаравий таъсири тўғрисидаги Конвенция, Трансчегаравий контекстда атроф-мухитга таъсири баҳолаш тўғрисидаги Конвенция, Трансчегаравий очиқ сув оқимлари ва ҳалқаро кўлларни муҳофаза қилиш ҳамда фойдаланиш бўйича Конвенция ҳамда Ҳалқаро очиқ сув оқимларидан кемалар қатнамайдиган турда фойдаланиш тўғрисидаги Конвенция катта роль ўйнаши керак. Юкорида айтиб ўтилган трансчегаравий конвенцияларга қўшилиш масалаларини ишлаб чиқиша, Ўзбекистон БМТнинг ЕИК билан фаол ҳамкорлик кильмоқда. БМТ ЕИК конвенцияларининг Марказий Осиёни баркарор ривожланишидаги аҳамияти, сўзсиз асосан сув ва энергия манбаларидан фойдаланишда кўринади. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг ўрта қисмida жойлашганлиги сабабдан трансчегаравий муаммолар таъсирига тушмоқда. Бундан ташкари, Ўзбекистон ва Қозоғистон, Ўзбекистон ва Токикистон ўргасида атмосфера ҳавосининг трансчегаравий ифлосланиши манбалари мавжуд. Мамлакат ҳудудига оқиб келаётган дарёлар, саноат корхоналари ташламалари, төғ-саноати, қишлоқ ҳўжалиги, майший ва саноат чиқиндилари ташламалари (Киргизистон ва Токикистон) билан ифлосланган. Шунинг учун трансчегаравий муаммолар барча тегишли томонлар билан ҳал этилиши лозим.

Шундай қилиб, таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасида баркарор ривожланиш ва тараққиётга эришиш йўлида зарурӣ негиз шакллантирилган. Мамлакатда баркарор ривожланаётган демократик жамият куриш ва ушбу жараёнларни ривожлантиришда олға интилиш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Худудлар даражасида экологик ҳавфизиликни таъминлаш мақсадида:

- Марказий Осиё минтақавий экологик ҳавфизилик тизимини шакллантириш;
- минтақадаги давлатлар худудларини атроф-мухитни трансчегаравий ифлосланишдан муҳофаза қилиш тизимини яратиш;
- атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишни бошқаришнинг ягона минтақавий мониторинг тизимини ишлаб чиқиш;
- экологик тоза ва табиий ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этиш;
- чегарага тулаш худудларда саноат чиқиндилари сақлаш омборларини тиклашни амалга ошириш;
- чегарага тулаш минтақаларда, фавқулодда вазиятларни олдиндан огоҳлантирувчи ва уни таъминловчи ахборот тизимини яратиш;

Ҳалқаро Конвенцияларни амалга ошириши ва мумкин бўлган тўсиқлар

Ҳалқаро Конвенцияларнинг ва минг йиллик ривожланиш максади талаблари ва Марказий Осиё минтақасида Ўзбекистоннинг геополитик жойлашу-

видан келиб чиқиб, глобал характердаги трансчегаравий экологик муаммоларни ҳал этиш фавқулодда энг муҳим масала бўлиб бормоқда. Мамлакатни табиий шароити ва миллатни ривожланиши, иқтисодий ҳолати, шу масалага боғлик.

Ҳалқаро конвенцияларда иштирок этиш ва мажбуриятларни қабул қилиш давлат идораларидан (вазирликлар, ташкилотлар, уюшмалар, корхоналар) бор куч-гайратларини сафлаш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикасида конвенцияларнинг бажарилиши учун тезкор ҳаракатларнинг амалга оширилиши зарурати куйидаги омиллардан келиб чиқади:

- дунё миқёсидаги экологик конвенциялар Ўзбекистон Республикаси томонидан тасдиқланди ва унинг қонунчилиги бир бўлгаги ҳисобланади;

- Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро ҳамжамият олдида конвенция мажбуриятларини бажаришни ўз зиммасига олган;

- конвенциялар талабларини бажарилиши, Ўзбекистон баркарор ривожланишига ёрдам беради.

Ўзбекистонда ҳалқаро конвенция мажбуриятларини бажарилишини таъминлаш мақсадида, кўплаб қонунлар, хукумат қарорлари, Президент фармонларини қабул қилинди, институционал ислоҳатлар ўтказилди. Ҳозирда Ўзбекистон Республикасининг атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилиги, табиий ресурслардан фойдаланиши ва ҳўжалик фаолиятининг атроф-мухитга таъсирини бошқарувчи 100 яқин қонунлар ва қарорларни ўз ичига олади.

Аммо кўп ҳолларда ҳалқаро конвенциялар мельёрлари, миллий қонунчиликни бутун тафсилотлари билан бошқаришни талаб этади. Ҳалқаро конвенцияда қайд этилган, бир хил муаммоларнинг синергетик имкониятлари, атроф-мухит муҳофазаси билан боғлик айрим ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда тўлиқ қўлланилмаган. Бошқача айтганда бу тушунча қонунчилик жараёнига киритилмаган. Умумий экологик сиёсатни хукуқий бошқариш нуқтаи назардан олганда, ҳаракатдаги қонунчиликнинг камчилиги ҳисобланади.

Республикада табиий бойликларни тежайдиган ва кам чиқитли(тоза) технологияларни, иқтисодий дастакларни кенг кўллаган ҳолда янги хизмат турларини, тадбиркорликнинг ривожлантиришга йўналтирилган сиёсатни олиб борилишига асосий эътибор қаратилмоқда. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш масалалари макроиктисодий жараённинг ташкилий қисми ҳисобланади.

Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишлари 1999-2005 йилларда атроф-мухитни муҳофаза қилиш ҳаракатлар Дастири (ПДООС) лойиҳасида ёритилган ва Миллий атроф-мухитни муҳофаза қилиш ҳаракатлар Дастири (НПДООС, 1998) асосида ишлаб чиқилган. Ушбу Дастиурниг асосий мақсади мамлакатнинг баркарор ривожланишга йўлига ўтиш бошланғич даврида, табиатни муҳофаза қилиш стратегияси ва сиёсатини ишлаб чиқишдан иборат бўлди.

Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ҳаракатлар Дастиурда белгиланган уствор экологик йўналишлар куйидагилар;

- аҳоли яшashi учун кулай шарт-шароит яратиш;

- барқарор ривожланиш учун табиий бойликлардан самарали фойдаланиш;
- халқаро ҳамкорлик доирасини кенгайтириш.

Ушбу Дастур, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан 1999 йил 11 нояброда тасдиқлаган «Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 октябрдаги 469-сонли қарори бажарилиши таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаси»га мувофиқ бажарилди. Тадбирларнинг бажарилиши натижасида заҳарли газларнинг атмосферага ташланиши 2,1 минг тоннага, этили бензин ишлаб чиқариш хисаси 14,1%га (20% кўзда тутилган) қисқарди. Юк ва енгил автомобиллар учун газ балонли ускуналари ясалиб, синовдан ўтказилди, 75% дан ортиқ ишдан чиккан симобли лампалар қайта ишланди.

Иқтисодий ўсишнинг истиқболлари ва аҳоли яшаш даражасининг ошиши, атроф-мухитни ва табиий ресурсларни барқарор бошқариш соҳасида эришилган ютукларга узвий боғлиқ. Шунинг учун, табиятдан тўғри фойдаланиш, мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришда, марказий ўринни эгаллаши лозим.

Глобал миқёсдаги конвенциялар миллий дараҷада атроф-мухитни муҳофаза қилишнинг ягона ва бўйлнимдиган ёндошувни ишлатиш имконини берувчи умумий низомлар, синергетик имкониятлардан иборат ўзига хос талаб ва томонларнинг мажбуриятларига эга. Конвенцияларда кўп соҳа муассасалари манфаатларининг кесишган жойлари бўлиб, улар ушбу конвенцияларни бажариш учун умумий хараткларини белгилашлари ҳамкорлик қилишлари мумкин. Булар қисман қўйидагилардан иборат:

- Рио конвенцияларига биноан, атроф-мухит муҳофазаси соҳасидаги сиёsat ва ҳукуқий чегараларни ўрнатиш;

- миллий режани тузиш жараёнида атроф-мухитни муҳофаза қилиш минтақавий ва маҳаллий даражадаги масалаларини ўйғунлаштириш;

- атроф-мухит мониторинги ва маълумотларни бошқариш;

- атроф-мухитни бошқариш учун ҳукуқий ва молиявий рағбатлантириш;

- атроф-мухит муҳофазаси соҳасидаги тушунчаларни ва шахсий масъулиятни ошириш;

- атроф муҳит муҳофазаси соҳасида билимларни ошириш, шу жумладан қарорларни қабул қилувчи шахслар ва шахсий сектордаги фуқароларни ўқитиш;

- технологияларни бериш ва халқаро ҳамкорлик.

Халқаро конвенциялар мажбуриятларини бажаридаги асосий тўсиклар:

1. Табиятни муҳофаза қилиш ва коммерция мақсадларига эришишда турли устуворликлар;

2. Табиятни муҳофаза қилиш муассасаларининг, вазирлик, жамоат идоралари бўйимлари рейтингни пастлиги;

3. Юқори стандартларнинг белгиланишида коммерция тузилмалари ва иқтисодиётнинг алдоҳида соҳалари манфаатдор эмасликлари;

4. Конвенция мажбуриятларини бажаришини таъминловчи қонуний ва иқтисодий механизм конунларининг мукаммал эмаслиги;

5. Конвенция котибиятлари ўзаро ҳамкорлигининг паст даражада эканлиги, ҳаракатларининг тарқоклиги ва уларнинг турли муассасаларга бўйсуниши;

6. Нархларнинг юқорилиги, потенциал истеъмолчиликларнинг харид имкониятларининг пастлиги, экологик тоза технологияларни харид қилиниш учун молиявий маблағларнинг чекланганлиги;

7. Ўрта, маҳсус таълим ва олий ўқув муассасаларида укув дастурларининг савияси етарли дараҷада эмаслиги ва олий ўқув юртлари, илмий марказлар, институтларда илмий тадқиқотларнинг етарли ўтказилмаслиги;

8. Жамоат секторининг бўшлиги ва аҳоли хабардорлик даражасининг пастлиги.

15.3. Халқаро экологик лойиҳалар

Ўзбекистон Республикаси Табиятни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, халқаро ташкилотлари молиявий ёрдамида молиялаштирилаётган дастур ва лойиҳаларни (грант) мувофиқлаштиради.

Давлат табият муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан мувофиқлаштирилган Ўзбекистон Республикасининг табиятни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро лойиҳаларни амалга ошириш хисобига кўйидаги натижаларга эришилди:

- Ўзбекистон Республикасининг биологик рангбаранглигини сақлаш миллий ҳаракат лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Хукумат томонидан маъқулланди;

- Ўзбекистон Республикасининг атроф-мухитини муҳофаза қилиш миллий ҳаракат режаси ишлаб чиқилди;

- Атроф-мухитни муҳофаза қилиш худудий режаси ишлаб чиқилди;

- озон қатламини емирувчи моддаларни алмаштиришни бошқариш бўйича миллий озон официални ишлаб чиқиш, озон қатламини емирувчи моддаларни қўллаш секторларида улар фойдаланиш тренинги, мониторинги ва жамоатчиликни хабардор қилиш ишларини бажариб, бу борада Монреаль баёнотига Монреаль ва Пекин тузатишларини ратификация қилиш бўйича ҳужжатлар тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига кўриб чиқиши учун топширилди.

- «Озон қатламини бузувчи моддалар бўйича Монреаль протоколига киритилган тузатишларни ратификация қилиш тўғрисида (Монреаль 17.09.1997 йил)»ги ва «Озон қатламини бузувчи моддалар бўйича Монреаль протоколига киритилган тузатишларни ратификация қилиш тўғрисида (Пекин, 03.12.1999 йил)»ги Қонунлар 2006 йил 20 июняда Олий Мажлис Қонунчилик Палатасида томонидан қабул қилинди, 2006 йил 26 августда Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланди ва 2006 йил 7 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди.

- Совутиш ускуналари ва кондиционер ўрнатувчилар мутахассислар, шунингдек божхона ходимлари ва инспекторлар ўқитилди. Озон қатламини бузувчи моддалар ва таркибида шундай моддалар бўлган маҳсулотларнинг импорт/экспорт ҳисоботи электрон маълумотлар базаси яратилди.

«Гарбий Тянь-Шань» трансчегаравий биосфера резервати биохилма-хиллигини сақлаб қолиш борасида муайян ишлар бажарилди. Миллий ва маҳаллий даражада кўриқона ходимларини билим ва имкониятларини ошириш бўйича семинарлар, тренинглар, ўқитиш курслари ўтказилди. Жамоатни табият ранг-

баранглигини сақлаш ишига жалб этиш ва ахолининг хабардорлигини ошириш мақсадида, Уғам-Чотқол миллӣй бοғи ҳудуди ва унга яқини аҳоли вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Паркент тумани ўрта мактаб ўқувчилари ўртасида «Атроф мухит билан сухбат» мавзуида иншо ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мавзудаги нашриёт маҳсулотлари конкурслари ўтказилди, китоблар ва бюллитенлар, мақолалар нашр этилди.

Нурота тоғ тизмалари ва Қизилкүм чўлларига туаш ҳудудлардаги биологик хилма-хилликни, ландшафтларни ва бутун жаҳон аҳамиятига эга бўлган маданий бойликларни сақлаш, шунингдек Ўзбекистондаги қўриклиданётган ҳудудларни янги кўринишларини яратиш ишлари олиб борилмоқда.

Каструба (Қорақалпоғистон) посёлкасида телевизорлар, радиоприёмниклар ва ёритиш чироклари билан жихозланган 15 та қўёш панеллари ва Қораузак (Қорақалпоғистон) туманида чорва молларини сув билан таъминлаш учун сув насослари билан жихозланган 10 та қўёш панеллари ўрнатилди.

Биологик хилма-хилликни сақлаш юзасидан учинчи Миллӣй маъруза котибиятга жўнатилди, шунингдек Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенция веб-сайтига жойлаштирилди.

БМТ Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенцияси доирасида республиканинг ўз мажбуриятларини бажаришини такомиллаштириш борасида Биологик хилма-хилликни сақлаш Миллӣй стратегияси ва Харакатлар режаси ва улар билан боғлиқ уствор масалаларни амалга оширилишига халақит бераетган омилларни таҳлил этган ҳолда ишлар амалга оширилди.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳаси сиёсатини ташкил этиш, мувофиқлаштириш, амалга ошириш, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси имкониятларини мустахкамлашга ҳамда БМТД томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига Экология ва Энергия соҳасидаги харакат лойиҳасини амалга ошириш мам-


лакат Дастури доирасида кўшимча хизматлар кўрсатиш бўйича ёрдам берилди. Жиззах вилояти мониторинг Марказига ва Бухоро вилояти Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси кошидаги «Жайрон» Экомарказига иккى турдаги электр энергияси ва сув иситиш учун қуёш коллекторлари сотиб олиниб ўрнатилди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва энергетика соҳасида қарор қабул килувчи шахслар учун атроф-муҳит ва энергетика масалалари бўйича нашриёт маҳсулотлари бошлангич нашри учун ёрдам қилинди.

Ўзбекистонда атроф-муҳитнинг ҳолати тўғрисидаги даврий ҳисоботларни сифатли тайёрлаш, атроф-муҳитни ҳолатини яхшилаш ва таббий ресурслардан самарали фойдаланишини бошқариш юзасидан қарорлар қабул қилиш учун, Географик маълумот тизимининг ажралмас қисми бўлган, юқори сифатли экологик тизим ишлаб чиқилди. Веб-сайт ва алоҳида режимда ишловчи экологик маълумотларидан ҳамкорликда фойдаланиш ва изланиш учун, Метаэкологик ахбороти (БМД) ишлаб чиқилди. Ўзбекистонда атроф-муҳити ҳолати бўллетени ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрланди ва нашр этилди.

Муҳофаза этиладиган ҳудудларда биологик хилма-хилликни сақлаб колиш ва бошқаришнинг янги услубларини намойиш этган ҳолда глобал аҳамиятга эга бўлган Қорақалпоғистон Республикасининг Жанубий Орол бўйи табиати ранг-баранглигини сақлаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Келажакда биосфера резерватининг чегараларини, функционал зоналарини аниқлаш, шунингдек ушбу ишлар асосида ҳарита ҳужжатлари ГИС-форматида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг мувофиқлаштируви асосида Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги дастурлари ва лойиҳалари бўйича ҳалқаро молиявий ташкилотлар маблағларининг фойдаланиш динамикаси 145-расмда келтирилган.

145-расм. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги дастурлар ва лойиҳалар (грантлар) бўйича ҳалқаро молиявий ташкилотлар маблағларидан фойдаланиш динамикаси



79-жадвал. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда Ўзбекистоннинг иштироқи

| Конвенция номи | Мақоми | | | Олинган мажбуриятлар доирасидаги тадбирларнинг бажарилиши |
|--|------------|--------------|---------|---|
| | Имзо-ланди | Ратифи-кация | Қўшилди | |
| 1. Икlim ўзгариши бўйича Доиравий конвенция (Ижрочи агентлик - Узгидромет) | | | 1993 | 1997 йил – икlim тизимига антропоген таъсирни инвентаризация қилиш, икlim ўзгаришини ба-шорат қилиш, буғхона газлари миллий кадастри; 1999 йил – «Ўзбекистон – икlim ўзгариши бўйича мамлакатни ўрганиш» биринчи миллий ахбороти; Буғхона газлари эмиссиясини камайтириш бўйича ҳаракатлар миллий режаси; 2004-2005 йиллар – иккинчи миллий ахборотни тайёрлаш. 2007 йил – Киото протоколи Мусаффо ривожланиш механизми доирасида инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва бажариш тартиби тўғрисидаги Низом ишлаб чиқилди ва имзоланди, шунингдек Киото протоколи Мусаффо ривожланиш механизми бўйича Идоралараро кенгаш тузилиб, унинг Котибияти ташкил қилинди. |
| Киото протоколи (ижрочи агент -Ўзгидромет) | 1998 | 1999 | | |
| 2. Озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича Вена конвенцияси | | | 1993 | 2000 йил – Озон қатламини бузувчи моддаларни (ОҚБМ) алмаштириш миллий дастури, Вена конвенцияси ва Монреал протоколи томонлари бўлмаганлар билан савдони тақиқлаш, таркибида ОҚБМ бўлган маҳсулотларни лицензиялассириш тизимини киритиш, ОҚБМ ва таркибида ОҚБМ бўлган маҳсулотларни импорт ва экспортини бошқариш. |
| Озон қатламларини бузувчи моддалар бўйича Монреал протоколи | | | 1993 | |
| Монреал протоколига Лондон ва Копенгаген тузатишлари | | 1998 | | 2001 йил – Миллий офис ташкил қилиш асосида миллий дастурни амалга оширишни бошланниши ГЭФ моддий ёрдами ва беғараз грантлар кўринишида 3.5 млн. АҚШ доллари миқдорида ЮНЕП, БМТРД техник ёрдамида тўртта лойиҳани амалга оширилиши |
| Монреал протоколига Монреаль ва Пекин тузатишлари | | 2006 | | 2002 йил – мана шу маблағдан 2 миллион 936 АҚШ доллари миқдорида амалга оширилди, шу жумладан: - ускуналар, эҳтиёт қисмлар олишга ва ХФУ-12 хладогенини (дихлорлифторметан) республикага олиб кирилишини қисқартириш мақсадида уларни чиқарип олиш ва рециркуляция қилиш бўйича ишларни ташкил этиш, музлатиш ускуналарини таъмирлаш ва созлаш ишлари билан шугулланувчи 500 та мутахассис-техникларни ўқитиш учун; - озон қатламини бузувчи моддаларни (ОҚБМ) алмаштиришни бошқариш бўйича офис ташкил этилиши ва фаолият олиб бориши ҳамда ускуналар сотиб олишга; - божхона хизматчилари малакасини ошириш биринчи ва иккинчи боскичларини ўтказиш ва озонни бузувчи моддаларни ҳамда таркибида улар бўлган маҳсулотларни олиб чиқиш ва олиб киришни назорат қилиш мақсадида ускуналар олиш учун; - музлатгич соҳасида ўқитувчилар малакасини ошириш биринчи ва иккинчи қисмини ўтказиш ҳамда ўкув ускуналарини олиш учун; |

| Конвенция номи | Мақоми | | | Олинган мажбуриятлар доирасидаги тадбирларнинг бажарилиши |
|----------------|------------|--------------|---------|--|
| | Имзо-ланди | Ратифи-кация | Қўшилди | |
| | | | | <p>- ОҚБМдан фойдаланишни тўхтатиш мақсадида «Сино» ОАЖ майший музлатгичларини термоизоляция қилиш ва тўлдириш учун ускуналар сотиб олишга.</p> <p>Озон қатламини бузувчи моддалар бўйича Монреал протоколида Ўзбекистон Республикасининг иштирок этиши рухсат этилган ОҚБМлар билан мамлакатлар – Протокол томонлари билан эркин савдо қилиш хукукини беради. Муқобил озонга хавфи йўқ моддалар ва технологиялардан эркин фойдаланиш имконини беради.</p> <p>2003 йилда қўйидаги ишлар олиб борилди:</p> <ul style="list-style-type: none"> - июль ойида «Сино» майший музлатгичлари ишлаб чиқариш заводини реконструкция қилиш якунланди ва озонга хавфи йўқ технологиядан фойдаланиш билан замонавий музлатгичлар ишлаб чиқариш бошланди; ноябрь ойида «Сино» ОАЖ янги ускуналар билан ишлаши мониторинг ўтказилди; - Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Фан ва технологиялар маркази билан биргаликда молиялаштиришлари асосида умумий ҳажми 8696 АҚШ долларини ташкил этувчи «Озонга хавфи бор фреон – 12 ни майший ва кичик музлатиш қурилмаларида озонга хавфи йўқ бўлган пропан-бутанли аралашма музлатиш агентига алмаштириш технологиясини тажриба-ишлаб чиқариш ўзлаштиришга тайёргарлик» мавзуси бажарилди. - Ташки ишлар вазирлиги билан биргаликда йилнинг ҳар чорагида Вена конвенцияси ва Монреал протоколи томонлари бўлмаган давлатлар рўйхати тартибига киритилган ўзгаришлар тўғрисида хабар бериб борилди; - ОҚБМ ва улар таркибида бўлган маҳсулотларни импорт ва экспорти тўғрисида маълумотлар тўплаш, ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш; - ЮНЕП котибиятига «Озон бўйича» хисоботлар тақдим этиш мақсадида ХФУ ва ГХФУ чиқариш оолиш ва рециркуляция қилиш ҳажмлари бўйича маълумотлар доимий мониторинги ўтказилди; - Давлат божхона қўмитаси ва хукукни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда ОҚБМ олиб киришни назорат қилиш бўйича ишлар бажарилди. Ноқонуний олиб кирилган ХФУ-12 ни йўқ қилишга тайёргарлик олиб борилди; Давлат божхона қўмитасига ОҚБМни аниқлаш учун ускуналар берилди, уларни республика 17 та божхона постларига тақсимланди; божхона хизматчиларини ўқитиш дастлабки графиги тушиб чиқилди; - тренинг ва жамоатчиликни хабардорлиги бўйича ОАВда (телевидение, радио, газета), лекциялар орқали ўтказилди; болалар шоири Р. Фарходийнинг «Бизнинг озон зонтимиз» номли китоби нашр этилди ва тарқатилди; Фарходийнинг озон қатламини муҳофаза қилиш ва экологик муаммолар мавзусидаги «Рустик – ўзга сайёралик» |

| Конвенция номи | Мақоми | | | Олинган мажбуриятлар доирасидаги тадбирларнинг бажарилиши |
|----------------|------------|--------------|---------|--|
| | Имзо-ланди | Ратифи-кация | Қўшилди | |
| | | | | <p>болалар спектакли постановкаси амалга оширилди. Иккита «Хладогенларни чиқариб олиш ва рециркуляция қилиш бўйича миллий дастур» ва «Сино» ОАЖда ХФУдан фойдаланишни тўхтатиши» лойихалари якунланди. Ушбу лойихалар OEM йиллик истеъмолини 95 тоннага қисқартириш ва экспортга мўлжалланган маҳсулот – майший музлаткичлар янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имконини берди. 2000 йил давомида:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ноқонуний олиб кирилган 328,54 килограмм ХФУ-12 ни ўйқотиш амалга оширилди; Монреал протоколи талабларига биноан йўқ қилиш бўйича хисобот тайёрланди; - Монреал протоколи, Монреал ва Пекин тузатишларини ратификация қилиш масалаларини эксперт ишлаб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти аппаратига киритилган; - OEM ва улар таркибида бўлган маҳсулотларни олиб кириш ҳамда олиб чиқишни лицензиялаштириш, Монреал прротоколи С ва Е қўшимчалари СРВ ларга квоталар белгилаш тизимини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори лойихаси тайёрланди ва манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан келишилди; - Музлатгичлар соҳаси мутахассисларини ва божхона хизматчилигини ўқитиш II боскичи дастурини якунлашучун ўқув дастурлари ва қўлланмалари тайёрланди. Ўқув материалини ўзбек тилига таржима қилиш амалга оширилмоқда; - Тренинг ва жамоатчиликни ОАВ (телевидение, радио, газета) лекциялар орқали хабардорликлари бўйича фаолият давом эттирилди; Озон қатламини муҳофаза қилиш ҳалкаро кунига бағишинган йиғилиш ўтказилди, керакли босма материаллар, совға маҳсулотлари, рус ва ўзбек тилларида мультфильмлар тайёрланди ва чиқарилди. - «Хладагентларни чиқариб олиш ва рециркуляция қилиш бўйича Миллий дастур» ва «Сино» ОТАЖда ХФУдан фойдаланишни тўхтатиши» икки лойихаси тугалланди. Мазкур лойихалар ОҚБМ истеъмолини ҳар йили 95 тоннага қисқартириш ва экспортга мўлжалланган маҳсулот – янги турдаги майший совутгичларни ишлаб чиқариш имконини берди. <p>Ноқонуний олиб кирилган 328,54 кг ХФУ-12 ўйқотилди; Монреаль протоколи қарорлари талабларига мувофик йўқотиш бўйича хисобот тузилди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Монреаль протоколига Монреаль ва Пекин тузатишлари ратификация этилди, Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунлари қабул килинди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ОҚБМни ва таркибида бўлган</p> |

| Конвенция номи | Мақоми | | | Олинган мажбуриятлар доирасидаги тадбирларнинг бажарилиши |
|--|------------|--------------|----------|--|
| | Имзо-ланди | Ратифи-кация | Құ-шилди | |
| | | | | <p>махсулотларни олиб кириш ва олиб чиқишин лицензиялаш тизимини такомиллаштириш, Монреаль протоколи С ва Е иловаларини меъёрлаштириш бўйича қарори қабул қилинди;</p> <ul style="list-style-type: none"> - совутгичлар соҳаси мутахассислари ва божхона хизматчиларини ўқитишнинг 2-босқичи дастурининг тугалланиши учун ўқув дастурлари ва кўлланмалари тайёрланди; - жами божхона хизматининг 331 ва совутгичларнинг 854 мутахассиси ўқитилди; |
| 3. Чўлланиш ва курғоқчилик билан курашиш бўйича конвенция (ижрочи агентлик - Ўзгидромет) | 1994 | 1995 | | <p>2000 йил – чўлга айланиш билан курашиш бўйича миллий дастур.</p> <p>2004 йил – «Ўзбекистон Республикасида қуриб қолган Орол денгизи ўзанида ва Қизилкум чўлида экосистеманинг барқарорлигига эришиш» кенг микёсли ГЭФ лойиҳаси бўйича лойиҳа таклифларини тайёрлаш.</p> <p>2005 йил – юкорида кўрсатилган лойиҳа бўйича ГЭФга тақдим этиш учун лойиҳа таклифларини тайёрлашни тутатилиши.</p> <p>2006 - ОТБ/ГЭФ ва бошқа донорларнинг Ер ресурсларини бошқариш бўйича Марказий Осиё мамлакатлари ташабbusи кенг микёсли минтақавий лойиҳасини амалга оширишнинг бошланиши.</p> |
| 4. Биохилма-хилликни сақлаб қолиш бўйича конвенция (ижрочи агентлик Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси) | | | 1995 | <p>1998 йил – Биохилма-хилликни сақлаб қолиш бўйича миллий стратегия ва ҳаракатлар режаси ҳамда уни 2005 йилгача амалга ошириш бўйича тадбирлар режаси;</p> <p>2000-2006 йиллар – Фарбий Тянь-Шань биохилма-хилликни сақлаб қолиш бўйича ГЭБ/Жаҳон банки трансчегара лойиҳаси асосида ҳаракатлар режасини амалга ошириш.</p> <p>2000-2006 йиллар – «Фарбий Тянь-Шань биохилма-хилликни сақлаб қолиш бўйича трансчегара лойиҳа»сини амалга ошириш. Лойиҳа маблағлари Чотқол биосфера қўриқхонаси ва Угам-Чотқол миллий бояни инфратузилмасини яхшилашга йўналтирилди. Бундан ташқари минтақавий миқёсда (Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон) биоминтақавий режани тузиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.</p> <p>2001 йил – биохилма-хилликни сақлаб қолиш бўйича ТАСИС бошланғич-синов давлатлараро лойиҳаси.</p> <p>2001-2006 йиллар – «Ўзбекистонда биохилма-хилликни сақлаб қолиш учун модел сифатида Нурота-Қизилкум биосфера қўриқхонасини ташкил этиш» ГЭФ/БМТТД лойиҳаси.</p> <p>2001-2005 йиллар – «Атроф-мухит бўйича БМТТД ва Ўзбекистон ҳукумати дастурлари»ни амалга ошириш. Дастурнинг кенг қамраб олувчи мақсади қуидагилар хисобланади:</p> |

| Конвенция номи | Мақоми | | | Олинган мажбуриятлар доирасидаги тадбирларнинг бажарилиши |
|---|------------|--------------|---------|---|
| | Имзо-ланди | Ратифи-кация | Қўшилди | |
| | | | | <p>Ўзбекистонда атроф-мухитни муҳофаза қилиш самарасини ошириш ва Ўзбекистон кўшилган ёки кўшилиши мумкин бўлган атроф-мухит соҳасидаги халқаро конвенциялар ва битимлар бўйича мажбуриятларини бажаришда ёрдам кўрсатиш йўли билан баркарор ривожланишини таъминлаш;</p> <p>2002-2003 йиллар – «Ўзбекистон жанубий Орол бўйларида тўқай ўрмонларини сақлаб қолиши» лойиҳасини амалга ошириш;</p> <p>2003 йил – «Ўзбекистонда Кўйтганга тоғлари биохилма-хилликни сақлаб қолиши» пилот лойиҳасини амалга ошириш;</p> <p>2004-2005 йиллар – Фарбий Тянь-Шань биохилма-хилликни сақлаб қолиш бўйича ТАСИС давлатлар аро лойиҳасини амалга ошириш;</p> <p>2004-2005 йиллар – «Атроф-мухит соҳасидаги конвенцияларни бажариш бўйича мамлакат имкониятларини миллий ўзини баҳолаш» лойиҳасини амалга ошириш;</p> <p>2005 йилда лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиши бошлашга Глобал Экологик Фонднинг (молијалаштирувчи ташкилот) маъқуллов жавоби олинди: «биохилма-хиллик ва ахборот олиш ҳамда тарқатиш механизми тузилишини яратиш бўйича харакатлар режасини амалга ошириш учун миллий имкониятларни ривожлантиришда муҳим эҳтиёжларни баҳолаш».</p> <p>2006 йилда З-миллий ҳисоботни тайёрлаш учун ГЭФ гранти олинди.</p> <p>2006 йил – биохавфсизлик Картахен протоколини имзолаш учун такорий, Фанлар Академияси билан биргаликда (зоология институти) асосларни тайёрлаш бошланди.</p> <p>2007-2008 йиллар - БМТД/ГЭФга Ўзбекистон Республикасида биохилма-хилликни сақлаб қолиш бўйича 4-миллий маърузани тайёрлаш бўйича ариза жўнатилди.</p> <p>2008 йил март-май ойларида - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Конвенция тарафлари 9-конференциясининг вазирлар учрашувида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг иштироки бўйича таклиф жўнатилди. Мазкур учрашув бўйича тегишли материаллар тайёрланмоқда.</p> |
| 5. Хавфли чиқиндиларни трансчегаравий олиб чиқиш ва уларни йўқотишини назорат қилиш бўйича Базель конвенцияси | | | 1995 | <p>1999 йил – 1997 йилда чиқиндиларни ишлаб чиқариш, тўплаш, зарарсизлантириш ва олиб чиқиш тўгрисида миллий ҳисобот;</p> <p>2000 йил – 1998 йил бўйича миллий ҳисобот;</p> <p>2001 йил – 1999 йил бўйича ҳисобот;</p> <p>2002 йил – «Чиқиндилар тўгрисида»ги қонун;</p> <p>2001-2005 йил – «Тоза ишлаб чиқаришни татбиқ этиш ва Ўзбекистонда баркарор тоза ишлаб чиқариш дастурини ишлаб чиқиш» лойиҳаси;</p> <p>2004-2005 йиллар – Ўзбекистон Республикасида чиқиндиларни бошқариш бўйича миллий стратегия ва харакатлар режасини ишлаб чиқиш.</p> |

| Конвенция номи | Мақоми | | | Олингган мажбуриятлар доирасидаги тадбирларнинг бажарилиши |
|--|------------|--------------|----------|--|
| | Имзо-ланди | Ратифи-кация | Құ-шилди | |
| 6. Йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ёввойи фауна ва флора турлари билан ҳалқаро савдо қилиш тўғрисидаги конвенция | | | 1997 | <p>1998-2004 йиллар – Қўриқланадиган турларни олиб чиқиш ва олиб киришга рухсат бериш тизимини киритиш, савдо операцияларини лицензиялаштириш, популяциясини доимий тадқиқот қилиб бориш;</p> <p>Давлат бионазорати божхона органлари билан биргаликда СИТЕС талабларига биноан ҳайвонлар ва ўсимликлар олиб кириш ва олиб чиқишини доимий назорат қилиб боради.</p> <p>СИТЕС конвенцияси мажбуриятларини бажариш доирасида маъмурий орган сифатида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қошибидаги Давлат бионазорати этиб тайинланди.</p> <p>Ўзбекистон Фанлар Академияси зоология Институти ва ботаника Институтлари илмий органлар этиб тайинланди. СИТЕС маъмурий органининг асосий вазифаси конвенция 1,2,3 кўшимчаларига киритилган турларни давлат чегарасидан олиб ўтишга рухсатномалар бериш ҳисобланади; квоталардан тўғри фойдаланиш ва жонли намуналарни ташиш қоидаларининг амалга оширилишини назорат қилиш;</p> <p>Илмий органлар (Ўзбекистон Республикаси ФА зоология ва ботаника Институтлари) вазифасига квоталар бериш, экспорт ва импортга буюртма тайёрлашда ҳамда ҳайвонлар жонли намуналарини ва ўсимликларни аниқлашда илмий хуносалар, тавсиялар ва асослар тайёрлаш киради. Бозорда талаб катта бўлган баъзи кушлар турларини ҳалқалаш учун конвенция Котибияти тасдиқланди, намуналар бўйича маҳсус ажралмас рақамли ҳалқалар тайёрланди.</p> <p>2008 йил 18 марта БАА ва Ўзбекистон Республикаси хукуматлари ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш хақида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум имзоланди. Унда мазкур Конвенция моддаларини бажариш бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шунингдек ноёб ва йўқолиш хавфи остида бўлган ёввойи ҳайвон турларини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилган.</p> |
| 7. Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини муҳофаза қилиш бўйича конвенция | | | 1998 | <p>Кўчиб юрувчи кушларнинг икки турлари бўйича келишув имзоланди: сибир турнаси ва ингичка тумшукли кроншинеп.</p> <p>2002 йилда «Бухоро буғусини саклаб қолиш ва тиклаш масалалари бўйича Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон ўртасида ҳамфирлик тўғрисида меморандум» имзоланди.</p> <p>Хозирги кунда Нидерландия Бутун жаҳон Ёввойи табиат Фонди (WWF) молиялаштиришлиши асосида 2000-2007 йиллар даврида Бухоро буғусини саклаб қолиш ва тиклаш бўйича лойиҳани амалга ошириб бормоқда; Давлатлараро мувофиқлаштириш асосида ва ҳалқаро донорлар молиявий ёрдамида «Оккуйруқ ва Бетпакдала, Устюрт платосида ва Шимолий Каспий бўйида</p> |

| Конвенция номи | Мақоми | | | Олинган мажбуриятлар доирасидаги тадбирларнинг бажарилиши |
|---|------------|--------------|---------|---|
| | Имзо-ланди | Ратифи-кация | Қўшилди | |
| | | | | <p>(сайгак) оқкуйруқ кўчиб юриш йўллари, қишлиш ва ёзни ўтказишда яшаш жойларини сақлаб қолиши давлатларо лойиҳасини (Ўзбекистон, Қозогистон, Туркманистон) амалга оширилмоқда. Тўртта орнитологик қўриқоналар ташкил этилди: Тузкон кўли (Айдар-Арнасой кўллар тизими, Жиззах вилояти); Денгизкўл ва Коракаир (Бухоро вилояти); Акушпа (Қорақалпогистон Республикасидаги Судочий кўллар тизими). Бу буюртмахоналарда ов қилиш бутун йил давомида тақиқланган. Бундан ташқари сувда уя курадиган ва кўчиб юрадиган жойларни муҳофаза қилиш мақсадларида Самарқанд, Қашқадарё ва Навоий вилоятлари чўлли худудларида битта қўриқона ташкил этилди. Кўчиб юрувчи сайгак (оқкуйруқ) подаларини муҳофаза қилиш мақсадида Устурт платосида битта буюртмахона ташкил этилди. Шундай килиб, буюртмахоналар худудларида яшовчи сувда сузуви ва бошқа кушлар ҳамда хайвонлар учун кўчиб юришлари, кўпайишлари ва қишлишлари даврларига мўлжалланган шароитлар яратилди.</p> <p>2003-2007 йиллар – Марказий Осиёнинг бешта мамлакатлари экологик тармоғи ривожланиши схемасини тайёрлаш бўйича лойиҳани амалга ошириш.</p> <p>2003 йилда Афро-Евро Осиё кўчиб юрувчи сувботқоқ кушларини муҳофаза қилиш бўйича битим имзоланди (AEWA) Ўзбекистон вакиллари «Марказий Осиё учуб ўтиш йўлларида сувда сузуви кушларни ва сув-ботқоқ жойларини муҳофаза қилиш бўйича стратегияни ишлаб чиқиши» лойиҳасини бажаришда иштирок этди.</p> <p>2006 йилда Ўзбекистон Республикаси томонидан «Оқкуйрукни сақлаб қолиши, тиклаш ва барқарор фойдаланиш бўйича ўзаро ҳамжиҳатлик Меморандуми ва Ҳаракатлар режаси» (Қозогистон, Ўзбекистон, Туркманистон, Россия, Монголия) имзоланди.</p> <p>Хозирги пайтда «Оқкуйрукни муҳофаза қилиш, тиклаш ва фойдаланиш бўйича Қозогистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматлари ўртасидаги Битим лойиҳаси» Вазирлар Махкамасига кўриб чиқиш учун киритилди, шу билан бир вактда мазкур Битимнинг давлат тилидаги таржимаси тайёрланмоқда.</p> |
| 8. Асосан сувда сузуви кушлар яшаш жойлари сифатида халқаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқ жойлари рўйхатига киритилиши. | | | 2001 | <p>2001 йил – Денгизкўл кўлини халқаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқ жойлари рўйхатига киритилиши.</p> <p>2003 йил – 4 йилга мўлжалланган «Ўзбекистонда сувли жойларда биохилма-хиллик ресурсларини сақлаб қолиши ва барқарор фойдаланишга янги ёндошишларни намойиш этиш» лойиҳаси таклифи тайёрланди ва Глобал экологик фонд номига юборилди.</p> |

| Конвенция номи | Мақоми | | | Олинган мажбуриятлар доирасидаги тадбирларнинг бажарилиши |
|--|------------|--------------|----------|---|
| | Имзо-ланди | Ратифи-кация | Құ-шилди | |
| | | | | <p>2003 йил – Ёввойи табиатни муҳофаза қилиш халқаро фонді (WWF) билан ҳамкорликда халқаро банк маблағлари хисобига Қоракалпогистон Республикасидаги Судочье күли биохилмашилликни муҳофаза қилиш ва мониторинги бўйича лойиха амалга оширилди. Бунинг натижасида Судочье кўлини халқаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқ жойлар рўйхатига киритиш учун асослар тайёрланди.</p> <p>Айдар-Арнасой кўллар тизимини Рамсар сув-ботқоқлик ерлари рўйхатига киритиш бўйича ишлар бошланди.</p> |
| 9. Бутунжаҳон ва маданий меросларни муҳофаза қилиш тўғрисида конвенция (ижрои агентлик – Маданият ва спорт вазирлиги) | | | 1995 | <p>Ёввойи табиатни муҳофаза қилиш Бутунжаҳон Фонди билан биргаликда 2001 йилда Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритиш учун Чотқол биосфера кўриқхонаси номинацияси тайёрланди.</p> <p>2007 йилда Фарбий Тянь-Шань трансчегаравий биосфера резерватини Жаҳон мероси рўйхатига киритиш бўйича номзодликни тайёрлаш бошланган.</p> |
| 10. Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича конвенция (Хельсинки, 17.03.1992 й.) | | | 2007 | <p>Конвенция Ўзбекистон Республикасида 2007 йил 3 декабрда кучга кирди.</p> <p>Ҳозирги пайтда мазкур Конвенция моддаларини бажариш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. Ҳусусан, 2008 йил 11-12 марта Тошкент шаҳрида «Орол муаммолари: уларнинг аҳоли генофонди, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига таъсири ҳамда улар оқибатларини юмшатиш бўйича халқаро ҳамкорлик қилиш чора-тадбирлари» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унинг асосий мақсадларидан бири Марказий Осиё минтақасининг трансчегаравий сув оқимларини тартибга солиш ва фойдаланиш бўлди. Жорий йилда халқаро экспертларнинг Амударё ҳавзасининг экологик ҳолатини ўрганиш бўйича миссияси ташрифи кутилмоқда.</p> |
| 11. Кемасиз турларнинг халқаро сув оқимларидан фойдаланиш хуқуки ҳакида Конвенция (Нью-Йорк, 21.05.1997 й.) | | | 2007 | Ўзбекистон Республикаси томонидан мазкур Конвенция бўйича мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ масалаларни ишлаб чиқиш бошланди. |

80-жадвал. Истиқболда Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланиши мумкин бўлган халқаро конвенциялар рўйхати

| Номи | Бажариш муддати | Асос |
|--|-----------------|---|
| Атроф-мухитга тааллукли масалалар бўйича ахборот олиш, қарорлар қабул қилишда жамоатчилик иштироки ва адолатли судга эришиш ҳақида конвенция (Орхус Конвенцияси) | 2007-2009 | Атроф-мухитга тааллукли масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш жараённига кенг жамоатчиликни жалб этиш. Қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш |
| Трансчегараий миқёсда атроф-мухитга таъсирни баҳолаш ҳақида конвенция (ЭСПО конвенцияси) | 2007 - 2009 | Келажакдаги харакатларнинг атроф-мухитга таъсири эҳтимолини олдиндан баҳолаш ва хисобга олиш |
| Саноат фалокатларининг трансчегараий таъсири ҳақида конвенция | 2007 - 2009 | Саноат фалокатларини иложи борича камайтириш хисобига бундай фалокатлардан инсонларни ва атроф-мухитни химоя қилиш |
| Қаттиқ органик ифлослантирувчилар ҳақида Стокгольм конвенцияси | 2007 - 2009 | Ўз-ўзидан кўпаядиган барча қаттиқ органик ифлослантирувчилар (яъни кимёвий моддалар ва пестицидлар)ни ишлаб чиқариш ва кўллашни чеклаш ёки олдини олиш. Диоксин ёки фуранлар каби ўз-ўзидан кўпаядиган КОИ ташланмаларини аста камайтириб бориш ва иложи бўлса, умуман, йўқотиш |
| Хавфли кимёвий моддалар ва пестицидларнинг баъзи турлари билан халқаро савдо қилишда олдиндан ахборотли келишиш жараёни ҳақида Роттердам конвенцияси | 2008 - 2010 | Хавфли кимёвий моддалар ва пестицидлар билан боғлиқ таҳдидларни қисқартириш, бундай моддаларнинг одамлар соғлиғи ва атроф-мухитга салбий таъсири учун экспорт қилувчи ва импорт қилувчи давлатлар умумий жавобгарлигини ошириш |

81-жадвал. Ўзбекистон Республикасининг атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги битимлар рўйхати

| Т/р | Битим номи | Имзоланган сана | Олинган мажбуриятлар бўйича бажарилган тадбирлар |
|-----|---|--------------------------|--|
| 1 | Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Грузия Республикаси Ҳукумати ўртасидаги атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги Меморандум | 04.09.1995 й. Тошкент ш. | Грузияда ўтказилган бир нечта халқаро учрашувларда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси вакиллари иштирок этишди. Булар орасида 11.06.2006 йилдаги ВЕКЦА мамлакатларида табиатни муҳофаза қилишни бошқариш дастурларини амалга ошириш бўйича 8-йиллик учрашувни, 05.12.2006 йилдаги атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасидаги худудий режалаштириш масалалари бўйича учрашувни, 21.01.2008 йилдаги «ВЕКЦА мамлакатлари учун тоза ёнилғи ва транспорт воситалари» мавзусидаги Конференцияни келтириш мумкин. |
| 2 | Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Туркия Республикаси Ҳукумати ўртасидаги атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги Битим | 8.05.1996 й. Тошкент ш. | 1997 йилда Туркия Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш вазирилигининг ташкилий ҳамда БМТТДинг молижавий кўллаб-куватлашида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ходимлари Туркиядаги «Атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқарув ва чиқиндилар билан ишлаш» мавзусида 5 ойлик стажировкада катнашишди. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан «Тетрагон» турк фирмасига Орол денгизи муаммоларига бағишланган фильмни суратга олиш ва буклет нашр қилишда амалий ва консультатив ёрдам берилди. 2007 йилда Туркия Халқаро Ҳамкорлик Агентлиги (TICA) ваколатхонаси кўмагида Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти томонидан Кастаному шахрида (Туркия) |

| Т/р | Битим номи | Имзоланган сана | Олинган мажбуриятлар бўйича бажарилган тадбирлар |
|-----|---|-----------------|---|
| | | | ташкил этилган «Экотуризм усуллари» мавзусидаги семинар ишида қатнашди. Семинар иши жараёнида экотуризмни ривожлантириш муаммолари ва семинарда қатнашган турли мамлакатларда экотуризм усули ва уни ташкил этиш тажрибаси мухокама этилди. Миллий боғларни ташкил қилиш ва фаолиятини юритиш масалалари кўриб чиқилди ва ҳ.к. |
| 3 | Бир тарафдан Ўзбекистон Республикаси ва иккинчи тарафдан Европа Иттифоки ва унга аъзо бўлган давлатлар ўртасидаги шерикликни тасдиқловчи ҳамкорлик хақидаги Битим | 06.1996 й. | <p>ЕИ билан ҳамкорликни такомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 22.03.2004 й.даги 134-сон «Ўзбекистон Республикасининг ЕИ ва унга аъзо мамлакатлар билан ҳамкорлигини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.03.2008 й.даги ПФ-18-сон «Ўзбекистон Республикасининг ЕИ ва унга аъзо мамлакатлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Юқорида айтилган ҳужжатлар моддаларини бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан қўйидаги тадбирлар амалга оширилди.</p> <p>ЕИ стандартларига мос холда Ўзбекистон учун чиқиндиларни бошқариш бўйича миллий стратегия ва ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш масаласига кўра 2005-2006 йилларда:</p> <ul style="list-style-type: none"> - барча турдаги чиқинди турлари - саноат, машиий, тиббий, қишлоқ хўжалиги ва бошқалар бўйича республикада мавжуд тизимнинг фаолияти ўрганилди ва таҳлил этилди. Уларга кўра ҳисоботлар тайёрланиб, мазкур ҳисоботлар бўйича Чиқиндиларни бошқариш Миллий стратегияси ва Ҳаракалар режасининг лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан кўриб чиқилмоқда. Шунингдек ҳисоботлар натижалари бўйича ягона компьютерлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилди; - Европа, Америка, МДХ, Осиё-Тинч океанининг бошқа етакчи мамлакатларининг чиқиндиларни бошқариш тизими фаолияти бўйича шарҳ тайёрланди. Шарҳ натижалари асосида республикада қўлланиш учун тавсиялар тайёрланди. Бу тавсиялардан Чиқиндиларни бошқариш Стратегияси ва Миллий дастурини тузиш учун ресурс ҳужжатлари сифатида қўлланилди. Шарҳ ҳисоботлари босмадан чиқарилиб, мутахассислар орасида тарқатилди. <p>Стратегияни ишлаб чиқиш билан бир вақтда ҳокимликлар ва саноат секторини стратегияни амалга оширишга тайёрлаш бўйича нишона лойиҳалари амалга оширилди. Навоий ва Бухоро шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мавжуд чиқиндиларни бошқариш тизимини яхшилаш бўйича дастур бажарилди. Ушбу дастур доирасида лойиҳа томонидан 2 та чиқинди машинаси, куруқ ва органик чиқиндилар учун 100 та контейнер харид қилинди. Мазкур шаҳарларда чиқиндиларни тўплаш, ташиш ва утилизациялаш жараёни ўрганилиб, имкон борича яхшиланмоқда. Чиқиндилар шаклланниши ҳажмини камайтириш бўйича ҳаракатларни рағбатлантириш максадида маҳаллалар, кўп қаватли уйлар ва тарбия-таълим муассасаларида «Машиий</p> |

| Т/р | Битим номи | Имзоланган сана | Олинган мажбуриятлар бўйича бажарилган тадбирлар |
|-----|------------|-----------------|--|
| | | | <p>чиқиндиларни энг яхши ажратиб тўплаш» танлови ташкил этилди. Нишона лойиҳалари натижаларига кўра замонавий ёндашувлар ва усулларни хисобга олган ҳолда майший чиқиндиларни бошқариш бўйича қўлланма тайёрланди. Мазкур ҳужжат республиканинг манфаатдор вазирлеклари, идоралари, ҳокимликлар ва маҳсус ташкилотлари орасида тарқатилди. Саноат секторини стратегияни амалга оширишга тайёрлаш мақсадида, Европа Иттифоқининг ТАСИС дастури доирасида Навоий кон-металлургия комбинатининг 1-гидрометаллургия заводи ва Машинасозлик заводи билан биргаликда чиқиндиларни бошқариш масалалари бўйича саноат секторини ўз-ўзини баҳолаш ва аудит қилиш жараёнлари бўйича қўлланма ишлаб чиқилди ва синалди. Мазкур ҳужжат замонавий ҳалқаро талаблар, хавфли чиқиндиларни трансчегаравий ташиш ва кўмиш хақидаги Базель конвенцияси, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонуни талабларини хисобга олган ҳолда тайёрланган. Ўз-ўзини баҳолаш ва аудит қилиш жараёнлари саноат чиқиндиларининг барча жабхалари, хусусан, шаклланиши, тўпланиши, ташилиши, утилизацияланиши, кўмилишини, шунингдек бу соҳадаги табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари ва бошқалар мавжудлигини қамраб олади.</p> <p>Бундан ташқари лойиҳа доирасида турли тадбирларни ташкил қилиш йўли билан аҳоли хабардорлигини ошириш бўйича ишлаб бажарилди. Лойиҳани бажариш жараённада Тошкент, Бухоро, Навоийдаги саноат корхоналари, ҳокимликлар, фуқаролар маҳалла йигинлари, коммунал хизматлари вакиллари учун чиқиндиларни тўплаш, ажратиш, ташиш, утилизациялаш ва кўмишга тўғри ёндашувни шакллантириш бўйича қатор ўқув семинарлари ўтказилди. Лойиҳа «Микротуманларида майший чиқиндиларни энг яхши ажратиб тўплаш учун» танловидан ташқари, ўқувчилар орасида «Энг яхши шарҳли расм учун» республика танлови ҳам ўтказилди.</p> <p>ЕИ 2004 й. стандартларига мувофиқ маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш бўйича атроф-муҳит ифлосланиши ва ҳужжатларни меъёrlаширишнинг тармоқ стандартларини ишлаб чиқиш масаласига кўра Ўзбекистоннинг қўйидаги давлат стандартлари ишлаб чиқилди ва қонуний тартибида «Ўзстандарт» агентлигига рўйхатга олинди;</p> <p>O'zDst 11/1:2005 «Ўзбекистон Республикаси экологик сертификатлаштириш давлат тизими. Маҳсулотларни экологик сертификатлаштириш қоидалари»;</p> <p>O'zDst 11/2:2005 «Ўзбекистон Республикаси экологик сертификатлаштириш давлат тизими. Чиқиндиларни экологик сертификатлаштириш қоидалари».</p> <p>«СувГЕО» ТошИТИ билан ҳамкорликда қўйидаги меъёрий раҳбарлик ҳужжатлари ишлаб чиқилди:</p> <p>РХ. Оқава сувлар билан ифлослантирувчи моддаларни ташлашнинг рухсат этилган чегаравий ташланмалари (РЭЧТ) меъёрлари ва маҳсус сувдан фойдаланиш рухсатномаларини (МСФР) ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби;</p> |

| Т/р | Битим номи | Имзоланган сана | Олинган мажбуриятлар бўйича бажарилган тадбирлар |
|-----|---|-----------------|---|
| | | | <p>РХ. Чиқиндиларни жойлаштириш чегарасини белгилаш бўйича услугий кўрсатмалар;</p> <p>РХ. Ишлаб чиқариш чиқиндиларни инвентаризация қилиши ташкил этиш ва ўтказиш тартиби.</p> <p>2004-2008 йилларда ЕИ ва донор давлатлар маблагларини жалб этиб Марказий Осиё минтақаси мамлакатларининг трансчегаравий худудларида тоғ жинслари қолдик омборхоналари ва отваллари майдонларини реабилитациялаш дастурларини амалга ошириш масаласи бўйича.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси ва Евropa Иттифоқи ўртасидаги Шериклик ва ҳамкорлик ҳақидаги Битими амалга ошириш бўйича Асосий ташкилий чоралар комплекс дастурига мувофиқ Қирғизистон Республикаси худудидаги Майлуу-Суу ш. зонасида жойлашган тоғ жинслари қолдик омборхоналари ва отвалларидан радиоактив ифлосланишнинг олдини олиш муаммоларини ҳад қилиш учун 2004-2008 йиллар даврига лойиҳа таклифи ишлаб чиқилди ва ТАСИСга тақдим этилди.</p> <p>2006-2008 йилларда ЕИга аъзо мамлакатлар иштирокида атроф-муҳит ҳолатини мониторинг қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш тизимини ривожлантириш.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси раҳбарлигида тегишли вазирлик ва идоралар томонидан 2006-2010 йилларга Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитни мониторинг қилиш дастури ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.03.2006 й.даги 48-сон қарори билан тасдиқланди. Атроф табиий муҳитни мониторинг қилиш ишлари мазкур Дастурга мувофиқ олиб борилмоқда.</p> <p>2005-2006 йилларда Қаттиқ органик ифлослантирувчилар бўйича Стокгольм конвенциясига кўшилиш масаласи ишлаб чиқилди.</p> <p>2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси тегишли вазирlikлар ва идоралар билан Қаттиқ органик ифлослантирувчилар ҳақидаги Стокгольм конвенциясига Ўзбекистоннинг кўшилиши мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги масалани кўриб чиқди ва материаллар тегишли тартибда Ўзбекистон Республикаси ТИВга тақдим этилди (10.08.2005 й.даги 21-875-сон билан). Ўзбекистон Республикаси ТИВ томонидан материаллар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига берилди (11.10.2005 й.даги 05/17371-сонли ТИВ хати). Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 12.02.2008 й.даги 02/15-283-сонли топширикномасини бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли департаментига Ўзбекистоннинг мазкур конвенцияга кўшилиши мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги ахборотни жўнатди.</p> |
| 4 | Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Қирғизистон Республикаси Хукумати ўртасидаги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги Битим | 24.12.1996 й. | <p>Тоғ жинслари қолдик омборхоналари ва отваллар билан боғлик муаммоларни ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси мутахассисларидан тоғ жинслари қолдик омборхоналари ва отвалларни реабилитациялаш бўйича доимий ишлайдиган ишчи турухлар ташкил этилди.</p> <p>Ўзбекистон Республикасининг «Қизилтепагеология» ДГК КГЭЭ мутахассислари томонидан Майлуу-Суу ш.</p> |

| Т/р | Битим номи | Имзоланган сана | Олинган мажбуриятлар бўйича бажарилган тадбирлар |
|-----|--|-----------------|--|
| | | | <p>(Қирғизистон Республикаси) зонасида тупроқ, ер усти сув оқимлари ва ўсимликларнинг радиоактив ифлослашишини ҳар йиллик баҳолаш, радиоактив чиқиндилар ва яқин майдонларни гамма-съёмкасини олиб бориш, қолдик омборхоналари устидаги радон эсхоляциясими шаҳар ва унинг атрофидаги қўргонларнинг қатор биноларида унинг таркибини ўлчаш режалаштирилган. Аввал бажарилган Майлуу-Суу дарёси ва унинг ирмоқларидан олинган сув пробаларини баҳолашда фонга нисбатан уран ва радий таркиби 10 баравар юқорилиги аникланган. Бунда сўнгги вақтда Қирғизистон Республикаси худудига киришнинг иложи бўлмаганлиги сабабли баҳолаш амалга оширилмади.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик бўйича Кўшма Хукуматлараро Комиссиянинг олтинчи ийғилиши Протоколига мувофиқ Майлуу-Суу дарёси зонасида қолдик омборхоналарини рекультивациялаш ва реабилитациялаш лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун бошлангич маълумотларни олиш, объектлар ташкил қилиш ва трансчегаравий таъсир кўрсатаётган техноген объектлар экологик ҳолатини тадқиқ этиш мақсадида ишлар давом эттирилмоқда. Жаҳон банкининг Қирғизистон Республикасида амалга оширилаётган «Майлуу-Суу қолдик омборхоналарини реабилитация қилиш лойиҳаси» доирасида кейинчалик консервациялаш ва йўқотиш мақсадида қолдик омборхоналари, тоғ жинслари отваллари ва шламтўплагичларнинг бирламчи ва истиқболли объектлари рўйхатини белгилаш бўйича ишланмалар қилинди, шунингдек Қирғизистон Республикаси ФВВ томонидан (халқаро грантлар бўйича) амалга оширилаётган «Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш» лойиҳаси доирасида «Тектоник» кўчмасининг бир қисмини камайтириш бўйича «Норингидроэнергокурилиш» ОАЖ обьектида асосий ишлар бажарилди, 23 та қолдик омборхонаси ва 13 та тоғ отвалини реабилитация қилиш стратегияси тайёрланди. Ҳозирги пайтда қолдик омборхоналарини юритиши бўйича талабларнинг ягона бирхиллаштирилган халқаро тизимини, худуд тузилишининг геологикхусусиятлари ва чиқиндилар таркибини ҳисобга олган ҳолда назорат қилиш тизимларини ишлаб чиқиш мўлжалланган.</p> |
| 5 | Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Қозогистон Республикаси Хукумати ўртасидаги атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги Битим | 02.06.1997 г. | <p>2006 йил майда Ёввойи хайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини муҳофаза қилиш бўйича конвенция доирасида Ўзбекистон «Сайғоқни сақлаб қолиш, тиклаш ва ундан баркарор фойдаланиш бўйича ҳамжиҳатлик ҳақидаги Меморандум»ни имзолади (ареал мамлакатлари: Ўзбекистон, Туркманистан, Қозогистон, Россия). 2007 йилдан бошлаб Қозогистон томони ташабbusи ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ келишуви билан «Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Қирғизистон Республикаси Хукумати ўртасидаги сайғоқларни муҳофаза қилиш, тиклаш ва фойдаланиш бўйича Битим» лойиҳаси имзолаш учун ишлаб чиқилмоқда.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан экологик сертификатлаш, стандартлаштириш ва меъёrlаштириш тизимида ишлайдиган мутахассислар билимлари ва жавобгарли-</p> |

| Т/р | Битим номи | Имзоланган сана | Олинган мажбуриятлар бўйича бажарилган тадбирлар |
|-----|--|-----------------|--|
| | | | <p>ги даражасини ошириш масалаларига катта эътибор берилмоқда. 2007 йил июнь ойида Тошкент шаҳрида «Ўзбекистон Республикаси корхоналарида сифат менежментининг долзарб муаммолари ва ИСО ҳалқаро стандартлар негизида сифатни бошқариш тизимларини жорий қилиш истиқболлари» мавзусида семинар-кенгаш бўлиб ўтди, унда Сифат менежерлари ва аудиторлари ҳалқаро уюшмаси (Қозогистон), «Интерсерт Консалтинг» МЧЖ (Ўзбекистон), ДН «Inter Cert Register Tashkent» (Ўзбекистон) мутахассислари қатнашиши ва «Ўзстандарт» агентлиги мутахассислари, Сифат менежерлари ва аудиторлари ҳалқаро уюшмаси (СМАХУ) президенти, TUV CERT (Германия) аудитори, «Интерсертификат – Центр Азия» Қозогистон-Россия КК консультантларининг маъruzалари тингланди.</p> <p>Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракатлар Минтакавий режаси доирасида тикланувчи энергия манбалари бўйича барча қўшни мамлакатлар, жумладан Қозогистон билан ҳамкорлик назарда тутилган. Бу тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича технологияларни ишлаб чиқищдаги қўшма фаолиятни фаоллаштиришга ҳам тааллуқли.</p> |
| 6 | Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Хитой Ҳалқ Республикаси Ҳукумати ўртасидаги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги Битим | 11.12.1997 й. | <p>Мазкур Битим доирасида 2004 йил 24-27 августларида Пекин шаҳрида З кишилик (Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси 2 мутахассиси ва ТИВ 1 ходими) Ўзбекистон Республикаси делегацияси ташриф билан бўлишиди. Таширif XXR Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат бошқармасининг (АММҚДБ) ташаббуси ва таклифи билан Ўзбекистон Республикаси ТИВ ва Ўзбекистон Республикасининг XXRдаги элчихонаси кўмагида уюштирилди. Мазкур ташриф Битимни бажариш доирасидаги биринчиси бўлиб, икки давлат табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик, дўстлик ва ҳамкорликни ўрнатишга қаратилди.</p> <p>2005 йил 15-18 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан 14.09.2005 й.даги 03/21-36-сон билан тасдиқланган дастурига мувофиқ XXR АММҚДБ З кишилик делегациясининг Ўзбекистон Республикасига жавоб ташрифи бўлиб ўтди. Мазкур ташриф натижаларига кўра Томонлар табиатни муҳофаза қилиш соҳасида икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, дўстона алокаларни фаоллаштириш, шунингдек тажриба алмашинишни ривожлантириш зарурлиги ҳақида умумий фикрга келишиди. Ушбу максадларда Томонлар Битим доирасида икки мамлакат учун долзарб бўлган экологик муаммоларни ҳал қилиш бўйича ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик ҳақидаги Меморандумни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибида келишилгандан кейин имзолаш ҳақида келишиб олишиди.</p> <p>2006 йил 4-8 августда XXR АММҚДБ таклифи билан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси Раиси раҳбарлигидаги ўзбек делегацияси Хитойга борди. Учрашувнинг асосий вазифаси мамлакатлар табиатни муҳофаза қилиш идораларининг раҳбарлари даражасида музокаралар олиб бориш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида тажриба алмасишиндан иборат.</p> |

| Т/р | Битим номи | Имзоланган сана | Олинган мажбуриятлар бўйича бажарилган тадбирлар |
|-----|--|--------------------------|--|
| | | | 2007 йил 3 ноябрда ХХР Давлат кенгаши Премьерининг Тошкентга расмий ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси ва Хитой Халқ Республикаси табиатни муҳофаза килиш давлат бошқармаси ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ҳақида Меморандум имзоланди. |
| 7 | Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Украина Вазирлар Махкамаси ўртасидаги атроф-мухитни муҳофаза килиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик қилиш хакида Битим | 19.02.1998 й. Киев ш. | <p>Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасидаги 1999-2008 йилларга Йқтисодий ҳамкорлик қилиш Дастурини амалга ошириш бўйича тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан: мамлакатлар халқаро мажбуриятларига мувофиқ экспорт назорати халқаро тартиблари доирасида фаолиятни мувофиқлаштириш масаласи бўйича: Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси тизимида давлат экологик сертификатлаш, стандартлаштириш ва меъёрлаштириш бошқармаси ишламоқда. Вазирлар Махкамасининг 19.04.2000 й.даги 151-сонли «Экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ҳудудидан олиб чиқиши тартибга солиш тўгрисида»ги карори ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Мамлакалар халқаро мажбуриятларига мувофиқ экспорт назорати халқаро тартиблари доирасида фаолиятни мувофиқлаштириш ҳамда экологик сертификатлаш, стандартлаштириш ва меъёрлаштириш соҳасидаги меъёрий-хуқукий базани такомиллаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Техник тартибга солиш тўгрисида»ги Қонун лойиҳаси тайёрланди ва кўриб чиқилмоқда.</p> <p>Аҳоли шоҳобчалари ва саноат корхоналарининг сувтаъминоти тизимларини куриш, майший ва саноат оқава сувларини тозалаш тизимларини, саноатда тақорор сувдан фойдаланиш тизимларини лойиҳалаштириш ва куриш, сув учун бургилаш күдукларини, бутун лойиҳа учун инфратузилма объектларининг сугориш тизимларини қуриш ва ободонлаштириш масалалари бўйича:</p> <p>Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси табиатдан фойдаланиш меъёр ва қоидаларига риоя этилишининг давлат назоратини амалга оширади, шунингдек объектларни кенгайтириш, қайта таъмирлаш, техник қайта жиҳозлаш ва янгиларини қуриш лойиҳаларининг давлат экологик экспертизасини ўтказади. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси идоравий муассасалари саноат ва майший оқава сувларини, шунингдек сугориш тизимларини тозалаш технологияларининг ишланмаларига ва уларни жорий қилиш тажрибасига эга бўлиб, мазкур объектларни лойиҳалаштириш ва куришда иштирок этишлари мумкин. Табиатни муҳофаза килиш объектларини лойиҳалаштириш, ускуналарни ва материалларни етказиш ҳамда қуриш масалалари бўйича. Табиий муҳит ифлосланишини тозалашнинг самарали технологияларини, шунингдек манбаларни назорат қилиш ва ифлосланишдан ҳимоялашни амалга ошириш ускуналари ва қурилмаларини кўллаш:</p> <p>Тоза тараққиёт механизми (ТТМ) доирасида 2001-2005 йиллар давомида янада тоза ишлаб чиқариш талабларига жавоб берадиган технологиялар бўйича қатор ўкув семинарлари ва танловвлар ўтказилди. 2005 йилда мукобил энергия манбаларидан (куёш, шамол,</p> |

| Т/р | Битим номи | Имзоланган сана | Олинган мажбуриятлар бўйича бажарилган тадбирлар |
|-----|---|----------------------------|---|
| | | | сув, шунингдек биогаздан) фойдаланиш технологияларини жорий қилиш лойиҳаларини ишлаб чикиш ва бажариш мақсадида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузурида «Эко-энергия» илмий-тадбикӣ маркази (ИТМ) ташкил этилди. «Эко-энергия» ИТМ ҳозирги пайтда Марказий Осиё мамлакатларида тикланувчи энергия манбалари бўйича кўшма ишларни амалга ошироқда, шунингдек Украинада ҳам шундай ишларни амалга ошириши мумкин. |
| 8 | 1998-2007 йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўргасидаги иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш ҳакидаги Шартнома | 12.10.1998 й. | <p>Сайфоқ кийигини сақлаб қолиш, тиклаш ва барқарор фойдаланиш бўйича ўзаро ҳамжиҳатлик ҳакидаги Меморандум ва Ҳаракатлар режаси имзоланган. Иштирокчи давлатлар: Россия, Қозогистон, Туркманистон ва Ўзбекистон (Россия ҳали имзолагани йўқ).</p> <p>Хавфли чиқиндиларни трансчегарашиб ташиш ва уларни йўқотиш утидан назорат қилиш Базель конвенциясининг Россия Федерациясидаги Минтақавий маркази билан «Хавфли чиқиндиларни трансчегарашиб ташиш ва уларни экологик хавфсиз бошқаришни мониторинг ва назорат қилиш соҳасида мавжуд миллӣ ва ҳалқаро қонунлар шарҳи»ни тайёрлаш бўйича ҳамкорлик давом эттирилмоқда.</p> <p>Россия Федерацияси Табиий ресурслар вазирлиги билан биргаликда МДҲни янада ривожлантариш концепциясининг лойиҳасини тайёрлашда қатнашмоқда. ЕврАЗЭС доирасида Россия Федерацияси Табиий ресурслар вазирлиги билан ҳамкорлик давом этмоқда.</p> <p>Хитой, Россия, Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон ва Тоҷикистон аъзо бўлган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида ШХТга аъзо давлатларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик Концепцияси лойиҳаси тайёрланмоқда.</p> <p>Ҳозирги пайтда «2008-2012 йилларга Россия Федерацияси Ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўргасидаги Иқтисодий ҳамкорлик Дастурига тадбирлар режаси» лойиҳасини ишлаб чикиш амалга оширилмоқда.</p> |
| 9 | Қозогистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси хукуматлари ўргасидаги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиши соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳакидаги Битим | 17.03.1998 й. Бишкек ш. | Барқарор тараққиёт давлатларо комиссияси (БТДК) доирасида барча кўшни мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш назарда тутилган. Ҳусусан, «Эко-энергия» минтақавий Марказини таъсис қилиш мўлжалланган, унинг бош идораси Тошкент шаҳрида бўлади. У экологик тоза тикланувчи энергия манбаларини ишлаб чикиш ва жорий қилиш бўйича Марказий Осиё мамлакатлари ишини мувофиқлаштириб туради. |
| 10 | Сайфоқ (<i>Saiga tatarica tatarica</i>) кийигини сақлаб қолиш, тиклаш ва барқарор фойдаланиш бўйича ўзаро ҳамжиҳатлик ҳакидаги Меморандум | 23.05.2006 й. | Мазкур Меморандумни амалга ошириш мақсадида ҳозирги пайтда Қозогистон Республикаси хукумати ва Ўзбекистон Республикаси хукумати ўргасида сайфоқни муҳофаза қилиш, тиклаш ва барқарор фойдаланиш бўйича Битим лойиҳаси ишлаб чиқилган. |
| 11 | Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Латвия Республикаси Ҳукумати ўргасидаги иқтисодий ва саноат ҳамкорлиги ҳакидаги Битим | 29.06.2006 й. Рига ш. | Жаҳон банкининг ижроия агентлиги Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бўлган «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари ишини такомиллаштириш» грантини амалга ошириш жараённида (2001-2004 й.) Латвия табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари ва компаниялари билан алоқалар |

| Т/р | Битим номи | Имзоланган сана | Олинган мажбуриятлар бўйича бажарилган тадбирлар |
|-----|---|---|---|
| | | | ўрнатилди. Ўзбекистоннинг табиатни муҳофаза қилиш идоралари, асосий саноат тармоқлари, йирик корхоналари, хусусий сектори ва ноҳукумат ташкилотларининг вакиллари бўлган 40 нафар мутахассис ўқитилди. Латвиянинг «Elle» фирмаси Ўзбекистон экологларини самарали экологик мененжмент ва энг яхши қулай технологиялардан (BAT) фойдаланиш тажрибаси билан таништириди. |
| 12 | 2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистон ўргасидаги иқтисодий ҳамкорлик хақида Шартнома | 03.10.2006 й. Тошкент ш.да имзоланди 04.12.2007 й.да кучга кирди | Мазкур Шартнома 2007 йил 4 декабрда кучга кирди. Мазкур Шартномага атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш соҳасида мамлакатларнинг икки томонлама ҳакорлик қилиш бўйича масалалар киритилган. Ушбу соҳадаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари қўйидагилардир: чўлланиш ва шўрланишга қарши курашиб бўйича фундаментал ва ёрдамчи илмий тадқиқотлар олиб бориш ва уларни ташкил қилиш, биохилма-хилликни сақлаб қолиш, Оролбўйи минтақасида салбий экологик оқибатларни юмшатиш. Мазкур Шартномани бажариш максадида 2008-2012 йилларга Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистон ўргасида иқтисодий ҳамкорлик дастури ишлаб чиқилган, унда шунингдек атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишни соҳасидаги ҳамкорлик йўналишлари акс эттирилган. Хусусан, қонунларни уйғунлаштириш, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишни меъёрий-хуқуқий тартибга солиш, атроф-мухитга таъсирни баҳолаш, табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш, экологик тоза, ресурсларни тежаш технологияларни ишлаб чиқиши ва жорий қилиш. |
| 13 | 2007-2011 йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Кирғизистон ўргасидаги иқтисодий, илмий-техник ва гуманитар ҳамкорлик хақида Шартнома | 18.10.2007 й. Тошкент ш.да имзоланди 03.02.2008 й.да кучга кирди | Мазкур Шартнома 2008 йил 3 февралда кучга кирди. Мазкур Шартномага атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш соҳасида мамлакатлар икки томонлама ҳамкорлиги бўйича масалалар киритилди. Мазкур Шартномани бажариш максадида 2007-2011 йилларга Иқтисодий, илмий-техник ва гуманитар ҳамкорлик Дастури ишлаб чиқилди. Унда шунингдек атроф-мухитни муҳофаза қилиш табиатдан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорлик бўйича йўналишлар акс эттирилган. Хусусан, қонунларни уйғунлаштириш, режалаштирилаётган фаолият кўшни худудларга таъсирини биргаликда баҳолаш, экологик тоза, ресурсларни тежовчи технологияларни ишлаб чиқиши ва жорий қилиш, атроф-мухит ҳолатини биргаликда экологик мониторинг қилиш. |
| 14 | Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумати ўргасидаги атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик қилишдаги ҳамжиҳатлик тўғрисидаги Меморандум | 17.03.2008 й. Абу Даби ш. | Мамлакатлар ўргасидаги мазкур Меморандум асосан йўқолиш арафасида турган биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш, тиклаш ва барқарор фойдаланишга йўналтирилган. Самарадорлигини ошириш максадида ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумати ўргасидаги атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик қилишдаги ҳамжиҳатлик тўғрисидаги Меморандумни амалга ошириш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилмоқда. |

| Т/р | Битим номи | Имзоланган сана | Олинган мажбуриятлар бўйича бажарилган тадбирлар |
|-----|--|--------------------------------|---|
| 15 | ШХТга аъзо давлатларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳақида Концепция | Ишлаб чиқиш жараёнида | 2005 йилда аъзо мамлакатлар томонидан ШХТга аъзо давлатларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича Концепцияни ишлаб чиқиш бошланди. Мазкур Концепция умумий лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ШХТга аъзо давлатларнинг табиатни муҳофаза қилиш идоралари эксперталарининг сўнгги йигилиши натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси вакиллари томонидан кўшимча таклифлар киритилди. |
| 16 | Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Словакия Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш вазирлиги ўргасидаги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш табиатдан оқилона фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битим | 11.05.1998 й. Братислава ш. | Мазкур Битимни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан 2004-2007 й. Словакия-Ўзбекистон ҳамкорлиги Дастурининг лойиҳаси ишлаб чиқилди ва 2003 йил ноябринда Словакия томонига юборилди. Икки мамлакат табиатни муҳофаза қилиш органлари ўргасидаги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш ва икки томонлама муносабатларни фаоллаштиришнинг асосий йўналишлари қуидагилардир: <ul style="list-style-type: none"> - сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича тажриба алмашиш ва технологиялар жорий қилиш; - тикланувчан энергия манбалари соҳасида тажриба ва амалиёт алмашиш; - ГИС технологияларни кўллаш бўйича тажриба ва ахборот алмашиш; - чиқиндиларни бошқариш ва Базель конвенциясини бажариш бўйича тажриба ва ахборот алмашиш. |
| 17 | Қозогистон Республикаси Табиий ресурслар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазири, Тоҷикистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш вазири, Туркманистон Табиатни муҳофаза қилиш вазири ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Раиси ўргасидаги Бухоро буғусини сақлаб қолиш бўйича ўзаро ҳамжихатлик ҳақида Меморандум | 18.09.2002 й. Бонн ш. | 2001 йилда WWF лойиҳаси бўйича Бухоро буғуси яшаш жойларини сақлаб қолиш бўйича Амударё ҳавзаси инспекцияси ташкил этилди, ҳозирги пайтга келиб у Амударё ихтисослаштирилган инспекциясига ўзгартирилди. <p>Мазкур Меморандум Низомларини бажариш мақсадида Бадай-Тўқай ва Қизилқум кўриқхоналарига қўшни ерлар ва кўриқхоналарнинг ўзида Бухоро буғуси яшаш жойларини муҳофаза қилиш бўйича катта ишлар бажарилди. Шунингдек аҳоли билан Бухоро буғусини муҳофаза қилиш бўйича экологик-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Ҳозирги пайтда WWF билан келишув мавжуд бўлиб, унга мувоғик WWF буғуни муҳофаза қилинда молиявий ва амалий ёрдам кўрсатади.</p> <p>Мазкур Меморандум доирасида 2005 йилда Зарафшон кўриқхонасидан 5 буғу чиқариб юборилди. Бадай-Тўқай ва Зарафшон кўриқхоналарида Бухоро буғуси ва унинг яшаш жойларини муҳофаза қилиш, шунингдек уни тиклаш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.</p> |
| 18 | Ўзбекистон Республикаси Давтабиатқўм ва «Emirates Birds Briding» хорижий сармояли МЧЖ ўргасидаги ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Битим | 07.04.2007 й. Тошкент ш. | Мазкур Битим низомларини бажариш мақсадида Бухоро вилоятида йўрға-тувалокни кўпайтириш бўйича питомник ташкил этилди. 2007 йилда мазкур питомнике инкубация натижасида 50 дан ортиқ йўрға-тувалоқ боласи олинди. Ҳозирги пайтда тухумларни тўплаш ва инкубациялаш бўйича ишлар давом этирилмоқда. |

| Т/р | Битим номи | Имзоланган сана | Олинган мажбуриятлар бўйича бажарилган тадбирлар |
|------------|---|--------------------------|--|
| 19 | Хитой Халқ Республикасининг Атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат бошқармаси ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўртасида табиатни муҳофаза қилиш ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш бўйича ҳамкорлик қилишда ўзаро ҳамжиҳатлик ҳақидаги Меморандум | 03.11.2007 й. Тошкент ш. | <p>Мазкур Меморандумни бажариш бўйича Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Ушбу Режага киритилган тадбирларни бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида электр ўтказгичлар ва трансформация бўйича XXРнинг етакчи компанияларидан бири ТВЕА вакили билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашув пайтида кейинги ҳамкорлик бўйича эҳтимолий йўналишлар муҳокама этилди. XXРнинг Ўзбекистон Республикасидаги Элчихонасига Ўзбекистонда биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва окилона фойдаланиш бўйича ахборот тусидаги ноширлик маҳсулотлари, хусусан, «Кўриқхоналар ва миллий боғлар» фотоальбоми, «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар» китоби, «Дараҳтларни асранг» ва «Ерни боқсанг, Ер сени боқади» плакатлари, «Желли Жем» ва «Ўзбекча-русчалигизча экологик луғат» китоблари, шунингдек «Экологическое право и охрана окружающей среды» рисоласи юборилди.</p> <p>XXР «Эксимбанки» вакиллари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан 2008 йил 11-12 марта Тошкент шаҳрида ташкил этилган «Орол муаммолари, уларнинг аҳоли, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генофондига таъсири ҳамда ҳалқаро ҳамкорликнинг улар оқибатларини юмшатиш бўйича чора-тадбирларни» мавзусидаги ҳалқаро конференция ишида иштирок этди.</p> <p>Шунингдек, XXРнинг Ўзбекистон Республикасидаги Элчихонаси вакиллари Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ташкил этиладиган атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасидаги матбуот конференциялари ва бошқа тадбирлар ишида иштирок этиши режалаштироқдалар. XXР Атроф-мухитни муҳофаза қилиш вазирлиги делегациясининг Ўзбекистон Республикаси ташрифини ташкил қилиш масаласи ишлаб чиқилмоқда.</p> |

XVI. Ўзбекистоннинг экотуристик салоҳияти

Кейинги йилларда жаҳон туризм индустриясида тематик саёҳатларга талаб ошиши кузатилиб, саёҳат учун бошқа асослар юзага келмоқда. Экотуризм соҳасида ҳаваскор ва касб билан боғлиқ туризм тармоғига бўлган қизиқишнинг ортиши саёҳатларни такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Жаҳонда туризмнинг энг истиқболли турларидан бири экотуризмдир. Экотуризмнинг ривожланиши табиатни муҳофаза қилиш, туристларни она табиатимизга жалб этиш, ноёб ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини саклаш ва кўпайтириш муаммоларини халқилишга катта хисса кўшади.

Ўзбекистонда экотуризм билан боғлиқ бўлган бетакор бўзул табиат, ландшафтлар, хилма хил ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий ёдгорликлар мавжуд. Бой табиий-иклим салоҳияти туристларга нафақат Тошкент вилояти ва Фарғона водийсидаги кўплаб ғорли тоғлар, музликлар ва кўлларни, балки Навоий ва Бухоро вилоятларидағи чўлларни, саҳроларни, воҳаларни таклиф этиши мумкин.

Экотуризмни ривожлантиришнинг яна бир ижобий томони шундан иборатки, унда юқори даражадаги хизмат кўрсатувчи меҳмонхоналар талаб қилинмайди. Табиат билан мулоқотда бўлиш учун палаткаларни жойлаштириш ва кемпингларни ўрнатиш кифоя. Бироқ, бошқа томондан қараганда, экотуризм юқори малакали мутахассисни, яъни ҳар бир гуруҳ учун эколог, туристларнинг ҳавфсизлигини таъминловчи ходими талаб қиласди. Бундан ташқари экологик турларни таклиф этувчи фирмаларнинг барча ҳаракатлари табиатни муҳофаза қилиш бўйича қонунчиллик талаблари асосида олиб борилиши керак.

Экотуризм соғлом ҳаёт тарзи шакли ҳамdir. Экологик турлар кўпинча спорт билан шуғулланиш, соғломлаштириш муолажаларини кўзда тутади. Ўзбекистон курортларининг соғлиқни тиклаш билан боғлиқлиги туристларни ўзига чорлайди. Аммо афсуски, улар спортнинг фаол турлари билан шуғулланишни кўзда тутмайди. Дарвоҷе, ушбу масалани туроператорлар билан эмас, кўпроқ соғлиқни саклаш хизматларини таклиф этувчи муассасалар маъмурияти билан ишлаб чиқиш зарур.

Экологик турлар туроператорлар томонидан алоҳида тур сифатида таклиф этилиши мумкин, масалан тоғли жойда яшаб табиат объектларини зиёрат қилиш ёки курорт меҳмонхоналарида яшовчилар учун қўшимча хизматлар сифатида кўриқхона зоналарга экспурсиялар, тоғ ёки кўлларга бир кунлик сафар уюштириш мумкин. Бундай аралаш турлар оммабоп ҳисобланади. Маданият, тарих ва табиатни ўрганишга қаратилган турлардан тушадиган фойда умуман туристик даромадлар ҳажмининг 15-23% ини ташкил этади.

Экологик туризм бу туризм индустриясининг маҳсус тармоғи бўлиб, у табиат худудларига зиён

етказмаган ҳолда ўрганиш унинг обьектлари ва ходисаларини тушунишга кўмаклашади ва айнан ушбу обьектлар ва ходисаларнинг мавжудлиги мазкур йўналишни ривожлантиришни тақозо этади.

Ўтган асрнинг 80-йиллари бошидан кенг жамоатчилик фикри ҳамда экологик дунёкарашнинг ривожланиши таъсирида саёҳатчиларнинг эҳтиёжларида ўзгариш кузатилди. Одамлар саратор иссиғи даврида табиий ўрмонларни, йирик шаҳар иншоотлари ўрнига маҳаллий аҳоли турар жойларини тобора ағзал кўришмоқда. Бу эса охирги ўн йиллик давомида экологик туризм шаклланганлигидан далолат беради. Экотуризм бутун туризм бозорининг 10 % дан ортигини ўз ичига қамраб олган, унинг ўсиш суръатлари эса бутун туризм индустриясининг ўсиш суръатларидан 2-3 марта юкорироқдир. Гарб мамлакатларида экологик туризм дам олиш ва билим олишининг саёҳат ҳақи қиммат шакли бўлишига қарамай юз минглаб одамлар унга пул сарфлашга тайёр.

Экологик туризмнинг анъанавий туризмдан фарқи табиат худудларига зиён етказмаган ҳолда ўрганиш, табиий ходисаларни тушуниш, табиатда фаол дам олишга интилган туристларнинг устувор қизиқишлиари дадир. Туризмнинг бу турида анъанавий хордик чиқариш ва майший қуайликлар иккинчи даражали бўлади.

Экологик туризмнинг маъноси ҳанузгача тўла очиб берилмаган бўлса ҳам дунёнинг кўплаб мамлакатларида оммабоп бўлиб қолди. Бу ҳолат авваламбор экология ва туризмнинг тамойиллари ва мақсадлари доим ҳам бир бирига мос бўлмаслиги билан боғлиқ. Замонавий туризм сайёҳлар ўз эҳтиёжларини қондиришни табиатни асрashedan устун қўйишилари сабабли атроф-муҳит муҳофазасига салбий таъсири кўрсатмоқда.

Экологик туризмнинг бир неча атамалари мавжуд:

турестларни экологик тарбиялаш ва ўқитиш мақсадида қилинадиган саёҳатлар;

табиатда экологик мувозанатни ушлаб туриш учун инсон цивилизацияси тегмаган табиатнинг экологик тоза худудларига йўналтирилган саёҳатлар;

инсоннинг хўжалик фаолиятидан муҳофаза қилинган табиий худудларга йўналтирилган саёҳатлар.

Экологик туризм учун нисбатан табиатга зиён етказилмаган худудлар - «ёввойи табиат» керак. Табиатни ўрганиш чоғида туристларда уни асрash зарурлиги туйғуси ҳосил бўлади. Туристлар ёввойи табиатни, аҳолининг анъанавий ҳаёт тарзи ҳамда унинг маданияти ва этнографик хусусиятларини тиклаш ва асрasheda иштирок этадилар.

Экотуристларнинг асосий мақсади барча кўринишдаги табиат, яъни ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, маҳаллий аҳолининг яшаш муҳити ва тур-

муш тарзи билан бевосита танишишdir. Айнан шу нарса шаҳарлардаги ҳар қунги ҳаёт тартибидан чарчаган, ҳаво ва сув ифлосланиши ҳамда шовқин ва ижтимоий можароларнинг салбий таъсирини доим сезиб юрган туристларни ўзига чорлади.

Экологик туризм тушунчаси кенг қўламда ишлатилиди ва шу борада уч асосий гурухга ажратиш мумкин:

Экологик тоза жойларда, миллий паркларда, кўрикхоналарда дам олиш. Экологик турларнинг аксарияти ушбу мақсадда ташкил этилади. Улар ёрдамида миллий паркларнинг моддий фондлари тузилади ва сакланади.

Ёввойи табиат, йўқолиб бораётган ҳайвонлар ва ўсимликлар хакида ўргатувчи дастурлар. Шунингдек улар экологларнинг ёрдамига муҳтож бўлган табиий зоналарни моддий томондан мустахкамлаш учун ташкил этилади.

Фаол дам олиш. Дам олувчиларнинг табиатга ёрдам бериш муйян лойихалари бўйича бевосита иштирок этиши. Бундай иштирок лойихаларнинг ҳажми ва мураккаблигига қараб турли шаклларда бўлиши мумкин. Яъни дам олувчи турда қатнашаётгани учун ўзи тўлаши мумкин ёки унинг меҳнати учун тўлов бўлиши мумкин ёки кўнгиллилик асосида тўловсиз, аммо турар жой ва овқатланиш учун тўламасдан ҳам қатнашиши мумкин.

Бунда экологик туризм куйидаги асосий функцияларни бажариши шарт:

- экологик мувозанатни таъминлаш, яъни атроф-мухитга зарар етказмаслик;
- экологик савияни ва таълимни ошириш;
- маҳаллий маданий муҳитни асрашга ғамхўрлик қилиш;
- экологик самарали ва минтақаларнинг барқарор ривожланишини таъминловчи бўлиш.

Экотуризм, шунингдек мамлакатга маҳаллий ва хорижий туристларни ва сармояларни жалб қилишининг истиқболли йўлларидан бири ҳисобланади. Демак, Ўзбекистон учун оптималь экотуризм стратегиясини яратиш – бу кейинчалик янги иш жойларини яратиш ва ноёб обидаларни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш учун маблағларга эга бўлиш демакдир.

Мамлакатимиз бутун дунёга ўзининг минерал ресурслари, ландшафтларининг гўзаллиги ва хилма-хиллиги, тирик табиат бойликлари, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг хилма-хиллиги ҳамда қулай табиий-икълим шароитлари билан танилгандир.

Ўзбекистон иқлим шароити бўйича дунёдаги энг машҳур курортлар бўлмиш Ўрта Ер денгизи ва Калифорниядан олдинги ўринда туради. Мамлакатнинг деярли барча вилоятлари оммавий табиий туризм марказлари бўлиши мумкин.

Мамлакатимиз бўйлаб саёҳат қилиш бир вақтнинг ўзида иккита вазифани бажариши мумкин: табиат ҳудудларига зиён етказмаган ҳолда илмий ўрганиш ҳамда табиатнинг бетакор жалб этувчи жойларида масъулият билан саёҳат қилиш. Экотуризм чогида энг қизиқарли минераллар кўриниши, захиралар ва Ўзбекистоннинг палеонтологик ҳайкаллари, унинг бой флора ва фаунаси билан та-

нишиш мумкин. Табиий ўсимликлар ва ўрмонлар сахро ва чўллар ҳудудларининг 85% ни, тоғларнинг 13% ни қамраб олади, аммо илгари ўсимликлар билан қопланган водийларда ва дарё соҳилларида эса 2% қолди, холос. Ўзбекистонда экотуризмнинг имтиёзли томони шундаки, саёҳатларни деярли бутун йил давомида ташкил этиш мумкин. Баҳорда саҳролар ва чўллар ўта чиройли, аммо ёз бошида ўсимликлар қурий бошлайди ва манзара бир ранги бўлиб зерикарли бўлиб қолади. Бироқ шу вақтнинг ўзида мамлакатимизнинг тоғ тизимларида дам олиш қизиқарли бўлади.

Ёзда хилма-хил ўтлар ўсади ва оромбахш шамоллар эсади. Саёҳатлар тоғ ва чўллар, тошли ва кумли саҳроларда бўлади. Экотуризм авваламбор миллий паркларда, шунингдек ихтисослашган муассасаларда муваффақиятли ривожланиши мумкин. Республика измизда бундай парклардан иккитаси мавжуд: Зомин миллий парки ва Угам-Чотқол давлат миллий парки.

Миллий паркларда кўрикхона ҳудудидаги флора ва фаунани ўрганишга қаратилган иш олиб борилади. Олинган натижалар ходимларга ҳудуднинг экологик ҳолатини жиддийроқ кузатишга имкон яратади. Табиий салоҳиятни ўрганишдан ташқари, мазкур ҳудудларнинг маданий-тарихий ва этнографик салоҳиятини тадқиқ қилишга катта эътибор берилади. Ҳар бир бундай ҳудуд ўзининг бой тарихи, кимматли маданий меросига эга бўлиб, жиддий ва чуқур ўрганиш обьектига айланган.

Миллий парклардаги экотуризм ривожланиш даражасини кониқарли деб баҳоласа бўлади. Бироқ тегишили ривожлантириш чоралари билан, хокимият органлари ҳамда маҳаллий аҳолининг манфаатдорлиги орқали уни янада юкори даражага кўтариш мумкин. Масаланинг оқилона кўйилиши, сифатли хизматлар ва кенг реклама таъминоти Ўзбекистон экологик туризми кучга тўлиб қисқа муддат ичida ҳалқаро туристик бозорида мамлакатнинг обрўсини таъминловчи «визит карточки»га айланishiiga хизмат қиласди.

Туристларни жалб қилиш учун биринчи галда қулай хизмат кўрсатиш шароитларини яратиш, уларни қулай транспорт билан таъминлаш ва албатта Ўзбекистоннинг туристик салоҳиятини чет элда тарғиб қилиш зарур. Ўзбекистоннинг экотуристик имкониятларини тарғиб қилиш ва унинг биохилмачиллигига қизиқиш ўйғотиш учун қўмита томонидан қўйидагилар тайёрланган: «Кўрикхоналар ва миллий боғлар» фотоальбоми, «Ҳисор қўрикхонаси», «Сармишсой», «Жайрон экомаркази» ва «Бадай-тўқай қўрикхонаси» буклетлари. Шуни таъкидлаш керакки, мазкур нашрларда маълумотлар нафакат ўзбек тилида, балки хорижий туристларни жалб қилиш мақсадида рус ва инглиз тилларида ҳам берилди.

Ўзбекистонда экологик туризм ривожланиб борсада, унда кўпроқ табиатни истеъмол қилиш билан боғлиқ шакллар тарқалган (хусусан, овчилик, балиқчилик, рафтинг, треккинг, пикник), яъни туризмнинг шундай турлари, унда атроф-мухитдан тўғридан-тўғри фойдаланилади. Аммо уларнинг самараси миллий парклар учун жуда паст, чунки да-

ромадлар бузилган экологик мувозанатни тиклаш ва саклашга доим ҳам сарфланмайди.

Шу билан бирга, саёҳатларнинг атроф-муҳитни ўрганиш ва уни туристик сарф-ҳаражатлар ҳисобига кўллаб-кувватлашга қаратилган экологик шакллари ни ҳам ривожлантириш керак.

Үюшмаган, яъни «ёввойи» деб аталган туризм муҳофаза қиласидиган табиий ҳудудларнинг асосий муаммосидир.

Дам олиш уйлари, меҳмонхона, турбазалар, йўллар, муҳандислик тармоқларини қуриш билан боғлиқ барча лойиҳаларни экологик баҳолаш ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Туризм айниқса тоғли ва қийин етиб бориладиган жойларда маҳаллий иқтисодни кўтаришга хизмат килиши мумкин. Бунинг учун маҳаллий жамиятларни туристик жараёнларга жалб қилиш ҳамда керакли шароитлар, жумладан тегишли инфратузилмани (жойлаштириш воситалари, овқатланиш, алока, тиббий объектлар, куткариш хизматлари) яратиш лозим.

Табиат билан мулокот қилиш инсон учун овқат, уйқу ва дам олиш каби табиий эҳтиёждир. Дам олиш ва табиат билан мулокот қилиш уйғунлиги инсоннинг ҳаётий кучларини тиклашда энг яхши натижа беради ва у ўзини кашф этувчи деб ҳис қилишга ёрдам беради.

XVII. Хулоса

Экологик ҳавф ва муаммоларининг мажмусини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, экологик ҳавфсизликни таъминлашнинг қуйидаги уствор йўналишларини ҳамда экологик ҳавфни олдини олиш, тўхтатиш, барқарорлаштириш ва бартараф этиш бўйича 2008 йил ва ундан кейинги йилларга биринчи навбатдаги аниқ тадбирларни ишлаб чиқди:

1. Турли даражадаги давлат органлари ва табиатдан фойдаланувчиларнинг ўзар муносабатларидағи иқтисодий механизмни такомиллаштириш ва тадбиқ этишини давом эттириш, бошқарув қарорларини қабул қилишнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш жараёнига экологик талабларини киритиш;

Экологик ва иқтисодий сиёсатни самарали йўғунлаштирган ҳолда бозор тизимиға экологик кўрсатгичларни тадбиқ этиш ва табиатдан фойдаланувчиларнинг табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилишга қизиқтиришнинг иқтисодий механизmlарини яратиш (экологик маркетинг тизими ва ишлаб чиқаришни экологияга мувофиқлаштираётган ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан рағбатлантириш), табиий-ресурс салоҳиятини, атроф-мухитни муҳофаза қилиш, тиклаш ва қайта тиклаш учун молиявий ресурсларни бир ерда мужассамлаштириш ва ажратишни давом эттириш зарур;

2. Бутун республика худуди бўйича атроф-мухитнинг ифлосланиши даражасини экологик гигиена ва санитария меъёрларигача пасайтириш.

Мамлакатнинг экологик ҳавфсизлигига масъул бўлган вазирлик ва идораларнинг фаoliyatlарини мувофиқлаштириб, атроф-мухит ифлосланиши, табиий ресурслардан фойдаланиш ва чиқиндишларни утилизация қилиш устидан давлат назорати ва аналитик назоратни кучайтириш зарур. Шу мақсадларда, илм-фан ютукларини ва халқаро стандартларини ҳисобга олган ҳолда, атроф мухитни ифлослантирувчи манбаларни самарали тозалаш иншоотлари билан жихозлаш (қайта жихозлаш) тизимини ишлаб чиқиш лозим;

3. Табиий, шу жумладан сув, ер, минерал хомашё, биологик ресурслардан мақсадга мувофиқ ва комплекс фойдаланиш;

Ушбу мақсадларда табиий ресурслардан фойдаланишнинг мумкин бўлган экологик меъёр чегараларни аниқлаш асосида, экотизимларни барқарорлигини саклаб қолиш имконини берувчи табиатдан фойдаланиш жараёнининг бир маромда кечишига эришиш. Шу мақсадда, экологик ҳавфсизлик ва табиатдан барқарор фойдаланишнинг муҳим масалалари бўйича илмий изланишларни илдамроқ ривожланишини таъминлаш, янги авлод технологияларини, шу жумладан табиатни муҳофаза қилиш технологияларни ишлаб чиқиш, тадбиқ этиш ва қўллаш, табиатдан фойдаланиш ва атроф-мухитни сифатни режалаштириш ва бошқариш механизмини такомиллаштириш зарур;

4. Экологик мониторинг, башорат қилиш ва ахборотининг яхлит тизимини такомиллаштириш.

Фаолият кўрсатаётган мониторинг хизмати, кузатув ва назорат асосида замонавий ахборот технологиялари асосида Давлат экологик мониторинг тизимини такомиллаштириш ва унинг доирасида атроф-мухит ҳолатини, табиий ресурслардан фойдаланиш, аҳоли саломатлигини башорат қилиш ва баҳолашнинг комплекс тизимли ёндашуви амалга оширилади.

Экологик мониторинг соҳасига, шунингдек, атроф-мухитни муҳофаза қилиш тадбирларини бажарилишини назорат қилиш учун илмий тадқиқот институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, холис эксперктларни, халқаро ташкилотларни ва мутахасисларини фаол қилиш керак;

5. Оролбўйи - экологик оғат зонаси ва мамлакатининг бошқа экологик шароити кийин бўлган ҳудудларида, экологик ҳолатни барқарорлаштириш, тиклаш ва соғломлаштириш бўйича комплекс чораларини кўриш лозим.

Локал ва регионал даражада, айниқса экологик ҳавф-хатарли ҳудудларда табиий муҳит инқизози ортиб бориши доирасида табиатнинг ўз-ўзини барқарорлаштириш хусусиятларини тиклаш бўйича аниқ ишлайдиган дастур зарур.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 3 апрелдаги 162-сонли «Оролбўйи генофондини сақлаш хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида белгиланган тадбирларни рўёбга чиқариш:

- Оролбўйини экологик минтақалаштириш мезонларини ишлаб чиқиши ва атроф-мухитнинг таназзули харитасини тузиш;

- трансчегаравий муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил этиш мақсадида, Оролбўйи экотизимининг энг аҳамиятли ҳудудларини белгилаш;

- Орол бўйи минтақасида табиий муҳит ва ижтимоий аспектлар мониторинги бўйича, ГИС-тузилмасини яратиш ва ривожлантириш;

- Орол бўйи сугориладиган минтақасида, чўлланишга қарши кураш комплекс чораларини ишлаб чиқиш;

- флора ва фауна турлари (шу жумладан, ўта қимматли ва ўйқолиб бораётганлари) генофонди кадастрини, уларга антропоген таъсирни баҳолаш йўли билан тузиш;

- фотоэлементли электр энергияси ускуналарини ўрнатиш ишларини давом этиши;

- сув иситиш учун қуёш коллекторлари технологиясини яратиш ва жойида ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш керак.

6. Назорат хизматини такомиллаштириш ва республика ҳудудлари атроф-мухитининг трансчегаравий ифлосланишдан муҳофаза қилиши.

Назорат хизматини такомиллаштирилишини таъминлаш, республика ҳудудлари атроф-мухитининг

трансчегаравий ифлосланишдан ва табиий объектларнинг заҳарланишидан, шу жумладан, токсик, радиоактив моддаларнинг ва табиий манбалардан ионлаштирувчи нурланишнинг ўтиши, экологик хавфли технология ва маҳсулотларнинг олиб кирилишидан муҳофаза қилиш бўйича превентив комплекс чораларни кўриш лозим.

7. Экологик тоза ва ресурсларни тежайдиган технологияларни тадбиқ қилиш.

Саноат ва майший чиқиндилигини комплекс қайта ишлаш ва утилизациялаш Республика тармоғини ривожлантириш, мамлакат экологик хавфсизлигининг муҳим стратегик йўналишидир. Қайта тикланувчан энергия турлари (куёш энергияси, шамол энергияси ва бошқалар) технологияларини ишлаб чиқиш ва қўллаш, экологик хавфсиз ёқилғи ишлатишга, айникса транспортда тадбиқ этиш (бензинни газга алмаштириш ёки бошқа хавфсиз криоген ёқилғи турлари, темир йўлларни электрлаштириш ва бошқалар).

8. Илмий-техника салоҳиятни ривожлантириш ва фан ва техника ютуқларини экология соҳасида қўллаш.

Экологик хавфсизликнинг аниқ масалаларини ҳал қилиш йўлида, республиканинг илмий салоҳияти самарали ишлатилиши лозим ва ягона тизим доирасида экологик хавфсизлик ва барқарор табиатдан фойдаланишнинг энг муҳим масалалари бўйича илмий-техник тадқиқотларни олдиндан ривожланшини таъминлаш зарур. Сувни иқтисод қилган ҳолда, экологик тоза маҳсулотларни етиштириш имконини берувчи, қишлоқ хўжалиги экинларига ишлов беришнинг принципиал янги технологияларини шлаб чиқиш ўта мухимдир.

9. Экологик таълим, ахолининг маданияти ва тарбиялаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш.

Жамиятнинг экологик маданиятини ва мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини ошириш мақсадида, экологик таълим комплекс Давлат дастури асосида комплекс ва узулуксиз умумий экологик таълим ва тарбия тизими ўрнатилади. Бу борада, катта роль оммавий ахборот воситаларига ажратилади.

10. Экологик муаммоларни ҳал этишда, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликни чукурлаштириш.

Ўзбекистоннинг хавфсизлигига таҳдид солувчи ички ва травнсчегаравий хавфни аниқ белгилаш, уларнинг муракаблиги ва долзарблиги бўйича тоифалаш, харакатдаги ҳамда режалаштирилаётган ҳалқаро ташабуслар, дастур ва лойиҳаларни рўйхатлаш, са-марадорлигини баҳолаш йўли билан «Ўзбекистон - жаҳон ҳамжамияти» ўзаро ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш, бу йўналишнинг максади ҳисобланади.

Экологик хавфсизлик бўйича ҳақаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари иқлим ўзгаришини бартараф этиш, озон қатламини саклаш, Орол муаммоларини, Орол бўйи муаммоларини ҳал этиш, ландшафтларнинг чўлланишини олдинни олиш, худудларнинг трансчегаравий ифлосланиши бўйича чораларни белгилаш, сув ресурслари-

дан фойдаланишнинг минтақавий муаммоларини ҳал этиш, юкумли ва бошқа ўта хавфли касалликларнинг тарқалишини олдини олишдан иборат.

2008-2009 йилларда Ўзбекистон Республикаси-да атроф-муҳит ҳолати ва табиий бойликлардан фойдаланиши натижалари башорати

2008-2009 йиллар давомида сув ресурсларидан фойдаланиш меъёри 2007 йилга нисбатдан 7% га камаяди. Шу билан биргалиқда, 2008 йилда сувнинг айланма тизимда ишлатилиши умумий ҳажми 2006 йилга нисбатдан 10,4 млн. куб. м га ва 2007 йилга нисбатан 1,2 млн. куб. м га ошиши таҳмин қилинмоқда.

2009 йилда оқава сув ташламалари миқдори 11 783 млн. куб. м ни ташкил қилади, 2008 йилда эса 119,458 млн. куб. м ни ташкил қилиб, 2007 йилга нисбатдан 0,679 млн. куб. м га кисқаради.

Норматив тозаланган оқава сув миқдори 2009 йилда 1,36 млн. куб. м га, 2008 йилда эса 1,41 млн. куб. м га ортади. Бундай ҳолат, кўпгина оқава сув тозалаш иншоатларининг ишлаш самарадорлиги 50%дан паст, баъзилари эса иккиласми ифлосланиш манбалари бўлганлиги натижасида юзага келди.

Ресурсларни тежайдиган сув таъминоти тизими 2007-2008 йилларда Фарғона ИЭМда режалаштирилмоқда, кул ташлаш сигими фильтрланишга қарши қоплама билан қопланган ва кулни қуввати бир кечакундузда 3,942 минг куб. м сув билан чиқарип ташлаш айланма сув тизими ишга туширилади.

2008-2009 йилларда Бухоро, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида умумий қуввати бир кечакундузда 2273 минг куб. м бўлган оқава сувларни тозалаш иншоатларини, Жиззах ва Фарғона вилоятларида умумий қуввати соатига 33,4 минг куб. м ташла наётган газларни тозалаш иншоатлари куриш баshoreт қилинмоқда.

2007 йилда ишга тушган заарли чанг-газларни тозалаш иншоатлари қуввати соатига 48,4 минг куб. м газни, 2008 йилда соатига 43,2 минг куб. м газни, 2009 йилда соатига 49,1 минг куб. м газни тозалаш билан баҳоланмоқда.

Натижада, баҳоларга кўра, муқим манбалардан ташланган тутиб қолинган ва зарарсизлантирилган ифлослантирувчи газларни миқдори 2007 йилда 1686,6 минг т ни, баshoreтлар бўйича 2008 йилда 1524,8 минг т ни ва 2009 йилда 1695,9 минг т ни ташкил этади.

Ҳаракатланувчи манбалардан 2006 йилда транзит юқ ташишни ҳисобга олган ҳолда ташланган ҳақиқий ташламалар миқдори 1377,6 минг т ни ташкил қилди ва 2007 йилда 5,9 минг т га камайтирилди.

2007-2008 йилларда атмосфера хавосига ташла наётган заарли моддалар миқдори, автотранспорт воситаларини газ ёқилғисига ўтказилишини ҳисобга олган ҳолда белгиланган. 2007 йилда 19,5 минг дона автотранспорт воситаси газ ёқилғисига қайта жиозланган ҳамда 2008-2009 йилларда 29,5 мингдан ортиқ автотранспорт воситалари газ ёқилғисига қайта жиҳозланиши режалаштирилган. Натижада,

2008-2009 йилларда харакатланувчи манбалардан ташланаётган заарли моддалар миқдори 4,9 минг та га камайиши кутилмоқда.

2008 йилда айрим вилоятларда ер ости бойлик-ларининг ўзлаштирилиши ҳисобига, рекультивация қилинган ер майдонлари, масалан Қашқадарё вилоятида 1741,2 гектарга ортиши кутилмоқда.

2008-2009 йилларда Орол денгизи тубидаги кумларни ўрмонлаштириш 621 минг гектарни ташкил этади.

2006 йилда кишлоқ хўжалик экинларини зараркунандалар ва касалликлардан биологик усулда ҳимоя қилинган майдон ҳажмининг ортиши, қарийб барча вилоятларда ҳимояланган ер майдонларини ошиши билан боғлиқ бўлди.

2006 йилда йигилиб қолган саноат чиқиндилари, 38010,276 минг т ни, шу жумладан, Навоий вилоятида 34520 минг т ёки умумий миқдордан 98,8%ни ташкил килиб, 2007 йилда 9%га камайган. Шу билан биргаликда, Тошкент вилоятида йигилган саноат чиқиндилари 2005 йилга нисбатан 3,5% га камайиб, 1900 минг т ни ташкил этди. Саноат чиқиндилари миқдорини кискариши Олмалиқ шахридаги «Аммофос» ХЖда саноат чиқиндиси – фосфогипснинг иккиласмчи хомашё тоифасига ўтказилиши ҳисобига юз берди ва уни 2007 йилдан йилига 10,0 минг т кувватга эга ускунада қайта ишлана бошланди. 2008-2009 йилларда «Аммофос» ХЖда фосфогипсни қайта ишлаш ҳажмини йилига 300-350 минг т гача ошириш мўжалланмоқда.

2006 йилда, 2005 йилга нисбатан, заҳарли чиқиндилар хосил бўлиши 1744,4 минг т га пасайган

ва 38571,4 минг т ни ташкил этиб, 2008-2009 йилларда 8-9% гача пасайиши кутилмоқда.

2006 йилда муҳофаза этиладиган табиий худудлар майдони ортиб, ўтган йилга нисбатан 907 минг га га ошиди ва бу умумий миллий майдоннинг 4,6 % ўрнига, 5,2 %ни ташкил этди.

2008-2009 йилларда, муҳофаза этиладиган табиий майдонларини яна 1,51 млн. гектарга ошириш режаланмоқда (масалан, Нурота-Қизилқум биосфера резерватини, Устюрт ясси тоғларида муҳофаза этиладиган худуд ташкил этиш ҳисобига).

Қизил китобга киритилган, йўқолиб бораётган, камёб ҳайвонлар ва ўсимликларнинг, шу жумладан, кор коплони, қўнғир айик, силовсин, Мензбира суғури, қизил суғур, жайрон, лола ва бошқаларнинг популяцияси ортди.

Шунингдек, агар 2000 йил бошида кўриқхонадаги жайронлар сони 450-500 бошни ташкил этган бўлса, 2006 йилда уларнинг сони 850-870 бошга кўпайди. Пржевальский отлари сони 27 бош ўрнига 35 бошни, кулонлар 31 бош ўрнига 49 бошни ташкил килди.

2009 йилда жайронлар сонининг 1200-1250 бошга кўпайиши башорат қилинмоқда, «Сайхун» кўриқхонасида эса ёввойи ўрдаклар сони 600-650 тага, кулранг гозлар сони 17-25 тагача, цесаркалар 100-120 донага ортиши кутилмоқда. Ҳисор давлат кўриқхонасидаги ўтказилган ҳисобкитобларга қараганда, охирги беш йилда, ўта камёб ҳайвонлар популяцияси илвирс - 16 дан 19 бошга, силовсин – 84 дан 121 бошга ва айик-103 дан 158 бошга ортган.

**Ўзбекистон Республикасида атроф-мухит ҳолати ва табиий ресурслардан
фойдаланиш тўғрисида миллий маъруза - 2008**

«Chinor ENK» экологик нашриёт компанияси,
Тошкент ш., Сугаллий ота кўч., 5.

| | |
|---------------|-------------|
| Арт редактор | Ж. Азимов |
| Тех. редактор | Ф. Инагамов |
| Саҳифаловчи | С. Азизов |

Босишга руҳсат берилди 1.12.2008 й. Ўлчами 84x108 1/16.
Офсет усулида босилди. Гарнитура Таймс.
Ҳажми 18 б.т. Адади 1000. Буюртма №97.

Инд.П. «Федоренко И.М.» босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш. Кирққиз кўч., 10.